АРАСТУ

АГАР ТУЙҒУЛАР ПОКИЗА БЎЛСАЮ, УЛАРГА ҲУКМ ЎТКАЗАЁТГАН АҚЛ ЙЎЛДАН ОЗДИРУВЧИ БЎЛСА, ФАЗИЛАТГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ. ЧУНКИ ФАЗИЛАТ ЯХШИЛИККА БОШЛОВЧИ АҚЛ БИЛАН ПОКИЗА ТУЙҒУЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ. ШУНИНГ УЧУН АГАР ИНСОНДА ФАЗИЛАТ БЎЛСА, УНИ ЁВУЗ НИЯТДА ИШЛАТИШ СИРА МУМКИН ЭМАС.

◆

АРАСТУ

ПОЭТИКА
АХЛОҚИ КАБИР
РИТОРИКА

ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2015

1(38);808 Фалсафе
А74

УЎК: 94:001-84
КБК: 87(4Гре)
А – 74
Арасту
Арасту. Ахлоқи кабир. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015 йил. – 352 б.

ISBN 978-9943-27-202-2

Қадимиятнинг даҳо мутафаккири, устози аввал, Искандар Зулқарнайнга мураббийлик қилган Арасту (Аристотел) асарлари орасида «Магниа Моралиа» – «Ахлоқи кабир» алоҳида ўрин тутади.

Арастунинг бу ва бошқа асарларидаги ҳикматлар Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий каби Шарқ алломаларининг ҳам меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган. «Ахлоқи кабир» асарида барча замонлар ва барча инсонлар учун сув ва ҳаводай, қуёш нуридай зарур илми ҳикмат дурдоналарини топамиз, бу дурдоналар бизнинг маънавий оламимизни бойитади ва гўзаллаштиради.

Форобий, Беруний, Ибн Сино каби буюк Шарқ алломаларининг ҳам устози бўлган Арасту – Аристотелнинг (эрамиздан аввалги 384–322 йиллар) ижодий мероси ҳозиргача ҳам жаҳон фалсафий-эстетик тафаккури хазинасининг қимматли бойлиги саналади. Алломанинг «Поэтика» («Нафис санъатлар ҳақида») рисоласидан бизга қадар фақат баъзи қимматли парчаларгина етиб келган бўлиб, ана шу қисмлар ҳам ҳозиргача барча файласуф, санъатшунос, адабиёт назариётчиларининг асосий дастуриламали бўлиб хизмат қилади.

«Поэтика» ўзбек тилида илк марта 1979 йилда Иззат Султон таҳрири остида босилган эди. «Поэтика»нинг XIX–XXVI бобларини Уммат Тўйчиев, I–XVIII бобларини Маҳкам Маҳмуд таржима қилган.

«Ахлоқи кабир» ва «Риторика» М.Маҳмудов таржимасида берилмоқда.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
2016/9
3806

Уммат ТЎЙЧИЕВ ва Маҳкам МАҲМУД
таржимаси ва шарҳлари

Масъул муҳаррирлар:
Абдуҳафиз ЖАЛОЛОВ, фалсафа фанлари доктори
Нажмиддин КОМИЛОВ, филология фанлари доктори

Тақризчилар:
Тилаб МАҲМУДОВ, фалсафа фанлари доктори
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ, филология фанлари доктори.
Рашидхон ШУКУРОВ, филология фанлари номзоди.

ISBN 978-9943-27-200-2
© Арасту «Поэтика», «Ахлоқи кабир», «Риторика», «Янги аср авлоди», 2015.

УСТОЗИ АВВАЛ

Арасту – (милоддан аввалги IV аср) – барча замонларнинг олимлари учун устоз ҳисобланган буюк юнон файласуфларидан бири. Милоддан аввалги 384 йилда Эгей денгизи бўйидаги Стагир шаҳрида туғилган (шу туфайли гоҳо Арасту Стагирий дейилади). Эллада Иттифоқидан ажралиб чиққан бу мустақил шаҳар-давлат кейинроқ Македония таъсирига тушади. Арастунинг отаси Никомах табиблар наслидан бўлиб, Македония шоҳи Эминта III саройида хизмат қиларди.

Арастунинг отаси Македония шоҳининг ўғли Филипп II билан ўртоқ эди. Филипп II тахтга чиққач, Арасту унинг ўғли Искандарга мураббийлик қила бошлади. Арасту ўсмирлигида табобатда отасига ёрдам бериб юрар эди. 369 йилда 15 ёшли Арасту ота-онасидан етим қолди ва табиблик касбини тутди.

Отаси ўрнига мураббийлик, васийлик қилувчи Проксен йигитчанинг қизиқишлари доираси кенгайганлигини билиб, уни илм-фанлар маркази Афинага ўқишни давом эттиришга юборди.

Арасту 367 йилда Афинада машҳур Афлотун академиясига ўқишга кирди ва у ерда 12 йил Афлотун фалсафий мактабида шогирдликни ўтади. Сўнг шу академияда мударрислик қила бошлади. Афлотун шогирди Арасту билан фахрланарди ва уни бошқа, дангасароқ шогирди Ксенократга таққослаб, «Бунисини қамчи билан уриб туриш, унисининг жиловини тортиб туриш керак» дер экан.

347 йилда Афлотун вафот этгач, Арасту унга бағишлаб марсия ёзди. Афлотуннинг билимсизроқ жияни (Спевсипп) Академияга раҳбар бўлиб қолгач, Арасту дўсти Ксенократ билан Афинани тарк этдилар.

Шундан сўнг Арасту кичик Осиёдаги Ассос шаҳрига келиб қолади. Бу ерда Афлотуннинг икки шогирди маҳаллий ҳоким Гермийга фалсафадан устозлик қилар эдилар. Арасту ҳам улар сафига қўшилди. Бу ерда у билимларини чуқурлаштирди ва ҳоким Гермийнинг жияни Пифайага уйланди. Уч йилдан сўнг у оиласи билан қўшни Лесбос оролидаги Митиленага кўчиб келди. Бу орада Ассос ҳокими Гермий Македонияга содиқлиги учун форслар қўлида қаҳрамонларча шаҳид бўлди. Эллада қаҳрамони сифатида унга Дельфада ҳайкал ўрнатилди, Гермий ўлими олдидан файласуф дўстларига мактуб юбориб, фалсафага, адолатга заррача хиёнат қилмаганлигини билдирди. 340 йилларда Арасту Македония пойтахти Пеллага Филипп II томонидан таклиф этилиб, 13 ёшли Искандарга мураббий этиб тайинланди.

Арасту Искандарни Ҳомернинг «Илиада» достонида куйланган қаҳрамонликлар руҳида тарбиялади. Кейинчалик Искандар «Мен Арастуни отам қатори ҳурматлайман, чунки отам менга ҳаёт берди, Арасту ҳаёт қадриятларини берди», деган экан. 339 йилда Искандар отаси қатори подшоҳ бўлгач, Арасту она шаҳри Стагирга қайтди. Филипп II вақтидаги урушларда вайрон этилган бу шаҳарни Искандар устози ҳурмати учун тиклаб берди. Бунинг учун Стагир халқи Арастуга миннатдорчилик билдириб, ҳар йили унинг шарафига байрам ўтказар эди.

Милоддан аввалги 336 йилда Арасту ҳаётининг иккинчи Афина даври бошланди. Эллик ёшида, ақли етишган вақтида Арасту Афинада Искандарга ноиб бўлиб турган лашкарбоши Антипатр ёрдамида ўз академиясини – фалсафа мактабини очди. Афинанинг шарқ тарафидаги Ликей боғларида айвон-равоқлар қурилди. Бу айвон-равоқлар юнонча перипатус деб аталгани учун Арасту фалсафа мактаби издошларини перипатетиклар деб атай бошладилар. Афина ликейида (лицейида) Арасту 12 йил мударрислик қилди.

Искандарнинг Бобилда 323 йил 13 июнида ўттиз уч ёшида вафот этиши (у заҳарлаб ўлдирилган деган тахмин бор)

Арасту тақдирига ҳам таъсир кўрсатади. У Ликей академиясидан қочишга мажбур бўлади. Ва Эвбея оролида онасининг ҳовли боғида вафот этади.

Қадимият файласуфи Диоген Лаэртийнинг ёзишича, Арасту жуда бой фалсафий мерос қолдирган. Қадимий каталогларда Арастунинг бир неча юз асарлари тилга олинади. У асарларида фалсафий ғоялардан ташқари 158 хил давлат тузумини таъриф қилган. Арастунинг ўғли Никомах унинг асарларини асраб, нашр эттириш билан шуғулланган. Арасту асарларидан машҳурлари – «Эвдем», «Софист», «Политик», «Мнексен» (диалоглар), «Ғоялар ҳақида», «Фаровонлик ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Категориялар», «Софистларга раддия» (мантиқ фанига доир бу асарлар «Орғанун»га жамланган); «Физика», «Метафизика», «Ҳаёт тарихи», «Жон ҳақида», «Никомах ахлоқи», «Эвдем ахлоқи», «Ахлоқи кабир», «Сиёсат», «Поэтика», «Риторика» ва бошқалар.

Арастунинг бадиий-эстетик қарашлари кўпроқ «Поэтика» ва «Риторика» асарларида ўз ифодасини топган.

Қадимият маданиятининг атоқли тадқиқотчиси А.Ф.Лосевнинг ёзишича, Арасту гўзаллик ёки ажиблик ҳақидаги фикрларида ақлий идрок ва ҳиссий идрок уйғунлигига эътибор беради. Арасту фикрича, ҳар қандай сезги, истак-майл ёки ўй-хаёл бирор нарса, ҳодисага (хилқатга. – М.М.) интилар экан, ўша нарсадан қандайдир роҳат-фароғат олади, шу маънода ўша ҳодиса ажиб ёки гўзал (ёки баркамол) бўлади. Ўша хилқатни тилаш, майл ёки ҳамдардлик билдириш билан у ҳақда фикр билдириш мувофиқ, уйғун келиши керак. Бошқача айтганда, хаёлдаги хилқат билан ўша нарса ҳақидаги хаёл (асар) мутлақо уйғунлашгандагина баркамоллик юзага келади.

Арастунинг «Поэтика» («Нафис санъатлар ҳақида») китобида ҳозирги замон тушунчасидаги шеърият эмас, балки умуминсоний нафосат, санъат қонун-қоидалари баён қилинади. Алломанинг бу асари Шарқ халқлари эстетик

тафаккури ривожига ҳам катта таъсир кўрсатган. Атоқли шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисов «Аристотель «Поэтика»си ва унинг Шарқдаги издошлари» номли илмий асарида юнон алломасининг асари қандай қилиб Шарқда тарқалганлигини тадқиқ қилади. «У маҳалларда, – деб ёзади Абдусодиқ Ирисов, – араб тили ҳали илмий тил сифатида танилмаган, кўп асарларни, шулар жумласидан, кўп юнон муаллифларининг таълифларини сурёний тилига таржима қилиш одат эди. Ҳатто «Калила ва Димна» китоби ҳам арабчага таржима қилинишидан анча олдин санскрит (қадимги ҳинд) тилидан сурёний тилига кўчирилган эди». Кейинчалик, X асрга келиб «Поэтика» сурёний тилидан арабчага таржима қилинди. Арастунинг эстетик қарашлари, у қўйган муаммолар ҳақида фикр юритиш, шу соҳада айрим рисола асарлар ёзиш, Абдусодиқ Ирисов таъкидлаганидай, олимларнинг олижаноб бурчи ҳисобланган. Арастунинг «Поэтика» асарига бағишлаб дастлаб Абу Исҳоқ ал-Киндий (801–866), сўнг Абу Наср Форобий (878–950), Ибн Сино (980–1037), Ибн Рушд – Аверроэс (1126–1198) каби атоқли олимлар китоблар ёзишган ва буларда ўзларининг эстетик қарашларини баён этишган.

Ал-Киндийнинг таржимаи ҳолидан маълум бўлишича, у юнон тилини яхши билган ва шунинг учун Арасту асарининг асл нусхасидан баҳраманд бўлган ва бу тўғридаги мулоҳазаларини битиб кетган, дейиш мумкин.

Араб олими Абу Усайбиа гувоҳлик беришича, Исҳоқ ибн Хунайн Арастунинг «Софистика», «Хитоба» («Риторика») ва «Поэтика» асарларини араб тилига таржима қилган.

Ўрта асрлардаёқ Ғарбда ва Шарқда Арасту «Соҳибу-л-мантиқ» сифатида танилган. Шунингдек, илк замонларда ҳам Арасту «Органун» асарининг «Биринчи аналитика» қисмидан айрим категориялар – назарий тушунчалар маълум эди. Мантиқ фани ўз даврида қувватли янги – афлотунчилик ҳаракати таъсирида янада ривожланганлигини Паулус Пер-

са ўзининг «Аристотел мантиқи» номли асарида шарҳ этган, дейилади туркча «Ислом энсиклопедияси» да.

Арастунинг тил, мантиқ, физика ва тиббиёт соҳасидаги қарашлари бир тарафга қўйилса, исломиятдаги фалсафий тафаккур манбалари, тамал тошлари Арастуга эмас, балки Афлотун, Фисағур (Пифагор) ва Ҳермесга тақалади. Туркча «Ислом қомуси»да ёзилишича, Арасту асарларининг Шарқда атрофлича ўрганилишига унинг олам тузилиши ҳақидаги қарашлари ислом ақидаларига номувофиқ эканлиги халал берди. Шарқда бу қарашлар ҳақида шиддатли баҳслар авж олди. (Ал-Киндий, Форобий асарлари). Турли мазҳабларга мансуб каломчилар янги-афлотунчилар изидан бориб, Арасту қарашларига қарши чиқдилар. Булар орасида шиа Хишом б-ал-Ҳаким (ваф. 845), муътазилачи – басралик Абу Ҳошим (ваф. 933) ва Ал-Ашъарий (873–935)ларни ёдга олиш мумкин.

Арасту асарлари Ибн ал-Кифтий ва Ибн Абу Усайбиага суяниб ёзишларича, 100 китобдан иборат. Бу асарлардан арабчага таржима этилганлари рўйхати ёзилган бир кутубхона дафтари топилган.

Ривоятларга кўра (Фихрист, Флюгель нашри, 243-бет) халифа ал-Маъмун тушида Арасту ҳакимни кўради. Юнон донишманди унга ақлий ва ҳиссий билимларни уйғунлаштирмоқ зарурлигини тушунтиради. Ал-Маъмун, сўнг Ал-Мансур даврида фақат Арасту эмас, балки деярли барча юнон алломаларининг асарлари сурёний насронийлари ва мусулмонлари томонидан араб тилига таржима этилди, уларга шарҳлар ва тафсирлар ёзилди.

Арасту асарлари асосан 4 синфга бўлиниб тасниф этилади: мантиқ, физика (табиийёт), метафизика (руҳият) ва этика – ахлоқ фанларига оид асарлар. «Органун»да Арастунинг 8 хил асари: «Категориялар» («Маъқулот»), «Ҳерменевтика» («Ал-Ибора» ёки «Ат-тафсир»), «Аналитика» («Ал-қиёс») ва «Поэтика» («Санои нафиса») тилга олинади. Бу асарларнинг ҳаммаси шарқ тилларига

таржима қилинган: «Физика» (Ас-Само ат-Табиия») кўкка, фалакиётга доир «Ас-само ва-л оълам», «Ал-Кавн ва-л-фасод», «Метеорология» – «Ал-асар ал-алавия», «Психология» – «Ан-Нафс» («Руҳ») «Ал-Кавн-Хосс ва-л Махсус», ҳайвонот (ҳаёт) тарихига доир – «Ал Ҳайовон», яна баъзи фанларга (ўсимликшунослик, маъданшуносликка) доир асарлари юқоридаги китоблар қаторига кирган. Арастунинг «Политика» («Сиёсат») асари Афлотуннинг «Республика» – «Жумҳурият» ва «Қонунлар» асарлари руҳидадир. Баъзиларига Ибн Сино ҳам шарҳ ёзган.

Араб тилидаги асарларни кўздан кечирганимизда, – дейилади «Ислом Қомуси»да, биз ҳақиқий ва сохта аристотелчиликни фарқлашимиз зарур. Аввалги асрларда Арасту асарларига ёзилган шарҳлар ва тафсирларда янги афлотунчиларнинг қарашлари аралашиб кетган. Эски даврнинг энг холис арастучиси Ибн Рушд ўз асарларида Арасту фалсафасига янги афлотунчи Порфирий ва Фемистий изоҳларини афродизиялик Александр изоҳларидан устун қўяди. Милоднинг V–IV асрларида ўтган Плотиннинг «Эннеада» асарининг мухтасар тафсири бўлган «Теология» асарини Ал-Киндий ва Форобий Арастунинг асари деб ўйлайдилар. (Эҳтимол, бу – Арастунинг «Жон – руҳ» ҳақидаги асари бўлса керак. – М.М.). Бундан ташқари, Арастунинг руҳ абадийлиги ҳақидаги «Фаэтон», турли мавзуларга оид «Китоб ал-туффоҳ», физиогномика (одамнинг қиёфасига қараб, тақдирини билиш) ҳақидаги «Секретум секреторум» («Сиррул-асрор») асарларини, шунингдек, Искандар Зулқарнайнга ёзган бир туркум мактубларини тадқиқотчилар тилга оладилар. Алломанинг сеҳр ва нужумга доир қарашлари Штейншнайдер асарларида тадқиқ этилган.

Алишер Навоийдан уч аср аввал ўтган Шарқ маданиятининг буюк алломаси Низомий Ганжавий «Хамса» асарининг сўнгги достони «Шарафнома»да Арасту ҳақида қизиқарли ҳикоятларни келтиради. Мисрлик Марям исмли

малика Шом (Сурия) подшоҳи бўлиб турганида, қудратли Ҳабашистон (аввалги номи – Нубия, сўнг – Эфиопия) давлати қўшинлари ҳужумларидан оғир аҳволда қолади. Марям Мисрия ўз давлатини ва халқини душмандан ҳимоя қилиш учун ёрдам сўраб, Юнон подшоҳи Искандарнинг қошига боради. Искандар Марямнинг арзини тинглаб, маслаҳат учун Арасту ҳакимнинг ҳузурига юборади. Маликага ҳарбий ёрдам беришдан аввал Арасту унга илми ҳикматга оид жуда кўп билимларни ўргатади.

Низомий достонида тасвирланишича, Арасту ҳакимнинг Искандар ҳузуридаги мартабаси шу қадар юксак эканки, подшоҳлар ва маликалар Арасту қўлини ювоётганида кўза кўтариб, сув қуйиб туришни орзу қилар эканлар. Хусусан, мисрлик Марям ҳам шу шарафли хизматга муяссар бўлади.

Арасту маликага ўз давлатининг қудратини ошириш учун қўшинларга ва халққа ғамхўрлик қилиш зарурлигини уқтиради. Бунинг учун эса Арасту бойлик, сийму зар кераклигини айтиб, Марямга мисларни олтинга айлантиришга имкон берувчи кимё илмининг сир-асрорларини ўргатади. Малика бу илмларни ва адолатли бошқаришни ўрганиб, ўз давлатини кучайтиришга эришади.

Низомий Ганжавий яна тасвирлашича, Арасту ҳаким Искандарга яқинлиги, ўз феълидаги мағрурлик туфайли бир вақт жуда кибрланиб, Афлотуннинг устозлигини унутиб, ўзини биринчи устоз деб, бошқаларни писанд қилмай қўяди. Бундан дили ранжиган Афлотун шогирдига гўзал бир сабоқ беради. У ғоят нафис, нозик оҳанглар чиқарувчи руд чалғусини ихтиро қилади. Афлотун бу созни чалганида бутун борлиқ, табиат – ҳайвонлар, қушлар сеҳрланиб, куйга сел бўлиб, ухлаб қоладилар. Афлотун куй оҳангларини ўзгартирганида – яна барча мавжудотлар уйғониб, ҳушига келади.

Арасту ҳам устозидан қолишмаслигини исботлаш учун руд созининг бошқа хилини ихтиро қилади. У созни чалганида ҳам гуллар, ҳайвонлар ва қушлар сел бўлиб эриб, ухлаб

қоладилар. Аммо, сўнг Арасту ҳар қанча маҳорат билан чалса ҳам – улар уйғонмайдилар. Мудроқлигича қоладилар. Бу ишни шоҳ ва аъёнлари, халойиқ кузатиб турган эди. Табиатни уйғотолмай, шарманда бўлган Арастунинг кибру ҳавоси осмонга учиб, устози қошига бориб, узр сўрайди. Ва ундан яна чолғуда маҳорат ўргатишни илтимос қилади.

Афлотун ҳаким гина сақламасдан, Арастуга соз санъатидаги бор маҳоратини ўргатади. Шундан кейин Арасту куй чалиб, табиатни уйғотади. Сўнг устозига бир умр садоқатли шогирд бўлиб қолади.

Алишер Навоий «Хамса» достонларида Арастунинг фалсафий қарашларига кенг ўрин ажратган.

Алишер Навоий «Садди Искандарий»да Арасту ҳақида ёзади:

«Машриқ ва мағриб мамлакатлари фотиҳи Искандар устози Арастудан сўради:

– Эй, тафаккуринг билан осмону фалакни лол қолдирган донишманд! Манзилга қайси йўл яқинроқ? Ва у манзилга қайси йўл билан бориш маъқулроқ?

Устози аввал Арасту подшоҳи оламга бундай жавоб берди:

– Агар одамнинг давлати кўп бўлса, эл-юртга хайру саховат қилиш имконияти ҳам кўпроқдир. Бадавлат одамнинг саховатидан кўпчилик умидвордир. Кимки савоб ишларни кўпроқ қилган бўлса, унинг Ҳақ висолига етиш умиди кўпроқдир.

Арасту ҳаким яна тушунтириб айтадики, молу давлатни нималарга, кимларга ва қанча сарфлаш муҳим аҳамиятга моликдир. Арзимас ва ўринсиз ишларга кўп саховат кўрсатиш бефойдадир. Ва агар қилган хайрли ишлари ўринли бўлса, бу хайр-саховати, албатта, Ҳақ даргоҳида қабул қилинур.

Арасту ҳакимнинг қуйидаги маслаҳатлари барча замонларнинг подшоҳлари учун ҳам аҳамиятлидир:

– Биров шоҳнинг ҳузурига отланган бўлса, у аввало ўз йўлида учрайдиган қароқчилардан – шоҳ қабулига етгунча

йўлда туриб олган порахўрлардан эҳтиёт чораларини кўриши шарт. Қароқчилар билан иттифоқ бўлган шахс (вазир ёки бошқа мансабдор) шоҳ мажлисида ўтиришга нолойиқдир. Подшоҳ барча яхшиликларини беғараз, холис, фақат Худонинг розилиги учун қилса – бу энг олий мартабадир. То қиёматгача унинг номи абадий қолади».

Навоий айтади: «Гавҳарлар эгаси Арасту бу дурларни шу тарзда сочгач, савол берувчи (яъни, Искандар) садафдек жим бўлиб қолди. Яъни, у айтилган маслаҳатларни қабул қилди.

Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида айтади: «Аристотолис – Афлотуннинг шогирдидур. Искандарнинг вазири эрди. Анинг сўзларидан будурким: «Подшоҳ улуғ рудға (дарёга) ўхшар, ва атбои (ўз тобелиғидаги) ариғларғаким, ул руддин айрилдилар, руд суйига (сувига) ҳар ҳол бўлса, ариғлар суйига ҳам ул ҳолдур. Ул (дарё) чучук бўлса, булар (ундан айрилиб чиқувчи анҳор ва жилғалар) ҳам чучук. Ул (дарё) аччиқ бўлса, булар ҳам аччиғ. Ул (дарё) соф бўлса, булар соф.

Бас, подшоҳга ғоят ҳикмат ва эътидол ила (барча ишни меъёрида, ҳаддан оширмай ва камайтирмай) маош қилмоқ (ризқ ва мартаба улашмоқ) вожибдур, то хайл ва ҳашами (вазирлари, ҳокимлари, қариндош-уруғлари) анга мутобаат қилғайлар (доимо тобеъликда бўлғайлар. – М.М.).

Шоҳ – дарё ва халқ эрур – анҳор,
Иккисининг сувида бир маза бор».

Навоий Арасту ҳакимнинг бу фикрини «Маҳбубул-қулуб» асарида янада ривожлантириб, бундай дейди:

«Кимки шоҳга хизматкор ва қарам бўлса, иши ва (одамларга) муносабати ҳам шоҳникига ўхшаш бўлади. Агар шоҳ адолатпарвар бўлса, вазирлари, аҳолисида ҳам адолатпешалик бор. Агар шоҳнинг одати халққа зулм қилиш эса, эли ҳам зулмга мойилдир. Агар шоҳ иймон, эътиқодли бўлса, халқ

ҳам ислом динига амал қилувчидир. Агар шоҳ кофиртабиат бўлса, қўл остидаги тобеъларида ҳам худди шундай кофирлик феъли авж олади». Шундан сўнг Навоий Арасту ҳаким фикрини келтиради:

«Донишмандлар шоҳни улуғ, сермавж дарёга, аҳолиси ва яқинларини эса, дарё атрофидаги анҳорларга ўхшатадилар» («Маҳбубул-қулуб», саҳ. 22.)

Арасту ҳакимнинг бу фикрини Навоий юксак баҳолашининг сабаби маълум – шоир ёшлик чоғларида беҳад гўзал орзулар билан, дўсти Султон Ҳусайн билан биргаликда донишмандлар даврасида адолатли тузум ўрнатиб, элни шод, юртни обод қилишига ишонган эди. Мутафаккир шоир бу орзусини қисман амалга оширди. Аммо кейинчалик, султон Ҳусайн атрофидаги олчоқ, бахил, уришқоқ, баднафс амирлар ва ҳокимларнинг сўзларига учиб, салтанат у ёқда турсин, ўз оиласида, фарзандлари орасида ҳам тинчлик ва адолат ўрнатолмади. «Тожу тахтимга кўз олайтирди» деб, севимли набираси, келгусида адолатли ҳукмдор бўлиши кутилаётган етук инсон – Мўмин Мирзони қатл этди. Халқ гарданига оғир солиқлар солиб, жабр-зулмни кучайтирди.

Бу ҳодисада биз Арасту фикрининг тескарисини ҳам кўрамиз. Яъни, дарёга келиб қўшилаётган ирмоқларнинг тиниқ ёки лойқа бўлиши дарё сувининг ҳам қандайлигини ҳал этади.

Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида улуғ салтанат раҳбари Искандарнинг ўз устози Арасту билан суҳбатларини келтиради. Достоннинг XXII бобида қуйидаги шоҳбайтларни ўқиймиз:

Яна шоҳ Арастуга қилди хитоб,
«Ки, эй дониш-ойину ҳикмат-маоб!
Шаҳеким, эрур адлнинг жозими,
Не ишлар экан адлнинг лозими?»

Яъни, шоҳ устози Арастудан «Адолатли подшоҳ бўлишга жазм қилган одам адолатни қарор топтириш учун не ишлар қилиши зарур?» деб сўради.

Арасту ҳаким жавоб берди:

Деди: «Шаҳки, адл ўлса ойин анга,
Мусаххардурур дунёю дин анга...

Шаҳеким, анга адл бунёд ўлур,
Натижа буким, мулки обод ўлур.

Чу мулки ўлди ободу халқи ганий,
Яқиндурки, маъмур ўлур махзани...

Яъни, агар подшоҳ адолатни бунёд этса, мулки – эл-юрти ҳам обод, халқи ҳам бадавлат ва шод, хазинаси ҳам мўл-кўл бўлади. Давлат хазинаси адолатсиз ундирилган бойлик билан тўлганида эса подшоҳ, вазирлар халқнинг қарғишига учрайди. Халқ бой-бадавлат, фаровон ҳаёт кечирганида хазина тўлса, давлат ҳам бойийди.

Навоий фикрича, агар шоҳ халқнинг дилини ранжитар экан, ўз жонини дўзах ўтига тайёр қилган бўлади. Халққа зулм қилган шоҳ ёки ҳоким аслида бу зулмлар ўзига қайтишини тушунмайди. Қуръон оятларида келганидек, «Улар фақат ўзларига зулм қилувчилардир». Навоий бундай одамлар ҳақида «Зулмкорликни ўзига мақсад қилиб олганлар эл кўнглига ёқмайдиган, номи бу дунёда ҳам (яхши маънода) тилга олинмайдиган бадном кишилардир», дейди. Бу тоифа шахслар, Навоий фикрича, бошқа оламдан ўзларига жой ахтариб ўтирмайдилар, чунки улар ҳеч қаерда тўхтамай, тўппа-тўғри жаҳаннамга равона бўлмоқлари лозим. Қайси шоҳ адолатдан узоқлашса, ўз жонига жабр қилади. Агар шоҳ ёки ҳоким адолат ҳунарини касб қилиб олса, унинг қўлидан фақат яхшилик келади.

Адолат булоғидан сув ичганлар бу табаррук булоқнинг кўзини очган раҳбарни доимо дуо қилиб, унга ҳамиша яхшилик, икки олам саодатини тилайдилар. Адолатпарвар инсон Навоий назарида абадий ҳаётда жаннат булоқларидан қониб сув ичади.

Арастунинг Искандарга яна бир насиҳати барча замонларда раият, халқ билан подшоҳ, ҳокимлар ўртасида чиқадиган низоларнинг олдини олиш учун муҳим аҳамиятга моликдир. Навоий «Садди Искандарий»нинг 26-бобида ёзишича, подшоҳ Арастудан «ҳар қандай низоларни хирад – ақл, донолик рад этади, бирор ноёб жойда – йўл топилғаймуки, анда низолар келиб чиқмаса?» – деб сўрайди.

Арасту бу саволга шундай жавоб беради: «Ақл низоларни рад этиши тўғри, аммо баъзида ақл низони ҳам зарур, деб билади. Биров (подшоҳ ёки вазир) нодилпазир – халқ кўнглига ёқмайдиган иш қилади (солиқларни ҳаддан оширади ва ҳоказо). Бундан норози томон дарҳол низо чиқармай, ўз норозилигини одоб, маданият билан айтиши зарур».

Аммо подшоҳ, вазир шунда ҳам ўжарлик қилиб, халқ ман этган ишни тарк этмаса, икки орада низо чиқиши табиийдур. Яхши одамларнинг подшоҳга насиҳати ҳам қаттиқ ва қўпол сўзлар билан эмас, мулойим оҳангда, аниқ қилиб айтилса яхши.

Форс адабиёти тарихида асрлар давомида ўқиладиган «Арастунинг Искандарга насиҳати»да анча қаттиқ гаплар ҳам учрайди. Аммо булар барчаси доно, фойдали насиҳатлардир.

Арастунинг бундай доно маслаҳатларига амал қилган Искандар адолат билан жаҳонни фатҳ этди. Бу – Навоий Искандари. Асл Искандар устози Арастунинг насиҳатларига ҳар доим амал қилганми?

Искандар ҳаётини ишончли манбаларга асосланиб тадқиқ этган австриялик атоқли тарихчи Фриц Шахермайер ўз китобида унинг подшоҳлик тахтига ўтириши билан қилган ишларини муфассал ёритган. Тарихчининг ёзишича, Искандар отаси Филиппга суиқасд қилиб ўлдирган жиноятчини

топиб, қатл этгач, бу ишга алоқадор ва алоқасиз жуда кўп одамларни «келгусида тахтга даъвогар бўлмасин» деб, битта қолмай ўлдиртиради. «Буларнинг авлодлари мендан ўч олишга уринади», деб, уларнинг каттаю кичик барча фарзандларини ҳам бошини кестиради. Фақат отасининг сафдошлари – қўшинларда катта таъсир кучига эга бўлган Антипатр, Парменион ва бошқа саркардалар омон қоладилар. Улар кейинчалик Искандар учун жаҳон мамлакатларини забт этишда фаол қатнашадилар.

Ф.Шахермайер қадимият тарихчиси Плутарх асарига суяниб ёзишича, подшоҳ Филипп ва ўғли Искандарни йўқотиш режасини тузган фитначилар бошида малика Олимпиада турган. У мана шу фитна амалга ошса, Македония тахтига ўз авлодларини қўймоқчи эди. Аммо Искандар подшоҳлик тахтига чиқиши билан ўгай онасига қарши ҳеч қандай чора кўролмаган. Аксинча, жуда кўп айбсиз зодагонлар ва саркардаларни ўлимга ҳукм этган. «Ҳар қалай подшоҳ Александр ўз ҳукмдорлигини одамларни ўлдириш ва жиноий жавобгарликка тортиш ишлари билан бошлади, – деб ёзади Ф.Шахермайер. – Унинг бундай шафқатсиз чоралар кўришини давлат зарурияти деб ҳам оқлаш мумкин эмас ... Бу шафқатсизликларни Александр жаҳл устида эмас, балки пухта ўйлаб амалга оширган».

«Қуръони карим»нинг (18) «Каҳф» сурасида золим подшоҳдан қочиб, Ғорда 309 йил ухлаб қолган ўсмирлар қиссасидан сўнг Зулқарнайн қиссаси келади: «Дарҳақиқат, биз унга (Зулқарнайнга) бу Ерда салтанат – ҳукмронлик бердик ва (ният қилган) барча нарсасига йўл – имконият ато этдик. Бас, у (аввал Ғарбга қараб) йўл олди. То кун ботадиган жойга етгач, у (Қуёшнинг) бир лойқа булоққа ботаётганини кўрди ва у булоқ олдида бир қавмни учратди. (Бу кофир қавмлар янглиш эътиқод билан булоқдаги қуёш аксига сажда қилаётган бўлса керак). Биз: «Эй Зулқарнайн, ё (уларни) азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
201619
38 06

бўлурсан», дедик. У айтди: «Золим бўлган кимсани, албатта, азоблагаймиз. Сўнгра, парвардигорига қайтарилгач, у зот уни яна даҳшатли азоб билан азоблар. Энди, иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотга келсак, унинг учун гўзал оқибат – жаннат мукофот бўлур...» (18-84-88). Шундан сўнг, Қуръон оятларида хабар берилишича, Зул-қарнайн халқнинг илтимоси билан Яъжуж ва Маъжужга қарши улкан девор қуриб беради. Алишер Навоий Қуръонни ва унинг тафсирларини жуда яхши билган, шунинг учун ўз достонини ҳам «Искандар девори» деб атаган.

Қуръонда «Зулқарнайн» сўзи бору, «Искандар» сўзи йўқ, бундан ташқари, Қуръонда Зулқарнайн пайғамбар эканлиги ҳақида ҳам сўз йўқ. У фақат Оллоҳ фармонига итоат этгувчи, даҳрийларни жазоловчи подшоҳ сифатида кўрсатилган. Шу сабабли Рабғузий ва бошқаларнинг тафсирларида ҳам Луқмон билан Зулқарнайн пайғамбарлигида ихтилофлар борлиги айтилади.

Хуллас, тарихдаги Искандарни буюк Низомий ўз «Хамса»сида Қуръондаги пайғамбар деб баҳоласа-да, биз бу шахслар бошқа-бошқадир, деб ўйлаймиз.

Маҳкам Маҳмуд Андижоний,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети фалсафа
куллиётининг мударриси

САНЪАТ ВА АДАБ НАЗАРИЯСИНИНГ ИЛК ДУРДОНАЛАРИ

Арастунинг «Поэтика» («Нафис санъатлар ҳақида») китоби жаҳонда юзага келган энг биринчи адабиёт назарияси-дир. Бу асар ўз давригача шу соҳада қилинган ишларнинг энг мукаммали ҳисобланади. Арасту барча санъат турларини поэзия деб атаган; поэзиянинг драма, эпос, лирика каби турлари ва уларнинг кўринишларини тушунтирган. Унингча, поэзия асосида ҳаёт туради; шоир бўлиб ўтган, бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни акс эттиради. Шоир ҳодисаларнинг ўхшашини ижод этади ёки ҳодисаларни қайтадан гавдалантиради. Арасту поэтик санъатнинг ижтимоий-маърифий моҳиятини тўғри англади. У поэзия санъатининг эстетик-эмоционал кучини қадрлади.

Эстетик қарашлар кейинчалик мислсиз ўсди. Шунинг учун Арасту «Поэтика»сидан адабиётшуносликка оид бўлган ҳозирги замон қарашларининг ҳаммасини ҳам қидиравериш тўғри эмас.

Ҳозир турли жанрларда ёзилган асарларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам, тузилишини ҳам, тор маънода, «Поэтика» деб аталмоқда. Аслида поэтика адабиёт назарияси дарсликларининг бир қисми, боби ёки масаласи эмас. Ҳозир «Поэтика» сўзи ўрнига «адабиёт назарияси» термини қўлланилаётир, поэтика, кенг маънода, нафис санъатлар назарияси демакдир.

«Поэтика» IX асрда сурёний тилига, 930-йилга яқин сурёний тилидан араб тилига таржима қилинган эди.

Абу Наср Муҳаммад ал-Форобий (873–950) Арасту «Поэтика»си таъсирида «Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола» асарини ёзди. Бундан ташқари, Форобийнинг «Поэтика»-га ёзган шарҳлари ҳам уни тушунишда қимматли аҳамиятга эга.

Арасту «Поэтика»си XII асрда Ибн Рушд (Аверроэс) томонидан араб тилида баён қилинган эди. Айрим таниқли форс-тожик ва ўзбек классик шоирлари ал-Форобий рисо-

ласи билан, шунингдек, Арасту «Поэтика»сининг арабча таржимаси билан таниш бўлишлари мумкин. Буни Алишер Навоийнинг «Хамса» ва бошқа асарларидаги поэтика, қофия, шеърий нутқнинг оҳангдорлиги, таъсир кучи, ўлчовдорлигига доир бўлган мулоҳазаларидан ҳам сезса бўлади. «Поэтика»ни 1256 йилда Ибн Рушд баёнидаги арабча таржимадан Г. Аллеман лотин тилига, 1508 йилда венециялик Г.Валла юнончадан лотин тилига таржима қилиб, нашр этдилар. Арастунинг «Поэтика» асарини рус тилига турли вақтларда В.К.Тредиаковский, С.П.Шевырев, Б.И.Ординский, В.Г.Аппельрот, М.Л.Гаспаров ва бошқалар таржима қилганлар. Г.Э.Лессинг ва И. Хердер Арасту «Поэтика»сига юксак баҳолайдилар.

«Поэтика»нинг рус тилидаги намуналари ичида В.Г.Аппельротнинг 1893 йили қилган таржимаси ўз аниқлиги билан машҳурдир. Москвадаги ГИХЛ нашриёти 1957 йили бу таржимани эълон қилди. 1978 йилда Москвадаги «Наука» нашриёти томонидан асар М.Л.Гаспаров таржимасида қайта нашр этилди. Антик дунёнинг буюк олими Арастунинг эрамизгача 336–332 йилларда ёзган бу ажойиб китоби В.Г.Аппельрот ҳамда М.Л.Гаспаров таржималари асосида рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинди. Изоҳларни Ф.А.Петровский, Т.А.Миллер, М.Л.Гаспаров, М.М.Маҳмудовлар тузган. Оддий қавслар матн мазмунига тегишли, бурчакли қавслар илгари «Поэтика» текстидан тушиб қолган деб тахмин қилинган тўлдиришларни ўз ичига олади, квадрат қавслар русча таржиманинг равшан бўлиши учун таржимон томонидан киритилган сўзларни англатади. Қадимги юнончадан рус тилига қилинган кейинги таржима муаллифи М.Л.Гаспаров асарнинг тушунилишини осонлаштириш мақсадида бўлимлар ва бобларга шартли ном қўйган. Ўзбекча таржима муаллифлари ҳам ана шу номлардан фойдаланишган.

Арастунинг Шарқ мутафаккирлари, хусусан Форобий ижодига таъсири ҳақида қимматли маълумотлар берган устоз шарқшунос Абдусодиқ Ирисовни миннатдорчилик билан эслаймиз.

ПОЭТИКА

I

АСАР МАЗМУНИ

Биз умуман, поэтик санъат тўғрисида, шунингдек, унинг алоҳида кўринишлари ва улардан ҳар бирининг имкониятлари, поэтик асарнинг яхши чиқиши учун фабула қандай тартибда тузилиши зарурлиги тўғрисида сўзлаймиз[1]. Бундан ташқари, асарнинг нечта ва қандай қисмлардан иборат бўлиши, шу билан бирга, бу тадқиқотга тегишли бўлган ҳамма бошқа масалаларга тўхталиб ўтамиз. Табиийки, ўз сўзимизни бошланғич масаладан бошлаймиз.

ПОЭЗИЯ ЎХШАТИШ САНЪАТИ

Эпос ва трагедия, шунингдек, комедия ва дифирамба ижод этиш, авлетика ва кифаристиканинг катта қисми – бу ҳаммаси, умуман айтганда, ўхшатиш (мимесис) санъатидан ўзга нарса эмас; улар ўзаро уч жиҳатдан: (1) тасвирлашнинг турли воситалари билан; (2) НИМА тасвирланаётгани билан; (3) ранг-баранг, ўхшатиш усуллари билан фарқланади.

ТАСВИРЛАШНИНГ ТУРЛИ ВОСИТАЛАРИ

Баъзи кишилар маҳорат, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини – ўхшашини тасвирлайдилар. Ҳозиргина эслаб ўтилган санъатларнинг ҳаммасида ҳам алоҳида ё ритм, ё сўз ва ёхуд гармония ёрдамида, ёки шуларнинг ҳаммаси уйғунлигида тасвирлайдилар. Авлетика ва кифаристика ҳамда мусиқа санъатининг бошқа хиллари фақат гармония ва ритмдан фойдаланади. Масалан, сурнай чалиш санъати, рақс санъатида хусусан гармониясиз, ритм

ёрдами билан ўхшатадилар, чунки улар айни ифодали ритмик ҳаракатлар орқали характерлар, эҳтиросларва воқеаларни қайта гавдалантирадилар. Бироқ вазнли сўз ёрдамида, шунингдек, бир неча вазнни аралаштириб ё улардан биронтасини қўллаш йўли билан юзага келувчи, ёхуд яланғоч (вазнсиз) сўз воситасида тасвирлаш санъати ҳозиргача (таърифланмай) қолаётир. Биров триметр, элегик ёки бошқа шунга монанд шеър турлари ёрдамида тасвирлайди. Шундай экан, биз Софрон ва Ксенарх мимларига ҳам, Суқротона суҳбатларга ҳам умумий ном бера олмаймиз. Фақат «ижод» тушунчасини вазн билан боғловчи кишиларгина ҳаётни қайта гавдалантириш моҳияти туфайли эмас, умуман, вазн туфайли (уларнинг ҳаммасини) шоирлар деб улуғлаб, баъзи бирларини элегиклар, бошқаларини эпиклар деб атайдилар. Мабодо, медицина ёки физикага оид қандайдир рисолани вазнга туширган ҳолда нашр этсалар, муаллифни одатда шоир деб атайдилар. Бу ўринда Ҳомер ва Эмпедокл[2] билан вазндаги яқинликдан бошқа ҳеч қандай умумийлик йўқ, шу боисдан ҳар иккисини шоир дейишдан кўра, биринчисини шоир, иккинчисини табиатшунос деб аташ адолатлидир. Шу билан баробар, Ҳеремон[3] «Кентавр»да барча вазнларни аралаш ҳолда қўллаб, рапсодияларни барча ритмик ўлчовлардан яратгани сингари кимдир ҳамма вазнларни қўшган ҳолда ишлатиб, асар ёзиб чиқарса, (уни) ҳам шоир деб аташга тўғри келади. Бу масала хусусида шу айтилганлар етарли бўлар.

Бироқ баъзи бир санъатлар борки, улар ҳамма айтилганлардан, яъни ритм, оҳанг ва вазндан фойдаланади, масалан, дифирамбик поэзия, комлар, трагедия ва комедия шулар жумласидандир. Булар шу билан фарқланадики, уларнинг баъзилари мазкур воситалардан бирданига, бошқалари эса айрим қисмларидангина фойдаланади, холос. Мен санъатлар ўртасидаги тасвирлаш воситаларига тааллуқли бўлган фарқларни шундай тушунаман.

II

ТАСВИРЛАНМИШ ҲАЁТНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Санъаткорлар муайян шахсларни тасвирлайдилар, улар эса яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. (Негаки, шахсларнинг қандайлиги шу билан белгиланади, зеро, ҳамма одамлар характерларидаги иллатлари ёки фазилатлари жиҳатидан фарқланадилар). Улар биздан яхшироқ ёки биздан ёмонроқ, ёки ҳатто биздек бўладилар. (Худди рассомлардагидек. Полигнот, масалан, энг яхши одамларни, Павсон – ёмонларни, Дионисий эса бизга ўхшаш кишиларни тасвирлайди.[4]) Чамаси, юқорида айтилган тасвирий усулларнинг ҳар бири ҳам ана шундай тафовутларга эга бўлади. Демак, хилма-хил предметларнинг тасвири ҳам ҳар хил бўлади. Чунки шунга ўхшаш фарқланувчи хусусиятлар рақсда ҳам, авлетикада, сурнай, кифара чалишда, наср ва оддий шеърда ҳам бўлиши мумкин. Ҳомер – энг яхшиларни, Клеофонт – оддий одамларни кўрсатади.[5] Пародияларнинг биринчи ижодчиси фасослик Гегемон ёки «Делиада»нинг муаллифи Никохар ёмон одамларни гавдалантирган. Худди шу хусусият дифирамблар ва комларга ҳам оиддир. Аргант ёки Тимофей ва Филоксен «Киклоплар»да қандай қаҳрамонларни яратган бўлса, дифирамба ва комларда ҳам шундайларни яратиш мумкин[6]. Трагедия ва комедия орасида ҳам худди шундай тафовут мавжуд: комедия ҳозирги вақтда яшаётганлардан кўра ёмонроқ, трагедия эса, яхшироқ кишиларни тасвир этишга интилади.

III

ТАСВИРЛАШНИНГ ТУРЛИ УСУЛЛАРИ

Бу соҳада асарлар яна тасвирлаш усуллари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқланади. Зотан бир хил нарсани бир

хил восита билан тасвирлаган ҳолда ё муаллиф воқеаларга аралашмай ҳикоя қилиши, ёки ўзини худди Ҳомердай тутиши мумкин. Ёки бутун ҳикоя давомида муаллиф ўзлигича қолиши, ёхуд барча акс эттирилувчи шахсларни гавдалантириши мумкин[7].

Нима билан (қайси жанрда), нимани ва қандай акс эттириш усулидаги уч хил тафовут ана шулардан иборат.

Шундай қилиб, Софокл акс эттиришда бир жиҳатдан Ҳомерга ўхшаш бўлса (чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам яхши одамларни тасвирлайди), бошқа жиҳатдан эса Аристофанга яқин, зеро, уларнинг иккови ҳам одамларни ҳаракатда, шу билан бирга, драматик ҳаракатда кўрсатади. Шунинг учун ҳам баъзилар драманинг ўзи ҳам ҳаракат, чунки у ҳаракат қилувчи шахсларни акс эттиради дейишади. Шу сабабга кўра дорилиқлар трагедия ва комедияни ўзларида келиб чиққанлиги ҳақидаги даъволарини баён қилмоқдалар; мегараликлар[8], хусусан, тубжой кишилар сифатида комедиянинг гўё уларда демократия ўрнатилган вақтда келиб чиққанлигини даъво қилишмоқда, сицилияликлар ҳам Хионид ва Магнетдан хийла олдинроқ яшаган шоир Эпихарм ўзларидан бўлгани учун шундай даъво билан чиқмоқдалар. Пелопоннеслик дорийлар ҳам трагедияга оид даъволарини айтмоқдалар. Улар буни атамалар билан исбот қилишга уринмоқдалар. Уларнинг сўзларига қараганда комедия сўзи шаҳар атрофидаги қишлоқлар – комлар (афиналиклар демлар дегандай) сўзидан келиб чиққан; зеро, қизиқчилар – комедиантлар сўзи *комадзейн* (базм қилмоқ) феълидан эмас, балки шаҳарликлар томонидан қадр-қиммат қилинмаганларнинг комлар (қишлоқлар) бўйлаб дарбадар кезишидан келиб чиққан[9]; шунингдек, «ҳаракат қилмоқ» тушунчаси ҳам уларда *дран*, афиналикларда эса *праттейн* сўзи билан ифодаланади. Шундай қилиб, акс эттиришдаги тафовутлар қанча ва қандай бўлиши тўғрисида етарли сўзланди.

IV

ПОЭЗИЯНИНГ ТАБИИЙ ПАЙДО БЎЛИШИ

Поэтик санъатнинг келиб чиқишига очиқ-ойдин иккита сабаб бўлиб, иккаласи ҳам табиийдир. Биринчидан, тақлид, ўхшатиш инсонга болаликдан хос бўлган хусусият. Инсон бошқа жонли мавжудотлардан ўхшатиш қобилиятига эга эканлиги билан ҳам фарқланади, ҳатто дастлабки билимларни у ўхшатишдан олади ва бу жараён самаралари барчага ҳузур бағишлайди. Буни қуйидаги далил ҳам исботлайди: биз ҳақиқатда ёқимсиз кўринган нарсаларга, масалан, жирканч жонивор ва мурдалар тасвирига завқ билан боқамиз. Бунинг сабаби шундаки, билим олиш фақат файласуфларгагина эмас, балки бошқа кишиларга ҳам жуда ёқади, фарқ шундаки, оддий одамлар билиш учун томоша қилмайдилар. Улар тасвирга завқланиб қарайдилар, чунки унга боқиб «манави нарса бундай экан», деб мулоҳаза юритишни ўрганадилар. Агар ўхшаши тасвирланган нарсани аввал кўрмаган бўлса, ўхшатишдан эмас, балки бичим, бўёқ ёки шунга ўхшаш бошқа бир нарсадан завқ туядилар.

Зероки, ўхшатиш гармония ва ритм сингари қадимданоқ одамларнинг табиатига хос хусусиятдир[10] (вазнлар – ритмнинг махсус тури эканлиги сир эмас), одамлар қадимданоқ табиатан ўхшатишга қобилиятлидирларки, улар буни оз-оздан тараққий эттира бориб, бадиҳа шеърлар (импровизация) дан ҳақиқий поэзияни юзага келтирганлар.

ПОЭЗИЯНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА БЎЛИНИШИ

Поэзия шоирларнинг шахсий характерига мувофиқ икки турга бўлинади: чунончи, жиддийроқ шоирлар гўзал қилиқлар ва унга монанд кишиларни тасвир этадилар. Худди олдингилари гимн ва мадҳ қўшиқлар яратганидек, кейинги-

лари дастлаб ҳажвий қўшиқлар тўқийдилар. Шоирлар Ҳомергача ҳам кўп бўлган бўлса-да, биз Ҳомернинг «Маргит»и ва шу хилдаги асарларига монанд бирон асарни таъкидлай олмаймиз. Мана шу шеърларда энг қулай ямб ўлчови пайдо бўлдики, у ҳозиргача ямбик (истеҳзоли) вазн, деб аталади, чунки унинг воситасида кишилар бир-бирларига истеҳзо қилганлар. Натижада қадимги шоирларнинг баъзилари қаҳрамонлик вазни ва баъзилари ямбларнинг ижодкорлари бўлиб қолдилар.

Ҳомер поэзиянинг мураккаб турида ҳам шу қадар буюк эдики, у мукаммал шеър ижод қилибгина қолмай, балки драматик тасвирларни ҳам ярата олди[11]. У масхаралашга эмас, кулгили нарсага драматик пардоз бериб, биринчи марта комедиянинг асосий шаклларини ҳам бунёд қилди, бинобарин, «Илиада» ва «Одиссея» трагедияга қанчалик тааллуқли бўлса, унинг «Маргит»и комедияга шунчалик монанддир. Трагедия ва комедиялар вужудга келганида эса, табиатан поэзиянинг шу турларига мойил бўлган ямбчилар энди комик шоирлар, эпиклар эса трагиклар бўлиб қолдилар, чунки мазкур шакллар аввалгиларига нисбатан аҳамиятлироқ ва муносиброқ эди.

ТРАГЕДИЯНИНГ КАМОЛОТИ

Трагедия ўзининг ҳамма кўринишларида, ўз ҳолича ва театр томошаси сифатида етарли тараққиётга эришдими ёки йўқми, ҳозир бу ҳақда тўхтаб ўтиришнинг ўрни эмас[12]. Илк пайтларда бадиҳагўйлик (импровизация) йўли билан – дифирамбани бошлаб бериш ва ҳозир ҳам кўп шаҳарларда яна қўлланилаётган фалл қўшиқларни бошлаб беришдан келиб чиққан трагедия ва комедия хос хусусиятларини аста-секин ривожлантириш йўли билан бир оз ўсди.[13] Хуллас, трагедия кўп ўзгаришларни кечиргач, ўзига хос табиий хусусиятларини кашф этган ҳолда етилиб қолди. Актёрлар

иштироки масаласига келганда, Эсхил битта актёр ўрнига иккита киритди, хор қисмини озайтирди ва диалогни биринчи ўринга қўйди, Софокл эса актёрларни учтага етказди ва декорациялар киритди. Камолот масаласига келганда шуни айтиш керакки, кичик афсоналар ва кулгили ифода усулидан бошланиб, сатирик томошалар йўлини босиб ўтган трагедия аллақачон ўзининг улуғворлик босқичига эришди; унинг вазни ҳам (трохаик) тетраметрдан ямбга айланди (дастлаб тетраметрдан фойдаланилган вақтларда, поэзия асарлари сатирик руҳда ва кўпроқ рақсга мойил эди, диалог тез ривожлангандан сўнг эса, бу хусусият унга мувофиқ келувчи вазнни кашф этди, чунки ямб ҳамма вазнлар ичида жонли сўзлашув тилига энг яқин бўлиб қолди. Биз бир-биримиз билан қилган суҳбатда жуда кўп вақт ямб билан сўзлашишимиз бунинг исботидир, гекзаметр эса баъзан нутқ уйғунлиги бузилгандагина жуда сийрак учрайдиган ҳодисадир). Ниҳоят, қўшимча қисмларнинг кўплиги ва трагедияга зарур бўлган бошқа махсус безаклар ҳақида, биз юқорида айтилганлар билан чекланамиз, чунки ҳаммасини батафсил тушунтириш ҳаддан ташқари мушкулдир.

V

КОМЕДИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИ

Комедия эса, таъкидлаганимиздек, ёмон кишиларни бутунлай бадном қилиш маъносида бўлмаса-да, гавдалантиришдир, зеро, кулгили ҳолат хунукликнинг бир қисми, холос. Аслида, кулгили нарса – бу ҳеч кимнинг дилини оғритмайдиган ва ҳеч кимга зарар келтирмайдиган баъзи бир нуқсон ва мажруҳликдир[14]. Мисол излаб узоққа бормаслик учун шуни айтиш керакки, кулгили ниқоб азоб – (ифодаси) сиз, хунуклик ва айниганликни тасвирлашдир.

Шундай қилиб, трагедия соҳасидаги ўзгаришлар ва уларнинг айбдорлари бизга аён, комедиядаги ўзгаришлар эса бизга номаълум, чунки унга бошданоқ эътибор бермаганлар; ҳатто комиклар учун хорни эндигина архонт театри нисбатан кечикиб бера бошлади, дастлаб у ҳаваскорлардан ташкил топган эди[15]. У муайян шаклга эга бўлгандан кейин эса, унинг ижодкорларининг номлари эслана бошланди. Аммо ниқобни, прологни ким киритган, актёрлар миқдорини ким орттирган ва бошқа қатор масалалар номаълум бўлиб қолмоқда. Кулгили ривоятларни Эпихарм ва Формий ёза бошладилар. Бу кашфиёт даставвал Грецияга Сицилиядан ўтди, бироқ Афина комикларидан Кратет биринчи бўлиб ямб билан шеър ёзишни ташлаб, нутқ (диалог) ва умумий руҳдаги ривоятларни ярата бошлади.[16]

ТРАГЕДИЯНИНГ ЭПОСДАН ФАРҚИ

Эпопея муҳим воқеалар (шахслар ва хатти-ҳаракатлар)ни акс эттиришга интилиб, дабдабали вазндан ташқари барча соҳаларда трагедияга эргашди. Эпопея трагедиядан вазннинг бир хиллиги ва баён услуби билан, шунингдек, ҳажми билан фарқланар эди. Зеро, трагедия иложи борича бир кунлик (ёки ундан сал ошиқроқ) вақт доирасига жойлашишга интилади, эпопея эса вақт жиҳатдан чекланмаган, асосий фарқ мана шунда; дарвоқе, дастлаб бу хусусият трагедия ва эпосларда бир хил эди. Трагедиянинг баъзи қисмлари эпопеяга муштарак, баъзи қисмлари эса фақат ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун яхши билан ёмон трагедияни фарқлай оладиган кимса эпосларнинг яхши-ёмонини ҳам ажрата олади. Чунки эпопеяда нима бўлса, у трагедияда ҳам мавжуд, аммо трагедияда нима бўлса, ҳаммаси ҳам эпопеяда мавжуд бўлавермайди.

VI

ТРАГЕДИЯ. УНИНГ МОҲИЯТИ

Гексаметрларда тасвирлаш санъати ва комедия ҳақида кейинроқ тўхталамиз. Ҳозир эса юқорида айтилганлардан муайян моҳияти англашилувчи трагедия ҳақида мулоҳазалар юритамиз. (Мана бу таъриф:) *Трагедия муайян ҳажмли, турли қисмлари турлича сайқалланган тил ёрдамида, баён воситасида эмас, балки хатти-ҳаракат орқали кўрсатиладиган ва изтироб билан инсон руҳини покловчи муҳим ва тугал воқеа тасвиридир.*

«Сайқалланган тил» деганда мен ритм, гармония ва мусиқийликка эга бўлган тилни назарда тутаман. «Турли қисмлари турлича сайқалланган» деганда эса, баъзи қисмлари фақат вазн билан, бошқа қисмлари ҳам вазн, ҳам мусиқийлик билан безалган нутқ англашилади.

ТРАГЕДИЯ. УНИНГ УНСУРЛАРИ

Тасвирлаш ҳаракат орқали ифодалангани учун зарурийлик нуқтаи назаридан трагедиянинг биринчи унсури (ёки қисми) манзара, кўриниш орасталиги бўлади, ундан кейин иккинчиси мусиқа қисми ва учинчиси тилдир. Фақат ана шу воситалар орқалигина акс эттириш содир бўлади. Тил деганда мен асарнинг вазн қурилишини кўзда тутаман. Мусиқа қисми нимани англатиши эса изоҳсиз ҳам равшандир.

Шундай қилиб, трагедия қилмиш тасвири бўлиб, у эса муайян характер ва фикрлаш тарзига эга бўлган қаҳрамонлар томонидан амалга оширилади. (Худди шунга мувофиқ биз уларни қандайдир қилмишлар деб атаймиз). Табиийки, бундан хатти-ҳаракатнинг икки сабаби – характер (трагедиянинг тўртинчи унсури) ва фикр – ғоя (бешинчи унсури) келиб чиқади. Ана шу фикр ва характерга мувофиқ фаол шахслар муваффақиятга ёки муваффақиятсизликка учрайди.

Қилмиш тасвирининг ўзи эса (олтинчи унсур) фабула – воқеадир. Аслида ривоят (мифос) деб мен воқеалар оқимини, характер деб эса, биз ундай ёки бундай (феъл-атворни) деб атайдиган иштирок этувчи шахсларни назарда тутаман. Фикр (ғоя) деганда иштирок этувчиларнинг ниманидир исбот қилишлари ёки ўзига хос мулоҳаза(ҳукм)лари англашилади.[17]

Шундай қилиб, ҳар қандай трагедияда олти унсур мавжуд бўлиши керак. Шунга мувофиқ трагедия ундай ёки бундай бўлади. Булар – фабула, характерлар, тил, фикр – ғоя, томоша ва мусиқа қисмлари. Бу қисмлардан иккитаси (тил ва мусиқа) тасвирлаш воситаларига, биттаси (томоша) – тасвирлаш усулига, учтаси (ривоят, характерлар, ғоя) тасвирлаш воситасига киради.

ФАБУЛА ВА УНИНГ МУҲИМЛИГИ

Бироқ бу қисмлардан энг муҳими – воқеалар оқимидир. Чунки аслида трагедия, кишиларни тасвирлаш эмас, балки ҳаракат ва ҳаёт, бахтлилик ва бахтсизликни тасвирлашдир, бахт ва бахтсизлик эса, доимо инсон (характери) ва қилмишидан бўлади[18]. Трагедияда акс эттиришнинг мақсади ҳам қандайдир фазилатни эмас, бирор воқеани талқин этишдир. Характер кишиларга фазилат бахш этади, фақат бирор воқеа оқибатидагина улар бахтли ва бахтсиз бўлишлари мумкин.[19] Трагедияда ҳаракат фақат характерларни тасвирлаш учунгина амалга оширилмайди, улар (характерлар) хатти-ҳаракат орқали кўрсатилади, холос. Шундай қилиб, трагедиянинг асосий мақсадини фабула, воқеа ташкил этади, мақсад эса ҳаммасидан муҳимдир. Бундан ташқари, трагедия воқеасиз яшай олмайди, характерларсиз эса яшай олиши мумкин. Масалан, янги трагедияларнинг кўпчилигида характерлар тасвирланмайди. Умуман рассомлардан Зевксид ва Полигнот бир-биридан қандай тафовут қилса, кўпчилик шоирлар ҳам ўзаро шундай фарқланадилар. Полигнот ҳақиқатан ҳам характерларни аъло даражада чизгувчи эди. Зевксид асарларида эса характерлар умуман учрамайди[20].

Сўнгра, кимки атайлаб кўплаб характерли, ўзгача ибораларр, ажойиб ифода ва фикрларни қалаштириб ташласа, у трагедия олдига қўйиладиган вазифани бажара олмайди, аммо шулардан оз даражада фойдаланган, бироқ ривоят ва воқеалар оқимига эга бўлган трагедия ўз вазифасини нисбатан яхшироқ амалга оширади. Трагедиянинг руҳни мафтун этувчи қисмлари – перипетиялар, яъни бурилиш нуқталари ва ривоят-воқеа қисмларидадир. Яна бир далил. Трагедия ёзмоқчи бўлган ижодкор энг аввало тил, нутқ ва характерларда муваффақият қозониши мумкин (воқеада эса – кейин.) Қадимги шоирларнинг деярли барчаси шундай[21].

Шундай қилиб, трагедиянинг бошланиши, унинг қалби воқеа бўлиб, характерлар эса иккинчи ўринда келади. Рассомликда ҳам худди шунга ўхшаш ҳолни кўрамиз. Кимдир энг яхши бўёқларни чаплаштириб ташлагани билан кишига оддий суратчалик завқ бера олмайди[22]. Бунинг устига трагедиянинг инсон қалбини мусаффолантиришига қараганда ҳам энг зарури воқеа қисмининг моҳияти – кутилмаган ҳолатлар ва сирнинг очилишидир.

Трагедиянинг учинчи қисми фикр теранлигидир. Бу сиёсат ва нотиқлик санъатидаги каби, ишнинг моҳияти ва шароитларига тааллуқли бўлган нарсани сўзлай олиш маҳоратидир. Қадимги шоирларда шахслар сиёсатдонлардек гапирса, ҳозиргиларда эса нотиқлар сифатида тасаввур қилинади[23]. Инсон майлининг нимададир намоён бўлиши, кимнинг ниманидир афзал деб ҳисоблаши ё ниманидир ёқтирмагани – характердир; ёки гапирувчининг нимани маъқуллаши, ёки ёқтирмагани аниқ ифодаланмаган нутқда характер гавдаланмайди. Ғоя эса ниманингдир борлиги ёки йўқлигини исботлаш, ёхуд умуман ниманингдир ифодаланишидир. Сўз билан ифодалашнинг тўртинчи қисми нутқ, яъни сўз воситасида мулоҳаза юритишдир. Бу, юқорида айтилганидек, вазндагина эмас, насрий нутқда ҳам бир хил аҳамиятга эга бўлган сўз орқали тушунтиришдир. Қолган

бешинчи, мусиқали қисм безакларнинг асосийсидир. Саҳнанинг жиҳозланиши–декорация эса қалбга таъсир этса ҳам, бироқ у поэзия санъатидан мутлақ ташқарида туради ва поэзияга камроқ тааллуқлидир, чунки трагедиянинг кучи декароциясиз ҳам, актёр (ўрни безалмаса) ҳам сезилади. Бунинг устига яна, саҳнани безашда шоирларга қараганда декоратор санъати кўпроқ аҳамиятга моликдир.

VII

ТРАГЕДИЯНИНГ ЯХЛИТЛИГИ

Бу хусусиятларни эътироф этгач, воқеаларнинг уйғунлашуви қандай бўлиши керак, деган масалага тўхталамиз, чунки бу трагедияда биринчи ва энг зарурий қисмдир. Трагедия муайян ҳажмга эга бўлган, тугал ва бир бутун воқеанинг тасвири эканлигини эътироф этдик. Чунки (руҳиятда) ҳажмсиз яхлитлик ҳам бўлади[24]. Яхлит нарса ибтидоси, ўртаси ва интиҳоси бўлган нарсадир. Ибтидо бошқа нарсанинг кетидан келиши зарур бўлмаган, аксинча, табиат қонунига кўра, орқасидан нимадир келувчи ёхуд содир бўлувчи нарсадир; аксинча, интиҳо зарурият туфайли ёхуд одатга кўра, албатта, бошқа нарса кетидан келувчи нарсадир; ундан кейин эса ҳеч нарса бўлмайди; ўрта эса ўзи бошқа нарсанинг кетидан келувчи ва унинг кетидан ҳам бошқа нарсанинг келишига асосланган. Шундай қилиб, яхши тузилган ривоятлар дуч келган жойдан бошланиб, яна дуч келган жойда тугамаслиги, балки кўрсатилган қоидалар асосида бўлиши лозим.

ТРАГЕДИЯ ҲАЖМИ

Сўнгра, муайян бўлаклардан таркиб топган, тартибли ва айни чоғда ҳар қандай ҳажмга эмас, балки муайян ҳажмга эга бўлган мавжудот, ҳар қандай нарса гўзалдир; гўзаллик ҳажм ва тартибдан келиб чиқади, ҳаддан ташқари кичкина

бўлган мавжудот гўзал эмас, чунки сезилар-сезилмас оз вақт ичида қаралганда унинг барча хусусиятлари аралашиб кетади. Ҳаддан ташқари катта нарса ҳам гўзал эмас, масалан, ўн минг стадияли нарсани бир нигоҳда қамраб олиш мумкин эмас; кўрувчилар учун нарсанинг бутунлиги ва яхлитлиги йўқолади. Шундай қилиб, жонли ва жонсиз гўзал нарсалар бир қарашда сезиб олинадиган ҳажмга эга бўлиши керак, бас, шундай экан, ривоятлар ҳам осон эсда қоладиган ҳажмга эга бўлиши лозим. Ривоятнинг узунлигини театр мусобақаси ва (томошабинларнинг) ҳиссий идрок этиши нуқтаи назаридан таърифлаш поэзия санъатининг иши эмас. Агар ўзишувда юзта трагедия кўрсатиш лозим топилган бўлса, сув вақти асосида мусобақалашган бўлур эдилар, илгарилари ҳақиқатан ҳам шундай бўлган дейишади[25]. Ҳажм асарнинг моҳиятидан келиб чиқади. Ҳар доим яхшироқ тушуниладиган нарса ҳажман ҳам гўзалроқ бўлади. Шу тариқа оддий таъриф берсак, шундай ҳажм қониқарлики, унинг ичида воқеалар ҳам эҳтимолият, ҳам заруриятга кўра тўхтовсиз давом этади, бахтсизликдан бахтга ёки бахтдан бахтсизликка томон кескин ўзгариш бўлиб туради, деб айта оламиз.

VIII

ВОҚЕА БИРЛИГИ

Ривоят, баъзилар ўйлаганидек, битта қаҳрамон атрофида айлансагина бир бутун бўлавермайди: чунки бир (шахс) билан алоқадор бўлган чексиз, сон-саноқсиз ҳодисалар юз бериши, ҳатто, уларнинг баъзилари ҳеч қандай бутунликка эга бўлмаслиги мумкин. Бир шахс хатти-ҳаракати ҳам худди шундай кўп миқдорлидир, улардан ҳеч қандай ягона воқеа яратиб бўлмайди[26]. Шунинг учун «Ҳераклеида», «Фесеида» ва шунга ўхшаш поэмаларни ёзган шоирлар янглишаётганга ўхшайди[27]. Улар Ҳеракл битта эди, (у ҳақда) ривоят ҳам битта бўлиши даркор, деб ўйлашмоқда. Ҳомер, (ўзга шоирлардан

бошқа барча соҳаларда фарқланганидай) чамаси, бадиий маҳорати ёки табиий истеъдоди туфайли бу масалага ҳам тўғри қараган[28]. У «Одиссея»ни ижод этганида, қаҳрамон нималарни бошидан кечирган бўлса, ҳаммасини, масалан, у Парнасда қандай ярадор бўлганини, урушга ёрдам тўплаш вақтида қандай қилиб ўзини жинниликка солганлигини кўрсатмади, чунки бу воқеалардан бирининг орқасидан бошқаси рўй бериши учун ҳеч қандай зарурат (ёки) эҳтимоллик йўқ эди; ҳа, у «Одиссея»ни, шунингдек, «Илиада»ни ҳам биз айтган маънода бир воқеа доирасида яратди. Бинобарин, акс эттиришнинг ўзи, бошқа муқаллид санъатлардаги сингари, битта (нарса)га ўхшатувдир, шунингдек, ривоят ҳам битта ва айни вақтда ягона ва яхлит воқеанинг тасвири бўлиши лозим. Сўнгра воқеаларнинг қисмлари шундай жойлаштирилиши зарурки, бирон қисм алмаштирилганда ё олиб ташланганда яхлит нарса ўзгариб кетсин, ё ҳаракатга келсин, чунки мавжудлиги ё мавжуд эмаслиги сезилмаётган нарса бутуннинг узвий қисми бўла олмайди.

IX

ВОҚЕАДА ЎЗИГА ХОСЛИК ВА УМУМЛАШМА

Айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, шоирнинг вазифаси ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеа ҳақида эмас, балки содир бўлиши мумкин бўлган, демак, бўлиши тахмин этилган ё бўлиши зарур бўлган воқеа ҳақида сўзлашдир. Зеро, тарихчи ва шоир бир-биридан бири вазн – назмда, бошқаси эса насрда ёзиши билан фарқланмайди. (Ахир Геродот асарларини ҳам шеърга солиш мумкин. Бироқ унинг асарлари хоҳ назмда, хоҳ насрда бўлсин, бари бир тарихлигича қолаверади.) *Тарихчи ва шоир шу билан тафовутланадики, уларнинг бири ҳақиқатан бўлган, иккинчиси эса бўлиши мумкин бўлган воқеа ҳақида сўзлайди. Шунинг учун поэзия тарихга қараганда*

фалсафийроқ ва жиддийроқдир: поэзия кўпроқ умумий, тарих эса алоҳида воқеаларни тасвирлайди. Поэзияда қандайдир характер эҳтимол ё зарурият туфайли бундай, ёки ундай сўзлаши, ҳаракат қилиши керак. Мана шуни умумлашув дейилади. Поэзия қаҳрамонларга исм қўйиш орқали умумийликка интилади. Энди, масалан, Алкивиаднинг нима қилгани, унга нима бўлгани эса – бу якка, алоҳида ҳодисадир. Комедияда шундайлиги ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди[29]. Унда шоирлар эҳтимоллик қонунлари асосида воқеа тузиб, қаҳрамонларга хоҳлаган исмларни қўядилар, улар ямбдан фойдаланувчи шоирларга ўхшаб, айрим шахслар учунгина (ҳажв) ёзишмайди. Трагедияда номларни ўтмишдан олишга риоя этилади, бунинг сабаби шуки, (фақат) содир бўлиш имконияти бор, эҳтимол тутилган воқеаларгина ишончли бўлади. Эҳтимоллиги, юз бериш имконияти йўқ воқеаларга эса ишонмаймиз, юз берган нарса, шаксиз ишончлидир, чунки у агар юз бериш имкони бўлмаганда содир бўлмаган бўлур эди. Шундай бўлса-да, баъзи трагедияларда битта ё иккита исм машҳур, қолганлари эса ўйлаб топилган, баъзиларида эса ҳатто битта ҳам машҳур ном йўқ. Масалан, Агафоннинг «Гул»ида воқеалар ҳам, номлар ҳам бир йўсинда тўқималигига қарамай, бу асар бари бир шуҳрат қозонмоқда[30]. Шундай экан, трагедияга асос бўладиган анъанавий ривоятларга маҳкам ёпишиб олиш шарт эмас. Бунга интилиш ҳақиқатан кулгилидир, чунки ҳатто аён бўлган воқеа оз кишиларгагина тушунарли бўлса-да, бироқ ҳаммага бир хилда ёқади. Демак, бундан шу нарса маълум бўладики, шоир фақат вазнларни эмас, кўпроқ ривоятларни ижод этиши лозим, чунки у тасвир воситасида ҳаракатни гавдалантира олгани учун ҳам шоирдир. Ҳатто унга ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеани тасвирлашга тўғри келганда ҳам у озми-кўпми шоир бўлиб қолади. Чунки ҳақиқатан бўлиб ўтган[31] воқеалардан айримларининг эҳтимоллик ва имко-

ния туфайли қандай содир бўла оладиган бўлса, ўшандай содир бўлишига ҳеч нарса халақит этмайди. Бу жиҳатдан шоир уларнинг ижодкоридир.

Оддий ривоят ва воқеалардан энг ёмони эпизодикларидир. Эпизодик ривоят, деганда мен ривоятдаги эпизодларнинг ҳар қандай эҳтимолсиз ва зарурлятсиз бирин-кетин келишини назарда тутаман. Бундай трагедиялар ёмон шоирлар томонидан, иқтидорсизликлари натижасида, яхши шоирлар томонидан актёрларни назарда тутиб ёзилади. Улар мусобақаларда актёрнинг имкониятларини кўрсатиш учун ички мазмунга зид тарзда, кўпинча воқеанинг табиий тартибини бузишга мажбур бўладилар.

(Трагедия) фақат тугал воқеанигина эмас, балки қўрқинч ва ҳамдардлик уйғотувчи воқеаларни ҳам тасвирлашдир. Охиргиси, айниқса, кутилмаган воқеа содир бўлган пайтда, қолаверса, бир воқеа ортидан кутилмаганда бошқа воқеа ёки шу йўсинда, ҳайрон қолдирадиган ҳодиса ўз-ўзидан ва тасодифан рўй бергандагина юзага келади. Чунки тасодифлар орасида кўпинча, атайин қилингандай тасаввур ҳосил қилувчи воқеалар нисбатан ҳайрон қоларлидир. Бунга Аргосдаги воқеа мисол бўла олади. Митий[32] ўлимининг айбдори унинг (Митийнинг) ҳайкалига қараб турганида, ҳайкал қулаб тушиб, уни ҳалок этади. Шунга ўхшаш нарсалар тасодифий кўринмайди. Шундай экан, шунга монанд ривоятлар зарур ва энг яхшидир.

X

МУРАККАБ ВА СОДДА ФАБУЛАЛАР

Асар воқеаси – фабулаларнинг айримлари оддий, бошқалари эса ўзаро чирмашиб кетган бўлади. Чунки ривоятларда акс этган воқеалар ҳам худди шундайдир. Мен, шундай тўхтовсиз ва ягона воқеани содда деб атайманки, ундай воқеа давомида (юқорида айтилганидек) тақдир ўзгариши кескин бурилишсиз ва тўсатдан англашсиз содир бўлади, чирмашган

фабулада эса воқеалар кескин бурилиш ва тўсатдан англаш ёки уларнинг ҳар иккиси воситасида содир бўлади. Бунинг ҳаммаси воқеа мантиқидан, аввалги воқеанинг зарурият ё эҳтимоллик асосидаги давоми тарзида келиб чиқиши керак. Чунки бирон нарса сабабли бошқа нарсанинг келиб чиқиши билан бир нарсадан кейин бошқа нарсанинг юз бериши ўртасида катта фарқ бор.

XI

ТРАГЕДИЯНИНГ ИЧКИ БЎЛИНИШИ: МУШКУЛОТ, ТЎСАТДАН БИЛИШ, ЭҲТИРОС

Кескин бурилиш (перипетия), таъкидланганидек, воқеанинг қарама-қарши томонга ўзгаришидир. Айни вақтда, бу эҳтимоли кутилган ёки зарурий ўзгаришдир. Чунончи, «Эдип»да шоҳ Эдипнинг аслида кимлигини айтиб, хурсанд қилиш учун, шоҳни онасидан қўрқиш туйғусидан қутқазиш учун келган хабарчи амалда мутлақ зид натижага эришади; «Линкей»да[33] ҳам шундай, бировни ўлимга олиб кетишади. Данай эса уни ўлдириш учун орқасидан боради. Аммо воқеалар давомида бунинг тескариси бўлади, биринчи одам омон қолади, кейингиси эса ўлимга учрайди. Тўсатдан англаш, номидан ҳам кўриниб турганидек, билмасликдан билишга томон, бахтиёрлик ёки бахтсизликка маҳкум этилган шахсларнинг дўстлик ёки душманлик томон ўтишидир.

Тўсатдан билишнинг энг яхши намунаси худди «Эдип»да юз бергани сингари, мушкул аҳвол давомида содир бўлади. Албатта, ўзгача билиб қолишлар ҳам бўлади; чунончи, таъкидланганидек, жонсиз ва умуман ҳар қандай тасодифий нарсаларни ҳам, шунингдек, кимнингдир нимадир қилгани ёки қилмаганини ҳам англаш мумкин. Бироқ фабула учун энг зарури ва воқеа учун нисбатан аҳамиятлиси, юқорида айтилган, тўсатдан англашдир, чунки бундай англаш кескин бурилиш – мушкул аҳвол билан биргаликда ачиниш ёки

қўрқувни юзага келтиради, трагедия эса худди шундай воқеаларни акс эттиради, бахт ва бахтсизлик ҳам худди шундай тўсатдан англаш билан бирга содир бўлади.

Тўсатдан англаш кимнидир билиш бўлгани учун ҳам гоҳо бир шахс фақат бир кишини билиши мумкин (агар иккинчисига биринчиси маълум бўлса), гоҳо икки киши бир-бирини тўсатдан англаши мумкин. Масалан, Орест Ифигенияни хат туфайли билади, лекин Ифигениянинг Орестни таниши учун ўзгача тўсатдан англаш ҳолати талаб қилинади.[34]

Шундай қилиб, фабуланинг икки қисми, аввал таъкидланганидек, мушкул аҳвол мушкулот ва тўсатдан билишдир, учинчи қисмини эса пафос – эҳтирос ташкил этади. Бу қисмлардан мушкулот ва тўсатдан билиш ҳақида юқорида айтилди. Эҳтирос эса ҳалокат ёки изтироб келтирувчи ҳаракатдир. Масалан, саҳнадаги ўлим, кучли изтироблар, ярадор бўлиш ва бошқа шунга ўхшашлар...

XII

ТРАГЕДИЯНИНГ ТАШҚИ БЎЛИНИШИ

Трагедиянинг қисмлари, унинг ташкил этувчи асосларини юқорида айтиб ўтдик. Унинг ҳажм жиҳатдан бўлинишлари қуйидагича: пролог, эписодий (эпизод), эксод ва ўз навбатида парод ва стасимга бўлинувчи хор қисм; охирги қисмлар ҳамма хор қўшиқларига хос, айримларининг ўзига хос хусусиятлари саҳнадан айтиладиган қўшиқ ва коммослардан иборат.[35] Пролог – трагедиянинг хор пайдо бўлгунгача даврдаги яхлит бир қисми. Эписодий – трагедиянинг барча хор қўшиқлари орасидаги яхлит бир қисми. Эксод – трагедиянинг ўзидан сўнг хор қўшиғи айтилмайдиган яхлит қисми. Хорнинг пароди – хорнинг биринчи яхлит нутқ қисми; стасим – анапестсиз ва трахейсиз бўлган хор қўшиғи. Коммос эса хор ва актёрларнинг аламли йиғи қўшиғи[36].

Шундай қилиб, трагедиянинг фойдаланиши зарур бўлган ташкилий қисмлари тўғрисида биз аввал айтган эдик, унинг ҳажм жиҳатидан бўлинишларини эса таъкидладик.

XIII

ТРАГЕДИЯНИНГ ТАРКИБИ

Ҳозир айтилганлардан кейин, тартибли равишда ривоятларни ижод қилишда нимага интилиш ва нимадан сақланиш лозимлиги, трагедия вазифаси қандай бажарилиши тўғрисида гапиришимизга тўғри келади. Чунки энг яхши трагедиянинг таркиби оддий эмас, балки мураккаб бўлиши лозим. Шу билан бирга, у қўрқинч ва ҳамдардлик уйғотувчи воқеани акс эттириши керак. (Чунки бу хусусият бадиий тасвирлашнинг ўзига хос қонуниятидир.) Ундай тақдирда (биринчидан), шу нарса аёнки, обрўли кишиларни бахтиёрликдан бахтсизликка ўтувчи тарзида акс эттириш тўғри эмас, чунки бу қўрқинчли ва аянчли бўлмаса-да, бироқ нафратлидир, (иккинчидан), тентак одамларнинг бахтсизликдан бахтиёрликка ўтиши тўғри эмас, чунки бу трагедияга ҳаммадан кўра ҳам кўпроқ ётдир, чунки у трагедия учун зарур бўлган на инсонга муҳаббатни, на ачинишни, на қўрқинчни қўзғайди. Ниҳоят (учинчидан), бутунлай лаёқатсиз одам бахтиёрликдан бахтсизликка тушмаслиги даркор, чунки (воқеаларнинг) бундай кечиши инсонга меҳр уйғотса-да, аммо ҳамдардлик ва даҳшат қўзғата олмайди. Чунки биз бегуноҳ изтироб чеккан одам учун қайғурамиз, ўзимизга ўхшаш бахтсиз инсон тақдири учун эса қўрқамиз[37]. Шундай экан, бутунлай лаёқатсиз кишидаги ўзгариш бизда на меҳр-шафқат уйғотади, на қўрқув.

Демак, ана шу икки чегара ўртасида турган инсон қоляпти. Бундай одам на яхшилиги ва на тўғри сўзлиги билан ажралиб туради. У лаёқатсизлиги ва нуқсони туфайли эмас, балки қандайдир хатоси туфайли бахтсизликка тушган.

Масалан, Эдип, Фиест ва шунга ўхшаш, авваллари шон-шарафли ва бахтиёрликда бўлган кишилар шулар жумласидандир[38]. Яхши тузилган ривоят, баъзилар айтганидек, икки қатламли бўлгандан кўра, нисбатан содда бўлиши ва тақдир унда бахтсизликдан бахтга эмас, аксинча, бахтдан бахтсизликка қараб, гуноҳ натижасида эмас, балки юқорида таъкидланганидек ёки ёмондан кўра яхши шахс йўл қўйган катта хато туфайли ўзгариши даркор. Буни тарих ҳам тасдиқ этади. Шоирлар дастлаб илк дуч келган ҳар бир мифни бирин-кетин ишлайверганлар. Ҳозир эса энг яхши трагедиялар ҳам озроқ уруғлар доирасида, масалан, даҳшатли тақдирга учраган ёки даҳшатни юзага келтирган Алкмеон, Эдип, Орест, Мелеагр, Фиест, Телеф ва бошқалар доирасида яратилмоқда[39].

Шундай қилиб, санъат қонунларига биноан яратилган энг яхши трагедия худди шундай тартиб берилган трагедиядир. Ўз трагедияларида бунга риоя қилаётган ва трагедияларнинг кўпчилиги бахтсизлик билан хотималанаётган Эврипидни койиётганлар хато қиладилар. Бундай хотималаш, таъкидлаганимиздек, тўғридир. Бунга энг яхши исбот шуки, саҳна ва мунозараларда (агар улар яхши қўйилса) шу хилдаги трагедиялар энг фожиавийдир. Эврипиднинг ҳатто бошқа соҳада нуқсонлари бўлса-да, ҳар ҳолда у энг трагик шоирлардан бири бўлиб қолаверади.

Трагедиянинг баъзилар биринчи деб атаган иккинчи тури «Одиссея»га ўхшаб, икки қатламли таркибга эга бўлганидир, ҳам яхши, ҳам ёмон кишилар учун ёқимли (яъни, яхшилик билан) тугалланади. У томошабинларнинг ожизлиги туфайли биринчи ўринга чиқиб қолганга ўхшайди. Ахир шоирлар томошабинларнинг кўнглини олиш учун уларга мослаб шундай қиладилар. Аммо бундан олинган завқ трагедияга эмас, балки кўпроқ комедияга хосдир. Дарҳақиқат, бунда Орест ва Эгисф каби ашаддий душман бўлганлар охирда дўст бўлиб кетадилар ва уларнинг бирортаси ҳам бошқасининг қўлида ўлмайди.[40]

XIV

ҲАМДАРДЛИК ВА ДАҲШАТ УЙҒОТИШ

Даҳшатлилик ва аянчлилик саҳна жиҳозлари орқали келиб чиқиши мумкин, бироқ воқеалар таркибининг ўзидан ҳам пайдо бўладики, бу аксарият ўринларда асар муаллифининг яхши шоирлигига далилдир. Аслида асар шундай ёзилиши керакки, у саҳнада кўрилмаганида ҳам бўлиб ўтадиган воқеани тингловчи ҳар бир киши, худди Эдип ҳақидаги ривоятни тинглагандай, ҳодисаларнинг ўсиб боришидан ғам чекувчига нисбатан ўзида ҳамдардлик сезсин ва вужуди живирлаб сескансин. Бунга театр жиҳози воситасида эришиш санъатнинг иши эмас, балки саҳнага қўювчининг ишидир. Саҳна томошаси орқали қўрқинчли эмас, балки фақат ғаройиб воқеани тасвир этадиган асарларнинг трагедияга ҳеч қандай алоқаси йўқ[41], чунки трагедиядан ҳар қандай завқланишни эмас, фақат унга хос бўлган муайян хусусиятни излаш даркор. Чунки трагедияда шоир бадиий тасвир ёрдамида бериши лозим бўлган завқ раҳмдиллик ва қўрқинчдан келиб чиқади, шуниси равшанки, у бу туйғуларни воқеаларнинг ўзида гавдалантириши керак. Шунинг учун ҳодисалардан қайсилари қўрқинчли ва қайсилари аянчли эканлигини текшириб кўрамиз. Қўрқинчли ва аянчли воқеалар, албатта, бир-бирига дўст ёки бир-бирига душман бўлган одамлар, ёки бир-бирига дўст ҳам, душман ҳам бўлмаган одамлар ўртасида содир бўлиши лозим. Агар рақиб рақибни азоб чекишга мажбур этса, у ўз хатти-ҳаракати билан ҳам, шундай ҳаракат қилиш нияти билан ҳам ачиниш қўзғата олмайди; бир-бирига бефарқ шахслар ҳаракат қилганида ҳам шундай ҳол содир бўлади. Бироқ бу азобланишлар дўстлар ўртасида пайдо бўлса, масалан, ака-укалардан бири иккинчисини ёки ўғил отасини, ёки она ўғлини, ёки ўғил онасини ўлдирса, ёинки ўлдиришни ният қилса, ёки шунга ўхшаш бирон-бир

ҳаракат қилса – шоирнинг излаши керак бўлган ҳолатлар худди мана шулардир.

Ривоят тарзида сақланиб қолган (Мен Клитемнестранинг Орест қўлида ва Эрифиланинг Алкмеон қўлида ўлиши кабиларни назарда тутаман) мифларни бузиб талқин қилиш ярамайди. Лекин шоирнинг ўзи кашф этувчи бўлиши ва ривоятлардан ҳам моҳирона фойдалана олиши лозим. Моҳирона дегани нимани англатишини ҳозир изоҳлайман. Воқеани онгли равишда, билиб, тушуниб ҳаракат қилувчилар амалга оширади. Қадимги шоирларнинг асарларида шундай. Эврипид ҳам ўз болаларини ўлдирувчи Медеяни шундай гавдалантирган. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, бирор одам даҳшатли ишни ўзи билмай туриб қилиб қўяди-да, кейин қурбони ўзининг яқин одами эканлигини билиб қолади (Софоклнинг Эдипи сингари). Бу ерда даҳшатли иш драмадан ташқарида содир бўлади; бироқ баъзан даҳшатли иш трагедиянинг ўзида содир бўлиши мумкин. Астидамант асаридаги Алкмеон ёки «Ярадор Одиссей»даги Телегонларнинг фожиаси эса трагедиянинг ўзида амалга ошади.[42]

Бундан ташқари яна учинчи ҳолат ҳам борки, бунда бехабарлик оқибатида қандайдир тузатиб бўлмайдиган жиноят қилиш мақсадига тушган киши бу ишни амалга оширишдан олдин хатосини билиб қолади. Бундан бошқача ҳолатларда фожиа келиб чиқмайди, чунки бирор ишни онгли ёки онгсиз амалга ошириш, ёки оширмаслик керак. Бу ҳолатларнинг энг ёмони нимадир қилишни мақсад қилиб, уни амалга оширмасликдир. Бу жирканч ҳолат, аммо фожиа эмас, чунки унда эҳтирос йўқ. Шунинг учун айрим ҳолатлардан ташқари (масалан, «Антихона»да Гемон Креонтни ўлдиришни ният қилади, аммо уни ўлдирмайди) шоирлардан ҳеч ким бундай талқин қилмайди[43]. Асарда ниманидир қилишнинг ўзи асарни кучайтиради. Энг яхшиси, ҳодисани амалга оширишгача бехабар бўлиш, воқеанинг юз беришидан сўнггина билиш-

дир, чунки бундай ҳолатда жирканчлик бўлмайди, тўсатдан билиш эса кишига завқ беради.

Энг кучли таъсир этадигани охирги (юқорида айтиб ўтилган) ҳолатдир; мен бу ўринда, масалан, «Кресфонт»даги Меропа ўз ўғлини ўлдиришга қасд қилиши, ўлдирмаслиги ва таниб қолиши, «Ифигения»да сингил акани, «Гелла»да онасига хоинлик қилмоқчи бўлган ўғилнинг онасини таниб қолишини назарда тутаман[44]. Шунинг учун ҳам, таъкидланганидек, трагедиялар баъзи уруғлар хусусидагина ёзилади, холос. Албатта, шоирлар ўз ривоятларини шундай усулда ишлашни санъат йўли билан эмас, балки тасодифан кашф этадилар. Шунинг учун улар фақат шу йўсиндаги бахтсизлик рўй берган оилаларга мурожаат қилишлари керак бўлиб қолади. Шундай қилиб, ҳодисалар оқими ва ривоятлар қандай бўлиши кераклиги ҳақида етарли сўзланди.

XV

ХАРАКТЕРЛАР

Характерларга келсак, улардан тўрт мақсад кўзда тутилади[45]. Биринчи ва асосийси: қаҳрамон олижаноб бўлиши керак. Аввал айтганимиздай, шахс агар ўзининг гаплари ва ишларида қандайдир мақсадга амал қилса, характерга эга бўлади. Агар шахс яхши мақсадларни кўзласа, характери ҳам яхши бўлади. Бу ҳар бир одамда мавжуд бўлиши мумкин: аёл ҳам, ҳатто қул ҳам яхши бўлиши эҳтимол, биринчиси (эркакдан) ёмонроқ, қул эса ундан ҳам ёмонроқ бўлиши ҳам мумкин[46]. Иккинчидан, характерлар ўзига хос бўлиши керак: характер мардона бўлиши мумкин, аммо аёл кишига мардлик билан кучлилик ярашмайди. Учинчидан, характерлар (ҳаётий) ҳаққоний бўлиши керак: бу юқорида айтилгандан мутлақ бошқача бўлиб, уларни яхши ёки ярашиқли қилиб тасвирлаш керак деган гап эмас. Тўртинчидан, характерлар изчил бўлиши керак: ҳатто тасвирланган шахс ноизчил

бўлиши, шу характернинг барча ишларига ноизчиллик хос бўлиши мумкин. Аммо характернинг мана шу ноизчиллиги ҳам изчил бўлиши зарур[47]. Зарурат туфайли эмас, балки ўзича тубан бўлган кишининг характерига «Орест»даги Менелайни, номуносиб ва ярашмаган қилиқли характерга «Сцилла»даги Одиссейнинг йиғисини ва Меланиппанинг нутқини, ноизчил характерга «Ифигения Авлидада» асаридаги Ифигенияни мисол қилиб келтирса бўлади[48]. Чунки илтижо қилаётган Ифигенияга шундан кейинги эпизоддаги Ифигения мутлақ ўхшамайди.

ХАРАКТЕРЛАРНИНГ ИЗЧИЛЛИГИ ҲАҚИДА

Характерларда ҳам, воқеалар таркибида ҳам доимо зарур ёки эҳтимолликни излаш керак, яъни кимдир қайсидир гапни ё ишни зарурият туфайли, ёки эҳтимол тутилганидай гапирсин, ё бажарсин ҳамда қандайдир воқеа бошқа воқеа туфайли зарурият тақозоси билан ёхуд эҳтимол тутилганидай содир бўлсин. Бинобарин, табиийки, ривоят ечими ҳам асар воқеаларининг ўзидан келиб чиқиши керак. «Медея» ва баъзи асарлардагидай ёхуд «Илиада» асаридаги қирғоқдан сузиб кетиш каби асар ечими техника ёрдамида ҳал қилинмасин[49].

Фақат драмадан ташқарида содир бўладиган воқеаларда, аввал юз берган воқеаларни ёки одамзот билиши лозим бўлмаган воқеаларни, ёхуд кейинроқ юз берадиган ва (худолар томонидан) башорат қилинишига, ваҳий келтирилишига боғлиқ нарсаларни кўрсатишдагина техникадан фойдаланиш мумкин, чунки биз худолар ҳамма нарсадан огоҳ, деб ишонамиз. Зотан, воқеаларда характерлардаги каби мантиққа зид ҳеч нарса бўлмаслиги керак, аксинча, мантиққа зид воқеалар чиндан ҳам трагедиядан ташқарига кўчирилади, масалан, Софоклнинг «Эдип»ида шундай[50].

ХАРАКТЕРЛАРНИНГ ҲАЁТИЙЛИГИ ҲАҚИДА

Модомики, трагедия биздан кўра яхшироқ одамларни гавдалантирар экан, демак, биз одамларнинг ўзига хос хусусиятларини тасвирлашда мавжуд кишиларга монанд ва айни вақтда чиройлироқ қилиб ишлайдиган яхши портрет усталаридан ўрнак олишимиз керак. Шоир ҳам характерида жаҳли тезлик, беғамлик ва шу каби камчиликлари бўлган одамларни тасвирлар экан, уларни қандай бўлса шундай (жаҳлдор, беғам қилиб) ва айни чоғда гўзал одам қилиб кўрсатади. Характердаги шафқатсизлик хислатига Агафон ва Ҳомер яратган Ахилл мисол бўла олади[51]. Демак, (характер тасвирида) барча айтилганларга амал қилиш зарур. Бундан ташқари, поэзиядаги нотўғри таассурот қолдирувчи қусурлар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак, чунки бу масалада ҳам шоир кўп хатоларга йўл қўйиши мумкин. Аммо бу хилдаги хатолар ҳақида асарларимизда етарли фикр айтганмиз.

XVI

БИЛИБ ҚОЛИШ

Билиб қолиш нималиги хусусида олдин тўхталган эдик. Билиб қолишнинг турлари эса тубандагилардир. Биринчи ва энг оддийси – шоир етарли бадиий воситаларга муҳтожлигидан (ташқи) белгилардан фойдаланади. Булар баъзан табиий белгилар бўлади. (Каркин «Фиест» асарида тасвирлаган «Ер фарзандларининг найзаси» ёки у қўллаган «юлдузлар» шундай. Гоҳо бундай белгилар табиий, туғма бўлмайди, баъзилари одамнинг ўзида (масалан, чандиқлар), баъзилари одам билан бирга (масалан, марварид шодаси ёки «Тиро»даги каби тоғорача бўлиши мумкин).[52] Аммо бундай воситалардан яхшироқ ҳам, ёмонроқ ҳам фойдаланиш мумкин. Чунончи, бир ўринда энагаси Одиссей оёғини юваётганида чандиғидан билиб қолади, бошқа ўринда эса

чўчқабоқарларга Одиссей ўзини танитиш учун чандиқни ўзи кўрсатади. (Охирги мисолдагидай). Белгилар фақат одамнинг кимлигини аниқлаш учун ёки шунга ўхшаш ҳолатлар учун ишлатилса бадиийлиги камроқ бўлади. Улар кескин ўзгариш жараёнида (оёқ ювиши сахнасидагидай) ўз-ўзидан зоҳир бўлса, бадиийлиги зиёдроқ бўлади. Билиб қолишнинг иккинчи кўриниши шоир томонидан тўқиб чиқарилган, шунинг учун бадиийликдан йироқдир. «Ифигения»да Орест ўзини худди шундай усул билан билдириб қўяди: Ифигения бу ўринда ўзини хат ёрдамида танитади. Орест эса ривоят воқеасидан келиб чиқиб гапирмай, шоир истаги билан гапиради. Шунинг учун бундай билиб қолиш муваффақиятсиз бўлиб, юқорида айтилганлардан фарқ қилмайди. Худди шунингдек, Орест ўзида белгиси бўлганида ҳам худди шундай ҳолатда бадиий заиф бўлур эди (Софоклнинг «Терей»идаги «тўқувчи мокисининг овози»га таққослаб кўринг)[53].

Учинчиси – хотиралар орқали билиб қолишдир. Одам бирор манзарани кўрганида нимадир эсига тушиб, ҳаяжонланиб кетади. Дикеогеннинг «Киприяликлар» асарида (қаҳрамон) бир суратни кўриб йиғлаб юборади. «Алкиной ҳузуридаги ҳикоя»да эса қаҳрамон кифарачининг куйини тинглаб, (бошидан кечган) воқеалар эсига тушиб, ҳўнграб йиғлаб юборади. Шу орқали иккиси билиб қолинади.

Тўртинчи хил билиб қолиш хулоса чиқариш орқали содир бўлади. «Хоэфоралар»да шундай: «(Менга) ўхшаш кимдир келди, менга фақат Орест ўхшар эди, демак, Орест келган». Софист Полиид асарида ҳам шундай, унда Орест синглиси қурбонликка берилганидай, ўзи ҳам шу қисматга учраяжаги ҳақида табиий равишда ўйлайди. Феодектнинг «Тидей»ида ҳам (қаҳрамон) «ўғлимни излаб келган эдим, мана ўзим ўляпман», деб ўйлайди. «Финей қизлари»да ҳам аёллар бир жойни кўрганларида, шу жойда кемадан туширилган эдик, шу жойда ўлиб кетсак керак, деб ўз қисматлари ҳақида хулоса чиқаришади[54]. Яна (бешинчи хил) мураккаб билиб қолиш ҳам

бўлади, унда қаҳрамон суҳбатдошининг ёлғон хулосаси орқали ўзини танитиб қўяди. «Одиссей – сохта хабарчи» да бир одам (ўзи кўрмаган) ёйни танийман, дейди. Бошқаси «суҳбатдошим ёйни (кўрган экан) танийди», деган ёлғон хулоса чиқаради.[55]

Аммо энг яхши билиб қолиш воқеаларнинг ўзидан келиб чиқувчи ва табиийлиги билан ҳайратга солувчи (олтинчи хил) Софоклнинг «Эдип» и ва «Ифигения» дагидай ҳолатдир. Воқеа шу қадар ишонарлики, Ифигения мактубни (уйига) бериб юбормоқчи бўлади. Фақат ана шундай билиб қолишлар турли тўқиб-чатилган белгиларга ва маржонларга муҳтож бўлмайди, иккинчи ўринда эса хулоса ёрдамида билиб қолиш туради.

XVII

ЖОНЛИ ТАСАВВУР

Шоир фабулани тартибга солиб ва уни сўз билан ифодалаётганида, иложи борича, воқеаларни кўз ўнгида жонли тасаввур қилиши керак; ана шунда шоир гўё воқеаларда ўзи қатнашгандай бўлади, барча зарур тасвирларни излаб топади ва ҳеч қандай мантиқсизликка йўл қўймайди. Бунга исбот сифатида Каркин асаридаги камчиликни кўрсатиш мумкин. Асарда Амфиарай ибодатхонадан чиқади, бироқ бу уни ибодатхонага кирганини кўрмаган томошабин учун мантиқсиз бўлиб қолади, шунинг учун томошабинлар норози бўлишди, драма эса муваффақиятсизликка учради. Ҳатто имо-ишоралар ҳам иложи борича ифодалашга хизмат қилиши керак. Эҳтиросларининг табиати бир хил бўлган қаҳрамонларни тасвирлаган шоирлар кўпроқ ишончга сазовор. Ўзи ҳаяжонлана оладиган шоир томошабинларни ҳаяжонлантира олади, ўзи ғазаблана оладиган киши томошабинларни ҳам ғазаблантира олади. Шунинг учун поэзия – истеъдодли ёки мажнунсифат инсоннинг қисматидир. Истеъдодли одамлар руҳан жуда таъсирчан, мажнунсифатлари эса жазавага мойил бўладилар.

АСАРНИНГ УМУМИЙ ВА ХУСУСИЙ ТОМОНЛАРИ

Шоир асар ёзаётганида (ривоятлар ёки тўқима воқеаларга асосланган) драмаларнинг мазмунини (аввало) умумий тарзда тасаввур қилиши керак, сўнгра эса, унга тафсилотлар қўшиб кенгайтириши зарур. «Умумий тарзда кўриб чиқиш» нима эканлигини «Ифигения» мисолида кўрсатаман. Бир қизни қурбонликка олиб келишади, аммо у қиз қурбонликка келтирувчиларга сездирмай ғойиб бўлади. Бошқа бир ўлкага бориб, ибодатхонада коҳинлик хизматини адо эта бошлайди. Бу ўлканинг одатларига кўра фақат мусофирлар қурбонлик қилинар экан... Маълум вақт ўтгач, бу ерга шу коҳина қизнинг акаси келиб қолади (худо уни қандай сабаб билан бу ёққа юборгани, унинг нима иш билан келгани асар учун аҳамиятли эмас). Йигит бу ёққа келгач, уни тутиб, қурбонликка тайинлашади. Аммо у ўзини танитиб қўяди (Эврипидда табиий равишда йигит «синглим ҳам қурбон қилинган эди, менинг ҳам қисматим шу экан», деб ўзини танитиб қўяди) ҳамда шу билан қурбонликдан қутулиб қолади. Шундан сўнггина қаҳрамонларнинг исмини қўйиб, қўшимча тафсилотлар (ёзиш)га киришиш керак. Аммо бу қўшимчалар (тафсилотлар) ўз ўрнига тушиши лозим. Масалан, Орестнинг жинни бўлиб қолиб, тутилиши, унинг покланиш йўли билан халос бўлиши ўринли тафсилотлардир. Демак, драмаларда тафсилотлар қисқа бўлади, эпос аксинча, чўзиқ тафсилотлар билан кенгайиб кетади. «Одиссея»нинг асосий мазмуни унча кенг эмас. Бир одам кўп йиллар бегона юртларда сарсон бўлиб кезади, уни Посейдон таъқиб қилади, у ёлғиз. Уйида эса куёвлар мол-мулкини талон-торож қилишади ва ўғлини ўлдириш пайига тушишади. Қаҳрамон бўрондан қутулиб, сафардан қайтиб келади, баъзиларга ўзини танитади, душманларига ҳужум қилиб, уларни қириб ташлайди. «Одиссея» асарида асосий мазмуннинг бор-йўғи шу. Қолган воқеалар эса тафсилотлардир.

XVIII

ТУГУН ВА ЕЧИМ

Ҳар қандай трагедияда тугун ва ечим бўлиши зарур.

Драмадан ташқаридаги барча воқеалар, шунингдек, баъзан драманинг ичидаги айрим воқеалар – тугун, қолганлари эса – ечимдир. Мен трагедиянинг бошланишидан то (қаҳрамоннинг) бахтсизликдан бахтиёрликка ёки бахтиёрликдан бахтсизликка томон ўтиш ҳаракати бошланган чегарагача бўлган қисмни тугун деб атайман. Ана шу ўтиш бошланган жойдан (асарнинг) охиригача бўлган қисм – ечимдир. Чунончи, Феодектнинг «Линкей»ида барча аввалги воқеалар, чақалоқнинг сўнгра ота-оналарнинг қўлга олиниши – тугун, қотилликда айбланиш бошланган жойдан асарнинг охиригача – ечимдир.

ТРАГЕДИЯНИНГ ТУРЛАРИ

Трагедиянинг турлари тўртта (қисмлари ҳам шунча деб кўрсатилган эди): 1) мураккаб тўқимали трагедия, бунда ҳамма нарса кескин ўзгариш ва билиб қолишга асосланади; 2) изтироблар трагедияси. Аянт ва Иксион ҳақидаги асар каби; 3) характерлар трагедияси. «Фтиотидалар», «Пелей» каби; 4) ажойиботлар трагедияси. «Форкидалар», «Прометей» ва воқеалари Аидда юз берадиган барча трагедиялар ҳам шу турга киради. Энг яхшиси, мана шу хусусиятларнинг ҳаммасини бириктиришдир, агар бунинг иложи бўлмаса, айниқса, шоирларга ноҳақ ҳужум бошланган ҳозирги пайтда бу хусусиятларнинг кўпроғи ва муҳимроғини танлаш керак. Илгарилари трагедиянинг ҳар қандай соҳаси бўйича (устод) шоирлар бор эди, ҳозир эса бир шоирдан уларнинг ҳаммасини орқада қолдиришни талаб этишяпти.

ЯНА ТУГУН ВА ЕЧИМ ҲАҚИДА

Биз трагедияларни ривоят (тузилиши)га қараб турли хил ёки бир хил дейишга ҳақлимиз. Яъни тугун ва ечим бир хил бўлгандагина трагедияларда ҳам бирхиллик юзага келади. Баъзи (шоир)лар тугунни яхши тугишади, бироқ ечимни уддалай олишмайди, ҳолбуки, иккаласига ҳам моҳир бўлиш керак.

БИР ВА КЎП ФАБУЛАЛИ ТРАГЕДИЯЛАР

Аввал ҳам неча қайта таъкидланганидек, эпик таркибли (яъни кўп ривоятлардан ташкил топган) трагедиялар ёзиш керак эмаслигини унутмаслик керак. Масалан, бирон-бир шоир томонидан трагедия учун «Илиада» ривоятини яхлитлигича қамраб олиш ўринсиздир. Эпосда умумий кенглик бўлгани учун ҳар бир қисм ўзига яраша ҳажмга эга бўлади. Драмаларда эса шоир ўйлаганидай бўлмайди. Қанчадан-қанча шоирлар «Илионнинг қулаши»ни ёки «Ниоба»ни тўлиғича кўрсатишга интилиб, муваффақиятсизликка учраши, мусобақаларда енгилиши бунинг исботидир. Ҳатто Агафон ҳам фақат шу сабабдан муваффақиятсизликка учради. Фақат Эврипид «Илионнинг қулаши»ни, Эсхил эса «Ниоба»ни қисм-қисм қилиб кўрсатганлари учун муваффақият қозондилар ва мусобақаларда енгиб чиқдилар. Ҳолбуки, ана шу (трагик шоир)лар фожиийликни ва (ҳеч бўлмаса) одамийликни кескин ўзгаришлар – перипетиялар ва оддий воқеалар орқали аъло даражада кўрсата олар эдилар. (Одамийлик деганда Сизиф каби ақлли, лекин нуқсонли одамнинг алданиши ёки жасур, лекин адолатсиз кишининг енгилиши кўзда тутилади. Чунки униси ҳам, буниси ҳам эҳтимолликдан узоқ эмас. Агафон айтгандай, «кўпгина ғайритабиий нарсаларнинг ҳам юз бериши табиийдир».)

ВОҚЕАДА ХОРНИНГ РОЛИ

Хорни ҳам актёрлардан бири деб ҳисоблаш керак. Хор яхлит нарсанинг бир қисми бўлиб, воқеада Эврипиддагидай эмас, балки Софоклдагидай қатнашуви лозим. Бошқа шоирларнинг асарларида эса хор муайян трагедияга қанча алоқадор бўлса, бошқа трагедияларга ҳам шунчалик алоқадор. Шунинг учун уларнинг асарларида хор қўшимча қўшиқларни куйлайди. Бунга Агафон асос солган. Ростдан ҳам қўшимча киритилган қўшиқлар куйлаш билан бутун бир монолог ёки ҳатто эпизодни трагедиядан трагедияга кўчириб юриш ўртасида нима фарқ бор?

XIX

ТИЛ ВА ФИКР

Шундай қилиб, кўп нарсалар ҳақида айтилди; тил ва фикр ҳақида гапириш қолди, холос. Аммо фикрга тааллуқли нарсаларга риторикада тўхталиш керак эди, чунки булар риторика таълимотига тегишлидир. Сўз билан эришиладиган нарсаларнинг ҳаммаси фикр (соҳаси)га тегишлидир. Хусусан, бу соҳа – исботлаш ва рад этиш, эҳтиросли туйғуларни (бирга қайғуриш, қўрқув, ғазаб ва ҳоказолар каби) уйғотиш, шунингдек, улуғлаш ёки камситиш сингари вазифаларни ўз ичига олади. Табиийки, воқеаларни тасвирлаганда ҳам, аянчли ёки қўрқинчли, буюк ёки оддий нарсаларни кўрсатганда ҳам ўша тушунча (идеал)лардан келиб чиқиш керак. Лекин фарқ шундаки, (трагедияда) воқеалар равшан ва ўгит (дидактика)сиз кўрсатилиши лозим. Нутқ замиридаги фикрлар эса гапирувчи шахс орқали гавдаланади ва унинг нутқи давомида юзага келади. Ҳақиқатан, агар ҳамма иш қаҳрамоннинг нутқисиз ҳам битадиган бўлса, гапирувчи бу ерда нима қилар эди?

Нутққа тегишли бир масала борки, у (поэтикага эмас) талаффуз санъатига ва нутқ тузиш билимларига алоқадордир.

Бу – нутқ майлларидир: буйруқ, илтижо, ҳикоя, дўқ-пўписа, савол, жавоб ва ҳоказолар. Бундай нарсаларни билиш ёки билмаслик поэтик санъат учун арзирли ҳеч қандай эътироз уйғотмайди. Маълумки, Протагор: «Куйлагил, маъбуда Ахилл ғазабин...» сўзларида Ҳомер илтижони ифодаламоқчи бўла туриб, буйруқни ифодалаган, ахир нима қилиш керагу, нима қилмаслик кераклиги буйруққа хос-ку, деб таъна қилган эди. Аслида бундай нарсаларни хато деб бўлмайди. Поэтикага эмас, бошқа фанга тааллуқли бўлгани учун бундай нарсалар устида тўхталиб ўтирмаймиз.

XX

НУТҚ БЎЛАКЛАРИ

Умуман, нутқ қуйидаги бўлакларга бўлинади: асосий товуш, бўғин, боғловчи, бўлак (аъзо), от, феъл, келишик, гап. Асосий товуш бўлинмас товушдир. Ҳар қанақа эмас, балки англанган товуш ҳарф бўла олади. Ҳайвонларда ҳам бўлинмас товушлар бор, аммо мен у товушларнинг биронтасини товуш демайман. Унли, ундош, унсиз товушлар бор. Лабнинг иштирокисиз эшитиладиган товуш унли бўлади, лабнинг иштирокида эшитиладиган товуш ундош бўлади. З ва R каби; (ҳатто) лабнинг иштироки билан ўзи жарангламай, бошқа товушлар билан келганида эшитиладиган товуш унсиз товуш бўлади. К ва Т каби. Барча товушлар оғизнинг вазиятига, (пайдо бўлиш) ўрнига, нафаснинг қуюқлиги ва енгиллигига, узун ва қисқалигига, урғунинг ўткирлиги, оғирлиги ва ўртачалигига қараб бир-биридан фарқланади; аммо буларнинг тафсилотлари вазнда ўрганилади.

Бўғин унсиз товушлардан ва унли ёки ундош жарангли товушлардан ташкил топган маъносиз бирикмадир. Г, Р товушлари А сиз ҳам, А билан ҳам (ГРА) бўғин бўла олади. Дарвоқе, бўғинларнинг фарқларини ўрганиш ҳам вазнга тааллуқлидир.

Боғловчи (1) мустақил маънога эга бўлмаган кўп сонли товуш билан маънони билдирувчи бирон сўзнинг ясалишига халақит этмайдиган ва кўмаклашмайдиган сўздир. У гапнинг охирида ва ўртасида келиши мумкин, гап бошида эса мустақил келолмайди (фақат бошқа сўз билан қўшилиб келади). Боғловчи (2) бир неча (мустақил) маъноли сўзлардан битта (мустақил) маъноли гап туза оладиган (мустақил) маъноли (кўмакчи) сўздир.

Аъзо (бўлак) (1) гапнинг бошини, охирини ёки бирор бўлагини билдирувчи (мустақил) маъно англатмайдиган сўздир. Ёки (2) кўпгина сўзлардан иборат (мустақил) маъно англатувчи гап ясалишига халақит этмайдиган ва кўмаклашмайдиган, (мустақил) маъно англатмайдиган сўздир.

От – мураккаб, (а) маъно англатувчи, (б) замонни билдирмайдиган, (в) қисмлари ўз-ўзидан маъно англатмайдиган (г) сўздир. (Чиндан ҳам ясама сўзларда уларнинг қисмлари мустақил маъно англатмайди. Феодор сўзидаги «дор» мустақил (берди деган) маъно англатмайди. (Юнонча Феодор – Худойберди дегани.)

Феъл – мураккаб (а), маъно англатувчи (б) замонни англатувчи, (в) отлардаги каби, қисмлари маъно англатмайдиган (г) сўздир. Чунончи, «одам» ёки «оқ» (сўзлари) замонни англатмайди, «боряпти» ёки «келди» сўзлари бошқа хусусиятларидан ташқари, ҳозирги ёки ўтган замонни ҳам англатади.

Келишик. От келишиги ёки феъл келишиги – Кимни? Кимга? Ва ҳ.к. саволларга жавоб берувчи ёки бирлик, ёки кўпликни англатувчи (масалан, «кишилар» ва «одам») каби от келишиклари ёинки талаффуз оҳангини билдирувчи (сўроқ ё буйруқ «келдинг?» ёки «бор!» каби хилдаги) феъл келишикларидир.

Гап эса мураккаб (а) мустақил маъно англатувчи, (б) қисмлари ҳам мустақил маъно англатувчи (в) сўзлар йиғиндисидир (гарчи ҳар қандай гап феъллар ва отлардан тузил-

маса-да, масалан, одамни сифатлаш каби феълсиз тузилса-да, бари бир гапда ҳамиша маъно англатувчи бўлаклар бўлади). Масалан, «Клеон келяпти» гапидаги «Клеон» сўзи. Гап битта бўлса ҳам турли маъноларда ё битта нарсани, ё кўп нарсаларнинг йиғиндисини ифодалаб келиши мумкин. Масалан, «Илиада» кўп нарсаларнинг йиғиндисини ифодаловчи битта сўз бўлса, инсонни сифатлаш эса якка нарсани англатади.

XXI

ОТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

От икки хил, содда ва мураккаб бўлади. Мен мустақил маънога эга бўлмаган қисмлардан ташкил топганини содда от деб атайман. Масалан, «тупроқ». Мураккаб от эса мустақил маъно англатувчи ва (яъни мазкур сўздан ташқарида мустақил маънога эга ёки эга бўлмаган), ёки бир неча мустақил маъно англатувчи қисмлардан ташкил топади. Бундай қисмлар учта, тўртта ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. Кўпинча «Гермокаикоксанф» каби дабдабали сўзлар шундай бўлади.

Ҳар қандай от кенг қўлланиладиган ёки ноёб, кўчма маъноли, ёки безакли, ёки тўқима, ёки узун, ёхуд қисқа, ёинки янги ясалган бўлиши мумкин.

Ҳамма ишлатадиган сўзларни кенг қўлланиладиган ва барча ишлатмайдиган сўзларни ноёб сўзлар деб атайман. Табиийки, бир сўз баъзи одамлар орасида кенг қўлланилиши, бошқа одамлар орасида кам қўлланилиши мумкин. Чунончи, дротик (ханжар) сўзини Кипр аҳолиси кенг истифода қилади, биз учун эса бу ноёб саналади.

Кўчма сўз (метафора) – нарсага хос бўлмаган, жинсдан турга ёки турдан жинсга, ёхуд турдан турга кўчирилган, ёинки ўхшатилган сўздир.

1. Жинсдан турга кўчирилган сўзларга «Ана, менинг кемам ҳам турибди...» жумласи мисол бўла олади. Бу ерда

умуман «турибди» сўзи «лангарда турибди» хусусий маъносини англатади.

2. Турдан жинсга кўчирилган сўзлар. «Минглаб шавкатли ишларни қилди. Одиссей...» жумласидаги «минглаб» сўзи умуман «кўплаб»нинг хусусий ҳолати бўлгани учун бу ўринда «кўплаб» маъносини англатади.

3. Турдан турга кўчирилган сўзлар. Масалан, «Мис билан жонини бўшатиб» ва «сув заррасин чарчамас мис билан кесиб». Биринчи ҳолда «бўшатиб» сўзи «кесиб» маъносида, иккинчи ҳолда «кесиб» сўзи «бўшатиб» деган маънода келяпти.

4. Ўхшатилган сўзлар. Бу ерда мен иккинчи сўз биринчисига қанчалик алоқадор бўлса, тўртинчи сўз учинчисига шунчалик алоқадор бўлган ҳолни назарда тутаман. Шунинг учун (шоир) иккинчи сўз ўрнига тўртинчини ёки тўртинчи сўз ўрнига иккинчисини айтиши мумкин. Гоҳо бунга алмаштирилган сўзга алоқадор бўлган сўз ҳам қўшилади. Масалан, коса Дионисга қанчалик алоқадор бўлса, қалқон Аресга шунчалик алоқадор. Шунинг учун косани «Дионис қалқони», қалқонни эса «Арес косаси» дейиш ҳам мумкин. Ёки, масалан, қарилик билан умр алоқаси шом билан кундуз алоқасига ўхшайди. Шунинг учун шомни «кундузнинг» қарилиги (ёки Эмпедоклдаги каби), қариликни эса «умр шоми» ёки «ҳаётнинг сўниши» дейиш мумкин. Таққосланган тушунчаларнинг баъзилари доимий исмга эга бўлмаса ҳам ўхшатиш маъносида номланавериши мумкин. Масалан, деҳқоннинг уруғ сочишини «экиш» деймиз. Қуёшнинг нурларини сочиши алоҳида номланишга эга бўлмаса-да, «экиш» экувчига қандай қўлланилса, шу сўз қуёшга нисбатан ҳам қўлланилиши, «Тангри ато этган нурларни экиб» дейилиши мумкин. Бундай кўчма ибораларни бошқачасига ҳам тузиш мумкин. Бирон тушунчага хос бўлмаган сўзни қўшиб, унга хос бўлган сўзни айриб ишлатиш ҳам мумкин.

Масалан, қалқонни «Арес косаси» дейиш ўрнига «вино қуйилмайдиган коса» деб ишлатиш ҳам мумкин.

Янги сўз – ҳеч қачон ҳеч ким қўлламаган, фақат шоир томонидан қўлланилган, ўйлаб топилган сўзлардир. Масалан, «шохлар», ўрнига «мугизчалар», «коҳин» ўрнига «дуогўй» кабиларнинг қўлланиши шунга монанддир.

Чўзилган ёки қисқарган сўзлар: 1. Узайган сўз унли товушни керагидан ортиқ чўзганда ёки ортиқча бўғин қўшганда ҳосил бўлади. (Масалан, «посбон»даги «о»ни чўзиб ёки «посибон» деб «и» қўшиб ўқиганда сўз чўзилади.) 2. Қисқарган сўзлар – баъзи сўзларнинг бир қисми вазн, оҳанг талаби билан тушириб қолдирилади. (Масалан, «лекин» ўрнига «лек», «ва лекин» ўрнига «вале» каби.)

Ўзгарган сўзлар – кўп ишлатиладиган сўзнинг бир қисми ўзича қолдирилиб, бошқа қисми тўқиб чиқарилади. Масалан, ўнгга дейиш ўрнига, ўнг кўкракка каби.

Номлар аслида эркакча, аёлча ва ўрта жинсда бўлади. Кўпинча, охири унсиз П, Н билан тугаган, шунингдек, Ф, Е билан бирга келувчи мураккаб сўзлар эркак жинсида бўлади. Аёл жинсидаги исмлар ҳамиша чўзиқ ва унлилар билан, чўзилувчилардан эса А товуши билан тугайди. Шундай қилиб, эркак ва аёл жинсидаги сўз охирларининг сони бир хил, чунки Ф ва Е ҳарфларининг ҳар иккиси ҳам бир хилдир. Ҳеч бир исм унсиз ва қисқа унли ҳарфлар билан тугамайди, И билан эса фақат учта исм тугайди (мис, камед, қалампир), У ҳарфи билан эса бешта, ўрта жинсдаги отлар эса юқоридаги ҳарфлар билан, шунингдек, (А), Н, (Р) Е билан тугайди.

XXII

СЎЗ ТАНЛАШ

Тубан бўлмаган, тушунарли нутқ қимматли нутқдир. Энг тушунарлиси ҳамма ишлатадиган сўзлардан тузилган нутқдир. Аммо бундай нутқ тубан бўлади. Масалан, Клеофонт

ва Сфенел поэзияси шундай. Муносиб ва кўп ишлатилмаган ифода кутилмаган, ғалати сўзлардан фойдаланиш орқали келиб чиқади. Мен кўп қўлланиладиган ҳамма сўзлардан бошқасини; ноёб сўзлар, метафора, чўзилган ва бошқа сўзларни ғалати деб атайман. Лекин кимдир бутун нутқни шундай асосда тузса ё топишмоқ, ё варваризм келиб чиқади. Кўчма сўзлар, метафоралардан ташкил топса, топишмоқ, ноёб сўзлардан ташкил топса, варваризм юзага келади. Амалда топишмоқнинг моҳияти ҳақиқатан мавжуд бўлган нарса тўғрисида сўзлаш, шу билан бирга, бутунлай мумкин бўлмаган нарсаларни бирлаштиришдир. Бунга (кўп қўлланиладиган) сўзлар воситасида эришиб бўлмаса, метафоралар орқали мумкин, масалан:

«Қалқон билан инсонни олов-ла бириктирган
Эрни кўрдим мен».

Ва бошқалар. Ноёб сўзлардан эса варваризм пайдо бўлади. Шундай экан, бу ифодаларни қандай бўлмасин, қориштириш лозим: бир томондан ноёб, кўчма маънодаги, безак ва бошқа қайд қилинган сўзлар нутқни сийқа ва тубан бўлишдан сақласа, бошқа томондан кўп қўлланадиган сўзлар (унга) аниқлик беради. Ифоданинг аниқ, равшан ва ажойиб бўлишини таъминлашда узайган, қисқарган ва ўзгарган сўзлар ҳам самарали таъсир қилади. Бундай сўзлар, кўп қўлланиладиган сўзлар, нисбатан, одатдагидан ўзгачароқ бўлиб, бошқачароқ эшитилади ва шунинг учун нутқни сийқалаштирмайди, одатдаги сўзлар билан муштарак бўлгани учун унга аниқлик киритади.

Шу маънода баъзиларнинг эътироз билдириб, бундай сўз қўллашни танқид қилишлари ва комедияларда шоирлар устидан кулишлари адолатдан эмас. Катта Эвклид унли товушларни ўз хоҳишимча узайтиришга рухсат этсалар, шеър ёзиш унча қийин иш эмас, деб шоирларни таҳқир қилган эди. Бу ифода усулини таҳқир этиб, у ўзи топган бўғинларда шеърлар ҳам ёзди:

Э – эпихарни мен Ма-арафон йўлида кўрдим...
У – унинг попук гули ме-енга ёқмайди...

Ҳар ҳолда бундай ифода усулидан бемеъёр фойдаланиш кулгили, зеро, ҳамма вақт ифоданинг турларида меъёр бўлиши лозим. Ҳақиқатан метафора, ноёб сўзлар ва бошқа сўзлардан кулги қўзғатиш мақсадида, дидсиз ва атайлаб фойдаланган киши Эвклиддек таъсирчанликка эришган бўлур эди. Лекин (бу ифодаларнинг) ўринли қўлланилиши бутунлай бошқа масала. Эпик поэзияда вазнга солинган ноёб сўзлар, метафора ва ифоданинг бошқа шаклларини кўп қўлланиладиган сўзлар билан алмаштириб кўрган ҳар қандай киши бизнинг сўзларимизнинг адолатли эканлигига ишонади. Масалан, Эсхилда ҳам, Эврипидда ҳам ямбда битилган бир хил шеърлар бор. Аммо шу шеърдаги биргина кўп қўлланиладиган сўз ўрнига ноёб сўз алмаштириб қўйилса, бир шоирнинг шеъри гўзал, бошқасиники даҳал кўринади. Эсхил «Филоктет»ида:

«Оёгим суягин яра ейди абадий»,

– дейди. Эврипид эса «ейди» ўрнига «маза қилиб ейди»ни қўяди. Худди шунингдек:

«Нима? Мени пакана, таъвия, заиф одамча...»

мисраси ўрнига кимдир кўп қўлланиладиган сўзлар билан: *«Нима? Мени арзимас таъвия, арзимас киши...»* дейиши ёки: *«Унга кўримсиз курси ва митти столни суриб»* мисраси ўрнига кимдир:

«Унга хунук курси ва кичик столни суриб» дейиши мумкин.

Ёки «қирғоқ увлайди» бирикмаси ўрнига «қирғоқ қичқиради» деса ифода ўзгаради. Арифрад ҳеч ким томонидан

суҳбатда ҳам қўлланмайдиган... каби ифодалардан фойдаланганликлари учун трагикларни масхара қилади. Аслида шунга ўхшаш ифодалар кам қўлланилгани учун нутқдаги сайқаллик йўқолади. Мазахчи эса буни билмайди. Кўрсатилган (ифода усулларининг) ҳаммасидан, мураккаб ва ноёб сўзлардан, айниқса, кўчма сўзлардан ўринли фойдаланишнинг аҳамияти катта: фақат бошқалардан кўчириб ишлатиш ярамайди.

Кўчимларни моҳирона ишлатиш истеъдод белгиси, яхши метафоралар кашф этиш учун нарсалардаги ўхшашликни пайқаш зарур. Мураккаб сўзлар кўпроқ дифирамба учун, ноёб сўзлар қаҳрамонлик шеърларига, метафоралар эса ямб шеърларига мос келади. Дарвоқе, юқорида санаб ўтилган сўзларнинг ҳаммасини қаҳрамонлик ҳақидаги шеърларда қўлланса бўлади. Жонли тилда фойдаланиладиган ҳамма сўзлар ямбдаги шеърларга мосдир, чунки бу (шеърлар) хусусан (жонли) тилга тақлид этади, кўп қўлланиладиган сўзлар, метафоралар ва безовчи сифатлашлар шундайдир.

Шундай қилиб, трагедия тўғрисида ва ҳаракат орқали акс эттириш ҳақида айтилганлар билан чегараланамиз.

XXIII

ЭПОС, УНИНГ РИВОЯТ ЖИҲАТИДАН ТРАГЕДИЯГА ЎХШАШЛИГИ

Вазн воситасида тасвирловчи ҳикоя қилиш санъати ҳақида гапирсак, шуниси равшанки, бундай поэзияни (ҳам) драматикроқ руҳда – яхлит ва тугал, яъни бошланиши, ўртаси ва охири бўлган, мукаммал ҳамда жонли мавжудот каби завқ берувчи муайян бир воқеа атрофида қуриш керак. Эпос асарлари оддий тарихларга ўхшамаслиги керак. Оддий тарихларда биргина воқеа тавсифланмайди, уларда бир вақтнинг ўзида юз берган, гоҳо бир-бири билан фақат тасодифий боғланишга эга бўлган, бир одамнинг ёки кўп одамларнинг бошидан ўтган барча воқеалар тавсифланаверади. Масалан,

Саламин ёнидаги денгиз жанги ҳамда Сицилияда карфагенликлар билан бўлган жанг бир вақтда юз берганига қарамай, улар замирида ҳеч қандай умумий мақсад йўқ эди. Воқеалар турли вақтларда юз берганида ҳам ҳеч қандай ягона, умумий мақсад билан боғланмаган бўлур эди. Аммо шунга қарамай, деярли барча шоирлар худди шундай (тарихчилардай) иш тутишади. Аввал айтганимиздай, Ҳомер бу ерда ҳам бошқаларга таққослаганда арши аълода туради, у бутун уруш ҳақида асар ёзмади, ҳолбуки, урушнинг боши ва охири бор эди. (Негаки, (ўн йиллик) уруш жуда маҳобатли, қамраб олишга ноқулай, ўртача ҳажмда эса (ниҳоятда) қуроқ ва шу туфайли чалкаш эди.) Йўқ, Ҳомер урушнинг (фақат) бир қисмини олди, қолган қисмларидан эса асарни бўлакларга бўлиш учун қўшимча тафсилотлар сифатида фойдаланди, холос. Масалан, кемаларни санаб кўрсатиш, шунингдек, бошқа тафсилотлар. Қолган эпик шоирлар бир қаҳрамон, бир замон ҳақида ёзишди, бир воқеани тасвирлаганда эса «Киприяликлар» ва «Кичик Илиада» каби кўп қисмли қилиб ёзишди. Шунинг учун ҳам «Илиада» ва «Одиссея»нинг ҳар биридан бир-иккитадан трагедия тўқилгани ҳолда «Киприяликлар»дан кўплаб трагедиялар чиқди, «Кичик Илиада»дан эса саккиздан ошиқ – «Қурол баҳси», «Филоктет», «Неоптолем», «Эврипил», «Тиланчилик», «Лаконика аёллари», «Илионнинг қулаши», «Сузиб кетиш», шунингдек, «Синон» ҳамда «Троя аёллари».

XXIV

ТУРЛАР ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАР УЙҒУНЛИГИ

Бундан ташқари, эпопея турлари худди трагедия турларидай (ё оддий, ё мураккаб тўқимали, ё характерлар эпопеяси, ё эҳтиросларэпопеяси), қисмлари ҳам трагедия қисмларидай (мусиқа ва томоша безагидан ташқари) бўлади. Чунки эпо-

пеяда ҳам кескин ўзгариш (перипетия)лар, тўсатдан билиб қолишлар, изтироблар, фикр ва тил яхши бўлиши керак. Ҳомер шуларнинг ҳаммасидан биринчи марта ва аъло даражада фойдаланди. Унинг иккала поэмасидан бири «Илиада» кучли эҳтиролар эпопеяси, «Одиссея» эса мураккаб тўқимали (бутун поэма тўсатдан билиб қолишлардан иборат) бўлиб, характерлар эпопеясидир. Тил ва фикр жиҳатидан ҳам улар ҳамма достонлардан устун туради.

Эпопея трагедиядан таркиби узунлиги ҳамда вазни билан фарқланади. Бу узунликнинг чегараси (меъёри) ҳақида қуйида айтиладиган гаплар етарлидир: эпопеяда бир назар билан воқеанинг боши ва охирини қамраб олиш керак; эпопеялар таркиби қадимгилардан қисқароқ бўлиб, бир томоша вақтида кўрсатилувчи трагедиялар ҳажмига яқинлашсагина бу мумкин бўлади. Аммо эпопея ҳажмининг (худди шу) чўзиқлиги туфайли у муҳим бир хусусиятга эга бўлади. Трагедияда бир вақтда юз бераётган воқеаларнинг кўпгина қисмларини тасвирлаб бўлмайди, (трагедия) воқеанинг фақат саҳнада актёрлар томонидан кўрсатилаётган қисминигина тасвирлаши мумкин. Эпопея эса ҳикоя қилиш бўлгани учун бир вақтда юз бераётган кўпгина қисмларни (воқеаларни) тасвирлаши мумкин. Худди ана шу воқеалардан (агар улар ўринли бўлса) поэманинг ҳажми кенгаяди. Худди шу туфайли эпопея улуғворроқ бўлади, тингловчиларга ҳар хил таъсир кўрсатади, қўшимча тафсилотлари хилма-хил бўлади. Трагедиялар эса тез ғашга тегадиган бир хиллиги туфайли гоҳо муваффақиятсизликка учрайди.

Эпосда тажриба натижасида қаҳрамонлик вазни (гекзаметр) асосланиб қолди. Чиндан ҳам агар бирор шоир бошқа вазнда ёки кўпгина вазнларда ҳикоя қилса, у (асар) номутаносиб кўринади. Ҳақиқатан, қаҳрамонлик вазни энг барқарор ва асосли вазн бўлиб қолди, чунки унга ҳаммадан кўра ноёб ва кўчма сўзлардан фойдаланиш мос тушади, бу эса ҳикоячилик тасвирининг ўзига хос фазилати-

дир. Ямб (триметр) ва тетраметр эса – ҳаракатчан вазнлар бўлиб, бири саҳна тасвирлари учун, иккинчиси рақс учун қулайдир. Херемондагидек турли вазнларнинг қоришуви эса, янада ўринсиздир. Худди шунинг учун эпик асарларни ҳеч ким қаҳрамонлик вазнидан бошқасида ёзмаган. Таъкидлаганимиздек, табиатнинг ўзи бундай асарларга яраша вазн танлашни ўргатиб қўйган.

Ҳомер бошқа фазилатларидан ташқари яна шу билан ҳар қандай мақтовга сазоворки, шоирлар ичида биргина у (шоир) поэма яратиш учун нима қилиш зарурлигини яхши билган. Шоир (поэмада) иложи борича ўзи камроқ гапириши керак, чунки унинг тасвирлаши бунга мутлақ боғлиқ эмас. Бошқа шоирлар эса (ўз ҳикоя усулида) ҳамма соҳада ўзини кўрсатишга интилишади,фақат кичик, озгина нарсаларнигина акс эттиришади. Ҳомер эса кичик бағишлов тугаши биланоқ қаҳрамон (йигит ёки аёл)нинг муайян характерини оча бошлайди, у қаҳрамонларини, албатта, характери билан кўрсатади ва ҳеч кимни характерсиз кўрсатмайди!

Трагедияларда ажойиботларни ёзиш керак, бироқ эпопеяда яна ҳам кўпроқ ақл бовар қилмас нарсаларга йўл қўйилади, худди шу нарсалар ажойиботларни туғдиради. Бунинг сабаби шуки, (трагедияда) биз ҳаракат қилувчи шахсларни юзма-юз кўрмаймиз; саҳнада Гекторни қувиб юриш кулгили бўлур эди, ҳамма жойида туради ва қувмайди, бири бош ирғаб, уларга имо-ишора қилади, эпосда эса бундай камчилик сезилмайди.

Аслида ажойиботлар ёқимли бўлади, буни шундан ҳам билиш мумкинки, барча ровийлар тингловчиларнинг завқини келтириш учун лоф ишлатишади. Бундай лофларни қандай айтиш кераклигини Ҳомер бошқа барча шоирлардан кўра яхшироқ ўргата олади. Бу нарса сохта хулоса чиқариш натижасида содир бўлади. Одамлар, агар бир нарса бўлса (юз берса), бошқа нарса ҳам бўлади (юз беради), шунинг учун, кейинги нарса бор экан, олдинги нарса ҳам бор, деб

ўйлашади. Бу эса нотўғри. Шунинг учун, агар биринчи нарса нотўғри бўлса, мабодо иккинчи нарса бўлса ҳам гўё биринчи нарса бор (юзага келади), деган ўйга бормаслик керак. Бизнинг қалбимиз охирги нарсанинг чиндан ҳам борлигини билиб туриб, биринчи нарсани ҳам гўё бор, деб сохта хулосага келади. «Ювиниш» саҳнаси бунга мисол бўла олади.

Умуман, ғаройиб, аммо эҳтимол тутилган нарса ишонарсиз бор нарсадан кўра ҳақиқатга яқинроқдир.

(Албатта) Ҳикояларни тасаввур қилиб бўлмайдиган қисмлардан тузиш яхши эмас: ҳикояларда тасаввур қилиб бўлмайдиган нарсалар бўлмагани яхши, агар бўлса ҳам улар (мазкур) ривоятдан ташқарида қолсин (Масалан: Эдипнинг Лаий қандай ўлганлигини билмаслиги воқеаси), драманинг ўзида эса бўлмагани яхши («Электра»да пифия ўйинлари ҳақидаги ҳикоя, «Мисияликлар»да Тегеядан Мисияга келган соқов киши воқеаси). Бошқача қилганда ривоят бузилади, дейиш кулгилидир, чунки ундай ривоятларга бошиданоқ қўл урмаган маъқул. Лекин модомики, бундай ривоятлар ёзилган ва шу тарзда талқин этилган экан, демак, мантиққа зид (ғаройиб) нарсага ҳам йўл қўйиш мумкин. «Одиссея»да ҳам (Итакада) кемадан тушиш шу қадар мантиқсизки, агар воқеани нодонроқ ёзувчи тасвирлаганида, унга ҳеч ким тоқат қилолмасди. (Ҳомердай) шоир эса бу мантиқсиз ҳолатга сездирмай, ҳар хил йўллар билан ишонтиради.

Эпопеянинг тили масаласига келсак, айниқса, ҳаракат йўқ бўлган, характерлар ва фикрлар жиҳатидан ҳам ўткир бўлмаган қисмларда тилга алоҳида сайқал бериш керак. Баъзан ҳаддан зиёд ялтироқ сўзлар характерларни ва фикрларни аксинча хиралаштириши мумкин.

XXV

ПОЭЗИЯДАГИ ҲАҚИҚИЙ ВОҚЕЛИК ТАСВИРИНИ ТАНҚИД ҚИЛГАНЛАРГА ЖАВОБ

Поэзияга қарши эътирозлар ва уларга раддияларга келсак, уларнинг неча турли ва қандай бўлиши қуйида кўриб чиққанларимиздан маълум бўлади.

(А) Модомики, шоир (мусаввир ёки бошқа тасвирловчилар сингари) ҳаётни акс эттирар экан, демак у, муқаррар равишда қуйидаги уч нарсадан бирини – (1) ҳаёт қандай бўлса, шундайлигича, (2) ё одамлар айтаётган ва тасаввур қилганича, (3) ё ҳаётнинг қандай бўлиши кераклигини тасвирлаши керак бўлади. (Б) Бу нарсаларга эса (ё оддий) тил билан, ё ноёб, ё кўчма маъноли сўзлар билан эришилади. Тилнинг жуда кўп ажойиботлари бор ва биз шоирларнинг булардан фойдаланишларига йўл қўямиз. (В) Бундан ташқари, поэзия ва сиёсатдаги ҳаққонийлик ўртасида поэзия ва санъатнинг бошқа турларидаги ҳаққонийлик ўртасида катта фарқ бор. Поэзиянинг ўзида ҳам хатолар икки турли бўлади: бир хиллари жуда аҳамиятли, бир хиллари жузъий хатолар. Агар шоир тасвир учун (тўғри нарсани) танлаган бўлсаю, уни тасвирлашга кучи етмаса, бу шоирнинг ўз камчилиги бўлади. Агар шоир тасвир учун нотўғри нарсани (масалан, бирданига иккала ўнг оёғини кўтарган отни ёки табобат, ё бошқа бир санъат нуқтаи назаридан нотўғри нарсани) танласа, бу поэзияга унчали тегишли хато эмас. (Танқидчиларнинг) эътирозларини рад этишга доир қарашлар шулардан иборат. (Г) Аввало, санъатнинг ўзига оид эътирозларга тўхталайлик.

(1). Албатта, агар шоир мумкин бўлмаган нарсани ёзса хато қилади; аммо у шу нарса туфайли санъатнинг юқорида айтилган мақсадига эришса, яъни асарнинг у ёки бу қисмини ўткирлаштирса, тўғри йўл тутган бўлади. Масалан, Гекторни қувлашни олайлик. («Илиада» достонида. – М.М.)

Лекин ана шу мақсадга мумкин қадар тегишли санъат – ҳунарларга зид келмайдиган йўл билан эришиш мумкин бўлса, шоирнинг хатога йўл қўйиши нотўғри. Чунки мумкин қадар хатога йўл қўймаган яхши.

(2). Сўнгра, хатолик санъатга доирми ёки тасодифийми, шунга ҳам эътибор бериш керак. Чиндан ҳам агар шоир оҳунинг шохи йўқлигини билмаса, бу унчалик хато эмас. Аммо (шохи йўқлигини билса ҳам) уни ёмон тасвирласа – буни кечириб бўлмайди.

(3). Шоир ҳаётда қандай бўлса, шундай тасвирламабди, деган таънага эътироз билдириб, шуни айтиш мумкинки, шоир ҳаётда қандай бўлиши кераклигини (ҳам) тасвирлайди: Софоклнинг айтишича, у одамларни қандай бўлиши керак бўлса, шундай тасвирлаган, Эврипид эса қандай бўлса, ўшандай тасвирлаган.

(4). Мабодо, иккала ҳолат ҳам назарга олинмаса, одамлар шундай дейишади деб қўя қолиш керак. Масалан, одамлар худолар ҳақида ҳақиқатдагидан яхшироқ гапиришмайди, эҳтимол ҳақиқатдагичалик ҳам гапиришмайди, балки Ксенофан ўйлаганидай гапиришади. Бироқ шунга қарамай одамлар (худолар ҳақида) шундай гапиришади.

(5). Бошқа нарсалар ҳақида ҳам одамлар асли қандай бўлса, ўшандан яхшироқ гапиришмайди. Ўша нарсалар бир вақтлар қандай бўлса, (ҳозир ҳам) ўшандай деб ўйлашади. Масалан, найза ҳақида: «Найзаларнинг ёғоч соплари ерга санчилган эди», деб ёзишади. Аммо найзалар илгари шундай қўйилар эди. Ҳозир ҳам иллирияликлар найзаларни шундай қўйишади.

(6). Кимдир алланимани яхши ёки ёмон дегани, аллақандай ишни яхши ёки ёмон қилгани ҳақида ҳукм чиқарганда – фақат айтилган ёки қилинган ишга қараб, муносиб ёки расво, деб ҳукм чиқармаслик керак. Бундай вақтда гапирувчи ёки бажарувчининг шахсига қараш, шу нарса ким учун, қачон, қандай ва нима учун айтилгани ёки қилинганига ҳам эътибор

бериш лозим. Масалан, ўша нарса балки яхшилик учун ёки янада ёмонроқ фалокатнинг олдини олиш учун айтилгандир, ёки қилингандир.

(7). Баъзи таъналарга эътироз билдирганда тилнинг хусусиятига эътиборни қаратиш керак. Масалан, (бирор асарда) ноёб сўзлар ишлатилгандир, таъна қилувчи ноёб сўзнинг маъносини тушунмагандир. Масалан, «Аввало у (Аполлон) мескларга бало ёғдирди...» деган жумлада «месклар» улов (эшак) эмас, балки соқчилар бўлиши мумкин. Ёки Долон ҳақида «кўримсиз эди...» дейилади. Бу ерда заиф жусса эмас, балки хунук юз ҳақида гап бораётгандир? Критда «кўримли» сўзи «чиройли чеҳра» маъносида ишлатилади-ку. Ёки «винони яхшироқ қилиб суз...» сўзлари маст-аластлар ичадиган, сув қўшмай суз, деган маънони эмас, балки «чаққонроқ суз» деган маънони англатади.

(8). Баъзи гаплар эса кўчма маънода айтилади (аммо мунаққидлар буни англамай эътироз билдирадилар). Масалан, «Фароғатли тангрилар ҳам, қурол-яроғли суворийлар ҳам... Борлиқ ухлар бу кеча...» сатрларидан сўнг дарҳол: «Қанча қарамасин у трояликлар томон, ажабланар, найлару сурнайлар шовқинига...» дейилади. Аслида бу ерда «Борлиқ» сўзи «Кўпчилик» маъносида келяпти, чунки «борлиқ» гоҳо «кўпчилик»нинг хусусий кўриниши бўлади. Худди шунингдек, «Танҳо зот ҳам бегона энди...» сўзлари ҳам кўчма маънода ишлатилган. «Танҳо» бу ерда «Ҳаммага таниш» маъносида келяпти.

(9). Баъзи (англашилмовчиликлар) сатр устидаги зер-забарлар ўрни алмашганидан келиб чиқади. Фасослик Гиппий сўзларида шундай қилган эди.

(10). Баъзи англашилмовчиликлар тиниш белгиларининг ўзгариб қолганлигидан келиб чиқади. «Боқий зотлар энди ўткинчи, пок бўлганлар, аввал нопокдир».

(11). Баъзи эътирозлар сўзнинг бошқа маъносини тушунмасликдан келиб чиқади. Масалан, «туннинг иккидан кўп

улуши ўтди» жумласида «кўп» сўзи «тўлиқ» маъносини билдиради.

(12). Баъзи эътирозлар тилимиздаги қонуниятлар билан боғлиқ. Чунончи, биз винога сув қўшилса ҳам вино деймиз. Қуйидаги мисол худди шу маънода: «Қўрғошин оёғингни алмаштирсанг ҳам, янгини ҳадя этсанг ҳам юриб кўраман».

Темирчи усталарни ҳам мискарлар деймиз. Шу маънода, «худолар» вино ичмаса ҳам Ганимедни Зевснинг «соқийси» деяверамиз. Эҳтимол, бу сўз кўчма маънода қўлланилгандир.

Ҳар ҳолда бирор сўзда мантиққа зидлик бордай туюлса, мазкур гапда шу сўз нечта маъно англатиши мумкинлигини ўйлаб кўриш керак.

«Найзани худди шу ушлаб қолди» деган гапдаги «ушлаб қолди» сўзи нечта маънода келади? Менимча, шундай йўл тутиш тўғрироқдир. Баъзилар эса тескари йўл тутишади. Баъзилар, Главкон айтганидай, ўзлари (асар ҳақида) нотўғри тасаввурга боришади, ўзлари ўша тасаввур қилган нарсаларини қоралашади, сўнгра маълум хулоса чиқаришади ва ўша хулоса ўзларининг фикрига тўғри келмаса, шоирга таъна қилиб, фалон-фалон (ёмон) фикрни айтибди, дейишади. Ҳолбуки, бу ўзларининг фикри бўлади. Икарий ҳақида ҳам шундай (нотўғри) фикрга боришган. Уни гўё лаконияслик деб ўйлашиб, шу асосда нега у Лакадемонга келганида Телемах билан учрашмадийкин, деб ажабланишган. Лекин воқеа кефалленияликлар айтганидай бўлиши ҳам мумкин: Одиссейнинг хотини Кефаллениядан бўлиб (Пенелопанинг) отаси Икарий эмас, балки Икадий бўлиши ҳам мумкин. Чамаси шу хато туфайли эътироз келиб чиққан.

Умуман олганда, поэзиядаги мумкин бўлмайдиган нарсани «ҳаётдагидан яхшироқ» деган маънода ёки «ҳаёт ҳақида одамлар шундай ўйлашади», деган маънода тушуниш керак. Чунки поэзияда мумкин бўладиган нарсани одам ишонмайдиган қилиб тасвирлашдан кўра, мумкин бўлмайдиган нарсани ишонарли қилиб тасвирлаш яхшироқдир. Чунончи

Зевксид тасвирлагандай одамлар ҳаётда бўлиши мумкин эмас, аммо шундай бўлгани яхши, негаки, санъат асари ҳаётдаги нусхадан кўра аълороқ бўлиши зарур. Поэзияда ақл бовар қилмайдиган нарсаларни эса «одамлар шундай дейишади» деган маънода тушунмоқ лозим. Яна шу маънода тушуниш керакки, ақлга тўғри келмайдиган нарса ҳамиша ҳам ақлга номувофиқ бўлавермайди: ахир «мумкин бўлмаган нарсалар ҳам кўп содир бўлиши мумкин». Мантиққа зид гапларни ҳам одамларнинг ўзича ўйлашларини рад этганимиздай тушунтириш мумкин. Яъни, бир нарсанинг худди ўзи айтилганми, худди шу нарса ҳақида айтилганми, худди шу йўл билан айтилганми – мана шулар шоир ўзига қарши чиқаяптими, ўз-ўзига қарама-қарши чиқяптими – ҳаммасига жавоб беради.

Лекин агар шоир ҳеч бир зарурлятсиз маънога зид (Эврипидда Эгейнинг пайдо бўлишидай) нарсани ёхуд ахлоққа зид («Орест»даги Менелайнинг тубанлиги каби) нарсани тасвирласа, уни чиндан ҳам шундай нарсаларни тасвирлаган деб айблаш асосли бўлади.

Демак, шоирга билдириладиган эътирозлар тўрт хил бўлади: (1) мумкин бўлмаган нарсаларни тасвирлагани учун; (2) ақлга зид нарсаларни тасвирлагани учун; (3) ўз фикрига зид нарсаларни тасвирлагани учун; (4) санъат қоидаларига зид тасвирлагани учун. Бу эътирозларни юқорида айтилган ўн икки жиҳатдан инкор этиш мумкин.

XXVI

ТРАГЕДИЯНИНГ ЭПОСДАН УСТУНЛИГИ

Эпик тасвир яхшими ёки трагик тасвирми, деган савол туғилиши мумкин. Унчалик оғир бўлмаган асар, албатта яхши, у энг яхши томошабинларга мўлжалланган. Ҳамма нарсани акс эттирувчи поэзия ҳамиша вазминроқ бўлади. Чунончи, баъзи ижрочилар, агар ўзларидан бирон нарса

қўшмаса, диск отаётганини кўрсатмоқчи бўлиб, пириллаб айланадиган «Сцилла» трагедиясини ижро этаётганида корифейга ёпишиб оладиган баъзи бемаза найчиларга ўхшаб, мумкин қадар кўп ҳаракат қилишмаса, томошабин тушунмай қолади, деб ўйлашади. Илгариги актёрлар кейинги актёрлар авлоди ҳақида шундай фикр билдиришади. Масалан, аввалги актёр (Минниск) кейинги давр актёри Каллипидни ижрода ошириб юборгани учун маймун деб атаган эди. (Актёр) Пиндар ҳақида ҳам шундай фикр бор эди. (Эпос тарафдорлари) трагедия ҳақида ҳам шу каби фикрларни айтишади. Каллипид ва Пиндар каби актёрлар кейинги авлодга мансуб бўлганидай, бутун трагедия санъати эпосга нисбатан енгилроқдир, дейишади эпос тарафдорлари. Эпос тарафдорлари, – олижаноб одамларга мўлжалланган. Эпос актёрларнинг масхарабозларча имо ва ҳаракатларига зор эмас, трагедия санъати эса авом учун чиқарилган, дейишади.

Аммо, биринчидан, бу танқид поэзияга эмас, актёрлик санъатига дахлдордир. Ошиқча қилиқлар рапсодда ҳам учраши мумкин. Масалан, Сосистрат шундай бўлган. Ярашмаган қилиқларни лирик қўшиқлар ижрочиси опунтлик Мнасифей ҳам қилар эди. Сўнгра, (иккинчидан) умуман гавда ҳаракатларини инкор қилиш тўғри эмас. Акс ҳолда рақсни ҳам рад этиш керак бўлади. Бироқ истеъдодсиз актёрларнинг гавда ҳаракатларини инкор этиш керак, албатта. (Илгарироқ) Каллипидни ҳам, бошқа актёрларни ҳам эркин аёлларни ўхшатиб ўйнаёлмагани учун танқид қилинган ва ҳозир ҳам танқид қилинмоқда.

(Учинчидан) трагедия ҳар қанақа (ортиқча) ҳаракатларсиз ҳам ўз вазифасини эпопеядай бажара олади. Трагедияни ўқиганда ҳам унинг қандайлигини билиш мумкин. Шунинг учун ҳам трагедия барча жиҳатлардан устун экан, бу танқидни рад этиш мумкин. Қолган барча соҳаларда трагедия юқори мавқега эга. (Биринчидан) Эпопеяда бор ҳамма нарса трагедияда ҳам бор: у эпопеянинг вазнидан фойдаланиши

мумкин; мусиқа ва театр жиҳозлари ҳам унинг бирмунча қисмини ташкил этади. Шу туфайли одамлар жуда катта лаззат оладилар. (Иккинчидан) трагедия ўқилганда ҳам, (саҳнада) қўйилганда ҳам чуқур таассурот қолдиради. (Учинчидан) трагедия ўз мақсадига анча кичик ҳажм билан эриша олади – узоқ вақтга чўзилган барча нарсалардан кўра муайян бир жойга йиғилган нарсалар ёқимлироқ таассурот қолдиради. Айтайлик, мабодо кимдир Софоклнинг «Эдип»ини худди «Илиада» каби қушиқларга (бобларга) солиб ёзиб чиқса нима бўлар эди? Ниҳоят, (тўртинчидан) эпопея тасвирларида яхлитлик кам бўлади (бунинг исботи шуки, ҳар қандай поэмадан бир неча трагедия чиқарса бўлади), шунинг учун агар эпик шоирлар фақат бир ривоят билан чеклансалар, уларнинг асарлари ё воқеалар баёнининг ихчамлиги туфайли нисбатан қисқа, ёки вазни чўзилиб кетса – серсув бўлиб қолади... Агар (поэма) «Илиада» ва «Одиссея» каби, бир неча воқеалардан ташкил топса, улар бир неча қисмлардан ташкил топадики, буларнинг ҳар бири ўзига яраша ҳажмга эга бўлади. Тўғри, бу иккала поэма иложи борича гўзал ёзилган ва ягона воқеанинг аъло даражадаги тасвири бўла олади.

Шундай қилиб, агар трагедия юқорида айтилган барча жиҳатлардан аъло экан, бунинг устига ўз санъати билан ҳам таъсир этар экан, трагедия ҳам, эпос ҳам ҳар қандай эмас, балки биз айтгандай лаззат бағишлар экан, демак, ўз-ўзидан равшанки, трагедия эпопеяга нисбатан мақсадга мувофиқроқ бўлгани учун ҳам ундан аълороқдир.

ХУЛОСА

Трагедия ва эпопея ҳақида, уларнинг турлари ва қисмлари хусусида, (уларнинг) нечталиги ва бир-бирларидан фарқлари ҳақида, уларнинг яхши ва ёмон чиқиши сабаблари тўғрисида, поэзияга билдирилган эътирозлар ва уларни инкор этиш ҳақида шу айтганларимиз билан кифояланамиз...

ИЗОҲЛАР

1. «Поэтика»нинг барча бобларига сарлавҳалар атоқли арастушунос ва таржимон М.Л. Гаспаров томонидан қўйилган. В.Г. Аппельрот таржимасида бу сарлавҳалар йўқ.

2. Эмпедокл – мил.авв. V асрда яшаган, «Табиат ҳақида» поэмасининг муаллифи, Арасту бошқа бир ўринда уни «энг Ҳомерона» шоир дейди. Аммо, шунга қарамай, «акс эттириш предметига кўра» у шоир эмас, олимдир.

3. Ҳеремон – мил.авв. IV асрда яшаган, драма ижодкори.

4. Машҳур Полигнот ва колофонлик Дионисий Юнон – Эрон урушлари даври (мил.авв. VI аср)да яшаган. Карикатурачи Павсон сал кейинроқ, Аристофан даврида ўтган.

5. Клеофонт – кейинроқ тубан поэзия вакили сифатида тилга олинади. Гегемон (V аср охири) ва Никохар (IV аср) комедиографлар.

6. Тимофей ва Филоксен – IV аср хор лирикасида янги услубнинг энг йирик вакиллари. Улар тубан нарсалар тасвири билан ҳайратлантиришган (Филоксеннинг машҳур одасида бир кўзли дев Полифемнинг севгиси кўрсатилади).

7. Бу ерда: а) қаҳрамонлар нутқи бериладиган эпос; б) дифирамба; в) драма санаб кўрсатилмоқда.

8. Мегара – Афина яқинидаги дорийлар шаҳри. Сицилия Мегараси шу Мегаранинг Сиракуза яқинидаги мустамлакаси. Эпихарм мил. авв. 550-445 йилларда яшаган: афиналик илк комедиянавислар Хионид ва Магнет 488 ва 472 йилларда ижод этишган.

9. Афинада «комлар» деб қишлоқларни эмас, аксинча, шаҳар маҳаллаларини айтишган.

10. Ўхшатиш, акс эттириш табиийлиги ҳар қандай санъатнинг манбаи, гармония ва ритм табиийлиги – поэзия санъатининг манбаи.

11. Драматик тасвирлар – яъни драма сюжетидаги кескин ўзгариш, тўсатдан билиш ва бошқа унсурлардан иборат тасвирлар.

12. Ўз ҳолича – ривоят, характер, нутқ ва фикрда ўз ҳолича, мусиқа ва саҳна безагида – театр томошаси сифатида.

13. Арасту хор қўшиқлари орасида куйловчи бошловчиларни биринчи актёрлар деб ҳисоблайди.

14. «Хато» – хатти-ҳаракатда, «мажруҳлик» – характерда. Нуқсон трагедия асосида ҳам бор, лекин у ерда «дардли» ва «зарарли».

15. Трагедияда хор VI аср охиридан, комедияда – 465 йилдан давлат ҳисобига ўтган. Бинобарин, Хионид ва Магнет у вақтда ҳаваскорлар орасида ижро этишган.

16. Эпихарм ва унинг издоши Формий илк марта «коҳиш» қўшиқларидан «кулгили» қўшиқларга ўтган шоирлар саналади. Кратет ҳам Аттика комедиясида шундай қилган.

17. Арасту асаридаги «ривоят», «миф» лотинча таржимада «фабула» деб олинди ва адабиётшуносликда кенг оммалашиб кетди.

18. «Бахт хатти-ҳаракат туфайли келади» – Арастунинг «Никомах ахлоқи» асаридаги фикр.

19. Ҳамдардлик ва қўрқинч уйғотиб, дилни мафтун қилади. «Энг янги», Эврипиддан кейинги давр шоирлари, чамаси, анъанавий ривоятлардаги бир хилликдан қутулиш учун сюжетларни ишлашга алоҳида эътибор беришган бўлса керак.

20. Чамаси, Зевксид идеал гўзалликка эришмоқ учун характерли сифатлардан воз кечган шекилли.

21. Энг қадимги шоирлардан бири Фриних бўлса керак.

22. Оддий сурат билан, ёки кейин бўяладиган дастлабки чизиқлар билан.

23. Янги трагиклар, чамаси, нутқ – тилдан асосан сюжетдаги ўзгариб турувчи вазиятларни тасвирлаш учун фойдаланишган.

24. Ҳажмга эга бўлмаган, яъни жуда кичик ҳажмли.

25. «Одатдаги уч трагедия ўрнига юз трагедия» – яъни ҳар асарни қўйишга шу қадар кам вақт кетадики, у вақтни судда нотиқларга ажратилган вақт билан қиёслаш мумкин. Қадимги судларда вақт сув соати билан ўлчанган.

26. Сокин одам қатнашадиган воқеа ва фаол шахснинг «хатти-ҳаракатлари» кейинги саҳифаларда кўрсатилади.

27. Манбаларда тўртта «Ҳераклнома» ва учта «Фесейнома» («Тесейнома») тилга олинади.

28. Арасту бизгача етиб келмаган «Шоирлар ҳақида» асарида «истеъдод» ва «санъаткорлик», «маҳорат» тушунчаларини қиёслаган. Чамаси, у санъаткорликдан «истеъдод»ни устун қўйган.

29. Арасту «комедия» деганда қадимги, Аристофан давридаги ямбнавислик асарларини эмас, янгича комедияни назарда тутади.

30. Агафон – Эврипиднинг кичик замондоши, Афлотуннинг «Базм» асари қаҳрамони, трагик поэзияга муҳим янгиликлар киритган. Унинг пьесаси «Гул», «Анфей» (тўқима исм) деб ўқилиши мумкин.

31. Ҳақиқатан юз берган – Эсхилнинг «Форслар» асари ва IV асрдаги бошқа тарихий трагедия намуналари.

32. Аргослик Митий – Демосфен томонидан жанг арава эгаси деб тилга олинади. Митий мусобақа ғолиби сифатида ҳайкал ўрнатишга сазовор бўлиши мумкин.

33. «Линкей» – Арастунинг замондоши «Феодект» драмаси.

34. Эврипид. «Ифигения Таврида»да Ифигения Пиладга «Акамга элтинг», деб хат беради. Шунда Орест синглисини таниб қолади. Пилад эса хатни ёнида турган Орестга беради. Шунда Ифигения акасини таниб қолади.

35. Кейинроқ трагедиянинг одатдаги таркибий қисмлари тасвирланади. 1. Диалогли ёки монологли пролог; 2. Парод – хорнинг дебочаси; 3. Кейин диалогли саҳналар (эписодийлар) ва хор қўшиқлари (стасимлар) навбатлашиб келади; 4. Сўнгги стасимдан кейин диалогли эксод (ечим) келади. Саҳна қўшиқлари (ариялар, монодиялар) Эврипид вақтидаёқ кўпайган эди.

36. Анапест – марш вазни, трохей, – рақс вазни ҳисобланган. Шунинг учун ҳар иккиси «турғун хор қўшиғида» ўринсиз ҳисобланган.

37. «Одамийлик» – бу ўринда: илк инсоний туйғу. Шу туйғудан ҳамдардлик ва қўрқув туйғулари камолга етади.

38. Арастуга кўра, «хато» – ёмон ният билан эмас, билмасдан қилинган хатти-ҳаракат («Никомах этикаси»). Ўзи билмасдан Эдип отасини ўлдиради, Фиест болаларининг гўштини ейди.

39. Яъни томошабинларда ғоят кучли ҳамдардлик ва қўрқув уйғотади. Камчилик – ривоятлар, характерлар, хорларда.

40. «Орест ва Эгисф» – Алексиднинг (?) номаълум афсонавий комедияси. Бахтиёрлик билан тугайдиган трагедиялар – Еврипиднинг «Алкестида» ва «Елена» асарлари.

41. «Ғаройибот» – минг кўзли Аргус, боши одам, гавдаси от кентаврлар, сигир қиёфасидаги Ио ва бошқалар.

42. Астидамант I-IV аср бошида яшаган трагик. «Ярадор Одиссей» муаллифи – Софокл.

43. Софокл. «Антихона», чопарнинг гўристондаги можаро ҳақида ҳикояси.

44. Эврипиднинг (?) «Кресфонт»ида бегона юртларда ўсган ўғил отасининг ўчини олиш мақсадида келади ва уни танимаган онаси қўлида ўлишига сал қолади. «Гелла» трагедиясининг муаллифи ва сюжети маълум эмас.

45. «Тўрт мақсад» – умуман трагик қаҳрамонга, қандайдир турдаги трагик қаҳрамонга, шу асардаги трагик қаҳрамонга ва ўз-ўзига муносиблик.

46. Анъанавий афсонавий образга ўхшаш.

47. Ноизчил – масалан, Ахиллнинг кайфиятидаги ўзгаришлар.

48. «Орест» – Эврипид драмаси. «Сцилла» – Тимофей дифирамби (унда Одиссей дўстларини Сцилла еб қўйгани учун қайғуради). «Меланиппа» – Эврипиднинг шу номдаги трагедияси. (Унда Меланиппа аёлларга хос бўлмаган нутқ сўзлайди.)

49. Эврипиднинг «Медея»сида қаҳрамон аёлни воқеадан олиб кетиш учун театр машинасидан фойдаланилади.

50. «Эдип»даги мантиққа зид воқеа. Чамаси, Эдип узоқ йиллар давомида Лаийнинг ўлими сабабини суриштириб билмаганлиги ҳақида гап бораётган бўлса керак.

51. Трояликлар баҳодири Гектор юнон баҳодири Патроклни ўлдиради. Патроклнинг дўсти Ахилл яккама-якка жангда Гекторни ўлдиради, шунда ҳам ғазаби босилмай, унинг жасадини жанг аравасига боғлаб шаҳар атрофида судраб айлантириб юради. Оқсоқоллар ҳар қанча насиҳат қилсалар ҳам Ахиллнинг ғазаби босилмайди.

52. Афсонага кўра, аждаҳо тишидан дунёга келган кадмликларнинг баданида найза изи бор экан. Мил.авв. IV аср шоири Каркин драмасида Фиестнинг фил суягидай оппоқ елкаси юлдуздай ярақлаб турар экан. Софокл трагедиясида малика Тиро Посейдондан туққан фарзандларини тоғорачага солиб дарёга оқизиб юборади. Бегона элларда ўсган болалар улғайиб ватанига тоғорачани олиб қайтишади, онаси шу белгидан фарзандларини таниб қолади.

53. «Тўқувчи мокисининг овози» – Терей томонидан зўрланган ва тили кесиб ташланган Филомела дастгоҳда матоҳ тўқиб, бўлган воқеани тасвирлайди ва шу матоҳни Терейнинг хотини Прокнага юборади.

54. Бу асарларнинг сюжети бизга равшан эмас.

55. «Одиссей – сохта хабарчи» асари ҳақида ҳам бизда етарли маълумот йўқ.

Абу Наср ФОРОБИЙ

ШОИРЛАР САНЪАТИ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА

Бу ерда (келтирилаётган) мулоҳазалардан мақсадимиз ҳаким Арастунинг «Фи-с-синоат аш-шеър – («Шеър санъати» – «Поэтика») асарида айтган фикр-мулоҳазаларини исботлаб кўрсатишдан ва унинг маъноларига ишора қилишдан иборатдир. Зероки, ана шу мулоҳазалар билан шеърий санъат ишқибозларининг барчасини таништириш ниятидамиз. Шуниси ҳам борки, ҳаким Арасту ўзининг «Шеър санъати» у ёқда турсин, ҳатто софистика ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам мукаммал баён қилиб улгурмаган эди. Шунинг учун бу борадаги гапларнинг ҳаммасини ипидан-игнасигача муфассал қилиб, тартиби билан битмоқчи эмасмиз. Чунки «Софистика санъати» асарининг охирги жумлаларида Арасту айтиб ўтган мулоҳазаларга қараганда, у бунинг сабабини аҳволни чинакамига ифодалаб бериш учун ўзидан олдин ўтганларнинг асарларига мувофиқ келадиган, (эскиларни) тартибга тушириб, улар асосида янгиларини пайдо қиладиган бирор усул ва қонун-қоидалар тополмагани билан изоҳлаган.

Ҳаким Арасту ўзининг шундай фазилати ва даҳоси билан тугатиб қўйишга жазм қилолмаган бир ишни биз ниҳоясига етказишга интилишимиздан кўра, бу санъатда фойда берадиган ва ҳозирги замонда учрайдиган қонун-қоидалар, мисол ва мулоҳазалар келтириш билан чеклансак яхшироқ бўлади.

Модомики шундай экан, биз деймизки, ... маънони билдирадиган сўзлар содда ва мураккаб бўлади. Мураккаб бўлган сўзлар бирор мулоҳазани ё англатади, ё англатмайди. Мулоҳазани англатадиганларининг қатъий жазмлилиги ва жазмсизи бўлади. Қатъийлари ё тўғри, ё ёлғон бўлади. Ёлғонларининг баъзилари эшитувчилар зеҳнига маъноси

билан ўрнашиб қолади, бошқалари эса киши онгида нарсаларнинг ўхшаши – акси билан ўрнашиб қолади. Мана шу нарса ўхшатиш – шеърий мулоҳазалар саналади.

Мана шу акс – ўхшашликларнинг баъзилари энг мукаммал бўлади, бошқалари нуқсонли бўлади. Уларнинг мукаммаллигини ё нуқсонли эканини аниқлаш шоирлар ва турли-туман тил ва шеъриятни ўрганаётган маърифат аҳлининг фикр доирасига киради. Лекин бундан ҳеч ким софистика билан акс этиш икковини бир сўз деб ўйламасин. Булар иккови ҳам баъзи сабабларга кўра бир-биридан бутунлай фарқ қилади.

Софистнинг мақсади билан тақлидчининг мақсади турлича, бир-биридан фарқ қилади. Софист эшитувчини ғалатга ундаб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, нуқсонли нарсаларни (одамнинг) кўз олдига келтириб қўяди. Ҳатто у мавжуд нарсани номавжуд деб, номавжуд нарсаларни эса мавжуд деб тасаввур қилдиради.

Аммо тақлидчи бўлса нарсанинг тескарисини эмас, балки ўхшашини тасаввур қилдиради. Бунга ўхшаш нарсалар ҳисда ҳам учрайди. Ўз жойида турган киши шундай ҳолатга тушса, гўё ҳаракат қилаётгандай бўлади. Масалан, кемага минган киши кемадан тушиб қирғоқда қолганларга қараса ёки ёз чоғида осмондаги ой ва юлдузларга тез сузаётган булутлар ортидан қаралса шундай бўлади. Бундай ҳол одамларнинг ҳисларини чалғитади.

Аммо кўзгуга ёки ялтироқ силлиқ жисмга қараган кишининг ҳоли ҳам худди шундай бўлади, унга назар ташлаб, ўша нарсаларга ўхшаш нарсани кўраётгандай туюлади. Мулоҳазалар бир қанча бошқа қисмларга ҳам бўлиниши мумкин. Биз сенга айтсак, бу шулардан иборат: мулоҳаза ё қатъий, ё қатъий эмасликдан холи бўлмайди. Бордию, агар у қиёсий бўлса, у ҳолда билқувва табиатидан бўлади ё бўлмаса билфеъл ҳаракатидан бўлади. Бордию агар у унинг табиатидан бўлса, у ҳолда мулоҳаза ё истиқро (индуктив), ё тамсилий (аналогия) бўлади. Тамсил эса кўпинча шеър санъатида

ишлатилади. Бундан аён бўлишича, шеърий мулоҳаза тамсил – аналогияга киради.

Қиёслар, умуман олганда, мулоҳазалар бошқа турларга ҳам бўлиниши мумкин. Айтишларича, мулоҳазалар ё бутунлай рост, ё бутунлай ёлғон бўлиши мумкин. Ё бунинг тескариси – тўғри ва ёлғон меъёри баб-баравар бўлиши мумкин. Буткул рост мулоҳаза, ҳеч сўзсиз, бурхоний – исботли деб аталади. Бордию, унинг рост томони кўпроқ бўлса, у ҳолда у жадалий – диалектик бўлади. Бордию, рост ва ёлғон иккови баробардан бўлиб қолса, у ҳолда у хитобий – риторик бўлади. Рост бутунлай камайиб бораверса, у ҳолда суфастоий – софистик бўлади, бутунлай ёлғон бўлса, у ҳолда уни, ҳеч шубҳасиз, шеърий деб аталади. Ушбу қисмларга бўлинишдан кўринишича, шеърий мулоҳаза на исботли, на диалектик, на хитобий-риторик ва на софистик эмасдир.

Шу билан бирга, у сулужисмус – силлогизмга ёки унга қарам бўлган навларнинг бирига бориб тақалади, яъни «қарам бўлган навлар» дейишимдан кўзлаган мақсадим истиқро-индукция, мисол-аналогия, фаросат-интуиция ва шунга ўхшаш нарсалар бўлиб, улар мантиқи қувватида ўша қиёс – силлогизмнинг куч-қуввати бўлади.

Юқорида зикр қилиб ўтган нарсаларни тавсифлаб берганимиздан кейин энди биз шеърий мулоҳазаларнинг навларга қандай бўлинишини таърифлаб беришимиз керак.

Шеърий мулоҳазаларга келганда, биз сенга айтсак, ё вазнларга қараб турларга бўлинади, ё бўлмаса маъноларга қараб бўлинади.

Аммо вазнларга қараб бўлинишларга келганда шуни айтиш керакки, бундан бу ёғига мулоҳаза юритиш мусиқор – мусиқачи ва арузчиларга тегишлидир. Шу билан бирга, мулоҳазалар (яъни шеърий сўзлар) қайси тилда бўлгани ва мусиқачининг қайси тоифадан чиққанига боғлиқ.

Аммо шеърнинг маъносига қараб илмий томондан навларга тақсим қилинишига келсак, бу жиҳатлар ҳар бир халқ

ва тоифадаги рамзларни билувчи ва шеърларни шарҳловчиларга, уларнинг маъноларини назорат қилувчи ва ўшаларга қараб улардан маълум хулосалар чиқарувчиларга ҳавола қилинади. Бу худди ҳозирги замонамизда форс ва араб шеърияти олимларининг бу борада китоблар тасниф қилганига ўхшаб кетади. Улар шеърларни турли навларга, чунончи, ҳажвия (сатира), мадҳия, муфохара, луғз – топишмоқли шеър, кулгили (комик), ғазалиёт, васфий шеър ҳамда китобларда топилиши қийин бўлмаган бошқа навларга бўладилар. У ерда булар битилганлиги бизни бу ҳақда муфассал эслашимиз ва гапни чўзиб ўтиришимиздан қутқаради.

Келинглар, бошқа масалага ўтайлик. Асарлари бизгача етиб келган ўтмиш ва ҳозирги замон шоирларининг кўпчилиги шеърларнинг аҳволига қараб вазнларини аралаштириб юборганлар. Улар шеъриятда мавжуд бўлган навларнинг ҳар бирига уларнинг мазмунига қараб махсус вазн белгилаб чиқмаганлар. Бу ҳолатдан фақат юнонларгина холи, холос. Улар шеър навларининг ҳар бирига махсус вазн турларини белгилаганлар. Чунончи, мадҳиялар вазни ҳажвиялар вазнидан бутунлай фарқ қилади. Бошқа вазнларнинг аҳволи ҳам худди шундай.

Аммо бошқа халқ ва тоифаларда айтишларича, мадҳиялар ҳажвиялар куйланадиган кўп вазнларда ҳам куйланади. Бунда ё бутунлай мадҳия вазнида ҳажвия айтилади, ёки бутунлай бўлмаса ҳам кўпроқ айтилади. Бунга улар чегарани худди юнонлар қўйганидек жуда ҳам қатъий қилиб қўйишмаган.

Биз бу ерда худди ҳаким Арасту ўзининг шеър санъати ҳақидаги мулоҳазаларида санаб ўтганидек, юнонлар шеърлари турларини санаб ўтамиз, уларнинг ҳар бирининг навларига ишорат қилиб ўтамиз.

Энди биз сенга айтсак, юнон шеърияти мен қуйида санаб ўтадиган навларга бўлинади. Улар шулардан иборат: трагедия (трағўзиё), дифирамби (дисирамби), комедия (кумузия), ёмби (иёмбу), драма (драмото), эний, диаграмма (диакрамма), сатира (сотуро), поэма (фиюмото), эпос

(эфитсий), риторика (риторий), эфижоносоус ва акустика (акуститсий).

Аммо трагедияга келсак, у шеърнинг маълум бир нави бўлиб, унинг ўқилаётганини эшитган ё ўзи овозини чиқариб ўқиган киши ҳузур қилади. Трагедияларда бировларга мисол (ўрнак) бўла оладиган яхшиликлар ва мақтаниладиган феъл-атворлар зикр қилинади; бу вазнда шаҳарни бошқарувчи – ҳукмдорлар мадҳланади. мусиқачилар подшоҳлар олдида шу трагедия вазнида куйлайдилар. Бордию бирор подшоҳ ўлиб қолгудек бўлса, трагедия қисм-бўлакларига қўшимча нағмалар қўшиб, ўлган подшоҳга атаб навҳа-марсиялар айтганлар.

Аммо дифирамбига келсак, у шеъриятнинг бир тури бўлиб, унинг вазни трагедия вазнидан икки баробар катта бўлади. Унда яхшилик ва мақталадиган барча хулқ-атворлар, инсоний фазилатлар зикр этилади: дифирамбида маълум бир подшоҳ ё кишини мадҳ этиш мақсад қилиб олинмайди, балки ундаги умумий яхшиликлар зикр қилинади...

Аммо комедияга келсак, бу шеъриятнинг маълум бир тури бўлиб, унинг ҳам маълум вазни бўлади, унда ёмон феъл-атвор зикр қилинади, одамлар, уларнинг ахлоқларида қораланадиган ва хуш кўрилмаган табиатлар ҳажв қилинади. Кўпинча унинг бўлакларига оҳанг-нағмалар қўшилиб, уларда ҳам қораланадиган хулқ-атворлар эсланади. Бу эсланган хулқ-атворларда инсон, ҳайвон ва иккновига алоқадор бўлган хунук шакл – тимсоллар иштирок этади.

Аммо ёмби ҳам шеъриятнинг бир нави бўлиб, унинг ҳам ўзига хос маълум вазни бўлади. Унда ҳам машҳур мулоҳазалар эсланади. Аммо куйланадиган нарсалар хушфеъл ҳам бўлиши мумкин, бадфеъл ҳам бўлиши мумкин – бари бир, лекин шуниси борки, бу мисоли бир зарбулмасал – мақоллар каби машҳур бўлиши шарт. Шеъриятнинг бу нави тортишув, уруш-жанжал, ғазаб ва ғижинган пайтларда ўқиладиган шеърларда ишлатилади.

Аммо драмага келсак, у ҳам худди юқорида келтирилганлар каби шеър турларидан бири саналади: фақат бунда маълум кишилар ва маълум шахслар тўғрисида машҳур бўлган масал ва нақллар зикр қилинади.

Аммо эйнийга келсак, бу ҳам шеъриятнинг навларидан бири бўлиб, унда одамни хурсанд қиладиган мулоҳазалар зикр қилинади. Шуниси ҳам борки, булар ё маҳоратнинг зўрлигидан ва ё ғоятда гўзал битилганидан одамни хушнуд этади.

Аммо эпиграммага келсак, бу ҳам шеъриятнинг бир нави бўлиб, буни қонуншунослар инсон хулқини тузатиш ҳамда тарбиялаш мушкул бўлган тақдирда унда шеър битиб, кимки қонун-қоидага риоя қилмас экан, унинг оқибатида аянчли аҳволга тушади, деб қўрқитиш ва руҳини даҳшатга солиш учун ишлатадилар.

Аммо эпика ва риторикага келсак, бу ҳам шеъриятнинг бир нави бўлиб, бунда илгари ўтган сиёсий ва қонуний тартиб-қоидалар тавсиф қилинади. Шеъриятнинг бу навида подшоҳларнинг хулқ-атвори, у ҳақдаги хабарлар, унинг даври ва у билан боғлиқ бўлган воқеалар зикр қилинади.

Аммо сатирага келганда шуни айтиш керакки, бу ҳам шеъриятнинг бир нави бўлиб, унинг ўзига хос вазни бор. Бу навдаги шеърларни мусиқачи олимлар яратганлар. Улар ўз куйлари билан тўрт оёқли ҳайвон, умуман олганда, ҳатто жамики ҳайвон зотларини ҳаракатга келтирадилар. Шунда бу ҳайвонлар ўзлари – табиий ҳаракатларидан (бир оз) четга чиққан бўлиб (маълум қилиқ қилиб), одамларни таажжубга соладилар.

Аммо фиюмуто-поэмага келсак, бу шеъриятнинг бир нави бўлиб, унда (бошқа навларга ўхшамаган ҳолда) яхшию ёмон, тўғрию эгри ҳар хил сифатлар куйланади, тасвирланади. Бу хилдаги ҳар бир шеър навларида гўзал ва яхши, қабиҳ ва разил ишлардан иборат бўлган воқеалар ифодаланади.

Аммо эфижоносоусга келсак, бу ҳам шеъриятдаги навларнинг бир тури бўлиб, буни табиатшунос олимлар ярат-

ганлар. Улар бунда табиий илмларни тавсифлаганлар. Шеър санъатидан энг узоқ саналган нав худди мана шу шеър нави ҳисобланади.

Аммо акустикага келсак, бу ҳам шеър навларининг бир тури бўлиб, бу нав орқали мусиқа санъати ўргатилади. Бу тур шеър фақат мусиқага хос, холос, бошқа ўринларда ундан фойдаланилмайди.

Юнон шеъриятини яхши билган кишилардан бизга етиб келган муфассал хабарларга кўра ва ҳаким Арастуга нисбат берилган шеър санъати ҳақидаги мулоҳазаларида ҳамда Томастиюс (Темистий) билан икковидан ташқари юнон китобларини шарҳловчи қадимги олимлар асарларида юнон шеърияти турлари ва уларнинг мазмунлари ҳақида топган гапларимиз мана шулардан иборат. Биз уларнинг баъзи мулоҳазаларида топганларимизга қараганда, улар ўз таснифларининг охирида шу маъноларни улаб кетганлар. Биз уларни қандай учратган бўлсак, ўшандай ҳолда эслаб ўтамиз.

Энди биз сенга айтсак, шоирлар чиндан ҳам туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади ва улар ташбиҳ ва тамсилга лаёқатли бўладилар. Шоирлар ё шеър навининг кўп турида, ё бўлмаса бир турида ижод қилишга лаёқатли бўладилар. Бир хил шоирлар шеър санъатидан етарлича хабардор бўлишавермайди, балки улар туғма қобилиятларининг яхшилиги билангина қаноат ҳосил қиладилар, улар ўзларининг истеъдод даражаларига кўра иш тутадилар. Бундай шоирлар чинакам мусалжис – мутафаккир шоирлардан саналмайдилар. Чунки уларда шеър санъатини ўзлаштириб олиш учун камолот етишмайди ва бу санъатда турғунлик бўлмайди. Кимки ундай одам шеърини кўриб, у қобилиятли одам экан, деб ўйлаган бўлса, бу шунинг учунки, унинг феъл-атворида шоирларга хос бўлган турқ – кўриниш мавжудлигидангина шундай мулоҳазага келинган. Ё бўлмаса бу хил одамлар чинакамига шоирлар санъатини эгаллаган бўлишади, ҳатто шеър ижодига хос бўлган хусусиятлардан

бирортаси ҳам – у қайси шеър турига алоқадор бўлмасин, бари бир, бу қонун-қоидалар ундан қочиб қутулолмайди. Улар шеърият санъатида қўлланиладиган ташбиҳ ва тамсилларни жудаям маҳорат билан ишлатадилар. Бу хил шоирлар чиндан ҳам қобилиятли шоирлар дейишга сазовордирлар.

Ёки бўлажак шоирлар ўша юқорида айтиб ўтилган аввалги икки табақа шоирлар ва улар феъларига тақлид қилувчилар бўладилар. Булар ўша аввалги иккала табақа шоирлар йўли – ижодини ёдлайдилар. Бу турдагиларнинг ўзларида туғма шеърий табиати бўлмаган ҳолда, шеърий санъат қонун-қоидаларидан хабардор бўлиб туриб, ташбиҳ – ўхшатиш ва тамсил – метафоралар кетидан борадилар. Йўлдан адашадиган ва тоядиган шоирларнинг кўпчилиги худди мана шу табақа шоирлар ичидан чиқади.

Энди биз сенга айтсак, ўша юқорида айтиб ўтганимиз уч тоифа шоирлар ҳар бири ижодда ё табиийлик, ё мажбурийликдан холи бўлмайди. Бундай дейишдан кўзлаган мақсадим шуки, бир шоир кўпинча мадҳияга ва ё бир яхши сўз айтишга табиатли бўлса, баъзан вазият уни ҳажвий ва бошқа турда шеър айтишга ҳам мажбур қилиб қолади. Айтайлик, бир шоир шеърият навларининг маълум бир навида ижод қилиш санъатини танлаб олган ва ўзини шу хилдагина шеър ёзишга одатлантирган бўлса, баъзи ҳолларда танлаб олмаган турларда ҳам шеър ижод қилишга тўғри келади, бу эса унинг учун ўзи ижод қилишга одатланган шеър турига нисбатан бошқа бир навда мажбурий битилган шеър бўлади. Бу мажбурият ё ички, ё ташқи сабаблар билан бўлади. Аммо шоирнинг энг яхшиси, туғма шоир бўлгани саналади.

Сўнгра шоирларнинг шеър ижод қилиш борасидаги аҳволи камолотга етишгани ва етишмагани жиҳатидан турлича бўлади. Бу эса ё ғоя жиҳатидан, ё бўлмаса мавзу жиҳатидан шундай бўлиши мумкин.

Аммо ғоя жиҳатидан олган тақдиримизда, улар шеърга баъзан ёрдам берса ҳам, баъзида унга ёрдам беролмай қо-

лади. Бунга баъзан руҳий (нафсоний) кайфиятлар сабаб бўлади. Шунда у руҳий кайфиятлар устун келади, ё бўлмаса баъзан ўзи унга муҳтожлигидан тушкунликка учраб, пасайиб кетади.

Аммо бу бобдаги текширишларимиздан мақсад бу масаланинг ипидан-игнасигача синчиклаб аниқлашдан иборат эмас, чунки буларнинг ҳаммаси ахлоқ ва руҳий кайфиятлар тавсифлари ҳамда уларнинг ҳар бирининг (инсон руҳига) алоҳида таъсири ҳақида битилган китобларда керагича баён қилинган.

...Шоирнинг етук ва етукмаслиги ҳақидаги мулоҳаза ўша ўхшатишнинг (ҳақиқатга) яқин ё узоқлигига боғлиқ бўлади.

Баъзан шунақаси ҳам бўладики, шеър санъатида энг орқада қолган шоир ҳам юқори даражада ажойиб шеър яратиши мумкин, ҳатто бу соҳада билагонлар ҳам унга тенг келадиган нарса (шеър) яратолмаслиги мумкин. Лекин шуниси борки, бунга сабаб бахт ва тасодифнинг тўғри келишидан бўлади. Лекин ундай одам (қанчалик ажойиб шеър ёзган бўлмасин) бу ёзган шеъри билан сўз санъаткори деган номга сазовор бўлолмайди.

Ташбиҳ даражалари турлича бўлади. Шу жиҳатдан қараганимизда ўхшатишнинг яқин ва муносиб бўлмоғи мавзуга ҳам боғлиқ ё бўлмаса шоирнинг бу санъатдаги маҳоратига ҳам боғлиқ. Ҳатто шу уста шоир бир-биридан узоқ бўлган икки нарсани мулоҳазаларни орттириш билан бир-бирига мувофиқдек қилиб кўрсата олади. Бу эса шоирлардан яширин бўлмаган ҳоллардандир. Шу жумладан шоирлар А билан Б ни ва Б билан Ж ни бир-бирига ўхшатадилар. Чунки бунда А билан Б ўртасида яқин ва муносиб ҳамда маълум бўлган ўхшашлик бор. Шу билан бирга, яна Б билан Ж ўртасида ҳам яқин муносиб ҳамда маълум бўлган ўхшашлик бор. Улар сўз маъносини шунга буриб, ҳатто сомиъ – эшитувчи, муншид – ўқиб берувчиларнинг фикр-зикрини, гарчи улар ораси узоқ бўлмаса ҳам А билан Б ва Б билан Ж ўртасида бўлган ўхшашликдан огоҳлантирмоқчи бўладилар.

Бу санъатда шоирликнинг танланиши одатда жуда улкан бойлик саналади. Бу худди ҳозирги замондаги баъзи бир шоирлар қилмишига ўхшаб кетади. Улар шундайки, агар бир сўзни шеърдаги байтга қофиядош қилиб қўйиб, олдинги байтда лозим бўлган нарсаларни ёки тасвирлаш ниятида бўлган нарсаларни бита олса, у ҳолда одамда жуда ажойиб ҳузурбахш ҳолат пайдо бўлади.

Биз яна шундай деймиз: бу санъат аҳли билан нақш берувчи рассом санъати ўртасида қандайдир муносабат бор. Булар иккаласининг санъатдаги моддаси турли-туман бўлса ҳам, аммо шаклда, яратилиш ва мақсадларда бир-бирига мос келади. Ёки айтайлик, ўша иккала яратилган нарсада, улар шаклларида ва мақсадларида бир-бирига мувозанат, ўхшашлик бор. Бу шундайки, шеър санъатини безайдиган нарсалар сўз – мулоҳазалар бўлса, рассомлар санъатини безайдиган нарса – бўёқлар саналади. Буларнинг иккови ўртасида фарқ бор, аммо иккаласи ҳам феълда бир-бирига ўхшаш, иккаласи ҳам одамлар тасаввури ва сезгиларида бир мақсадга – тақлид қилишга йўналган бўлади.

Шоирлар санъати илмини ўрганувчилар фойдаланадиган умумий қонун-қоидалар мана шулардан иборат. Бу қонунларнинг кўпини (илмий нуқтаи назардан) текшириб чиқиб, мулоҳазалар билдириш ҳам мумкин эди, лекин бундай санъат соҳасида илмий текшириш олиб боришдек нарса инсонни санъатнинг бир навида бир томонлама мулоҳаза олиб боришга элтиши ҳамда бошқа навлар ва қарашлардан юз ўгиришга олиб келиши мумкин.

Шу сабабдан бу соҳада айтиб ўтган мулоҳазаларимиз унга ўхшаган бирор нарсани ҳал қилиб ҳам беролмайди.

(Шу билан Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ал-Форобий ёзган рисола тугади.)

Абдусодиқ ИРИСОВ

АРАСТУ «ПОЭТИКА»СИ ВА УНИНГ ШАРҚДАГИ ИЗДОШЛАРИ

Арасту «Поэтика»си ўрта асрларда Шарқда дастлаб қадимги сурёний тилида, сўнгра эса араб тилида тарқалган эди.

У маҳалларда араб тили ҳали илмий тил сифатида танилмаган, кўп асарларни, шулар жумласидан кўп юнон муаллифларининг таълифларини сурёний тилига таржима қилиш одат эди. Ҳатто «Калила ва Димна» китоби ҳам арабчага таржима қилинишдан анча олдин санскрит тилидан сурёний тилига кўчирилган эди. Кейинчалик, ўнинчи асрга келиб «Поэтика» сурёний тилидан арабчага таржима қилинди. Бунинг дастлабки таржимонларидан бири Исҳоқ ибн Ҳусайн (вафоти 911) бўлса, бошқаси Матто ибн Юнус ал-Қунноий (941 йилда ҳаёт бўлган) эди. Ал-Қунноий таржимаси давримизгача ҳам етиб келган. Шу билан ўрта асрларда бу асар араб дунёсига тарқалиб кетди.

Арасту асарларини рўёбга чиқаришга бел боғлаган Ғарб олимлари Шарқ олимлари мероси билан ҳам қизиқиб, уларни нашр этишга хизмат қилдилар. Инглиз шарқшунос олими Давид Самуил Марголиус 1887 йили Арасту «Поэтика»сининг Матто ибн Юнус қилган таржимасини топиб, уни Лондонда нашр этди ва шу китобига Ибн Синонинг «аш-Шифо» асарининг бир бўлаги бўлмиш «Шеър санъати» китобини ҳам илова қилди. Шу билан бирга Марголиус Ибн Синонинг «Уюн ал-Ҳикма» («Ҳикмат булоқлари») асарида ўша китобидан келтирилган шеъриятга оид парчани ҳам нашр этди.

Маълумки, Арастунинг бу китоби ҳақида араб файласуфи Абу Исҳоқ ал-Киндий (801–866) ҳам қисқа бир китоб ёзган.

Чунки бу соҳада фикр-мулоҳаза билдириш, айрим рисола – асарлар ёзиш олижаноб бурч саналган. Шу сабабдан бўлса керак, ал-Киндийдан сўнг машҳур файласуф Абу Наср Форобий (873–950), Ибн Сино (980–1037) ва Ибн Рушд (1126–1198) каби атоқли кишилар ҳам «Поэтика» борасида ўз мулоҳазаларини баён этганлар, бу асар орқали ўша даврга ча юнон адабиётида мавжуд бўлиб, араб адабиётида бўлмаган адабий шакл, жанрларни тарғиб қилганлар. Иккинчи томондан, улар бу тўғрида ўз андишалари билан китобхонлар оммаси билан ўртоқлашишган. Натижада «Нафис санъатлар» ҳақида арабийнавис адабиёт вакиллари орасида ҳам қатор асарлар пайдо бўлган. Айниқса, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушдларнинг бу тўғридаги асарлари диққатга сазовор.

Ал-Киндийнинг бу ҳақдаги асарини бизгача етиб келган ёки келмаганлиги ҳалигача илмий адабиётда маълум эмас. Унинг таржимаи ҳолидан маълум бўлишича, у юнон тилини яхши билган, шунинг учун Ал-Киндий Арасту асарининг оригиналидан баҳраманд бўлган ва бу тўғридаги мулоҳазаларини битиб кетган дейиш мумкин.

Абдураҳмон Бадавий Ал-Киндийнинг бу китоби ҳақида мулоҳаза билдириб, уни Арасту «Поэтика»сидан қисқартириб олинган, деган хулосага келади.

Араб олими Ибн Абу Усайбиа (1203–1270) «Уюн-ал-анбо» («Янги хабарларнинг булоқлари») асарида қуйидагиларни ёзади:

«Абу Закариё Яҳё ибн Адий Иброҳим ибн Абдуллоҳдан илтимос қилиб, сен бориб айтгин, Исҳоқ эллик динорга менга Арастунинг «Софистика», «Хитоба» («Риторика») ва «Поэтика» асарлари таржимасини берсин, деган экан, у ўз таржималарини аталган пулга сотмасдан ўлаётган вақтида ёқиб юборган экан».

Бу жумладан кўринишича, Исҳоқ Ибн Ҳунайн Арастунинг «Поэтика» асарини дастлаб таржима қилган кишилардан бўлган.

* * *

Абу Наср Форобий Арастунинг кўп асарларига шарҳлар боғлаб, уларни кўпчилик ўртасида оммалаштирган. Ана шунинг учун ҳам уни Арастудан кейинги етишган иккинчи муаллим – Муаллими соний деб аташган. Ибн Синонинг таржимаи ҳолидан маълум бўлишича, у Арастунинг «Метафизика» асарини қирқ бор ўқиган, лекин шундай бўлишига қарамай, унинг ибораларидан ҳеч нарса англамаган. Ибн Сино ниҳоят Форобий ёзган шарҳ орқали уни тушунишга муваффақ бўлган. Форобий Арастунинг «Поэтика» асарини ўқиб у ҳақда бир асар – рисола ёзиб, унинг мазмунини талқин қилишга ва унинг аҳамиятини баён қилишга уринган.

Унинг «Рисола фи қавонийн синоат аш-шуаро» деб аталган асари мана шу мулоҳазага далил бўла олади.

Ундан ташқари, Форобий бу тўғрида бошқа бир рисола ҳам ёзган. Унинг бу асари «Шеър китоби» деб аталиб, унинг бир нусхаси Чехословакиянинг Братислава шаҳрида сақланадиган араб қўлёзмалари орасида топилган.

Булардан кўринишича, Форобий шеърият масаласи ва уларнинг юнон адабиётидаги шакллари, шоир ўрни ва унинг вазифаси борасида анча кенг фикр юритган. Ибн Абу Усайбианинг кўрсатишича, Форобийнинг «Калом фи-ш-шеър ва ал-қавофи» («Шеър ва қофиялар ҳақида сўз») ҳамда «Китоб фи-л-луғот» («Тил ҳақида китоб») асари ҳам бўлган.

Форобий «Шеър китоби» асари дебочасида ёзади: «Биз бу ерда худди Ҳаким Арасту ўзининг шеър санъати ҳақидаги мулоҳазаларида санаб ўтганидек, юнонлардаги шеър турларини санаб ўтамиз, уларнинг ҳар бирининг навларига ишорат қилиб ўтамиз».

Лекин шуниси борки, Арасту «Поэтика»сида Форобий келтирган жанрлар тақсимоти бутунлай йўқ. Арасту жанрларни бундай тақсим қилмаган. Бу балки юнон адабиётига тегишли бошқа манбалардан олинган бўлиши мумкин. Балки

Форобий Арасту «Поэтика»сининг тўла қисмини ўқишга муяссар бўлгандир. Ундай десак, Ибн Синодан илгарироқ ўтган Матто Ибн Юнуснинг Арасту «Поэтика»сини сурёний тилидан араб тилига таржима қилган нусхаси ҳозиргача етиб келган. Бу таржиманинг оригинали – яъни сурёнийчаси анча илгари таржима бўлганидан дарак беради. Аммо бунда ҳам «Поэтика» асари ҳозирги кундагидек йигирма олти қисмдан иборат.

Форобий бу асарини ёзишда бу борадаги бошқа асарлардан ҳамда Арастунинг шогирди Фемистийнинг бу тўғрида ёзганларидан фойдаланган кўринади.

Ибн ал-Ибрийнинг кўрсатишича, Ҳомернинг «Илиада»си сурёний тилига таржима қилинган эди. Демак, бу даврда юнон адабиёти шоҳ асарларининг кўпи сурёний тилига таржима қилинган бўлади. Бундан эса араб тилига кўчган бўлиши ҳам мумкин. Бу тилни Форобийнинг устозлари (чунончи, Ибн Хийлон) ҳамда дўст ва шогирдлари (Матто ибн Юнус ва Ибн Одий) яхши билган эди. Шуниси ҳам борки, Форобийнинг ўзи ҳам сурёний тилини билган бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас. Унинг кўп тил билиши у ҳақда сақланиб қолган фольклор материалларидан ҳам маълум.

Маҳкам МАҲМУД

«ПОЭТИКА» ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН АДАБИЁТИ

Трагедия таърифидаги сўзларнинг мазмуни кўп асрлардан бери турлича шарҳланиб келаётир. Бу таърифнинг таржимаси ҳам, табиийки, турлича талқинларни ўз ичига олади. Рус тилидаги «действие» сўзи кўп маноларни, хусусан «ҳаракат», «иш-ҳаракат», «воқеа», «кўриниш» маъноларини англатади. Ўзбек тилида эса биз «Поэтика»нинг трагедия таърифига оид контекстидан келиб чиқиб, «действие» сўзини «хатти-ҳаракат», «қилгулик» ёки «қилмиш» деб олишни лозим кўрдик. Чунки Арасту санъат назариясига асос қилиб олган трагедияларнинг («Антихона», «Орестея», «Эдип», «Электра» ва бошқалар) мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқсак, асарларда қаҳрамонларнинг қилмиши асосий ўринни эгаллайди. Эдипнинг қилмиши фақат ўзини фожиага учратиб қолмай, балки давлат, жамиятнинг ҳам бошига кўп фалокатлар ёғдиради. Эдипнинг гуноҳи жуда даҳшатли – у ўзи билмагани ҳолда отасини ўлдириб, онасига уйланади. Антихона эса онгли равишда сингиллик бурчини ижро этади. Эдипнинг ўғиллари Этеокл ва Полиник тахт талашиб, ўзаро кураш бошлашади. Полиник ўзга юртларга кетиб, яна олти лашкарбоши билан бирга (еттита бўлиб) она шаҳри Фивага қарши курашади. («Фиванинг етти душмани».) Ака-ука ўзаро жангда ҳалок бўлишади. Фивага ҳукмрон бўлган Креонт Этеоклни шон-шавкат билан кўмади. Юртга душманларни бошлаб келган Полиникнинг жасадини эса дафн этмаслик ҳақида фармон чиқаради. Агар кимки фармонни бузса, ўлим жазосига ҳукм этилади. Антихона ўлим хавфидан қўрқмай акасини дафн этаётганида қўлга тушади. Бундай қилмишларни эса оддий «ҳаракат» ёхуд «иш-ҳаракат», ҳатто «воқеа»

сўзи билан ифодалаш тўғри бўлмас эди. Бугина эмас, рус тилида драматик асар қаҳрамонларига нисбатан «действующие лица» сўзлари ишлатилади. Ўзбек тилида бу сўзларни оддий «ҳаракат қилувчилар» ёки «қатнашувчилар» деб олиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун биз бу сўзларни «асар қаҳрамонлари» ва «фаол шахслар» деб олдик. Чунки, юқорида айтилгандай, даҳшатли ёки буюк қилмишларни, табиийки, оддий «ҳаракат қилувчилар» эмас, балки фаол шахсларгина юзага келтирадилар. Арастунинг қуйидаги сўзлари ҳам тўғри йўл тутганимизни кўрсатади: «Бироқ бу қисмлардан энг муҳими – воқеалар оқимидир, – дейди мутафаккир, – чунки трагедия «пассив» одамлар тасвири эмас, балки қилмиш тасвиридир, ҳаёт, бахт ва бахтсизликлар эса (инсон) қилмиши туфайли бўлади». («Поэтика», V боб.) Бу жумладаги «пассив» сўзини файласуф М.Л.Гаспаров аниқлик киритиш учун тўғри қўллаган. Чунки у ҳам Арасту фикрининг моҳиятидан келиб чиққан.

Арасту трагедия таркибини олти унсур (элемент)га бўлиб кўрсатади: биринчиси – томошавийлик, иккинчиси – мусиқа қисми, учинчиси – асар тили – қаҳрамонлар нутқи, тўртинчиси – фикр (ғоя), бешинчиси – характер, олтинчиси – ривоят – воқеа. Арасту асар ғояси ва характерга жуда катта аҳамият беради. «Ана шу ғоя ва характерга мувофиқ фаол шахслар (ёки қаҳрамонлар) муваффақиятга ёки мағлубиятга учрайдилар», дейди у. Чиндан ҳам ғоя, эътиқод қаҳрамонларнинг тақдирига ҳал этувчи таъсир кўрсатади. Прометей, Насимий, Машраб, Улуғбек, Галилей, Бруно, Коперник, Жанна д'Арк сингари буюк шахслар ғоя, эътиқод йўлида ҳаётларини фидо қилдилар.Асарда (айниқса, қадимий афсоналар даврида) ғоя ва характер манбаи ривоят (воқеа)дир. Характер қирралари ва шахс интилган ғоя, эътиқод воқеада кўринади. Воқеада характернинг қандайлиги маълум бўлади. Демак, Арасту мифос деганда ривоят ёки афсона воқеасини кўзда тутади. «Демак, шоирлар фаол шахсларни уларнинг характерлари-

ни кўрсатиш учун тасвирламайди, улар характерларни ҳам қилмиш орқали кўрсатишади. ...Қилмиш тасвирининг ўзи эса воқеадир» (Поэтика, VI боб).

Ҳозирги замоннинг барча адабиёт назариётчилари бадиий асарда характерни биринчи ўринга қўйишади. Арасту эса, негадир бундай қилмайди. «Трагедиянинг мақсади бирон фазилатни эмас, балки воқеани, қилмишни тасвирлашдир, – дейди у. – Кишилар ўз характерига кўра қандайдир фазилатга эга бўлади, қилмиши билан эса бахтли ёки бахтсиз бўлиб чиқади». «Поэтика» муаллифи учун инсонларнинг характери қандайлиги, яхши ёки ёмонлиги, олижаноб ёки тубанлиги муҳим масала бўлса ҳам, аммо бадиий асарда инсон характерининг қандайлигини кўрсатувчи асосий мезон, бу – одамларнинг хатти-ҳаракати, қилмишларидир. Чунончи, Эсхил асарининг қаҳрамони Прометей характеридаги улуғворлик, жафокашлик унинг буюк қилмиши – худолар, қудратли ҳукмдорлар ғазабидан қўрқмай, халққа олов келтириб бериши орқали намоён бўлади. Агар Прометейнинг шу қилмиши бўлмаса, унинг характери қандайлигини билолмаган бўлардик. Эврипиднинг «Электра» трагедиясида ҳам Клитемнестранинг характери унинг ёвуз қилмишида яққол кўринади: у ўйнаши Эгисф билан тил бириктириб, эрини, бирлашган юнон қўшинларининг бош қўмондони, Троя урушининг шавкатли қаҳрамони – Агомемнонни алдаб, тузоққа тушириб ўлдиради. Одамларнинг характерлари уларнинг ҳар қандай қилмишида эмас, балки хоҳ улуғвор, хоҳ тубан – фаол қилмишларида равшан кўринади. Демак, шахсларнинг фаоллиги ҳам уларнинг муҳим қилмишлари орқали юзага чиқади.

Шу мулоҳазалардан сўнг Арасту асаридаги миф – фабула, ривоят тушунчаси нимани англатиши ҳақида гапириш эҳтиёжи туғилади. Чунончи, бу муҳим муаммо ҳам юқоридаги масалалар билан узвий боғлангандир. А.Квятковскийнинг «Поэтик терминлар луғати»да бундай дейилади: «Фабула

(лотинча – тарих, ҳикоя) – бадиий асарда сюжет асосидаги воқеалар ва ҳодисаларнинг кетма-кет (изчил) ривожланишидир» (320-бет). Арасту асаридаги «мифос»ни Аппельрот «фабула» деб, М.Л.Гаспаров «сказание» деб таржима қилган. Асар контекстидан, Аристотель фикрлари моҳиятидан келиб чиқилса, М.Л.Гаспаров қўллаган сўз – «сказание» мақсадга мувофиқроқ келади. Кейинги вариантни маъқуллаганимиз учун биз «ривоят» деб олдик. Чунки «Поэтика»да худди шу ҳақда гап боради. Тўғри, асар фабуласи, сюжети, бадиий асар воқеаси сўзлари бир-бири билан унчалик узоқ тушунчаларни англатмайди. Шунга қарамай, М.Л.Гаспаров «сказание» сўзини ишлатганининг боиси шуки, Аристотель даврида яратилган эпос ва трагедия асарларининг ҳаммасига қадимий мифлар, ривоятларнинг воқеалари асос бўлган. Шунинг учун у вақтларда «ривоят» сўзи «фабула», «сюжет йўллари» маъносида ҳам ишлатилган.

Арасту асарнинг (трагедия асарининг) асосий таркибий қисмларидан, «сюжет йўллари»дан бири деб «перипетия»ни – воқеаларнинг кутилмаган, кескин ўзгаришини кўрсатади. Агар бу сўзларнинг моҳиятидан келиб чиқсак, «перипетия»ни яна «мушкулот» деб таржима қилиш мумкин. Чунки асар воқеалари давомида қаҳрамон тақдирида юз берган, кутилмаган, кескин ўзгариш, албатта, мушкулотни, мураккаб аҳволни юзага келтиради. Ана шу мушкулот пайтларида эса характерлар, одамларнинг қандайлиги билинади.

Асар воқеалари ривожидаги яна бир муҳим унсурни Аппельрот ҳам, Гаспаров ҳам рус тилига «узнавание» деб таржима қилганлар. Бу сўз асар қаҳрамонларининг тақдирида ҳал қилувчи лаҳзаларда бирор муҳим воқеани (ёки ўша воқеада қатнашган одамни) тўсатдан билиб қолиш деган маънони англатади. Шундай ҳолатларда билиб қолиш қаҳрамон тақдирини ҳам, воқеалар оқимини ҳам ўзгартириб юборади. Софокл асарида Эдипнинг воқеалар давомида Иокастанинг кимлигини, йўлдаги жанжалда ўзи

ўлдирган кишининг кимлигини билиб қолиши, Ифигения акаси Орестни таниб, билиб қолиши, «Одиссея»да Пенелопа тўй куни ҳижронда юрган Одиссейни билиб қолиши, Фирдавсий достонида Рустам яккама-якка жангда мағлуб бўлган рақиби – ўғли Суҳроб эканлигини билиб қолиши, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги ҳикоятларда Суҳайл билан Меҳрнинг, Аҳий билан Фарруҳнинг кутилмаганда бир-бирини таниб, билиб қолишлари, Абдулла Қодирий романида Отабекнинг тўй куни чимилдиқда келин – севгилиси Кумуш эканлигини билиб қолиши – буларнинг ҳаммаси асар воқеаларини ўзгартириб юборади ва қаҳрамонлар тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ўзбек тилида ана шу бадиий унсурни «таниб қолиш» ёки «билиб қолиш» деган бирикма билан ифодалашга тўғри келади. Трагедиянинг ва ҳар қандай бадиий асарнинг яна бир муҳим унсурини Арасту пафос деб атайди. М.Л.Гаспаров бу сўзни «страсть» деб таржима қилган. Ўзбек адабиётшунослигида бу тушунча пафос деб ҳам, эҳтирос деб ҳам ифодаланмоқда. Ҳақиқатан пафоссиз, эҳтироссиз асар на томошабинни, на ўқувчини қизиқтирмайди, ҳаяжонга солмайди. Асарда, унинг ижодкорида, албатта, кучли ҳаяжон бўлиши керак. Табиатан қаҳрамонларидай эҳтиросли бўлган шоирлар кўпроқ ишонтира олади. «Ўзи ҳаяжонлана оладиган шоир томошабинларни ҳам ҳақиқатан ҳаяжонлантира олади, – дейди Арасту. Ўзи ғазаблана оладиган киши томошабинларни ҳам ҳақиқий ғазаблантира олади» («Поэтика», XVII боб).

Арасту яна бир ўринда бундай дейди: «Қўрқинчлилик ва аянчлилик саҳна жиҳозлари орқали келиб чиқиши мумкин, бироқ энг яхши шоирларнинг асарларида эса воқеалар оқимининг ўзидан ҳам пайдо бўлади. Аслида асар шундай ёзилиши керакки, у саҳнада кўрилмаганида ҳам бўлиб ўтадиган воқеани тингловчи ҳар бир киши худди Эдип ҳақидаги ривоятни тинглагандай, ҳодисаларнинг ўсиб бориши давомида ғам чекувчига нисбатан ҳамдард бўлсин ва

вужуди живирлаб сескансин» («Поэтика», XIV боб). Бу фикр адабиёт назариясига муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган ўзбек адиблари ва олимлари ижодида ҳам учрайди. «Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса ҳақида ёзса, буни ўқиган ўқувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди, – деган эди Абдулла Қаҳҳор. – Демак, куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт. Ҳис қилинмасдан ёзилган нарса қоғоздан қилинган гулга ўхшайди». Истеъдодларга бой ва йил сайин камолотга интилаётган ҳозирги ўзбек адабиётида ҳам чуқур ҳис қилиб, эҳтиросли ёзилган бадиий асарлар билан бирга, мавзуни чуқур билмай, айниқса, ҳис қилмай, лоқайдлик (ёки сохта пафос, сохта эҳтиросларр) билан ёзилган асарлар бор. Шунинг учун Арастунинг пафос, эҳтирос, ҳаяжон, ғазаб ижодкорнинг табиатида бўлиши керак, деган таълимоти ҳозирги давр учун ҳам ғоят қимматлидир.

Арастунинг истеъдод ва маҳорат ҳақидаги фикрлари ҳам узоқ асрлардан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Русча таржимада маҳорат тушунчаси «санъат» деб олинган. Бу сўз ҳозир кўпчилик тушунадиган «санъат асарлари» деган маънода эмас, балки касб-ҳунар маъносида ишлатилган. Форобий асарларида ҳам арабча «санъат» сўзи касб, ҳунар, фан маъносида ишлатилади. Арасту ҳам поэзия санъати ҳақида гапирмай, истеъдод, туғма истеъдод ҳақида гапирганида, «санъат» сўзини «маҳорат», «малака» маъносида қўллайди ва уни маълум маънода «туғма истеъдод»га қарши қўяди. «Баъзи кишилар санъаткорлик туфайли, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини яратадилар», дейди у «Поэтика»нинг биринчи саҳифаларидаёқ. Бу ерда «санъаткорлик» сўзи «маҳорат» маъносида, соз чалиш ёки шеърий техника маъносида келяпти. Илгари ва ҳозир баъзи адабиётшунос олимлар санъаткорлик ва маҳоратни бадиий асар ёзишда асосий, бирламчи унсур деб биладилар. Платон диалогла-

рида («Федр»), Аристофан комедияларида поэтик асарни назарий принципларни чуқур ўзлаштирган одамларнинг маҳорати ёки малакаси маҳсули деб ҳисоблашган.

Абу Наср Форобий ҳам Арастунинг «Поэтика» асарига ёзган шарҳларида шоирларни бир неча тоифаларга ажратади. «Энди биз сенга айтсак, шоирлар чиндан ҳам туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади ва улар ташбиҳ ва тамсилга лаёқатли бўладилар, – дейди у. – Бир хил шоирлар шеър санъатидан етарлича хабардор бўлишавермайди, балки улар туғма қобилиятларининг яхшилиги билангина қаноат ҳосил қиладилар. Бундай шоирлар чинакам мусалжис – мутафаккир шоирлардан саналмайдилар. Чунки, уларда шеър санъатини ўзлаштириб олиш учун камолот етишмайди ва бу санъатда турғунлик бўлмайди». Форобийнинг бу мулоҳазаларида Арастудан кўра Афлотун нафаси сезилиб туради. Чунки Форобий шеър санъатини (маҳоратини, техникасини) яхши билган, мулоҳазакор шоирларни туғма истеъдодли шоирлардан устун қўяди. Тўғри, Форобий замонида Навоий замонидаги каби буюк шоирлар шеър назариясини, техникасини ҳам чуқур билишган. Навоийнинг «Мезонул авзон», Бобурнинг «Аруз» – «Мухтасар» асарларини эслайлик. Бундан ташқари, Форобий – «мулоҳазакор» эмас, «мутафаккир» демоқчидир? Аслида, мулоҳаза, силлогизм – мантиқ шеър соҳасига кирмаслигини Форобий яхши тушунади. «Айтишларича, мулоҳазалар ё бутунлай рост, ё бутунлай ёлғон бўлиши мумкин, – дейди Форобий. – Ё бунинг тескариси – тўғри ва ёлғон меъёри баббаравар бўлиши мумкин. Буткул рост мулоҳаза, ҳеч сўзсиз, буроний – исботли деб аталади. Бордию, унинг рост томони кўпроқ бўлса, у ҳолда у жадалий – диалектик бўлади. Бордию, рост ва ёлғон иккови баравардан бўлиб қолса, у ҳолда у хитобий – риторик бўлади. Рост бутунлай камайиб бораверса, у ҳолда суфастоий – софистик бўлади. Бутунлай ёлғон бўлса, у ҳолда уни, ҳеч шубҳасиз шеърий деб аталади». Албатта, бу

ерда Форобий ёлғон деганда хаёл қилинган, образли, ташбиҳли, тимсолли, метафорали, кўчма маъноли сўзларни назарда тутса керак. Шеъриятда ана шундай поэтик ёлғон табиатини тушунмаган ҳозирги баъзи мунаққидлар шоирларнинг асарларини одатдаги схематик фикрлаш қолипига солиб, худди ёвуз Прокруст каби, каравотига сиғмаса, қўл-оёғини кесмоқчи бўладилар. Ўзлари кўп нарсага ақл ва тасаввурлари етмагани ҳолда нега ундай, нега бундай деб сўрайверадилар. Шеъриятда (умуман, бадиий адабиётда) инсонлар қушга, дарёга, юлдузга айланиб қолиши мумкин. Турлича вазиятда, турлича лаҳзаларда яхши-ёмон кайфиятга тушиши, эрталаб бошқача, тушдан кейин бошқача ўйлаши мумкин. Нодон танқидчи, нега қаҳрамон изчил фикрламаяпти, нега унинг тасаввури меникидай (ёки бошқа одамларникидай) эмас, деб жар солади. Ҳолбуки, санъатда ана шу «ёлғон» образлар орқали кўпгина «рост» гаплардан кўра тезроқ ҳақиқатга эришиш мумкин. Масалан, Гойя чизган бир суратда одамнинг оғзига каттакон қулф осилган. Албатта, ҳаётда худди шундай бўлмайди, ҳаётда инсон оғзини қулфлашнинг бошқа йўллари кўп. Аммо Гойя сўз эркинлиги ҳақидаги фикрни жуда ихчам, содда қилиб англатган. Аксинча, ҳаммага маълум ва «тўғри» гаплар кўпинча воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри акс эттирмаслиги мумкин.

Атоқли арастушунос олим Т.А.Миллер ҳам «мимесис», яъни ўхшатиш, тасвирлаш санъат моҳияти эканлигини эътироф этгани ҳолда санъат принциплари – «техне»ни бадиий ижоднинг шарти деб ҳисоблайди. У поэтик ҳиссиёт, туғма истеъдод билан ижод қилишни англанмаган санъат, «техне» билан ижод қилишни онгли санъат асари яратиш деб тушунади. Аслида, бу кўп асрлардан бери ечилмаётган ва ечилиши қийин бўлган мураккаб масаладир. Ички ҳиссиёт, интуиция, шоирона илҳом билан ижод қилиш аслида ақл – мулоҳаза, тадбиркорлик билан ижод қилишга қарама-қарши бўлмаса-да, аслида иккаласи ўртасида жуда катта фарқ бор.

Ҳаётийликдан йироқ, бадиий жиҳатдан заиф, аммо ақлли гаплар билан тўлиб-тошган асарлар камми? Аммо халқ, китобхон, томошабин, тингловчи бундай асарларни ўқиб завқ олмайди, Арасту айтганидай, қаҳрамонлар билан бирга дард чекмайди, уларга бефарқ қарайди. Чунки воқеликни илмий тадқиқ этишни механик равишда бадиий ижодга кўчириш мумкин эмас. Ахир, санъат воқеликни илмий аниқликда қайд этувчи тарих эмас. «Тарихчи ва шоирнинг фарқи бири вазндан фойдаланишда ва бошқаси фойдаланмаслигида эмас, – дейди Арасту. – Ҳеродот асарлари шеърга солинганида ҳам, вазнсиз бўлганда ҳам сира тарих бўлмай қолмас эди. Тарихчи ва шоир шу билан тафовутланадики, бири ҳақиқатан бўлган воқеа ҳақида, иккинчиси бўлиши мумкин бўлган воқеа тўғрисида сўзлайди. Шунинг учун поэзия тарихга қараганда фалсафийроқ ва жиддийроқдир: поэзия кўпроқ умумий, тарих эса якка нарса тўғрисида сўзлайди». Аммо поэзия мазмунининг умумийлиги билан фандаги умумлаштириш бир-биридан жуда узоқ нарсалардир. Фан ҳамма ўсимликлар учун ёки ҳамма кимёвий, ёки физикавий жараёнлар учун умумий бўлган қонуниятларни текширади. Санъат асарининг қаҳрамони эса, маълум маънода типик бўлишдан кўра индивидуал ўзига хос олами билан, дунёда ҳеч кимга ўхшамаслиги билан қимматлидир. Акс ҳолда санъатнинг вазифаси умумий қоидани иллюстрация қилишдан иборат бўлиб қолар эди. Чунончи, шоҳ Эдипнинг бошидан ўтган фожиий воқеа типик воқеа эмас; у ҳатто Эдип замони учун ҳам типик эмас эди. Аммо, шунга қарамай, санъат асаридаги Эдип образи минг йиллар давомида одамлар қалбини, руҳий оламини ларзага солади. Тўғри, санъат асари шу маънода умумийки, у тарихчилар учун ҳам, файласуфлар учун ҳам, физик ёки лириклар учун ҳам баб-баравар қизиқарлидир. Чунки, юқорида айтганларимизнинг ҳаммаси аввало инсон бўлиб, кейингина тарихчи, инженер, файласуф, физик ёки лирикдир. Инсон эса ўзининг инсонлигидан, бинобарин,

адабиёт, санъатдан узоқлашуви мумкин эмас. Ҳақиқий адабиётнинг, санъат асарининг қудрати шундаки, ижодкор ҳаётга ўхшатиб, ҳаётнинг ўхшашини, тасвирини яратиб, қодир табиатга тенглашишга интилади. Бу эса табиий, туғма истеъдод қудратига боғлиқдир.

«Поэтика»нинг XXV бобида Арасту ҳаётнинг ўхшашини, тасвирини яратувчи шоирларнинг асарларига билдириладиган турли эътирозларга ўзининг раддияларини баён қилади. Худди шу бобда поэзиянинг асосий хусусияти «мимесис» – ҳаётга тақлид қилиш эмас (ҳатто ҳаётга оддий ўхшатиш эмас), балки ижод, янги ҳаёт яратиш эканлиги аён бўлади. Арасту ижод эркинлигини, санъат имкониятларини жуда кенг миқёсда тушунади. У бадиий тасвирнинг асосий хусусиятлари ҳақида бундай дейди: «Модомики, шоир (мусаввир ёки бошқа тасвирловчилар) ҳаётнинг ўхшашини яратар экан, у муқаррар қуйидаги уч нарсадан бирини: а) ҳаётнинг қандай бўлганлигини ёки (ҳозир) қандайлигини; б) одамлар у ҳақда қандай айтган ёки (улар) қандай тасаввур қилганлигини; в) (ҳаёт ва одамлар) қандай бўлиши кераклигини тасвирлайди. Бу нарсаларга эса (ё оддий) тил билан, ёки ноёб сўзлар, кўчма маъноли тасвирлар билан эришилади». Санъаткорлар Арасту айтган бу шартлардан бирига ёки ҳаммасига бирданига амал қилиши ҳам мумкин. Алишер Навоий достонларида тасвирланган воқеалар ва характерлар бу талабларга жуда мукаммал жавоб беради. Навоий, чунончи, «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳаёт ва одамлар қандай юксакликда бўлиши кераклигини тасвирлайди. У тасвирлаган Фарҳод ақл-заковатли, деярли барча ҳунар ва санъатларни мукаммал эгаллаган, олижаноб фазилатлар соҳиби. «Сабъаи сайёр» достонидаги ажойиб-ғаройиб воқеалар эса (Саъднинг деву шайтонлар сеҳру жодуларини енгиши, Суҳайлнинг сеҳрли чашмага шўнғиб, бошқа оламдан чиқиши ва Меҳр билан топишуви) халқ айтган ривоятлар асосига қурилган. «Садди Искандарий» достонида Навоий

ҳам ҳақиқий бўлиб ўтган воқеаларни, ҳам халқ тасаввуридаги (яъжуж-маъжужлар каби) нарсаларни тасвирлайди. Шоир асарларининг кўпчилигида адолатли шоҳнинг характери қандай бўлиши кераклигини тасвирлайди.

«Бундан ташқари, – дейди Арасту, – поэзиядаги (санъатдаги) ҳаққонийлик билан сиёсатдаги ҳаққонийлик ўртасида катта фарқ бор». Адабиётшунослар ва санъатшуносларнинг кўпчилиги ана шу фарқни чуқур англамасдан, сиёсат ёки ахлоқ қонунлари билан санъат қонунларини аралаштириб юборадилар ва бадиий асар образларига ўринсиз равишда сиёсий тус бериб, баъзан ўзлари кулгига қоладилар. Адабиёт, санъат асарида кўрсатилган воқеа ва характерлар муайян умумлаштирувчи тарбиявий таъсир кучига эга бўлса-да, уларни қонунлаштириш ёки нормативлаш кулгилидир.

Арасту ўз асарида шунчалик огоҳлантиришига қарамай, ўша даврда ҳам, бир неча аср кейин ҳам поэзия асарларининг юқоридаги табиий хусусиятларини тушунмай, уларни кескин айбловчилар ҳам кўп бўлди. Буюк Рим шоири Публий Овидий «Севги илми» номли шеърий тўпламида шахсий туйғулар эркинлигини тарғиб қилган эди. Ўзини илоҳийлаштирган император Октавиан Август ўз саройидаги турли фитна, адоватлардан халқни чалғитиш учун баҳона қидириб, шоир Овидийни ахлоқсизликда айблайди ва уни Рим империясининг энг олис ўлкаси – Қора денгиз бўйидаги Тома (ҳозирги Руминиянинг Констанца) шаҳрига сургунга юборади. Овидий бир йилдан сўнг (янги эранинг 9-йилида) қайғули элегияларидан энг машҳурини ёзиб, Октавиан Августга юборади. У ўз шеърларини оқлаб, мунтазам «ҳимоя нутқини» тузади. Аввало, гап шундаки, шоирга хайрихоҳ бўлмаган ўқувчиларгина бу шеърларни ахлоқсиз руҳда деб ўйлайдилар. Иккинчидан, бу шеърлар ҳақида Август бегоналарнинг гапига қараб ҳукм чиқарган. Учинчидан, шеърларнинг ўзида покиза аёлларнинг эмас, ёмон аёлларнинг ахлоқи тасвирланган. Тўртинчидан, мабодо

бу шеърлар иффатли аёлларда ёмон фикрлар уйғотса, бошқа шоирларнинг ҳар қандай шеърлари ҳам шундай фикрлар уйғотиши мумкин (шунинг учун нега мен айбдор бўлай). Бешинчидан, бу шеърлар шоирнинг ахлоқи бузуқлигини кўрсатмайди, балки унинг юксак мавзуларда ёзолмаслигини кўрсатади, холос. Олтинчидан, умуман ишқий шеърлар ўзи шунақа бўлади. Грециядa ҳам, Римда ҳам шундай. Еттинчидан, поэзияда шаҳват манзаралари тасвири ҳам кечирилади-ку. Саккизинчидан, шоир кейинги ёзган шеърларида бундай камчиликлардан қутулган. Шунинг учун ҳам шоирни айблаш инсоф-адолатдан эмас.

Қадимий Греция ва Рим адабиётининг атоқли тадқиқотчиси М.Л.Гаспаров ўзининг «Овидий сургунда» номли асарида шоирнинг «айби» Август саройидаги иллатларни билишида эди, асарлари эса нуқсонсиз эди, деб хулоса чиқаради.

«Поэзияда (нафис санъатда) табиий нарсани одам ишонмайдиган қилиб тасвирлашдан кўра ғайритабиий нарсани ишонарли қилиб тасвирлаш яхшироқдир», – дейди Арасту. У қадимги замоннинг машҳур трагик шоири Агафоннинг «Ҳаётда ғайритабиий нарсаларнинг кўп содир бўлиши ҳам табиийдир» деган фикрига асосланади. Ғайритабиий (невозможное) дегани ҳақиқатга зид дегани эмас, албатта. Чунончи, Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» қиссасида қари йўрга отнинг сўнгсиз хаёллари, унинг армонлари, хотиралари тасвирланади. Юзаки ўйлайдиган ўқувчига бу тасвирлар ҳақиқатга зид кўриниши мумкин. Аслида эса, ҳаётни фотонусхадай акс эттирувчи адибнинг асарига нисбатан отнинг хаёлларида ҳақиқат кўпроқдир. Ёки «Оқ кема»да боланинг ўзини сувга отиб, балиққа айланишига ишониши ҳаётий ва бадиий ҳақиқатдир. Ҳеч нарсага ишонмайдиган ва ҳис этмайдиган одамларгина тасаввури бой одамлар устидан кулишади. И.С.Тургеневнинг эътиқодича эса, хаёлпараст Дон Кихотлар ҳаётнинг кўрки, гўзаллигидир.

Бундан ташқари, юзаки қараганда ғайритабиий кўринган ҳодисалар ҳақиқий ҳаётнинг моҳиятини ҳаққонийроқ акс эттира оладилар. Хаёли чекланган, тасаввури қашшоқ одамлар хаёлга бой асарларни ҳазм қилолмайдилар. Аммо ғайритабиий, хаёлий тасвирлар ҳаётни тадқиқ этишнинг ранг-баранг кўринишларидан, усулларидан бири сифатида ҳурмат-эътиборга лойиқдир. Бугина эмас, хаёл, тасаввур бойлиги, хаёлий манзаралар санъатнинг фалсафий бойлиги ва гўзаллигини ҳам ташкил этади.

Аммо ғайритабиий, ғалат нарсанинг ўзи тасвирнинг асосий мақсади бўлмаслиги, одамларни ҳақиқий ҳаётдан чалғитишга хизмат қилмаслиги лозим. Маълумки, қадимги софистлар ақл бовар қилмайдиган нарсаларни ўйлаб топиб, одамларни калака қилар эдилар.

Абу Наср Форобий ўзининг Арасту «Поэтика» сига ёзган машҳур шарҳларида шу ҳақда гапириб, бундай дейди:

«Софист эшитувчини ғалатга ундаб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, нуқсонли нарсаларни (одамнинг) кўз олдига келтириб қўяди. Ҳатто у мавжуд нарсани номавжуд деб, номавжуд нарсаларни эса мавжуд деб тасаввур қилдиради.

Аммо тақлидчи (тасвирчи) бўлса нарсанинг тескарисини эмас, балки ўхшашини тасаввур қилдиради».

Шунинг учун ҳам оламни бадиий ва маърифий ўрганишда, ҳақиқатни излаш ва кашф этишда тасвирчи – санъаткорларнинг истеъдоди, ижоди бебаҳо аҳамият касб этади. Н.В.Гоголь асарларини таҳлил қилар экан, буюк рус танқидчиси В.Г.Белинский «Ҳақиқат – олий гўзалликдир» деган эди. Ҳақиқатга эришиш йўллари эса чексиз ва ранг-барангдир.

АРАСТУ ҲАКИМНИНГ «АХЛОҚИ КАБИР» АСАРИНИНГ ЎЗБЕКЧАГА ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

«Адолатсиз, ноҳақ одамда оқиллик фазилати бўлмайди.

(Ризқ-рўз ва бойликнинг) Озроғига рози бўлган одам қаноатли одамдир.

Ҳалол бўлмаган одам онгсиз одамдир.

Одам ақли борлиги учун мақталмайди, балки кўнглидаги инсоф, адолат, мардлик каби фазилатлари учун мақталади».

Мана шу ҳикматли сўзлар қадимият мутафаккири, барча замонларнинг уламолари томонидан устози аввал деб тан олинган Аристотель – Арасту ҳакимнинг «Катта этика» ёки «Ахлоқи кабир» асаридан олинган. Бу ҳикматларнинг теран мазмунини ҳар қанча шарҳласак, янги қирралари очилаверади. Чиндан ҳам адолатсиз, ноҳақ ишлар қилувчи одамда оқиллик фазилати қаердан бўлсин! Адолатсиз, ноҳақ ишлар қилувчи одам оқилликдан узоқ, маънавий гўзалликдан узоқ, ахлоқий жиҳатдан ҳам нопок одамдир. Чунки адолат, одиллик инсонпарвар, халқпарвар, меҳр-оқибатли, мард одамларнинг фазилатидир. Бунинг акси – адолатсиз, ноҳақ ишлар қилувчи одам – номард, маънавий қашшоқ; фақат ўзини ўйловчи, худбин одамдир.

Ёки Арастунинг қаноатли одам ҳақидаги фикрини олайлик. Бир қарашда оддий бўлиб кўринган бу фикр замирида катта ҳақиқатлар бор. Чунки жамият ҳаётида, инсон ҳаётида баднафслик, мол-дунёпарастлик, порахўрлик, ўғрилик, юлғичлик, каззоблик каби ёмон иллатларнинг кўпчилиги одамзотда сабр ва қаноат йўқлигидан ёки етишмаслигидан келиб чиқади. Ўз ҳалол меҳнати билан топганига, борига қаноат қилиб яшовчи одам камтарин,

оқил, имонли одамдир. Исломий фалсафий таълимотларда ҳам қаноат азиз одамларга ато этиладиган ажойиб фазилатлардан саналади.

Энди Арастунинг ҳалол бўлмаган, яъни нопок одамни онгсиз деб баҳолашига келсак, бу ҳикматли сўзларнинг ҳам маъноси жуда теран, бу ҳақда узоқ ва теран фикрлар айтиш мумкин.

Биз одатда, айниқса, ҳар соҳада риёкорлик, мунофиқлик, сохта гаплар авж олган шўролар даврида онгли ва онгсиз одам, деган сўзларни кўп ишлатавериб, қадрини туширдик. Номуносиб ишлар қилса ҳам, лекин КПСС сиёсатини билган одамни онгли одам деб ҳисобладик. Аслида, онгли одам деб, яхши ва ёмонни, ҳалол ва ҳаромни, савоб ва гуноҳни яхши тушунувчи ва бу тушунчаларга амал қилувчи одамни айта оламиз.

Арасту ҳакимнинг «Одам ақли борлиги учун мақталмайди» деган сўзлари бир қарашда баҳсли, мунозарали кўринади. Аммо «Ахлоқи кабир» асарини синчиклаб, эътибор билан ўқилса, ақллилик, оқиллик агар гўзал инсоний фазилатлар билан уйғунлашмаса, уни мақташ мумкин эмас экан. Чунки юлғич, порахўр ва бошқа нопок ишлар қилувчи одамларнинг кўпчилиги ўзларича анча ақлли одамлардир. Аммо бу ақл худбин ақлдир.

Бугунги Истиқлол даврида ҳам биз учун аҳамиятли бўлган бундай ҳикматли сўзларни Арасту ҳакимнинг «Ахлоқи кабир» асарида кўплаб учратамиз.

Бу ажойиб асарни қадимги юнон адабиёти, тарихи ва фалсафасини яхши билгувчи заҳматкаш, истеъдодли олим ва адиб Маҳкам Маҳмуд ўзбек тилига таржима қилиб, изоҳ ва шарҳлар бериб, нашрга тайёр қилгани, бизнингча, бу инсоннинг навбатдаги олижаноб ишларидан биридир.

Маҳкам Маҳмуд бундан кўп йиллар аввал Арастунинг «Поэтика» асарини таржима қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан нашр эттирганида халқимиз, назариётчи уламола-

римиз уни миннатдорчилик билан кутиб олган эдилар. Маҳкам Маҳмуднинг янги таржимаси – Арастунинг «Ахлоқи кабир» асари ҳозирги Истиқлол даврида фалсафа фанининг жамият маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти ортиб бораётган бир замонда тезроқ нашрдан чиқариш – Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртлари муаллимлари ва талабаларининг илмий-фалсафий, педагогик савиясини, малакасини юксалтиришга муносиб ҳисса бўлур эди.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори,
Тилаб МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари доктори

АХЛОҚИ КАБИР (КАТТА АХЛОҚ КИТОБИ)

БИРИНЧИ КИТОБ

1. Этика – ахлоқ муаммолари ҳақида гапиришдан аввал биз ахлоқ нимага тааллуқли (ниманинг бир қисми) эканлигини аниқлаб олишимиз керак. Гапнинг лўндасини айтсак, ахлоқ сиёсатнинг таркибий қисмидир.[1] Чиндан ҳам муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган, яъни муносиб бўлмаган одам (таниқли жамоат арбоби сифатида) фаолият кўрсатиши мумкин эмас. (Афсуски, инсоният тарихида кўпинча ахлоқий-маънавий фазилатларга эга бўлмаган, номуносиб одамлар сиёсий фаолиятга аралашиб, жамиятга зарар келтирадилар. – М.М.) Муносиб одам бўлмоқ – фазилатлар эгаси – фозил бўлмоқ, демакдир.[2] Зеро, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаолият юритмоқчи бўлган одам ахлоқан фазилатли одам бўлмоғи керак. Хуллас, этика, ахлоқ – сиёсатнинг таркибий қисми, унинг (arche – архи, яъни қурилиш моддаси, ғиштлари) асосидир.[3] Шунинг учун ахлоқни бемалол сиёсат деб аташ мумкин.

Фазилат нима?

Шу қоидадан келиб чиқиб, фазилат нима, у нималардан ҳосил қилинади, шуни билиб олиш зарур. Чунки, фазилат қандай ҳосил қилинишини тушунмай туриб, фазилатни (фақат назарий) билиш бефойдадир. Чиндан ҳам ҳозир биз фазилат нима эканлигини (фақат назарий) билиш учун эмас, балки у қандай ҳосил қилинишини тушуниш учун уни ўрганишга киришамиз (Арастунинг бу фикри ғоят муҳим, чунки чиндан ҳам жуда кўп одамлар инсонпарварлик, меҳр, шафқат нималигини биладилар, аммо ўзлари инсонпарвар, меҳр-мурувватли бўлишлари зарурлигини тушунмайдилар. – М.М.). Яъни, биз ҳозир фазилат нималигини фақат билиш ва тушуниш билан бирга, (энг муҳими), фазилатли, яъни фозил одам бўлишни хоҳлаганимиз учун уни ўрганишга киришамиз.

Барча фанлардаги каби (ахлоқда ҳам) бирор нарсанинг ўзи нималигини билмай туриб, у қандай ҳосил қилинишини тушуниш мумкин эмас. Аммо бу нарсани (фазилатни) бошқалар қандай тушунганини, шу ҳақда нима деганларини ҳам кўриб чиқайлик.

Фазилат нима экани ҳақида биринчилар қаторида Пифагор гапирган, аммо нотўғри фикр юритган. У фазилатларни ҳам рақамлар қаторида кўриб чиққан, демак, фазилатлар сифатида кўриб чиқмаган.[4]

Чунки адолат (dikaiosyne), масалан, ўз-ўзига кўпайтирилган (икки карра икки маъносидаги) рақам эмас-ку?

Сўнг Суқрот келиб, фазилатлар ҳақида ундан яхшироқ ва тўлароқ гапирган, аммо унинг гаплари ҳам нотўғри. Чунки у фазилатларни билимларга тенглаштирган, аслида бу тўғри эмас. Гап шундаки, барча билимлар фикр-мулоҳаза билан боғлиқдир, фикр-мулоҳаза инсон руҳининг фикр юритувчи қисмида вужудга келади. Агар Суқротга ишонсак, барча фазилатлар руҳнинг ақлий қувватида ҳосил қилинади. Суқрот фазилатларни илмларга тенглаштирар экан, руҳнинг ақлий қувватдан бошқа қувватини, жумладан, эҳтирос (пафос) ва феъл-атворни йўққа чиқаради. Суқротнинг фикри шу жиҳатдан нотўғридир.

Шундан кейин Афлотун руҳ қувватларини ақлий ва ноақлий (қалбий. – М.М.) деб, иккига бўлди ва тўғри қилди. У руҳнинг иккала қисмига хос фазилатларни ҳам айтиб ўтди. Афлотуннинг фикрлаши шу ергача тўғри эди, аммо шундан сўнг у янглишди. Афлотун фазилатни ўзининг олий неъмат ҳақидаги таълимоти билан аралаштириб, шунга боғлаб, нотўғри ўйлади: чунки олий неъмат (фақат) ана шу фазилатларга боғлиқ эмас (тўғриси, фақат фазилатлар ҳосил қилишгагина боғлиқ эмас. – М.М.). Афлотун борлиқ ва ҳақиқат ҳақида фикр юритар экан, фазилатни аралаштирмаслиги керак эди, чунки борлиқ ва ҳақиқат фазилатга боғлиқ эмас (чунки абадий борлиқ ва ҳақиқат Олий қудрат ҳукмидадир. – М.М.).[5]

Фазилатлар ҳақида (файласуфлар) мана шундай ва мана шу меъёрда фикр юритганлар. Энди булар ҳақида биз нима дейишимиз кераклигини кўриб чиқайлик.

Биринчидан, шунга эътибор берайликки, ҳар қандай илмда ва ҳунарда қандайдир мақсад бўлади; мана шу мақсад доимо қандайдир неъмат ҳосил қилишни кўзда тутади. Бирорта илм, бирорта ҳунар – ёмонлик келтириб чиқаришни кўзда тутмайди. (Арасту замонидан кейинги 25 аср давомида ёмонликларни мақсад қилган илм-фанлар ҳам кучайди, масалан, ядро физикаси, қуролсозлик, бактериологик қуроллар илми ва ҳоказо. – М.М.). Агар барча ҳунарларнинг мақсади неъмат яратиш бўлса, равшан бўладики, энг яхши ҳунар ё санъатнинг мақсади энг яхши неъмат яратишдир. Шубҳасиз, сиёсат санъати юксак ҳунардир, демак, сиёсатнинг мақсади юксак неъматлар (фаровонлик) яратишдир. Биз ҳозир бу ерда умуман неъматлар (haplos) ҳақида эмас, ўзимиз (яъни, инсонлар) учун муҳим неъматлар тўғрисида гапирамиз. Чунки илоҳий неъматларни бошқа фанлар ўрганади ва улар бошқача тарзда ўрганилади.[6] Демак, биз ҳозир ижтимоий, сиёсий ҳаёт неъматлари ҳақида гапиришимиз керак.

ҲАЁТ НЕЪМАТЛАРИ

Аслида, бу неъматларнинг ҳам турлари бор. Биз қайси маънодаги неъматлар ҳақида гапирмоқчимиз? Ахир ҳамма неъматлар бир хил эмас. Ҳар бир мавжудот учун энг яхши, табиатига энг муносиб деб билинадиган неъматлар бор. Ёки қандайдир неъматларга тааллуқли нарсалар, яъни неъматлар ҳақида ғоялар бор.[7] Биз ҳозир шу ҳақдаги ғояларни кўриб чиқамизми? Ёки барча неъматлар учун умумий хусусиятлар ҳақида гапирамизми? Барча неъматлар учун умумий хусусиятлар эса неъматлар ҳақидаги ғоялар билан бир хил эмас. Неъматлар мўллиги, яъни фаровонлик ғояси (khoriston) фаровонликдан анча узоқ (тушунча) бўлиб, у ўз ҳолича мавжуддир.

Барча неъматлар учун умумий хусусиятлар эса, шуларнинг барчасида бор нарсалардир. Ҳаётдан олис ва ўзича мавжуд нарсалар эса барча нарсаларда (яъни бу ерда – барча неъматларда, айрим-айрим ҳолда) мавжуд эмас. Биз бу ерда умуман фаровонлик ҳақидами ёки мавжуд нарсаларнинг хусусиятлари тўғрисида гапирамизми? Тўғриси, биз барча неъматларда (бўлиши зарур) умумий хусусиятлар ҳақида гапиришимиз керак. Чунки барча неъматларга хос умумий хусусиятларни айтиш – фаровонлик таърифи (horismos) ва индукция (умумлаштириш) натижаси (epagoga – эпагога) бўлади.

Таъриф (ёки сифат) ҳар қандай нарса, ҳодисанинг моҳиятини, яхши ёки ёмонлигини (гўзал ёки хунуклиги, юксаклиги ёки тубанлигини) ифодалайди. Сифат бирор неъматнинг умуман қандай эканини, ўз ҳолича танлашга муносиб нарса эканлигини ифодалайди. Барча нарсалар учун умумий хусусият (юқорида айтганимиздек) таърифга ўхшайди. Аммо таъриф бирор нарсанинг ундоғ ёки мундоғ неъмат эканини билдиради. Аслида эса, ҳеч бир илм ёки ҳунар ўзи ҳақида «менинг мақсадим – фалон-фалон неъматларга эришиш», демайди. Масалан, тиббиёт ходими (табиб) ёки бинокор соғлик – неъматдир ёки уй – неъматдир, демайди (тўғриси, буни айтиш билан шуғулланмайди. – М.М.). Аммо улардан бири (табиб) мундоғ, мундоғ нарсалар туфайли – соғлик бўлади, дейди; иккинчиси (бинокор) эса фалон, фалон нарсалардан уй қурилади, дейди. (Уйнинг ўзини эса ғишт терувчилар, дурадгорлар ва бошқалар тиклайди). Бинобарин, сиёсат ҳам бошқа илмлар каби илм бўлгани учун фаровонлик нималиги ҳақида умумий гапларни айтмаслиги, яъни уни таърифлаш билан шуғулланмаслиги (балки фаровонликни, неъматларнинг ўзини бунёд этиш билан шуғулланиши) зарур.

Умуман фаровонлик нима экани ҳақида умумий гапларни айтиш сиёсатнинг иши эмас. Нима учун? Ахлоқ фанида бирор нарсанинг биз учун неъмат эканини гапирмоқчи бўлсак, умумий таърифдан фойдаланамиз. Масалан, оли-

жаноблик – неъмат эканини исботлаш учун биз адолат ҳам неъмат, жасорат ҳам ва бошқа барча фазилатлар – неъмат, олижаноблик – фазилат бўлгани учун у ҳам неъматдир, деймиз. Сиёсат эса, умуман ҳаёт неъматларини таърифлаш билан шуғулланмаслиги керак. Чунки у ҳолда неъмат дегани мундоғ ва мундоғ бўлади, дейилади. Демак, биз ўзимиз учун энг юксак неъматлар ҳақида гапирамиз.

Ҳаётдаги барча неъматларни бирданига ўрганувчи фан ёки ҳунар йўқ. Ҳар бир фан ёки ҳунар ўзига тааллуқли неъматларни ўрганади. Нима учун? Чунки, ҳар бир мезон учун, масалан, нарса, ҳодисаларнинг моҳияти, сифати, миқдори, вақти, муносабати учун алоҳида неъматлар бор. Чунончи, беморларни муолажа қилиш учун энг яхши пайт қайси эканлигини табиб билади, кемалар йўлга чиқиши, уни бошқариш учун энг яхши пайт қайси эканлигини дарға билади. Демак, ҳар бир соҳада ишлашга қулай вақт қайси эканини ўша ҳунар эгаси билади. Бошқача айтганимизда табиб кемалар сузиши учун энг қулай вақт қайси эканини билмайди, кема дарғаси эса беморларни даволаш учун энг қулай вақт қайси эканини билмайди. Вақт тушунчаси ҳамма учун умумий деган фикрдан келиб чиқиб, барча учун тенг қулай вақт ҳақида гапириш мумкин эмас. Шунга ўхшаб, барча илмлар ва ҳунарлар учун умумий бўлган неъмат (ёки мисол учун – қулайлик) йўқдир. Демак, сиёсат ҳам умуман неъматларни таърифлаб гапириши керак эмас, балки у ҳам ўз соҳасидаги неъматлар (яъни биз фуқаролар учун зарур олий неъматлар) ҳақида гапириши керак (Арасту юқорида сиёсат неъматлар ҳақида гапириши эмас, балки уларни ҳосил қилиши керак, деган эди. – М.М.).

(Фалсафа ва мантиқ қонунига кўра) бирор нарса, ҳодисани мавжуд ғоялар билан тушунтириб бўлмайди, аксинча, мавҳум нарсаларни равшан мисоллар билан тушунтириш мумкин. Айни вақтда ақлий нарсаларни (фикрларни) ҳиссий нарсалар (сезгилар) билан тушунтириш осонроқдир. Шундай экан, неъматлар ҳақида гапирганда ҳам у ҳақдаги

ғояларни эмас, балки аниқ нарсаларни айтиш керак. Аммо одамлар бошқача ўйлайдилар. Улар модомики, фаровонлик ҳақида гап борар экан, фаровонлик ғояси ҳақида гапириш зарур, деб ўйлайдилар. Яъни, олий неъмат нима эканлигини ўрганиш керак, у эса, ўз-ўзича мавжуд (бизнинг иродамиздан ташқари), бинобарин, ғоянинг ўзи олий неъматдир, деб ўйлайдилар.[8] Эҳтимол, бундай ўйлашнинг тўғри томони ҳам бордир, аммо бизнингча, сиёсат фаровонлик ғоясини эмас, унга қайси йўл билан эришишни ўйлаши зарур...

Эҳтимол, кимдир бизга эътироз билдириб, даставвал фаровонлик ғоясини асос (архи) қилиб олиб, шундан сўнг ҳар бир неъматга хос хусусиятларни алоҳида кўриб чиқиш керак, дейиши мумкин. Аммо бундай фикр тўғри эмас. Чунки дастлабки асос қилиб олинадиган нарсалар шу нарсага мувофиқ бўлиши зарур. Масалан, учбурчакнинг турли бурчаклари йиғиндиси иккита тўғри чизиққа тенглигини исботлаш учун «жон – ўлмасдир» деган ғояни асос қилиб олиб бўлмайди. Чунки бундай асос шу нарсага мувофиқ эмас. Аслида асос танланган нарсага мувофиқ бўлиши зарур. Негаки, учбурчакнинг турли бурчаклари йиғиндиси иккита тўғри чизиққа тенглигини жон ўлмаслиги ҳақидаги ғоясиз ҳам исботлаш мумкин. Худди шунга ўхшаш, турли хил неъматларни умумий фаровонлик ғоясисиз ҳам тушунтириш мумкин. Чунки бу умумий ғоя ҳар бир неъматнинг асоси эмас.

Шу маънода Суқротнинг фазилатларни илмлар билан тенглаштириши нотўғридир. Унинг фикрича, (мукаммал нарсада) ҳеч нарса ортиқча бўлмаслиги керак. Аммо, у фазилатларни илмларга тенглаштирганда, фазилатлар ортиқча бўлиб қолади. Нима учун? Шунинг учунки, фанларда ўша соҳаларни ўрганишга мувофиқ билимлар бор. Яъни, тиб илмига оид билимларни эгаллаган одам врач – табибдир. Бошқа илмларда ҳам шундай.

Аммо фазилатлар соҳасида аҳвол бошқачадир. Бу ерда адолат нимадан иборатлигини билиб олган одам дарров

адолатли бўлиб қолмайди. Бошқа фазилатлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бинобарин, фазилатлар бошқа илмлар каби илм эмас экан, уларни (назарий) илм сифатида эмас, балки фазилатлар сифатида ўзлаштириш зарур. (Бу ҳодиса мутасаввиф ва сўфий муносабатларини эслатади. Сўфийлик ҳақидаги билимларни ўрганган мутасаввуфдир, аммо сўфий эмас. Аммо шундай зотлар ҳам борки, ҳам мутасаввиф, ҳам сўфий. Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий каби. – М.М.).

2. Шу нарсаларни аниқлаб олганимиздан сўнг, энди қайси маънолардаги неъматлар борлигини ойдинлашга интиламиз. Баъзи неъматлар – қадрли, баъзилари – мақтовли, учинчи хили – имконият берувчи неъматлардир.

Қадрли неъматлар деб мен руҳ, ақл, жавҳари асл, табиий, туғма истеъдод кабиларни айтаман. Булар доимо қадрланадиган, барча учун шарафли бўлган (азиз ва шариф) неъматлардир. Фазл, фазилатлар ҳам қадрлидир, чунки инсон улар туфайли муносиб, етук бўлади. Инсон фазилатлари туфайли гўзал (маънавий) қиёфага эга бўлади.

Мақтовли неъматлар ҳам ўша фазилатларнинг мақтовга сазоворларидир.

Имконият берувчи неъматлар – ҳокимият, бойлик, куч-қувват, гўзаллик ва бошқалардир. *Фозил инсон бу неъматлардан яхшилик, эзгу ишлар учун фойдаланади, нодон одам эса улардан ёмонлик, ёвузлик қилиш учун фойдаланади. Бундай неъматлар яхшилик қилишга ҳам, ёмонлик қилишга ҳам имкон беради.* Буларни неъмат дейишимизнинг боиси – улардан яхши, муносиб, ҳурматга лойиқ одам фойдаланса, яхшиликлар келтириши туфайлидир. Гоҳо бундай неъматлар (машаққат, риёзат чекиш, ақл, истеъдод сабабли эмас, балки) тасодифан қўлга кириб қолиши мумкин. Баъзи одамлар тасодиф туфайли бойликка, ҳокимиятга ва умуман катта имкониятларга эга бўлиб қолиши мумкин.

Тўртинчи хил неъматлар ҳам борки, бундай неъматлар бошқа неъматларни сақлаш ёки вужудга келтириши мумкин. Масалан, жисмоний тарбия (гимнастика), у туфайли соғлик-саломатликка эришиш мумкин ва ҳоказо шу кабилар.

Ҳаёт неъматларини бошқа тарзда таснифлаш, тафовутлаш ҳам мумкин. Айтайлик, баъзи неъматларни (масалан, адолат каби неъматларни) барча одамлар ҳар қандай ҳолда танласа арзийди. Куч-қувват, бойлик ва ҳокимиятни барча инсонлар ҳам танлайвермайди.

Неъматларни яна бундай қилиб ажратиш ҳам мумкин: баъзи неъматларга эришишни инсонлар мақсад қилиб олиши мумкин. Масалан, сиҳат-саломатлик инсон мақсадидир. Аммо соғлиққа эришиш учун қилинадиган ишларнинг ўзи неъматдир, аммо мақсад эмас, шу икки турли неъматлардан аълоси мақсад бўлгани(яъни, соғлиқ)дир.

Умуман олганда, шу неъматлар аълоки, бошқа неъматлар ўша мақсад – неъматга эришиш учун хизмат қиладилар. Яна: ўз навбатида, мақсад қилинган неъматларнинг аълоси – чалароқ неъматлар эмас, балки мукаммал неъматлардир. Мукаммал неъмат шуки, биз унга эришганимизда (шу соҳада) бошқа нарсага эҳтиёж қолмайди. Номукаммал неъмат шуки, унга эришганимизда яна шу соҳада нимагадир муҳтож бўламиз. Масалан, адолатпарварлик хулқига эга бўлганимизда, биз яна кўп нарсаларга муҳтож бўламиз. Аммо бахт-саодатга эришганимизда бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаймиз (аммо бахт-саодатни турли инсонлар турлича тушунадилар ва тасаввур қиладилар, бу ҳақда кейинроқ фикр юритилади. – М.М.). Мукаммал мақсад шуки, биз унга етишга доимо интиламиз, уни излаймиз. Хулласи калом, мукаммал мақсад ҳосили комил неъматдир ва бошқа барча неъматлар шу неъматга етиш учун хизмат қилади.

Шундан кейин олий неъмат нималигини аниқлашга киришамиз. Буни ҳам бошқа неъматлар қаторига қўйиб

туриб аниқлаймизми? Йўқ, бундай қилиш мантиқсиздир. Олий неъмат мукаммал мақсаддир. Мукаммал мақсад эса, табиийки, бахт-саодатдир. Аммо бахт-саодат жуда кўп, турли-туман неъматлардан ташкил топади. Агар сен олий неъматни ҳам оддий неъматлар қаторига қўйсанг, унда бу неъмат ўзидан ҳам юксак неъмат бўлиб қолади. Масалан, соғлиққа олиб борувчи неъматлар қаторига соғлиқни ҳам қўйиб туриб, булар орасида қай бири олий, десанг, албатта соғлиқ бўлади. Хуллас, олий неъматни бу тарзда аниқлаб бўлмайди.

Олий неъматни қай тарзда аниқлаш мумкин? Эҳтимол, олий неъматни бошқа неъматлардан алоҳида турувчи неъмат деб олармиз? Ёки бу ҳам мантиқсизликми? Алоҳида-алоҳида неъматлар орасидан олийсини қандай ажратамиз? Улар орасида энг яхшиси, деймизми? Бу ҳам мантиқсизлик. Чунки бахт-саодат бошқа неъматлардан алоҳида турувчи неъмат эмас, балки бошқа неъматларни ҳам ўз ичига олувчи неъматдир.

Эҳтимол, олий неъматни аниқлаш учун қандайдир ўхшатишни қўлласак тўғри бўлар? Чунончи, алоҳида неъматлардан ташкил топган бахт-саодатни бахтнинг таркибига кирмайдиган неъматлар билан таққослаб кўрайлик-чи? Аммо, биз излаётган олий неъмат муштарак оддий неъматлардан эмас-да. Балки, алоҳида-алоҳида турган неъматларни ўзаро таққослаб кўрсак, (улар орасида) олий неъмат – оқиллик (phronesis – фронесис) бўлиб чиқар? Аммо олий неъматни бу йўл билан ҳам тополмаймиз. Чунки биз мукаммал неъматни изламоқдамиз, ақлга мувофиқлик эса ҳали ўз ҳолича мукаммал эмас. Демак, бу ҳам биз излаётган маънодаги олий неъмат бўлолмайди.

ҲАЁТ НЕЪМАТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

3. Шу билан бирга неъматларни турларга бўлишнинг бошқа йўли ҳам бор. Неъматлар кўнгилда бўлиши мумкин – булар фазилатлардир. Ёки инсон танасида бўлиши мумкин – булар: соғлиқ ва гўзаллик. Неъматлар инсон кўнглидан ҳам, танасидан ҳам ташқарида бўлиши мумкин – булар: бойлик, ҳокимият, обрў-мартаба ва ҳоказолар. Энг олий неъматлар – инсон кўнглидагиси бўлиб, улар уч турга бўлинади: оқиллик, гўзал хулқ (ёки нодир фазилат) ва руҳий лаззат.

Шу ерда биз барча одамлар тан оладиган, чамамда, барча бошқа неъматларнинг мақсади ва олий неъмат бўлган бахт-саодат нималигини кўриб чиқишга ўтамиз. Биз (кўпинча) фаровонлик (ey prattein) ва яхши яшаш (ey dzen) ни бахт-саодат деймиз. Яна: ҳар қандай мақсад икки турлидир. Баъзи нарсаларга эга бўлишдан мақсад фаолият кўрсатиш ва фойдаланишдир. Масалан, (соғлом) кўздан мақсад кўришдир. Яна: неъматдан фойдаланиш (chresis) шунчаки унга эга бўлишдан муҳимроқдир. Чунки бир нарсага эга бўлишдан мақсад ҳам ундан фойдаланишдир. Кўзга эга бўлган одам кўзини юмиб яшамайди, балки ундан оламни кўриш учун фойдаланади. Қулоқ ва шу кабилар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Демак, инсон учун бирор нарсага эга бўлиш муҳимми ёки фойдаланишми? деган савол туғилса – албатта, муҳимроғи – фойдаланиш деймиз: чунки фойдаланиш ва фаолият кўрсатиш мақсадида инсон бирор нарсага эга бўлишни истайди.

Энди агар илмларни кўриб чиқадиган бўлсак,[9] шунчаки уй қуриш илми алоҳида, яхши уй қуриш илми алоҳида деёлмаймиз, иккаласи учун ҳам умумий – меъморлик илми (санъати) бор. (Аслида русча таржимада хато борга ўхшайди. Фикр мантиқига кўра, шунчаки уй қуришнинг қонунларини

ўргатувчи – қурилиш илми алоҳида, гўзал бино қуришни ўргатувчи – меъморлик илми алоҳидадир. – М.М.) Бу ерда қурилаётган уйнинг яхшилиги ёки ёмонлиги бинокор-қурувчининг қобилияти бор ёки йўқлигига боғлиқ. Бошқа илмлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

4. Шундан сўнг, энди, барча инсонларда кўнгил борлигига эътиборни қаратайлик. Лекин кўнгил оламида фазилатлар ҳам бор. Биз гоҳида, мана бу умуман кўнгил иши деймиз, гоҳида мана бу кўнгилдаги фазилатлар (меҳр-шафқат, саховат, софдиллик кабилар) деб гапирамиз. Ҳар қандай фазилат ўзини намоён этган пайтдагина яхши амаллар ҳисобланади. Кўнгилда бошқа кўп (ёмон нарса, одатлар) ҳам бор. Аммо барча инсонлар кўнгил билан яшайдилар. (Кўнгил истакларини жиловлаб яшовчилар ҳам бор. – М.М.) Кўнгилдаги фазилатлар шарофати билан биз гўзал яшаймиз. Гўзал ва фаровон яшаш эса бахт-саодатдир. Бахтли одам (моддий ва маънавий жиҳатдан) яхши яшаётган одамдир. Яхши, гўзал яшаш эса, (юқорида айтганимиздек) фазилатларга амал қилиб (яъни одамларга яхшилик қилиб) яшашдир. Инсон учун бахтли яшашдан мақсад ва олий неъмат мана шудир. Бошқача айтсак, бахт-саодат фазилатларни юзага чиқариб, (яъни шу фазилатларга фақат эга бўлибгина эмас, балки, улардан фойдаланиб, фаолиятга айлантириб) яшашдир. Яъни фазилатларга эга бўлишдан мақсад ҳам улардан фойдаланишдир. Ана шу фазилатларга амал қилиб яшаш бахт-саодатдир. Де*мак, олий неъматга эришишдан мақсад фазл ва камолот ҳосил қилишдир, буни ҳосил қилишдан мақсад эса бахтли яшашдир. Мукаммал мақсад мукаммал фазилатларда баркамолликка эришишдир. Гўзал фазилатларга амал қилиб яшаганимизда биз бахт-саодатни ва олий неъматни қўлга киритамиз.*

Шуни унутмайликки, бахт-саодат мукаммал неъмат ва мукаммал мақсад бўлгани учун болаларнинг насибаси эмас, балки мукамал, баркамол одамларнинг насибасидир. Маълум вақт бахтли бўлиб, қолган вақтларда бахтсиз бўлган одамни

энг бахтли одам демаймиз (Назарий жиҳатдан) бутун умрида яхши яшаган одамни энг бахтли одам дейиш мумкин. Одамзот умрининг охирларида, камолотга етишган вақтларида мукаммал бахт-саодатга етишуви мумкин (тўғрироғи, етишмаса ҳам мукаммал бахт нималигини, моҳиятини англаши мумкин. – М.М.) Бахт-саодат (дам олиш, роҳатланишда эмас, балки) фаолиятда, амалий ҳаракатда эканлигини қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Албатта, биз ухлаб ётган одамни, айтайлик, умр бўйи уйқуда (мудроқликда) яшаган одамни бахтли демаймиз, чунки бу ҳолда одам яхшилик қилиб, эзгу фаолият билан яшамайди.

Шундан кейинги мулоҳазаларимиз гўё юқоридаги гапларга алоқасиз кўринади, аммо, диққат қилсангиз, алоқаси борлигини биласиз. Назаримда, инсон кўнглида шундай нарсалар борки, биз шулар ёрдамида (руҳан) озиқланамиз. Кўнгилнинг шундай (озиқланувчи) жойи бор, деб ўйлаш ақлга мувофиқдир. Биламизки, тош бундай эмас, чунки у жонсиздир. Озиқланиш қобилияти жонли нарсаларга хосдир. Модомики, (руҳан) озиқланиш – жонли нарсаларга хос экан, бунинг сабаби – кўнгил, руҳдир. Яна: мана шу озиқланувчи қисм борлигининг сабаби кўнгилдаги қаҳр-ғазаб, ҳою ҳавасга берилувчи қисмлар эмасдир, балки (эзгуликлардан) озиқланишга ташна қисмдир. Яхшилик, эзгулик кўнгилнинг шу қисмига хосми? – деб сўрашлари мумкин. Агар хос бўлса, равшанки, кўнгил ана шу яхшилик, эзгулик билан шуғулланиши (фаолият юритиши) зарур. Мукаммал яхшилик билан яшаш эса бахт-саодатдир.

Инсон кўнглининг шу қисмида яхшилик борми (ёки у яхшилик билан озиқланадими, яхшиликка ташнами?) бу ҳам алоҳида масаладир. Агар кўнгилнинг шу қисми яхшиликка ташна бўлса, унинг ўзида яхшилик йўқ (ёки етишмайди). Шундай экан, руҳнинг бу қисми яхшилик билан шуғулланмайди (аммо яхшиликни севади. – М.М.). Руҳнинг мана шу қисми оловга ўхшайди: оловга ёнадиган нарсаларни ташла-

санг – ямлаб ютаверади, аммо ташламасанг ўз ҳолича тураверади, озиқ сўрамайди (ёки ўчади). Руҳнинг ана шу қисмига озиқ берсангиз – озиқланади, акс ҳолда ўзи озиққа интилмай (оч ҳолича) тураверади. Демак, руҳнинг бу қисми фаолиятсиз бўлса, озиқланмаса бахтли бўлишга хизмат қилмайди.

Фазилатларга амал қилиш (фазилатларни юзага чиқариш) бахт-саодатга элтар экан, аввало, фазилатнинг ўзи нима? – деган саволга жавоб берайлик. Фазилат умумий маънода энг яхши руҳий ҳолатдир. Аммо фазилатни бундай умумий маънода билиш ҳали билим эмас. Биз фазилатни равшанроқ таърифлашимиз керак.

5. Аввало, фазилатнинг манбаи бўлган руҳ – кўнгил ҳақида гапириш зарур. Умуман кўнгил нима? – деган саволга эмас, балки, кўнгил умуман олганда қандай қисмлардан иборат эканлигини билиб олайлик. Биз кўнгилни икки қисмдан: 1. Ақлий қувватга эга қисми (to logon eknon) ва 2. Ақлдан ташқари (тўғриси, ақлга боғлиқ бўлмаган) (to alogon) қисмдан иборат, деймиз.

Кўнгилнинг ақлий қувватга эга қисмига: оқиллик (фронесис), зукколик, фаросатлилик (agkhinoia) – донишмандлик, зеҳнлилик, хотира ва шунга ўхшаш хислатлар киради.

Кўнгилнинг ақлдан ташқари қисми, яъни фазилатлар деб аталадиган қисмига: инсоф (sophrasine соф-росина), адолат (зикайосина), мардлик каби ахлоқий хислатлар киради. Мана шу хислатлар мақтовга сазовордир. Кўнгилнинг ақлий қувватга эга қисмига оид хислатларни одамлар (унчалик) мақтамайди. Жумладан, одам ақли борлиги учун ёки шунга ўхшаш бошқа хислати учун мақталмайди. Кўнгилнинг ақлдан ташқари қисмига оид хислатлар, албатта, агар ақлга мувофиқ келганида ва оқилона ишлар учун хизмат қилганида мақтовга сазовордир.

Ахлоқий фазилатлар учун камчилик, етишмаслик ҳам, ортиқчалик (исроф) ҳам ҳалокатлидир. (Аслида, фазилатлар керагидан ортиқча бўлса гоҳ ҳалокатли, гоҳ ҳалокатли эмас. – М.М.).

Камчилик ва ортиқчалик зарарли эканини ҳиссий идрок этилувчи нарса, ҳодисалар мисолида тушуниш мумкин (аввал айтилганидек, умумий, мавҳум нарса, ҳодисалар ҳақида гап борганида уларни аниқ-равшан нарса, ҳодисалар орқали тушунтирилади). Чиндан ҳам юқорида айтганимиз гимнастика (бадантарбия) машқларини олайлик: бу машқлар керагидан ортиқча бўлса, одамни чарчатади. Оз бўлса ҳам қувват камаяди. Ейиш ва ичиш ҳам шундай: керагидан зиёда (жуда кўп) овқат ейилса, соғлиқ учун зарарли. Керагидан кам бўлса ҳам қувват камаяди. Агар ейиш-ичиш меъёрида бўлса, қувват ҳам, соғлиқ ҳам асралади. Оқиллик, мардлик ва бошқа фазилатлар ҳам шундай: агар одам ҳаддан ташқари ботир, қўрқмас бўлиб кетса, худодан ҳам қўрқмайдиган бўлса, ундай одамни ботир эмас, балки, тентак дейилади. Ҳамма нарсадан қўрқадиган одам эса қўрқоқдир. Демак, мард одам – ҳамма нарсадан қўрқадиган одам ҳам эмас, ҳеч кимдан қўрқмайдиган одам ҳам эмас экан. Хуллас, бир хил йўл билан фазилатларни зиёда қилиш ҳам, йўқотиш ҳам мумкин: меъёридан ошиқ қўрқиш, ҳамма нарсадан қўрқиш – ҳалокатли, ҳеч нарсадан қўрқмаслик ҳам ҳалокатлидир.

Жасурлик – қўрқинчни енгишдир. Қўрқинч ҳисси камроқ бўлса, жасурлик кўпроқ бўлади. Бир хил воқеалар одамнинг мардлигини ошириши ҳам, йўқ қилиши ҳам мумкин. Бир хил қўрқинчли воқеаларга муносабатда одамлар жасур бўлиши ҳам, қўрқоқ бўлиши ҳам мумкин.

6. Қайғу ва лаззат ҳам одамнинг фазилати бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради: одатда, лаззат – одамларни ножўя ишларга етаклайди. Қайғу эса одамни яхши ишлардан қайтариши мумкин. (Шарқ фалсафасида бундай эмас, айниқса, исломий фалсафада ўзгалар учун қайғуриш, хомушлик камолот белгисидир. – М.М.) Умуман олганда, ғам ва лаззатга қарашидан одамнинг фазилатини ёки айбини, гуноҳкорлигини билиш мумкин. Демак, қайғу ва лаззат фазилатга алоқадордир. (Бу ерда, чамаси, русча таржиманинг хатоси

туфайли, нотўғри фикр чиқиб қолган. Арасту фикрининг мантиқига кўра, бу жумланинг тўғриси, бизнингча, бундай: «Демак, қайғу ва лаззатга муносабатда одамнинг фазилати борлиги ёки йўқлигини аниқлаш мумкин». Юқорида ҳам биз шундай таржима қилган эдик. – М.М.).

Агар ҳақиқатни сўзнинг ўзига қараб тадқиқ этсак (шундай қилиш ҳам керак), ахлоқий фазилат (этос) сўзи одат (эйтос) сўзидан келиб чиққан. Шундан кўринадики, инсондаги ақлга боғлиқ бўлмаган (ақлдан ташқаридаги) фазилатлар инсоннинг табиатида туғма эмас, балки, одатланиш туфайли келиб чиққандир. (Бу фикр ҳам тўғри, ҳам нотўғри. Чунки одамнинг айрим фазилатлари ирсият, насл орқали табиатига ўтиши ҳам мумкин –М.М.). Одамнинг табиатидаги туғма хислати эса одатланиш таъсирида ҳам ўзгармайди. (Арастунинг бу фикри ҳам мунозарали. Чунки биз Навоийнинг «Одат агар такрорланаверса табиат бўлур», деган фикрига қўшиламиз. – М.М.). Мисол учун, тошни юқорига отсангиз, оғирлиги сабабли пастга тушаверади. Уни осмонга учираман, деб ҳар қанча машқ қилсангиз ҳам у пастга қулайверади. (Бу мисол ҳаққоний. Навоий ҳам «Ким кучук бирла хўтукни қанча қилсанг тарбият, ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одамий», – деган эди. – М.М.). Шунга ўхшаш бошқа хислатларни ҳам ўзгартириш қийин.

7. Фазилат нималигини аниқлашни истасак, биз энди кўнглимизда нималар борлиги билан танишиб чиқайлик. (Бизнингча) инсон кўнглида ҳиссиётлар ҳаракати – пафос (халқ тилида – ҳис-ҳаяжонлар), майллар (dynames) ва руҳий ҳолатлар (hexeis) бор. Фазилатлар буларнинг қайси бирига алоқадор экан?

Ҳис-ҳаяжонга: жаҳл ёки қаҳр-ғазаб, қўрқув, нафрат, ҳавас, ҳасад, шафқат ва шу кабилар киради; булар одатда инсонни ё хафа қилади, ё хурсанд қилади. Майллар шундайки, бизда қайси майллар кучлироқ бўлса, ўша майлга хос ҳис-ҳаяжонларга бериламиз, ё жаҳлимиз чиқади, ё севинамиз, ё ачинамиз ва ҳоказо.

Руҳий ҳолатлар шундайки, биз қайси ҳис-ҳаяжонларга кўпроқ берилсак, ана шуларга мувофиқ кайфиятга тушамиз. Чунончи, жаҳлдор одам сал нарсага жаҳли чиқаверади. Агар салга жаҳлимиз чиқмайдиган оғир-босиқ одам бўлсак, жаҳлга салбий муносабат билдирамиз. Бу масалада эътидолда бўлиб (мўътадил) ўртача йўл тутсак, сал нарсага жаҳлимиз чиқиб ловиллаб кетмаймиз ва айни вақтда ҳиссиз, лоқайд ҳам бўлмаймиз. Мана шунда кўпинча, кайфиятимиз яхши юрамиз. Ғазабда мўътадиллик яхшилиги шундаки, биз сержаҳл, ғазабнок ҳам, беғам, тепса тебранмас ҳам бўлмаймиз. Мақтанчоқлик ҳам, бор фазилатни камайтириб, риё қилиш (eironeia) ҳам яхши эмас. Ўзимизда бирор фазилатни ёки қандайдир неъматни аслидагидан кўп деб ҳисобласак – мақтанчоқлик бўлади. Аслидагидан кам деб кўрсатсак – риёкорлик, сохталик бўлади. Бу иккала қутбнинг ўртаси – ростгўйлик (aletheia)дир.

8. Хафа қиладиган ёки хурсанд қиладиган бошқа ҳодисаларга муносабатда ҳам феълимиз, табиатимиз яхши ёки ёмонлиги билиниб қолади. Ҳис-ҳаяжонларимиз нимага қаратилгани ва камлиги ёки ортиқчалиги ҳам бизнинг руҳий ҳолатимизга, кайфиятимизга таъсир кўрсатади. Қарама-қарши ҳис-туйғуларнинг ўртасини танласак – одамлардан мақтов эшитамиз. Бизнинг руҳий ҳолатимиз севинарли ёки қайғули, яхши ёки ёмон воқеа-ҳодисаларга қандай муносабат билдиришимизга боғлиқдир. Бирор ишдан ортиқча қувониб, ғурурланиш ҳам, ҳаддан зиёда хафа бўлиб кетиш ҳам камчиликдир. Ўртача йўл тутиш эса фазилатдир.[10] (Исломий ахлоқда ҳам шундай – масалан, фарзанд туғилганида ёки бой бўлиб кетганда ортиқча қувониш ҳам, яқин кишиси ўлганида ёки бойлик, мансаб қўлдан кетганида ортиқча қайғуриш ҳам ёмон ҳисобланади. – М.М.). Ҳис-ҳаяжонларимиз (Арасту илмий тилда туйғулар ҳаракати, дейди) ўртача бўлиши фазилатдир. Ҳис-ҳаяжонлар эса ё қайғурганимизда, ё севинганимизда юзага чиқади. Ана шу қайғули ёки қувончли

ҳодисаларга муносабатда бизнинг муайян фазилатимиз борлиги ёки йўқлиги аниқланади.

Аммо шундай ҳис-ҳаяжон ёки эҳтиросларборки, улар камлигида ҳам, кўплигида ҳам ёмондир. Масалан, бузуқчилик, фаҳш ишлар. Бузуқ одам кўпроқ ёки камроқ ёмонлик қилишидан қатъи назар, бузуқ, разил одамдир. Баъзи лаззат турлари (қимор, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик ва ҳоказолар)нинг ортиқчаси ҳам, ками ҳам ёмон ҳисобланади. Умуман, баъзи лаззатларга ортиқча берилиш ҳам, кам берилиш ҳам гуноҳдир.

9. Шундан сўнг (қайси ишларда) ўрталик, мўътадилликнинг зидди – ортиқчалик ёки камчилик саналади, шуни аниқлашимиз керак бўлади. (Бунга жавобимиз шуки), баъзи ҳолларда мўътадилликлар зидди – камлик, баъзи ҳолларда эса ортиқчаликдир. Масалан, жасурликнинг зидди ортиқча довюраклик эмас, балки қўрқоқлик, яъни журъатнинг камлигидир. Бошқа бир соҳада, масалан, роҳатланишда мўътадилликнинг зидди – лоқайдлик эмас, балки бузуқлик, яъни, ҳаддан зиёдаликдир.

Шундай ҳолатлар ҳам борки, мўътадилликнинг зидди ҳам ҳаддан зиёдалик, ҳам ҳаддан камликдир. Бундай ҳолларда мўътадиллик, ўрталик – ортиқчаликдан кам, етишмовчиликдан эса кўпдир. Масалан, исрофгар одамлар саховатли одамларни хасис деб ўйлайдилар. Хасислар эса саховатли одамларни исрофгар деб баҳолайдилар. Ортиқча ботир ва оқибатини ўйламай иш қилувчи одамлар мард одамларни қўрқоқ деб ўйлайдилар, қўрқоқ одамлар эса мард одамларни ўйламай иш қилувчи, довдир одам деб ҳисоблайдилар. (Яъни, бу ерда мардликни ҳар бир тоифа ҳар хил баҳолайди. Масалан, ижтимоий-сиёсий фикрлашда қўрқоқ одамлар ҳақ гапни айтувчиларни довдир ёки овсар деб, ўзларини оқил деб ҳисоблайдилар. – М.М.).

Икки сабабга кўра, биз мўътадилликка ё ортиқчаликни, ё камликни зид деб биламиз. Биринчи ҳолда, инсоннинг муай-

ян руҳий ҳолати ёки феъл-атвори ўртачага (мўътадилликка) яқинми ёки узоқми эканлигига қараб, ҳукм чиқарамиз. Масалан, саховатдан узоқ турадиган нарса исрофгарчиликми ёки хасисликми? Албатта, хасислик саховатдан узоқ туради. Ўртачадан узоқ турган нарса ўша фазилатга энг кўп зид келади. Яъни, бу ерда саховат камлиги (ҳатто, йўқлиги) – саховатнинг зидди, тескарисидир. Иккинчи бир ҳолатда эса, инсон табиатида қайси нарса кўпроқ бўлса, фазилат ҳисобланувчи мўътадилликнинг зидди ҳисобланади. Мисол учун, вазминлик, босиқликка нисбатан енгилтаклик, тартибсизлик зиддир. Табиатимизда енгилтаклик, тартибсизлик қанчалик ортса, мўътадилликдан узоқлашаверади ва бу ҳол вазминликка таққосланса тескарисидир.

Хуллас, биз фазилат нима эканлигини (қисқача) кўриб чиқдик. Демак, фазилат қарама-қарши хислат ва майлларнинг ўртасидаги ҳолатдир. Шу сабабли, жамоа орасида иззат-ҳурмат топиш учун одам барча ҳис-ҳаяжонларида ўртачаликни ихтиёр қилади. Ҳар қандай ҳолатларда ўртача иш тутиш қийиндир (масалан, одам ўзини очкўзликдан, молпарастликдан, мансабпарастликдан тийиб, ўртача иш тутиши қийин. – М.М.). Шунинг учун баркамол, иззат-ҳурматга муносиб одам бўлиш жуда қийин. Мисол учун, айланани ҳамма ҳам чизаверади, аммо унинг марказини топишга кўпчилик қийналади. Шунга ўхшаш, ғазабга эрк бериш осон, бунинг зидди – бепарво бўлиш ҳам осон, аммо бу масалада ўртача йўл тутиш қийиндир. Умуман, ҳар қандай ҳис-ҳаяжонларда ҳам мўътадилликдан, ўртача ҳолатдан узоқлашув осон, мақтовга лойиқ ўртача йўл тутиш эса мушкулдир. Худди шу сабабли инсонларда фазилатлар кам учрайди.

Фазилатлар ҳақида шуларни айтганимиздан кейин, энди ана шу фазилатларни қўлга киритиш мумкинми ёки, Суқрот айтганидай, яхши одам ёки ёмон одам бўлиш бизнинг ихтиёримизда эмасми? Ҳар қандай кишидан одил ва ҳақгўй одаммисан ё ноҳақ, адолатсиз иш қилгувчимисан, деб сўра-

сангиз, ҳеч ким ўзини ноҳақ иш қилувчиман, номардман деб айтмайди. Жасурлик ва қўрқоқлик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. (Ҳеч ким ўзини қўрқоқман, демайди). Бинобарин, одамлар ёмон ва аҳмоқ бўлар экан, ўз хоҳишлари билан шундай бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, фазилатли одамлар ҳам ўз ихтиёри билан фозил бўлмайди. Аммо бундай фикрлаш нотўғридир. Зеро, қонун соҳиби (давлат) нега ёмон қилиқларни тақиқлайди ва яхши қилиқларни рағбатлантиради? Нима учун қонун соҳиби ёмон ишларни қилувчиларни ва яхши ишларни қилмаётганларни жазолайди? Бажариш бизнинг ихтиёримизда бўлмаган нарсаларни қонунлаштириш бемаънилик бўлур эди.

Йўқ, (яхши ишлар қилиб) ҳурматга муносиб бўлиш ёки ёмон одам бўлиш инсоннинг ўз ихтиёридадир. Мақташ ёки қоралаш имконияти борлигининг ўзи шундан далолат беради. Чиндан ҳам фазилат мақталади, ёмон, гуноҳ ишлар қораланади. Одам беихтиёр, билмасдан қилган ишлари учун мақталмайди ҳам, қораланмайди ҳам. (Баъзи уламолар айтадики) Касал одамларни касаллиги учун, хунук одамларни хунуклиги учун ҳеч ким сўкмайди-ку? Бу фикр тўғри эмас. Биз, керак бўлса, ўз соғлигига ёки танаси бесўнақай ва семизлигига бепарво қараган одамларни қоралаймиз. Биз бу масалада ҳам одамлар ўз ихтиёри билан иш тутадилар деб ўйлаймиз. Демак, энди шу нарса равшанлашдики, яхши ёки ёмон одам бўлиш ўз ихтиёримиздадир.

10. Қуйидаги мисолдан буни янада равшанроқ тушуниш мумкин. Табиатдаги барча нарсалар ўзига ўхшаш нарсаларни вужудга келтиради. Масалан, ўсимликлар ва қушлар шундай. Ўсимликлар уруғ ёки данак, қушлар тухум каби биринчи асосдан вужудга келадилар. Биринчи асос (яъни, уруғ ёки тухум) қандай бўлса, улардан вужудга келган нарсалар ҳам шундай бўлади...

Геометрияда буни янада равшан кўриш мумкин. Бу ерда ҳам биринчи асос қандай бўлса, уларнинг ҳосиласи ҳам биринчи асосга мувофиқ келади. Масалан, агар учбурчакдаги

бурчаклар йиғиндиси – иккита тўғри бурчакдан иборат, тўртбурчакдаги бурчаклар йиғиндиси эса тўртта тўғри бурчакдан иборат, деб, фараз қилсак, мабодо учбурчак ўзгарса, шунга мувофиқ тўртбурчак ҳам ўзгаради. Ва аксинча, агар тўртбурчакнинг бурчаклари йиғиндиси тўртта тўғри бурчакка тенг бўлмаса, у ҳолда учбурчакнинг бурчаклари йиғиндиси ҳам иккита тўғри бурчакка тенг бўлмас эди.

11. Инсон ҳосилалари ҳам шунга ўхшайди. Модомики, инсон у ёки бу моҳиятли сифатларни муайян биринчи асослардан ҳосил қилар экан, унинг қилмишлари ҳам ана шу биринчи асосларга боғлиқдир. Агар шундай бўлмаса, инсон қилмишлари қайси асослардан келиб чиқар эди? Бу ерда биз ҳар қандай жонсиз ва жонли мавжудотлар ҳақида эмас, балки инсон ҳақида гапирмоқдамиз. Инсон табиатидаги биринчи асосларга мувофиқ ҳаракат қилар экан, агар ана шу биринчи асослар (мақсад, ниятлар) ўзгарса, ҳаракатлари ҳам шунга мувофиқ ўзгаради. Юқоридаги айтганимиз геометрия мисолидаги каби, яхши ёмон хатти-ҳаракатнинг биринчи асоси мақсад, ният, истак-хоҳиш (ирода) ва бошқалардир. Инсоннинг мақсад, нияти, истак-хоҳиши ўзгарса хатти-ҳаракатлари ҳам шунга мувофиқ ўзгаради. Биз мақсад-ниятларимизни истак-хоҳишларимизни ўз ихтиёримиз билан ўзгартирамиз (агар мажбуран ўзгартирсак, бу энди ўша мажбур қилувчи одамнинг мақсад-ниятларидир. – М.М.). Шундан ҳам равшанки, яхши ёки ёмон мақсад-ниятлар, истак-хоҳишлар билан яшаш инсоннинг ўз ихтиёридадир.

Баъзи бировлар: «Модомики одил ва фозил одам бўлиш ўзимнинг ихтиёримда экан, ўзим хоҳласам бас, барчадан фозилроқ бўла оламан» деб ўйлаши мумкин. Аммо ҳаётда бундай бўлиши мумкин эмас. Нима учун? Чунки ҳатто баданга тааллуқли ишларда ҳам бунга эришиб бўлмайди. Яъни, одам ўз баданини ҳар қанча парвариш қилса ҳам унинг қадди-қомати гўзал бўлиб қолмайди. Чунки хушқомат бўлиш фақат бадан парваришига боғлиқ бўлиб қолмай, табиатан (яъни, туғма равишда) хушқад ва қувватли бўлишига ҳам боғлиқдир

(Kalon k'agathon – калон к-агафон). Гавда парвариш қилинса, хушқадроқ бўлади, аммо энг хушқад бўлмайди. Кўнгил, дил парвариши (маърифат) ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Энг фозил бўлишга интилган одам, агар табиатан фазилатли бўлмаса, бу мақсадига етолмайди. Аммо шу интилиши (маърифат) туфайли аввалги ҳолатидан кўра фазилатлироқ бўлиши мумкин.

12. Модомики, фазилатлироқ бўлиш ўзимизга боғлиқлиги равшанлашган экан, энди ихтиёрий феъл-қилмиш нима эканини кўриб чиқайлик. Фазилат касб этишда ихтиёрийлик жуда муҳимдир. Ихтиёрий сўзининг маъноси – бизни бу ишга ҳеч ким мажбур қилмайди деганидир. Шу фикрни янада ойдинлаштириш керак бўлади. Бирор ишни бажариш учун шунга интилиш (orexis – орексис) зарур. Интилишлар уч турлидир: эҳтиросли (оташин) интилиш (эпитамиа), орзу қилиш (фумос), истак-хоҳиш (бойлесис). Аввало, эҳтиросли интилиш нималигини кўриб чиқайлик. Бундай интилиш, афтидан, мажбурий эмас. Нима учун ва қай асосда буни мажбурий эмас, деймиз? Шунинг учунки, биз мажбурий амалларни бирор мажбурият туфайли бажарамиз. Мажбурийлик (зўрлик билан) қилинган ҳар қандай иш ёқимсиз ишдир. Эҳтирос билан қилинган иш эса ёқимли, лаззатлидир. Бундан чиқди, эҳтиросли интилиш билан қилинган иш мажбурий эмас, ихтиёрийдир. Аммо бу фикрнинг тўғрилигини бир далил инкор этади. Бу далил шуки, баъзи ёмон, гуноҳ ишлар ҳам эҳтирос билан қилинади, бунинг боиси бузуқликдир. Одатда ҳеч бир инсон ёмон ишни ўз ихтиёри билан қилмайди, деб ўйлашади. Аммо бузуқ одам ўзи қилаётган ишнинг гуноҳлигини, ёмон эканлигини билиб турса ҳам, завқ-шавқ билан шу ишни қилади. У одам шу ишни гўё ихтиёрий эмас, завқи мажбур қилгандай кўринади. Аммо бундай ўйлаш тўғри эмас, чунки завқли иш мажбуран қилинмайди. Ҳар қандай эҳтиросли интилиш инсонга лаззат-роҳат келтиради. Лаззатли, роҳатли иш эса мажбурий иш эмас.[11]

Бузуқ одамлар ўз ихтиёри билан бузуқлик қилишини исботлайдиган яна бир далил бор – ноҳақ одамлар (адикойнтис) ўз ихтиёри билан ноҳақ ишларни қиладилар. Бузуқлар ҳам ноҳақдир, аммо ўзларининг бузуқлиги туфайли ана шу ноҳақ ишларни ўз ихтиёри билан қиладилар.

13. Бу масалада ҳам мажбурийлик фойдали эканини исботловчи далил бор. Ҳақиқатан, ўзини (ортиқча ширинликлардан ёки гуноҳ ишлардан) тийгувчи одам ўзини мажбур қилиб, чеклайди ва худди шу ўзини чеклай олгани учун одамлар уни мақтайдилар. Аммо (мантиқан олганимизда) жон-дил билан, эҳтирос билан бўлган хатти-ҳаракатлар – ихтиёрий ишлардир, истакка қарши қилинадиган ишлар эса – мажбурий қилмишлардир. Ўзини тийгувчи одам эса мажбурият туфайли бирор ишдан ўзини тияди. Бундан чиқди – ўзини тийгувчи (сабр-қаноатли) одам – мажбуран ўзини тияди. Аммо бу ҳам (охирги) ҳақиқат эмас.

Табиий интилиш туфайли қилинадиган хатти-ҳаракатлар ҳам шундай: бу ерда қизғин истак, эҳтирос ихтиёрий бўлганидек, табиий интилиш ҳам ихтиёрийдир. Чунончи, қаҳр-ғазаб енгилтак одамда ҳам, оғир-вазмин одамда ҳам қўзғолиши мумкин. (Аммо оғир-вазмин одам ўзини ғазабдан тияди, бу эса фазилатдир. – М.М.).

Интилишларнинг яна бир тури хоҳишдир (boylesis). Аммо хоҳиш ихтиёрийми, йўқми? Одамлар айтадики, енгилтак кишилар ўз ихтиёри билан тубан ишларга интиладилар. Аммо эс-ҳушли одам бирор қилмишни ёмонлик деб билса, ўз ихтиёри билан ёмонлик қилмаган бўлур эди. Енгилтак одам эса шу қилмиши ёмонлигини билиб турса ҳам бари бир шу ёмонликни қилаверади, чунки у шуни хоҳлайди. Бундан чиқди, хоҳиш уни шу ишга мажбур қилар экан-да? Мана шундай (нотўғри) фикрлаш оқибатида енгилтаклик ёки бузуқлик тушунчалари ҳам йўқ бўлиб қолади. Агар енгилтак одам мажбуран ёмонлик қилса, унда айб йўқ, деган таассурот туғилади. Аммо енгилтакликни, бузуқликни халқ

қоралайди, демак, улар ўз хоҳиши билан ёмонлик қилгани учун қораланади.

Мана шундай бир қанча далил-ҳукмлар бир-бирига зид келавергани учун ихтиёрийлик ўзи нима? – деган масалани ойдинлаштириб олиш зарур бўлади.

14. Бунинг учун аввало зулм (bia) ва зўрлаш (anagke) нималигини аниқлаш керак. Зўрлик жонсиз нарсаларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Чиндан ҳам ҳар қандай жонсиз нарсанинг ўз ўрни бор: олов юқорига, тош пастга интилади. Аммо бу ерда зўрлик ишлатиб, оловни пастга, тошни юқорига ҳаракатлантириш мумкин. Ҳайвонларга нисбатан ҳам зўрлик қилинади – айтайлик, тўғрига чопаётган отнинг жиловини тортиб, четга буриш мумкин. Ахир, жонли ва жонсиз нарсаларни табиатига ёки истагига қарши ташқаридан ҳаракатлантирилса, биз зўрлик ишлатган бўламиз. Агар ичкаридан ҳаракатга келса – зулм қилинмаган бўлади. Акс ҳолда бузуқ одам (айбловчиларга эътироз билдириб) мен асли ёмон эмасман, менинг қизғин хоҳишим ёмон (гуноҳ) ишга ундайди, дейди.

15. Хуллас, зулмни бундай таърифлаш мумкин: бирор ёмон хатти-ҳаракатга ундайдиган сабаб ташқаридан бўлса – зулм келиб чиқади. Агар сабаб ичкарида, нарсалар табиатида бўлса, зулм бўлмайди (Бу ерда гап зўрлик қилувчи ҳақида бормоқда. Золим одам ички даъвати, табиатига кўра ёмонлик қилар экан, бу ишни мажбуран қилмайди. – М.М.).

Энди ўрни келганда, золимлик ва мазлумлик (to anagkaios) нималигини кўриб чиқайлик. Ҳар доим ҳам бизни биров мажбурлаб, шу ишларни қилдирди, дейиш тўғри эмас. Айниқса, гап роҳатланиш ҳақида борганида, мажбурлашга ўрин йўқ. Фараз қилайлик, роҳатланиш истаги фалончини ўз дўстининг хотинини йўлдан уришга мажбур қилди, дейиш – тўғри эмас. Мажбурлаш (юқорида айтганимиздек) қандайдир сабаб туфайли содир бўлади. Кимдир бир нарсани асраб қолиш учун бошқа нарсани бой беради. Масалан, мен ҳосилни асраб қолиш учун (уйга бормай) шошиб далага боришга мажбур бўл-

дим, деганга ўхшаш хатти-ҳаракатнинг сабаби ички хоҳишдан келиб чиқади (Бу – ижобий мажбуриятдир. – М.М.).

16. Агар инсоннинг интилишида (hormei) ихтиёрийлик бўлмаса, нияти, мақсадида (dianoia) ихтиёрийлик бўлиши мумкин. Беихтиёр хатти-ҳаракат (akoysion) жабр-зулм ва зўравонлик таъсирида қилинмаган хатти-ҳаракатдир. Учинчидан, бу – қасддан қилинмаган хатти-ҳаракатдир. Ҳаётда юз берган ҳодисалар бунинг далилидир. Агар бир одам бировни қасддан эмас, билмасдан, ихтиёрсиз урса, ўлдирса ё бошқа ёмонлик қилса, у ғараз билан эмас, ихтиёрсиз шундай иш қилган, деймиз. Шу билан, ихтиёрий қилинган ишни ғаразли ниятда, қалбдан қилинган иш деб тан оламиз. Айтишларича, бир аёл севгилисига ишқ тўтиёсини берибди, бу шаробни ичган одам ўлибди. Аеропаг (халқ суди) «Аёл бу ишни қасддан қилмаган, беихтиёр, билмасдан қилган», деб оқлабди. Аеропаг аёлни шунинг учун оқлабдики, аёл ёмон ниятда эмас, севгилисини яхши кўргани учун тўтиё ичирган, аммо янглишиб (кўпроқ) ичиргани учун йигит ўлиб қолган, деган хулоса чиқарилган. Демак, бу қотиллик қасддан эмас, беихтиёр қилинган. Ихтиёрий шундай қилганда эди, у қасддан, ёмон ниятда қотиллик қилган бўлур эди.

17. Ихтиёрий (йўл) танлаш (proairesine) интилишми, йўқми эканлигини кўриб чиқайлик. Интилиш барча мавжудотларга хосдир, эркин (йўл) танлаш, ихтиёрий йўл тутиш эса ўйлаш (meta logoy) билан боғлиқ, ўйлаш эса ҳеч бир ҳайвонга хос эмас, фақат инсонга хосдир. Демак, ихтиёрий йўл танлаш – интилиш эмас. Балки, бу истак-хоҳишдир? Ё бундай эмасми? Амалга ошмайдиган нарсаларни ҳам хоҳлаш мумкин.

Эҳтимол, ихтиёрийлик хоҳиш, истакдир? Ёки бундай эмасми? Ахир хоҳиш-истак рўёбга чиқмайдиган нарсаларга ҳам тааллуқли-ку? Масалан, биз ўлмасликни хоҳлаймиз, аммо бунга эришиб бўлмайди. Ва буни ихтиёр қилолмаймиз (бу йўлни танламаймиз ҳам). Яна, ихтиёрий танлов мақсадга тааллуқли эмас, балки мақсадга элтувчи восита ёки йўлга тааллуқлидир: масалан, одам соғлиқни танламайди, балки соғлиқ учун фойдали бўлган сайр қилиш, югуришни танлайди.

Истак, хоҳиш эса – мақсаднинг ўзига тааллуқли: биз, масалан, соғ бўлишни хоҳлаймиз. Шу далилдан ҳам кўринадики, хоҳиш, истак ва танлов бир хил нарса эмас. Танлаш (proairesis) – шу сўзнинг моҳиятини тўлиқ ифодалайди: биз бир нарса ўрнига бошқа нарсани, ёмонроқ нарса ўрнига яхшироқ нарсани танлаймиз. Демак, биз таклиф этилган нарсалардан ёмонини эмас, яхшисини афзал кўрар эканмиз, назаримизда, ихтиёрий танлов ҳақида гапиришни ўринли деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, интилишларнинг ҳеч бири ихтиёрий танлаш эмас экан, бу балки ўйлаш (to kata dianoian)дир? – деб сўраймиз. Эҳтимол, бу ўйлаш ҳам эмасдир? Чунки биз кўп нарсалар ҳақида ўйлаймиз ва бирор фикрга келамиз. Аммо ўйлаётганда биз танлаймизми? Йўқ, танламаймиз. Масалан, биз кўпинча Ҳиндистонда нималар юз бераётгани ҳақида ўйлаймиз,[12] аммо бу ўйлашда ҳеч нарсани танламаймиз. Демак, танлов – бу, ўй суриш ҳам эмас. (Бу мутлақ тўғри фикр эмас, чунки одамлар яқин ёки узоқ мақсадларини қайси йўл билан амалга ошириш, қайси йўл осонлиги ҳақида ўйлаб кўрадилар. – М.М.).

Модомики, ихтиёрий танлов юқорида айтилган алоҳида нарсаларнинг ҳеч бири эмас экан, ана шу айтилганлар (интилиш, истак, хоҳиш, ўй суриш) барчаси кўнгилда бор экан, демак, танлов, ихтиёр – шулардан баъзиларининг бирикувидан келиб чиқса керак.

Юқорида айтганимиздек, танлаш мақсадни эмас, балки, мақсадга элтувчи неъматларни танлашдир. Одатда у, амалга ошиш имкони бўлган ва қай бири яхши деб баҳслашиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардир. Шундан равшанлашадики, инсон аввало ўйлаб кўради ва сўнг бир қарорга келади. Ўйлаб кўриб, бирор йўлни яхши деб танлаганимиздан сўнг ўша йўлда ҳаракат қилишга интиламиз. Демак, бу биз танлаган, ихтиёр қилган хатти-ҳаракатдир.

Аммо танлаш ва ихтиёр қилиш бир-бирига тенг ҳодисалар эмас. Чунки биз кўп ҳолларда ўйлаб кўрмасдан, бир қарорга

келмасдан, бирор нарсани ихтиёр қилаверамиз; ўтирамиз, юрамиз ва ҳоказо. Танлаш эса ўйлаб кўришни тақозо қилади. Демак, ихтиёрийлик танлаш билан тенг келмайди. Аммо (шу билан бирга) ўйлаб кўриб, бирор ҳаракатни танлаганимизда ўша хатти-ҳаракатни ихтиёрий равишда қиламиз. (Мажбурий танлаб, мажбурий ҳаракат қилиш ҳам мумкин. Бу ерда бир неча ҳақиқат ҳақида гапиришга тўғри келади. – М.М.). Баъзи ҳолларда ҳатто қонунчилар ҳам атайлаб (қасддан) танлаб олинган эркин хатти-ҳаракат учун оғирроқ, мажбуран қилинган хатти-ҳаракат учун енгилроқ жазо берадилар.

Хуллас, эркин танлаш бор жойда бирор хатти-ҳаракатни қилиш ёки қилмаслик, агар қиладиган бўлсак, қандай йўл билан амалга ошириш ўз ихтиёримизга боғлиқдир. Бундай ҳолларда ўша хатти-ҳаракатнинг сабабини ҳам аниқлаш мумкин.

Бунинг сабаблари ҳам турличадир. Чунончи, геометрияда тўрт бурчак нима учун тўртта тўғри бурчакка тенг? – деб сўралса, масаланинг аввалги асоси кўзда тутилади. Аммо танланган хатти-ҳаракатларда аҳвол бошқача (Бу ерда аввалги асосий ҳолат йўқ). Бу ерда «Нима учун шу ишни қилдинг?» – деган саволга, «Бошқача иш қилолмасдим» ёки «Шундай қилсам яхши бўлади» деб ўйладим», деб жавоб беришади. Демак, эркин танлашда мавжуд ҳолатлар тақозоси билан, яхшироқ кўринган йўлни ва яхшироқ натижага эришиш учун танлайдилар.

Бундай ҳолларда қандай йўл тутиш яхши бўлишини муҳокама қилиш имкони бор, илм-фанда эса (бундай танлаш имкони) йўқ, (Масалан, астрономия фанида ой, юлдузларни ундай эмас, бундай ҳаракат қилса яхши эди, деёлмаймиз. – М.М.). Грамматикада Арслон исмини ундай эмас, бундай ёзиш яхшироқ деб, ўз ихтиёримизча танлай олмаймиз, чунки бу исмни ёзишнинг аниқ қоидаси бор. Бу исмни ёзишда ўйлаб иш тутишда эмас, балки ёзган одамнинг саводида хато юз бериши мумкин. Бирор хатти-ҳаракатнинг яхшиси (ёки тўғриси) қандай бўлиши аниқ белгиланмаган ҳолларда хатоларга йўл қўйилади.

Одамларнинг (баъзи) қилмишлари ва хатти-ҳаракатлари учун аниқ қонун-қоида йўқлиги туфайли икки хил хатога йўл қўйилади. Бу хатолар фазилатга интилишдаги хатоларга ўхшашдир (масалан, тез ғазабланиш ҳам, умуман ғазабланмаслик ҳам ёмон, ўртача йўл тутиш яхшилиги каби. – М.М.) Бирор фазилатга (мўътадил йўл тутишга) интилар экансиз, табиий, туғма майл, одатларимиз туфайли хатоларга йўл қўямиз (гоҳо зиёдалик томонга, гоҳо камлик томонга оғамиз). Лаззатлар ва изтироблар бизни у ёки бу томонга оғдиради. Лаззат, роҳат топамиз деб, биз инсонга номуносиб хатти-ҳаракатлар қиламиз. Азоб, изтиробдан қочиш учун яхши, савоб ишлардан узоқлашамиз.

18. Яна. Ақл (dianoia) ҳис-туйғуга, сезгига ўхшамайди[13]. Айтайлик, кўз кўришга, қулоқ эшитишга хизмат қилади. Шу иккала аъзо шундан бошқа нарсага хизмат қилмайди. Шундай экан, қулоғимиз билан кўрайликми ёки эшитайликми? – деб муҳокама қилиб ўтирмаймиз. (Демак, ҳислар, сезгилар аниқ бўлиб, муҳокама қилинмайди). Ақл эса бундай эмас. Ақл билан бирор ишни қилиш мумкин, айни чоғда, ақл билан бошқа ишларни ҳам қилиш мумкин. Шу сабабли, ақл вазифаси, фаолиятини муҳокама этиш жоиздир.

Неъматларни танлашда келиб чиқадиган хатолар мақсад соҳасида эмас, балки, мақсадга етиш йўлларини танлашдадир (Чунончи, соғлиқ – неъмат эканлиги ҳамма учун равшан), аммо соғлиқни сақлаш учун фалон овқатни ейиш фойдалими, зарарлими, шуни билиш учун ақлни ишлатиш керак. Бу соҳадаги хатоларга – роҳатланиш истаги ёки роҳат-фароғатнинг бузилиши сабаб бўлиши мумкин. Одатда, (хато бўлса ҳам) роҳатни танлайверамиз, фароғатимиз бузилмасин, деб, фойдали нарсадан қочамиз (бу иккала хато соғлиқ учун зарарлидир. – М.М.).

Хатолар қандай келиб чиқишини аниқлаб олганимиздан кейин, энди фазилат нимага тааллуқли: мақсадгами ёхуд мақсадга етиш йўлигами – шуни аниқлашимиз зарур. Чунончи, фазилат гўзалликнинг ўзидами ёки гўзалликка етишув йўли-

дами? Шу жиҳатдан, илм-фан вазифаси нимада? Масалан, бинокорлик илмининг вазифаси қандай гўзал бино қуришни мақсад қилишдами ёки гўзал бинони қандай қилиб қуришни билишдами? Агар мақсад яхши бўлса (масалан, гўзал бино қуриш мақсади) бунинг учун зарур нарсалар, воситалар ҳам топилади. Ва бу гўзал иморатни бинокор уста қуради.

Мана шу қоида фазилатга ҳам тааллуқли. Фазилат яхши мақсадни қўя билишдадир (бу мақсадни қандай йўл билан амалга ошириш ҳам муҳим, аммо мақсад, ният асосийдир). Аммо ана шу яхши ният, мақсадни ўз олдига қўядиган одам ҳам фазилатли одамдир (бошқача айтсак, фозил, фазилатли одамгина ўз олдига яхши мақсадни қўяди. – М.М.).

Фазилатнинг фаолияти (яхшиликни) ният қилишдир, деган фикр оқилонадир. Олий жавҳар соҳиби бўлган ҳар қандай инсон ўз олдига яхши мақсадни қўйиб, ўзи амалга ошира олади. Аммо инсонда фазилатдан олийроқ нарса йўқ (иймон, инсоф, виждон софлиги ҳам фазилатларнинг олийларидир. – М.М.). Бошқа барча ҳаракатлар фазилатни қўлга киритиш учундир. Фазилатнинг аввали – жавҳари ҳам, фазилатга эришиш воситалари ҳам асосан фазилатнинг мақсади учундир. Яхши мақсаднинг ўзи фозил одам учун олий фазилатдир. Хуллас, фан каби, фазилат ҳам воситаларга эмас, балки (гўзал) мақсадга интилади.

19. Фазилатдан мақсад гўзалликдир (To Kalon), айни чоғда фазилат – гўзаллкнинг таркибий қисмларига эмас, балки ўзига интилади. (Ишқ, севгида ҳам шундай: ошиқ ёрнинг фақат қошига, кўзига, қаддига эмас, балки ўзига интилади. – М.М.). Тўғри, таркибий қисмлар (масалан, қош, кўз, хушқомат) ҳам аҳамиятли, аммо фақат шулар учунгина (ёр) фазилатли саналмайди.

Мусаввирликда ҳам шундай (қонуният бор), рассом ўз ишига моҳир бўлиши мумкин, аммо уни ҳар қандай тасвири учун эмас, балки гўзал намуналардан қолишмайдиган тасвирлари учун мақтайдилар. Шундай экан, фазилатнинг асосий қиладиган иши гўзал мақсадларни қўйиб яшашдир.

Баъзилар бизга эътироз билдириши мумкин: аввалроқ, фазилатга эга бўлишдан кўра (гўзал) фаолият яхшироқ, деган эдикку? Нега энди, фазилатнинг энг гўзал хислати деб фаолиятнинг ўзини эмас, балки фаолиятсиз сабаб – мақсадни аҳамиятлироқ демоқдамиз? Тўғри, биз ҳозир ҳам фаолият эгалик қилишдан яхшироқ, деймиз. Ҳақиқатан, фазилатли (фозил) одамни ишларига – фаолиятига қараб баҳолаймиз. Ана шу амалий ишларини кўрмасак, у қайси мақсадни танлаганлигини қаёқдан биламиз? Агар инсон виждони (gnome)ни ва унинг гўзалликка интилишини кўриш мумкин бўлганида, ишларини кўрмай туриб ҳам фозил одам дейиш мумкин эди.

Юқорида ҳис-туйғуларнинг мўътадилларини санаб ўтдик, энди туйғуларнинг (pathon) қайси бири қандайлигини кўриб чиқамиз.

20. Агар жасурликни (ҳеч нарсадан) қайтмаслик ва қўрқиш (туйғулари) билан қиёсласак, нималардан қайтмаслик ва нималардан қўрқиш ҳақида гап бораётганини билиш муҳимдир. Масалан, ўз мол-мулкини йўқотишдан қўрқаётган одамни қўрқоқ деб бўладими? Ёки мол-мулкини йўқотишдан қўрқмайдиган одамни жасур деб бўладими? Ё бундай деб бўлмайдими? Касалликдан қўрқувчи одамни қўрқоқ ва касалликдан қўрқмайдиган одамни ботир дейиш мумкинми? Демак, жасурлик бундай туйғуларда кўринмайди. Момогулдирак, яшин ёки ўзга ғайриинсоний ва даҳшатли ҳодисалардан қўрқмайдиган одамни жасур демаймиз, балки қандайдир жинни, ақлсиз (mai-nomenos) деймиз. Демак, жасурлик инсон табиатига хос, мувофиқ ҳодисаларга муносабатда билинади. Айтайлик, агар кўпчилик ёки ҳамма инсонлар қўрқадиган нарсалардан қўрқмайдиган одамни жасур дейдилар (Масалан, подшоҳлар ёки амалдор бошлиқларнинг камчилигини айтишга кўпчилик қўрқади. Шу борада қўрқмайдиган одамни жасур дейдилар. Ислом динида бу иймон талабидир. – М.М.).

Мана шу нарсани фарқлаб олганимиздан кейин, одамлар кўпгина сабабларга кўра жасур бўлишини кўриб чиқишимиз

мумкин. Баъзи одамлар тажриба туфайли жасур бўладилар. Масалан, баъзи жангчилар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, фалон жойларда ёки фалон вақтларда, ёки (душман) ўзини фалондай тутганида, бизга талафот етмайди, деб дадил ҳаракат қиладилар. Шу нарсаларни билиб туриб, душманга бас келган одамларни ҳам жасур демаймиз (чунки улар шу нарсаларни тажрибада кўрмаганларида душманга бас келолмаган бўлур эдилар). Шунинг учун тажриба сабабли жасорат кўрсатганлар жасур эмаслар. (Арасту ҳакимнинг бу фикри мунозаралидир. – М.М.). Жасоратни билим деганида Суқрот ҳақ эмасди.[14]

Билим одатланиш (такрорлаш) туфайли тажрибага айланади. Тажриба билан бойиган билим эса илмга айланади. Тажриба сабабли душманга бас келганларни жасур демаймиз. Бундан чиқди, жасурлик – илм эмас экан.

Шундай одамлар борки, тажрибасизлиги туфайли жасурлик кўрсатадилар. Тажрибасизлиги туфайли, бирор иш ёмон оқибатга олиб боришини билмаган одам шу ишнинг оқибатидан қўрқмайди. Бундай одамларни ҳам жасур, деб бўлмайди. Баъзи одамлар қизғин эҳтиросларн (pathe) туфайли жасур бўлиб кўринадилар. Масалан, ошиқлар (erontes) ёки илҳом оғушидаги одамлар (enthoysiadzontes). Буларни ҳам жасур деб бўлмайди. Чунки қизғин эҳтироси бўлмаса, улар оғир ишга қўл урмас эдилар. Жасур одам ҳар доим (ҳар қандай ҳолатда) жасур бўлади. Халқ ҳайвонларни жасур демайди, масалан, чўчқаларни биров урса ҳам чидаб туриши жасурлик эмас. Эҳтироси туфайли жасурлик қилган одам ҳам аслида жасур эмас.

Бошқа бир турдаги, масалан, фуқаролик жасорати бор. Масалан, баъзилар ватандошлари олдида уялгани учун жасур кўринадилар. Мана бунга мисол: Омир (Ҳомер) Гекторни бундай сўзлатади: «Биринчи (дуч келган) Полидамас менга таъна қилади.[15] Гектор (таънадан қўрқиб) жангга кириш керак, деб ҳисоблайди. Шу сабабли, бу – жасурлик эмас. Бунга ўхшаш ҳолатларнинг барчасини бир меъзон билан аниқлаш

мумкин (diorizmos): бирор сабаб йўқолганида жасурлиги ҳам йўқолса, бундай инсонни жасур деб бўлмайди. Чиндан ҳам агар биров (Гектор) юртдошлари олдидаги уятни йиғиштириб қўйса, жасурлик қилолмас эди.

Яна баъзи одамлар бирор яхшилик кўриш умидида жасорат кўрсатадилар. Вазиятга қараб иш қилувчи бундай одамларни ҳам жасур деб бўлмайди.

Хуллас, бу хил одамлардан ҳеч бирини жасур деёлмаймиз. Ундай бўлса, жасорат нима? Қандай одамни жасур дейиш мумкин? – Шу масалани кўриб чиқайлик. Аслида юқоридаги сабабларга кўра эмас, балки жасоратни неъмат, яхшилик деб билувчи одамларнинг жасурлиги ҳақиқий жасурликдир. Бундай одамлар биров қараб турганида ҳам, ҳеч ким йўқлигида ҳам жасурлик қилаверади (Исломий ахлоқда ҳам шундай: ҳеч кимга кўрсатмай, худо йўлига (фи-сабилиллоҳ) жасорат кўрсатадилар. – М.М.) Аммо, шуниси борки, эҳтирос ва интилишсиз ҳам жасорат бўлмайди. Фақат шу интилиш оқилона ва гўзалликка интилиш бўлса – чинакам жасорат туғилади. Кимки яхшилик, эзгулик учун хавф-хатардан қўрқмай, ўзини шу хавфга урса, ана шу одам жасурдир. «Қўрқмай» деганда мен умуман ҳеч нарсадан қўрқмайдиган одам маъносида айтмадим. Умуман ҳеч нарсадан қўрқмаслик тошга ва бошқа жонсиз нарсаларга ҳам хосдир. Йўқ, жасур одам хавф-хатардан қўрқади, аммо мардона, сабот билан туради (hynomenein). Мабодо, ҳеч қўрқув билмайдиган одам мардона турса – бу жасурлик эмас.

Яна шуниси муҳимки, жасурлик учун ҳар қандай хавф-хатарни эмас, балки инсон ҳаётига таҳдид қилувчи хавф-хатар(oysias)ни кўзда тутамиз. Ва яна: жасурлик ҳар қанақа вақтда эмас, балки қўрқинчли ва хавф-хатарли куч жуда яқин келган вақтда намоён бўлади. Агар одам ўн йилдан кейин келадиган хавф-хатардан қўрқмаса, уни жасур демаймиз. Чунки бундай одам хавф-хатар узоқлигида жасур кўринади, аммо хавф яқин келгач, қўрқувдан ўлиб қолиши мумкин. Жасорат ва жасурлик (табиати) мана шунақа.

21. Оқиллик (sophrosine – благоразумие) ҳирс ва лоқайдлик, ҳиссизлик ўртасидаги ҳолатдир. Ҳақиқатан, оқиллик ва умуман ҳар қандай шу каби фазилат энг яхши ҳол(hexis)дир. Энг яхши ҳол эса энг яхши неъматга эга бўлишдир. Энг яхши неъмат эса ошиқчалик (исрофгарчилик) ва етишмовчиликнинг ўртасидир. (Ҳаддан) ошиқчаликни ҳам, етишмовчиликни ҳам қоралайдилар. Энг яхшиси мўътадиллик – ўрталик экан, оқиллик ҳам, қизиққонлик, ҳирс билан лоқайдлик, ҳиссизлик(anaisthesias)нинг ўртасини танлашдир. Демак, оқиллик мўътадилликда, меъёрни сақлашда кўринади.

Оқиллик хурсандчилик (роҳат-фароғат) ва хафагарчиликларга ҳам алоқадор. Аммо ҳар қандай хурсандчилик ва хафагарчиликларда оқиллик бўлавермайди. Масалан, кимлардир гўзал тасвирни, ҳайкални ё шу каби бошқа нарсаларни кўриб роҳатланса бу – бузуқлик эмас. Куй тинглаш ва гулларни ҳидлашдаги роҳатлар ҳам суюқликка кирмайди. Тегиниш ва емак-ичмоқликка алоқадор ҳолатларда (агар ўзини тия билса) одамнинг оқилона йўл тутганидир. Бундай нарсалардан маза топмайдиган одам ҳам оқил эмас (бундайлар лоқайд, ҳиссиз одамлардир). Яхши кўрган нарсалари (емак-ичмак ёки аёлларга яқинликдан) роҳатланувчи одам бу ишларга ортиқча ружу қилмаса, бошқа ҳамма дил роҳатларидан кечиб, фақат шуларга муккасидан кетмаса, оқил одамлардир. Мана шу ишлар билан ҳам яхшилик йўлида шуғулланса, оқилдир.

Қўрқув туфайли ё бошқа шу каби сабабга кўра роҳатланишдан ўзини тийгувчи одамларни оқил деб бўлмайди. (Шу нарсадан тийилишнинг ўзи яхшиликдир, деб тушунадиган одам оқилдир). Биз инсондан бошқа жонзотларни оқил демаймиз, чунки уларда ақлнинг ўзи йўқ – шу туфайли улар нима яхшилик, неъмат эканлигини ажратолмайдилар. Ахир, ҳар қандай фазилатдан мақсад яхшиликдир (ва оқил шу мақсадга интилади).

Хуллас, оқиллик сезмоқ ва емоқ-ичмоқ борасидаги хурсандлик ёки хафачиликка муносабатда кўринади.

22. Шуни аниқлагач, энди вазминлик (praotetos – уровновешенность) нималигини, у нималарда намоён бўлишини

кўриб чиқамиз. Вазминлик ғазаб, сержаҳллик ва лоқайдликнинг ўртасидаги ҳолатдир. Ва умуман, мана шунақа ўртача ҳолатларда бўлиш инсоний фазилатлардир. Бошқача айтганда, энг яхши ҳолат – ўрталик, фазилат ҳам ўрталик бўлгани учун энг яхши ҳолатдир.

Шуларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқсак, масала равшанлашади. Чиндан ҳам ҳар нарсага тез жаҳли чиқиб кетаверадиган одам сержаҳл одамдир; бундай одам қоралашга лойиқдир. Чунки оқил инсон ҳар нарсага, ҳамма вақт ва ҳаммага жаҳлини сочавермайди. Аммо бунинг акси – ҳеч кимдан, ҳеч вақт ғазабланмайдиган, лоқайд одам ҳам қораланади. Демак, сержаҳл одам ҳам, сира жаҳли чиқмайдиган лоқайд одам ҳам ёмон. Шу иккала ҳолатнинг ўртасини танлаган одам оқил одамдир. Вазмин одам сержаҳл ҳам эмас, лоқайд ҳам эмас, балки шуларнинг ўртасида турувчи одамдир. Вазминлик жаҳл-ғазаб ва лоқайдлик туйғулари ўртасидаги руҳий ҳолатдир (pathon).

23. Сахийлик (eleytheriotes) – исрофгарчилик ва зиқналик, хасислик ўртасидаги сифатдир. Бу руҳий майл пул ва бошқа бойликларга алоқадордир (фақат шуларгагина эмас. – М.М.). Пул ё бошқа бойликни кераксиз нарсаларга сарфлайдиган ёки керагидан зиёд сарфлайдиган одам исрофгардир. («Акулу, ашрабу ва ло тусриф» – енг, ичинг, исроф қилманг – ҳадисини эсланг. – М.М.). Хасис одам эса зарур нарсага ҳам, зарур вақтида ҳам ва керагича сарф қилмайдиган одамдир. Булар иккаласи: исрофгар ҳам, хасис ҳам ёмонлашга лойиқдир. Камлик ҳам, ортиқчалик ҳам ёмон. Мақтовга лойиқ бўлган сахий одам эса шулар иккаласининг ўрасида туради. Сахий одам ким? – дейилса, айтамизки, керакли нарсаларга, керакли вақтида ва кераклича сарфловчи одам сахийдир.

24. Шуниси ҳам борки, хасисликнинг турли даражалари фарқланади. Масалан, баъзи одамларни зиқна, баъзиларини бачкана, баъзиларини пасткаш, яна баъзиларини ғаразгўй деймиз. Шуларнинг ҳаммаси хасисликнинг кўринишларидир. *Чиндан ҳам яхшилик бир хил, ёмонлик турличадир.*

Масалан, саломатлик яхши ва оддий, аммо касаллик ёмон ва турлари кўпдир.

Барча турдаги хасисларнинг иллати – пулга тақалади. Ундай бўлса, сахий одам (кўпроқ) пул топиши ва тўплаши керак эканда? Ё бундай эмасми? Аслида гап пул йиғишда эмас. Яхшилик қилиш фақат пулнинг кўп ёки озлигига қарамайди. Мисол учун, жасур одамнинг вазифаси кўпгина қуроллар ясашида эмас, балки шу қуроллардан бирини олиб, ундан тўғри фойдаланишидадир. Оқиллик ва бошқа фазилатлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бирон бойликни тўплаш саховатга эмас, балки ўз оти билан бойлик тўплай билиш маҳоратига боғлиқдир.

25. Олижаноблик (мардлик – megalopsykhia – мегалопсихия) мақтанчоқлик, манманлик ва хокисорлик, ғарибликнинг ўртасидаги хислатдир. Бу фазилат ор, номус ва беномуслик ҳолатларига алоқадордир. Ор, номус, шаън, қадр-қиммат оломоннинг баҳоси билан эмас, балки муносиб, шу хислатларга эга одамлар баҳоси билан берилади. Чунки ориятли одамлар орият нималигини тушунадилар ва шунинг учун баҳо бера оладилар. Мардликни қадрлай оладилар. Мард, олижаноб одамнинг ўзи ҳам уни мард, олижаноб одамлар баҳолашини афзал кўради. Яна шуниси борки, оддий ор, номус эмас, балки юксак даражадаги ор, номус шарафли ҳисобланади. Шон, шараф эса неъматдир, яна: неъматларнинг энг аълоларидан биридир.[16]

Мақтанчоқ, аҳмоқ ҳамда ўзларини буюк одам деб ўйлаб, иззатталаблик қилаётган одамлар олифта, қуруқ, паст одамлардир. Бунинг акси, ўзини аслидагидан анча паст кўрадиган одамлар ўз қадрини билмайдиган одамлардир. Зеро, ўзини аслидагидан баланд ҳам, паст ҳам кўрмайдиган одамлар номусли одамлардир. Бундай одамлар муносибидан зиёда иззатталаб ҳам эмаслар. Мард одам шундайдир. Демак, равшанлашдики, мардлик – мақтанчоқлик, манманликдан ҳам, хокисорликдан ҳам узоқда, шулар ўртасида туради.

26. Қўли очиқлик, кенгфеъллик (megaloprepeia) бемаврид сарфлаш, совуриш ва қизғанчиқлик ўртасидаги ҳолатдир.

Бағрикенглик – зарур вақтида, зарур миқдорда сарфлаш хислати фазилатдир. Бемаврид, ўринсиз сарфловчи одам ўзини шу билан бой-бадавлат қилиб кўрсатмоқчи бўлган (обрўпараст, мақтанчоқ) одамдир. Қизғанчиқ, майда одам эса катта пуллар сафлаш ўрни келганида (тўйда ёки бошқа маросимда) беҳимматлик қилиб, озгина сарфловчи одамдир. Майда одам шундай. Қўли очиқ одам эса, ўз номи билан ўрнида ва бемалол сарфловчи одамдир. Хуллас, бағрикенглик мақтовли хислат бўлиб, бундай хислатли одам керагидан камроқ ҳам, керагидан ортиқча ҳам сарфламайди. Демак, бағрикенглик камлик ва ортиқчалик ўртасидаги хислатдир.

Бағри кенгликнинг турли кўринишлари бор деб ўйлайдилар. Масалан, бир одам (фалончини қандайдир кичик хатоси учун жазоламай) бағрикенглик қилди, дейдилар. Бу харажатлар, моддият маъносидаги эмас, балки ботиний, руҳий олам соҳасидаги тушунчадир.

27. Нафрат (nemesis – немесис) – ҳасад ва ичиқоралик ўртасида туради. Ҳасад ҳам, бахиллик ҳам (иллат сифатида) қораланади. (Ёмонликдан) нафратланувчи одам эса мақтаади. Нафрат бирор неъмат номуносиб одамга берилганидан норозилик, хафачиликдир. Бировга ноҳақ равишда сазо ёки жазо берилганига (зулм қилинганига) норозилик, нафрат билдирувчи одам яхши одамдир.

Ҳасадгўй одам эса, аксинча, муносиб ёки номуносиб одам яхши яшаётганини кўрса ичи куяверади. Ичиқора (бахил) эса бировларнинг бошига кулфат, бахтсизлик келса, хурсанд бўлади. Нафратланувчи одам бундайлардан узоқ, у омадли одамларга ҳасад ҳам қилмайди, биров бахтсизликка учраса қувонмайди (фақат ноҳақ ишларга норозилигини билдиради).

28. Ўз қадрини билиш (semnotes – симнотис) – такаббурлик ва хушомадгўйлик ўртасидаги хислат (русча таржимада, назаримизда хатолик бор, у ерда такаббурлик ўрнига – тантиқлик (своенравие) деб олинган. – М.М.). Бу хислат одамлар ўртасидаги муомала маданиятига алоқадор.

Такаббур одам кўпчилик билан яхши муомала қилолмайди. Бу (сўзнинг ўзидан ҳам кўринадики) такаббур фақат ўзини ёқтирадиган, худбин одамдир.

Хушомадгўй эса, ҳамма билан, ҳамма ерда ва ҳар қанақа муомалага киришиб кетаверади. Бу иккала хислат ҳам мақтовли эмас. Ўз қадрини билган, ҳар ким билан ош-қатиқ бўлиб кетавермайдиган, фақат муносиб (ориятли) оамлар билан муомала қиладиган, ўзини барчадан баланд ҳам тутмайдиган, одамлардан қочмайдиган, мўътадил, меъёрни сақлайдиган одам мақтовга сазовордир.

29. Камтаринлик (aidos) уятсизлик ва тортинчоқлик ўртасидаги хислатдир. Бу хислат одамларнинг қилмишларида ва гап-сўзларида кўринади. Уятсиз, шалоқ одам ҳаммага, ҳар қандай вазиятда ҳар нарсани гапираверади (ва уятли ишларни ҳам бажараверади. – М.М.). Тортинчоқ одам эса зарур гапни зарур вақтида айтмайди, зарур ишни бажаришга ҳам журъати етишмайди (Ўта тортинчоқ одамлар одатда фаол эмас – Арасту изоҳи).

Камтарин одам эса, уятсиз одам каби, ҳар вақт, ҳар ерда, ҳар қандай гапни айтавермайди; ва ўта тортинчоқ одам каби, зарур вақтда зарур гапни айтишга журъатсизлик ҳам қилмайди.

30. Ҳазил-мутойибани ҳис этиш (eytrapelia – юмор) – масхарабозлик ва ёввойилик (одамови, сув одами) ўртасидаги хислат. Бу ҳазил, мазах борасида кўринади. Масхарабоз ҳамманинг устидан, ҳар нарсага кулаверади. Одамови, тунд, қўрс одам эса ҳеч нарсага ҳеч қачон кулмайди (ҳазилни тушунмайди), ўзининг устидан кулишларини ҳам ёқтирмайди. Булар ўрталигида эса ҳазилни тушунадиган, ҳис этадиган одам туради. Бундай одам бўлар-бўлмасга кулавермайди (маъноли ҳазилга кулади), тунд, қўрс, ёввойифеъл ҳам эмас.

Ҳазил, юмор ҳиссини икки маънода тушуниш керак: ҳазилни тушунадиган одам бошқаларга ҳам ҳазил қилади, ўзи ҳам бошқаларнинг ҳазилини, қочиримларини кўтаради (чидайди).

31. Дўстпарварлик (philia – филия) – хушомадгўйлик, ялтоқилик ва душманлик ўртасидаги хислат. Бу ҳам инсон гап-сўзларида ва хатти-ҳаракатларида кўринади.

Хушомадгўй бошқаларни (айниқса, бошлиғини ёки ўзга мансабдорларни) йўқ фазилатларини ҳам бор, деб мақтайди. Душманлик кайфиятидаги ҳасадчи одам эса бировнинг бор фазилатларини ҳам кўришни истамайди. Буларнинг ҳар иккаласи ёмон хислатлардир. Шу икки хислат оралиғидаги дўстпарвар одам дўстида йўқ фазилатни мақтаб, хушомадгўйлик ҳам қилмайди, дўстининг (бор фазилатини) камайтириб, ерга ҳам урмайди. Дилида бошқани ўйлаб, тилида шунинг тескарисини айтмайди. Дўстпарвар одам шунақа бўлади.

32. Ҳақгўйлик (aletheia) риёкорлик (eironeas) ва мақтанчоқлик оралиғидаги хислат. Гап-сўзларда (ва қилмишларда) кўринади. Мақтанчоқ ўзида йўқ яхши хислатларни бор дейди ёки билмаган нарсасини биламан дейди. Риёкор эса, ўзидаги ёмон хислатларни яширади ёки бир нарсани билса ҳам билмасликка олади. (Бу ерда ҳам, назаримизда, русча таржимада хатолик бор – фикр мантиғига кўра, тузатишга ҳаракат қилдик. – М.М.). Ҳақгўй одам эса, билганини биламан, билмаганини билмайман, дейди. Ўзида бор нарсаларни бор, йўқ нарсаларни йўқ дейди (яъни, тўғрисини айтади).

Мана шу юқорида айтилган хислатлар фазилатми ё бошқа нарсами, бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз, чунки бу хислатлар муайян шароитларда – фазилат, бошқа вазиятда камчилик бўлиши мумкин.[17] Фақат шуниси равшанки, бу хислатлар юқорида айтганимиз ифротлар ҳаддан ошишларнинг ўртасида турадиган ҳолатлардир. Ва шу мўътадил ҳолатларга мувофиқ яшовчи одамлар мақтовга лойиқдир. (Навоий рост гапни ҳаммага айтавериш – нодонлик, дейди).

33. Энди яна адолат нима (dikaio synes) ва у қандай ҳолларда намоён бўлади, нималарга алоқадор эканлигини кўриб чиқишимиз қолди. Аввало, адолатлилик нималигини билиб олайлик. Икки хил адолатлилик бор. Бири қонунга мувофиқликдир. Қонун буюрганини қилиш адолатли ҳисоб-

ланади (агар адолатли қонун бўлса). Қонун (яхши, яъни илоҳий қонун) одамлардан мард, оқил ва фозил бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам одиллик – энг мукаммал фазилат, дейилади.[18]

Модомики, адолатлилик (яхши, илоҳий) қонунларга мувофиқ яшаш экан, қонун эса барчадан фазилатлар билан яшашни талаб қилар экан, қонунларга мувофиқ, адолатли иш тутувчи одам энг фозил одамдир. Адолатлилик (одиллик) энг яхши фазилатдир. Адолатлиликнинг бир тури мана шудир.

Аммо биз ҳозир бундай адолат ва бундай одилликни кўриб чиқмаймиз. Одиллик фақат бундай тушунилса, одам ўз-ўзига адолат қилгандек бўлади. Оқил, жасур, сабр-қаноатли одамлар ўз-ўзига табиатан шундай бўладилар.

Қонун талабларига мувофиқ яшашдан фарқланувчи иккинчи хил адолат бошқа одамларга нисбатан адолат қилишдир. Бошқа одамларга адолат қилувчи одам ўз-ўзига адолат қилмаслиги ҳам мумкин. Биз бу ерда мана шу ҳақда, ўзгаларга адолатли муносабатда бўлиш, шу соҳадаги одиллик ҳақида сўз юритамиз.[19]

Ўзгаларга муносабатда адолатли иш тутиш, аслини олганда тенгликка амал қилишдир (to ison). Чиндан ҳам тенгсизлик адолатсизликдир: баъзи одамлар ўзига яхши нарсаларни кўпроқ, ёмон нарсаларни камроқ оладилар. Мана шу тенгсизликдир, шу (тенгсизлик) туфайли бу одамлар ўзгаларга адолатсизлик қиладилар. Ёки шу туфайли ўзгалар адолатсизлик, ноҳақликдан жабр кўрадилар.

Модомики, адолатсизлик – тенгсизлик (ноҳақлик) экан, адолат ва одиллик (ҳар икки томоннинг ўз мажбуриятларига (symbalaion) тенг риоя қилишида кўринади.

Шу маънода адолатни ҳам ортиқчалик ва етишмовчиликнинг, кўплик ва озликнинг ўртаси дейиш мумкин. Адолатсизлик (ноҳақлик) қилувчи одам (яхши нарсалар – неъматларни) ўзига кўпроқ, яъни ортиқча олади: адолатсизликка учраган, жабр кўрган эса, керагидан камроқ олади (ёки ҳеч нарса олмайди. – М.М.). Мана шу, ортиқчалик ва камликнинг

ўртаси – тенглик ва мана шу тенглик адолатдир. Аввал айтганимиздек, тенглик камлик билан ортиқчаликнинг ўртасидир ва мана шу ўрталик адолатдир. Одил одам эса, барчани тенг кўрувчи, тенгликка риоя қилувчи одамдир. Демак, ўзгаларни ўзига тенг кўрувчи одам одил одамдир.

Энди (масалани яна ойдинлаштирсак), одамлар муайян нарсаларда адолатли иш тутди, фалон нарсаларга тенг кўрди, фалон ва фалонлар (ўзаро зидлашиб, низолашиб тургани) да ўртача йўл тутди, деймиз. Бинобарин, адолат ва одиллик муайян ҳолатларда амалга ошади.

Модомики, адолат тенгликда экан, мутаносиблик (пропорционаллик) ҳам адолатлидир. Мутаносибликнинг тўрт таркибий қисми бор: «А» – «В» га қандай нисбатда бўлса, «Г» ҳам «Д»га шундай нисбатда бўлади. Мисол учун (ҳиссадорлик жамоасида) мутаносиблик асосидаги тенгликка амал қилинса, мол-мулки кўп одам – кўпроқ, мол-мулки кам одам – камроқ улуш ҳисса қўшади. Даромад олишга келганда ҳам кўп ҳисса қўшган – кўпроқ, кам ҳисса қўшган – камроқ олади. Меҳнат сарфида ҳам шундай: кўп меҳнат қилган – кўпроқ, кам меҳнат қилган – камроқ олиши адолатлидир (Аммо турли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий вазият, ҳолатларга кўра, баъзи вақтларда бу мутаносиблик бузилади ва адолатсизлик келиб чиқади. – М.М.)...

Афлотун ҳам «Давлат» асарида мана шу адолатли мутаносибликни қўллайди.[20] Афлотун айтишича, деҳқон дон етиштиради, бинокор уй қуради, тикувчи либос тикади, пойабзалчи пойабзал тикади. Деҳқон бинокорга дон (ёки ун) беради, бинокор деҳқонга уй қуриб беради. Бошқа барча ҳунармандлар ҳам шу каби ўз маҳсулотларини ўзаро айирбош қиладилар.

Жамият ҳаёти – ижтимоий ҳаёт шундай мутаносиблик асосига қурилади (politeian). Адолат ҳам мутаносибликдир, шу маънода жамият ҳаёти ҳам адолат асосига қурилмоғи керак.

Аммо, вақтики, бинокор уйининг баҳоси этикдўз маҳсулотидан қимматлиги аён бўлгач, бинокор уйини этикдўз-

нинг этигига бермагач, адолат юзасидан кумуш дирҳамлар (nomisma)ни ўйлаб топишган ва буни пул деб аташган. Шундан сўнг ҳар бир ҳунарманд ўз маҳсулотини қийматига мувофиқ кумушга сота бошладилар. Шу тариқа пул муомаласи пайдо бўлиб, давлат жамияти (politiken koinonian) шундай мутаносиблик асосида қурилди.[21]

Адолат яна ўзаро жабр чекиш (яъни, ким ёмонлик қилса, унга ҳам ёмонлик қилиш)дир (to antipeponthos). Аммо пифоғурчилар ўйлашган маънода эмас. Пифоғурчиларнинг фикрича, бошқага не қилган бўлсанг, ўзингга ҳам шуни раво кўр. (Бу қоида ислом дини адолатида ҳам бор. – М.М.) Аммо барча аҳолининг ўзаро бундай муомала қилиши мумкин эмас. Масалан, қул билан озод ўртасида бундай мутаносиблик ярашмайди: агар қул озод одамни бир урса, озод одам қулни кўп марта уриши зарур. Қулдорнинг қулга нисбатан мавқеи қандай бўлса, ўзаро зарар етказиш ҳам шунга мутаносиб, яъни қулнинг қилган ёмонлиги учун уни кўпроқ жазолаш керак (токи қул эгаларига осийлик, исёнкорлик қилмасин, бу, албатта, қулдорлик жамияти тасаввуридаги адолатдир – Зотан, Ислом дини, шариатида амир оддий жангчини ноҳақ урса, оддий жангчи ҳам амирни уришга ҳақлидир. Баъзи амирлар бу адолатга чидолмай, ислом динидан қайтганлар. – М.М.). Озод одам ўзидай озод одамга зарар етказса, жабр кўрган томон шунга мувофиқ жазо талаб қилишга ҳақлидир. Аммо бу ерда агар бир одам бошқасининг кўзини чиқарса, жабр кўрган ҳам унинг кўзини чиқариши адолатдан эмас, бу ҳолда биринчи бўлиб зарар етказган одамнинг айби кўплиги учун унга жазо ҳам кўпроқ берилиши керак.

«Адолат» сўзини жуда кўп маъноларда ишлатамиз. Шундай экан, бу ерда қайси (соҳадаги) адолатни тадқиқ этаётганимизни аниқлаб олайлик.

Баъзилар қаролнинг хожага ва ўғилнинг отага муносабатида адолат қилиши ўринлидир, дейдилар. (Бу ерда русча таржимада хато борга ўхшайди. Аксинча, хожанинг қаролга ва отанинг ўғилга муносабатида адолатли иш тутиши

муҳимроқдир. – М.М.) Аммо бу ўринда давлатнинг барча фуқароларни тенг кўриши борасида адолат сўзи билан хожа ва қарол, ўғил ва ота муносабатларидаги адолат ўхшашдир. Биз ҳозир фуқароларга адолат қилишни тадқиқ этмоқчимиз, бу эса тенглик масаласига алоқадор (чунки фуқаролар – ўзига хос умумият – жамоа вакиллари бўлиб, табиатан тенгликка интиладилар, аммо хулқлари (ахлоқи) жиҳатидан турличадир – Арасту изоҳи). Ўғилнинг отага ва қаролнинг хожага муносабатларида бундай (яъни, тенглик маъносидаги) адолат йўқдир. Ахир, инсон оёғи ёки қўлининг, ёхуд бошқа аъзоларининг бутун вужудга адолатли муносабати бўлмаган нарсадир. Ўғилнинг отага адолати ҳам шундайдир. Ўғил улғайиб, катталар сафига қўшилиб, ота (уйи)дан ажралиб чиқмагунича, отанинг бир «қисми» бўлиб туради. Шундан (ота уйидан ажралиб чиққандан) кейин эса, ўғил отага тенг ва унга ўхшашдир (Бу ерда Арасту ота ва ўғилнинг давлат олдида фуқаролар сифатида (ҳуқуқда) тенглигини назарда тутади. – М.М.). Фуқаролар (шу маънода) тенг бўлишга интиладилар.

Шу сабабга кўра қарол ва хожа муносабатларида (тенглик маъносидаги) адолат йўқдир. Чунки қарол хожанинг мулкидир. Мабодо унга нисбатан адолат сўзи қўлланса ҳам бу уйдаги, хонаки адолатдир (ислом ахлоқшунослигида бу муҳим ижтимоий масала ҳисобланади. Ҳазрати Муҳаммад расулуллоҳ ҳадисларида «Қулларингизга ўзингиз еган таомдан беринг, ўзингиз кийган кийимдан кийдиринг», деб марҳамат қилганлар. – М.М.).

Аммо биз бу ерда хонаки эмас, балки фуқаролик адолати нималигини тадқиқ қилмоқчимиз. Фуқаролик адолати, чамаси, тенглик ва ўхшашликда кўринади. Аммо эркак билан аёл ўртасидаги адолатли муносабат ҳам давлатнинг (фуқароларга муносабатидаги) адолатга ўхшашдир. Аёл эркакдан паст туради, аммо у (оиладаги бошқа аъзоларга нисбатан) эрига энг яқин турувчи, шу сабабли, булар муносабати фуқароларга адолатли муносабатларга ўхшашдир. Хуллас, адолат

давлатнинг жамоа аъзоларига муносабатида (ва уларнинг ўзаро муносабатларида) бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Адолат ва одил одам деганимизда фуқароларга нисбатан адолатни тушунамиз.

Адолат табиий ва қонун билан ўрнатилган бўлиши мумкин. Аммо, бу фикрни, табиий адолатда ўзгариш бўлмайди, деган маънода тушунмаслик керак. Чунки табиатда мавжуд нарсаларда ҳам ўзгаришлар бўлиб туради. Масалан, биз чап қўлимизда жуда кўп машқ қилсак, у ўнг қўлга тенг бўлиб қолиши мумкин. Табиатан, чап қўл – чап қўлдир, ўнг қўл ундан афзалдир. Чап қўлда ҳар қанча машқ қилсак ҳам, бари бир, табиатан ўнг қўл афзалдир. Бундай ўзгариш (машқ) билан ўнг ва чап қўллар табиати ўзгариб қолмайди (Аммо чап қўлнинг табиати, фаолияти ўзгаради. Мисол учун, Амир Темур ҳар иккала қўли билан қилич чопар экан).

Табиатан адолатпарвар одам ҳам шундайдир. Мабодо биз шундай одил одам билан (ёмон) муомала қилганимизда, у ўзгарса, ўша одамнинг табиатида адолатпарварлик йўқ, деган сўз эмас. Табиий адолатпарварлик бор. Кўпчилик ҳолатларда (мушкул ҳолатларда ҳам. – М.М.) адолатли бўлган одам табиатан адолатлидир. Биз (қонун чиқарувчилар) бир ҳолатни адолатли деб белгилаб қўйганимиздан сўнг, одам шу ҳолатда бўлса, бу қонуний (яъни, қонунга мувофиқ) адолатдир.

Табиий адолат қонуний адолатдан аълодир. Аммо биз ҳозир фуқаролар жамиятидаги адолатни таҳлил этмоқчимиз, бу эса табиий эмас, балки қонунга мувофиқ адолатдир.

Бир қарашда адолатсизлик (adikon – ноҳақлик) ва адолатсиз (adikema – ноҳақ қилмиш) бир нарсага ўхшайди. Аммо бундай эмас. Адолатсизлик – бу, қонунда белгиланган тушунча. Масалан, бировнинг омонатини қайтариб бермаслик – адолатсизликдир. Адолатсиз қилмиш – зулм эса – кимдир содир қилган ёмонликдир. Шунга ўхшаб, адолат (dikaion) ва адолатли иш (dikaiopragema) ҳам тенг эмас: адолат – қонунда белгиланган тушунча, адолатли иш эса – адолатли, ҳаққоний ишлар-амаллардир.

Адолат қачон мавжуд бўлади ва қачон, қай ҳолатда йўқолади? Умуман айтганда, бир одам бошқа одамга ихтиёрий, яхши ният билан, онгли равишда яхшилик қилса, шу адолатдир. Худди шу тариқа, бир одам бошқага нисбатан ихтиёрий, онгли равишда ноҳақлик, зулм қилса, бу адолатсизликдир. Мабодо, шу иккала ҳолатдан ташқари, ўзи билмаган (англамаган) ҳолда ноҳақ иш қилса, бундай одам адолатни бузувчи, оёқости қилувчи, золим эмас, балки бахтсиз одамдир. Масалан, биров душманимни ўлдиряпман деб ўйлаб, билмасдан отасини ўлдириб қўйса, бу – адолатни поймол қилувчи эмас, бахтсиз одамдир. (Ўзи билмасдан, душман деб ўйлаб, отасини ўлдириб қўйган Эдип шоҳни эсланг. – М.М.).

Агар одамзот кимгадир, нима биландир, бирор мақсадсиз, билмасдан ноҳақ иш қилиб қўйса, адолатни поймол қилмаслигини, бундай одам адолатсиз эмаслигини қандай аниқлаймиз? Қай ҳолатларда одам ўзи билмаган ҳолда бировга зарар еткизса ҳам адолатсиз бўлмайди? Буни қуйидагича таърифлаш мумкин: биров қилган бирор ёмонликнинг сабаби – билмаслик бўлса ва бу ёмонликни одам ўз ихтиёри билан, қасддан қилмаган бўлса – бу киши адолатсиз одам эмас (аммо беихтиёр ноҳақ одамдир. – М.М.). Ва агар одам бирор адолатсиз ишни қилсаю, шу ишнинг ёмонлигини билмаса, яъни шуни билмаганига ўзи айбдор бўлса, ҳаққоний равишда бундай одамни ноҳақ ва адолатни поймол қилувчи дейдилар. Масалан, ичкиликбозликни олайлик. Мастлик пайтида ёмонлик қилувчилар – адолатни оёқости қилувчилардир, чунки булар ёмон иш қилаётганини билмаслиги ўзларининг айби билан (ичкиликбозлиги туфайли)дир. Шу одамлар отасини урадиган даражада кўп ичмаслиги мумкин эди-ку! Шу ва шунга ўхшаш ҳолатларда билмасдан ноҳақ иш (ёмонлик) қилувчилар шу қилмишнинг ёмонлигини билмаганига ўзлари айбдордирлар.

Агар қилган ёмонлигига ўзлари сабабчи бўлмасалар, бундай одамлар адолатсиз одамлар эмасдир. Масалан, гўдаклар ота, оналарини урадилар, бу қилмишнинг ёмонлигини бил-

майдилар. Буларнинг билмаслиги табиий ҳолдир. Бу ишнинг ёмонлигини билмаслик болаларнинг айби эмас (уларга тушунтирмаган катталарнинг айбидир). Шу маънода, бундай гўдакларни адолатсиз одамлар деб қораламайдилар.

Энди адолатсизликка (ноҳақликка) чидаш масаласини олайлик. Одам адолатсизликка ўз ихтиёри билан чидаши (ёки йўл қўйиши) мумкинми? Ёки бу нотўғрими? Чиндан ҳам биз ўз ихтиёримиз билан ҳам адолатли ёки адолатсиз ишлар қиламиз, аммо бизга нисбатан бошқаларнинг адолатсизлик қилишини истамаймиз (рози бўлмаймиз). Биз ҳатто ҳаққоний жазоланишдан ҳам қочишга уринамиз. Ҳеч ким ўз ихтиёри билан зарар кўришни истамайди. Адолатсизлик ўзгаларга зарар етказишдир.

Аммо бизга (эътироз билдириб) айтадиларки, баъзи одамлар тенг улуш олишга ҳақли бўлса ҳам ўз ихтиёри билан камроқ улуш олишга рози бўладилар. Биз юқорида тенглик – адолат, камситилиш эса – адолатсизлик, деган эдик. Ихтиёрий равишда кам улушга рози бўлувчи одам – адолатсизликни ўз ихтиёри билан танлаган бўлиб чиқади. Аслида, ихтиёрий равишда кам улуш олувчи одамлар бу ишга мақтов, обрў, шон-шуҳрат топиш учун ё дўстлик учун розилик билдирадилар. Аммо кам улуш олиш эвазига ҳеч нарсага (шон-шуҳратга ёки дўстини севинтиришга) эришмайдиган одамлар адолатсизликка ихтиёрий равишда рози бўлмайдилар. Яна: ўз ихтиёри билан кам улуш олишга рози бўлган одамлар «Мен фалончи билан тенг улуш олишим керак эди, аммо ёши улуғроқ (ёки дўстим) бўлгани учун камига рози бўлдим», деб мақтанадилар ва обрў топишни ўйлайдилар. Аммо адолатсизликка чидайдиган одам обрў топмайди. Мабодо, бундай одамлар обрў топишни ўйламасалар, (фойда ёки ҳосилнинг) адолатсиз бўлинишига рози бўлмас эдилар. Айниқса, ихтиёрий равишда рози бўлмас эдилар.

Мана шу сабабларга зид бўлган бошқа бир сабаб – одамзотнинг тийиқсизлиги, қаноатсизлиги, фойда ёки мол-дунёга ружу қўйишидир. Худди шу қанотсизлиги, очкўзлиги

туфайли одам ўзига ҳам (бошқаларга ҳам) зулм қилади ва ўз ихтиёри билан зулм қилади. Охир-оқибатда ўз ихтиёри билан ўзига адолатсизлик қилади (бошқаларга ҳам. – М.М.). Аммо маълум меъёрга, чекланишга риоя қилинса, бу сабабга ўрин қолмайди. Бундай меъёр, чекланиш адолатсизликни хоҳламасликдир. Тийиқсиз, очкўз одам эса жон-дили билан очкўзлик қилади ва шу туфайли ўзига нисбатан ҳам адолатсизлик қилади (Арастунинг бу фикрлари Қуръон ва ҳадисларга ҳамоҳангдир. – М.М.) Демак, у ўзига-ўзи ёмонлик тилайди. Аммо ҳеч ким ўзига адолатсизликни тиламайди. Демак, очкўз одам ҳам ўзига адолатсизлик қилинишини хоҳламайди.

Аммо одам наҳотки ўзига-ўзи адолатсизлик қилса? – деган савол туғилиши мумкин. Агар масалага очкўз, тийиқсиз одам нуқтаи назаридан қаралса – мумкин экан.

Яна қуйидаги сабабга кўра одам ўзига-ўзи адолатсизлик қилиши мумкин: Қонунда тайинланган (мумкин дейилган) хатти-ҳаракатлар адолатли бўлса, ана шу қонуний ишларни қилмаган (яъни қонунсиз ишлар қилган) одам қонун ҳимоясидаги одамга нисбатан адолатсизлик қилади.

Бироқ қонун (бошқа вазифаларидан ташқари, яна) оқилона иш тутишни (керагича мол-мулк сотиб олишни, ўз вужудини соғлом сақлаш учун керагича ейиш-ичишни) тақозо қилади. Мана шу талабларга амал қилмаган одам ўзига нисбатан адолатсизлик қилган бўлади. Бу ҳолатда адолатсизлик фақат шу одамнинг ўзига бўлади. Аммо шу маънода ўзига адолатсизлик қиладиган одам кам топилади.

Аслида бир одамнинг ўзи айни вақтда (керагидан) кўпроқ ёки камроқ олиши, ҳам ихтиёрий, ҳам мажбурий иш тутиши мумкин эмас. Аммо адолатсиз (ноҳақ)лик қилувчи одам (ўзига тегишлисига нисбатан) кўпроқ олади, адолатсизликка чидайдиган (ёки ўзига бепарво, лоқайд) одам камроқ олади. Шу одам ўзига нисбатан адолатсизлик қилгани учун кўпроқ олиши мумкин (у ўзига эмас, бошқаларга адолатсизлик қилади. – М.М.). Демак, ҳеч бир инсон ўзига нисбатан адолатсизлик қилинишини истамайди.

Яна шуниси борки, адолатсизлик қилаётган одам ўз ихтиёри билан шундай қилади. Адолатсизлик жабрини тортган одам эса ўз ихтиёри билан тортмайди. Одамлар яхши ниятда жабр чекиши ҳам, мажбуран жабр чекиши ҳам мумкин. Аммо бир вақтнинг ўзида одам ҳам яхши ниятда, ҳам мажбуран жабр чекиши, яъни ўзига адолатсизлик қилиши мумкин эмас.

Ва яна: адолатсиз ишларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқсак, маълум бўладики, адолатсиз иш тутаётганлар ё бировнинг омонатини қайтармайди, бузуқчилик, ўғрилик, ё бошқа ноҳақ ишларни қилади. Аммо (назарий жиҳатдан олганда) ҳеч ким бировга бериб турган омонатидан ўзи воз кечмайди, ўз хотинига кўз олайтирмайди ва ўз мол-мулкини ўзи ўғирламайди. Шу маънодаги адолатсиз ишларни ҳеч ким ўзига нисбатан қилмайди. Лекин агар кимдир ўзига нисбатан шу маънода адолатсизлик қилса, бу ижтимоий руҳдаги эмас, балки «хонаки» адолатсизликдир. Юқорида айтганимиздек, инсон кўнгли бир неча қисмлардан иборат бўлгани, кўнгилнинг яхши жиҳатлари ҳам, ёмон жиҳатлари ҳам бўлгани учун ўзига нисбатан адолатсизликни кўнгилнинг бир қисмининг бошқа қисмига адолатсизлиги деб тушунмоқ керак. (Шарқона, тасаввуфий ахлоқда авлиёлар, суфийлар, дарвешлар «ўз нафсингизга зулм қилинг» деб беҳуда айтмайдилар. – М.М.). Мана шу «хонаки» (ёки шахсий) адолатсизлик кўнгилнинг яхши ва ёмон қисмлари ўртасида юз бериши мумкин.

Аммо биз бу ерда шахсий эмас, балки ижтимоий, фуқароларга нисбатан адолатсизликни таҳлил этмоқдамиз. Биз кўриб чиқаётган адолатсизликлар соҳасида ҳеч ким ўзига нисбатан адолатсизлик қилмайди.

Яна шундай масала туғилади: икки тарафдан қайси бири адолатсизлик қилмоқда? Ва адолатсизлик қайси манбадан келиб чиқмоқда? Адолатсиз равишда бирор бойликни олган одамми ёки шундай ҳукм чиқарган одам адолатсизлик қилмоқдами? (Масалан, спорт мусобақаларида). Мусобақа ҳайъати раисидан ёки ҳакамидан ғолиблик ярпоғини (му-

носиб бўлмаса ҳам) олган одам ноҳақми? Ёки шундай ҳукм чиқарган одамми? Бу ерда ғолиблик япроғини олган одам ноҳақ эмас, балки нотўғри ҳукм чиқариб, дафна япроғини берган одам ноҳақдир (шарқона, исломий ахлоқда, нотўғри ҳукм чиқарган ҳакам ҳам, ғолиблик япроғини олишга номуносиб бўлатуриб олган одам ҳам ноҳақдир. – М.М.). Аммо ҳукм чиқарган ҳакам бир жиҳатдан ноҳақ, бир жиҳатдан ҳақлидир: у қайси тараф табиатан ва ҳақиқатан ҳақли эканини ажратолмагани учун адолатсиздир. Аммо ўзига қай тараф ғолиб кўринса, ўшани ғолиб деб топгани учун адолатсиз эмас (Бу фикр мунозаралидир. – М.М.).

34. Фазл, фазилат нима, у нималардан иборат, қайси соҳаларга қарашли эканлиги ҳақида юқорида гапирдик. Ҳар бир фазилатни кўриб чиққанда айтдикки, ҳар соҳада тўғри ўйлаб, ақлга мувофиқ иш тутиш, энг яхши йўлни танлаш фазилатдир. Аммо бу фикр ҳали мукаммал эмас. Бу билан биз гўё «одамни соғлом қилувчи воситаларни қўлланишда энг яхшиси соғлом яшашни ният қилишдир, дегандек бўламиз. Бу фикрда ҳали равшанлик (asaphes) йўқ. Мендан: «Қайси воситалар билан одам соғлом яшаши мумкин?» – деб сўрайдилар. Шундай экан, ўйлаш, тафаккур қилишнинг ўзи нима, қай йўсинда тафаккур қилиш тўғри бўлади? – деган масалани аниқлаб олиш зарур.

Аввало, ақл – дил, кўнгилнинг қайси соҳасига қарашли эканлигини аниқлаб олайлик. Юқорида биз умумий тарзда айтган эдикки, кўнгилда ақлга эга қисм (logon ekhon) ҳам, ақлга муҳтож эмас қисм (alogon) ҳам бор. Кўнгилнинг ақлий тафаккур қилувчи қисми иккига бўланади: маслаҳат берувчи қисм (boyleytikon) ва билимга эга қисми (epistemonikon). Қайси соҳага оид эканлиги булар ўртасида тафовут борлигини билдириб турибди.[22]

Мавжудотларнинг ранги, мазаси, товуши, ҳиди фарқли бўлганидек, бизнинг табиатимизга ато қилинган сезги, ҳиссиёт аъзоларимиз ҳам турличадир: биз товушни – тинглаш билан, мазани – тил билан, рангни – кўз билан фарқлаймиз.

Кўнгилдаги турли қисмлар ҳам шунга ўхшаб фарқланади, биз кўнгилнинг турли қисмлари орқали турли нарсаларни ҳис этамиз ёки билиб оламиз. Фикрланувчи нарсалар бошқа, ҳис этилувчи нарсалар бошқадир. Кўнгилдаги бир қисмнинг ўзи ҳам фикрловчи, ҳам ҳис этувчи эмасдир. Кўнгилнинг маслаҳат қилувчи, яъни танловчи қисми (proairetikon) ҳиссий нарсаларга, доимий ҳаракатдаги нарсаларга ва умуман, пайдо бўлувчи ва йўқолувчи нарсаларга эътибор беради.

Биз чиндан ҳам бирор амални (яхши ёки ёмон амални) танлашда кўнглимиз маслаҳатига қараймиз, шу ишларни қилиш ё қилмасликни кўнгилда муҳокама қиламиз ва танлаймиз. Ҳиссий (идрок этилувчи) ва доимо ўзгариб турувчи нарсаларни шу йўсинда танлаймиз. Хуллас, шу мулоҳазага кўра, кўнгилнинг танловчи қисми ҳиссий идрокка алоқадордир.

Мана шу фарқларни аниқлаганимиздан сўнг ҳақиқат қай тарзда аниқланишини кўриб чиқамиз. Модомики, ҳақиқатни аниқлаш учун билим, оқиллик, илми ҳикмат, тасаввурга мурожаат қилар эканмиз, буларнинг ҳар бири нимага оидлигини кўриб чиқайлик... Билим (episteme) далиллаш ва фикр-мулоҳаза орқали билинадиган нарсалардир; оқиллик фаолият соҳасига, бирор (яхши ёки ёмон) хатти-ҳаракатни қилиш ёки қилмасликни ихтиёримиз билан танлашга алоқадордир. Нарсаларни вужудга келтиришда биз (ақлий) меҳнат қиламиз, ниятни бажаришда эса фаоллик кўрсатамиз; булар бир хил эмас. Нарсаларни ижод қилганимизда бирор мақсад билан ишлаймиз. Масалан, меъморлик санъатини олайлик. Бу ерда уйларни қуришдан мақсад – уйга эга бўлиш; фақат қуришнинг ўзи мақсад эмас. Дурадгорлик ва бошқа шу каби касблар ҳам шундай.

Мусиқада эса мақсад ижро этишнинг ўзидир. Масалан, кифара (чилтор)да куй чалишдан мақсад шу куйни чалишдир. Бунда бошқа мақсад кўзда тутилмайди. Оқиллик эса ҳам бунёдкорлик, ҳам ижрочиликка тегишлидир. Маҳорат эса – меҳнатда ва ясалган буюмда кўринади. Ихтирочилик, зукколик кўпинча ижро қилинадиган соҳадан кўра, бунёдкорликда кўринади (Аслида, куй ижро этишда ҳам зукколик

керак. – М.М.). Шунинг учун эътироф этамизки, танланиши ва бажарилиши ўзимизга боғлиқ бўлган нарсаларни, (кўпчиликка) фойда келтирувчи иш, амалларни танлаш ва бажаришда оқиллик керак бўлади.

Шунинг учун оқиллик билим эмас, фазилатдир. Оқилларни шу фазилати учун мақтайдилар. Яна: ҳар қандай билимнинг энг юқори даражаси бор, оқилликнинг эса юқори даражаси йўқ, чунки оқилликнинг ўзи маълум маънода, ҳар ҳолда юқори даражадир.

Фаол ақл (noys – нуйс) азалий мавжуд нарсаларнинг бошланғич асосларини ўрганади. Билим мудаллал (исботланувчи) нарсаларни билдиради. Бошланғич асос (дастлабки тушунча)лар эса (ҳали) исботланмаган, шунинг учун улар билим эмас. Ақл эса бошланғич асосларни излайди. Ҳикмат (донишмандлик – sophia – София) билимлар ва ақл (уйғунлиги)дан иборат. Чунки ҳикмат бошланғич асосларни ҳам, улардан ҳосил бўлувчи нарсаларни ҳам ва билим берувчи нарсаларни ҳам қамраб олади. Шу маънода ҳикмат бошланғич асосларни очишда ақлга, бошланғич асослардан кейин келувчи исботланувчи нарсаларни очишда билимга суянади. Демак, равшан бўлдики, ҳикмат ақл ва билимдан иборат, чунки у ақл ва билимлар калитидир.

Фараз (hypolepsis – хиполепсис) – барча мавжудотларнинг (сифатлари) ҳақида ўйлаётганимизда, шу нарса шундайми ё бошқачами? – деб тасаввур қилиш қобилиятидир.

Ақллилик (оқиллик) ва донолик бир хилми ё бошқа-бошқа ҳодисаларми? Донолик исботлаш мумкин бўлган ва ўзгармас нарсаларни англашдир. Ақл эса, буларнигина эмас, ўзгарувчи нарсаларни ҳам англайди. Масалан, тўғри нарсалар тўғри, эгрилар – эгри ва ҳоказо, сифатларини ўзгартирмайди. Фойдали нарсалар эса нисбийдир, бугун фойдали, эртага фойдасиз; бировга фойдали нарса, бошқага фойдасиз (дори) бўлиши мумкин. Фойдали нарсаларни билишда оқиллик асқатади. Бунинг учун доно бўлиш шарт эмас. Демак, донолик оқиллик билан тенг эмас экан.

Донолик – фазилатми ё йўқми? Донолик – фазилат эканини оқиллик билан билиш мумкин. Чиндан ҳам оқиллик кўнгилнинг ақлли қисмига хос фазилатдир. Оқиллик майдароқ нарсаларга эътибор бергани учун доноликдан паст туради. (Масалан, ақлли одам шу кунларда яхши яшашга интилади, доно одам эса охиратдаги бахт-саодатни ҳам ўйлайди. – М.М.) Оқиллик – фақат ҳозирги вақтда инсон учун фойдали нарсаларга, донолик – мангу ва илоҳий нарсаларга эътибор беради. Қуйи мавқедаги оқиллик – фазилат экан, олий мавқедаги донолик ҳам фазилат экани равшандир.

Зукколик, закийлик (synesis – синесис) нима? Зукколик ҳам оқиллик каби хатти-ҳаракат ва қилмишларда кўринади. Зукко одам (ҳар қандай қийин вазиятларда) аниқ фикрлаб, вазиятни тушуниб, тўғри йўл топа олади. Фақат, зукколик майда нарсаларга муносабатда кўринади. Зукколик ва зукко одам оқиллик ва оқил одамнинг бир жиҳатидир. Зукколикни оқилликдан ажратиш мумкин эмас.

Топқирлик (deinotes – дейнотис) ҳам шунга ўхшашдир. Оқил одам топқир ҳам бўлади, топқирлик ҳар ҳолда оқилликнинг қўшимча сифати. Лекин ёмон одамлар ҳам топқир бўладилар. Масалан, Ментор топқир эди, аммо оқил эмас эди. Оқил одам доимо энг яхши йўлни топишга ва доимо унга амал қилишга интилади. Топқир одам эса ҳар қандай ишни бажариш учун қандайдир фойдали воситани ўйлаб топади. Демак, топқир одам кичикроқ, майдароқ ишларда ўзини кўрсата олади.

Биз хулқ-атвор, шунга алоқадор сиёсат ҳақида сўз очиб, нима учун доноликни тилга олаётганимиздан кимлардир ажабланиши мумкин. Модомики, донолик – фазилат экан, биз кўриб чиқаётган масалага (яъни, фозил одамлар ахлоқига) албатта, алоқаси бор-да. Ва яна: файласуф ўзи кўриб чиқаётган масалага алоқадор нарсаларнинг барчасини йўл-йўлакай таҳлил қилиб бораверади. Кўнгилда нималар борлигини айтаётган эканмиз, жумладан, ҳикмат – донолик ҳам кўнгилга бегона эмас-да.

Топқирлик оқилликка қандай нисбатда бўлса, ҳар бир фазилат ҳам табиий хислат сифатида баркамол фазилат ҳолига шундай нисбатдадир. Ҳар бир инсон табиатида қандайдир фазилат бор, дейман. Ҳар бир инсон кўп ўйлаб ўтирмай, дадил ва адолатли бирор ишни қилишга интилади. Ҳар қандай фазилат эгасида шу хислат топилади.

Бундан ташқари, одат бўлиб қолган фазилатлар ва шахсий истакка боғлиқ фазилатлар ҳам бор. Ақл-идрок билан қўшилган фазилатлар мукаммал ва мақтовга лойиқдир. Табиий фазилатли инсон (бирор яхши ишни қилайми, қилмайми деб) мулоҳаза қилиб ўтирмайди. Аммо фазилат билан мулоҳаза ва танлов (истак) ҳам қўшилса, у мукаммал фазилатдир. Шу маънода фазилатга табиий майл, интилиш оқилона фазилатга йўл очади ва шу пайтда фазилат оқиллиқдан айрилмаган бўлади.

Лекин агар, инсонда фазилатга табиий мойиллик, интилиш бўлмаса, мулоҳаза ва ихтиёрий танлов баркамол фазилат ҳолатига етиштирмайди. Шу маънода Суқрот мулоҳазакорликни – фазилат деганда ҳақли эмас эди. Суқрот фикрича, инсон (фазилат нима эканлигини) билмай ва шу йўлни ақли билан танламай туриб, жасорат ва адолат кўрсатганидан фойда йўқдир. Шунга асосланиб, Суқрот фазилатни – мулоҳазакорлик дейиши тўғри эмас эди. Ҳозирги (файласуф) лар яхшироқ ҳукм-хулосага келганлар: фазилат, – дейди улар, – тўғри фикрлаш асосида гўзал, солиҳ ишлар қилишдир (Kata ton orthon logon).

Аммо буларнинг фикри ҳам тўғри эмас. Чунки одам ихтиёрий танловсиз, гўзаллик нималигини билмай туриб ҳам фикр-мулоҳазасиз, фақат майл, интилиш туфайли ажойиб ишлар қилиши мумкин. Ва унинг шу яхши иши тўғри ва ақлга мувофиқ бўлиши мумкин. Аммо бундай (тасодифий) яхшилик ҳам мақтовга лойиқ (мукаммал) эмас. Бундан кўра, «мулоҳаза билан (онгли равишда) гўзалликка интилиш яхшироқдир. Шундай интилиш фазилатдир ва у мақтовга лойиқдир.

Оқиллик ҳам фазилатми, йўқми? – деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, оқиллик – фазилат, чунки адолат, жасурлик (мардлик) ва бошқа фазилатлар ажойиб ишларга, яхшиликларга йўл очгани учун мақтовга лойиқ бўлгани каби, оқиллик ҳам жасурлик каби яхшиликларни келтириб чиқаргани учун фазилат саналмоғи керак. Оқилона жасурлик фазилат экан, оқилликнинг ўзи ҳам фазилатдир.

Оқиллик амалий фаолият(praktike)ми, йўқми, буни меъморлик санъати мисолида билиш мумкин. Юқорида айтганимиздек, меъморликда (асосан) икки киши – меъмор (архитектор) ва уй қурувчи фаолият кўрсатади. Меъмор ҳам, уй қурувчи ҳам бунёдкор, амалиёт одамларидир. Бунёдкорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам шундай. Барчасида лойиҳачи меъмор ва бажарувчи – бинокор қатнашади. Уй қурилиши раҳбари – архитектор ва бинокор – иккаласи бино ижодкорларидир.

Шунга ўхшаб, бошқа фазилатлар, жумладан, оқиллик ҳам яхшилик ижодкоридир. Барча фазилатлар яхшиликни бунёд этадилар. Шулар орасида оқиллик меъмор каби, инсонни барча яхши ишларга ундайди. Шу маънода оқиллик ҳам бунёдкор, фаол фазилатдир.

Энди яна бир масалани ҳал қилайлик: оқиллик кўнгилнинг барча қисмларига етакчилик қиладими? Бир қарашда етакчилик қилгандай кўринади. Лекин оқиллик олий фазилатларга етакчилик қилолмайди. Масалан, оқиллик донолик (донишмандлик) фазилатидан баланд эмас. Аммо, уламолар айтадики, оқиллик уй бекаси каби, барча ишларга бош-қошлик қилади. Аслида, оқилликни уй бошқарувчига ўхшатиш мумкин. У хонадонда барча ишларга нозирлик қилади, аммо барча хизматчиларнинг хожаси эмас. У уй хожаси тинчлик, осойишталикда ором олсин учун хожага гўзал ва яхши ишларида ҳеч ким халал бермасин, деб, рўзғорнинг барча ташвишларини ўз зиммасига олади. Шунга ўхшаш, донолик кўнгилда хожа бўлса, оқиллик уй бошқарувчисидир. Оқиллик турли-туман эҳтиросларни, ҳою ҳавасларни жиловлаб, инсофга

чақириб, доноликка яхши ниятларни амалга ошириш учун шароит яратиб беради.[23]

(Изоҳ: Шарқ фалсафасининг буюк мутафаккири Муҳаммад Зайниддин Ғаззолий ҳам «Кимиёи саодат» асарида Дилни – подшоҳ, Ақлни – вазир деб таърифлайди. У инсон вужудини бир шаҳарга ўхшатади: «Ва Дил – бу шаҳарнинг подшоҳи. Ва Ақл бу шаҳар подшоҳининг вазиридир. Бу подшоҳнинг мазкур бўлғонлар (қўллар, оёқ, бошқа аъзолар, шаҳват ва ғазаб...)га ҳожати бордур. Токи мамлакат иши булар бирла саранжом бўлғай... Вақтики, подшоҳ Дил, вазир Ақлнинг машварати (маслаҳати) бирла иш қилса, Шаҳват ва ғазабни вазир Ақлнинг зердасти ва фармонида қилса, бадан мамлакати анинг низомида (тартиботида) бўлғусидур. Ва агар вазир Ақлни Шаҳват ва Ғазаб ўз илкида (қўлида) асир қилса, бадан мамлакати вайрон бўлиб, подшоҳ Дил ҳам асир бўлиб, бадбахт ва ҳалок бўлғусидур» («Кимиёи саодат», «Камалак», 13-бет).

ИККИНЧИ КИТОБ

1. Шундан сўнг, ҳалоллик (epieikeia – эпиэйкейа) нима, унинг мазмуни ва нимага алоқадорлигини кўриб чиқамиз. Ҳалол одам шундайки, у қонуний олиши мумкин бўлган неъматлардан озроғини олишга розидир. Шундай нарсалар борки, қонун чиқарувчи (ҳукумат ёки Олий Кенгаш) неъматларнинг тегишли миқдорини аниқ белгиламай, «Шу нарса берилади», деб умумий қилиб айтган бўлади. Қонун чиқарувчи (миқдорини) аниқ белгилаёлмаган нарсаларни олишда *озрогига рози бўлган одам қаноатлидир.* Аммо бу – ўзининг қонуний ҳақидан воз кечиш, деган сўз эмас. У табиий ва ҳақиқий неъматларни олишда ўзини камситмайди, у фақат қонун (миқдорини) аниқ белгилашни унутган нарсаларни олишдагина озига қаноат қилади.

2. *Онглилик ва* онгли одам (eygnomon – эйгномон) ҳам ҳалоллик каби, қонунда белгилаш унутилган адолатли ишамалларга алоқадор. Онгли одам қонун чиқарувчи нимани тушириб қолдирганини, қонунда белгиланмаган бўлса ҳам бу иш, хатти-ҳаракат адолатли эканини яхши тушунган кишидир. *Ҳалол бўлмаган одам онгли бўлолмайди.* Мана шундай фикрловчи ва шунга амал қилувчи киши ҳалол одамдир.

3. Ўйлаб иш қилиш, *вазминлик* (eyboylia – эйболия) оқилликка алоқадор. Яъни, бирор ишни бажариш яхшими, ёмонми, шуни танловчи ёки (ёмон деб билса) воз кечувчи одам вазмин одамдир. Оқилликсиз вазминлик бўлмайди.

Вазминлик инсон хатти-ҳаракатида энг яхши ва фойдали йўлни топиш учун яхшилаб ўйлаб кўришдир. Мабодо кимнингдир иши ўнгидан келаверса, вазминлиги, ўйлаб иш тутгани учун эмас, омади келгани учундир. Омад эса яхши ўйлаб иш қилишдан кўра тасодифларга боғлиқдир. Омадда синаб кўриш бору, оқиллик йўқ.

(3а. Тенг кўриш). Ҳар қандай одам бошқа одамлар билан муомала қилаётганида ўшаларга ўзини тенг тутиши адолатлими, йўқми? Шу маънода лаганбардор ва хушомадгўй одамлар (барча ўзидан катталарга) бир хил тилёғламачилик қиладилар. Фақат адолатли ва ориятли одамгина ҳар кимга иззатига яраша муомала қилади.

(3в) Адолат ва оқиллик алоқадорлиги. (Биз бу рақамлар ва кичик сарлавҳаларни асар мазмунига кўра ажратиб қўйдик. – М.М.) Яна бир масалани аниқлашда қийинчилик туғилади: Адолатсиз иш қилувчи одам бировга қандай қилиб ва нима учун ноҳақ иш қилаётганлигини тушуниб, онгли равишда ноҳақ иш қилиб, зарар еткизади. Ноҳақ ишни билиб қилувчи одам нима яхши-ю, нима ёмонлигини билади, буларни билиш эса оқилликка ва оқил одамга алоқадордир. Чиндан ҳам бу ерда мантиқсизлик, бемаънилик бор: наҳотки ноҳақ, адолатсиз одамда энг улуғ неъматлардан бири – оқиллик фазилати бўлса?

Ёки тўғриси, ноҳақ одамда оқиллик хислати бўлмас? Аслида ноҳақ иш қилувчи одам ўзи учун нима яхшилик келтиради-ю, нима ёмонлик келтиради – билмайди, фарқига етмайди. Оқил одам эса бундай нарсаларни яхши тушуниши керак. Бу нарса тиббиёт илмидаги ҳолатга ўхшайди: биз гиёҳлар, ўсимликлардан қайси бири шифобахш, саломатлик учун фойдали эканлигини биламиз; итузумнинг сурги хусусияти борлигини, қон чиқариш ва куйдириш шифо беришини биламиз. Аммо бизда тиббий билимлар йўқ, қайси гиёҳ қандай одамга ва қандай ҳолатда ичирилса фойдали эканлигини табиблар – врачлардек билмаймиз. Худди шуларни билиш табобат илмининг ишидир.

Биз шифобахш ўсимликлар умуман фойдали эканини биламиз, холос. Шунга ўхшаб, адолатсиз, ноҳақ иш қилувчи одам ҳам – раҳбарлик, бошлиқлик, ҳокимият неъмат эканлигини умумий тарзда билади, аммо амал-мансаб қайси ҳолатларда, қайси шароитда ўзи учун фойдали эканлигини

билмайди. Буларни билиш эса оқилликдир. *Бинобарин, адолатсиз, ноҳақ одамда оқиллик фазилати йўқдир. Ноҳақ одам қўлидаги воситалар: бойлик ва ҳокимият ўз-ўзича неъматдир, аммо ноҳақ одам учун неъмат эмасдир, чунки ундай одам бойлик ва ҳокимиятга эга бўлволиб, ўзига ҳам, дўстларига (тўғриси, дўстларига эмас, фуқароларга. – М.М.) ҳам зарар еткизади, ҳокимиятдан тўғри фойдаланишни билмайди.*

(3 с. Ёмон одамга нисбатан адолатсизлик) Шундай қилиш мумкинми? Ё мумкин эмасми? Бу масала ҳам (кўпчиликни) ўйлантиради. Агар адолатсизлик бировга зарар етказиш, уни қандайдир неъматлардан маҳрам қилиш бўлса, аҳмоқ одамга адолатсизлик қилиш (унга) зарар етказмайди. Бойлик ва ҳокимиятдан ёмон (нопок) одам тўғри фойдаланишни билмагани (халқни эмас, фақат ўзини ўйлагани) учун, бу неъматлар унга зарарлидир. Модомики, шу неъматларга эга бўлиш ёмон одамга (охирати учун) зарарли экан, уни шу нарсалардан маҳрум қилиш адолатсизлик эмасдир.

Оломон учун бу зиддиятли фикр бўлиб кўринади: барча одамлар (тўғриси, барчани эмас, кўпчилик одамлар) ҳокимият, бойлик, куч-қудратдан (тўғри) фойдаланамиз, деб ишонадилар. Қонун чиқарувчилар тажрибасига кўра, бу фикр нотўғридир. *Қонун чиқарувчи (ҳукумат) ҳар қандай одамга бойлик ва ҳокимиятни беравермайди: ҳокимият тепасига келувчилар фалон ёшга етган, ўзига тўқ (яъни, назари тўқ) одамлар бўлиши керак: чунки ҳамма ҳам бошлиқ, раҳбар бўла олмайди.* Мабодо кимдир менга ҳокимият бермадинглар, деб норозилик билдирса, унга айтиш мумкинки: эй, биродар, сенинг кўнглингда раҳбарга хос фазилатлар йўқ.

Биз яна биламизки, ўзига ёққан нарсаларнинг барчаси ҳам бемор вужудини соғайтиравермайди. Аммо ким ўз вужудини соғайтиришни истаса, парҳезни сақлаб, (қайноқ, доғ) сув ичиши, камроқ овқат ейиши керак. Кўнгли носоғлом (бемор) одамлар учун ҳам бойлик ва ҳокимият кабилардан чекланиб туриш фойдалидир. Бунинг устига, инсон баданига

нисбатан кўнгли тез ўзгарувчан, енгилроқдир. *Бадани бемор одамга парҳез фойдали бўлгани каби, кўнгли носоглом (нопок) одамга ҳам бойлик ва қадрият каби неъматлардан сақланиб туриш фойдалидир.*

(3d) Мана бу ҳам ишкал, қийин масала: Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам жасоратли, ҳам адолатли иш қилиши мумкинми? (Орадан 2400 йил ўтгач, ҳозир бу масала, бизнингча, қийин бўлмай қолган. Чунки ҳозирги жавоб оддий: гоҳо бошлиқ ман этганига қарамай, адолатли фикрни айтиш, адолатли иш қилишнинг ўзи жасоратни талаб қилади. Арасту бу масаланинг нозик тарафига эътибор беради, албатта. – М.М.) Биз аввалроқ айтган эдикки, табиий фазилатларга амал қилишда гўзал иш қилишга интилиш бору, оқилона асос йўқ. Инсон яхшилик йўлини ақли ва кўнглининг мулоҳаза қилувчи қисми ёрдамида танлайди. Бу ҳолатдаги инсонда танлаш қобилияти ҳам, оқилоналик билан йўғрилган, мукаммал фазилат ҳам, гўзалликка табиий интилиш ҳам бор. (Аслида) бир фазилат (ақл) бошқа фазилатга қаршилик қилмайди, балки ақл кўрсатган йўлдан юради. Ақл эса энг яхши йўлни танлайди. Оқилликсиз бошқа фазилатлар бўлмайди, оқиллик ҳам бошқа фазилатларсиз мукаммал бўлмайди. Барча фазилатлар оқилликка ҳамроҳ бўлиб, ўзаро ҳамкорлик (synergoysi – синергейс) қиладилар. (Исломий ахлоқда ҳам худди шундай: иймони кучли одамда виждон, адолат, меҳр-шафқат, уят-андиша, камтарлик каби фазилатлар бирга бўлади. Худони танимайдиган, ундан қўрқмайдиган одам – оловдан қўрқмай, унга қўл чўзадиган ақлсиз гўдакка ўхшайди, иймонсиз одам барча жиноятларга қўл уравераді: бировнинг ҳақидан қўрқмай, порахўрлик қилади, қарз берса, фойда (фойиз) олади, омонатга хиёнат, муҳтожларга жабр-зулм қилади. Исломда виждон, имон (ақл ва қалбдаги имон) барча фазилатларнинг пойдеворидир. – М.М.).

(3e) Мана бу ҳам мушкул масала: фазилатлар инсон вужудига алоқадор ва вужуддан ташқаридаги бошқа неъмат-

ларга ўхшашми ё бошқачами? Жавоб: Одамнинг вужудидан ташқари неъматлар жуда кўпайиб кетса (масалан, мол-дунё, бойлик, давлат) одамларни бузади. Бойлиги ошиб кетган одам калондимоғ, такаббур, ёқимсиз бўлиб қолади. Давлат, мансаб, обрў, гўзаллик ва улуғворлик кўпайса ҳам одамлар бузилади. Энди бу (қоида) фазилатларга тўғри келармикин? Фазилатлар (масалан, одиллик ва жасурлик)нинг кўплиги одамларни бузармикин ва ё бузмасмикин? Албатта, бузмайди. Аммо, шуниси борки, фазилат одамга иззат-ҳурмат келтиради, иззат-ҳурмати ошиб кетган одам бузилмайдими?

Фозил одамларнинг вазифалари жуда кўп бўлса-да, энг муҳими, иззат-ҳурмат ва шу каби неъматлардан тўғри фойдаланишни билиши зарур. Муносиб одам (яхши инсон) ўзига кўрсатилган иззат-ҳурматдан; амал-мансабидан агар тўғри фойдаланмаса, қадрсиз бўлиб қолади. Яхши одамни (чин инсонни) иззат-ҳурмат, обрўйи ошиб кетиши, амал-мансабида ўсиши ҳам бузолмайди. Демак, чин инсонларни фазилатлар бузмайди (балки халқ орасида обрўйини янада оширади. – М.М.).

Умуман олганда, биз аввал айтганимиздек, фазилат меъёрни сақлашдадир. Фазилат қанчалар юқори бўлса, унинг меъёри яна ҳам ўрталикдадир. Шу маънода фазилатларнинг кўпайиши одамни бузмайди, балки янада баркамол қилади. Меъёр, мўътадиллик (эътидол) деб, эҳтиросларнинг заифлиги ва ошиб-тошиб кетишининг ўртасини айтган эдик. Бу ҳақда айтганларимиз кифоядир.

4. Энди янги мавзуга ўтамиз. Сабр-қаноат (ўзни тийиш) ва тийиқсизлик (очкўзлик) ҳақида сўзлаймиз. Бу фазилат (сабр-қаноат) ва бу иллат (очкўзлик) ғалатидир ва шу сабабли бу ҳақдаги фикрларимиз ҳам ўзига хос(atopoi), ғаройибдир. Сабр-қаноат бошқа фазилатларга ўхшамайди. Бошқа фазилатлардан ақлни олайлик. Ақл ва (яхши) ҳиссиёт бир-бирига яқин, булар ўртасида зиддият йўқ.[1] Сабр-қаноат бобида эса ақл ва ҳиссиёт бир-бирига қаршилик кўрсатади

(Масалан, ҳиссиёт бойликка, лаззатга интилади, сабр-қаноат бу ҳиссиётга қаршилик кўрсатиб, уни жиловлайди. – М.М.)

Кўнгилдаги уч хислат учун бизни ёмон одам (ёки кучлироқ айтилса, одам эмас) дейдилар. Шулардан бири – нопоклик (kakias) иккинчиси – очкўзлик, тийиқсизлик (akrasias), учинчиси – ҳайвонлик (theriotes)дир. Ҳалоллик ва нопоклик (бировлар ҳақига хиёнат қилиш) ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Энди ҳайвонлик ва очкўзлик нималигини кўриб чиқайлик.

5. Ҳайвонлик (theriotes –зериотес) – ўтакетган нопоклик (kakias)дир. Мутлақо нопок одамни кўрсак, бу одам эмас, ҳайвон деб, шундай иллатга нафратимизни билдирамиз. Бунга қарши бўлган фазилатнинг исми ҳам йўқ – бундай фазилат инсонда ҳам кам учрайди, буни қаҳрамонлик ёхуд илоҳийлик, деймиз. (Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий «Кимиёи саодат» асарида бу фазилатни аниқ қилиб, фаришталарнинг сифати, баъзи гўзал фазилатли одамлар фаришталарга яқиндир, деб таърифлайди. – М.М.). Бу фазилат номсизлигининг сабаби шуки, Худо инсонлардаги фазилатлар билан таърифланмайди. Унинг барчадан юксаклиги (одамларга хос) фазилатлари учун эмасдир. Шу туфайли (фаришталик)нинг зидди бўлган хислатларни – одамга хос эмас, ҳайвонлик, деб атаймиз. Ҳайвонлик инсонга хос бўлмаганидек, бунинг зидди (фаришталик) ҳам одамга хос эмасдир. (Арастунинг бу фикрлари ҳали Исо-Масиҳ диний таълимоти вужудга келмаган, Юнонистонда «кўпхудолик» – мушриклик ҳукм сурган замонларда айтилаётганини эсда тутайлик. Кейинчалик, ҳақ динлар бўлган масиҳийлик ва ислом – ахлоқий таълимотларида Худои таолонинг гўзаллик, одиллик, раҳмдиллик, ғаффорлик – кечирувчилик, жабборлик – тузатиб, созловчилик, сатторлик (баъзи кичик гуноҳларни парда билан ёпувчилик), қаҳҳорлик (катта гуноҳ қилувчиларга қаҳр-ғазаб билан жазо берувчилик) каби фазилат ва сифатлари инсонларга ҳам бўлиб берилганлиги эътироф этилади. Бу сифатларнинг

энг мукаммаллари, Камоли Мутлақ – Ҳақ таолодадир, деб тушунилади. – М.М.).

6. Очкўзлик, тийиқсизлик (akrasias) ва сабр-қаноат (egkratias) ҳақидаги фикрларимизни чигал, равшан ва маълум ҳақиқатларга зид нарсаларни, мушкулликларни кўриб чиқишдан бошлаймиз. Чунки, шу йўлдан борганимизда иложи борича, бу нарсалар ҳақиқатини билишга интиламиз. Ёши улуғ Суқрот[2] тийиқсизлик, юҳоликни йўқ деб ўйлайди. Унинг фикрича, ҳеч ким ёвузлик нималигини билиб туриб, ўзига ёмонликни раво кўрмайди. Очкўз, юҳо одам эса шу нарсанинг ёмонлигини билади, аммо, ҳирсига берилиб, шу ёмонликни (нопокликни) танлайди. Мана шу сабабга кўра, Суқрот тийиқсизликни йўқ, деб ҳисоблайди. Аммо (бу масалада) у ҳақ эмас. Ҳаётий тажрибага ишонмай, мазкур хулосага ишониш бемаънилиқдир. Тийиқсиз, очофат одамлар бор ва улар, ёмонлигини билатуриб, очофатлик қиладилар. Энди яна бир савол: тийиқсизлик мавжуд экан, бундай одам очофатликнинг ёмонлигини (яхши) биладими? Унда шу билим (episteme) борми, деган савол туғилади. Бизнингча, очофат одамда бундай билим йўқ. Зеро, билим – биздаги энг барқарор ва энг енгилмас фазилатдир. Мана шу енгилмас фазилатни қандайдир бир иллат енга олиши ғалатидир (Бу ерда Арасту билим деганда қалбга сингиб, фазилатга айланган қадриятни назарда тутса керак. Акс ҳолда барча замонларда билимли ва ўзича ақлли одамлар нопоклик, порахўрлик, жабр-зулм, адолатсиз, ноҳақ ишларни қиладилар. Бизнингча, бу ерда фазилатга айланган диний ва ахлоқий билим ҳақида гап боради. – М.М.). Хуллас, (Суқротнинг) бу фикри яна бир далилга кўра инкор этилади, яъни очофат одамда шу ишнинг ёмонлиги ҳақидаги билим йўқдир.

Очофат одамнинг шу соҳада билими йўқ, деб ўйлайлик. Эҳтимол, унинг шу ҳақда ўз фикри бордир? Эҳтимол, у лаззатга (шаҳватга) ўчлик ёмонлигини билмасдан, фақат тахминан сезиб (чала билиб) гуноҳ иш қилгандир, балки

уни кечириш керакдир? Биз (одамлар) бировни кечириш мумкин бўлган ишлар учун қораламаймиз. Аммо бундай қилиш тўғри эмас. Биз уни албатта қоралаймиз!

Хуллас, тийиқсиз, очкўз одамни ифрот – ҳаддидан ошиш – ёмонлигини билмагани учун ёхуд унинг бу ҳақда ўз фикри борлиги учун оқламаймиз. (Арастунинг бу фикрлари ҳам исломий, шарқона одобга яқиндир. Муҳаммад с.а.в. ҳадиси шарифларида ифрот – ҳаддан ошишлик аввал ўтганларни ҳалокатга учратган, сизлар ҳам ҳаддан ошманг, дейилади. – М.М.)

Яна бундай масала кўпчиликни ўйлантириб қўяди. Оқил одам (sophron – софрон) ўзини тия олади, яъни покдомондир. Аммо у қайсидир гуноҳ ишга кучли майл қўйган бўладими? Ахир оқил ўзини тия олса (гуноҳ ишдан), кучли майли, истагини жиловлай олади. Чунки оддий истакларини тия олган одамни зоҳид, покдомон демаймиз-ку? Аммо бошқа жиҳатдан (гуноҳ ишларга, масалан, шаҳватга) кучли майл-истаклари бўлган одамни оқил демаймиз, бундай (гуноҳ) ишларга майли йўқ одамни оқил одам, деймиз-ку?[3] (Арасту бу саволга ўз муносабатини айтмайди, эҳтимол, асрлар давомида асар матнидан бу жавоб тушиб қолгандир? Буни биз Арастунинг ахлоқ ҳақидаги бошқа асарларини ўқиганда аниқлашимиз мумкин. Бу масалага бизнинг жавобимиз бундай: ҳар бир инсон, табиатан фаришта эмас, энг оқил одамнинг ҳам эркак зотига хос табиий ва кучли истаклари уйғониб, безовта қилади. Мана шундай ҳолатларда ана шу уятли истакларини жиловлаб, ўзини тия олган одам оқил, зоҳид, покдомондир. Ғарб ва Шарқ адабиётларида, шундай ҳолатларда ўзини тийолмай, тубан кетган баъзи азиз одамлар фожиаси очиб берилади. Алишер Навоийда: шайх Санъон ва шайх Барсисо. Булардан шайх Санъон охири ўзини жиловлай олгани учун авлиёлик мартабаси сақланиб қолади. Сайфуз Зафар Навбаҳорийнинг «Дуррул-мажолис» асарида шайх Барсисо ўзига асраш учун қолдирилган омонатга хиёнат қилади, ёш қизга тажовуз қилиб, сири фош бўлишидан

қўрқиб, яна бир жиноятга қўл уради, қизни ўлдириб, жасадини яширади. Аммо, оқибатда Ҳақ таолонинг қаҳрига учраб, дўзахий бўлиб кетади. Жованни Боккаччонинг «Декамерон» асарида, француз адиби Проспер Мерименинг «Авлиё Антонийнинг айниши» драмасида ҳам шу масала таҳлил қилинади. – М.М.).

Яна бундай қийин масала ҳам бор: Баъзи ҳолатларда одамлар ўзини тиймаган одамни оқлаб, ўзини тийган одамни қоралайдилар. Фараз қилайлик, кимдир бирор яхши ишни ёмон деб, янглишган ҳолда ўзини бу ишни қилишдан тияди. Ўзини тийолмаган одам эса шу (яхши) ишни бари бир қилаверади (ёмон деб, янглишса ҳам). Оқибатда, бу одам хайрли, гўзал иш қилган бўлиб чиқади. Бундай одам, ўзини тиёлмаса ҳам, мақтовга сазовор бўлади (қилган яхши иши учун). Бу хулоса эса мантиққа зиддир.

Яна бир ҳолатни фараз қилайлик: бир одамга қандайдир гўзал иш ёмон, уятли бўлиб кўринади, у шу ишга жуда дили суст кетса ҳам бари бир ўзини тияди, чунки у сабр-қаноатлидир. Аммо, бошқа жиҳатдан, ана шу гўзал, яхши ишни қилмаган одам қораланади. Демак, гоҳида қаноатли одам қоралашга лойиқдир. Бундай хулоса ҳам мантиққа зиддир.

(Бундай масала, исломий шариат одобида кўп учраб туради. Баъзи художўй, яхши одамлар ҳам турли соҳаларда, айниқса, диний илмларни ўрганишдан ҳам ўзларини тиядилар, «Барча нарсаларни Аллоҳ таоло билади, биз бу нарсаларни билишга қизиқсак, гуноҳга ботамиз, яхшиси, ўқимай, билмай қўя қолайлик, деб, ўзларини билимдан ва илмдан чеклайдилар. Қуръони каримда ва ҳадиси шарифда эса, аксинча, «Илм талаб қилиш барча мусулмон ва муслималар учун фарздир», дейилган. Бу масалада аксинча иш тутадиган, масалан, тоат-ибодатнинг чин дилдан, ихлос билан ўқилишидан кўра, иш, амалнинг зоҳирий томонини, таҳоратда қўлни тирсаккача, оёқни тўпиққача ювишни биринчи масала деб, ифрот қилувчилар ҳам учраб туради. Тўғри, таҳорат

мукаммал бўлса, савоби ҳам тўла бўлади. Аммо кўпчилик мусулмонлар таҳоратни тўлиқ қилишга вақтим ва имконим етмайди, деб намоз-ибодатни тарк этадилар. Бу эса, чала таҳоратга нисбатан каттароқ гуноҳдир. – М.М.)

Ҳаддан ошиш, (очкўзлик, олчоқлик) барча соҳаларда юз берадими ёки баъзи соҳаларда, масалан, фақат пулга, иззат-обрўга, шон-шуҳратга ўчликдами, ё қаҳр-ғазабдами? Кўпинча одамлар худди шу соҳаларда очкўзлик қилиб, ўзини тия олмайдилар (юқорида кўриб чиқилганидек, лаззат, шаҳват, озиқ-овқат нафсида ҳам. – М.М.) Ёки ҳаддан ошиш бошқа бирор соҳада кўпроқ кўринадими? (Масалан, ёши улуғларга, подшоҳ, вазир, ҳокимларга муносабатда ёки шу катталарнинг фуқароларга муносабатида. – М.М.) Бу масала ҳам анча мушкуллик туғдиради.

Мана шунга ўхшаш чигал масалалар бизни кўпинча ўйлантириб қўяди. Аммо бу масалаларни ҳал этиш зарур. Аввало буларни (қайси ҳолатларда ҳаддан ошмаслик зарурлигини) билиш муҳим масаладир. Шуларни билган одамнинг ҳаддан ошиши, гўё билмагандек, ўзгариб қолиши ғалати ҳолдир. Билим билан рой, фикр яқин бўлгани учун, одамлар ўз фикрларида қатъий, ўзгармай турсалар, бу ҳам билим кабидир. Чунончи, эфеслик Ҳераклитнинг ўзи билган нарсалари ҳақидаги фикри шундай қатъий, ўзгармасдир.[4] (Билим ва қатъий фикр тенг эмасдир. Қатъий фикр нотўғри, янглиш бўлиши ҳам мумкин. Янглиш билим ҳам ҳақиқий билим ҳисобланмайди. – М.М.)

Бирор соҳани билган ва ё шу ҳақда қатъий фикрга эга бўлган одамнинг ҳаддан ошиши ажабланарли эмас. Гап шундаки, билимлар икки турлидир: билимга эга бўлиш бошқа, шу билимларга суяниб иш тутиш (яъни, илмга амал қилиш. – М.М.) бошқадир. Тийиқсиз, қаноатсиз одам гўзал, яхши иш-амал нималиги ҳақида билимга эга, аммо бунга амал қилмайди. Билимига амал қилмагач, ёмон, гуноҳ ишларга қўл уриши табиийдир. Булар худди уйқудаги одамларга

ўхшайди: ухлаётган одам билими бўлса ҳам тушида худди кўп номаъқул ишларни қилади, негаки, билганлари тушида унга таъсир қилмайди. Қаноатсиз, очофат одам ҳам уйқудаги одамга ўхшайди, билимдан фойдаланолмайди. Бу масалани шундай ҳал этиш мумкин.

Савол туғилади: бундай ҳолатларда очофат одам билимини ахлатга улоқтирадими ёки тусини ўзгартирадими? Ҳар иккала фикр ҳам мантиқсиздир. Бу масалани ойдинлаштириш мумкин. «Аналитика» китобида айтган эдикки, силлогизм (хулоса) иккита асосдан, биринчи – умумий асос; иккинчи – унга боғлиқ, хусусий асосдан иборат.[5] Мисол: мен иситмалаб турган ҳар қандай беморни тузата оламан. Мана бу одам иситмалаб турибди. Бинобарин, мен бу беморни ҳам тузата оламан. Ёки: мен умуман бирор билимдан, масалан, тиббиётдан қандай фойдаланишни билишим мумкин. Аммо хусусий ҳолатда (бирорта оғир бемор учраб қолса) тиббиётдан фойдаланолмаслигим мумкин. Очофат, суллоҳ одам ҳам баъзи машғулотлар зарарли ва уятли эканини умуман билиши мумкин, аммо бирор аниқ машғулотга келганда зарарлими, йўқми, билмай қолиши мумкин. Шу сабабли, очкўз, харис одам, фалон ишнинг ёмонлигини билса ҳам хато қилиши мумкин, деб ўйловчиларнинг гаплари куракда турмайди. Мастликни олайлик. Мастлар кайфи тарқалганида яна ақлли бўлиб қоладилар. Уларни мастлик пайтида ақл ҳам, билим ҳам тарк этмаган, аммо ўша пайтда улар мастлиги туфайли ақли ва билимини ишлатолмаган. Очкўз ҳам шундай. Уни очкўзлик ҳирси эгаллаб олганида (худди маст одам каби) ўзини бошқаролмай қолади. Аммо ҳирси тинчиган пайтида у яна ақлли одам бўлиб қолиши мумкин. (Изоҳ: Арастунинг бу фикрига тўлиқ қўшилиш қийин. Очкўз одам, бу иллат табиатига сингиб кетгани учун доимо очкўзлик, пасткашлик, суллоҳлик қилаверади. Бундай одам: бошқалар заифу, мен бақувватман, бошқалар лоқайд, ҳиссизу, мен ғайратлиман, деб, ўзининг очкўзлигини, аёлларга шилқимлигини, ҳаром

ишларини ҳам мақтайверади. Бу ахлоқсизликнинг илдизлари тарбиясизлик, маданиятсизлик, динсизлик, имонсизлик билан боғлиқ виждонсизлик, уятсизлик ва ҳоказо иллатлардир. – М.М.).

Яна бир мушкул масала: баъзи ҳолларда ҳаддан ошувчи мақталади, ўзини тийувчи – қораланади, деган хулоса ҳам ғалатидир. Аслида қаноатли одам янглиш фикр-мулоҳаза қилган одам эмас, балки тўғри фикр юритиш ёрдамида нима яхшию, нима ёмон эканлигини билган одамдир. Ҳаддан ошувчи, тийиқсиз одам эса тўғри фикрга бўйсунмайди. Қаноатли одам эса тўғри фикрга бўйсунади, ҳою ҳавас, ёмон нафс кетидан эргашмайди.(Тескари мисол) Кимдир (жаҳл устида) отасини уришни жуда хоҳлаб турганида, урмасдан ўзини босиб олган бўлса, бу одамни вазмин демаймиз. Бундай ҳолатлар босиқлик ва ҳаддан ошишга алоқадор эмас (балки ахлоқсизлик, тарбиясизлик, жоҳиллик оқибатидир). Шундай экан, босиқ одам қораланиб, ҳаддан ошган одам оқланиши мумкин, деган фикр нотўғри фикрдир.[6]

Гоҳида тийиқсизлик, ўзини босолмаслик табиий руҳий касалликдан бўлиши мумкин. Масалан, баъзи одамлар (бир нарсадан қаттиқ хафа бўлиб кетсалар) ўзларининг сочларини юлиб, тирноқларини тишлайдилар.[7] Бундай вақтда ўзини босган одамларни ҳеч ким мақтамайди. Ёки ўзини босолмаган одамларни сўкмайдилар, ёки енгил танбеҳ берадилар. Табиатан, туғма тийиқсизликка мисол: судялар (қозилар) бир йигитни ўз отасини урганликда айблайдилар. У эса, отам ҳам ўз отасини урар эди, деб ўзини оқлайди. Бундай пайтда ҳакамлар ўғилга қаттиқ жазо бермайдилар, чунки бу жиноят уларнинг табиатида бор экан, деб қўядилар. Аммо шундай пайтда ўзини босиб, отасини урмаган одамни мақтайдилар (чунки бу фазилат эмас, инсоний бурчдир. – М.М.). Биз ҳозир бу хилдаги мушкул ҳолатларни эмас, балки ошкора кўринадиган босиқлик (вазминлик) ва енгилтаклик, ифротни тадқиқ этмоқдамиз.

Инсондан ташқаридаги неъматлар: бойлик, мансаб, обрў, дўстлар (кўплиги), шон-шуҳрат. Инсон танасидаги неъматлар: сезиш, таъм билиш (соғломлиги) ва ҳиссий лаззатлар. Биз бу ерда шулардан охиргиси (ҳиссий лаззатлар) соҳасидаги ўзини тия олмасликни кўриб чиқамиз.

(Ҳиссий лаззатлардан бошқа соҳалардаги) тийиқсизликни кўриб чиқишда мушкул саволлар келиб чиқишини айтдик. Чунончи, иззат-ҳурматга интилишда ҳеч ким ўзини тийиймайди. Чунки иззат-ҳурматга ҳаддан ташқари интилиш гоҳо мақтовлидир: бундай одам ўз қадрини, шаънини ўйлайди. Шу каби масалаларда тийиқсизлик бўлса, биз қўшимча сўзларни қўллаймиз: иззатталаб, шон-шуҳратга ўч, ғазабини жиловлай олмайди, деймиз. Умуман, тийиқсизлик, очкўзлик, ҳарислик ҳақида гап борганида ҳеч бир сўз қўшмай айтамиз, негаки, тийиқсиз, харис деганда одатда жисмоний лаззат, роҳатларга ўчликни назарда тутамиз.

7. Энди роҳат ёки лаззат (hedones – хедонис) масаласига ўтамиз, бу масала бахт-саодат (eydemonias – евдемониас) билан боғлиқдир. Барча одамлар бахт-саодат лаззатли, ширин ҳаёт кечиришда ёхуд умрни кўп ҳолларда роҳат-фароғатда ўтказишда, деб ўйлайдилар. Баъзи одамлар, аксинча, лаззатга ўрганиш ёмон деб, уни неъматлар қаторига қўшишни шубҳа остига оладилар. Бу одамлар бахтни ҳар ҳолда касалликсиз (ва ғам-кулфатсиз) ҳаёт кечиришда деб биладилар. Касалликсиз ҳаёт эса роҳат-фароғатга яқиндир. Биз ҳозир одамлар роҳат-фароғатни ўйлаши зарурлиги учун эмас, балки бахт-саодат ҳақида гап бошлаб қўйганимиз учун кўриб чиқамиз. Бахт-саодат эса (аввал аниқлаб, тасдиқ этганимиздек) мукаммал фазилатларга амал қилиб яшашдадир. Фазилатлар эса роҳат-фароғат ёки ғам-кулфат билан боғлиқдир. Бу ҳақда яна шунинг учун гапирамизки, бахтли ҳаёт роҳат-фароғатсиз ҳам бўлмайди.

Аввало, лаззат ва роҳатлар ҳаёт неъматлари қаторига кирмайди, деб ўйловчиларнинг далилларини кўриб чиқамиз. Биринчидан, лаззатланиш бирор ишнинг бошланиши, шакл-

ланиш (жараёни)дир, дейди улар. Шаклланиш жараёни эса камолотдан, мукаммалликдан ҳали анча узоқдир. Неъматларда эса номукаммаллик бўлмайди (бу одамларнинг фикри тўғри эмаслигини Арасту қуйироқда кўрсатади. – М.М.). Иккинчидан, лаззатлар одобсизлик, иллатга алоқадор бўлиши мумкин. Иллатлар эса неъмат эмас. Яна: лаззатлар неъмат эмаслигининг сабаби – роҳатланиш, гуноҳ ишларга ҳам, инсонга муносиб, яхши ишларга ҳам, ҳайвонларга, жумладан, молга ҳам хос бўлиши мумкин. Бундан ташқари (учинчидан), лаззатлар инсон учун аъло яхшилик эмас, неъматлар эса аъло яхшиликдир. Ва ниҳоят (тўртинчидан), лаззатлар инсонга ўзини яхши тутишга халақит беради. Яхшиликка халақит берувчи нарсалар неъмат эмасдир.

Аввало, лаззат олиш бошланиш, шаклланиш жараёнидир, деган далилни кўриб чиқайлик. Бу далил ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки, биринчидан, ҳар қандай лаззат ҳам шаклланиш эмас. Масалан, (гўзал манзарани томоша қилиш (Муҳаммад Ғаззолий «Кимиёи саодат»да «Яшил майсаларни, оқар сувларни, гуллар ва боғларни томоша қилиш гуноҳ эмас», деган фикрни айтадики, бу фикрда Арастуга ҳамоҳанглик бор. – М.М.) Яна: (яхши мусиқа ё қўшиқни) тинглаш, (гўзал чеҳраларни кўриш, гулларни ҳидлаш каби лаззатлар мустақил, тугал бўлиб, (ширин нарсаларни) емак-ичмакдан лаззатланиш каби (инсоннинг тўйинишига) ёрдамчи жараён эмас. Емак-ичмак жараёнида эса лаззатланиш ширин таомларнинг камлиги ёки кўплиги билан боғлиқдир.

Яхши нарсанинг кўпайишидан ёки ёмон нарсанинг камайишидан лаззатланиш шаклланиш жараёни бўлиб кўринади. Шу маънода (яхши нарсаларнинг) етишмаслиги ва (ёмон нарсаларнинг) зиёдалиги одамни хафа қилади. Яхшиликнинг кўпайиши ва ёмонликнинг камайишидан инсон роҳатланар экан, бу жараёндан аввал хафачилик юзага келади. Аммо (яхши, гўзал нарсаларни) кўриш, тинглаш, ҳидлашдан аввал хафачилик бўлмаслиги мумкин. Хуллас, шаклланиш жараёни

бўлмаган (мустақил) лаззатлар ҳам бор. Ҳалиги одамлар айтганидек, агар шаклланиш жараёни бўлган лаззатлар неъмат бўлмаса, демак, шаклланиш жараёни бўлмаган (мустақил) лаззатлар неъмат бўлиши мумкин.

Умуман олганда, бирорта лаззатни шаклланиш жараёни дейиш тўғри эмас, чунки ҳатто емак ва ичмак лаззатида ҳам шаклланиш жараёни йўқ, бу нарсаларни шаклланишдир, деганлар янглишадилар. Уларнинг фикрича, таом ейилаётганида одам лаззатланар экан, бу шаклланиш жараёнидир. Аммо бу тўғри эмас. Чунки бизда йўқ ёки етишмаётган таомни истеъмол қилаётганимизда кўнглимизнинг қайсидир қисмида лаззатланиш сезамиз. Овқатланиш пайтида кўнглимизнинг шу қисмида ҳаракат ва фаолият бошланади, шу ҳаракат ва фаолият бизда лаззат ҳиссини уйғотади. Таом ейиш кўриниб тургани учун ҳалиги одамлар буни шаклланиш жараёни дейдилар, аммо улар кўнгил қисмининг ҳаракатини кўрмайдилар. Баъзи одамлар инсон баданини сезиш, ҳис этиш мумкин, кўнгилни эса сезиб бўлмайди, деб ўйлайдилар. Аммо кўнгил бор нарса-ку. Лаззатланишда ҳам кўнгил фаолият кўрсатади. Таом истеъмол қилинаётганида кўнгилнинг ўша қисми ҳаракатга келади. Шундай экан, ҳар бир лаззатланиш тараддуд (тайёрланиш) эмас, балки фаолиятнинг ўзидир.

Баъзи одамлар айтадики; ҳар қандай лаззат ҳам – неъмат эмас. Бу масалани қуйидагича аниқлаш мумкин. Агар биз ҳар қандай категория – ўлчов, мезон турини (моҳият, муносабат, миқдор, вақт ва ҳоказони) гапираётганимизда неъматларни ҳам кўзда тутсак, эътироф этиш керакки, лаззат, роҳат ҳам неъматдир. Ҳар қандай неъматларни олиш, қўлга киритиш одамга роҳат бағишлар экан, демак, роҳат, лаззат ҳам неъматдир.[8] (Бу ерда ахлоқ-одобга зид келмайдиган роҳат, лаззатлар ҳақида гап боради. – М.М.)

Шуни ҳам айтиш керакки, роҳат, лаззатланишларнинг турлари ҳам кўп, ҳар бир тури муайян мезон, тушунча билан ўлчанади. Аммо бу ерда аҳвол илм-фан, масалан, грамматика

(тил қоидалари)даги аҳволга ўхшамайди. Айтайлик, Лампр (олимнинг исми) грамматика илмида моҳир экан, бундан бошқа одамларга ўхшамайди, деган маъно чиқмайди. Чунки грамматика қоидалари барчага бирдир: Лампр учун алоҳида, Ил учун алоҳида грамматика қоидалари йўқ. Лаззат, роҳат соҳасида аҳвол бошқача. (Бир нарсадан биров роҳат олади, бошқа биров роҳат олмайди. – М.М.) Мисол учун, ичиб маст бўлиш ёки жимоъ барчага ҳам роҳат келтиравермайди. Хуллас, роҳат, лаззатлар ҳар ким учун ҳар хилдир.

Роҳатни неъмат қаторига қўшмайдиган (олимлар) яна бир далилга суянадилар: баъзи роҳатлар ахлоқсиз, гуноҳ ишлардадир. Бундай далил, бундай баҳолаш фақат роҳат, лаззатга эмас, балки табиатга, илм-фанга ҳам алоқадор. Баъзи жониворларнинг, масалан, қуртлар, қўнғизлар ва бошқа жирканч жониворларнинг табиати тубандир. Аммо бундан – табиат тубан, деган маъно чиқмайди. Баъзи ҳунарлар (масалан, инсонлар учун зарарли қуроллар ясаш) тубандир, аммо бундан, умуман, касб-ҳунар тубан, деган маъно чиқмайди. Илм-фанлар ҳам, табиат ҳам ўз турига кўра неъматдир.

Ҳайкалтарош ишига баҳо бериш учун унинг ёмон чиққан асарларига эмас, балки яхши асарларига қаралади. Бошқа касб-ҳунарлар, фикрларга ҳам шундай баҳо берилади. Шунга ўхшаш, роҳат, лаззат ҳам неъматдир, деймиз ва айни чоғда тубан лаззатлар борлигини ҳам унутмаймиз.

Турли жониворларнинг табиати турлича, гўзал ва тубан бўлганидек, инсон табиати умуман яхши, бўри ё бошқа ҳайвонларнинг табиати – тубан яралган. Масалан, от билан одам, эшак билан ит табиатлари бир-бирига ўхшамайди. Буларнинг табиатлари турлича бўлгани учун роҳатланиш табълари ҳам турличадир. (Олимлар фикрича, лаззат нотабиий ҳолатдан табиий ҳолатга кўчиш, ёхуд табиий ҳолатнинг тикланиши)дир. Улар (олимлар) яна айтадики, тубан табиатли жониворларнинг тикланиши тубан: гўзал табиатли жонзотларнинг тикланиши яхшидир.

Аммо бу фикрни яна ойдинлаштириш керак. Лаззатларни турлича тушунадиган одамларнинг ҳолати шунга ўхшайдики, Олимп маъбудлари (қадимги юнон мушриклари «кўпхудолик» эътиқодида эди. – М.М.) нектар, гул шарбати ичишини эшитганлар, аммо баъзиларнинг тасаввурича, маъбудлар ароқ ёки вино ичар эмиш, чунки бу одамлар назарида шу нарсани ичиш лаззатли кўринади. Бу янглишув ана шу одамларнинг маъбудлар табиатини билмаслигидандир. Шунга ўхшаш, баъзи одамлар барча роҳат, лаззатларни мукаммал эмас, чалалик оқибати деб тушуниб, бадан роҳатларига боғлайдилар, ва умуман, роҳатни номуносиб деб биладилар.

Модомики, табиат энди тикланаётган жойларда ё вақтларда ҳам, табиат тикланиб, мукаммаллашган жойларда ҳам роҳатланиш бордир. (Гўзал табиат манзараларини, нафис мусиқани) кўриш ва тинглаш вақтида олинадиган роҳатлар юксак (маънавий) ва табиий тикланган, мукаммал хилқатлардан олинадиган роҳатлардир. Мана шу ва шунга ўхшашлардан роҳатланиш ўзи ҳам фаолиятдир. Бадан роҳатлари агар етишмаётган нарсанинг тўлдирилиши бўлса, (гўзаллик ва теранликни) кўриш, тинглаш, тафаккур, мушоҳада қилиш (dianos - isthai) энг яхши роҳатлардир.

Роҳатни (баъзи уламолар) яна шунинг учун неъмат демайдиларки, ҳамма нарсаларга (яхшилик ва ёмонликка. – М.М.) тааллуқли ва умумий бўлган нарсани неъмат деб бўлмайди. Аммо бундай далил кўпроқ иззатпараст одамга ва иззатталаблик (philotimias)га хосдир. Иззатпараст одам барча (неъматлар) фақат ўзимга бўлсин, шу нарсаларда ҳаммадан аъло бўлай, деб яшайди. Бу одам назарида роҳат ҳам шундай нарсалардан биридир. Аммо бу тўғри бўлмаса керак. Чунки неъматларга ҳамма одамлар интилади ва худди шунинг учун улар неъмат саналади. Чунки ҳамма одамлар табиий равишда неъматларга, фаровонликка интилар экан, роҳат, лаззат ҳам неъматдир.

Баъзи уламолар роҳатни неъмат деб ҳисобламаслигининг яна бир сабаби, улар назарида роҳат, лаззат (яхши ишларга, покиза яшашга) тўсқинлик қилади. Бундай деб ўйлашларининг сабаби – уларнинг роҳатни нотўғри усул (me orthos skopein)да тадқиқ этиши, ўрганишидир. Масалан, роҳатланиш умуман, ишлашга халақит бермайди, аммо баъзи бир номуносиб роҳатлар (ичиб, маст бўлиш) ишга халақит беради. Бундай мантиққа кўра бир вақтда икки илм, ҳунар билан шуғулланиш мумкин эмас, баъзи илмлар бошқа илмларга халақит беради, деб ўйлаш мумкин. Аммо илм ўрганишдан роҳат келадиган бўлса, илм – неъмат-ку. Илм ўрганишга роҳатланиш халақит бермайди-ку! Роҳатланиб ишлаётган одам кўпроқ нарса ишлаб чиқариши мумкин-ку! Аслида (фойдали) фаолиятдан роҳатланиш одамга янада куч-ғайрат бахш этади. Яхши одам бошқаларга яхшилик қилаётганида роҳатланса, унинг шу соҳадаги куч-ғайрати янада ошмайдими?

Яна: Яхшиликни роҳатланиб қилган одам муносиб, муҳтарамдир, яхшилик қилаётганидан хафа бўлган кимса яхши одам эмас. Чунки одам бир ишни мажбуран бажараётганида хафа бўлади. Мажбур бўлиб (бўйнидан боғлаб, судрагандай) иш қиладиган одам номуносиб одамдир. Бундан ташқари, инсон яхшиликни қилаётганида ё қувонади, ё ғам чекади. Ўртача (лоқайд) ҳолатда бўлмайди. Нима учун? Чунки яхшилик фазилати туйғулар ҳаракати (en pathei) билан намоён бўлади. Туйғулар ҳаракати қувонч ёки қайғу билан боғлиқдир, булар ўрталиғида эса ҳеч қандай туйғулар ҳаракати йўқ. Шунинг учун, равшанки, яхшилик ё қайғу, ё қувонч, роҳат билан боғлиқдир. Гўзал ишни хафа бўлиб қиладиган киши яхши одам эмас. Шундай экан, яхшилик қайғу билан эмас, қувонч, роҳат билан биргадир. Хуллас, (чин маънодаги) роҳат фаолиятга халақит бермайди, аксинча, ғайратни оширади. Яхшилик албатта қувонч, роҳат келтиради.

(Роҳатни неъмат демайдиганлар) яна бундай далилни келтирадилар: ҳеч бир илм роҳат келтирмайди (бу ерда Арасту илм деганда ҳунарни кўзда тутади. – М.М.). Бу фикр ҳаққоний эмас. Чунки, моҳир пазандалар, гулдаста, гултож ясовчилар, атторлар (хушбўй моддалар тайёрловчилар) одамларга роҳат, лаззат келтирадилар. Бошқа ҳунарларнинг асосий мақсади роҳат келтириш бўлмаса ҳам ҳар ҳолда улар билан шуғулланиш завқ-шавқ беради. Демак, ҳунарлар инсонга роҳат етказади.

(Уламоларнинг) яна бир далили: роҳат – олий неъмат эмас. (Бу тўғри, аммо) шу тахлит фикр юритилса, айрим фазилатларни ҳам йўққа чиқариш мумкин. Мардлик – олий неъмат эмас, бу тўғри, аммо мардлик – умуман неъмат эмас, дейиш нотўғри. Бошқа фазилатлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Лаззат, роҳат олий неъмат эмаслиги тўғри, аммо роҳат умуман неъмат эмас, дейиш нотўғри.

Энди, фазилатларга келсак, бундай мушкул савол туғилади: маълумки, ақл ҳиссиётларни жиловлаб туради. (Босиқ, вазмин одамларда) ва аксинча, ҳиссиётлар ақлга бўйсунмаслиги, уни маҳв этиши мумкин (тийиқсиз, баднафс одамларда). Фараз қилайлик, кўнгилнинг ақлсиз қисми (гуноҳларни истовчи қисми – kakian) кўнгилнинг тўғри фикрловчи қисми (logos es diakeimehos)ни бўйсундиради; ёки, айтайлик, ёмон йўлга бошловчи ақл (logos faulos diakeimenos – имом Ғаззолий буни нафси аммора, дейди) фазилатга эга бўлган ҳаққоний туйғуларни ўзига бўйсундиради, бу ҳолда ёмон йўлга бошловчи ақл фазилатли туйғудан ҳам ёвуз мақсадда фойдаланади. Оқибатда бемаънилик келиб чиқади.[9]

Бу мушкул саволни фазилат ҳақида юқорида айтганларимиздан фойдаланиб, қуйидагича ҳал этиш мумкин: аввалроқ эътироф этган, тўғри йўл кўрсатувчи ақл фазилатли туйғулар ҳаракати билан ҳамкор, ҳамоҳанг бўлганида фазилат пайдо бўлади. Ақл ва туйғуларнинг бундай ҳамоҳанглиги вақтида доимо ақл яхшиликларга буюради, тўғри, покиза туйғулар

эса оқилона буйруқларга осон ва тез бўйсунаверади. *Агар туйғулар покиза бўлсаю, уларга ҳукм ўтказаётган ақл йўлдан оздирувчи бўлса, фазилатга ўрин қолмайди. Чунки фазилат яхшиликка бошловчи ақл билан покиза туйғулардан келиб чиқади. Шунинг учун агар инсонда фазилат бўлса, уни ёвуз ниятда ишлатиш сира мумкин эмас.*

Умуман олганда, баъзилар ўйлаганидек, фазилатнинг асоси, манбаи ва раҳнамоси – ақл эмас, балки, ta pathe – туйғулар фаолиятидир. Кўнгилда аввало гўзалликка, яхшиликка қандайдир ҳали англанмаган интилиш (hormen alogon) пайдо бўлади, шундан сўнг ақл ўз ҳукми билан интилишга йўл очиб беради. Бу ҳолни биз (беғубор) болаларда ва тилсиз жониворларда кузатишимиз мумкин: уларда ақл бўлмаса ҳам гўзалликка интилиш (kalon) бор. (Болалар улғайганда) ақл қўшилиб, гўзал ишларни бажаришга ёрдам беради. Аммо ақлнинг ўзида туғилган гўзалликка интилиш бошқачадир: бу ҳолда ақлга туйғулар унчалик бўйсунмайди ва қаршилик кўрсатади. Шунинг учун яхшилик ва фазилатнинг archei – асоси – ақл эмас, балки тўғри, покиза туйғулар ҳаракати (pathos ey diakeimenon) дир.

8. Бахт-саодат ҳақида гап борганида шулардан кейин энди тасодифий муваффақият – омад (eytykhias) нималигини кўриб чиқайлик. Оломон ўйлайдики, бахтли ҳаёт омадли ёки омадлар учраб турадиган ҳаётдир. Оломон ўзича ҳақдир, чунки омаддан келувчи, инсондан ташқаридаги ноз-неъматларсиз бахтли бўлиш қийин. Шунинг учун омад нима ўзи, том маънода омадли одам (haplos eytykhes) ким, қайси ҳолатларда, нимага нисбатан уни омадли деймиз? – каби саволларга жавоб излайлик.

Аввало, мушкуллик шунда туғиладики, яхшироқ ўйлаб кўрсак, ҳеч ким тасодифни табиий ҳолат демайди. Табиат деярли барча ҳолатларда бир хил тартибда ҳаракат қилади. Тасодифда эса тартиб йўқ, бехосдан иш кўради (hos etykhen). Бехосдан бўлгани учун ҳам тасодиф дейилади. Тасодифни

ақлга ёки тўғри фикрлашга ўхшатиб бўлмайди; чунки ақл ва тўғри фикрлашда ҳам тартиб ва изчиллик бор. Ақл ва тўғри фикрлаш кўпроқ бўлган жойда тасодиф кам бўлади, аксинча, тасодифга кенг майдон бор жойда ақл ва тўғри фикрлашга ўрин кам бўлади. Эҳтимол, тасодифий муваффақият – омад «тангрилар»нинг аллақандай ғамхўрлиги (epimeleia) дир? Ё бундай эмасмикин? Биз эътироф этамизки, Тангри бу нарсаларнинг эгаси, у яхшилик ва ёмонликларни ҳар кимнинг қилмишига яраша тақсимлайди (бу ерда мушриклар замонида яшаган Арастунинг Тангрини бирликда айтишига эътибор беринг. – М.М.) Аммо тасодифлар ва уларнинг оқибатлари чиндан ҳам тасодифийдир. Биз мабодо Худони неъматларни тасодифан тақсимлайди, номуносиб одамларга ҳам бериб юборади, десак, Ҳақ таолони «ёмон» ва ноҳақ ҳакам» деб ўйлаётган бўламиз. Худои таолонинг ёмон ва ноҳақ бўлиши мумкин эмас (бундай ноҳақлик Унга ярашмайди). Аммо тасодиф, омадлар ҳақида бошқача ўйлаш ҳам қийин. Ақл, ҳисоб-китоб, илм-ҳунарлар тасодифий нарсалар эмас. Бошқа тарафдан Худои таоло раҳмати ва марҳаматини дуч келган, тасодифий одамларга раво кўрмайди. Раво кўрса, у Худога ўхшамайди. Ёмон одамларга яхшиликни раво кўриш Худога хос сифат эмас. Демак, омадга энг яқин турган нарса – табиат бўлиб қолади.

Омад ва тасодиф – мана шулар бизнинг ихтиёримизда эмас, биз буларга ҳукмимизни ўтказолмаймиз, уларни содир қилиш қўлимиздан келмайди (ёвуз ният билан, аввалдан уюштирилган сохта «тасодифлар» бундан мустасно. – М.М.). Шу туфайли, одил одамни адолатли иш қилгани учун, жасур одамни дадиллиги учун ва бошқа фазилатли одамларни ҳам омадли, демайдилар. Чунки бу фазилатларга эга бўлиш ёки бўлмаслик ўз ихтиёримиздадир. Қуйидаги нарсаларни омад дейишга кўпроқ ҳақлимиз: насл-насаби тоза, олижаноб одамни омадли дейиш мумкин, чунки насли тозалиги унинг ўзига боғлиқ эмас. Шунга ўхшаш, ўзига

боғлиқ бўлмаган неъматларга эга бўлган бошқа одамларни ҳам омадли деймиз. Аммо бундай одамларнинг омади том маънода тасодифий (kurios – курйоз) эмас.

Омадли сўзи кўп маъноларни англатади: биров мўлжалидагидан яхшироқ нарсага эга бўлиб қолса ёки биров зарар кўраман, деган ишида фойда кўриб қолса – омадли деймиз.

Хуллас, ўзимиз кутмаган неъматга эга бўлиб қолсак ёки ёмонлик кутаётганимизда яхшилик кўрсак, бу ҳолатларни омад деймиз. Кутилмаган неъматларнинг келиб қолиши бахтли тасодифдир. Кутилган бало-қазога, фалокатга учрамай қолиш янада бахтли тасодифдир.

Демак, омад табиатнинг англанмаган ҳаракатидир. Табиат каби, одамлар ҳам, ўзлари яхши англамаган, аммо ўзлари билмаган ҳолда табиатларида бор яхшиликларга интилишдан (ly ekhomen) кайфияти чоғ, хурсанд бўлади. Ўзи билмай ё англамай яхшилик қилган одамдан: «Нима учун бундай иш (яхшилик) қилдинг, сенга ёқадими?» деб сўрасангиз, у: «Билмадим, лекин шу ишга дилим кетди, менга ҳам бир илҳом келиб қолди (enthoy siadzoisin – энтузиа-йадзойсин) деб жавоб беради. Илҳом оғушида иш қилувчи одамлар ўзлари англамаган ҳолда бирор яхшилик қилишга интиладилар (pratteinti).

Тасодифий кайфият, омаднинг сабаби ҳақида гапирганимизда бу нарсага яраша ном тополмаймиз, кўпинча сабаби фалон, деб қўя қоламиз. Аммо сабабнинг бўлиши омад тушунчасига бегонадир,[10] негаки, биз айтаётган сабаб бошқа, омаднинг сабаби бошқадир. Шу маънода фалончи ўзи кутилмаган ҳолда неъматни қўлга киритиши ёки фалокатдан қутулиб қолишининг сабабини тасодифий муваффақият, яъни омад, дейдилар. Мана шу (иккинчи хил) омад аввалгисидан фарқланиб, қулай вазиятларнинг мос келиб қолишидан бўлади. Шу маънода бу ҳақиқий тасодиф эмас, балки маълум сабаб аралашган тасодиф, омаддир. Кутилмаган яхшилик – омад тасодифий бўлса-да, аммо бу омад инсон кўнглидаги

яхшиликка пинҳоний интилиш билан боғлиқдир. Инсондан ташқаридаги неъматларсиз бахт-саодат бўлмас экан, тасодифан келган яхшилик, омад, ана шу бахтга интилишга ҳамкорлик, мададкорлик қилади (synergos). Омад ҳақида билганларимиз шудир.

9. Биз юқорида ҳар бир фазилат ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдик; энди турли қисмларни умумлаштириб, бирлаштириб, яхлит ҳолга келтиришимиз қолди. Шу маънода, баркамол фазилатларга эга бўлган, фозил одамнинг феълини ярашиқли ном билан – маънавий гўзаллик (kalokagathia) деб атайдилар.[11] Баркамол, комил инсон (teleos spoydaios)ни маънавий гўзал одам, дейдилар. Маънавий гўзал деб, одамнинг фазилатларига қараб айтилади: адолатли, мард, оқил ва бошқа барча фазилатларга бой одамни маънавий гўзал инсон деймиз.

Яхшиликларни икки хилга бўлиб, баъзиларини гўзал, ажойиб (kala), баъзиларини яхши (agatha) деб атаймиз. Яхши нарсалардан баъзиларини асл деймиз. Фазилатлар ва хайрли нарсалар гўзал, ажойиб иш-амаллардир. Яхши нарсалар эса мансаб, бойлик шон-шуҳрат, шаън ва ҳоказолардир. Маънавий гўзал инсонда ажойиб, гўзал нарсалар (фазилатлар) ҳам, яхши нарсалар ҳам асл, табиийдир. Бундай одам ҳам яхши, ҳам гўзал инсондир (kalos kaiagathos). Асл, яхши нарсаларни ёмон кўрувчи одамлар маънавий гўзал инсон эмас, албатта. Бу гўё асл, фойдали нарсалар (таомлар) танасига ёқмайдиган одам соғ одам эмас, деганга ўхшайди. Бойлик ва мансаб кимгадир ёқмайди (яъни, бойлик ва мансаб уни бузади), бундай одам бойлик ва мансабни ёқтирмайди ва ўзига зарар келмайдиган нарсаларга эга бўлишни истайди. Бундай одам маънавий гўзал эмас.

(Изоҳ: Арастунинг бу фикри яхши одамларга нисбатан тўғри. Кўпчилик одамларга нисбатан нотўғридир. Кўпчилик одамлар бойлик, мансаб ва шу кабилар маънавий поклик учун хавфли эканини билиб туриб ёки билмасдан, бутун вужуди

билан шуларга интиладилар. Бундай одамлар бойлик ва мансаб халққа яхшилик қилиш, яхшиларни рағбатлантириб, ёмонларни жазолаш учун керак эканлигини тушунмайдилар, аксинча, бу неъматлардан шахсий бойлик орттириш, одамлардан пора олиш, юлғичлик қилиш учун фойдаланишни кўзлайдилар ва оқибатда гуноҳларга ботадилар. – М.М.).

Бойлик ва мансаб каби неъматлардан айнимайдиган, яхшиликни биладиган одамлар маънавий гўзалдир.

10. Фазилатларга мувофиқ тўғрилик билан яшаш ҳақида юқорида гапирдик, аммо жуда кам гапирдик. Тўғри фикрга мос ҳаракат қилиш (kata ton arthon logon – кататон ортон логон)ни тўғри яшаш, дедик.[12] Аммо бунинг нималигини билмайдиган одамларда савол туғилади: тўғри фикрга мос ҳаракат қилиш нима, (қандай қилиб) қаерда тўғри фикрлаш мумкин?

(Жавоб) Кўнгилнинг ақл юритмайдиган қисми (alogon) кўнгилнинг ақлли қисми (logistikon) ҳаракатларига халақит бермаса; ҳаракатларимиз тўғри фикрлашга мос келса (тил билан дил мувофиқ бўлса) тўғри (фикрлаб) яшаш мумкин.

Кўнгилда аъло ва паст хилқатлар бор. Паст хилқат аъло хилқатларга хизмат қилиши зарур. Руҳ аъло хилқат, вужуд, бадан – тубан, паст хилқат. Вужуд аслида руҳга хизмат қилиш учун берилган. Агар вужуд, бадан руҳ ишига халақит бермаса, аксинча, унга дастёрлик қилса соғлом вужуддир (ekhein kalos). Шундай экан, туйғулар, ҳиссиётлар ақлга халақит бермай, ақлга мувофиқ иш тутсалар – оқилона иш юзага чиқади. (Арасту юқорироқда туйғулар ҳаракатини – баланд мартабада деб, исбот қилган эди. – М.М.).

Баъзилар бу фикрларга эътироз билдирадилар: «Ҳиссиётлар қандай ҳолатда ақлга халақит бермайди? Шунақа ҳолат қачон бўлиши мумкин? Биз бундай ҳолатни билмаймиз. Шундай саволларга жавоб бериш осон эмас. Ҳушини йўқотган касалга дамлама дори беришни буюрган шифокор ҳам худди шундай аҳволга тушади. Ундан сўрайдилар: «Беморнинг ҳуши йўқолганини қандай биламиз?» Шифо-

кор айтади: «Бемор сарғайиб кетади». Яна сўрайдилар: «Беморнинг сарғайгани қандай билинади?» Шу вақтда шифокор айтадики (яъни, айтиши керакки), «Ўзингиз шундай аҳволга тушмаган бўлсангиз, буни сизга тушунтириб бўлмайди». Мана шу умумий мулоҳаза бошқа соҳаларга ҳам тўғри келади. (Ақл фаолиятига халақит бермайдиган) ҳиссиётлар йўналишини тушуниш учун бу ҳолатни одам ўз бошидан кечирган бўлиши керак, шунда ўша ҳолатни равшан ҳис этиши, тасаввур қилиши мумкин.

Яна бундай савол берадилар: «Мана шуларнинг барчасини билиб олсам, бахтли бўламанми?» Одатда сўровчига «Ҳа» деб жавоб берадилар. Аммо бу нотўғри жавоб. Ахлоқдан бошқа илм-фанларни билган одамлар ҳам билимларини амалда қўллай олмайдилар, улар фақат ўша илмларга оид билимларни эгаллайдилар, холос. *Қандай қилиб бахтли бўлиш мумкинлигини билиб олган одам бахтли бўлиб қолмайди. Чунки бахтли бўлиш учун гайрат билан меҳнат, ҳаракат қилиш (курашиш) керак. Бахт нималардан иборатлигини билган одамни бахтли одам деёлмаймиз, чунки ана шу билимларга амал қилиш керак бўлади.* Бахтга доир билимларга амал қилиш, қўлланиш, фаолият кўрсатиш – бу энди (бахтга доир) илмнинг вазифаси эмас (аммо мақсадидир. – М.М.). Бошқа ҳар қандай фанларда ҳам амалиётга ўтилмаса, билимларни қуруқ эгаллаш бўлиб қолаверади.

11. Шу гаплардан кейин энди дўстлик (philia – филия) нима, у кимга нисбатан, қандай намоён бўлади? – деган мавзуда гапирмасак бўлмайди. (Чин) дўстлик ҳар қандай шароитларда ҳам умр бўйи давом этади, дўстлик неъматдир ва у бахт-саодатга алоқадор масаладир. Яхшиси, бу масаланинг мушкул тарафларидан гап бошлай қолайлик.

Одамлар кўпинча, дўстлик бир-бирига ўхшаш одамлар ўртасида боғланади, деб ўйлайдилар ва гапирадилар. Шундай мақоллар ҳам бор: «Зоғча зоғчанинг ёнида ўтиради». Яна: «Тенг тенги билан».[13] Қандайдир ит доимо бир ғиштнинг

олдида ухлар экан. (Файласуф) Эмпедоклдан бунинг боисини сўрашибди. У айтибдики: «Бу ғишт ўша итга ўхшаб кетади, шунинг учун ит ўша жойни яхши кўради».

Баъзилар эса, аксинча, қарама-қарши одамлар бир-бирига интиладилар, «Ер қуриб кетса, ёмғир азиз кўринади», дейдилар. Бир хил одам ўзига ўхшаш одамга (унчалик) муҳтож эмас, шунинг учун қарама-қарши одамлар бир-бири билан дўстлашувга интиладилар.

Дўстлашув (дўст топиш) осонми, қийинми? Лаганбардор, хушомадгўй одамлар бировларнинг ишончини тез қозонадилар (пинжига тез кириб оладилар), аммо дўстга ўхшаса ҳам булардан дўст чиқмайди.

Яна бир масала: Яхши одам ёмон билан дўстлаша оладими? Йўқ, дўстлик учун садоқат ва ишончни оқлаш керак, ёмон одамда бундай фазилатлар бўлмайди.

Аввало, биз қанақа дўстликни кўриб чиқмоқчимиз, шуни аниқлаб олайлик. (Баъзилар ўйлашича) Худои таоло билан дўстлашиш мумкин, яна жонсиз нарсалар билан ҳам дўстлашиш мумкин, дейдилар. Бу фикр тўғри эмас. Дўстлик бор жойда икки томонлама меҳр, садоқат, («жавоб меҳри» – antiphileisthai) туғилади. Худои таоло билан қандай дўстлашиш мумкин? (Арастунинг бу фикри бир қарашда исломий ахлоққа зидга ўхшайди, аммо яхшироқ ўйлаб кўрилса, юнон файласуфи, биринчидан, мушриклар маъбуди билан дўстлашиш мумкин эмаслигини, иккинчидан, энг олий Зот, якка Худои таоло билан дўстлашиб, тенглашиш вожиб эмаслигини кўзда тутган бўлиши мумкин. – М.М.)

Зотан, биз ҳозир Ҳақ таоло билан дўстликни, жонсиз нарсалар (масалан, бутлар, санамлар, тоғу тошлар. – М.М.) билан дўстликни эмас, балки жонзотлар ўртасидаги жавоб қайтгувчи дўстликни кўриб чиқмоқчимиз. Дўстона туйғулар уйғотувчи нарса (phileton – филетон) билан дўстликни талаб қилувчи нарса (phileteon – филетеон) бир хил бўлмаганидек, севимли нарса – (boyleton) билан севинтирувчи нарса –

(boyleteon) ҳам бир хил эмасдир. Севикли нарса ўз-ўзича мавжуд неъматдир, севинтирувчи нарса эса бирор одамни севинтириш мумкин бўлган нарсадир.

Меҳр-оқибат уйғотувчи нарса ҳам ўз-ўзича мавжуд неъмат, меҳр-муҳаббат талаб қилувчи нарса эса муайян бир одам учун неъматдир. Шундан келиб чиқиб, муҳаббат истовчи томон муҳаббат уйғотувчи томон билан доимо бирга бўлишни истайди. Муҳаббат уйғотувчи томон эса муҳаббат истовчи томон билан мувофиқ келмаслиги мумкин.

Шу масала билан боғлиқ савол: яхши, муносиб одам билан ёмон одам дўст бўлиши мумкинми? Аслида фақат маълум одам учун яхши бўлган неъмат бошқалар учун неъмат бўлиши мумкин. Худди меҳр-муҳаббат истовчи билан меҳр-муҳаббат уйғотувчи боғлиқ бўлганидек. Ёқимли ва фойдали бўлиш ҳам неъматларнинг (бу ўринда, дўстликнинг) хусусияти билан боғлиқдир.

Муносиб (яхши) одамларнинг дўстлиги ўзаро жавоби қайтадиган дўстликдир, дейдилар. Булар иккаласи бир-бири учун меҳр-муҳаббат уйғотувчилардир. Булар муносиб (яхши) бўлганлари учун ҳам меҳр-муҳаббат уйғотадилар. Унда яхши одам билан ёмон одам ўртасида дўстлик бўлмас экан-да? Йўқ, бўлади. Чунки неъмат фойдали (to synpheron), ёқимли (to hedy) ва ёмон бўлиши ҳам мумкин. Одамлар бировни ёқимли (хушфеъл) бўлгани учун, бировни ёмон бўлса ҳам фойдали бўлгани учун дўст тутадилар. Албатта, кейинги дўстлик ўзаро меҳр-муҳаббатга суянмайди (ва мустаҳкам эмас. – М.М.).

Ўзига меҳр-муҳаббат уйғотувчи одам неъматдир; ёмон одам эса ўзига меҳр-муҳаббат уйғотмайди. Бундай дўстликнинг асоси меҳр уйғотувчида эмас, балки меҳр истовчидадир. (Озми, кўпми) фазилатли одамларда дўстликнинг турли кўринишлари: ҳузур-ҳаловат берувчи дўстлик ҳам, фойда етказувчи дўстлик ҳам учрайди. Ҳузур-ҳаловатли дўстлик билан фойдани кўзловчи дўстлик бир-бирига тенг эмас, аммо бир-бирига бегона ҳам эмас.

Мана шу икки хил дўстликнинг умумий асоси ҳам бор. Масалан, пичоқ шифо беради, врач шифо беради, илм (тиб илми) шифо беради, аммо булар бир-бирига тенг эмас. Пичоқ шифокорликда ишлатилади, инсон шифокор, илм-ҳунар эса шифокорликнинг сабаби ва асосидир. Фазилатли одамларнинг дўстлиги ҳам ё неъмат, ё ҳузур-ҳаловат ва ё фойда топиш асосига қурилади. Бу ерда умумийлик фақат ўхшаш сўзларда эмас, (балки ўзаро дўстона муносабатлар пойдеворидадир). Масалан, биров: мана бу одам ҳузур-ҳаловат учун дўст тутинган, у ҳақиқий дўст эмас, деганида дўстликнинг барча турларини (неъмат, ҳузур-ҳаловат, фойда асосидаги дўстликларни) назарда тутган бўлади. Ва у ҳақ бўлиб чиқади: ўша одам (яхши одам билан) ёқимли ва фойдали бўлгани учун дўстлашган бўлади.

Фозил одамлар бир-бири билан дўстлашадими? Ахир улар бир-бирига муҳтож эмаслар-ку? – деган савол туғилади. Аммо бундай саволни дўстликдан фақат фойда қидирганлар бериши мумкин. Булар, одамлар бир-биридан фойда топганлари учун дўстлашадилар, деб ўйлайдилар. Аммо биз юқорида кўнгилхушлик, роҳатланиш учун, фойда кўриш учун ҳамда фазилатлари учун боғланган дўстлик турларини кўриб чиқдик. Фозил одам билан дўстлашгани муносиб одам – фозил одамдир. Фозил одамлар дўстлиги энг кучли, мустаҳкам дўстликдир. Чунки бундай одамларнинг дўстлигида неъмат, яхшилик ҳам, роҳат ҳам, фойда ҳам бор.

Аммо фозил одам ёмон одам билан дўстлаша оладими? Ҳа, агар у ёмон одамдан қандайдир фойда кўрадиган бўлса, ўша меъёрда дўстлаша олади. Ёмон одам ёмон одам билан дўстлашадими? Иккаласи учун ҳам бу дўстлик фойда келтирса, дўстлашади. Келадиган фойда учун ёмон одамлар ҳам дўстлашадилар.

Хуллас, энг мустаҳкам, садоқатли ва ажойиб дўстлик – фазилат ва яхшилик асосига қурилган муносиб, фозил одамларнинг дўстлигидир. Бундай дўстлик заминидаги фазилатлар

айнимаганидек, буларнинг дўстлиги ҳам бузилмасдир. Фойда асосидаги дўстлик эса, фойда келмай қолса, узилиши мумкин. Кўнгилхушлик учун дўстлашув ҳам шундай.

Энг яхши одамларнинг дўстлиги фазилатга, кўпчилик одамларнинг дўстлиги фойдага асосланади; қўпол (phortikoisin) ва жўн, бачкана (tykhoysin) одамларнинг дўстлиги эса кўнгилхушлик қанча давом этса, шунгача сақланиб туради.

Одатда одамлар дўстлари ёмон чиқиб қолса, ҳайрон қоладилар ва хафа бўладилар. Аммо бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Кўнгилхушлик ва фойда учун дўст бўлганлар, оладиган роҳатлари ёки фойдалари йўқолса, дўстликлари ҳам йўқолади. Шундайлар ҳам борки, агар дўстидан ёмонлик кўрса, қаттиқ хафа бўладию, аммо дўстидан воз кечмайди. Бу ҳам табиийдир, чунки бу одамларнинг дўстлиги фазилатга асосланмаган. Бундай пайтда хафа бўлиш ҳам ўринсиздир. Чунки ўзлари кўнгилхушлик учун дўстлашган, аммо фазилати учун дўст бўлган эдим, деб ўйлайдилар. *Кўнгилхушлик ва фойда учун дўстлашган одамлар фазилатдан узоқ одамлардир. Кўнгилхушлик учун дўстлашиб туриб, бир-биридан фазилат излаш беҳудадир. Кўнгилхушлик ва фойдани азиз деб билган дўстларда фазилат нима қилади?*

Аксинча, фозил одамлар дўстлигида (юқорида айтганимиздек) роҳат ҳам, фойда ҳам топилади. Фозил одамлар бир-бирига ёқади, деган фикрни рад этиш нотўғридир. Чунки ҳатто ёмон одамлар ҳам бир-бирига ёқади. Эврипид айтганидек, «Ёмонни кўрса ёмон эриб кетади».[14] Аслида, кўнгилхушликка фазилат ҳам қўшилмайди, балки фазилатга кўнгилхушлик ҳам қўшилади.

Муносиб одамларнинг дўстлигида кўнгилхушлик, роҳат борми? Йўқ, дейиш ақлдан эмас. Чунки, мабодо яхши дўстлар бир-биридан роҳат топмаса, улар дўстлари билан эмас, балки бошқа, ёқимли одамлар билан яқин бўлур эдилар. Айниқса, биргаликда иш кўрадиган дўстлар бир-бирига ёқиши

керак. Яхши одамлар бир-бири билан аҳил, иноқ бўлмайди, дейиш бемаъниликдир. Одатда бир-бирига ёқимли одамлар аҳил, иноқ яшайдилар. Бундан чиқди, фозил одамлар, айниқса, бир-бирига ёқимли бўладилар.

Юқорида уч хил дўстлик ҳақида гапириб, дўстлик тенгликка асосланадими ёки тенгсизликками? – деган масаланинг мушкуллигини айтган эдик. Энди шу масалага қайтамиз: дўстлик тенгликка ҳам, тенгсизликка ҳам асосланади. (Кўнгиллари) ўхшаш одамларнинг дўстлиги муносиб, яхши одамларнинг баркамол дўстлигидир. Бир-бирига ўхшамайдиган одамларнинг дўстлиги фойдани кўзловчи дўстликдир. Камбағал бой билан шунинг учун дўстлашадики, ўзида йўқ нарсаларни бойдан топиши мумкин. (Инглиз мумтоз шоири Оскар Уайльд «Садоқатли дўст» ҳикоясида бунинг ажойиб намунасини кўрсатади. – М.М.)

Ёмон одам ҳам худди шу ниятда фозил одам билан дўстлашади: умид қиладики, фозил одамнинг фазилатидан менга ҳам юқса, дейди. (Бу фикрга қўшилиш қийин. Агар аҳмоқ одам шундай ният қилганида, ақлли одам бўлур эди. Бизнингча, аҳмоқ одам фозил одамнинг баланд мавқеи ёхуд обрўйидан фойдаланиш учунгина дўстлашади. – М.М.).

Хуллас, бир-бирига ўхшамайдиган одамларнинг дўстлиги фойда асосига қурилади. Эврипид (юнонларнинг даҳо шоири) «Ер қуриб кетса, ёмғирни соғинади» деганида қарама-қарши томонларнинг бир-бирига фойда етказувчи дўстлигини кўзда тутган эди. Сув билан ўтни олайлик: булар бир-бирига фойдалидир. Одамлар айтадики, сув сепилмаса, олов ўчиб қолади. Баъзилар ўйлашича, олов сув билан озиқланади. Агар намлик кўпайиб кетса, олов ўчиб қолиши мумкин, озгинаси эса уни кучайтиради. Демак, бир-бирига зид хилқатлар ўртасида ҳам фойда асосида дўстлик бўлиши мумкин. Тенглик ва тенгсизлик асосидаги барча дўстона муносабатлар ҳам юқорида айтганимиздек, уч турга алоқадордир.

Дўстликнинг барча турларида ўзаро муносабатларда тафовутлар бор: дўстларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати, яхшилик қилиши, ёрдами ва ҳоказо муомалалари бир хил эмас. Дўстлардан бири жонини койитса-ю, бошқаси бепарволик қилса, бепарво дўстни койийдилар ва қоралайдилар. Айниқса, дўстлар ўз олдларига умумий мақсад қўйганларида (масалан, фойда, кўнгилхушлик) бир томон бепарволик қилса, дарҳол кўзга ташланади. Мабодо сен менга кўпроқ яхшилик қилсанг, мен сени кўпроқ яхши кўришим керак. Агар дўстлашувда умумий мақсад бўлмаса, фарқлар кўпаяверади. Бундай пайтда қайси тараф бепарволик қилаётгани унчалик билинмайди. Масалан, дўстлардан бири кўнгилхушликни кўзлайди, иккинчиси фойдани кўзлайди. Шу пайтда ўртада баҳс туғилади, ҳар икки томон ўзи кўзлаётган нарсани дўстидан топмаётганидан хафа бўлади. Чунончи, фойда етказаётган одам ўйлайдики, тўғри, дўстим менга кўнгилхушлик топиб бермоқда, аммо бу мен етказган фойдага нисбатан арзимас-ку? – дейди. Бошқаси ҳам шунга ўхшаб, норозилик билдиради. Мен етказаётган роҳатга нисбатан дўстим кам фойда етказмоқда, дейди. Дўстликнинг мана шу турларида кўпинча узоқлашув юз беради.

Тенгсиз одамларнинг дўстлигида ҳам шундай. Бойлиги ё бошқа неъмати кўп одам: «Мен дўстларимни яхши кўрмасам ҳам камбағал дўстларим мени яхши кўришлари керак», деб ўйлайди. Аммо (билиш керакки) севилишдан кўра севиш яхшироқ, чунки севиш неъматдир ва у инсонга роҳат бағишловчи фаолиятдир. Севилган одамда эса ҳеч қандай фаолият юз бермайди (фақат у севилганидан хурсанд бўлади, холос, баъзилар эса бундан хурсанд ҳам бўлмайди. – М.М.).

Яна: билинишдан кўра билиш яхшироқ. Чунки билиниш жонсиз нарсаларга ҳам хосдир. Билиш ва севиш жонли мавжудотларга хосдир. Ва яна: Хайр қилиш хайр олишдан яхшидир (исломий ахлоқда ҳам шундай: берувчи қўл – устида, олувчи қўл – остида, деган ҳадиси шарифни эсланг. – М.М.).

Севгувчи севганидан яхшилик қилади, севимли одам эса севилгани учун яхшилик қилмайди. Шунга қарамай, кўпчилик одамлар иззатталаблик қилиб, севишдан кўра севилишни афзал кўрадилар. Чунки севимли одам кўп жиҳатлардан имтиёзларга эга. Роҳат ҳам, севги ёки маблағ ҳам, яхшилик ҳам севимли одамга берилади. Шунинг учун иззатталаб одам (севишдан кўра) севилишни, устунликни афзал кўради. Бундай одамлар дўстим севгани эвазига, мен уни севишим керак, деб ўйламайди, мен ундан афзал бўлганим учун у мени суяверсин, деб ўйлайди. Пул (мол-дунё), роҳат-фароғат, фазилатларга муҳтож одам шундай неъматларга бой одамни яхши кўради, сабаби – шуларни дўстидан олишни кўзлайди.

Баъзи одамлар бировга ҳамдардлик билдириб, яхшилик қилиш ниятида ҳам дўстлашадилар. Бундай дўстликда юқорида айтилган хусусиятлар йўқ: биз у одамга яхшилик тилаймиз, аммо бошқалар билан муомала қиламиз. Бундай ҳиссиётни умуман дўстликка хос деймизми ёки фақат мукаммал, фазилатли дўстликка хос деймизми? Фозиллар дўстлигида шуларга муносиб барча хислатлар: роҳат, фойда етказиш, фазилатидан баҳра олиш – барчаси мавжуддир.

Мукаммал дўстликда одам фақат муносиб дўст билан яқинликда яшашни истайди, унга яхшилик, узоқ умр ва фаровонлик тилайди.

Одам ўзи билан дўстлашиб, ўзини севиши мумкинми, йўқми, бу ҳақда ҳозир индамаймиз. Аммо кейинроқ бу масалани ҳам кўриб чиқамиз. (Табиийки), биз ўзимизга барча яхшиликларни хоҳлаймиз. Ўз-ўзимиз билан гаплашгимиз келади, ўзимизга яхшилик, фаровонлик тилаймиз. Ўзимизга кўпроқ ачинамиз, йиқилиб ё бошқа сабабдан бирор жойимиз лат еса, дарров хафа бўламиз. Шу маънода одам ўз-ўзига дўстдир. Ўз-ўзимизга дўст бўлганимизда ёки мукаммал дўстликда бошқаларга ҳамдардлик қиламиз, яхшилик тилаймиз, ташвиш ва қувончларимизни баҳам кўрамиз. Ҳар иккала

ҳолда ҳам биргаликда (ёки яқинликда) ҳаёт кечириш, узоқ умр ва фаровонлик тилаш истаги бўлади.

Адолатли муносабатлар бор жойда дўстлик (дўстона туйғулар) теран бўлади. Шу сабабли адолатнинг қанча тури бўлса, дўстликнинг турлари шунчадир. Аслида мусофир билан фуқаро, қул билан хожа ўртасида, бир давлат фуқаролари ўртасида, ўғилнинг отага, эрнинг умр йўлдошига муносабатлари каби, барча муаммоларда адолатли иш тутиш мумкин. Барчасидан мусофирлар ўртасидаги дўстлик теранроқдир, чунки бир давлат фуқаролари умумий мақсад учун ўзаро рақобатлашганида дўстлик йўқолиши мумкин. (Мадинада ансорлар дўстлигини эсланг. – М.М.)

(Дўстлик турларига) хулоса ясар эканмиз, энди инсон ўзига дўст бўлиши мумкинми, йўқми, деган масала ҳақида фикр юритамиз. Дўстлик қайси неъматлар кўзда тутилишига қараб, турларга бўлиниши ҳақида юқорида гапирдик. Мана шу неъматларнинг барчасини инсон аввало ўзига тилайди: ҳақиқатан, биз ўзимизга яхшиликларни ҳам, узоқ умрни ҳам, фаровонликни ҳам тилаймиз. Ҳаммадан кўра ўзимизга ачинамиз, ҳаммадан узоқроқ яшашни истаймиз. Ўзимизга ўзимиз дўст эканлигимизни мана шу неъматларнинг барчасини ўзимизга тилашимиздан ҳам билсак бўлади.

Баъзан одамлар ўз-ўзига адолатсизлик қилганидек, ўз-ўзига дўстона муносабатда ҳам бўладилар. Одам ўз-ўзини хафа қилганида, уни биров эмас, ўзи хафа қилгани учун гўё адолатсизлик қилинмаган бўлади. Аммо кўп ҳолларда одам ўзига ўзи адолатсиз бўлишини кўнгилнинг турли қисмлари бир-бирига номувофиқ иш тутганида кўриб чиққан эдик. Шундай экан, одам ўзига ўзи дўст ҳам бўлади (халқимизда бунинг аксини ифодаловчи, ўзига зарар келтирувчи бирор ножўя иш қилиб қўйган одам ҳақида «Кейинги пушмон (пушаймон) ўзингга душман», деган ибора ҳам бор. – М.М.). Зотан, бир яқин дўстимиз ҳақида: у билан кўнглимиз бир ёки жонимиз бир, деган иборани ишлатамиз (ўзбеклар

дўстининг сўзи жуда кўнгилга яқинлигини кўзда тутиб: «Ичимсиз», дейди. – М.М.).

Аввал айтганимиздек, кўнгил турли қисмлардан иборат эди, ана шу қисмлар ўзаро мувофиқ иш тутса, ақл ва ҳиссиётлар ҳамкор, ҳамоҳанг бўлса, кўнгил бутунлиги, дил бирлиги намоён бўлади, шу пайтда инсоннинг ўзига дўстлиги кўринади. Фақат фазилатли (фозил) одамлардагина ўз-ўзига дўстлик бўлади, кўнгилнинг турли қисмлари бир-бирига қаршилик қилмай, аҳил, иноқлик билан иш кўрадилар. Ёмон, нодон одам эса ўзига ўзи дўст бўлмайди, кўпинча у ўзига ўзи душманлик қилади. Тийиқсиз, нафси ёмон одам ҳузур-ҳаловат истаб, бирор ножўя иш қилади, оқибатидан ўзи ўкинади. Ёмон одамнинг кўпгина ножўя қилиқлари ҳам ўзига дўстлик эмас, душманлик оқибатидир.

Тенглик асосига қурилган дўстлик ҳам бор. Мисол учун, бир гуруҳ дўстлар (келишувга кўра қиймати ва миқдори жиҳатдан тенг мол-мулк, рўзғорга эга бўладилар; булардан ҳеч ким бошқасидан ортиқча ё кам мол-мулкка эга бўлмайди (Илк ислом жамоалари, саҳобалар, аввалроқ ва кейинроқ тузилган коммуналар, кооперативлар, жумладан Париж коммунаси, илк социалистлар шундай ижтимоий тенглик идеали учун курашган эдилар. – М.М.). Дўстларнинг тенглиги шуни тақозо этади.

Тенгсизлик асосидаги дўстлик ота билан ўғил, бошлиқ билан хизматчи, эр билан хотин, яхши билан ёмон одамлар ўртасидаги дўстликдир. Дўстлар қуйи ва юқори табақа вакиллари бўлганида шундай (тенгсиз) дўстлик юзага келади. Бундай дўстликда тенгсизлик ҳам мутаносиб (пропорционал нисбатда) бўлади: Неъматлар тақсимотида ҳеч ким яхши ишловчига ҳам, ёмон ишловчига ҳам бир хил миқдорда ҳақ бермайди. Оз ишловчи оз олади, кўп ишловчи кўп олади, шу маънодаги муносабатларда (ижтимоий) адолат вужудга келади.

12. Биз кўриб чиққан дўстлик турлари орасида энг яқинлари қариндош-уруғлар, айниқса, ота билан ўғилдир. Аммо

нима учун ота ўғилни жуда яхши кўради-ю, ўғил отани камроқ яхши кўради? Бунинг сабабини кўпчилик, тўғриси, оломон, бундай тушунади: Ота ўғилга яхшилик қилувчидир, ўғил эса отанинг қилган яхшиликларига миннатдорчилик билдирувчидир. Бундай сабабни (юқорида) фойда кўзлаган дўстлик турида ҳам кўрган эдик. Бу ерда ҳам худди ўша амалиётни кузатамиз. Мен бу ўринда мақсад билан ҳаракат мувофиқ келган, ҳаракатнинг ўзи мақсад бўлган ҳолатлар ҳақида гапираман. Мисол учун, найчининг мақсади ҳам, ҳаракати ҳам най чалишдир. Қурилишда мақсадни бошқа одам ўйлайди, бошқа одам ижро қилади. Дўстлик ҳам найчи санъатидай, бунда ҳам дўстликдан мақсад – дўстлик, меҳрибонликдир. Шу маънода, мақсад қилувчи ва ижро қилувчи бир одам – отадир. Бу ўринда ота бинокор, ўғил бино (яъни, ундан бино бўлган. – М.М.). Бошқа соҳаларда ҳам шу ҳолни кўрамиз: барча ижодкорлар ўзлари бунёд этган нарсаларга меҳр-муҳаббат билан қарайдилар. Ота ҳам ўзи бунёд этган ўғлига (ширин гўдаклик даврларини) эслаб ва (келгусида ундан яхшиликлар) умид қилиб, доимо унга яхши қарайди. Шу сабабли, ўғилнинг отага меҳридан кўра отанинг ўғилга меҳри (беқиёс) кўпдир.

Энди бир қарашда дўстликка ўхшаш ҳолатларни кўриб чиқамиз. Булар дўстликми, йўқми, шуни аниқлаймиз. Мисол учун, (кўплар) хайрихоҳлик (eynoia) ни ҳам дўстлик деб ҳисоблайдилар. Умуман хайрихоҳлик аслида дўстлик эмас. Биз кўпинча, бировлар ҳақида мақтов ёки яхши гап эшитсак, ўша одамларга кўнглимизда хайрихоҳлик уйғонади. Биз уларга дарров дўст бўлиб қоламизми? Йўқ, албатта. (Юнонлардан) кимдир Эрон шоҳи Дорога хайрихоҳ бўлсалар, бундан улар дўст экан, деган маъно чиқмайди-ку. (Бу ерда Арасту холис, демократ одам сифатида, душман подшоҳга хайрихоҳ бўлган одамни дарров ёвга дўст, деб сиёсий айб қўйиш тўғри эмаслигини назарда тутаётганга ўхшайди. – М.М.).

Аммо (бошқа ҳолларда) хайрихоҳлик дўстликнинг бошланиши бўлиши мумкин. Агар яхшилик қўлидан келадиган одам ўзи хайрихоҳ бўлган одамга яхшилик қилаверса, дўстлик вужудга келиши мумкин.

Хайрихоҳлик маънавият негизида туғилувчи ахлоқий фазилатдир. Чунки жонсиз нарсаларга, масалан, маст қилувчи ичкилик ёки бошқа кўнгилхушликларга хайрихоҳлик қилинмайди-ку! Одатда яхши хулқли, фазилатли одамларга хайрихоҳлик билдирилади. Дўстлик бор жойда хайрихоҳлик бўлади, булар бир-биридан ажралмасдир. Шу маънода хайрихоҳлик дўстликка алоқадордир.

Бирдамлик, ҳамжиҳатлик (homonoia) том маънода дўстликка яқин хислатдир.

Фараз қилайлик, кимдир Эмпедокл билан бир хил тушунчаларга эга, у ҳам Эмпедокл тан олган нарсаларни тан олади. Шу одам Эмпедокл билан бирдам, ҳамжиҳат бўладими, йўқми? Аслида ҳамжиҳатлик бундай нарсаларда эмас, бошқа нарсалардадир. Аввало, ҳамжиҳатлик ўй-фикрларда эмас, балки амалий ишларда кўринади (Аслида ўй-фикрларда ҳам кўринади. – М.М.). Яна фараз қилайлик, икки киши ҳокимиятга эришиш ҳақида ўйлайди, буни бир хил ўйлаш, деб бўлмайди. Чунки у ҳам, бу ҳам ўзи учун ҳокимиятни ўйлайди, дўсти учун эмас. Буларни ҳамфикр дейиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Аммо аҳвол бошқача бўлса, масалан, мен ҳокимиятга эришувни ўйласам, дўстим ҳам менинг ҳокимиятга эришувимни ўйласа, шунда биз ҳамжиҳат бўламиз. Шу маънода, ҳамжиҳатлик амалий ишларда кўринади, дедик. Яъни икки киши бир одамнинг (эҳтимол, учинчи кишининг. – М.М.) мансабдор бўлишини тиласа, булар том маънода ҳамжиҳат одамлардир.

13. Инсон ўзига ўзи дўст бўлиши мумкинлигини юқорида айтдик. (Аммо энди) муносиб, яхши инсон ўзини ўзи яхши кўрадими? – деган масалани кўриб чиқайлик. Ўзини яхши

кўрувчи одам доимо ўз фойдасига иш қилади (бошқаларни ўйламайди) десак, бу ёмон одам бўлиб чиқади. Муносиб, яхши одам бундай бўлмайди. Яхши одам бошқалар манфаати учун (Ватан, халқ манфаати учун. – М.М.) иш қиладиган фозил одамдир, яъни у худбин эмас. Аммо (бошқа жиҳатдан) ҳамма одамлар неъматни тилайди ва ўзи учун кўпроқ неъматлар ато қилинишини хоҳлайди. Яхши одам бойлик ва мансабни бошқаларга кечиб бериши мумкин. Бунинг боиси яхши одам мана шу неъматларни хоҳламаганида эмас, балки бошқа бир одам бойлик ва мансабни яхшилик йўлида ундан кўра яхшироқ ишлата олишини билгани учундир. Бошқа (оддий) одамлар бундай ўйламайдилар. (Улар ё бойлик, мансаб қандай суиистеъмол қилинишини билади, ёки ўзлари мансабга ўч бўлади). Яхши одам бу иккала хавфдан узоқдир. Демак, яхши одам мана шу нарсаларда ўзини яхши кўрувчи (худбин) эмас. У ҳам ўзини яхши кўради, фақат у ажойиб, гўзал ишларда бошқалардан орқада қолишни истамайди, агар моддий фойда ёки мансаб бўлса, воз кечиши мумкин. Демак, яхши одам гўзал, солиҳ иш-амалларда ўзини яхши кўради, фойда ва роҳат, кўнгилхушлик бобида ўзини яхши кўрган одам эса ёмон одамдир.

14. (Давоми). Муносиб, яхши одам дўстини яхши кўргани учун фойда келтирувчи неъматлар унга бўлсин, дейди. Аммо, шу иши яхши бўлгани учун, шу гўзал феъл ўзида бўлишни истайди, шу маънода бошқалардан ўзини яхшироқ кўради. Демак, у ўзини эмас, эзгуликни (гўзал ишларни) яхши кўради. Мабодо ўзини яхши кўрса ҳам яхшилиги учун қадрлайди. Ёмон одам эса худбин, у ўзида яхши кўришга арзийдиган ҳеч нарсаси (хислати, фазилати) бўлмаса ҳам бари бир ўзини яхши кўраверади. Шу маънода ёмон одамни ўзига бино қўйган, иззатталаб дейдилар (philaytos).

15. Юқоридагиларга яна шуни қўшимча қилиш керакки, ўзидан кўнгли тўқлик, ўзидан мамнунлик (avtarkeias) нима ва ўзини баланд тутувчи (такаббур) одам ким? – деган масала

ҳам муҳимдир. Бундай одам дўстларга муҳтож бўладими? Ёки бу масалада ҳам у ўзидан мамнунлик билан чекланадими? Ахир баъзи шоирлар ҳам ёзади-ку:

Ўзга дўст не ҳожат? Омадлар аро
Тангрилар раҳмати бизга кифоя.[15]

Шу маънода савол туғилади: барча ноз-неъматларга эга бўлган, ўзидан кўнгил тўқ одам дўстга муҳтожми? Ёки худди шундай одам дўстларга кўпроқ муҳтожми? Чиндан ҳам у ўз бойликларини кимга сарфлайди ёки кимлар орасида ўзини кўз-кўз қилади? У яккамохов бўлиб, ёлғиз яшашни истамайди, албатта. У, кимлар орасидадир ўзини кўрсатишни истар экан, албатта, дўстларга муҳтож бўлади. Бундай одамлар ҳақида гап борганда Худои таоло(нинг ёлғизлиги) билан қиёслаш ўринсиздир. Тангри таоло Кофий (Ўзига ўзи кифоя), ҳеч кимга муҳтож эмас экан, бундан биз ҳам ҳеч кимга муҳтожмасмиз, деган маъно чиқмайди, албатта.

Баъзилар Худои таоло ҳақида бундай ўйлайди: Худои таоло ҳамма неъматларнинг эгаси, Ўзига ўзи кифоя экан, унда нималардан ташвишланади, ухлайверса бўлмайдими? (Нодонлар шундай фикрайдилар. – М.М.) Ёки Тангри гўзалликларни томоша қиладими? Ундай бўлса, барча гўзалликлар Унинг ўзида-ку? Ёки Ул зот ўзини ўзи томоша қиладими? Ахир, бу маъносизлик-ку? Биз ҳатто ўз жамолига маҳлиё бўлган одамни ҳам аҳмоқ деймиз-ку?

Худои таоло нималарни кузатиб, мушоҳада қилиши масаласини бу ерда кўриб чиқмаймиз.[16] Биз бу ерда (банда) инсоннинг ўзидан мамнунлигини, таманносини кўриб чиқмоқчимиз. Бундай одам дўстларга муҳтожми, йўқми? Бунинг учун «дўст» деган (тушунча) ўзи нималигини билишимиз зарур. Аслида инсон учун ҳақиқий дўст унинг иккинчи «мен»идир. Халқ орасида «Бу иккинчи Ҳеракл-ку» деган ибора ҳам бор. Хуллас, дўст инсоннинг иккинчи «мен»идир.[17]

Ўзини, ўзлигини билиш эса, энг мушкул ва энг қувончли ишдир. (Ўзни билиш қувонч бахш этар).[18] Аммо биз ўз кучимиз билан ўзимизни била олмаймиз. Биз ўзимизни (кўнглимиз, феълимизни) кўра олмаслигимизни шундан билиш мумкинки, бошқаларга танбеҳ бераётганимизда, шу камчиликлар ўзимизда ҳам борлигини пайқамаймиз. Бунинг боиси – ё ўзимизга танқидий қарай олмаслигимиз, ёки манфаатпарастлигимиздир. Мана шулар бизнинг кўзимизни кўр қилиб, ўзимизни кўришга халақит беради. Шунинг учун ҳам биз ўзимизнинг ташқи қиёфамизни кўришни истасак – ойнага қараймиз, ички қиёфамизни – феъл-атворимиз, руҳий оламимизни билишни истасак, дўстимизга қараймиз. Дўст одамнинг иккинчи «мен»и деган сўзнинг маъноси шудир.

Хуллас, ўзини билиш қувонч келтирар экан, биз ўзимизни дўстимиз ёрдамида биламиз. Ўзидан мамнун, тўқ одам ҳам шу маънода дўстларга муҳтождир. Айниқса, ўзига тўқ одамга Худо хайр-саховат ҳам ато этган бўлса, у гўзал ишларни, яхшиликни кимларга қилади? Кимлар билан бирга (бир замонда) яшайди?

У, албатта, ёлғизликда яшашни истамайди. (Ёлғизликда яшашга нисбатан кўнгил яқинлар билан) биргаликда яшаш ёқимли ва зарур ҳамдир. Агар бирдамликда, ҳамжиҳатликда яшаш гўзал, зарур, ёқимли экан, демак, ўзига тўқ, таманноли одам ҳам дўстларга эҳтиёж сезади.

16. Дўстлар кўп бўлгани яхшими, оз бўлганими? Ози ҳам, кўпи ҳам унчалик яхши эмас. Агар дўстларингиз кўп бўлса, ҳар бирига меҳрибонлик қилишингиз қийин бўлади (Шарқона одоб-ахлоқда яхши дўстларнинг кўп бўлгани яхши ҳисобланади, ёмон дўст – биттаси ҳам ортиқча. – М.М.). Узоқдаги дўстларга эътибор бериш, айниқса, қийин. Инсон кўзи табиатан узоқни кўролмайди, қулоғи узоқдаги товушни эшитолмайди. Шунга ўхшаб, баъзилар табиатида дўстга меҳр ҳам узоққа етмайдиган, заифроқ бўлса, дўстлар орасида гапсўз бўлиб, таъна, гиналарга қоласиз. Дўстга меҳри, эътибори

заиф одам дўстини амалда эмас, фақат оғизда яхши кўради. Бундай одам эса дўстликка ярамайди.

Яна: агар дўстларингиз жуда кўп бўлса, хафачилик ҳам кўпаяди (хурсандчилик ҳам. – М.М.). Негаки, кўпчилик дўстлар орасида кимнингдир бошига ташвиш тушади, эшитиб, хафа бўласиз. Бошқа жиҳатдан дўстларингиз камлиги ҳам ёмон. (Бир-иккита дўст билан катта ва яхши ишларни қилолмайсиз). Дўстларнинг оз, кўплиги ҳар бир одамнинг дўстларга меҳр-муҳаббати оз ёки кўплигига боғлиқ.

17. Энди, дўстларга қандай муомала қилиш кераклигини кўриб чиқайлик (Бу муҳим мавзу ҳақида донишмандларнинг жуда кўп яхши асарлари, фикр-мулоҳазалари бор: «Калила ва Димна», «Қобуснома», Ибн ал-Муқаффа «Одоби кабир», Аҳмад Югнакий «Ҳиббатул-ҳақойиқ», Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу-билик», Саъдий «Гулистон», «Бўстон», Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб», В.Шекспир «Икки вероналик», М.Монтен «Ҳаёт тажрибалари», И.Кант «Дўстлик ҳақида», Ларошфуко «Максималар», Оскар Уайлд «Садоқатли дўст», У.Честерфильд «Ўғлимга мактублар», А.Авлоний «Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ» ва ҳоказо. – М.М.). Ҳозир биз ҳар қандай дўстликни эмас, балки мушкулликлар, ўзаро гинахонлик туғиладиган дўстликни тадқиқ қиляпмиз.

Дўстликнинг барча турларида гинахонлик турлича мазмундадир. Фойда, манфаат асосидаги дўстликда тарафлар «Мендан бугина, сендан угина» қабилида иш тутадилар, агар бирор томон шартни бузса, жиддий низо келиб чиқади. Ота билан ўғил дўстлигида бундай эмас. Дўстлар (ёшда, ижтимоий мавқеда: бой, камбағалликда, мансабда) тенгсизлик бўлган дўстликда, албатта, томонлар ўзини тенг тутмайди. Ота билан ўғил меҳрида, эр билан хотин, қарол билан хожа дўстлигида тенглик бўлмайди. Ҳар жиҳатдан тенг бўлган дўстлар бир-бирини (дўстлик шартини бузишда) айблашлари мумкин. Шунинг учун биз бу ерда қадр-қимматда

тенг бўлган дўстларнинг ўзаро муомаласи қандайлигини кўриб чиқишимиз зарур...[19]

Ҳаддан ошиш инсондан ташқаридаги неъматлар (бойлик – мол-дунё, мансаб, обрў, дўстлар, шон-шуҳрат)га алоқадор бўлиши ва ўзимизга, вужудимизга алоқадор (сезги ва таъм билиш, иштаҳа карнайлиги) бўлиши мумкин. Ёки тан роҳати, ҳиссий лаззат шу соҳаларда ҳаддан ошиши мумкин. Биз, асосан шу кейинги тийиқсизлик ҳақида фикр юритамиз.

Аввал кўрганимиздек, баъзи соҳаларда ҳаддан ошиш яхшими, ёмонми? – деган савол ҳам туғилиши мумкин. Иззат-ҳурматга доимо интиладиган одам том маънода, ҳаддан ошувчи одам эмас. Баъзан бундай одамларни ўз қадрини билади, деб мақтайдилар ҳам. Шу хилдаги ҳаддан ошганларга кўпинча, обрўга, шон-шуҳратга ўч одам ёки жаҳлини тиёлмайдиган одам, деб айтамиз. Аммо, аниқ айтмасдан, умуман очкўз, тийиқсиз, ҳарис одам деганда тан роҳатига, овқатни кўп ейишга ўч одамларни кўзда тутамиз.

Яна бир сабабга кўра, мана шунақа одамларни умуман тийиқсиз, ҳарис, деймиз. Модомики, тийиқсизлик қораланар экан, шунинг манбаи ҳам қораланади. Обрўга, шон-шуҳратга, амал-мансабга, пулга ва ҳоказоларга ўч одамлар унчалик қаттиқ қораланмайди. Аммо инсон баданига алоқадор ҳиссий лаззатларга ўч одамлар (нопок одамлар деб) қаттиқ қораланади. Шундай савол туғилади: ғазабини босолмайдиган одам билан тан лаззатига берилган одамдан қай бири кўпроқ, қаттиқроқ қораланади? Жаҳл, ғазабни босолмасликни бефаросат, муте хизматкорларга ўхшатиш мумкин. Булар «Олиб кел!» деган буйруқни эшитишлари билан ҳали хўжайин нима сўраётганлигини тушунмай туриб, ҳали китоб, ҳали хат, ҳали қаламни олиб югуриб келадилар. Булар хўжайин китоб деса, янглишиб қаламни ва қалам деса китобни олиб келадилар. Ғазаби тез, сержаҳл одам ҳам шундай: у бировнинг салгина хафа қиладиган сўзига ловиллаб, жаҳл отига минади: бу сўздан хафа бўлишга арзийдими ё қаттиқ хафа бўлишга ар-

зийдими, шуни хотиржам ўйлаб кўрмайди. Бунақа жаҳли тез одамларни қаттиқ қораламайдилар.

(Аммо тан роҳатларида ўзини тиёлмайдиган одамнинг қаттиқ қораланишига сабаб шуки, бу нарса нопокликдан, андишасизлик, уятсизликдан, очофатликдан келиб чиқади. – М.М.)

Жаҳли тезликнинг сабаби – тез хафа бўлиш (lyre). Биров хафа қилмаса, ҳеч кимнинг ўз-ўзидан жаҳли чиқмайди. Ҳирсли, ҳарис одамни эса (ор-номуси йўқлиги сабабли) қаттиқ қоралайдилар. Эҳтиросларда ҳаддан ошиш беодоблик (hybris) билан боғлиқдир.

Биз одатда сабр-бардошли, қаноатли одамни мақтаймиз. Бу ўринда қаноат билан сабр (karteria) тенгми ёки ўхшашми? – деган савол туғилади. Қаноат одатда ошиқча лаззатларга берилмай, ўзини тийишдир. Сабр, бардош эса бошга ғам-кулфатлар ёғилганида чидаш, сабр-бардош қилишдир. Ғам-кулфатларга чидамли одам – сабр, бардошли одамдир. Тийиқсизлик билан кўнгли бўшлик (malakia) ўхшашроқ, аммо фарқлидир. Кўнгли бўш (иродасиз) одам тан лаззати, роҳатидан ўзини тиёлмайди. Кўнгли бўшлигидан уятли ёки гуноҳ ишга берилади (kata malakio menos).

Яна шу тоифадан бузуқ (суюқоёқ – akolastos) ҳам бор. Бузуқлар ва ҳаддан ошувчилар бир хилми ё бошқа-бошқами? Бузуқ, суюқ одам шундайки, у ўзи қилаётган ёмон, уятли ишни энг яхши ва фойдали иш, деб ўйлайди. Унга ёқадиган нарса бўлса, бас, ҳар қандай ақл-идрок (ахлоқ-одоб) қоидалари унинг учун бир чақа. Ҳаддан ошувчи, тийиқсиз одамда, ҳар қалай, ақл-идрок бор ва шу нарса унинг зарарли майл, эҳтиросларига қандайдир қаршилик қилиб туради.

Бузуқ одамни тузатиш осонми ё тийиқсиз одамними? Бир қарашда бузуқ одамни тузатиш осонроқ кўринади. Бундай одамни ақллироқ бўлишга, одобсизлик ёмон деб, одоб доирасида иш тутишга даъват қилинса бас, шу билан улар тузалиб кетишлари мумкин. (Табиатан) тийиқсиз, очкўз, ҳарис одамларда ақл-идрок қонунлари бўлса ҳам улар

бари бир беодоблик (ахлоқсизлик) қилаверадилар, бундай одамлар тузалмайди.

Аммо бошқа жиҳатдан қарасак, феъл-атворида бирор яхшилик бўлмаган бузуқ одам ёмонроқми ёки ёмон қилиқлари билан бирга яхши томонлари ҳам бўлган (очкўз) одам ёмонроқми? Албатта, биринчи тоифа ёмонроқ, чунки бундай одамларда энг азиз нарса (виждон, иймон. – М.М.) ёмон аҳволдадир. Очкўз, тийиқсиз одамда ақл-идрок қоидаси (orthos logos) бор – бу эса ҳар бир инсоннинг жавҳари (arche) биринчи асосидир. Бузуқ, суюқ одамда эса бу нарса йўқ. Демак, бузуқ одам очкўз, тийиқсиз одамдан ёмонроқдир. Ҳайвонфеъл одам ҳам шундай. Бу ёмон хислат ҳайвонда эмас, одамда учрайди. Ҳаддан ташқари бузуқ одам ҳайвонфеъл одамдир. Ҳайвонда эса ёмонликнинг жавҳари (arche phaile – архи-файле) йўқдир. Ақл-идрок қонуни (logos) эса инсонлик жавҳаридир. Кимдан кўпроқ ёмонлик кутиш мумкин? Арслонданми ё Дионисий, Фаларид, Клемарк ва шу каби ғаламислардданми? Равшанки, ғаламислар ҳайвондан ёмонроқдир. Биринчи асос, жавҳар расво бўлса, унинг эгасидан кўп ёмонликлар келади. Ҳайвонда эса расволик жавҳари йўқ. Бузуқ одамнинг ақли шундайки, у ёмон ишларини ҳам яхши деб маъқуллайди, чунки унинг жавҳари – расво. Шу жиҳатдан ҳам бузуқ одамга нисбатан тийиқсиз, очкўз одам тузукроқдир (Аммо ҳаётда тийиқсизлик, очкўзлик ва бузуқлик бирлашган одамлар ҳам бор. – М.М.).

Тийиқсизлик, сабрсизликнинг ҳам икки тури бор. Бири – тезлик қилиб, ўйламасдан, кутилмаганда тийиқсизлик қилади. Масалан, биз эркаклар (кўпчилигимиз) чиройли аёлни кўриб қолсак, кўнглимизда (уни қучоқлаб, ўпиш истаги каби) беодоб бир туйғу уйғонади. Тийиқсизликнинг иккинчи тури касалликка ўхшаган, тўғри йўлдан, покизаликдан адаштирувчидир.

Тийиқсизликнинг биринчи тури унчалик хавфли эмас, бундай тийиқсизлик ҳурматга муносиб, эҳтиросли (қизғин)

ва истеъдодли одамларда ҳам учрайди. Иккинчи турдаги тийиқсизлик табиатан совуқ ва тунд одамларда учрайдики, буни қаттиқ қоралаш зарур.

Агар инсон кўнглида огоҳлантирувчи ақл (logos) бўлса, у лаҳзали кайфиятга, уятли туйғуга берилмайди: гўзал аёлни кўрганида ҳам ўзини яхши тута олади. Аммо ақлан шу нарса ёмонлигини тушуниб турса ҳам кўнгил майлига берилиб, тан роҳатини истаб, бўшашиб кетадиган одам қаттиқ қоралашга лойиқдир. Муносиб (оқил) одам бундай пайтда ўзини жиловлай олади. Биз огоҳлантирувчи ақлга ҳам бўйсунмасдан уят ишлардан роҳатланишни яхши деб билувчи, (иймони) заифлашган, тубанлашган одамни назари паст, ҳарис, суюқ одам деймиз.

Юқорида, оқил одам (sophron – софрон) қаноатли, сабр-бардошли одамми, деган масалани ўртага қўйган эдик. Ҳозир шу масалани ҳал қиламиз. Оқил одам айни вақтда босиқ, қаноатли одамдир. Вужудини ўртаган эҳтиросини ақл қонунига кўра жиловлай олган одам ҳам, табиатан уятли эҳтиролардан холи, аммо гоҳо шундай эҳтиролари исён қилиб қолса, уларни боса оладиган одам ҳам босиқ, вазмин одамдир.

Ёмон эҳтиролардан холи, аммо шу эҳтиросларнинг ёмонлиги ҳақида тўғри фикри бўлган одам оқилдир. Бундан чиқадики, вазминлик оқилликнинг йўлдошидир, оқил одам вазмин ҳамдир.

Аммо, бунинг аксича, барча вазмин одамлар ҳам оқил бўлавермайди. Оқил одам тубан эҳтиросларни кўнгилдан кечирмайди, вазмин, ўзини тия олувчи одам эса тубан эҳтиросларни кўнглидан кечирадию, уларга эрк бермайди. Оқил одамда бу иккала ҳолат бўлмайди. Шунинг учун вазмин, ўзини тия олувчи одамни оқил одамга тенг деб бўлмайди.

(Энди яна бир масалани кўрамиз). Тийиқсиз одам тубанми ёки тубан одам тийиқсизми? Ёки булар ўртасида алоқадорлик йўқми? Тийиқсиз, назари паст, очкўз одам кўнглида ақл билан эҳтиролар ўзаро курашади (ва эҳтиролар ғолиб

чиқади. – М.М.). Тубан одамнинг кўнглида бундай кураш йўқ, унинг ақли тубан ҳирсларга бўйсунаверади. Демак, тубан одам тийиқсиз, назари паст одамга тенг эмас (ва бир-биридан унчалик узоқ ҳам эмас. – М.М.). Аслида тубан одам тийиқсиз, енгилтак одамга нисбатан ёмонроқдир.

Одамнинг одатидан кўра табиатини тузатиш қийинроқдир. Одат кучаяверса, табиатга айланиб қолади. (Алишер Навоий ҳам «Кимгаки ёмонлик одат эрур, У кўп такрорланса табиат эрур» деб, худди Арасту каби фикр айтган эди. – М.М.). Тубан одам табиатан ёмон одамдир, шу боисдан унинг ақли ҳам ноқис, нопокдир. Тийиқсиз, очкўз одам эса унчалик эмас. Агар у табиатан ёмон бўлганида ақли (logos) ҳам ноқис бўлур эди. Хуллас, тийиқсиз одамнинг одати ёмон, тубан одамнинг эса табиати ёмон. Одатни бошқа бир одат билан алмаштириб, тузатиш мумкин, аммо табиатни ҳеч нарса билан тузатиб бўлмайди.

(Яна бир мушкул масала). Тийиқсиз, очкўз одам билим билан бехато фикрлай олса; оқил одам ҳам ҳар бир нарса ҳақида тўғри фикрлай олса, оқил одам тийиқсиз бўлиши мумкинми? Бу саволга жавоб бериш қийин. Юқорида айтганларимиздан келиб чиқсак, оқил одам тийиқсиз, очкўз бўлмайди. Яна айтган эдикки, оқил тўғри фикрлаш билан бирга, шу фикрига амал ҳам қилади. Модомики, оқил энг яхши йўлни танлар экан, у тийиқсизлик, очкўзлик қилмайди. Аммо тийиқсиз одам топқир, ўткир зеҳнли бўлиши ҳам мумкин. Эсингизда бўлса, юқорида оқил билан топқир одамларни қиёслаб, булар бир-бирига тенг эмас, деган эдик: оқил яхши йўлни (зарур йўлни) танлайди, топқир эса яхши йўлни танламаслиги мумкин. Топқир одам (яхшилар айтган ёки виждон буюрган) бирор ишнинг тўғрилигини билса ҳам унга амал қилмагани учун тийиқсиз, очкўз бўлиши мумкин. Оқил одам эса очкўз ва тийиқсиз бўлиши мумкин эмас.

ЮНОНЧАДАН Т.МИЛЛЕР ТАРЖИМАСИГА ИЗОҲЛАР

Бир файласуф ижодида уч хил «этика» (Ахлоқ илми) китобининг учраши, «Риторика» («Хитоба»)нинг 1-китоби охирида ва 2-китоби бошланишида мустақил ахлоқ илми лавҳасининг борлиги жаҳон фалсафаси тарихида ноёб ҳодиса бўлиб, бу ҳодиса Араста ва унинг фалсафий мактаби, маънавий-ахлоқий ҳаёт муаммоларига нақадар катта эътибор берганлигидан далолатдир. Араста «Этика» китобларининг энг мухтасарини нима учун «Магниа Моралиа», «Катта этика» («Ахлоқи кабир») аталишини олимлар турлича изоҳлайдилар: 1. Бу асар Арастунинг отаси Катта Никомахга бағишлангани учун (Сўнгги янгиафлотунчи Элий фикри.). 2. Бу асар Арастунинг биринчи тўлиқ этика китобидир (В.Тайлер, 1934). 3. Бу асар ундан ҳам кичик асарнинг тўлдирилган нусхасидир (О.Жигон, 1931). 4. Бу асардаги 2 китоб Арастунинг бошқа асарларидаги китоблардан узун, каттароқдир (П.Моро, 1951). 5. Бу асар буюк, жуда муҳим панд-насиҳатлардан иборат (Хр. Панш, 1841). 6. Унда кўпгина мавзулар тилга олинган (Буюк Альберт. XIII аср).

Чиндан ҳам фақат «Ахлоқи кабир»да ўтмишдаги ахлоқий таълимотлар ҳақида боб бор (I-китоб, 1-боб.) Бу асарда омад тушунчаси ҳам тадқиқ этилган (1-китоб, 7-боб). Унда калокагатия (маънавий гўзаллик) ҳақида ҳам гапирилади (II китоб, 9-боб). Дўст кўзгудай, унга қараб, инсон ўзини билади, деган фикр бор (II китоб, 15-боб). Унда оламлар ҳукмдорининг адолати ҳақида гап бор (II китоб, 8-боб).

Мана шу масалалар «Никомах этикаси»да учрамайди, «Евдем этикаси»да қисман учрайди, холос. Бундан ташқари «Ахлоқи кабир»да эркин йўл танлаш, табиий, туғма фазилат, тўғри фикрлаш, севимли ва ёқимли одамлар, табиатни камол топтириш масалалари махсус ва анча муфассал тадқиқ

этилган. Аммо бу ерда «Никомах этикаси», Х китобидаги «мушоҳадали ҳаёт»га оид муҳим бўлим етишмайди.

(Аслида «Ахлоқи кабир»да бу ҳақда ҳам фикрлар бор. – М.М.).

Ғарб Ренессанси – Уйгониш давридаги филолог (тил, адабиётчи) олимлар мазкур рисоланинг жуда ихчам ва расмий тилда ёзилганига қараб, бу асарни Арасту ёзганига шубҳа билдирган эдилар.

(Аслида «Ахлоқи кабир» ихчам, лўнда ва равон тилда ёзилган. Ўзбекча эркин таржимада, айниқса, тил равонлигига эътибор бердик. – М.М.). Ғалати услубда ёзилгани учун кўпчилик арастушунослар «Ахлоқи кабир»ни қадимги номаълум бир перипатетик (Афлотун академияси издоши) «Евдем этикаси»дан фойдаланиб ёзган компилятив (кўчирма ёки қайта баён қилинган) асар, деб ҳисоблайдилар. Аммо, айни вақтда асар услубидаги баъзи қадимий қўшимчаларга қараганда, уни кейинроқ ёзилган, деб бўлмайди. Фр.Шлейермахер (Австрия олими) 1817 йилда «Ахлоқи кабир»ни, фалсафий фикр қудрати ва яхлитлиги жиҳатларига эътибор бериб, Арастуники деб ҳисоблаш мумкин бўлган ягона асар, деб атади.

«Магниа Моралиа» («Ахлоқи кабир»)да Арастунинг жонли сўзлари кўринади, бу рисола матни – ё муаллифнинг ўз конспекти, ёки шогирдлари (дарс вақтида) ёзиб олган конспектдир, деган фикр ХХ асрда айтилди (Г.Арним, В.Тайлер). Ф.Дирльмайер (бу ҳам Австрия олими) «Ахлоқи кабир» ҳақидаги турли қарашларга хулоса ясаб, бу асар компиляция ҳам эмас, мусаввада (қоралама нусха) ҳам эмас, балки айни Арастунинг «Метафизика»дан ёки бошқа «Этика»лардан аввал ёзган ўз асаридир, деган фикрга келди. Бунинг далили асарнинг бир бутун улкан қоя каби яхлитлиги, услубий-фикрий бақувват эканлигидир. Кейинроқ муҳаррир ва ноширларнинг аралашуви бўлса ҳам жуда арзимасдир. Ф.Дирльмайер фикрича, ахлоқий муаммолар жуда ўткир қилиб ўртага қўйилишига қараганда, бу асар йиғиқ, лўнда, педагогик услубда ёзилган, илгор шогирдларнинг муҳокамаси учун мўлжалланган дарсликнинг нодир намунасидир.

Арасту «Этика»ларининг муаммолари ҳали охиригача ҳал этилмаган. Қадимшунос А.Кенни, милоддан аввалги II асргача тилга олинмагани, айрим сўзларнинг қўлланилиши доирасининг статистик таҳлили асосида «Никомах этикаси»ни Арасту асарлари рўйхатидан ўчиришни, уни «Евдем этикаси» ва қисман «Ахлоқи кабир» билан ўхшаш ҳисоблашни таклиф қилди. Арасту асарларининг аслиятини ва матнларининг қиёсий фазилатларини бундай турли-туман баҳолашлар билан эмас, балки алломанинг фалсафий фикрларини тўлиқ англаш асосида аниқлаш мумкин.

Юнончадан русчага таржима Арасту асарларининг 1883 йилги нашридан амалга оширилган.

БИРИНЧИ КИТОБ

1. Merostes politikes – «Никомах этикаси»нинг бошланишида ҳам сиёсатни фанларнинг меъмори деб улуғлаш фикри бор (Юнонча сиёсат – политикос, давлат деганидир. – М.М.).

2. Spoydaion einai aretas ekhein – Арасту учун фазилат ва яхшилик ташқаридан буюрилувчи фармон эмас, балки шахсий ва ижтимоий амалиёт ишидир: руҳий ҳолатнинг мусаффо, ишончли ва яроқли экани хатти-ҳаракат ва қилмишларнинг тўғрилиги гаровидир.

3. Этика – ахлоқ сиёсатнинг бир қисми, аммо полис (шаҳар-давлат) адолат ва дўстлик асосига қурилса, сиёсат – ахлоққа мутлақо боғлиқ бўлиб қолади. Шундай алоқадорлик эътиборга олинса, сиёсат оқилоналиги (ҳарбий санъат, иқтисод ва риторикага эмас) балки ахлоққа боғлиқдир. Кейинги уч соҳа сиёсатга бўйсунади, ахлоқ эса сиёсатни бошқаради. Арасту бу ерда сиёсат ва ахлоқни яхлит ҳодиса деб билувчи Афлотун билан ҳамфикрдир. («Давлат ёки Адолат ҳақида» асарининг номига эътибор беринг.) Афлотун полис, шаҳар-давлат ва «кўнгил шаҳри», сиёсий фаолият ва ички, маънавий фуқаролик тушунчаларининг яқинлиги ҳақида

гапиради. (Афлотун фикрича) болалар тарбияси – уларнинг кўнгиллари шаҳрида фаровонлик сиёсати ғояларини сингдириш (гуллатишдир). Арасту ҳам кўнгилдаги фуқаролик билан ташқи фуқаролик, кўнгил тузуми билан давлат тузуми яқин бўлиши зарурлигини айтади. Иккала алломанинг бу ҳақдаги фикрида фарқ шундаки, Афлотун учун «кўнгил шаҳрида» самовий, илоҳий қонунларни жорий қилиш муҳимдир (ислом файласуфларининг давлат сиёсатига қарашлари ҳам Афлотун фалсафасига жуда яқиндир, шу туфайли Шарқда Арастудан кўра Афлотун фалсафаси машҳурроқ эди. Қаранг: Форобий. Талхиси навомиси Афлотун – Афлотун қонунларнинг моҳияти ҳақида. Урфон Отажон таржимаси. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Муҳаррир: М.Хайруллаев. Тузувчи. М.Маҳмуд.). Афлотун учун кўнгилдан ташқаридаги давлат фуқаролар (ва раҳбарларнинг. – М.М.) ички, руҳий оламининг фақат модели – нусхаси ва рамзидир. Арасту учун эса, одамларнинг кўнгиллари тузуми фуқаро ва давлат тузуми билан боғлиқлиги, инсон ўзлигини топиши учун умум (халқ) иши (инсонпарвар сиёсат) зарурдир. Унинг фикрича, бир инсон учун яхшилик қилишдан кўпчилик, халқ учун яхшилик қилиш афзалдир (аммо бунинг учун аввал айрим инсонларга яхшилик қилиш керак. – М.М.).

4. Суқрот софистларга қарши чиқиб, фазилатни билим ва ақлга тенглаштиради. «Ҳозирги файласуфлар» (Яъни, Афлотун академиясининг барча шогирдлари ҳам Афлотунга издош эмас эдилар) топган kata ton orthon logon (тўғри ўйлаб иш тутиш) дастурини баъзилар ақлга бўйсунмайдиган фазилатлар ва ақлга зид бўлмаган фазилатлар деб тушундилар. Арасту эса meta toy orthos logos (тўғри ўйлаш асосида ва қалб амри билан) деб ўрта йўлни ифода қилди: бунда фазилат, эзгулик, ақл – логосда йўқолиб ҳам кетмайди, аммо ақлга зид иш тутмайди ҳам. Бу ғоя аслида Афлотунда ҳам бор (meta phroneseos).

5. Юқорида тилга олинган олижаноблик ва адолат, яна оқиллик (phronesis – фронесис) ўз энтелехиясида (кўнгил

интилишларининг «тўғри ўйлаш» билан қўшилганида) амалда барча фазилатларни ўз ичига олади. Бу Афлотун айтган намунали, мукаммал сиёсат давлатнинг барча қисмларини бошқарганидек, бу фазилатлар мажмуаси ҳам дил, кўнгил хатти-ҳаракатларини бошқаради. (Форобий. «Фозил шаҳар одамларининг қарашлари» асарида бу масалани янада чуқурлаштириб, шаҳар-давлат бошида турган одамда барча зарур фазилатлар етишмаса, турли фазилатлар соҳиблари бирлашиб, давлатни адолатли бошқарадилар, дейди. Бунда Форобий парламентли республика тузумига хос коллегиал ташкилот – Олий Кенгаш ёки Олий Мажлис аъзолари ақлий кучлари ва фазилатлари биргалашиб, давлатни адолатли бошқаришларини кўзда тутади. – М.М.).

6. «Никомах этикаси»да илоҳий шодликнинг соддалиги айтилади (VII китоб, 15-боб). «Метафизика»да Худои таолонинг ўз бунёдкорлик фаолиятидан роҳатланиши (XII китоб, 7-боб) ва «Политика»да Ҳақ таолонинг меҳрибонлиги, раҳмати, жаннатий шодлиги ҳақида фикр юритилади (VII китоб, 1-боб).

7. Арасту «ёки» деганида кўпинча аввалги тезиснинг зидди, раддини айтади. Ахлоқий неъмат – мавҳум ғоя эмас. Ахлоқий неъмат: 1. Ҳар бир аниқ мавжудот учун яхшилик эканлигини. 2. Ғояни. 3. Умумий тушунчани. 4. Индукция натижасини англатади. Биз бу ерда биринчи маънони қабул қилдик.

8. Афлотуннинг ўзи ғоялар ҳақида аниқ ва абстракциясиз ўйлашни ва гапиришни билар эди. Арасту бу ерда Афлотунни эмас, балки унинг фалсафий мактаби издошларининг мавҳум ғояларини танқид қилмоқда. Шу маънода амалий фан, санъат ва ҳунарнинг вазифаси неъматларнинг турлари ҳақида ўйлаш эмас, балки ўша неъматларни бунёд этишдир. Арасту фикрича, «Никомах этикаси»да ҳар қандай билим унинг ифодаси бўлган аниқ нарсалардан олингач, уларнинг ғояси ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқдир.

9. Epistemon pason – бу ерда фан – санъат ва ҳунар билан ўхшаш маънода олинмоқда. Учта «Этика»да ҳам Арасту фанни амалий фаолият сифатида тушунади.

10. Арасту айтган, етишиш қийин бўлган «ўрталик», «ўртача йўл тутиш» тушунчаси «ўртача одам» маъносига зиддир. Бу ерда гап ифрот – ҳаддан ошишнинг ҳар икки қутбидан қочиб, марказий мавқеда туриш ҳақида сўз боради. Мисол учун «Оломон»га мансуб одамлар (ёрқин шахслардан фарқланиб. – М.М.) гоҳ қизиққон-жаҳлдор, гоҳ лоқайд, гоҳ жуда мақтанчоқ, гоҳ индамас-писмиқ одамлардир. (Шарқ донишмандлари айтган олтин меъёр шудир. – М.М.)

11. Суқрот ва Афлотун фикрича, биз одамлар ўз ихтиёримиз билан эмас, балки нафсимиз буйруғига бўйсуниб, ёвуз ва гуноҳ ишлар қиламиз; бизни ақлсизлик (яхшиликлардан) маҳрум қилади», ғам-ташвишлар «мажбурлайди», лаззат, роҳатлар «йўлдан оздиради». Ёвузлик (кўпайишининг) сабаби жамиятнинг чала, номукаммаллиги, ҳақиқий билимларнинг етишмаслиги ва (покиза, тўғри) яшашни билмаслигимиздандир.

12. Бу ерда Искандарнинг Ҳиндистонга ҳарбий юришига ишора бўлмаса керак. Арасту кўпчилик асарларида Ҳиндистонни «жуда олис ўлка, у ёқдаги воқеаларга биз таъсир кўрсатолмаймиз», деб ёзади. Шуниси қизиқки, Афлотун ва Арасту кўпинча Миср донишмандлиги, илм-фанлари ҳақида гапирадилару, аммо ҳинд фалсафаси ҳақида индамайдилар. (Бизнинг ватандошимиз Абу Райҳон Беруний «Осорул боқия» ва «Ҳиндистон» асарларида ҳинд фалсафий таълимотлари ҳақида муфассал маълумотлар беради. – М.М.).

13. Юнонча: kai anei toy prattein. Афлотуннинг ақлга хос кўринмас гўзаллик (нуйс) ҳақидаги фикрини давом эттириб, Арасту шу гўзаллик қандай ифодаланишини айтади. Арасту учун севги ҳам агар ифодаланмаса, у севги эмасдир («Никомах этикаси», 1-боб. Ўша китоб, 2-боб).

14. Суқрот жасурликни билимга боғлар экан, фақат оддий хабардорлик ва малакани назарда тутмайди, албатта. Суқрот

фикрича, билим фазилат билан тенг ва у тўғри ўйлаш ва оқилликка яқиндир. Арасту фикрича ҳам фазилатлар шулардан келиб чиқади. Бу ерда ҳам Сукротнинг ўзи эмас, балки унинг таълимотини нотўғри талқин этувчиларнинг фикрлари рад этилмоқда.

15. Омир, Ҳомернинг «Илиада» («Илионнома») асаридаги юнонлар баҳодири Ахиллга қарши курашувчи троялик қаҳрамон Гекторнинг жанг олдидаги айтган сўзлари. – М.М.

16. Олий неъмат ор-номус эмас, бахтиёрликдир. (Бу ерда, албатта, ор-номус ҳам буюк неъмат, аммо) Арасту олижаноблик, олиҳимматни барча фазилатларнинг осмонига ўхшатар экан, бундай ҳиммат бошқа фазилатларга ҳам йўл очишини кўрсатади. Ана ўша фазилатларнинг барчаси – евдемония – бахтиёрликни ташкил этади ва у неъматлар орасида энг эъзозлиси (timion) деб ҳисобланади. («Никомах этикаси).

17. Бу хусусда «Никомах этикаси», IV китоб, 10-14-бобларга қаранг. Арасту бу ерда санаб ўтилган ўрталик – меъёрлардан 6 тасини (мустақил) фазилатлар қаторига қўшмайди: ёмонликдан норозилик, ўз қадрини билиш, уят ва камтарлик, ҳазил-мутойиба, хушмуомалалик, дўстпарварлик ва ҳақгўйлик. Булар барчаси «ҳаяжонли ҳолатларнинг ўрталиги» (pathetikai mesotetes)дир. Уларни қисман аффектлар (руҳий камчиликлар) – нуқсонли ҳиссиёт, эҳтиросларга, қисман ҳали камол топмаган табиий, туғма фазилатлар қаторига киритади (арастушунос олим В.В.Бибихиннинг бу фазилатларни Арасту шундай талқин этганлиги ҳақидаги изоҳларига биз қўшилмаймиз. Чунки Арасту бундай қадрли хислатларни аффектлар – нуқсонлар қаторига қўшиши мумкин эмас. – М.М.).

18. Афлотун адолатни «мукаммал фазилат» дейди. У «Давлат» асарида ҳам адолатни барча фазилатларнинг етакчиси, дейди. У, «Адолат олижанобликдан ва ҳатто оқилликдан ҳам юксакроқ фазилатдир, чунки адолат бошқа барча фазилатларни ўз ичига олади, шу маънода у барча фазилатлар жамидир» (hole arete) деб ҳисоблайди. Чунки адолат фуқаролардан (айрим) фазилатларга

эга бўлишни эмас, балки (илоҳий) қонунларга амал қилишни талаб этади. («Никомах этикаси», V китоб, 3-боб). Арастунинг адолатга оид бу фикрини И.Кант сал ўзгартириб: «Бизга тепамизда юлдузли осмон, қалбимизда маънавий фармон (илоҳий қонун) бўлса, бас», деб ифода қилган эди (И.Кант. «Амалий ақлни танқид» асари. Хулоса).

19. Қаранг: «Никомах этикаси». V китоб, 3-боб. Арастунинг «Адолат pros heteron (бошқаларга нисбатан) деган фикри Афлотуннинг кўнгил хотиржамлиги, ўзимизга адолат, деган фикрига қаршидир. (Яхши, теранроқ ўйлаб қаралса Афлотун ва Арастунинг бу фикрлари ўртасида зиддият йўқдир. – М.М.).

20. Афлотуннинг «Давлат» асаридаги эҳтиёж сабабли айирбошлаш назариясини Арасту «Никомах этикаси», V китоб, 8-бобида муфассал баён қилган.

21. Koinono gar hoi politai tines. Кенг маънода: «Фуқаролар ўзаро умумий (мулкларга) эга бўлгани, яъни тенгҳуқуқли бўлгани учун ҳамжамият (бу ерда жамият маъносида) тузадилар».

22. Афлотунда, шунингдек, софистларда, кейинроқ стойикларда учрайдиган orthos logos – «чин ақл» иборасини Арасту ўзининг меъёр (ўрта йўл тутиш) таълимотига асос қилиб олган. Афлотун ҳам «Давлат» асарида «Доимо ўрта йўлни топишни билиш керак» деган эди (X китоб, 619а бобида). Инсон ақлли мавжудот (logon ekhon), шундай экан, у асл руҳи, ўзлигини топиш учун ҳар қандай тушуниш эмас, балки энг тўғри тушуниш асосида иш тутиши керак. Айни вақтда orthos logos – қарама-қарши қутблардаги гуноҳлардан қочиш учун тўғри мавқе, нисбатни, яъни фазилатни топишдир. Арасту фикрича, оқилона фазилатларни ва фозил ақлни фикрий мантиқ йўли билан топиш мумкин эмас (ёки топиш қийин), меъёрни қалбан ҳис этиш керак. Амалиётнинг сўнгги мезони ҳис-туйғудир.

23. Арасту таълимотида оқилона ҳис-туйғу (aisthesis) – баъзан логос (ақл)дан устундир. Фақат индивидуал, шахсий муайян ҳолатгина эмас, балки англашнинг биринчи асослари ҳам «оқилона туйғу» билан топилади. «Оқилона ҳис-туйғу» (aisthesis) дастлабки сезги нуйс (noys) билан тенгдир.

ИККИНЧИ КИТОБ

1. Кўнгилнинг эҳтиросли интилишлари билан «тўғри ўйлаб иш тутишнинг уйғунлиги (энтелехия) Арасту ахлоқий таълимотида жуда муҳим бўлганидан, у ички курашлар давомида эришиладиган вазминликнинг ўрни қаерда эканлигини белгилай олмайди. Шунга кўра, тийиқсиз одам ахлоқсиз, бузуқ одамдан яхшироқ деган фикрга келади. (Рус арастушуноси В.В.Бибихиннинг бу талқини тўғри эмас. Бу ерда Арасту масаланинг жуда ўткирлигини ҳисобга олиб, шу тарзда ўртага қўйган. Мазкур масала жуда кўп муҳокамаларга арзийди. – М.М.).

2. Арасту кичик Суқротдан фарқлаш учун шундай дейди. Бу сўзни «Муҳтарам, ёшулли Суқрот» деб ҳам таржима қилиш мумкин. Суқрот фикрича, пухта билим – кўнгилдаги энг ҳукмрон қобилиятдир. Шу маънода бирор соҳада пухта билимли одам иродасизлик қилди, деб бўлмайди: бу ерда иродасиз дейилаётган одам шунчаки ҳаётдан нима исташини ўзи яхши билмайди. (Бу масаланинг шундай шарҳланишига ҳам биз қўшилмаймиз. Бу ҳақда алоҳида фалсафий рисолалар ёзиб, чуқурроқ ва тўғрироқ шарҳлаш мумкин. – М.М.)

3. Sophrosine нинг оқиллик ёки сўзнинг этимологий (келиб чиқиш) маъносига кўра «ҳалол» дейиш мумкин. Чунки бу ерда шунчаки, босиқлик, вазминлик ҳақида эмас, балки нопок, гуноҳли ишлардан сақловчи мукаммал фазилат ҳақида гап боради. (Бу оқилона шарҳга биз ҳам қўшиламиз. – М.М.).

4. Арасту «Никомах этикаси»да бу ҳақда кенгроқ тўхталган (VII китоб, 5-бобда).

5. Бу иборалар Арастунинг «Биринчи аналитика» асаридан кўра, «Топика» асарида кўпроқ учрайди. Баъзи асарларини адаштириб юбориш Арастуга хос эмас.

6. Яъни, босиқлик, вазминлик, мақтовли тўлиқ фазилат бўлмаса-да, у доим фазилатдан узоқ эмас.

7. Матн «Никомах этикаси»га қараб тўлдирилди (VII китоб, 6-бобга қаранг).

8. Яъни: агар илмлар роҳат бермаса, умуман роҳатнинг кераги йўқ бўлиб қолади. «Роҳат берувчи илмлар» ибораси Афлотуннинг «Ҳорғий» асаридан олинган.

9. Тўғри, яъни эзгу ақлга мувофиқ келмайдиган, ёвузлик, ёмонлик учун ишлатиладиган фазилатни умуман фазилат деб бўлмайди. Инсоний майлларнинг логос (ақл) ва маънавий-ахлоқий фазилатлар билан боғлиқлиги Арасту фикрича, инсон табиати, жавҳаридан келиб чиққандир.

10. Дирльмайер шарҳи: «Арасту бахтли тасодиф, омадни гоҳо «натижа» эмас, «сабаб» деса ҳам бу фикрини ойдинлаштириб, яна бундай дейди: «Омаднинг сабабкори – бизнинг фазилатимиз ва яхшиликка, неъматга интилишимиздир. Мабодо агар ёмонликдан яхшиликни афзал деб билмаганимизда бизга яхшилик қаёқдан келар эди? Шу маънода омад – сабаб эмас, натижадир».

11. Анъанага кўра, kalokagatia – калокагатия (маънавий гўзаллик) ички, руҳий қадр-қимматнинг ташқи неъматлар билан қўшилишидир. Аммо Арасту бу фикрни яна теранлаштириб, инсонни ташқи неъматларга (бойлик, мансаб ва ҳоказоларга) эришганида ҳам айнитмайдиган фазилатлар соҳиби маънавий гўзалдир, дейди.

12. I китобнинг 34-бобига қаранг. Арасту бу ерда «Мувофиқлик» ва «биргалик» сўзларининг фарқига эътибор бермайди. Уламолар сезганидек, Арасту кўпинча ўзи ихти-

ро қилган техник терминларга унчалик эътибор бермайди. (Кенни А. Аристотель этикаси. Оксфорд, 1978, сах. 220).

13. «Зоғча зоғчанинг кўзини чўқимайди», «тенг тенги билан». Қаранг: «Никомах этикаси», VIII китоб, 2-боб.

14. Эврипид трагедиясидан. М.Гаспаров таржимаси.

15. Эврипиднинг «Орестея» асаридан.

16. Худо – одамларнинг хулқига доир фан мавзуи эмас. (Арасту инсон хулқи ҳақидаги илмлар оддий мавзу, Худои таолонинг таважжуҳи бошқа, илоҳий мавзудир, демоқчи. – М.М.).

17. Одатда қаҳрамон ёки паҳлавонни (лоф бўлса ҳам) Иккинчи Ҳеракл, деб атар эдилар. Бу ерда инсон соддадиллик билан ўзига жуда юксак баҳо беришига киноя қилинмоқда.

18. Инсон дўстида, кўзгудаги каби, ўзини билиши Афлотуннинг шу ҳақдаги фикрини шарҳлаш ва ривожлантиришдир. (Ислом файласуфи имом Муҳаммад Ғаззолий «Кимиёи саодат» асарида бу фикрни жуда кенг ва теран шарҳлайди. – М.М.).

19. Бу ерда фикр узилса ҳам матн таҳлилидан англашилишича, фақат эвдемонизм (бахтиёрлик) масаласи таҳлил этилмай қолган. Эҳтимол, қадимги тўлиқ нусхада бу мавзу чуқурроқ очилгандир. Аммо асарни кутилмаган ўринда тугаллаш Арастуга хос хислатдир.

Фалсафа тарихи олими
В.В. БИБИХИН изоҳлари.
Таржимон ва мазкур изоҳларга
қўшимчаларнинг муаллифи – Маҳкам МАҲМУД

ЮНОНЧА-ЎЗБЕКЧА АЙРИМ ТЕРМИНЛАР

Азан – инкор аломати
Апатия – симпатиянинг зидди
Агафон – неъмат, яхшилик
Архи – ҳар ниманинг асоси
Аретос – фазл, фозиллик
Афобос – қўрқмаслик
Аналогия – ўхшашлик
Атимия – нопоклик
Аристос – олийлик
Биос – ҳаёт
Биология – ҳаётшунослик
Гносис – билим
Дианоя – оқиллик
Доксос – фикр
Дзен – яхши ҳаёт
Дейнотес – иқтидор
Дидаскалия – таълим бериш
Звериотес – ҳамвонлик
Калон – гўзаллик
Калогакатия – оқилона гўзаллик
Катарсис – покланиш
Какос – ёмонлик
Кайнос – мақтанчоқлик
Логос – тафаккур
Логика – тўғри фикрлаш, мантиқ илми
Масса – катталик
Микрос – майдалик
Метоболия – ўзгариш, таъсир
Мегалопрепея – улуғворлик
Макария – роҳатланиш
Праксис – амалиёт
Псевдос – сохталик
Психия – руҳият
Психология – руҳшунослик
Поэзис – ижод қилмоқ
Поэтика – ижод қоидалари
Софос – донолик
Тимия – ҳалоллик
Софистика– муғолата
Тимея – шон-шавкат
Философия – доноликни севмоқ
Филия – дўстлик
Филология – сўз санъати
Феликс – бахтиёрлик
Фронесис – вазминлик
Филотес – аҳиллик
Физика – табиийёт
Эпистема – билим
Этос, этика – хулқ, ахлоқ
Эстезис – ҳис этмоқ
Эстетика – нафосатшунослик

РИТОРИКА (ХИТОБА)

(Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати)

БИРИНЧИ КИТОБ

1-БОБ

Риторика (хитоба)нинг диалектикага муносабати – Риториканинг (барча фанлар учун) умумийлиги. Нотиқлик санъати тизимини – системасини тузиш мумкинми? Аввалги нотиқлик санъати системаларининг қониқарли эмаслиги. Нотиқ (оратор) нималарни исботлаши керак? Қонун барча масалаларни иложи борича ўзи ҳал этиши керак. Бунинг сабаблари. Ҳакам (судья) ҳал этиши керак бўлган масалалар. Нима учун олимлар (тадқиқотчилар) кўпинча адлия (судлов) нутқлари ҳақида гапиришни маъқул кўрадилар? Силлогизм (асословчи фикр) билан энтимеманинг ўзаро муносабати. Риториканинг фойдаси, мақсади ва соҳалари.

* * *

Риторика билан диалектиканинг[1] умумий, ўхшаш томони шундаки, ҳар иккала фан фақат айрим фанларга тааллуқли соҳа бўлмасдан, барча фанлар буларга муҳтождирлар. Ҳар иккала санъатга (фанга) барча одамлар у ёки бу даражада иши тушади, чунки барча одамлар бирор масалани муҳокама қилади, қайсидир фикрни, қандайдир одамни ҳимоя қилади ёки қоралайди. Бундай ҳолларда баъзилар тасодифга суянади, баъзилар ўз одати ёки қобилиятига қараб иш тутади. Бу икки хил ҳолатни бир тизимга, системага солиш учун иккала турдаги одамлар қандай сабабларга кўра мулоҳаза ва

муҳокама оқибатида бирор фикрий хулосага келади, шуни кўриб чиқишимиз зарур, бу эса санъат (илм)нинг ишидир, буни ҳамма (олимлар) эътироф этса керак. Шу вақтгача, риторика (нутқ маданияти)ни системага солиб чиққан олимлар ишнинг фақат бир қисмини бажарганлар, холос. Чунки бу соҳада фақат исботлар (энтимемалар) нотиқлик санъати хусусиятларига эга, қолган ишлар эса ёрдамчи аксессуарлардир.

Нутқ маданияти – риторика масалаларини системага солган муаллифлар исботларнинг моҳиятини – асосларини ташкил этувчи энтимемалар ҳақида бирор сўз айтмайдилар, лекин исботлашдан узоқ масалалар ҳақида кўп гапирадилар[2]. Аслида гапирувчи, нотиқнинг тингловчиларда туҳматга (учраганларга нисбатан) ҳамдардлик, (туҳматчиларга нисбатан) ғазаб ва бошқа туйғуларни уйғотиши ҳакамнинг ҳукмига таъсир этиш учундир, асосий иш, бўлар иш бўлган. Бу нотиқлар (бир мавзу атрофида асосий масала қолиб, бошқа гапларни айтадиган нотиқлар) давлат тузуми илғор бўлган мамлакатларда бир оғиз ҳам гапиролмай қоладилар. Баъзи нотиқлар масалага алоқасиз ёки мавзудан узоқ гапларни айтишни қонун билан тақиқлаш зарур, деб ҳисоблайдилар, бошқа нотиқлар эса ўз ватанида шундай қонундан амалда фойдаланадилар. Масалан, Аэропаг[3] – халқ йиғинида масалага алоқасиз гапларни айтиш тақиқланган. Бундай тартиб тўғридир, чунки ҳакамда ғазаб, нафрат, ҳамдардлик уйғотишга уриниш (яъни, аниқ исботларга қараб ҳукм чиқармай, кайфиятга қараб ҳукм чиқаришга эришиш) ҳакам фойдаланиб турган чизғич – ўлчовни қийшайтириб қўйиш билан тенгдир.

Аслида, масалани кўриб чиқувчининг вазифаси муайян воқеа (айбли иш, жиноят) содир бўлган ёки бўлмаганлигини исботлаб беришдир. Ўша воқеа муҳимми, арзимасми, адолатлими, ноҳақликми, агар қонунда (шундай воқеа ҳақида) айтилмаган бўлса, бу ҳақда ҳакам ўз фикрига эга бўлиши керак.

У гапирувчиларнинг таъсирига берилмаслиги керак (Аслида нотиқлар ҳар қандай муҳокама вақтида тингловчилар ёки ҳакамга эҳтирос уйғотувчи сўзлар билан эмас, балки далил, исботлар билан таъсир этиши зарур. – М.М.).

Яхши, пухта ўйлаб тузилган қонунларда иложи борича барча ҳолатлар эътиборга олиниши, ҳакамнинг ўзбошимча хулоса чиқаришига ўрин қолмаслиги керак. Чунки, қонунлар аниқ ва тўғри (ҳалол, холис) фикрловчи, адолатли, ноҳаклик нималигини билувчи, эл манфаатини ўйловчи одамлар томонидан, пухта ўйланиб тузилиши керакки, токи уларда ўзбошимча хулосалар чиқаришга йўл қолмасин. Бирор қилмиш судда муҳокама қилинганида эса, ҳакам шошилиб ҳукм чиқаради (бу эса адолатдан эмас. – М.М.).

Қонунда айрим ҳолатлар ҳақида эмас, балки умумий тарзда ҳукмлар белгиланади. Қонунда келгусида бўладиган воқеалар ҳақида, барча фуқаролар учун умумий бўлган ҳукмлар, қарорлар берилади.

Риторика, нутқ маданияти олимлари (риторлар) айбланаётган одам бирор хатти-ҳаракатни содир этганми, йўқми, шуни исботлашнинг йўл-йўриқлари ҳақида гапирмай, кўпинча нутқ ва ё қиссанинг муддимасида ҳамда бошқа қисмларида нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида, яъни асосий масалага (асослаш, далиллашга) алоқаси йўқ фикрларни айтадилар. Шу сабабли, бу олимлар халқ олдида сўзланадиган нутқ ҳақида эмас, ҳакамлик – судлов нутқлари ҳақида фикр юритадилар. Аслида судлов нутқи айрим фуқароларнинг иши ҳақида, халқ олдида сўзлаш эса бутун мамлакат, халқ тақдири учун аҳамиятли масалалар ҳақида бўлади, яъни халқ олдида сўзлаш ҳакамлик нутқига нисбатан муҳимроқ ва юксакроқ ҳисобланади. Шунга қарамай, аввалги риторика олимлари халқ учун сўзлаш ҳақида эмас, ҳакамлик нутқига кўп эътибор беришади (бу ажабланарлидир). Ҳар икки турдаги нутқ учун далиллаш, исботлаш қонун-қоидалари бир хил, умумийдир. Шу сабабли, тўғри йўл – но-

тиқнинг ўз фикрига тингловчиларни ишонтириш йўлидир, ишонтириш учун эса асос, далиллар келтиришни, фикрни исботлаш йўлларини билиш талаб қилинади (Чунки, барчамиз далил-исботли фикрларга кўпроқ ишонамиз). Риторик исбот энтимемадир, бу эса силлогизмларнинг[4] бир туридир. Ҳар қандай силлогизм эса, бутунича ёки баъзи қисмларига кўра диалектика (жадалий фикр) соҳасига тааллуқлидир. Шу сабабли, силлогизм (асословчи фикр) нималардан ва қандай тузилишини билган нотиқ силлогизм ҳақидаги билимларига энтимемалар ҳақидаги, яна энтимема – мантиқий силлогизмдан қандай фарқланишига оид билимини ҳам қўшганидан сўнг энтимема (риторик исбот)ни тузишга ҳам қобилиятлироқ бўлади. Биз худди шу қобилиятимиз билан ҳақиқатни ёки ҳақиқатга яқин нарсани топа оламиз. Шуниси ҳам борки, одамлар табиатан ҳақиқатни излаб топишга қобилиятли бўладилар ва кўпинча ҳақиқатни топадилар ҳам. Зотан, ҳақиқатни излаб топишга қобилиятли одамлар ҳақиқатга яқин нарсани топишга устароқ бўладилар.

(Таржимон изоҳи. Арасту ҳакимдан аввал ўтган риторика – нутқ маданияти, нотиқлик санъати олимлари ўз системаларида асосий масалани четлаб ўтганлар, улар нотиқ фикрини далиллаш ҳақида эмас, судлов нутқида ҳакам – судьянинг кайфиятига таъсир қилиш, унда ҳамдардлик ёки ғазаб ва нафрат уйғотиб, нотиқ учун фойдали қарор чиқариш йўллари ҳақида фикр юритганлар. Арасту ҳам кейинроқ бу ҳақда кенг фикр юритади, лекин у аввалроқ нутқда тингловчиларни ишонтириш учун фикрни далиллаш, исботлаш йўллари ҳақида гапиради).

Риторика илмида адолат ва ҳақиқатни топиш йўллари ўрганилгани учун у фойдали илмдир.

Аслида табиатан, адолат ва ҳақиқат ўзининг зидди бўлган ёлғон ва ноҳақликдан кучлидир. Лекин, агар (баъзи ҳолларда) ёлғон ва ноҳақлик адолат ва ҳақиқат устидан ғалаба қозонса, буни қоралаш зарур, бу ҳол нафратга сазовордир. Бундан

ташқари, биз аниқ билимларга эга бўлсак-да, шу билимларимиз билан баъзи одамларни ўз фикримизга ишонтиришимиз жуда қийин бўлади, чунки аниқ билимлар билан маърифатли одамларни ишонтириш мумкин, кўпчиликни (оломонни) эса аниқ билимлар билан ҳам ишонтириб бўлмайди. Биз кўпчилик олдида гапирганимизда албатта барчага тушунарли бўлган далиллар ва фикрларни айтишимиз керак. (Оломонни қандай йўллар билан ишонтириш ҳақида «Топика»[5] асарида айтган эдик (Форобий бу асарни «Тубиқа» дейди.).

Бошқа санъатлар – илмлардан ҳеч бири қарама-қарши асослар (муқаддималардан) хулоса чиқариш билан шуғулланмайди. Фақат риторика ва диалектика қарама-қаршиликлар билан шуғулланади. (Прокл[6] ҳам Афлотуннинг «Кратил» асарига шарҳида фақат риторика ва фақат диалектика қарама-қарши фикрлардан қайси бири тўғри, қайсиниси нотўғрилигини исботлаб, ишонтира олади, дейди). Қарама-қарши фикрлар табиатан тенг қувватли бўлмайди, икки қарама-қарши фикрдан ҳақиқийси, тўғриси, табиатан афзалроғи, яхшироғи кўпроқ ишонтириш қувватига эга бўлганидир. (Лекин, гоҳо одамлар бугунги, ҳозирги фойдани ўйлаб, нотўғри фикрни ҳақиқий деб ишонадилар. – М.М.).

Ўз гавдаси (оёқ-қўли) билан ўзига ёрдам беролмаслик (қўрқоқлик) уятли, шармандали ҳол бўлганидай, одам сўзи (ақли) билан ўзига ёрдам беролмаслиги ҳам уятли, шармандали ҳолдир. Зотан, гавдасидан фойдаланишдан кўра, сўздан фойдаланиш жонли мавжудотлар ичида инсонга хосдир (Фақат калтафаҳм, илм-маърифатсиз одамларгина гавдасидан – оёқ-қўлидан, фойдаланиб ўз фикрини ўткизадилар. Оратор, моҳир нотиқ Исократ[7] айтган эдики, риториканинг барча санъатлар – илмлардан афзаллиги руҳнинг жисмдан афзаллиги кабидир (А.Ф.Лосев изоҳи). Агар кимдир сўз қувватидан ноҳақ ишлар учун фойдаланувчи одам жуда кўп зарар келтиради, деса, қўшимча қилиш мумкинки, бошқа барча неъматлардан ҳам ноҳақ ишлар учун фойдаланиш

зарарлидир. Хусусан, жисмоний кучдан, соғлиқдан, бойликдан, ҳарбий раҳбарликдан оқилона фойдаланиш (ўзига ва эл-юртга) кўп фойда келтиради, бу неъматлардан ноҳақ ишлар учун фойдаланиш эса кўп зарар келтиради.

Бу сўзлардан кўринадики, диалектика каби риторика (сўз санъати) ҳам айрим бир соҳа учун эмас, балки барча соҳаларга алоқадор ва фойдалидир. Риторика илмининг иши айрим одамни бирор фикрга ишонтириш эмас, балки барча одамларни (фойдали ва тўғри) фикрга қандай ишонтиришнинг усуллари, қоидаларини ўргатади. (Бу эса нутқ маданияти ва нотиқлик санъатининг эл-юртга фойдали илм эканлигини кўрсатади). Бошқа илмлар, масалан, медицина – соғлиқни сақлаш ва турли касалликларни даволаш учун фойдали бўлганидай, риторика – барча нотиқлар учун (хусусан, доимо тингловчиларга, ўқувчиларга, талабаларга ваъз айтувчи ўқитувчилар учун) жуда фойдалидир.

Мантиқ илмида сўздан адаштиришга уста одамни софист деганларидек, риторика ва диалектика илмларида ишонтириш санъатига моҳир одамларни диалектик деб атайдилар.[8]

Ҳозир энди сўз санъати қоидаларига, тингловчиларни ҳақиқатни топишга йўлловчи, далиллаш, исботлаш қоидалари, усулларини кўриб чиқишга ўтамиз.

2-БОБ

Риторика (хитоба)нинг бошқа фанлар ва санъатлар (касб-ҳунарлар) қаторидаги ўрни. – Ишонтиришнинг «техник» йўллари (риторика усулларига, маҳоратга асосланган ишонтириш) ва «нотехникавий» йўллари (объектив – холис маълумотлар, далил, ҳужжатлар асосида ишонтириш. Маҳорат билан ишонтиришнинг (яъни, ишонтириш санъатининг) уч усули. Хитоба – риториканинг ҳам диалектика, ҳам сиёсат соҳаларига алоқадорлиги. Мисол ва энтимема. – Ишонарли нарсалар, воқеалар таҳлили. Риторика (хитоба) ўрганадиган

масалалар доираси. Энтимемалар (далиллар) қаердан олинади? Эҳтимоллик, мумкинот таърифи. Аниқловчи белги, сифатларнинг турлари. Мисол келтириш – риторикада йўл кўрсатиш. Умумий далил (топлар) ва хусусий далиллар (энтимемалар).

* * *

Риторика – хитоба ҳар бир аниқ фикрга тингловчиларни ишонтиришнинг мумкин бўлган йўллари, усулларини топиш санъати (қобилияти)дир. Бошқа фанлар ҳар бири ўз соҳасига алоқадор нарсаларни ўргатади ва (ўша нарсаларга) ишонтиради. Шифокорлик, тиббиёт соғлиқни сақлашга доир ёки касалликларнинг кечишига доир нарсаларни ўргатади ва шуларга ишонтиради, геометрия – турли чизиқлар, миқдорлар, сатҳларни, уларни ўзгартиришни, арифметика – сонларни олиш, қўшиш, кўпайтириш, бўлиш амалларини ўргатади ва ҳоказо. Бошқа касблар, ҳунарлар ва фанлар ҳам шу каби, ҳар бири ўз масалалари билан шуғулланади. Риторика (мантиқ илмининг бир бўлими сифатида) барча фанлар учун умумий бўлган, ҳар бир фан учун зарур бўлган ишонтириш усулларини ўргатади.

Ишонтириш усулларидан баъзилари «нотехникавий», баъзилари «техникавий»дир (маҳоратга боғлиқ.) «Нотехникавий» ишонтириш усулларини биз (риторлар – нутқ маданияти олимлари) тўқиб чиқармаганмиз, улар аввалдан бор нарсалардир. (Булар: гувоҳлар, уларнинг кўрсатмалари, иқрорномалари ва ҳоказолар далил, ҳужжатлардир). «Техникавий усуллар биз (риторлар) ўйлаб топган ишонтириш воситалари, усулларидир. «Нотехникавий» ишонтириш усуллари (далил, ҳужжатлар) тайёр бўлганида фойдаланадилар, риторик ишонтириш усулларини эса, аввал ўйлаб топиб, сўнг фойдаланамиз (яъни, бу – сўз санъати билан ишонтиришдир.)

Нутқнинг ишонтириш усуллари уч турлидир: биринчи усул – гапирувчининг шахсиятига, кимлигига боғлиқ. (Масалан, элга таниқли, ўз соҳасининг усталари гапирса

– ишончли; билимсиз, ёлғончи, енгилтак одам гапирса ишонадилар). Ишонтиришнинг иккинчи усули – тингловчиларнинг ёшига, савиясига ва кайфиятига қараб сўзлашдир. (Масалан, билимга қизиқмайдиган, енгилтак тингловчиларга, талабаларга гапирсангиз, идрок этмайдилар ва шу сабабли, айтганингизга ишонмайдилар. Агар билимга чанқоқ, иқтидорли талабалар, ўқувчилар бўлса, уларни маҳоратингиз, чуқур билимингиз билан фикрингизга ишонтира оласиз. – М.М.). Учинчи усулда ишонтириш нутқ мазмунига боғлиқ, нотиқ ё ростдан ишонтиради, ё тингловчиларни ишонтирдим деб ўйлайди.

Биринчи усулда, нотиқ агар яхши инсон бўлса, гаплари ҳам шунга яраша (рост ва ишонарли) чиқади. Умуман олганда биз яхши одамларга тезроқ ва кўпроқ ишонамиз. Агар яхши одам гапирса, нутқининг мазмунини тушунмаса ҳам ишонаверадилар. Бу унчалик адолатли эмас. Баъзилар нотиқнинг нутқида унинг ҳалол, соф, виждонли эканлиги билиниб туради, деб ўйлайдилар.[9] Бу унчалик тўғри эмас. (Атоқли эстетика олими А.Ф.Лосев бу фикрни шарҳлаб, Арасту «Илиада» достонида троялик она-малика Гекуба ўғли Гектордан айрилгач, Одиссейнинг сўзларидан уни соф виждонли деб ўйлашини, у эса, айёр, алдамчи эканлигини назарда тутган бўлса керак. Хуллас, Алишер Навоий айтганидек, «Сўз ҳолига боқма, сўзчи ҳолига боқ». Яъни, сўзда, нутқда айёр, қув одам ҳам ўзини ҳалол, соф виждонли қилиб кўрсатиши мумкин).

Нотиқнинг ишонтириши тингловчиларнинг кайфиятига ҳам боғлиқлиги шунда кўринадики, улар нутқдан тўлқинланиб, турли (ўринли ва ўринсиз) хулосага келадилар. Биз нутқни тинглаётганимизда завқланиш ёки норозилик, меҳр-муҳаббат ёки нафрат таъсирида турли-туман қарорлар қабул қиламиз. Сўз санъатининг ҳозирги назариячилари (Арасту давридаги) тингловчиларни шу каби ҳолатларга соладиган ишонтириш усуллари ҳақида гапирадилар. Биз

булар ҳақида эҳтирос фаслида гапирамиз.[10] (Арасту нотиқ маҳорати ва тингловчиларнинг эҳтиросларн, ҳойу ҳавас ҳақида «Риторика»нинг 2-китобида гапиради).

Ишонтириш фақат шундай уч усул, асос, далиллар билан мумкин бўлгани сабабли, нотиқ тингловчиларни (талабаларни) ишонтира олиши учун ақлий – мантиқий хулосалар чиқаришга қобилиятли, одамларнинг феъл-атворларини (характерларини), фазилатларини ва эҳтиросли майл-истакларини, ҳар бир майл-истак, ҳою ҳаваснинг табиати қандайлигини тадқиқ этган (яъни, психолог, руҳшунос) бўлмоғи керак. Шу маънода **риторика (нутқ маданияти ва нотиқлик санъати) ҳам диалектик фикрлаш соҳасига, ҳам ахлоқшунослик ва сиёсат соҳаларига алоқадор экан.**[11] Худди шу сабабли, баъзи билимсиз ёки масхарабоз (шарлатан) одамлар риторикани билиб олсак бўлди, кейин сиёсатчи бўламиз деб ўйлайдилар. (Арасту «Катта ахлоқ китоби»да ахлоқ – сиёсатнинг бир қисми деб кўрсатган эди). Биз сўзимизнинг бошида ҳам риторика (хитоба) диалектик фикрлашнинг бир қисми ва диалектикага ўхшаш санъат деган эдик: чунки, риторика ҳам, диалектика ҳам бирор фан соҳаси эмаслиги, риторика табиати, ҳар иккала ишонтиришнинг йўллари, усулларини топиш санъати эканлиги ҳақида гапирган эдик. Биз бу икки илм (диалектика ва риторика) нинг моҳияти, қандайлиги, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида етарли фикрлар айтдик.

Ҳақиқий исботлаш ёки нисбий исботлашга келсак (нисбий исбот ҳали чин исбот эмас), бу нарса диалектика илмига ҳам, риторика илмига ҳам тааллуқлидир: ҳар иккаласида ҳаётий мисол – (хусусийдан умумийга) йўллашдир. Энтимема – силлогизм (асословчи фикрдир). Энтимемага ўхшовчи фикр силлогизмга (асослашга) ўхшовчи фикрдир. Мен риторик силлогизмни (асословчи фикрни) – энтимема деб атайман, ҳаётий мисолни эса – риторик йўллаш деб атайман: чунки барча нотиқлар ўз фикрини асослашда ё ҳаётий мисол

келтирадилар, ё энтимемалар қурадилар – фикр билан асослайдилар.[12] Нотиқлар исботлашнинг бошқа йўлларидан фойдаланмайдилар. (Арасту нима учундир, мантиқ илмига тааллуқли далиллаш – хулоса чиқаришнинг турли модуслари – қоидаларини ҳам фикрий далиллаш – энтимема қаторига киритган.)

Нотиқ ҳар қандай фикрни исботламоқчи бўлса, ё силлогизм (асословчи фикр)дан, ё йўллашдан (хусусий мисолдан умумий хулоса чиқариш йўли – индукциядан) фойдаланадилар. (Бу ҳақда Арасту «Биринчи анатилика»да кенгроқ фикр юритади.[13])

Ҳаётий мисол билан энтимема (фикрий асослаш)нинг фарқига келсак, бу ҳақда «Топика» асарида кўпроқ айтилган,[14] у ерда силлогизмлар асословчи фикрлар ва йўллаш ҳақида бундай дейилган: (Муайян воқеага) ўхшаш кўплаб воқеаларнинг бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида хулоса чиқарадиган бўлсак, бундай хулосани у ерда («Топика»да, йўллаш деймиз, бу ерда («Риторика»да) ҳаётий мисол деймиз. Мабодо бирор иш содир қилингани оқибатида бошқа воқеа ҳам юз бергани ҳақида хулоса чиқарилса, у ерда – силлогизм деб, бу ерда – энтимема деб атаймиз.

Риторик далиллаш (аргументация)нинг бу иккала тури ҳам ўз фазилатларига эга. Биз «Методика» асарида[15] айтган фикрларимизни бу ерда ҳам айтамиз: баъзи нутқлар мисолларга бой, баъзи нутқлар энтимемаларга (асословчи фикрларга) бой бўлади, чунки баъзи нотиқлар ҳаётий мисоллар келтиришни, бошқа нотиқлар асосли фикрлар келтиришни яхши кўрадилар. Ҳаётий мисоллар ҳам тингловчиларни яхши ишонтиради, лекин энтимемага (асословчи фикрларга) бой нутқ кучлироқ таъсир кўрсатади. (Бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. – *Тарж.*) Биз қуйироқда бунинг сабабларини ҳамда улардан фойдаланиш усуллари ҳақида батафсил фикрлаймиз. Энди бу иккала турдаги асослашнинг мазмун, моҳиятини аниқроқ баён қиламиз.

Ишонтириш илми (риторика) фақат айрим шахсларга қаратилмайди, масалан, тиббиётда фақат Суқрот ё Каллийнинг (ёки бошқа бирор шахснинг) соғлиги ҳақида эмас,[16] балки умуман инсонларнинг соғлиги ҳақида фикрлар айтилади. Хусусий, якка воқеа-ҳодисалар чексиз бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида қоида қўлланмайди. Диалектика ҳам шундай: у дуч келган одамга қараб хулоса чиқармайди (ҳатто жиннилар ҳам нимагадир ишонадилар), диалектика муҳокама қилиб, кўриб чиқиш вожиб (зарур) бўлган нарсалар ҳақида хулосалар беради. Худди шу каби, риторика ҳам маслаҳатлашиб бир фикрга келинадиган нарсаларни, мавзуларни кўриб чиқади.

Риторика шундай масалаларни муҳокама қиладики, бизда у масалалар ҳақида аниқ қонун-қоида йўқ, тингловчилар ҳам узун-узоқ фикрлар силсиласини бирданига англаб ололмайдилар. Биз кўпинча, муҳокама натижасида икки хил хулоса чиқариш мумкин бўлган нарса ҳақида (тўғри хулосани танлаб олиш учун) маслаҳатлашамиз. Аниқ равшан хулосага келиш мумкин бўлган нарсалар ҳақида маслаҳатлашмаймиз (Таржимон мисоли: Фалончи ўғрилик қилибди, буни ёмон дейликми, яхши дейликми, деб маслаҳатлашмаймиз, чунки бу ишнинг ёмонлиги маълум).

Биринчидан, илгари силлогистик йўл билан (асосли фикрлаш йўли билан) исботланган нарсалар ҳақида бир хулосага келиш мумкин. Иккинчидан, илгари силлогистик (асословчи фикрлаш) йўли билан исботланмаган ва шундай йўл билан исботлашга муҳтож бўлган ҳолатлар ҳақида бирор хулосага келиш зарурати бор. Агар шу ҳолатлар ҳақида асосли бир фикр-қарорга келинмаган бўлса ишонарли бўлолмайди. Биринчи ҳолатда айтилаётган фикрлар жуда узун бўлса, ҳакам (судья) ўртача, жўн одам бўлса, у чиқарган хулоса – қарор ишонарли бўлмайди. Иккинчи ҳолатда ҳамма эътироф этмаган ва ҳақиқатлиги шубҳали фикрлаш йўли сабабли хулоса ишонтирмайди. Шу сабабли энтимема (асословчи фикр) – силлогизм, ҳаётий мисол – йўллаш бўлиши керак. Энтимема

ҳам, ҳаётий мисол ҳам кам ҳолатларда келтирилади, булардан бирортаси ҳаммага маълум бўлса, келтирмаса ҳам бўлади. Масалан, Дориэй исмли одам Олимп баҳсларида ғолиб чиқиб, (олтин) гулчамбар билан мукофотлангани ҳаммага маълум.[17] Шунинг учун нотиқ Дорий ҳақида гапирганда мусобақа ғолиби деса етарли, гулчамбарни айтиш шарт эмас, чунки ғолибга гулчамбар берилиши ҳаммага маълум. (Қадимги Юнонистон нотиқлари асосий фикрни, жуда ихчам, қисқа ифода қилганлар, ихчамлик жуда қадрланган, жамоа олдида узундан-узоқ гапириш қонун билан тақиқлаб қўйилган. – М.М.).

Одамлар одатда ўз фаолиятига доир ишларни муҳокама қиладилар. Улар зарурият, муқаррар қонунлар асосида эмас, балки ўз фикрлари, қарашлари асосида меҳнат қиладилар. («Аналитика»да бу ҳақда айтилган.[18]) Энтимема – асословчи фикрлардан баъзилари зарурият сабабли, баъзилари (кўпчилиги) тасодиф туфайли келиб чиқади.

Энтимемалар (асос – фикрлар) эҳтимоллардан (бўлиши мумкин нарса-ҳодисалардан) ва аломат, сифатлардан ҳам келтириб чиқарилади. Эҳтимол нарсалар – кўпинча содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатлардир.

Белги, сифатлар шундайки, улардан баъзилари хусусийларга нисбатан умумий, баъзилари эса умумийларга нисбатан хусусий бўлиши мумкин. Булардан аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлганлари – аниқ исбот (текмерия) дейилади. Бошқа тури эса номланмайди.

Аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлган белгини мен силлогизм (асос – фикр) ҳосил қилувчи белги – сифатлар деб атайман. Одатда нотиқлар ўз фикрларига тингловчилар эътироз билдириши мумкин деб ўйласалар – аниқ далил – тесмериялар келтирадилар. Қадим вақтларда текмер ва перас бир хил маънони билдирган.[19]

Белги, сифатлардан хулоса чиқаришда тасодифий сифат ва зарурий – вожиб сифатни фарқлашимиз керак. Суқрот – до-

нишманд ва адолатли одам деган асос– фикр – силлогизмдан барча донишмандлар одил, деб хулоса қилиб бўлмайди. Чунки, Суқротнинг адолатли деган сифати барча донишмандлар учун умумий сифат эмас, фақат хусусий – Суқротга хос сифатдир. Касалликда иситма чиқади ва одам тез-тез нафас олади, деган асос-фикр, силлогизмдан барча тез-тез нафас олувчилар касалдир, деган хулосани чиқариш мумкин эмас, чунки тез-тез нафас олиш барча касаллар учун вожиб белги эмас. «Янги туққан аёлнинг кўкрагига сут келади» силлогизмидан кўкрагига сут келган барча аёллар туққан аёллардир, деб хулоса чиқариш тўғри, чунки сут келиши – тасодифий эмас, вожиб сифатдир.

Хуллас, биз эҳтимоллик нима, белги ва аломат нима эканлигини тушунтирдик, уларнинг фарқларини айтдик. Қайси исботловчи хулосалар силлогизм (асословчи фикр) қоидалари бўйича, қайсилари бошқа йўл билан келтириб чиқарилиши ҳақида биз «Биринчи аналитика» китобида кенгроқ фикр юритганмиз.[20] Ҳаётий мисол – ҳақиқатга йўллаш эканлигини ҳам айтдик. Мисол қисмга ва қисмнинг бутунга муносабатини билдирмайди, балки қисмнинг бошқа қисмга, ўхшашнинг ўхшашга муносабатини билдиради. Бундан қисмлардан бири одамларга маълумроқ фикр, иккинчиси номаълумроқ бўлади. Мисол: Сиракуза (Сицилия) ҳокими Дионисий ўзини ҳимоя қилиш учун қуролли соқчилар сўрайди. Аввалдан маълумки, Писистрат ўзига қуролли соқчилар олганида тиран бўлган эди. Шунга кўра, Дионисий ҳам тиран бўлишни кўзламоқда, деган хулосани келтириб чиқарамиз. Мегаралик Феаген ҳам шундай йўл билан тиранга айланган эди.[21] Бунга яна бошқа мисоллар ҳам қўшилиб, Дионисий қандай одамлигини билмасак ҳам, унинг тиран бўлиш мақсади борлигини билиб оламиз. Бунда биз ўзига қуролли соқчилар сўраган ҳокимда тиран бўлиш мақсади бўлади, деган умумий ҳолатдан (топдан) келиб чиқамиз.

Юқорида биз аподиктивга ўхшаш ишонтириш усуллари қандай тузилиши ҳақида айтиб ўтдик.[22]

Диалектик ва риторик силлогизмлар (асос – фикрлар) билан бошқа, алоҳида фанларнинг силлогизмлари (асос фикрлари) ўртасида жуда катта фарқ бор. Агар нотиқ ўзи сезмагани ҳолда бирор фанга доир силлогизмларни (асос фикрларни) кўпроқ айтаверса, кўп фойдаланса, у оддий нотиқликдан ўша фанни билувчи мутахассис олимга айланади. Демак, диалектик ва риторик силлогизм (асос фикрлар) айрим фанлар учун эмас, барча фанлар учун умумий бўлган далил, исботли фикрлашни – топикани ўргатади.[23]

3-БОБ

Нутқ тизимининг уч унсури (грекча ва русчада элемент дейилган). Тингловчиларнинг уч тури. Риторик (хитобий) нутқларнинг уч тури. Кенгашув нутқи, ҳакамлик (ҳукм чиқарувчи, судлов нутқи), эпидейктив нутқ (тантанали нутқ). Бу турлардаги нутқларнинг вақти (мавриди). Ҳар бир турдаги нутқнинг мақсадлари. Ҳар бир нутқ турининг асосларини билиш зарурлиги.

***

Нотиқнинг ва нутқнинг вазифалари қайси тингловчиларга талабаларга ёки мажлис қатнашчиларига ёки барча китобхонларга (ёзма нутқда) мўлжалланганлиги билан белгиланади: тингловчиларнинг уч турига кўра, риторика (хитоба, мурожаат) ҳам уч турлидир. Нутқнинг уч таркибий қисми бўлиб, бу қисмлар бир-бирига мувофиқ келиши керак: 1. Нотиқ. 2. Нутқ мавзуси. 3. Тингловчилар.

Мана шу сўнгги, учинчи таркибий қисм – тингловчиларнинг кимлар эканлиги нотиқ нутқининг мавзуини ҳам белгилайди. Нутқни тингловчилар оддий (фуқаро), томошабин, ё ҳакам (судья ва ҳакамлик ҳайъати аъзолари) бўлиши

мумкин. Нотиқ ва тингловчилар бўлиб ўтган воқеани ёки энди бўлажак воқеани муҳокама қилиши ҳам нутқ мавзуига таъсир кўрсатади. Мисол учун, энди бўладиган воқеа ҳақида халқ йиғини қатнашчилари муҳокамада фикр билдиради. Аввал бўлиб ўтган воқеани масалан, адлия идорасида ҳукм чиқарувчилар (суд аъзолари) муҳокама қилиб, фикр билдирадилар. Оддий тингловчилар (фуқаролар, талабалар) нотиқнинг сўзлаш маҳоратини баҳолайдилар.

Шу асослардан келиб чиқиб, Арасту шартли равишда барча нутқни мақсади, вазифасига кўра уч катта турга (жинсга) бўлади:

1. Кенгашув (маслаҳатлашув) нутқи.
2. Адлия, судлов нутқи (қораловчи, оқловчи, гувоҳлар ва ҳоказо).
3. Эпидейктив – тантанавор нутқ.[24]

Кенгашув нутқининг мақсади, вазифаси – тингловчиларга бирор таклифни тасдиқлатиши ёки рад эттириш (Нотиқнинг тингловчиларга бирор таклифни тасдиқлатиш кўпроқ учрайди).

Адлия, судлов нутқининг вазифаси, мақсади – (бирор ножўя иш қилган одамнинг қилмишини) айблаш ёки оқлашдан иборат. Бу хил нутқ шунга хизмат қилади.

Эпидейктив – тантанавор нутқларда (бирор бўлиб ўтган воқеа, қаҳрамоннинг қилмиши) мақталади ёки (душманларнинг қилмиши) қораланади.

Мана шу уч турдаги нутқда муҳокама қилинадиган вақт ҳам турличадир. 1. Кенгашув нутқида (яқин ёки узоқ) келгувси вақтда юз берадиган воқеалар муҳокама қилинади. Нотиқ тингловчиларни энди бўладиган воқеага тарафдор, хайрихоҳ қилиш ёки қарши чиқишини кўзлаб гапиради.

2. Адлия, ҳакамлик нутқларига келсак, бу ерда нотиқлар муҳокама қилинаётган шахсни ё айблаб (қоралаб) ва ё ҳимоя қилиб (оқлаб) гапирадилар.

3. Эпидейктив – тантанавор нутқнинг вазифаси, мақсади – (ватан, халқ учун қилинган яхши ишларни) мақташ ёки (ватанга, мамлакатга, халққа зарар келтирувчи ёмон, тубан, ярамас ишларни) ёмонлаш (қоралаш)дан иборат.

Таржимон шарҳи. Афина давлатининг кенгаши (сенат) аъзоси, буюк нотиқ ва лашкарбоши Демосфен машҳур нутқларида Афинани алдовлар йўли билан босиб олишга уринаётган Македония подшоси Филиппга (македониялик Александр – Искандарнинг отасига) қарши, умуман бировларга қул бўлишни қоралаб гапирган. У халқ озодлиги – буюк қадрият эканлигини ишончли далиллар билан тушунтирган. Исократ, Эсхин ва бошқа нотиқлар уруш бошламасдан, Македонияга қарамликда, тинч яшаш тарафдори эдилар. Демосфен уларга ва барча халқ йиғинига Македонияга қарамликда яшаш, озодликдан айрилиб, қул бўлиб яшаш эканлигини ёрқин нутқида маънодор, мантиқли фикрлари билан исботлаб беради. Мазкур нутқ мил. авв. 341 йилда айтилган.

Демосфен нутқининг аввалида Эрон-Юнон урушларида элладаликлар кўп марта ғалаба қозониб, Афина қудратли, гуллаб-яшнаган давлатга айланганлигини эслатади. Сўнг халқнинг миллий ғурури йўқолиб, босқинчи македонияликларга хайрихоҳлик билан қараётган одамларни, фақат шахсий бойлигини ошираётганларни, ёвга қул бўлсам ҳам, бой-бадавлат яшай деювчиларни танқид қилади. «Филипп (Македония подшоҳи) Фессалияни қандай бошқариш ҳақида йўл-йўриқ кўрсатмайдими? У, Эритрея демократларини қувиб юбориш учун ва Ореос давлатига ўзига қарашли тиранни раҳбар қилиш учун ёлланма қўшинларни юбормаяптими? (Бу давлатлар Афинага қарашли эди.) Лекин, эллинлар (элладаликлар) бу хўрликларга худди осмондан дўл ёғишига чидагандай, чидамоқдалар. Дўл ёққанда ҳар бир фуқаро дуо қилади, лекин дўлни тўхтатишга кучи етмайди. Юнонлар (грек) нинг ҳар бири айрим ҳолда бу ҳақоратларга чидайди.

Ҳеч ким (ёвга) қарши чиқмагани учун, бутун Эллада шармандали ҳолга тушмоқда. Македониянинг куч-қудратидан қўрқиб, бирор сиёсатчи оғиз очмаётган вақтда Демосфен бундай оташин нутқ сўзлаши катта жасорат эди. Атоқли тарихчи Плутарх ёзишича, Демосфеннинг шу нутқи таъсирида юнонлар босқинчиларга қарши курашга отланганлар. (М.М.)

Арасту «Хитоба» асарида яна бундай дейди: «Эпидейктив (тантанавор) нутқда асосан, сўзланаётган вақт («ҳозирги» вақт)даги вазият муҳокама қилинади, чунки бунда нотиқ мавжуд вазиятда ҳукм сурган ижтимоий фикрни маъқуллайди ёки қоралайди. (Демосфен ўша вақтда ҳукм сурган босқинчиларга таслимчилик руҳидаги ижтимоий фикрни кескин қоралаб, халқни ватан ҳимоясига даъват қилган.) Тантанавор нутқда гоҳо бошқа вақтлар (ўтмиш ва келажак) ҳам муҳокама қилиниши мумкин. (Демосфен яқин келгусида Македония Афинани ўзига қўшиб олса, Афина халқининг қулликдаги оғир аҳволини тасвирлаб, халқни огоҳ қилади.)

Мана шу уччала турдаги нутқнинг вазифаси, мақсади ҳам турличадир. (Аввал айтганимиздек) Кенгашув нутқининг мақсади – фойда ва зарарни тушунтириш. Бир нотиқ яхши ишнинг фойдасини исботлаб, яхшиликка ундайди. Бошқа нотиқ ёмон ишнинг зарарларини исботлаб, халқни бундай ишдан қайтаради. Маслаҳат нутқида бажарилиши кўзда тутилган ишнинг фойда, зарари кўрсатилади, лекин бунда шу иш адолатлими ёки ноҳақ ишми, эзгулик, яхшиликми ё тубанликми – буларни ҳам эътиборга олинади. Соҳибқирон Амир Темур тузукларида баён этишича, кенгашув вақтида айтилган фикрларнинг фойдали ва зарарли томонларини яхшилаб ўйлаб, муҳокама қилар эди: «Агар (ғаним устига) лашкар тортмоқчи бўлсам, амирларимнинг кўнгиллари бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар яраштан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим. Агар урушга мойил бўлсалар, унинг

фойдасини зиёнига таққослаб кўрардим. Қайси бири фойдалироқ бўлса шуни ихтиёр қилардим. Сипоҳни иккилантирадиган (турумсиз) кенгашни (маслаҳатни) эшитишдан сақланардим».

Ҳакамлик нутқида даъвогарлар ва жавобгарларнинг мақсади – юз берган воқеа (қилмиш) адолатлими ёки ноҳақлик, ёмонликми, шуни аниқлашдир, лекин бу ерда ҳам яна баъзи бошқа мақсадлар бўлиши мумкин.

Эпидейктив, тантанавор нутқда бирор шахсни мақтаб ёки ёмонлаб сўзловчиларнинг асосий мақсади бу иш эзгулик, яхшиликми ёки ёмонлик, шармандалик, уятли ишми – шуларни аниқлашдан иборат.

Ҳар бир нутқ турининг айрича мақсадлари бўлишининг далили шуки, нотиқ ва муҳокама қатнашчилари асосий мақсаддан ташқаридаги воқеа, хатти-ҳаракатлар бўлганлигини эътироф қилсалар ҳам, ўша нарсалар ҳақида баҳслашмайдилар. Айбдор фалон ишни қилганлигини тан олса ҳам, ўша ишни ёмонлик, ноҳақлик деб ҳисобламайди. Агар ёмонлик деб ҳисобласа, баҳс, муҳокамага ҳожат ҳам йўқ эди.

Бирор шахсни мақтаётган ёки танқид қилаётган баъзи нотиқлар, ўша шахснинг қилмиши (кўпчиликка) фойдалими, зараралими, буни ўйлаб ўтирмайдилар. Масалан, бу нотиқлар Ахиллнинг дўсти Патроклга мадад беришини эзгулик деб мақтайдилар.[25] (Аслида эса, Ахилл дўстига ёрдам бераман деб ўлиб кетади, бу эса юнон қўшинларига зарар келтиради. Ҳолбуки, Ахилл бу ишга аралашмаса, ўлмай қолиши мумкин эди.) Бундай ҳолларда Ахиллнинг дўсти учун ўлими бир жиҳатдан эзгулик, фазилат, бошқа жиҳатдан, у ўлмай қолганида ўзи учун ва қўшин учун ҳам фойдали бўлур эди. *(– Тарж.)*

Ҳар бир нутқ турининг махсус **муқаддималари (бошланғич асослари)** борлигини нотиқлар билиши зарур, чунки далиллар, эҳтимолликлар ва белги, сифатлар – риторика – хитобанинг муқаддималари, бошланғич асосларидир. Умуман олганда, силлогизм (нисбат, қиёс) муқаддималардан ташкил

топади. Далиллари эҳтимолликлар, белги, сифатлардан иборат муқаддималардан ташкил топган силлогизмлар – нисбатлар, қиёсларни (риторика илмида) **энтимема – далиллаш асослари** деб аталади. Нотиқлар билиши керакки, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам, келгусида ҳам фақат бўлиши мумкин, эҳтимоли бўлган воқеа-ҳодисаларгина юз беради. Бўлиши мумкин бўлмаган, эҳтимоли ҳам бўлмаган воқеалар юз бермайди. Шундай экан, кенгашув нутқида ҳам, ҳакамлик нутқида ва эпидейктив (жуда муҳим, тантанавор йиғилиш) нутқида ҳам нотиқлар бирор воқеа ўтмишда юз берганми, йўқми ва келгусида юз берадими, йўқми, аниқлаш учун мумкинот, эҳтимоллик ва номумкин, имконсиз нарсалар нималиги ҳақида тайёр муқаддималар – бошланғич асосларни билиб туриб гапириши зарур.

Таржимон шарҳи. Нутқнинг барча турларида сўзловчи нотиқлар, улар бирор масалада тингловчиларни (фуқароларни) бирор тадбирни амалга оширишга ундайдими ё уларни бу ишдан қайтарадими (кенгашув нутқида), бирор шахснинг қилмишини қоралайдими, оқлайдими (адлия, ҳакамлик нутқида) ва кимнингдир қилган жасоратли ишини мақтайдими (эпидейктив, тантанавор нутқда), қайси мавзуда бўлса ҳам ўз фикрларини далиллаш вақтида бахт-саодат нима, буюклик ва тубанлик нима, яхшилик нима, ёмонлик, жабр-зулм нима, гўзаллик, эзгулик нима ва шармандали ва уятли ишлар қайсилар эканлигини, яъни, энг муҳим муқаддималар – бошланғич (умуминсоний) асосларга суянган ҳолда ўз фикрини исботлашга уринадилар.

Бу муқаддималар – умуминсоний қадриятларнинг бошланғич асосларини барча нотиқ, хусусан, устоз, мураббий, ўқитувчилар жуда яхши билишлари шарт).

4-БОБ

Кенгашув нутқида нотиқ нималар ҳақида гапиради? Одамларга, халқ ҳаётига алоқадор барча масалаларни кўриб чиқиш риториканинг вазифасига кирмайди (Риторикага тааллуқли алоҳида масалалар бор.). Риторика аналитик вазифани ва сиёсий соҳани ўз ичига олади. Кенгашув нутқида кўриб чиқиладиган беш масала: Молия (финанслар). Уруш ва тинчлик. Мамлакат мудофааси. Мамлакат аҳолисининг озиқ-овқати. Қонунчилик. Нотиқ (оратор) турли давлат тузумларини билиши керак.

* * *

Аввало аниқлаб олайлик: одамлар нималар ҳақида маслаҳатлашадилар? Нотиқлар кенгашда халқ учун нималар фойдали ва нималар зарарли экани ҳақида умумий гапларни эмас, балки мамлакат олдида муайян ўша вақтда кўндаланг бўлиб турган неъматларга ёки иллатларга доир масалалар ҳақида гапиради. Ҳал бўлиши мумкин бўлган масалалар юзасидан кенгаш чақирилади. Йўқ нарса ёки бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида кенгашиб ўтирилмайди. Тасодифан ёки табиий равишда, ўз-ўзидан ҳал бўладиган нарсалар ҳақида ҳам маслаҳатлашувдан фойда йўқ. Одатда бажарилиши, бошланиши ҳал этилиши кенгаш аъзолари – одамларга боғлиқ бўлган масалалар ҳақида фикрлар айтилади. Бирор ишни амалга ошириш мумкинми ёки йўқлигини аниқлаб олиш учун кенгашилади.

Одамлар ҳаётида ва илм-фанда учрайдиган жуда кўп муаммоларни риторика муҳокама қилмайди, уларни муҳокама қилиш бошқа фанларнинг вазифасидир. Шусиз ҳам олимлар риторика фанига тааллуқли бўлмаган нарсаларни ҳам бу фанга қўшиб юбормоқдалар. (Арасту шундай дейди-ю, лекин қуйироқда ўзи инсон руҳияти, психология, ахлоқшунослик – этика, ҳуқуқшунослик, қонунчилик соҳаларида ҳам риторикага боғлиқ ҳолда жуда теран фикрлар айтади. – *Тарж.*)

Аввал айтганимиздай, риторика (хитоба) бир жиҳатдан аналитик (аниқ) фанларга, бошқа жиҳатдан ахлоққа алоқадор (ижтимоиёт ва) сиёсатга киради. Яна, риторика – бир жиҳатдан диалектикага, бошқа бир жиҳатдан софистик мулоҳазаларга яқин туради.[26] Агар биз диалектик фикрлаш ва риторикани қобилият деб эмас, алоҳида фанлар деб олсак, ўзимиз сезмаган ҳолда уларнинг табиатидан узоқлашиб, бошқа фан соҳаларига ўтиб кетамиз, ўша фанларнинг эса ўзига тааллуқли мавзулари бор (Масалан, астрономияда – юлдузлар, ботаникада – ўсимликлар, зоологияда – ҳайвонлар каби. – *Тарж.*).

Лекин биз ҳозир кўриб чиқадиган масалаларни сиёсатшунослик учун ҳам муҳим бўлган бир қанча категорияларга – асосий тушунчаларга бўлиб ўрганишимиз ўзимиз учун фойдали.

Фуқаролар кенгашадиган, нотиқлар ўз фикрини билдирадиган беш соҳа бор:

1. Молиявий аҳвол (финанслар). 2. Уруш ва тинчлик. 3. Мамлакат ҳимояси. 4. Маҳсулотни четдан олиб келиш ва четга чиқариш. 5. Қонунчилик.

Мамлакатнинг молиявий аҳволи ҳақида маслаҳат берувчи нотиқ давлат даромадларининг барча моддаларини (бандларини) – улар қандай ва қанча, агар бирор соҳа унутилган бўлса, уни эслатиб, қўшиб қўйиши, бирор соҳага керагидан кам маблағ ажратилган бўлса, кўпайтиришни таклиф этиши, чиқимлар, харажатлар бирор соҳада бефойда бўлса – йўқотиш, ошиб кетаётган бўлса, камайтириш ҳақида гапириши керак бўлади. Чунки, мамлакатнинг чиқимлари камайтирилса, халқ бойлиги кўпаяди. Мана шу ишларнинг барчасида фақат маҳаллий аҳвол билан чекланмай, бошқа, чет мамлакатларда топилган ихтироларни, янгиликларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Уруш ва тинчлик соҳасида эса, нотиқ ўз давлатининг куч-қудрати аввал қандай бўлганлигини, ҳозир қандай аҳволда эканлигини, нима ишлар қилинса, мамлакат куч-

қудратини ошириш мумкинлигини билиши керак. Нотиқ яна ўз давлати илгари қайси давлатлар билан қандай уришганлигини (енгганми, енгилганми), бошқа давлатларнинг қандай аҳволда уришганлигини билиши зарур. Шу билан бирга нотиқ қўшни давлатлардан қайси бири (кимга қарши) урушга тайёрланаётганлигини, кучлироқ давлатлар билан сулҳ тузиш кераклигини, кучсиз давлатларга нисбатан уруш бошлаш ёки бошламаслик халқ ихтиёрида эканлигини билиши зарур.

Яна нотиқ, душман ҳарбий кучларининг ҳолатини, ҳарбий қуввати зиёдалиги ёки камлигини билиши ҳам фойдалидир, билмаслиги эса зарар келтириши мумкин.

Мамлакат мудофаасига келсак, нотиқ ватанни ҳимоя қилиш йўллари, усулларини, қаерларга қанча соқчилар қўйиш кераклигини билиши зарур. Буни билиш учун эса, нотиқ мамлакатнинг ҳамма жойларини яхши билиши, қаерда соқчилар кам бўлса кўпайтириш, ошиқча бўлса камайтириш кераклигини, энг муҳим марраларни яхшироқ қўриқлаш зарурлигини айтиши керак. Буни билиш учун нотиқ ўз мамлакати ва бошқа давлатлар қатнашган, аввал бўлиб ўтган урушлар (қандай бошланиб) қандай тугаганлигини ўрганиши керак, чунки чет мамлакатларда бўлган урушлардан ҳам ўз давлати учун хулосалар чиқариб олиш фойдалидир.

Мамлакатнинг озиқ-овқат захиралари, имкониятлари қандай, қайси озиқ-овқатлар мамлакатнинг ўзида, қайсилари четдан келтирилади, бу масалада кимлар, қайси давлатлар билан савдо-сотиқ шартномалари тузиш мумкинлигини нотиқ билиши зарур. Нотиқ ўз давлати фуқароларини (ҳарбий қуввати ва озиқ-овқат захиралари соҳасида) кучлироқ давлатлар билан, фойда келтирувчи давлатлар билан яхшироқ муомалада бўлиш зарурлигини эслатиши керак (русча матнда – эҳтиёткорлик билан, дейилган).

Мамлакат тинчлиги, хавфсизлигини таъминлашда бундан ташқари, яна ўз мамлакатидаги (ва бошқа давлатлардаги) қонунчиликка (қандай қонунлар борлигини) ҳам нотиқ билиши зарур. Чунки, давлат фаровонлиги кўп жиҳатдан қонунларга боғлиқдир.

Нотиқ турлича давлат тузумларини, ҳар бир тузумда мавжуд фойдали ва зарарли томонларни, яшнатувчи ёки ҳалокатга, таназзулга элтувчи томонларни билиши зарур. Ҳар бир давлатнинг равнақи ёки таназзули унинг ижтимоий тузуми табиатидан келиб чиқади. Энг яхши (идеал) тузумдан бошқа барча тузумлар давлатни таназзулга учратади. (Халқ, давлат учун) ортиқча эркинлик (демократия) олигархияга йўл очиб беради, ҳаддан зиёд қаттиққўллик тиранияга, жабр-зулмга йўл очади.[27] Бу гўё инсон юзини жуда катта бурун ҳам, жуда ялпоқ бурун ҳам хунуклаштирганига ўхшашдир.

Нотиқ ўз мамлакати ва бошқа давлатларнинг тарихида мавжуд бўлган қонунчилик турлари турли тузумлар билан боғлиқлигини, қайси бошқарув тузуми (давлат ва халқ учун) фойдалироқ эканлигини билиши зарур. Ўша давлатлар қандай ерларда (водийдами, тоғ орасидами, сувлими, сувсиз, чўлми) жуғрофий хусусиятларини ҳам билиши зарур. Лекин, буларни чуқурроқ билиш риторикадан кўра кўпроқ сиёсатшунослик соҳасига киради.

Давлат ишларида маслаҳат берувчи нотиқ мана шу соҳаларда яхши билимларга эга бўлиши зарур. Шундан сўнг биз кенгашда маслаҳат берувчи нотиқ тингловчиларни бирор ишни, чора, тадбирни қилиш фойдали эканига ишонтириш учун ёки аксинча бирор ишни, чора-тадбирни қилмаслик кераклигига ишонтириб, бу ишдан қайтариш учун яна қайси соҳаларни, қайси масалаларни билиши зарурлиги ҳақида фикр юритамиз.

5-БОБ

Бахт-саодат нима? У – инсониятнинг пировард мақсади. Бахт-саодат (тушунчаси)нинг тўрт хил таърифи – Бахт-саодатнинг таркибий қисмлари. Ички ва ташқи ноз-неъматлар. – Насл-насаб асллиги. Яхши хулқли ва кўп зурриёт қолдириш. – Мол-дунё, иззат-ҳурмат, жисмоний фазилатлар тахлили. Яхши дўстларнинг кўплиги. Дўст таърифи. Бахтли толеъ ва тасодифий бойлик – омад ҳақида.

* * *

Ҳар қандай инсон алоҳида ҳолида ҳам, жамоа ҳолида ҳам яхши, бахтли яшашга интилади. Одамлар шу мақсадга мувофиқ ҳаётда у ёки бу йўлни танлайдилар, баъзи қулларни шу мақсадга тўғри келмагани учун четлаб ўтадилар. Мана шу эзгу мақсад, мухтасар қилиб айтганимизда – бахт-саодатдир. У, бир неча таркибий қисмларидан иборат. Энди бахт-саодат нима, у қандай қисмлардан иборат, шуни кўриб чиқайлик.

Аслида, одамни бахтга элтувчи иш-амалларга даъват қилиш, аксинча, бахтсизликка элтувчи ишлардан қайтариш зарурати бор. Қандай қилиб, бахтни ва ё унинг бир қисмини бунёд этиш мумкин?

Бахт-саодатни нималар вайрон қилади? Нималар бахтга етишувга халақит беради? Ёки нималар бахтиёрликка бегона ишларни вужудга келтиради? Мана шу нарсаларнинг нима эканлигини одамлар яхшилаб тушуниб олсалар, ундай ишларни қилмаган бўлур эдилар.

Бахт-саодатни фазилатлар билан қўшилган фаровонлик деб таърифлаш мумкин. У яна: ўз ҳаётидан мамнунликдир? Ёки у – ёқимли ва беозор хизматчиларнинг кўплиги ҳамда уларни бемалол сақлаб туриш ва фойдаланиш имкониятими? Ҳар ҳолда одамлар шулардан бирортасини ёки бир нечтасини бахт-саодат деб эътироф этадилар[28].

Агар бахт-саодат чиндан ҳам шу каби нарсаларда бўлса, булар қаторига яна: насл-насабнинг асллиги, дўст-ёронлар кўплиги, яхши одамлар билан дўстлашиш, бойлик, яхши (хулқли) ва кўп фарзандлар ва набиралар, бахтли кексалик кабиларни ҳам қўшишга тўғри келади. Бундан ташқари, бахт-саодатга яна: соғломлик, чеҳра гўзаллиги, бақувватлик, хушқадлик, мусобақаларда эпчиллик каби жисмоний устунликларни ва яна: шон-шуҳрат, иззат, обрў, омад каби неъматларни ҳам қўшиш мумкин. Чунки, инсон ҳам ўзида, ҳам ўзидан ташқарида мавжуд неъматларга эгалик қилганидан ўзини бахтли ҳис этади. Инсоннинг ўзида (софдиллик, куч-қувват, соғломлик каби) руҳий ва жисмоний неъматлар бўлиши мумкин. Ўзидан ташқарида эса – насл-насабнинг асллиги (бу неъмат, қандай оилада туғилиш инсоннинг ўзига боғлиқ эмаслиги туфайли – ундан ташқарида ҳисобланади), яхши дўстлар, иззат-ҳурмат каби неъматлар бўлади. Яна: иззу жоҳ (мансаб) қудрати, омад ҳам инсон ихтиёридан ташқаридаги неъматлар бўлиб, агар шулар бўлса, одам қўлга киритган бошқа неъматларини ҳам яхши сақлай олади.

Энди, бахт-саодатни ташкил этувчи мана шу ноз-неъматларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқайлик.

Бирор кучли халқ ёки қудратли давлатнинг асл фуқароси учун ўша одамнинг ота, боболари шу давлатда қадимдан яшаб, машҳур йўлбошчилар, подшоҳ, вазир ёки уламолар авлодидан бўлиши ҳам бахт. Мана шундай машҳур зотлар авлоди бўлган одамлар насл, насаб баҳсида бошқалардан ўзини устун деб биладилар. Айрим шахс учун насл-насабнинг тозалиги ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам давлатга, халққа катта хизматлар қилган машҳур одамларнинг хонадонига мансубликка боғлиқдир. Аждодлари орасида ана шундай шон-шавкатли эркаклар, аёллар, ёшлар ва қарияларнинг бўлиши насл-насаб асллигидир[29].

Оилада яхши (солиҳ, хушхулқли, софдил, мард, меҳнатсевар, паҳлавон, олижаноб) фарзандлар кўп бўлиши – давлат-

нинг ҳам қудратини ташкил этади: чунки, мамлакатда яхши тарбия кўрган (руҳий, маънавий ва) жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал, бўйдор, паҳлавон, чаққон йигитлар кўп бўлиши давлатни кучли қилади, обрўйини оширади. Маънавий гўзалликка келсак, камтаринлик ва мардлик – йигитларнинг энг яхши фазилатларидир.

Давлат учун ҳам, айрим оила бошлиғи учун ҳам фозил (фазилатли) йигит ва қизлар бўлиши бахт-саодатдир.

Қизлар учун жисмоний жиҳатдан гўзал, хушқомат бўлиш, маънавий жиҳатдан – камтарин, меҳнатсевар, олижаноб бўлиш – энг яхши фазилатлардир. Ҳар бир инсон ва умуман давлат шундай ажойиб йигитлар ва қизларга эга бўлиш (бахт-саодатидир). Ҳар бир инсон ва давлат шунга интилиши керак. Лакедемон (Спарта) давлатидаги каби, бузуқ аёлларнинг кўп бўлиши фаровонликни икки баравар камайтиради[30].

Озод инсон агар яхши фазилатлари билан иззат-ҳурматли, қадр топган бўлса, шу бойликлар унга фойда келтириши мумкин. Фойдали мулклар: озод инсоннинг қадр-қимматига яраша ҳосил ва роҳат, ҳузур-ҳаловат келтирувчи мулкдир. Ҳосил келтирувчи деганда мен олинадиган даромадни айтмоқчиман. Роҳат берувчи нарсалар эса – улардан фойдаланганингда хурсандчиликдан бошқа ҳеч вақо олинмайдиган нарсалардир... Мулкка эгаликнинг шубҳасиз ишончли бўлиши ундан ўзи истаганча вақтида, ўрнида ва шароитида оқилона фойдаланиш мумкин бўлган мулклардир. Умуман олганда, бойликнинг моҳияти ундан фойдаланишдадир, чунки бекор ётган, (моддий ва маънавий жиҳатдан) бефойда мулкларни бойлик деб бўлмайди.

Яхши обрўга (репутацияга) эга бўлиш халқ орасида жиддий одам деб ном чиқаришдир, кўпчилик одамлар, фозил ва оқил одамлар интиладиган хислатлар соҳиби бўлишдир. Олиҳимматли одамни халқ ҳурматлайди. Адолат юзасидан, фуқароларга яхшилик, хайр-эҳсон қилувчи одам иззат-ҳур-

мат қилинади. Ёхуд маълум вақтларда, маълум жойларда топилиши қийин бўлган бойликлар ва хислатларга эга бўлган одамлар ҳам иззат-обрў қозонадилар.

...Жисмоний фазилатлар: бадан соғломлиги, уни турли ёмон ишлардан, таъсирлардан асраш. Баъзи дарвешсифат одамларга, масалан Геродик соғломлигига одамлар ҳавас қилмайдилар.[31] (Лекин шарқда Иброҳим Адҳам каби подшоҳлигидан воз кечиб, шубҳали таомлардан ҳам кечиб, фақат ҳалол ва озгина таом еб, тоат-ибодат билан ҳаёт кечган дарвешлар иззат-ҳурматга сазовордир.)

Гўзалликка келсак, бу фазилат турли ёшдаги одамларда турличадир. Ўсмирлар, ёшлар югуриш, тош кўтариш ёки бошқа қийин машғулотлар билан хушқомат ва кучли, чайир гавдали бўлса – гўзал ҳисобланади. Айниқса, пентатл (беш кураш)[32] билан шуғулланган атлетикачиларнинг гавдаси гўзалдир, чунки улар гавдасини ҳар жиҳатдан чиниқтирганлар.

Ҳам курашни, ҳам мушлашувни яхши билганлар панкратинчигалардир[33].

Яхши қариганлар – бой-бадавлат, соғлом, саховатли, фарзандлари одобли чол-кампирлар ҳам бахтлидирлар. Полифилия – дўстларнинг кўпчилиги, кристофилия – яхши, доно дўстларнинг кўплиги ҳам бахт-саодатдир.

Баъзи (тасодифий) неъматлар инсон табиатига боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Масалан, санъат (гимнастика) сабабли инсон соғлиги яхшиланади. Лекин, баланд бўйлик, гўзаллик инсонда табиий бўлади. Табиий неъматлар бошқаларнинг ҳасадини (ёки ҳавасини) келтиради.

Тасодифий неъматларда тартиб, қоида ҳам бўлмайди. Масалан, бир оилада барча болалар хунук, фақат биттаси чиройли. Ҳеч ким топмаган дафина – хазинани бир одам топиб олиши ҳам тасодифийдир. Ёки, жанг вақтида ўқ бошқаларга тегмай, фақат бир одамга тегиб ҳалок этиши ҳам тасодифдир.[34]

Фазилатлар ҳақидаги таълимот мақтовларга алоқадор бўлгани учун, фазилатлар ҳақида мақтовлар бобида фикр юритамиз.

6-БОБ

Кенгашув нутқининг мақсади – (ватанга, халққа) фойда етказишдир. (Савдога алоқасиз) Барча одамларга фойда етказиш – ноз-неъматдир. Ноз-неъматнинг таърифи. Таъсир этувчи сабабларнинг уч тури. Неъматларнинг тур ва даражалари: бахт-саодат, кўнгилдаги фазилатлар, гўзаллик, согломлик, бойлик ва дўстлик, ор-номус, шон-шараф, яхши сўзлай билиш ва сўзлаганига амал қилиш, табиий қобилиятлар, илм-фанларни, турли ҳунар ва санъатларни билиш (тинч, осойишта), ҳаёт, адолат (барқарорлиги). Шубҳали неъматлар. Яна неъматнинг таърифи. Икки хил эҳтимоллик.

* * *

Биз (нотиқлар) бошқаларга, тингловчиларга бирор иш ва тадбирнинг ҳозирги вақтда фойдали, яхши ёки келгусида яхшилик келтиришини тушунтираётганимизда ёки ўша нарсанинг зарарли эканлигини айтиб, уни қилмасликка даъват этаётганимизда табиий ва равшанки, биз ўша ишнинг кўпчиликка фойдали ёки зарарли эканлиги ҳақида ўйлаймиз. Кенгашда маслаҳат бераётган нотиқ охирги мақсадни эмас, балки унга етишув йўллари, воситалари ҳақида гапиради. Ана шу воситалар мақсадга етишувда фойдали ишлар, тадбирлардир. Фойда келтирувчи нарсалар эса неъматдир. Шу нарсаларни яхши тушуниш учун яхшилик (ва ёмонлик), фойда (ва зарар) нималардан иборатлигини кўриб чиқишимиз керак.

Ноз-неъмат шундай нарсаки, биз уни истаймиз, ёқтирамиз, шу сабабли, ноз-неъмат келтирувчи бошқа нарсаларни (меҳнат билан келган бойликни ва ҳоказоларни) ҳам яхши

кўрамиз. Ақлли одамларнинг барчаси (ақл неъмати насиб этган одамлар) ноз-неъматни яхши кўрадилар. Ақл билан топилган ноз-неъматлар инсонни хотиржам ва мамнун қилади. Ноз-неъмат ўз-ўзича турганида ҳам ёқимли, хотиржамлик ва мамнунлик ҳолатини давом эттираётгани учун ҳам ёқимли, бошқа ноз-неъматларни топишга хизмат қилаётгани учун ҳам ёқимлидир. (Масалан, анвойи мевалар ноз-неъмат, уларни истеъмол қилганингизда соғлиқ, саломатлик неъматига ҳам эришасиз. Ёки илм-фанлар ҳам неъмат, яна булар ёрдамида бошқа неъматларга ҳам эришасиз).

Ўзи неъмат бўлиб, бошқа неъматларни ҳам келтирувчи нарса уч жиҳатдан яхшидир: соғломлик яна узоқ яшашга имкон беради. (Меъёрда истеъмол қилинган) таом ўзи неъмат, у яна соғломлик неъматини келтиради. Гимнастика ҳам шундай, у (ҳузур беради) ва соғлиқни ҳам яхшилайди. Хуллас, ҳар қандай неъматни қўлга киритиш ва ёмонликни (ёмон хулқ ва ёмон қилмишларни) йўқотиш фойдалидир.

Ҳар бир нотиқ неъматларнинг даражалари, мартабаларини ҳам билиши зарур. Чунки, буларни билиш бизга ҳаётимизда янада аълороқ неъматларни қўлга киритишга ёрдам беради. Ноз-неъматларнинг озлигидан кўплиги аъло, ёмонлик, қайғу, кулфатнинг эса кўплигидан озлиги яхшироқ. Фазилатлар ҳам неъматдир, чунки, фозил одамлар (бошқаларга, мол-давлати кўп одамларга нисбатан) бахтлидирлар. Чунки фазилатлар неъматларга еткизади ва улардан (оқилона) фойдаланишни ўргатади.[35] Аммо, фазилатларнинг ҳар бирининг мазмун, моҳияти, уларнинг табиати ҳақида кейин алоҳида фикрлашамиз. (Оқилона) роҳатланиш ҳам неъмат, барча жониворлар роҳатланишга интилади. Чиройли нарсалар барча одамлар учун ёқимли ва истакли, марғубдир. Аввал айтганимиздай, ҳаёт неъматлари қуйидагилардир: бахт-саодат неъмати бошқа кўп

неъматларни ўз ичига олгани учун барча инсонлар унга интилади (лекин бахтни турли одамлар турлича тушунадилар, бу ҳақда қуйироқда тўхталамиз).

Бир сўз билан айтганда эзгулик, (неъмат) деб қуйидагиларни эътироф қилиш зарур: бахт-саодат, чунки унинг ўзи барча неъматлардан афзалдир, бундан ташқари айнан у туфайли биз кўп нарсаларни танлаб оламиз. Адолатлилик, мардлик, меъёр (мўътадиллик), олижаноблик, сахийлик ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни эзгулик (неъмат) деб эътироф қиламиз, чунки булар қалбнинг яхши хислатларидир. Гўзаллик, соғломлик ва бошқа шунга ўхшашлар ҳам эзгулик (неъмат)дир, чунки бунинг ҳаммаси вужуднинг яхши хислатларидир, вужуднинг бу хислатлари кўпгина эзгуликларни туғдиради (келтириб чиқаради), масалан, соғ-саломатлик ҳузур-ҳаловатли ҳаётни вужудга келтиради, негаки у олий неъмат, (эзгулик) ҳисобланади, чунки у энг катта бебаҳо аҳамиятга молик бўлган иккита нарса – ҳузур-ҳаловат ва ҳаётнинг сабабчиси бўлиб хизмат қилади.

Ҳалол меҳнат билан топилган бойлик инсон қадрини (фазилатини), бошқалардан афзаллигини ифодалайди ва кўпгина неъматларнинг (эзгуликларнинг) сабабчиси бўлиб хизмат қилади. Дўст ва дўстлик ҳам азиз неъмат, у сабабли кўпгина яхшиликлар келиб чиқади. Ор-номус, шон-шараф, ёқимли ва кўп нарсаларни вужудга (юзага) келтиради, одамлар ор-номус, шон-шараф мавжудлиги туфайлигина фахрга, ҳурматга сазовор бўладилар ва ор-номус билан кўп нарсалар боғлиқ бўлади. Чиройли гапира олиш ва сўзига амал қилиш ҳам неъматдир, бунга ўхшаганлар ҳаммаси неъмат, эзгуликни яратади (вужудга келтиради). Истеъдод хотира, зеҳнлилик, зийраклик, зукколик ва шунга ўхшаш барча хислатлар ҳам шулар жумласига киради, чунки улар эзгулик (неъматлар) ни юзага келтирадилар. Худди шулар билан баробар

тарзда илм-фан ва санъат, барчаси ҳам булар таркибига, жумласига киради (тааллуқлидир). Ҳаётнинг ўзи неъматдир (эзгуликдир). Ва ниҳоят адолатлилик ҳам эзгуликдир, чунки у ҳаммага фойдали ҳисобланади. Неъмат, эзгулик деб одамлар тан олиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммаси тахминан ана шулардан иборат. Баҳсли, мунозарали бўлган эзгулик, неъматларга келсак, юқорида эслатиб ўтилган эзгуликларга (асосланиб) улар тўғрисида хулоса қилиш керак бўлади.

Ёвузликка нимаики қарши бўлса ана ўша эзгуликдир ҳамда душманларга нимаики фойдали бўлса ўшанга қарши, тескари бўлган нарса ҳам бу – эзгуликдир (неъматдир). Масалан фуқароларнинг қўрқоқлиги, номардлиги душманларга фойда келтиради, у ҳолда равшанки жасурлик, мардлик фуқароларга жуда фойдали ҳисобланади. Умуман олганда душманлар ниманики хоҳласалар ва нимадан хурсанд бўлсалар ўшаларнинг барчасига тескари, қарши ҳолатда бўлиш фойдали ҳисобланади ва шунинг учун ҳам мана бундай дейишган:

Ҳукмдор Приам қандай завқланган бўларди...[36]

Лекин доим бундай бўлавермайди, кўпинча бир хил нарса икки томон учун ҳам фойдали бўлиши мумкин ва қачонки худди ўша бирор нарса икки томон учун ҳам зарарли бўлганида «бахтсизлик одамларни бир-бирига яқинлаштиради» деб шунга айтадилар. Меъёрида бўлган нарсани ҳам эзгулик деб аташ мумкин, зарурий чегарани бузиб ўтишни, ҳаддан ошишни эса ёвузлик деб аташ мумкин. Нима (қайси) нарса учун кўп меҳнат ва харажат қилинган бўлса ўша нарса ҳам эзгулик (неъмат) ҳисобланади, агар бундай нарса яхши мақсадга хизмат қилса. Ҳар бир (яхши) ният эзгулик бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам айтилган:

Лекин бениҳоя бу ерда кутавериш ҳам, шармандали ҳолдир биз учун.[37]

«Нақ (худди) эшикнинг олдига етганда сувли кўзани қўлдан тушириб юбориш» деган мақол ҳам шундан келиб чиққан.[38]

Кўпчилик нимагаки интилаётган бўлса (ҳаракат қилаётган бўлса) ва бу борада мусобақалашишга арзийдиган нарса бўлса ана ўшалар ҳам неъматлар деб тасаввур қилинади, одамларнинг кўпчилиги, аксарияти тушунчаси эса «ҳамма одамлар» деган тушунчага баробар деб тасаввур қилинади. Мақтовга лойиқ бўлган нарса эзгуликдир (неъматдир), чунки эзгулиги мавжуд бўлмаган нарсани ҳеч ким мақтамайди. Душманлар ва ёмон одамлар ҳам яхши деб тан олган ишлар ҳам яхшидир, бу ишдан зарар кўрганлар ҳам маъқуллашган бўлса, бундай ҳамжиҳатлик (якдиллик) шубҳасиз эзгуликнинг самараси ҳисобланади. Душманлардан эмас, балки дўстларидан танбеҳ эшитувчилар ёмон одамлар ҳисобланадилар, яхши одамларни эса ҳатто душманлари ҳам койимайдилар.

Шунинг учун ҳам коринфликлар ўзларини Симонид-нинг шеърида ҳақоратланган деб ҳисоблайдилар:

Илион Коринф аҳлига танбеҳ бермайди.[39]

Бунинг сабаби: Беллерофонт ўғли Главк бошчилигида баъзи коринфликлар Илион (Троя) тарафдори эдилар (А.Ф.Лосев изоҳи). Ақлли ё яхши эркак ёки аёллардан бирор кимсани афзал кўриш, хайрихоҳлик ҳам эзгуликдир, масалан, Афина Одиссейни, Тесей Еленани, Александр (Парис) маъбуда (Афродита)ни ва Ҳомер Ахиллни афзал кўрди.[40] Умуман айтганда одамларнинг афзал кўришига лойиқ бўлган нарсалар эзгулик (неъмат)дир, чунки улар юқорида кўрсатилган одамларнинг фазилатларини афзал кўрадилар. Одамлар душманларга ёмонлик ва дўстларга яхшилик тилайдилар. Бундан ташқари улар имкони етадиган – мумкин бўлган нарсаларни қилишни афзал кўрадилар. Мумкин бўлган нарсалар икки турда бўлади: бир

хиллари аллақачон амалга оширилгани бўлса, иккинчиси эса энди амалга оширилиши мумкин бўлган нарсалар. Ихлос ва завқ билан қилинган иш осон ва тез бажарилади, чунки бирор ишни амалга оширишнинг қийинлиги ўша ишни ёқтирмаслик сабабли ёки кўп вақт талаб қилиниши сабабли кечиктирилади, бажариш қийинлашади.

Одамлар яна ўзларига ёқимли нарсаларни ёки машғулотларни афзал кўрадилар. Одамлар яна ёмонлиги ёки зарари камроқ, зарари унчалик сезилмайдиган нарсаларни афзал кўрадилар. Улар яна бирор нарса бошқаларда эмас, фақат ўзида бўлишини афзал кўрадилар. Арзимас бўлса ҳам, ўзига, оиласига керакли деб ўйлайдиган нарсаларни афзал кўрадилар. Улар яна дўстларга яхшилик қилишни, душманларга зарар келтиришни афзал кўрадилар. Одамлар ўзлари яхши билган ишлар, касб-ҳунарларни ҳам афзал кўрадилар. Улар яна ёмон одамлар қилолмайдиган (яхши) ишларни ҳам афзал кўрадилар (масалан, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват каби).

Ҳар бир инсон яна ўз табиати, феъл-атворига қараб, масалан, шуҳратпараст одамлар (ҳар ерда) ғалаба қозонишни, иззатталаб одамлар иззат-ҳурматни, таъмагир (ғаразгўй) одамлар пулни афзал кўрадилар. Одамларга бирор неъмат, фаровонлик ҳақида гапирганда улар афзал кўрадиган нарсалар билан ишонтириш осонроқ бўлади.

7-БОБ

Неъматларнинг даражалари. Катта ва кичик неъматлар. Жуда фойдали ва озроқ фойдали неъматлар. Буларнинг турлича таърифлари.

* * *

Одамлар кўпинча неъматларнинг қай бири (инсон бахт-саодати учун) фойдалироқ, деб баҳслашиб қоладилар. Бундай баҳсни ҳал этиш учун катта бойлик – неъмат ва фойдалироқ неъматлар қайси эканлиги масаласини кўриб чиқишимиз керак. Бир неъматни бошқасидан афзал кўриш учун билиш керакки, афзал кўрилган неъматда ундан кичикроқ неъмат ҳам бўлади ва айни вақтда унда зиёдроқ неъмат ҳам бор. (Мисол учун, бировда қўй ва сигир бор, булардан сигир зиёдароқ неъмат, чунки у сут беради). Катта ва кичик деган сўзларни одатда буюмлар, жиҳозлар, шаклларга нисбатан қўллаймиз. Лекин катта ва кичик сўзлари бойлик, мол-мулк, маънавий қадриятларга ҳам тааллуқлидир. Одатда катта деб, афзалроғини, кичик деб, бирор нарсанинг камроғини айтамиз. (Кейинроқ Арасту баъзи нарсаларнинг кўпи яхши, баъзи нарсаларнинг ками яхши экани ҳақида гапиради. Масалан, фазилатнинг кўпи, иллатларнинг ками яхши. Фазилат – неъмат, иллат эса неъмат эмас, кони зарардир. – М.М.)

Неъмат деб одатда бирор фойдали ишга хизмат қиладиган воситани эмас (аслида бу ҳам неъмат, масалан, гимнастика, соғлиқни сақлаш воситаси), балки ўзича ёқимли, истакли бўлган нарсани айтамиз. Ақлли ва тажрибали одамлар шундай неъматларни топишга, қўлга киритишга интиладилар. Яна шундай неъматлар борки, улар ёрдамида бошқа неъматлар вужудга келади, ёки борлари яхши сақланади. (Масалан, илм ва ҳунар. Бу неъматлар ёрдамида инсон бошқа кўп неъматларга эришади ва борларини сақлайди. – М.М.) Баъзи неъматлар мақсад қилинган неъматларни ҳосил қилиш учун

керак. Мана шу сўнгги мақсад қилинган неъмат шу мақсадга хизмат қиладиган неъматга нисбатан афзал ёки катта неъматдир. Миқдори камига нисбатан кўпроғи афзал ва катта неъматдир. Агар табиат жонзотларини олсак, от эшакдан афзалроқ неъмат. Бўйдорлик неъмати аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқдир. Борлиги бошқа нарсаларга боғлиқ неъматга нисбатан, ўша нарсаларга боғлиқ бўлмаган (мустақил) неъмат ҳам афзалдир.

Бир-бирига боғлиқ, бирин-кетин келадиган неъматлар уч турли. Бирор яхши ҳодиса: 1. Ё бошқа ҳодиса билан бир вақтда юз беради (Масалан, соғлиқ ва узоқ умр. 2. Ё келиши ўша бошқа ҳодисага боғлиқ бўлади (бойликнинг келиши ва мансабдор бўлиш). 3. Ё бир яхши ҳодиса бошқа яхши ҳодисадан кейин келади. (Масалан, уйланганидан маълум вақтдан сўнг фарзанд кўради). Бу неъматлардан соғлиқ афзалроқ, чунки у бўлса инсон узоқ яшайди. (Лекин фаровон яшаётган одамда соғлиқ яхши бўлмаслиги ҳам мумкин.)

Илм олиш ва билим ўртасида бирин-кетинлик алоқаси бор (аввал билим, сўнг илм келади). Худони билмаслик – зиндиқлик билан ўғрилик ўртасида имконий алоқа бор. Яъни, худони билмайдиган (ундан уялмайдиган ва қўрқмайдиган) одам босқинчилик, ўғрилик ҳам қилади.

Яна яхшилик келтирувчи неъматнинг ҳам имконияти кўпроқдир. Соғлиқ учун фойдали нарса ёқимли, роҳатли нарсадан яхшироқ неъматдир (Роҳатли нарса, масалан, ичкилик соғлиқ учун зарарли – *Тарж.*)

Бақувват одамда соғлиқ ҳам бўлади. Мақсадга етказувчи неъмат мақсадсиз (бир мартали) неъматдан яхшироқ. Масалан, гимнастика соғлиқни яхшилайди (у янги кийимдан яхшироқ неъматдир). Бошқа неъматларга эҳтиёжи бўлган неъматдан кўра мустақил, ўз-ўзича неъмат яхшироқдир. Агар бир неъмат бошқа неъматларга асос ва сабабчи бўлса, асос ва сабабчи бўлмайдиган неъматдан афзалроқдир. Чунки, асос ва сабабсиз ҳеч нарса вужудга келмайди.

Каттароқ яхшиликка сабабчи бўлувчи неъмат кичикроқ неъматга сабаб бўлувчи неъматдан афзалроқ. Шуниси ҳам борки, мақсад асосга нисбатан муҳимроқдир. (Афина халқ кенгашида) нотиқ Леодамант (Спарта билан сулҳ тузишни истаган) Каллистратни айблаб гапирганида «Маслаҳатчи ижрочидан кўра кўпроқ айбдор», чунки у маслаҳат бермаганида бу иш (сулҳ) бўлмас эди, деган эди. Ва аксинча, у Хабрий ҳақида гапирганида маслаҳатчидан кўра ижрочи кўпроқ айбдор, чунки, ижрочи бўлмаса, маслаҳат амалга ошмас эди, деган.[41]

Табиатда кам учрайдиан нарса (масалан, олтин) кўп учрайдиган нарсадан (масалан, темирдан) қадрлироқдир. Лекин, бошқа томондан, ҳаёт учун зарур, кўп ишлатиладиган нарсанинг камига нисбатан кўпи яхшироқдир. Шу сабабли шоир Пиндар айтади:

Барчасидан сув аъло.[42]

Умуман олганда, осон топиладиган нарсадан кўра қийинчилик билан топиладиган нарса қадрлироқдир. Лекин, бошқа жиҳатдан қийин ишга нисбатан осон битадиган иш яхшироқ, чунки тезроқ мурод ҳосил бўлади.

Табиийки, фазилатли (хулқ) фазилатсиз (хулқ)дан яхшироқ. Катта нуқсон кичик нуқсондан ёмонроқдир.

Сабаблардан яхшилик ёки ёмонлик жиҳатидан оқибати кучлироғи салмоқлироқдир. Ҳидлашдан кўра кўриш муҳимроқ бўлгани учун ҳид билиш ўткирлигига нисбатан кўзи ўткирлик аълороқдир.

Пулни яхши кўришдан кўра дўстларни яхши кўриш фозилроқдир, чунки дўстсеварлик мол-дунёни севишдан афзалдир.

Яхши нарсаларнинг аъло даражалиси ҳам афзалроқдир. Энг юксак ва энг гўзал ҳис-туйғуларни уйғотувчи нарса (ҳодиса, қилмишлар) ҳам гўзалроқ, юксакроқдир. Ҳунар, санъат ва фанларнинг ҳам энг ажойиби ва қимматлиси шуғулланадиган мавзулар, объектлар ҳам юксакроқдир.

(Фалсафа бошқа фанлардан аълороқ бўлгани каби. – *Тарж.*) Ҳар бир фаннинг ўз ҳақиқатлари бор. Юксак фаннинг ҳақиқатлари ҳам юксакроқдир.

Неъматлардан қайсиларини оқил ва донолар ёки кўпчилик халқдан энг фозиллари яхши деб биладиган ўша неъматлар қадрлироқдир. (Ҳаётга енгил қаровчи айрим кишилар ота, онадан, ёру дўстлардан кўра пул ва мол-дунё яхшироқ деб ўйлайдики, бу хатодир. – *Тарж.*)

Энг ақлли ва фозил одамлар қадрлайдиган неъматлар энг яхши неъматлардир. Энг яхши одамлар нимани афзал кўрса ўша нарса яхшироқдир. Масалан, бировга адолатсизлик қилувчи одамдан кўра адолатсизлик жабрини тортган одам яхшироқдир.[43] Куч-қувватга нисбатан чидам ва мардлик афзалдир.

Лаззатли, роҳатли нарсалардан зарарсизроғи, ташвиш, ғам келтирмайдигани яхшироқдир. Камроқ ё ўртача чиройга нисбатан мукаммалроқ чирой, гўзаллик афзалроқдир.

Кўпчилик одамлар ўзига раво кўрган яхшиликлар ҳам неъматларнинг афзалидир. Кўпчилик одамлар ўзига сира раво кўрмайдиган ёмонликлар каттароқ ёмонликдир.

Неъматлардан вақтинча фойдалисига нисбатан доимо фойдалиси афзалроқдир. Буюмлардан бўш заифига нисбатан мустаҳкамроғим яхшидир. Ўртача одамдан кўра жасур одам қадрлироқ. (Лекин, ахлоқ фалсафасида ҳаддан ошувчиларга нисбатан ўртача йўл тутувчилар азизроқдир. – *Тарж.*)

Барча қадрлайдиган нарсалар озчилик қадрлайдиган нарсалардан яхшироқдир. (Арасту замонидан 2400 йил ўтгач, бу фикрнинг моҳияти ўзгарди. Бу замонда жуда кам одамлар илм, фанни қадрлайди, энди олимлар аввалгичалик қадрланмайди. Шунга қарамай, озчилик зиёлиларгина олий идеалларни яхши қадрлайдилар. – *Тарж.*)

Неъматларнинг мақтовга лойиқроғи афзалроқ, чунки, гўзал неъматлар мақтовлидир. Энг кўп ҳурматга лойиқ неъматлар ҳам шундай. (Масалан, илм, фанлар, санъатлар.) Ва

аксинча, жазоланишга лойиқ ишлар энг ёмон қилмишлардир (алдов, порахўрлик, ўғрилик, жабр-зулм ва бошқалар).

(Сўз санъатида, шеъриятда, нотиқликда) воқеа, ҳолатни қисмларга ажратиб кўрсатиш фожианинг буюклигини равшанроқ англатади. («Илиада» достонида аёл эри Мелеагрни босқинчиларга қарши курашга даъват қилиб (манзарани қисмларга ажратиб) бундай дейди:

Ёвлар босиб олган шаҳарда эл ҳоли ёмон,
Ўз уйида одамларни ўлдириб, ўт қўймоқдалар.
Болаларни, ҳатто белидан паст белбогли
(Ҳомиладор) аёлларни асирликка ҳайдамоқдалар.[44]

Воқеанинг айрим қисмларини таққослаш, қиёслаш ва бириктириш билан ҳам мазмунни кучайтириш мумкин. Эпихарм[45] кўпинча шундай қиларди. Воқеа, ҳодисани турли қисмларга ажратиб, ўзаро таққослаш йўли билан ҳам бутун нарсанинг кўламдорлигини, у бошқа буюк ишларнинг бошланиши эканлигини билдириш мумкин. Бирор воқеа, хатти-ҳаракат, нарсанинг қийин кечгани, нодирлигини, ёши, ўрни, вақти одатидан ташқари эканлигини билдириш ҳам маъно салмоғини оширади, ўша одам, хатти-ҳаракат, нарсанинг ажойиблигини, фойдали ёки адолатли эканлигини ёки бунинг аксини кўрсатади. Бир шоир (Симонид) Олимпия ўйинлари ғолибига ёзган эпиграммасида бундай дейди:

Бир замонлар эгри обкашини елкамга осиб,
Аргосдан балиқ элтар эдим Тегея сари.[46]

Шу маънода Ификрат[47] ҳам «Улғайишим шу тариқа бошланган эди», деб ўзини мақтайди. Ўқиб, ўрганилган маҳоратга нисбатан табиий, туғма истеъдод, қобилият қадрлироқдир, чунки туғма қобилиятли одамлар кам топилади. Шу сабабли шоир айтади:

Мен ҳаваскорман[48]

Буюк воқеа, ҳодисанинг энг катта қисмини билдириш ҳам унинг салмоғини кўрсатади. Перикл «Дафн маросимидаги нутқ»ида урушда ўлиб кетган ёш жангчилар ҳақида: «Ватаннинг ёшлардан айрилиши йил фаслларидан баҳорнинг йўқолиши кабидир» дейди.[49] Қарияларга ва касал одамларга, муҳтожларга берилган ёрдам савоблироқдир.

Икки неъматдан мақсадга яқинроғи афзалдир. Бир одамга қилинган яхшиликдан кўпчиликка қилинган яхшилик қадрлироқ. Имкон бўлган нарса имкон бўлмаган нарсадан яхшироқ. Яна: инсон ҳаётининг охирида кўрган яхшилик ҳам аввалгиларидан яхшироқдир, чунки сўнггилари мақсадга яқиндир.

Шон-шуҳрат учун қилинган ишлардан кўра адолат, ҳақиқат учун қилинган ишлар афзалдир. Шон-шуҳрат учун қилинган ишлардан кўпчиликка билдирилмаган, овоза қилинмагани яхшироқдир. Одатда кўпчилик одамлар ўзи учун хизмат қилишни ёқтиради, бошқалар учун хизмат қилишни фақат мард, олижаноб инсонлар ёқтиради.

Яхши бўлиб кўринишдан кўра яхши бўлган яхшироқдир, чунки иккинчиси ҳақиқатга яқин. Баъзилари буни эплолмагани учун адолат муҳим эмас, деб ўйлайдилар. (Афлотуннинг «Клитафонт» асарида бу мавзу чуқурроқ очилади. – *Тарж.*)

Қадриятлар ичида энг фойдалиси – бахтли яшашимизга, завқланишимизни келтирадиган, яхшиликлар қилишимизга ёрдам берадиганидир. Шу сабабли бойликни ва соғлиқни энг буюк неъматлар деб биладилар. (Яхши одамлар учун шундай, ёмон одамлар бойликдан тубан ишлар учун, босқинчилик, қотиллик учун фойдаланадилар. – *Тарж.*) Ғам-ташвишнинг йўқлиги ёки камлиги, завқ ва роҳатининг борлиги яхшироқ. Роҳат борлиги, ғам-кулфат йўқлиги ҳам неъматдир.

Бой бўлиб кўринишдан кўра бой бўлган яхшироқ (Ҳалол меҳнат билан, албатта. Нопок йўллар билан бойиш – жиноятчиларнинг иши. – *Тарж.*) Кўпчилик севадиган неъматлари (масалан, боғлар, гулзорлар, чиройли бинолар) афзалроқдир. Инсонда фақат битта, ягона бўлган нарса, айниқса, бошқаларда йўқ, нодир нарса бўлса қадрлироқ. Иккала кўзи соғ одамни бир кўзидан жудо қилган айбдорга нисбатан бир кўзи соғ одамни ўша кўзидан жудо қилган айбдорнинг жазоси оғирроқдир.

Шундай қилиб, биз нотиқ тингловчиларни риторик далиллар билан ишонтириш мумкин бўлган неъматларнинг тахминий турларини кўрсатдик.

8-БОБ

Кенгашда маслаҳат берувчи нотиқ турли бошқарув тузумларини билиши керак. Ижтимоий бошқарув тузумининг тўрт тури: демократия, олигархия, аристократия, монархия. Ҳар бир бошқарув турининг мақсади. Маслаҳат берувчи нотиқ бошқарув шаклларининг мазмун, моҳияти, табиатини билиши керак.

Нотиқ тингловчиларни (фуқароларни ёки кенгашдаги халқ вакилларини) ўз фикрига ишонтириш ва яхши маслаҳатлар бера олиши учун давлат, мамлакат бошқарувининг барча турларини, одатлар ва қонунларни, улардан қайсилари фойдали эканлигини тушунган бўлиши керак. Чунки, барча одамлар давлат қурилиши, тузуми учун фойдали фикрни маъқуллайдилар. Бунда олий ҳокимиятнинг истак-иродасини (мақсадини) билиш муҳимдир. Олий ҳокимиятнинг турлари эса бошқарув тузумлари қандайлигига боғлиқ.

Давлат ва жамиятни бошқарув тузумлари тўрт турлидир: демократия, олигархия, аристократия ва монархия[50] (якка ҳокимият, кейинроқ Арасту монархияга ўхшаш – тирания ҳақида ҳам сўзлайди. – М.М.). Шу тузумларнинг

табиатига қараб, олий ҳокимият ва судлов ҳокимияти, ё давлатнинг барча аъзоларига (демократия), ёки уларнинг бир қисмига берилган бўлади.

Демократия тузумида давлат мансаблари қуръа ташлаш йўли билан берилади (бунда бир раҳбар фикрини мажбуран ўтказолмайди, кўпчиликнинг фикрларидан фойдаланиб, иш қилади). Олигархия тузумида энг йирик мулкдорлар давлатни бошқаради. Аристократия тузумида яхши тарбия кўрган (насл-насаби тоза) одамлар давлатни бошқарадилар. Тарбия кўрган деган сўзни мен илм-маърифат олган, маънода тушунаман – аристократия тузумида қонундан четга чиқмайдиган аслзодалар давлатни бошқаради. Улар фуқароларнинг энг яхшилари ҳисобланади (аристократия – асллар, энг яхшилар дегани). Монархия тузумида бир одам барчага (барча ижтимоий тоифаларга) раҳбарлик қилади. Якка ҳокимиятлардан навбат билан раҳбар қўйилувчи тузум подшоҳлик (юнонча basileia) тузуми бўлиб, навбатга, тартибга қаралмайдигани, чекланмагани – тирания деб аталади.

Ҳокимиятни бошқарув тузумларининг барчаси ўз олдига қўйган мақсади билан фарқланади. Демократиянинг мақсади – халқ эркинлиги. Олигархиянинг мақсади – (бошқарувчи гуруҳнинг) бойлигини, мол-мулкини кўпайтириш. Аристократиянинг мақсади – тарбия ва қонунчилик. Тираниянинг мақсади – ҳимоядир (Бу ерда тираннинг ўз ҳимояси учун қўриқловчи – соқчиларни жуда кўпайтириш маъносида. Тиран якка раҳбар доно одамлар билан кенгашиб ўтирмайди, ёки хўжа кўрсинга халқни алдаш учун кенгашади. – *Тарж.*).

Нотиқ сўзлаётганида давлатнинг асосий мақсадидан келиб чиқади, яъни шу мақсадга етиш учун фойдали фикрларни айтади.

Нотиқ одамларни фақат сўзи, далиллари билангина эмас, балки ўз хулқи, ҳалоллиги, яхши инсонлиги билан ҳам ишонтиради. Шунга ўхшаб, ҳар бир бошқарув тузумининг ҳам табиати, хулқи, одатларини билиш зарур.

Нотиқнинг ахлоқий, маънавий фазилатлари кўпроқ ишонтиради. Маънавий хислатлар ҳам одамнинг нияти, мақсади қандайлиги билан боғлиқдир (ва аксинча, одамларнинг маънавий хислатлари уларнинг ният, мақсадларини белгилайди. – *Тарж.*).

Шундай қилиб, биз нотиқ (давлат, мамлакатнинг) келажаги ёки ҳозирги аҳволи ҳақида гапирганида одамларни ўз фикрларига, нима қилиш фойдали (ва нима қилиш зарарли) эканига ишонтириш учун, бу соҳадаги масалаларни ҳал этиш учун ҳокимиятни бошқариш турларини (давлат тузумларини), уларнинг табиатини, хислатларини билиш ва бу масалаларни ҳал этишни енгиллаштириш зарурлиги ҳақида мавзуимиз кўтарганича фикр айтдик. Бундан кўпроқ маълумотлар керак бўлса, «Сиёсат» китобимиздан топиш мумкин.[51]

9-БОБ

Эпидейктив (мақтов) нутқи мавзулари. Ажойиблик, гўзаллик таърифи. – Фазилат нима? Фазилатларнинг (таркибий) қисмлари. – Энг буюк фазилатлар. Турли фазилатларнинг таърифлари. Ажойиб, гўзал нарсалар. Мақтов ва энкомий (мадҳия).[52] Роҳат-фарогат тавсифи. Бахт-саодатни шарафлаш (evdamoni smos). Мақтов ва маслаҳат. Ҳолатни кучайтирувчи ўхшатиш (ташбеҳ) ва муболага – эпидейктив нутқ учун зарур. Маслаҳат нутқи учун – мисоллар, судлов нутқи учун энтимема – асос, далиллар зарур.

* * *

Шундан сўнг биз фазилат ва иллат, гўзал ва шармандали ишлар, хатти-ҳаракатлар ҳақида гапирамиз, мақтов ёки айблов мавзулари худди шу нарсалардир. Шу ҳақда гапирган одамлар инсонни хулқи, маънавиятига қараб баҳолайдилар. Нотиқ асосан, бир хил йўл билан (яъни, маънавий баҳолаш йўли билан) ўзига ва бошқаларга нисбатан ишонч уйғотади.

Ишонтиришнинг силлогизм – далиллашдан бошқа йўли мана шу – маънавий баҳолаш йўлидир.

Одамлар инсонни ёки Худони шарафлаш билан бирга, бошқа жонли ва жонсиз мавжудотларни, ҳатто дуч келган ҳайвонни ҳам (агар чиройли бўлса) мақтайдилар. Шунинг учун бу масалага (гўзаллик, нодирлик масаласига аниқлик киритиш, уни баҳолашнинг асосий мезонлари, қоидаларини билиш, мисоллар келтириш зарур.

Баркамоллик (юнонча – kalonos) ўзи ёқимли, марғуб, севимли бўлиш билан бирга мақтовга ҳам лойиқ неъматдир.[53] (Хислатлардан) фазилатлар ҳам гўзалдир, чунки улар ҳам неъмат бўлиб, мақтовга лойиқдир. (Арасту гўзалликнинг бошқача таърифларини «Евдем этикаси» асарида келтиради, бу ерда эса гўзал сифатлар, фазилатлар ҳақида сўз боради. – М.М.) Фазилат инсон учун ўзи неъмат, айни вақтда бошқа неъматларни қўлга киритишга ва сақлашга, яна одамларга яхшилик, эҳсон қилишга имконият беради. (Масалан, саховат фазилати шундай, сахий одам бошқа неъматларни ҳам қўлга киритади, бошқаларга ҳам яхшилик қилади. – М.М.)

Қуйидаги хислатлар – фазилатлардир: Адолат. Мардлик. Оқиллик. Саховат. Олиҳимматлик. Беғаразлик – самимият. Мулойимлик – хушфеъллик. (Алишер Навоий бу фазилатни – ҳилм, ҳалимлик, дейди). Вазминлик. Донолик.[54] (Афлотун «Менон» диалогида, Арасту «Никомах этикаси» ва «Катта этика» («Ахлоқи кабир») асарларида фазилатлар ҳақида кенгроқ фикрлайди. – М.М.) Шундай экан, фазилатларнинг энг буюги инсонларга фойда етказишдир. Шу сабабли, адолатли ва жасур одамлар буюк фазилат эгаларидир. Жасур одамлар уруш вақтида, адолатли, одил одамлар тинч вақтларда халққа фойда етказиб, яхшилик қиладилар. Шундан сўнг олиҳимматлик (elevteriotes) туради. Олиҳиммат, бағридарё одамлар пулга ортиқча қизиқмайдилар, пул учун жанжал кўтармайдилар. Бошқалар учун эса пул умрининг мазмуни бўлади. Адолат (dicaiosyne – дисайосине) шундай

фазилатки, у бўлса, ҳар бир инсон фақат ўз меҳнати билан топганини, қонуний ҳаққини олади. Жасурлик шундай фазилатки, у бўлса, одамлар хавф-хатардан қўрқмай, қонунга зид келмайдиган ажойиб ишларни (қаҳрамонликларни) қилиши мумкин. Қўрқоқлик (deilia) эса, бунинг аксидир. Оқилона меъёрни билиш, қаноат (sophrosyne, софросина) ҳам фазилат, бундай хислатли одамлар жисмоний, моддий ҳузур-ҳаловат олишда қонундан четга чиқмайдилар. Нафси бузуқлик (acolasia, аколазия) – бунинг аксидир.

Бағрикенглик, дарёдиллик (megalopsyhia, мегалепсихия) – хайр-саховатда мардона ишлар қилишдир. Майдакашлик, назарипастлик (micropsyhia, микропсихия) – бунинг аксидир. Сахийлик (megaloprepea, мегалопрепея) – кўп миқдорда хайр-эҳсон, савоб ишларни қилиш. Зиқналик, бахиллик (misroprepea, микропрепея) – бунинг аксидир.

Оқиллик (phronesis, фронесис) – юқорида айтилган фазилатлар ва иллатлар ҳақида соғлом фикр юритиб, оқилона йўл тутишдир.

(Шундан сўнг Арасту фазилатларнинг афзал даражалари ҳақида фикр юритади. Инсоний фазилатлар яна кўп яхшиликларни пайдо қилишини айтади.) Жасурлик, мардона қилинган барча ишлар, ҳаракатлар гўзалдир. Барча адолатли ишлар ҳам гўзалдир.

Фақат адолат масаласида аҳвол бошқачароқ. Адолатли жазо олган одамдан кўра адолатсиз, ноҳақ жазоланган одам яхши одамдир. (Бу ерда Арасту исмини айтмаса-да, Суқротнинг машҳур гапини эслагандир. Диоген Лаэртий ёзишича, Суқрот ўлимга ҳукм қилинганида хотини йиғлаб туриб, «Сени ноҳақ жазолашганига куяман», деганида, у кулиб: «Эй, аҳмоқ, мен жиноят қилиб, адолатли жазоланганимда хурсанд бўлармидинг?» – деган экан. – *Тарж.*)

Яна – иш-амалларнинг гўзалроғи бир инсон ўзи фойдаси учун эмас, ватани, халқи учун қилган яхшиликдир. Тирик одамни мақташ (хушомадгўйлик)дан кўра марҳумларнинг

қилган яхшиликларини мақташ гўзалдир. Ўзгалар учун қилинган яхшиликлар ҳам гўзалдир. Бизга яхшилик қилганларга фаровонлик тилаш ҳам гўзал. Мискин, муҳтожларга хайр-саховат, меҳр-мурувват кўргазиш ҳам гўзалдир. Уятли ишларни қилмоқчи бўлган одам шу ишларни қилмай, уялгани ҳам гўзалдир. Шоир Алкей шоира Саффога дейди:

Сенга бир сўз айтай дейман, уят йўл бермас.

Саффо эса унга жавобан: *«Агар сен олижаноб ва гўзал нарса ҳақида гапирмоқчи бўлсанг уят йўлингни тўсмас эди, адолатли сўз айтишдан қўрқмас эдинг»*, **дейди.**[55]

Манфаат, қўрқув сабабли эмас, шон-шараф учун ихтиёрий қилинган ишлар гўзалдир. Табиатан яхши одамларнинг ишлари ҳам гўзал. Аёлча ишдан кўра эркакча, мардона иш гўзалдир. Фақат ўзимизга эмас, балки кўпчиликка манфаат етказувчи фойдали ишлар ажойибдир. Адолатли ишлар ва адолат фазилати гўзалдир. Душманларга бўйсунмаслик, улардан паноҳ тиламаслик, ёвдан енгилмай, уларни енгмоқ гўзалдир.[56] Ғалаба, агар моддий бойликлар, бой ўлжалар келтирмаса ажойибдир. Бундай ғалаба икки карра гўзал, чунки бунда ғолиблар моддий фойдани кўзламай, ғалаба қилганлар. **Ҳеч қандай моддий фойда кўзламай (адолатни кўзлаб) ғолиб чиқиш буюк шахсларнинг фазилатидир.**

Эсда қоларли, фавқулодда барча (яхши) ишлар гўзалдир, қанча узоқ эсда қолса шунча гўзалдир (Широқ, Тўмарис, Спартак, Спитамен, Иван Сусанин, Жалолиддин, Темур Малик, Форобий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Бобур, Навоий, Беҳзод, Машраб каби зотларнинг қилган ишлари нодир, ажойиб асарлари сира унутилмасдир. – *Тарж.*)

Фақат бир одамда бўлган нодир нарса ҳам ажойиб, гўзалдир (Мусо пайғамбарнинг асо – таёғи (у ўн хислатга эга эди: у бўри ёки ёв келса – аждарга, дарё келса – кўприкка, чўл иссиғида – соя солувчи дарахтга, оч қолса – тез мева берувчи дарахтга айланар эди). Яна ажойиб нарсалардаги Меърож,

Буроқ, ҳазрат Алининг зулфиқор қиличи, Каъбадаги қора тош – ҳажарул-асвад, дунёнинг етти мўъжизаси саналган эҳромлар ва ҳоказолар киради.)

Баъзи халқлардагина бўлган одатлар ҳам ажойиб. Масалан, Лакадемон (Спарта)да йигитларнинг узун соч қўйиши озод инсонлигини билдиради, улар қуллар бажарадиган ишларни (мажбур қилсалар ҳам) бажармайди.[57] (Шу сабабли, маҳбусларга соч ўстириш тақиқланган.) Майда касб-ҳунарлар (этик тозалаш, хизматкорлик, баққоллик) билан шуғулланмаслик ва одамларга қуллардай иш қилмаслик яхши. Бировларга мутеъ, қул бўлиб, хорланиб яшаш – ёмон. (Арасту қулдорлик жамиятида яшаган. – *Тарж.*)

Баъзи инсонларнинг бир хислатларидан бошқа хислатларини ҳам билиб олиш мумкин. Баъзи ишлар, хатти-ҳаракатларни маъқуллаш ёки қоралашда шуни билиш керакки, эҳтиёткор одам кўпинча совуққон ва маккор бўлади. Соддароқ одам оққўнгил бўлади. Ҳиссиётга берилмайдиган, қизишиб кетмайдиган одам ювош, вазмин бўлади.

Баъзи ёмон кўринган хислатларни яхшиликка йўйиш мумкин: тез жаҳли чиқувчи ва ўзини тиёлмай қоладиган одам самимий, соддадир. Баъзи ўжар, айтганидан қайтмайдиган одамларда ўз қадрини билиш ва улуғворлик бўлади. Гоҳо қандайдир хислатлари ҳаддан зиёд, меъёридан ошган одамлар фазилатлидир. Ўйлаб ўтирмай дадиллик қилувчи – жасур одам, орқа-олдини ўйламай мол-дунёсини сарф қилувчи сахий одамдир. Ҳар ҳолда, бу одамлар халойиқда шундай тасаввур уйғотади. (Кўпинча, бу тасаввур тўғри чиқади. – М.М.)

Айни вақтда сабаб орқали паралогизмга (билган ҳолда мантиққа зид хулосага) келиш мумкин.[58] Вақти ва ўрни бўлмаса ҳам хавф-хатарга ўзини урадиган одам вақти ва ўрни келганида ҳам инсоний бурчини бажариб, жасорат кўрсата олади. Бегоналарга сахийлик қилувчи одам ўз дўстларига ҳам сахийлик қилиши табиийдир.

Бундай ҳолатларда бирор одам кимларнинг олдида мақталаётганига қараш керак. Суқрот айтганидай, афиналик одам-

ни Афинада мақташ қийин эмас.[59] (Платоннинг «Менексен» асарида Суқрот афиналикларни Лакедемонда (Спартада) ва Лакедемонликни Афинада мақташ учун ритор (нотиқ)дан юксак маҳорат талаб қилинади, дейди. Арасту шуни кўзда тутмоқда – А.А.Таҳо-Ҳоди изоҳи).

Нотиқ тингловчиларни ўз мақтовига ишонтириш учун қайси муҳитда (қайси халқда) қандай фазилатлар қадрланишини билиши керак. Масалан, искифларда бошқа, Лаконикада бошқа, файласуфларда бошқа хислатлар мақтовли саналади. (Умуминсоният эътироф қилган хислат – фазилатлар адолат, ҳақиқат, ватансеварлик, Олиҳиммат, саховат, меҳр-мурувват барча халқларда қадрланади. – М.М.)

Кимнидир мақтаётганида нотиқ ўша одамнинг қилган иши, жасорати, қаҳрамонлиги аждодлари ва ўзидан аввал ўтган машҳур одамлар қилган улуғ ишларга тенг, муносибми эканлигини ҳам ўйлаши зарур. Чунки, аждодлар шон-шуҳратига яна шон-шуҳрат қўшиш ажойибдир.

Одамларнинг турли бахтсизликларга учраганида биз кутмаганда яхши томонга ўзгариши ҳам гўзал ҳолат. Биров аввал ўртача одам эди, бахтсизликка учраганида жасурлигини кўрсатди (ёнғин, тошқин ва бошқа офатлар вақтида). Ёки аксинча, бир одам аввал ҳеч қандай фазилати йўқдай эди, катта мансабга қўйилганида камтаринлашиб халққа яхшилик қила бошлади. (Ҳаётда бунинг акси кўп учрайди.) Кеосли Симонид бир шеърида ёшлигида сув ташувчи бўлганини мақтайди,[60] бошқа шеърида Лаодика исмли аёлнинг отаси тиран (Афина тирани Гиппий), эри тиран (Лампсак шаҳри ҳокими Эантид), акаси тиран (Афина ҳокими Гиппарх) бўлишига қарамай, мард, халқпарвар аёл эканлигини мақтайди.[61] (Халқ шу аёлдан бундай яхшиликни кутмаган. – М.М.)

Мақтов нутқи аслида (бирор давлат ва жамоат арбобига хос) фазилатларни тасвирлаб беришдан иборат. (Фазилатлар эса маънавий гўзал инсонларда бўлади.) Инсон фазилатлари унинг фаолиятида, қилган ишларида кўринади. Энкомий – мадҳияда қисман насл-насабга, тарбияга эътибор берилгани ҳолда, асосан

хасаб (шахснинг амалий ишларда етуклиги) биринчи ўринга қўйилади. Шу сабабли мадҳияларда инсон фаолияти тасвирланади, буюк қилмишлар эса фазилатли одамларга хосдир.

Нутқда мақтов ва маслаҳат бир-бирига ўхшашдир. Инсоннинг яхши қилмишлари, амал-ишлари тасвирланганида бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилади. Мана шу мақтов сўзларни бошқача тарзда (умумлаштириб) айтилса, маслаҳат ва ўгит – панд-насиҳатга айланади. Инсон тақдир насиб этган нарсалари билан эмас (яъни, бойлиги, насл-насаби билан эмас), балки ўзи қилган мардона ишлари билан фахрланиши керак. (Шарқда ҳам насаб ва ҳасаб (ўз кучи билан шуҳратга сазоворлик) тушунчалари бор. Атоқли олим Ваҳоб Раҳмон бу ҳақда махсус мақола ёзган. – М.М.)

Шахс ё бир ўзи, ё сафдошлари бўлса ҳам, улар сафида биринчи бўлиб, ёки бир неча яқин сафдошлари билан бирга жасоратли ишни бажарган бўлса ажойиб, гўзал иш деб мақталади. Яна, бир инсон ноқулай вақтда ва ноқулай, оғир шароитларда буюк ишни бажарган бўлса, кўпроқ мақтовга сазовордир. Яна бир инсон кўрсатган жасорат мадҳия қўшиқларда куйланган бўлса, ўша қаҳрамон сабабли давлат тақдирлаш ва шарафлашнинг янги турларини жорий этган бўлса, ўша одамларнинг қилган ишлари ҳам гўзалдир. Агорада (Афина шаҳри халқ йиғини майдонида) Гармодий ва Аристогитонга қўйилган ҳайкал ҳам гўзал.[62] (Бу икки йигит Афина тиранларини ўлдиришни ўз зиммасига олган. Гиппарх ўлдирилган, Укаси Гиппий қизи ва куёви яшаётган Лампсак шаҳарига қочган (Кичик Осиёдаги Лампсак шаҳри, Эпикур шу ерда яшаб, ижод қилган. Афина халқ кенгаши қарори билан тиранкушлар, тиран ўлдирувчилар Гармодий ва Аристогитонга шу манзара тасвирланган бронза ҳайкаллар гуруҳи ўрнатилган. – А.А.Таҳо-Ҳоди изоҳи.)

Агар бирор муносиб шахсни мақташга сўз топилмай қолса, унинг қилмишини машҳур одамларнинг қилмишига ўхшатиш мумкин. Агар бу мумкин бўлмаса, ўша шахсни номашҳур одамлар билан таққослаб, улардан устунлигини кўрсатиб бериш ҳам

мақтов турларидан биридир. Нотиқ Исократ шундай қиларди. Лекин, мамдуҳ (мадҳ этилаётган шахс) муносиб бўлса, машҳур одамларга қиёслаш яхшироқ, чунки агар бу одам ўша машҳурлар каби ёки улардан кўпроқ яхши ишлар қилган бўлса, унинг қадр-қиммати янада ошади. Бундай вақтда адолат юзасидан муболаға ишлатиш ҳам ўринли, чунки кимдир кўпчилик яхшилардан афзал бўлиши ажойиб камолотдир.

Муболағалар уч турдаги нутқлардан (кенгашув нутқи, ҳакамлик – суд нутқи, эпидейктив – васф, тантанавор нутқ) кўпроқ эпидейктив нутқда ярашади, чунки бу ерда нотиқ чиндан-да ажойиб ишлар қилган одамлар ҳақида гапиради, бунда нотиқнинг вазифаси ўша яхши ишларни ярашиқли сўзлар, маънолар билан васф этиш (ва тасвирлаш)дир.

Ҳаётий мисоллар эса кўпроқ кенгашув (маслаҳат) нутқига ярашади, чунки бу ерда биз бўлиб ўтган воқеалар мисолида энди бўладиган ишлар, катта мақсадлар ҳақида гапирамиз.

Энтимемалар (риторик силлогизм, асословчи, далилловчи фикрлар) эса кўпроқ ҳакамлик, судлов нутқларида қўлланилади. Чунки, бу ерда нотиқ бўлиб ўтган воқеадан (судланаётган шахснинг айби бор-йўқлиги) ноаниқ бўлса, (айбловчи ёки оқловчи) ўз фикрини далиллаши, сабабларини кўрсатиб, асослаб бериши керак.

Ҳар қандай мақтов ва қоралов нутқида, мана шу қоидаларга риоя қилиш, мақтов мазмуни нималардан иборатлигини, далиллар қаердан олинишини билиш зарур. Қоралов нутқида мақтовнинг зидди бўлган қоидаларга (қораланаётган шахсда муайян инсоний фазилатлар йўқлигига, аксинча, муайян иллатлар, камчиликлар борлигига) эътибор берилади.

10-БОБ

Адолатсиз, ноҳақ хатти-ҳаракатлар (қилмишлар)нинг сабаблари; бундай хатти-ҳаракатларга сабаб бўлувчи ҳолатлар; бу хатти-ҳаракатлар кимларга нисбатан содир қилинади (юз берган бўлса, содир қилинган бўлса) ўшалар ҳақи-

да, ноҳақлик – адолатсизлик ўзи нима? Ножўя (ёмон, хунук) хатти-ҳаракатларнинг, иллат (қусур, айб, ёмон хулқ)нинг ва ўзини тия олмасликнинг мотивлари (сабаблари) – ихтиёрий ва гайриихтиёрий қилмишлар, умуман инсон фаолиятининг мақсадлари, тасодифийлик, табиийлик, мажбурлаш, одат тусига кириб қолганлик тушунчалари, тушунган ҳолда онгли тарзда қилинган, даргазаблик, жаҳл таъсирида қилинган, истак, хоҳиш билан ихтиёрий қилинган хатти-ҳаракатлар.

* * *

Кейин айблаш ва ҳимоя қилиш ҳақида нечта ва қандай хулоса чиқариладиган (хулоса қилинадиган) ҳолатлар, вазиятларнинг сони (миқдори) ва табиати борасида (тўғрисида) айтиш лозим. Бу ерда учта нуқтага (пунктга) эътиборни қаратишимиз керак. Сабабларнинг табиати қандай, сабаб миқдорининг нақадар катта аҳамиятга эгалиги, ўша сабабларнинг таъсирида одамларнинг ноҳақ муносабатда бўлишлари (адолатсизлик билан ҳаракат қилишлари); қандай кайфиятлар таъсири остида одамларнинг ноҳақ, адолатсиз иш қилишлари, қандай одамларга нисбатан биз нотўғри муносабатда бўламиз (ноҳақ муносабатда бўламиз) ва бу кишилар қандай шароитларда ҳолатларда зулм кўрадилар? – шуларни кўриб чиқамиз.

(Шундай қилиб), адолатсизлик, ноҳақлик тушунчасини аниқлайлик ва кейин эса юқорида кўрсатилган нуқталарнинг ҳар бирини тартиб билан таҳлил қиламиз, синчиклаб текшириб кўрамиз.

Қонунга хилоф тарзда бошқа бирор шахсга зарар етказиш майли – ноҳақ муносабатда бўлишни, қасддан ёмонлик қилишни билдиради. Лекин қонуннинг икки тури бор – хусусий ва умумий. Давлатдаги одамлар ўшанга мувофиқ яшайдиган ёзилган қонунларни мен хусусий қонунлар деб атайман. Гарчи у ёзилмаган бўлса ҳам, барча одамлар томонидан тан олинган, эътироф қилинган қонунни мен умумий қонун деб атайман.

Одамлар ўзлари онгли ва ихтиёрий (зўрлашларсиз) тарзда қиладиган ишларини кўнгилли бўлиб (ўз ихтиёри билан) бажарадилар.

Одамларнинг кўнгилли бўлиб қилган ишлари ҳамиша ҳам улар томонидан қасддан қилинмайди (бажарилмайди), лекин улар томонидан қасддан қилинадиган ҳамма нарса (иш) кўнгилли тарзда бажарилади, чунки одам ўзи қасддан қиладиган ишига нисбатан ҳеч қачон ғафлатда бўлмайди.

Биз ихтиёрий тарзда (кўнгилли бўлиб) зарар етказадиган ва ноҳақ муносабатда бўладиган сабаб – мотивлар, бу ёмон хулқ, (иллат, камчилик) ва ўзни тута олмаслик (тия олмаслик) (баднафслик; эҳтиётсизлик), қачонки биз битта ёки бир неча иллатларга (камчиликларга; касалликларга) эга бўлсак у ҳолда биз айнан, шу иллатларнинг таъсирида ноҳақ ишлар қиламиз. Масалан, пулга нисбатан таъмагирлик, очкўзлик, баданнинг, вужуднинг ором олиши, завқланишига, роҳатланишига нисбатан ўзини тия олмаслик, хавф-хатар вақтида дангасалик, қўрқоқлик қилиш, машаққатларга нисбатан заиф, чидамсиз бўлиш (чунки қўрқоқлар хавфли дақиқаларда қўрқиш таъсирида ўзларининг дўстларини, ўртоқларини ташлаб кетадилар). Иззатталаб одамлар ҳам ноҳақлик, жабр, зулм қиладилар. Жаҳли тез, жиззаки одам ғазабнинг таъсири остида ноҳақ иш қилади (ноҳақ, нотўғри иш қилади, нотўғри йўл тутади); ғалабани астойдил, жуда-жуда хоҳлаган (хоҳловчи) киши ғалабани деб (ғалаба учун) иш қилади (йўл тутади), қасоскор одам эса қасос олиш туйғуси таъсири остида иш қилади. Ақлсиз, фаросатсиз (калтафаҳм) одам эса – нима ҳақ ва нима ноҳақ эканлигидан бехабарлиги, билмаслиги оқибатида ноҳақ иш қилади, уятсиз, орсиз киши эса яхши одамдан нафратланиши туфайли ёмон иш қилади. Шунга ўхшаш тарзда қолган барча одамларнинг ҳар бири ўзининг иллатига (нуқсонига, камчилигига) мос ҳолда адолатсиз бўлиб чиқадилар. Лекин буларнинг ҳаммаси қисман биз айтган фазилатлар, яхши хислатлар етишмаслигидан ва қисман эҳтирос, қизиққонликдан келиб чиқади: Нимани кўзлаб

(нима учун), қандай кайфият таъсири остида (таъсирида) ва кимларга нисбатан одамлар ноҳақ иш қилишларини айтиш қолди холос.

Шундай қилиб нотиқ (қораловчи) одамлар қандай сабаблар таъсирида ва қандай одамларга нисбатан бемалол ёмонлик қилишларини аниқлаб олиши, синчиклаб ўрганиб чиқиши керак. Чунки шак-шубҳасиз аниқки, қораловчи қайси сабаблар таъсирида одамлар ўзларининг яқинларига нисбатан ноҳақ иш қилишларини, бу сабаблардан айнан қайсилари ва қанчалари муҳим мотивлар эканлигини аниқлаши керак. Ўзини ҳимоя қилувчилар эса, айбловчи айтган сабаблар бўлмаганлигини исботлаб бериши зарур.

Ҳамма одамлар бирор ишни ё бировнинг мажбурлаши билан, ё ихтиёрий тарзда қиладилар. Ғайриихтиёрий иш қиладиганлардан баъзилари тасодифан шу ишни қиладилар, бошқалари эса зарурат туфайли содир этадилар. Зарурат туфайли ёмонлик қиладиганлардан баъзилари мажбурият орқасида (зўрлаш туфайли) қилсалар, бошқалари табиати (характерига, талабига мос тарзда қиладилар. Шундай қилиб, одам улар томонидан ғайриихтиёрий тарзда содир қилинадиган ҳамма нарсалар (воқеа, ишлар) ё тасодифан ёки табиатига мувофиқ ёки мажбурлаш орқасида (зўрлаш туфайли) содир қилинади.

Одамлар томонидан ихтиёрий тарзда қилинган ёмонликларнинг сабаблари ҳам уларнинг зиммасида (устида) бўлади, бирор иш улар томонидан одатга кўра содир қилинади, бошқа бириси эса кучли орзу, интилиш, иштиёқ, ният таъсирида содир бўлади. Бундан ташқари баъзилар ўз ақли билан, бошқаси эса ўйламасдан калтафаҳмлик билан ёмонлик қилади. Истак, бу яхшиликка интилишдир. Чунки ҳар бир киши мақсад, ниятини ўзи хоҳлаган яхши деб ҳисоблаганидагина бошидан кечиради. Истак, хоҳиш (мақсад) бу ғазаб ва кучли ҳис-туйғу, эҳтиросдир.

Шундай экан, одамлар ўзлари содир этадиган ишларнинг ҳаммасини еттита сабабга кўра қиладилар: 1. Тасодифан. 2. Табиати (характерига кўра (мос тарзда). 3. Мажбурият

(зўрлаш) туфайли. 4. Одатига кўра. 5. Ўйлаш, мулоҳаза қилиш туфайли. 6. Ғазаб ва 7. Кучли ҳиссиёт, эҳтирос сабабли. Ёши, ҳолати (шароити) ва ҳоказо каби мотивларнинг таснифини бу ерга қўшиш бефойда бўларди.[63] Чунки агарда ўспиринларга, бўз болаларга, ёш йигитчаларга жаҳл, ғазаб кучли ҳиссиёт, эҳтирослар хос бўлса, у ҳолда улар ноҳақ ҳаракатларни ўзларининг ёшликлари сабабидан эмас, балки ўзларининг ғазаб ва эҳтирослари таъсирида қиладилар.

Одамлар бойлиги ва камбағаллиги сабабли ноҳақ ишлар қилмайдилар. Тўғри, камбағаллар муҳтожликлари туфайли кўп пул топишни орзу қиладилар, бойлар эса ортиқ даражада мол-дунёнинг мавжудлиги туфайли роҳатланиш, ҳузурланишни хоҳлайди. Аслида бу одамларнинг ёмонлик қилишга зарурат йўқ, лекин бундай одамлар бойлик туфайли ёки камбағаллик туфайли эмас, балки кучли эҳтирос, кучли ҳис-туйғуларнинг таъсирида ишга киришадилар. Шунинг сингари баъзи одамлар адолатли, одил ва баъзи одамлар адолатсиз бўладилар. Ҳамма одамларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг қалби кўнгли тозалиги ёки ичи қоралигини намоён қилади.

Одамлар юқорида кўрсатилган мотивларнинг таъсирида ҳаракат қиладилар, кучли ҳис-туйғу, эҳтирос таъсирида ёки эс-ҳуши жойида бўлганида ёмонлик қиладилар. Баъзи одамлар яхши феъл-атворни ўзларига дастуруламал қилиб оладилар ва бошқалари эса аксинча, ёмон феъл-атворни ва кучли жаҳл-ғазабни ўзларига дастурул амал қилиб оладилар. Кўнгли оқ одамларнинг яхши ишидан яхши оқибатлар келиб чиқади. Ёмон хулқли одамларнинг бўлмағур ишларидан ёмон оқибатлар келиб чиқади. Ўртача иш тутадиган одамда айнан унинг ўртача иш тутишлиги туфайли ҳузурланиш, роҳатланиш меъёрини билади, чегарадан ошмайди. Лекин ўзини тия олмайдиган одамлар эса ҳузур ва роҳатда ўзини жиловламайдилар.

Шу сабабли бунга ўхшаш таснифлашларни бир четда қолдириб, энди ёмонлик қилиш оқибатлари одатда қандай руҳий, маънавий хусусиятлар билан боғлиқ, алоқадор

бўлишини кўриб чиқиш керак. Чунки агарда одам оқ ёки қора, қари ёки ёш бўлса, бундан ҳали ҳеч қанақа хулоса чиқариб бўлмайди. Аксинча одам ёш ёки қари эканлигига қарамай, адолатли ёки ноҳақ (адолатсиз) бўлиши муҳим фарқ ҳисобланади. Одамларнинг феъл-атворларида ҳам шундай фарқларни келтириб чиқариш мумкинлигини айтишимиз керак. Масалан, инсон ўзини бой ёки камбағал деб, бахтли ёки бахтсиз деб ҳисоблайдими, бу аҳамиятли. Лекин бу тўғрида биз кейин гаплашамиз.[64] Ҳозир эса бошқа (аввалроқ белгиланган) саволларга тўхталамиз. Шу масалалардан бири – тасодифийлик. Сабаби номаълум, бирор аниқ мақсад учун қилингани аниқланмаган, доимий ҳам, кўпинча ҳам учрамайдиган, белгиланмаган тартибдаги ҳолатлар тасодифий деб аталади. Буларнинг ҳаммаси шак-шубҳасиз тасодифийлик тушунчасининг таърифидан маълум.

Ихтиёрсиз, мажбурлаш билан қилинган ёмонликни одам ўз ақли билан ва хоҳиши билан қилмайди. Одат бўлиб қолган ёмонликни эса одам кўп марта содир қилган бўлади. Ўз ақли билан қилинган ёмонликни одамлар бирор неъматга, бойликка эришмоқ учун қилади.[65] Ўша одамларнинг назарида бу бойлик ё бирор нарса бошқа бир мақсадни амалга ошириш учун керак бўлиши мумкин.

Баъзи ўзини тиёлмаган одамлар ҳам ўзи учун фойдали (ўғирликни) фойда топиш учун эмас, бировга ёмонлик қилиб ҳузурланиш учун қиладилар.

Жаҳл ва ғазаб устида қилинадиган ёмон ишлардан мақсад қасос, ўч олиш учундир.

Қасос олиш ва жазоланишнинг фарқи бор: жазолаш ёмонлик қилган одамни тўғри йўлга солиш учун, қасос олиш эса қасд олувчининг фойдаси учун амалга оширилади.

Ғазаб нималигини эҳтиросларҳақидаги рисоламизда[66] айтиб ўтганмиз.

Майл, истак эса ёқимли нарсаларга, ишларга қаратилади. Доим ҳаётимизда бўлиб турадиган, биз ўрганиб қолган

нарсалар ҳам истакли, ёқимлидир. Одамлар ўзига ёқимли, ўрганиб қолган ишларни ўз ихтиёри билан бажаради.

Ҳақиқий ёки эҳтимолий ёмонликдан, ташвишдан қутулиш ҳам неъмат, яхшиликдир. Катта фалокат кичик фалокатга алмашгани ҳам яхшилик ва ёқимлидир. Ўта ёқимсиз нарса камроқ ёқимсизлик билан алмашгани ҳам яхшиликдир.

Энди биз фойдали ва ёқимли нараларнинг қанчалигини ва турларини кўриб чиқишимиз керак. Маслаҳат нутқи ҳақида гапирганимизда фойдали нарсалар нималар эканлигини эслатганмиз. Ҳозир эса ёқимли нарса, ҳодисаларнинг таърифини берамиз. Бу таърифлар жуда ноаниқ (қисқа) ҳам, жуда чўзиқ, бачкана ҳам бўлмаслиги керак.

11-БОБ

Роҳат таърифи. Ёқимлиликнинг турли даражалари.

* * *

Роҳат, ёқимлилик кўнгил иши бўлиб, бу ҳолатда инсон (билган, кўрган, ҳис этган нарсадан) табиий ҳолда тез севинади. Ёқимсизлик эса шу ҳолатнинг аксидир. Шундай экан, бизни севинтирадиган барча нарсалар дилимизни роҳатлантиради, бизни хафа қиладиган (ёки севинтирмайдиган) нарсалар эса ёқимсиздир. Руҳнинг табиий ҳолати асли роҳатда бўлади.[67] Ёқимсиз нарсаларни билиш, кўриш, ҳис этиш эса руҳнинг табиий ҳолатидан оғиши, издан чиқишидир.

Инсон (ўзида ва ўзгада кўрган) баъзи одатлар, қилиқлар ҳам ёқимлидир. (Хусусан, севимли одамнинг яхши одат, қилиқлари бўлса. – М.М.) Одат инсон табиатига яқинроқ ҳолатдир. Тез-тез бўлиб турадиган нарса доимий бўладиган нарсага яқиндир. (Алишер Навоийнинг «Табиатга ҳар неки одат бўлур. Чу эскирди одат, табиат бўлур» байтини эсланг. Навоий. Ҳикматлар. 62-бет. Тўпловчи Солиҳ Муталлибов.)

Инсон ўз ихтиёри билан иш қилиши ёқимли, мажбуран бажараши – ёқимсиз, яъни кўнгилга, табиатга зид. Мажбурий, зарурат, муҳтожликдан қилинадиган хатти-ҳаракат одамни қийнайди. Шоир айтади:

Ҳар қандай мажбурият дилни яралар.[68]

Агар одам ўрганмаган бўлса, (бегоналарга) ғамхўрлик, хизмат қилиниши, уринишлари ёқимсиздир, чунки бу ишлар мажбурият юзасидан қилинади. (Шу маънода, инсоний бурчларни бажариш ҳам машаққатли, агар одам ватан, халқ, ота-она олдида бурчини ихтиёрий бажарса – фазилатдир. – М.М.)

Зарурият туфайли эмас, кўнгил майли, истаги билан қилинадиган кўпгина енгилтакларча (ахлоқсиз) ҳаракат, феъл-атворлар (онгсиз, одобсиз одамларга) ёқимли кўринади. Истаклар, ҳойу ҳаваслар, дангасалик, енгилтак феъл ва гап-сўзлар, беғам, бепарволик, ҳазилкашлик, кўп ухлаш (баъзиларга) ёқимлидир.

Шу маънода баъзи истак-хоҳишлар тубан, баъзилари оқилонадир. Менинг (Арасту) назаримда одамнинг жисми, бадани эҳтиёжларидан туғилган истак-хоҳишлар – ейиш-ичиш, ташналикни қондириш, танқис таомларга ўчлик тубан истаклардир. Яна шаҳвонийлик, лаззатпарастлик, сезиш, кўриш, тегиниш аъзоларига алоқадор роҳатланишга интилиш ҳам тубан истак, хоҳишлардир.

Оқилона истак-хоҳишлар билим, ишонч туфайли (яхшиликни севиш) фазилатлар туфайли туғиладиган истаклар: ёқтирган бирор нарсани (нодир ва қизиқарли китоб, ҳовли, боғ, соат, жавон, уй жиҳозлари, турмуш учун фойдали нарсаларни) қўлга киритишдан ёки шуларни эслаш, ўйлашдан одам роҳатланади.

Умуман, инсон сезувчи, ҳис этувчи нарсалардан ёки ўша нарсаларни эслашдан (масалан, Ҳомер, Эсхил, Софокл, Эврипид, Афлотун, Арасту, Вергилий, Овидий, Шекспир, Гёте, Байрон,

Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Машраб асарларини ёдлаш, эслашдан) роҳатланади. Агар ҳаётда кўп машаққат, қийинчиликларни кўрган одам кейинчалик, яхши яшаётган бўлса, аввал бўлиб ўтган воқеаларни эслаши ҳам ёқимли (ва фойдали)дир.

Ҳалокатдан омон қолган инсон гоҳида
Фалокатли лаҳзаларни эслаб, севинар.[69]

Ёки:
Ортда қолган ҳалокатли, оғир дамларни,
Саргардонлик тугаб битгач, эслаш қувончли.[70]

Буларни эслаб севинишнинг сабаби, эндиликда ўша машаққатларнинг йўқолганидир. Борлиги бизни севинтирадиган нарсалар эса ё ўткир ҳузур бағишловчи ёки ёқимли фойда келтирувчи нарсалар ё ҳолатлардир. Умуман олганда одамлар яхши нарсаларнинг борлигидан ёки ёмон ҳодисаларнинг ўтиб кетганини эслашдан роҳатланадилар ё бўлишини умид қилиш ва гоҳида ҳатто қаҳр-ғазаб туйғуси ҳам ёқимлидир. Ахиллес учун ғазаб:

Асалдан ҳам ширин роҳат оқизгай дилга.[71]

Бунинг сабаби шуки, биз арзимаган, номуносиб, енгил нарсалардан ёки аксинча, ўч олишга кучимиз етмайдиган, биздан қудратлироқ одамлардан ғазабланамиз ёки камроқ ғазабланамиз. (Одатда такаббур мансабдорлар қўл остидагиларга, кучлилар ожизларга қаҳр-ғазабини сочадилар. Арзимас хатоси учун одамларга ғазаб қилиш ахмоқ бошлиқларга хосдир. Лекин, агар кимдир бизга ёки дўстимизга, яқинимизга адолатсизлик қилса, зарар еткизса ғазабланишимиз табиийдир. Ёмонликни кўриб ғазабланмаслик орият, номус йўқлигини билдиради. Лекин, ҳар қандай ҳолда инсон қаҳр, ғазабини жиловлаб, ўзини босиши Алишер Навоий айтганидай, ўрмонда арслонни босгандан кўра паҳлавонликдир. – М.М.)

Инсон истак-хоҳишлари, ҳойу ҳавасларининг кўпчилиги роҳатланиш билан, ё унга интилиш билан ё лаззатли онларни эслаш билан боғлиқдир. Кучли ташналикни қондириши, ёки уни эслаш, ёки уни умид қилиш ҳам инсонга роҳат беради. Ошиқ, маъшуқлар – севишганлар ҳам шундай. Ошиқ ёки маъшуқа севгилиси билан суҳбатдан (висолдан) ва ё мактубини ўқишдан, ёки висол онларини эслашдан роҳатланади. Севишганлар висолдан ҳам, ҳижрон изтироблaридан ҳам роҳатланадилар. Шоир ишқ изтиробларини тасвирлаб берганида (аниқроғи, достон қаҳрамони севги тарихини баён қилганида)

Йиглашга тушдилар тинглаб одамлар.[72]

Агар (ёмонлик қилган одамдан) ўч олиш қийин бўлса, қасос олганида роҳатланади. Агар ўч ололмаса, ғазабланиб, қайғуради. (Курашда, жангда, мусобақаларда ғолиб чиқиш ҳам ҳузур-ҳаловатлидир. Баҳслашув, беллашув, мусобақаларда, турли ўйинлардан (ошиқ, қимор, бедана, хўроз, ит уриштириш, шахмат, нарда ўйинларидан ҳам) одамлар роҳатланадилар.

Баъзилар гаров боғлаб, (пойгада) пул тикиб, судлашиб, ҳазиллашиб ҳам роҳатланадилар.

Иззат-ҳурмат, обрў ҳам одамга ёқимлидир. Ҳар бир инсон ўзини иззат-ҳурматга лойиқ деб билади. Яхши одамларнинг шундай ўйлаши табиийдир. Бундайлар айниқса ҳақгўй одамлардан иззат-ҳурмат кўрсалар хурсанд бўладилар. Бу ҳолда бизга яқин одамлар узоқ одамлардан ишончлироқ, дўстларимиз ва юртдошларимиз бегоналардан кўра ишончлироқ, (баъзиларга) замондошларимизнинг фикри ўтмишдаги одамларнинг фикридан кўра ишончлироқ, ақллининг фикри ақлсиздан кўра, кўпчиликнинг фикри озчиликнинг фикридан кўра ишончлироқ, ҳақиқатга яқинроқдир. Инсонлар ўзидайларга эътибор қилиб, болаларга ва ҳайвонларга кам эътибор берганидай, булар томонидан кўрсатилган иззат-ҳурматга

ҳам эътиборсиз, бепарво қарайдилар. Мабодо бундайларнинг иззат-ҳурматини ёқтирсалар ҳам, иззат, обрў туфайли эмас, бошқа сабабдандир.

(Арасту замони учун бу фикрлар асосли эди, лекин ўтган 2400 йил давомида замонлар ўзгарди, одамлар ўзгарди. Кейинги замонларда одамлар иззат-ҳурмат, обрў ҳақида бу ерда айтилганларнинг тескарисини ўйлай бошладилар. Эндиликда иззат-обрў масаласида яқин одамларнинг, дўстлар ва юртдошларнинг ҳурматидан кўра, узоқдаги, бегона одамларнинг ҳурмати ишончлироқ бўлиб қолди. Ҳозирги одамларнинг мақтовидан кўра ўтмишдаги одамлар мақтаган нарсалар (масалан, камтаринлик, ҳалоллик, поклик афзалроқдир, ҳозир бу хислатлар учун деярли иззат-ҳурмат кўрсатмайдилар. Ҳозир ва аввал ҳам кўпчилик нодонларнинг мақтовидан кўра озчилик оқилларнинг мақтови ишончлироқдир. –*Тарж.*)

Дўстлар ҳам ёқимли, чунки улар даврасида ичилган май ҳам ёқимли. Дўстларнинг уни яхши кўриб, ҳурматлаши ёқади, чунки у ўзини яхши одам эканлигини ҳис этади. Барча ҳис этувчи одамлар буни яхши билади. Дўстларнинг ҳайратига сазовор бўлиш жуда ёқимли, чунки бу обрў келтиради. Одамзотга (кўпчиликка) хушомад ҳам, хушомадгўй одамлар ҳам ёқади, булар унинг ихлосманди, мухлиси, муҳиби бўлиб кўринади.

Доимо ўрганиб қолган бир ишни бажариш ҳам ёқимли, чунки одамга одатдаги нарсалар ёқади. (Баъзан) ўзгаришлар ҳам ёқимли, бир хиллик гоҳо жонга тегади. Одамлар айтганидай, «барча ҳолатларда ўзгариш яхши».[73] (Эврипид асарида Электранинг акаси Орестга айтгани.) Вақти билан ўзгаришларни кўриш ёқимли. (Яхшиликка ўзгариш бўлса. – М.М.)

Кўп ҳолларда (илм, ҳунар) ўрганиш, ўқиш, ҳайратланиш роҳатлидир. Одам ўзини ҳайратлантирган нарсаларга ҳавас билан қарайди. Илм олиш эса табиат қонунларини билиб, уларга амал қилишга сабабчи бўлади.

Бошқаларга хайр-эҳсон, ҳомийлик қилиш ёқимли, завқлидир, уларни олганлар ҳам шодланадилар. Кимларга хайр-эҳсон қилса, у одам ўшалардан устун эканлигини кўрсатади.

(Муҳаммад с.а.в. ҳадисини эсланг: «Устдаги қўл, остдаги қўлдан яхшироқ; берувчи қўл олувчи қўлдан яхшироқдир».) Хайр-эҳсон, дўстларга, яқинларга яхшилик қилиш яна шунинг учун ёқимлики, шу йўл билан уларни (камбағалчиликдан, ночорликдан қутқазиш), оёққа турғизишга асқатади. (Ислом дини ва ахлоқида ҳам бу энг гўзал хислатлардир.) Битмаган ишни битказиш, етишмаганни тўлдириш ҳузурлидир. Устозлик, ўқитиш шу камчиликларни тўлдиради. Устозлар ишидан ҳайратланиш ҳавасни туғдиради, ҳавас тақлид қилиш, ўрганиш истагини пайдо қилади. (Арасту яхшиликка, буюк ишларга, ҳаётга ва санъатга тақлидни ижодий ҳодиса деб билади.) Тақлидий санъатлар: рассомлик, ҳайкалтарошлик, поэзия (эпос, драма, бадиий наср) билан шуғулланиш ҳам, улардан баҳра олиш ҳам завқлидир. Гарчи тақлид мавзуи (объекти) арзимас нарса (майса, гул, дарахт, ҳайвон) бўлса ҳам, уларнинг ўхшашини ҳосил қилиш завқлидир (мимесис – ҳаётга тақлид шудир. – М.М.) Санъат асарлари одамларга ҳам завқ-ҳузур, ҳам билим беради.

Табиатан бир жинсдаги ва турдаги нарсалар – бир-бири учун ёқимли, масалан, «Одам одамни, тулпор тулпорни, ёшлар ёшларни, (ит итни) ёқтиради». Халқ орасида (юнонларда) «Тенг-тенги билан», «Ҳар ким ўзига ўхшаганни излайди», «Ҳайвон ҳайвонни танийди», «Қарға қарғани ҳимоя қилади» каби матал ва мақоллар бор.[74] (Ўзбекларда ҳам бор, фақат сал бошқачароқ: «Тенг-тенги билан, тезак қопи билан (ўртоқ)», «Ўхшатмагунча учратмас», «Қарға-қарғанинг кўзини чўқимайди».)

Барча ўхшаш нарсалар бир-бири учун яқин, ёқимли бўлгач, барча одамлар ҳам озми, кўпми ўхшаш, масалан, ўзи ўзига ёқимли, ўзини яхши кўрувчи (иззатталаб, худбин) бўладилар. Шу сабабли одамлар аввало ўзиники бўлган нарсаларни ёки ўз одатлари, қилиқларини, масалан, ўзини мақтовчи хушомадгўйларни ўз фарзандларини яхши кўрадилар. Чунки, болаларимиз ўзимиздан бўлгани учун. (Аввал айтганимиздай) чала ишларни битириш ҳам ёқимли, чунки биз битирган иш

бизники бўлиб қолади (болаларни тарбиялаб вояга етказиш ҳам шундай.)

Мансаб, ҳокимият шунинг учун ёқимлики, унга етишиш учун билим, қобилият, донолик талаб қилинади. (Шу сабабли мансабдорлар ўзини билимли, доно ҳисоблайдилар, аслида бундай бўлмаса ҳам.) Ҳақиқий донолик жуда кўп ажойиб нарсаларни билишдир. (Баъзи мансабдорлар ажойиб нарсалар деб бойлик, пулдорликни айтадилар. – *Тарж.*) Кўпчилик одамлар иззатталаб бўлгани учун, ўз яқинларини сал нарсага койиб, сўкишни ҳам яхши кўрадилар.

Баъзан одам ўзи аввал бажаролмайдиган ишни қила олса ҳам роҳатланади, шодланади. Шоир айтганидай:

У бир ишга боғланиб қолган,
Ва кун бўйи шу иш билан банд.
Шуни уддаладим дея у хурсанд...[75]

(Ҳақоратга ўхшамайдиган) ҳазил-мутойиба ва дам олишни мазмунли қилувчи ўйин-кулгулар ҳам завқлидир. Аммо, биз кулгилилик масаласини «Поэтика» асарида алоҳида кўриб чиққан эдик.[76] («Поэтика»нинг шу қисмлари бизгача етиб келмаган). Ёқимли нарсалар ҳақидаги фикрларимиз мана шулардан иборат. Энди бу айтганларимизнинг тескариси бўлган ёқимсиз, нохушликларнинг сабабларини кўриб чиқамиз.

12-БОБ

Ноҳақ ишларга сабаб бўладиган ҳолатлар. Ноҳақ ишларнинг ва жиноятларнинг жазоланмай қолишига имкон туғдирадиган шарт-шароитлар.

* * *

Энди эса биз одамларнинг қандай ҳолатда ноҳақ муносабатда бўлишлари ва кимларга нисбатан ноҳақ иш – ёмонлик қилишлари ҳақида гапирамиз. Одамлар мазкур ноҳақ қил-

мишларни кимгадир ёмонлик қиляпман демасдан амалга оширишни ўзлари учун мумкин деб ҳисоблаганларида ноҳақ ишларга киришадилар. Бундан ташқари улар ўзларининг қилмишларини (ноҳақ ишларини) фош бўлмай қолаверади деб ўйлайдилар ёки бу қилмишлари фош бўлган тақдирда ҳам ўша учун жазога тортилмаймиз, ёки ҳатто жазога тортилганимиз тақдирдаям бу қилмишлардан (ноҳақ ишлардан) ўзимиз ва яқинларимиз учун олган (кўрган) фойдага қараганда бу жазо аҳамиятсиз бўлади, деб ўйлайдилар. Ноҳақ иш қилувчилар нимани мумкин бўлган ва нимани имконсиз деб ўйлашини кейинроқ айтиб ўтамиз, чунки бу мулоҳазалар нутқнинг барча турлари учун аҳамиятга эгадир (аҳамиятлидир).[77]

Одатда (мансабдор) дўстлари ва пуллари кўп бўлган одамлар ва бундай ноҳақ ишларнинг ҳадисини олган, гапга уста, абжир одамлар ўзларини жазо олмасдан ноҳақ ишларни қилишга ҳақли деб ҳисоблайдилар. Агар дўстлари ҳам кўп бўлиб, ўзлари мансабдор бўлган одамлар ўзларини энг кучли деб ҳисоблайдилар; агарда ўзлари олғир ва мансабдор бўлмаса, у ҳолда уларнинг мана шундай дўстлари, хизматкорлари ёки жиноятга аралашган шериклари бор бўлса, бу уларга ноҳақ ишларни қилишга имкон беради, буни сир сақлаш ва ўша ишлар учун жазога тортилмаслик имконини ҳам беради. Гоҳо ноҳақ иш қилувчилар ўз дўстига шундай қилаётган бўлса ёки судья билан дўст бўлса, жазоланмаймиз, деб ишонадилар. Чунки, одатда дўстлар бу одам томонидан ноҳақликни кутмайдилар, шу сабабли, ундан эҳтиёт бўлиш чораларини кўрмайдилар ва иккинчи томондан эса дўстлар ишни судга бермасдан (иш судгача етиб бормасдан) ярашиб кетадилар. Ҳакамларга келсак, улар кимлар билан дўст бўлсалар ўшаларнинг кўнглини топадилар ёки уларни бутунлай жазога тортмайдилар ёки уларга арзимаган жазо тайинлайдилар.

Одатда ноҳақ (жиноий) ишларни ҳеч ким кутмаган одамлар содир қиладилар, буларга ўзининг айбини яшириш осон бўлади. Масалан, қизларни зўрлаш каби жиноятни ожиз, чўлоқ ёки хунук, бадбашара одамдан кутмаганлари учун

улардан гумон қилмайдилар. Бундай нарсаларни одамлар пайқамайдилар ва эътибор бермайдилар, деб ўйлайдилар.

Ортиқ даражада равшан кўриниб турган ва кўзга ташланиб турган нарсаларни ҳам сир сақлаш, яшириш осон бўлади, чунки бундай нарсаларни (ҳамма билгани учун) жиноят деб ўйламайдилар. Худди шунга ўхшаб, фавқулодда ва жуда хавфли жиноятни ҳам яшириш осон бўлади, чунки бундай нарсалардан эҳтиёт бўлишни ҳеч ким маслаҳат бермайди. Одамлар одатдаги жиноятлардан сақланадилар, буни одат тусига киргандай, касалликдан сақлангандай қиладилар. Лекин ҳеч ким, ҳеч қачон сира учрамаган нарсага нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўрмайди. Мутлақо душманлари бўлмаган ёки душманлари жуда кўп бўлган одамларга ҳужум қилиш, ташланиш ҳам осон ҳисобланади; биринчи ҳолатда ҳужум қилувчи унинг қурбони ҳеч қандай эҳтиёт чораларини кўрмаслигига, бу қилмиши фош бўлмаслигига ишонади, иккинчи ҳолатда эса у ўзининг ҳужум қилишини ошкор бўлмай қолади деб ишонади, чунки ҳимояланган ҳолатдаги одамларга ҳужум қилиш ўша одам фикрича, мумкин бўлмаган ҳолат деб тасаввур қилинади ва айбдор ўз ҳимояси учун бундай ишга ҳеч қачон журъат қила олмаган бўлишини (юраги бетламаслигини) айтиши мумкин.

Хилват, кимсасиз жойларда яширина олганларга ҳам жиноят содир қилиш осон бўлади. Жиноят содир қилинган жой ёки вақтни ҳеч ким билмайди, деб ўйлайдилар.

Қуйидаги одамлар ҳам жиноят қилишга журъат этадилар:

Жиноят фош бўлганда суддан қочиш ёки вақтдан ютиш ёки ҳакамни сотиб олиш имкониятига эга бўлган кишилар.

Жазога тортилган тақдирда ҳам уни ижро қилишдан қочиш имконияти бор бўлган ёки уни давомли тарзда кечиктириш (орқага суриш) имкониятига эга бўлган кишилар.

Ниҳоят, ҳеч нарсаси йўқ, жазоланса ҳам ҳеч нарса йўқотмайдиган (безорилар).

Булардан ташқари, баъзилар жиноятдан келадиган фойдани, даромадни арзирли, аҳамиятли ва тез қўлга киради деб тасаввур

қилган одамлар ҳам жиноят қилишга журъат этадилар, бу жиноятга бериладиган жазони эса улар арзимайдиган, ёки узоқ деб ҳисоблайдилар. Жазоси камроқ, олинадиган фойдалар кўпроқ бўлган жиноятлар ҳамма вақт ижрочиларини топади. Тиран, золим ҳокимни эса жинояти учун жазолаш осон эмас. Бундай зўравонлар учун жазоланиш фақат шармандаликдан иборат бўлади (шармандалик билан якунланади). Баъзан аксинча, баъзи жиноятлар эгасига шон-шуҳрат келтиради. Масалан, бирданига кимдир отасининг ёки онасининг қотилидан қасдини олишга эришса, шуҳрат қозонади. Зенон бунга муваффақ бўлган.[78] Бунинг учун жазо эса пул жаримаси, сургун қилиш ёки шунга ўхшаш бирор нарсадан иборат бўлади.

Одамлар юқорида кўрсатилган у ёки бу мотивлар – сабаблар таъсирида, юқорида кўрсатилган у ёки бошқа кайфиятларнинг, руҳий ҳолатлар таъсирида ноҳақ ишларни қилишга киришадилар. Лекин булар табиатан бир-бирига ўхшамаган, мутлақо тескари характердаги шахслардир.

Яна кўп ҳолларда ўз жиноятини яширишга ёки амалга оширишга муваффақ бўлган ёки жиноятлари учун жазосиз қолган одамлар, яна тез-тез муваффақиятсизликка учраган, иши юришмаган кишилар жиноят қилишга журъат қиладилар, чунки улар худди урушдагидек ёки шунга ўхшаш ҳолатларда, вазиятларда ҳар қандай йўллар билан ғалаба қилишга уринган одамларга ўхшайдилар. Яна жиноят кетидан дарров ҳузур-ҳаловат бошланадиган ҳолатларда одамлар жиноят этишга журъат қиладилар, кейинчалик эса қандайдир нохуш, ёмон нарсани бошдан кечиришга, синовдан ўтказишга тўғри келади. Ёки жиноятдан фойда яқин, жазо эса узоқ бўлганида. Ўз нафсини тия олмайдиган одамлар бунга ўхшаш ҳолатда бўладилар. Нафсни, ўзини тиймаслик эса бизнинг орзу-ҳавасларимизни, истакларимизни ташкил этувчи барча нарсаларга тааллуқлидир.

Жиноятлар яна қуйидаги ҳолатларда ҳам содир бўлади: жиноят ва жазо билан боғлиқ ҳамма ёмон нарсалар бир вақтга (озроқ муддатга) келади, ҳузур-ҳаловат ва фойдага кечроқ

эришсалар-да, узоқ давомли тарзда эришадилар. Бундай жиноятларга ўзини тия биладиган ва ақллироқ одамларгина интиладилар.

Ўз қилмишларининг тасодифий эканлигини ёки зарурат туфайли эканлигини ёки табиат қонуни ёки бўлмаса одатий эканлигини тушунтириб бериш имконияти бўлган одамлар томонидан ҳам жиноят содир қилиниши мумкин. Умуман қаерда жиноят эмас, балки хато қилинганлигини исботлаб бериш мумкин бўлган ҳолатларда ҳам жиноят содир бўлиши мумкин. Раҳбарлар кўнгли бўшлик қиладиган жойларда ҳам жиноят содир этилиши мумкин.

Гоҳо одамлар муҳтожлик туфайли ноҳақ қилмишларга қўл уриши мумкин. Муҳтожлик, эҳтиёж икки хил бўлиши мумкин: ё зарур нарсаларга муҳтож камбағал одамлар ёки ортиқча нарсаларга яна-да кўп обрў, шон-шуҳратга эга бўлишга интилган бойлар жиноят қиладилар. Гоҳида жуда ёмонлик бўлган, бадном бўлган одамлар ҳам жиноятга қўл уришлари мумкин. Биринчи турдаги, яъни камбағаллар ўзларидан ҳеч ким шубҳа қилмаслигини мўлжаллаган, тахмин қилган ҳолда, иккинчилари (бойлар) эса ўзларининг бундан обрўлари, шон-шуҳрати ёмонлашмаслигини, пасаймаслигини кўзда тутган ҳолда ноҳақ иш, жиноят қиладилар. Мана одамлар қандай руҳий ҳолатда бўлганларида жиноятларга қўл урадилар.

Жиноятлардан зарар кўрувчи одамлар ва нарсалар одатда қуйидагича бўладилар: улар жиноятчида йўқ бўлган нарсаларга эга бўладилар (бирор зарурий нарса ёки бирор ҳузурланишга дахлдор бўлган ишларга тааллуқли). Ноҳақ ишлар яқин ёки узоқ бўлган одамларга нисбатан ҳам қилинади, биринчи ҳолатда дарров фойда олиниши сабабли, иккинчи ҳолатда эса карфагенликларнинг ибодатхонасидаги тилла буюмларни ўғирлаб кетганларидек.[79]

Эҳтиёткорлик чораларини кўрмайдиган одамларга ҳам ноҳақ дилсиёҳлик, хафагарчилик, ранж-алам етади. Ортиқ даражада ишонувчан одамларга ҳам (чунки бундай ҳолатда жиноятчи барчанинг диққат-эътиборидан осонгина яшири-

ниб қолиши мумкин бўлади). Яна беғам, бепарво одамларга ҳам. Чунки ишни судгача олиб бориш учун чаққон, куйинчак бўлиш лозим.

Кўпинча виждонли одамларга ҳам дилсиёҳлик етади, чунки улар ўз фойдаси учун ёмонлар билан баҳсга киришишга қизиқмайдилар. Кўпчилик томонидан аввал ҳақоратланганида ишни судгача олиб бормаган кишиларга ҳам ранж-алам, хафагарчилик етади, чунки бундай одамлар мақолда айтилганидек, мизияликларнинг ўлжасига айланадилар.[80] Ҳеч қачон ҳақоратга учрамаган ё учраса ҳам уларга кўп тоқат қилган одамларга ҳам дилсиёҳлик етади, чунки улар ва булар ҳам эҳтиёткорлик чораларини кўрмайдилар. Биринчилари ҳеч қачон уларни ҳеч ким ҳақорат қилмайди, деб ўйлаганликлари сабабли, иккинчилари эса бундан кейин уларни ҳеч ким ҳақорат қилмайди, деб ўзларича фикрлаганликлари сабабли рўй беради. (Ёмонлар фикрича) ноҳақ айбланган, туҳмат қилинган ёки осон туҳмат қилиш мумкин бўлган одамларни ҳам бемалол хафа қилиш, ранжитиш мумкин. Чунки бундай одамлар одатда ҳакамга ишонмай ва ундан қўрқиб, ишни кўриб чиқиш учун судга шикоят ёзишга журъат эта олмайдилар ва ҳеч кимни ўз фикрига ишонтира олмайдилар ҳам. Ҳамманинг нафратини ва ҳасадини уйғотадиган одамларга ҳам шундай бўлиши мумкин. Ноҳақлик гоҳо бирор нарсага эга бўлган одамларга қарши йўналтирилади, бу уларнинг ота-боболарига ёки ўзларига қарши ёхуд уларнинг дўстларига қарши иш бўлади. Халқ мақоли бор – ёмонларга фақат баҳона керак. Душманларни ва дўстларни хафа қиладилар. Чунки дўстларни хафа қилиш осон, душманни хафа қилиш эса ёқимлидир. Дўстлари йўқларни ҳам хафа қиладилар. Чиройли қилиб гапира олмайдиганларни ҳам, ишни олиб бора олмайдиганларни ҳам хафа қиладилар, чунки бундай кишилар ишни ҳакамга топширса, орқасидан юришга вақт сарфламайди. Кўнгилчан бўлса, келишади, жанжалсиз ҳал қилади.

Вақтни бой бериш, беҳудага сарфлаш ноқулай, ўнғайсиз бўлган одамларга нисбатан тез-тез ноҳақ муносабатда бўла-

дилар. Масалан бошқа ерликлар, хорижликлар ва ҳунармандлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари, пешона тери билан ўз қўллари билан нон топадилар (тирикчилик қиладилар), чунки бу одамлар озгина нарсага ҳам муросага келадилар ва осонгина ишни (жиноий ишни) тўхтатадилар. Ўзлари кўп ҳолатларда ноҳақ ишлар қилган одамларга ҳам ёмонлик қилинади. Ҳозир айнан ўзларига ноҳақ муносабатда бўлаяптилар, чунки ноҳақлик деярли ноҳақлик бўлиб туюлмаяпти. Қачонлардир бировга худди шундай хафагарчилик, дилсиёҳлик етказилади. Кимдир бошқаларни хафа қилишга одатланиб қолган, масалан бошқаларни ҳақоратлашга одатланган одамни агар бирор кимса ҳақорат қилса табиийдир. Ўзларини хафа қилган ёки хафа қилишни хоҳлаган ёки хафа қилишни хоҳлаётган ёки хафа қилаётган одамлар билан ҳам ноҳақ муносабатда бўладилар, бундай ҳолатда ноҳақлик, адолатсизлик деярли ноҳақлик, адолатсизлик бўлиб туюлмайди. Дўстларимизга ва ёки кимдан ҳайратлансак, ёки кимни севсак, ёхуд ўз ҳукмдорларимизга ёқиш учун, ёки умуман бирор фойда олишимиз мумкин бўлган одамларга ёқимли бўлиши учун бошқаларни осонгина хафа қиламиз. Муносабатларни узиб қўйган одамларга ва устидан биз ҳукм чиқарган одамларга нисбатан ҳам бизлар ноҳақ адолатсизлик қиламиз. Масалан, Каллипп Дионга нисбатан йўл тутганидек,[81] чунки бундай хатти-ҳаракатлар, қилмишлар деярли ноҳақлик, адолатсизлик бўлиб туюлмайди. Сиракуза тирани Дионисийнинг қайниси Дион Афлотуннинг шогирди эди. У тиранияни ағдариб, адолатли давлат қурмоқчи бўлганида Каллипп уни ўлдирган, тиранга ёқиш учун.

Баъзан ҳамма одамлар хафа қилаётган кишини биз ҳам қўшилиб хафа қиламиз. Гелон тиран бўлиб бир шаҳар аҳлига зулм қилганида, дўсти Энесидем унга табрик хати юборган эди.[82] Чунки бундай ҳолатда иккиланиш, тараддудланиш мумкин эмасдек туюлади. (Ўзбекларда буни «Ўлганнинг устига тепган» дейдилар.)

Кўпинча бир одамга диёлсиёҳлик, ранж-алам етказилади, кейин бу айбни ювиш учун дили оғриган одамга кўп яхшиликлар қилинади. Фессалиялик Ясон айтганидек, кўпгина

адолатли ишларни амалга ошириш учун баъзан ноҳақ иш қилиш керак бўлади.[83]

Инсон осонгина ноҳақ ишларни қилишга ўзи йўл қўяди, имконият туғдиради, бундай ишларни қилиш ҳаммада ёки кўпчиликда одат тусига кирган. Чунки бундай ҳолатда ўзини кечиришларига ишонадилар.

Одамлар яшириш осон бўлган нарсаларни ҳамда тез сарф-лаб тугатиладиган нарсаларни ўғирлашга осонгина журъат қиладилар (Масалан, ғамлаб қўйилган озиқ-овқатларни). Буларга яна қуйидагилар: шаклини, рангини ва таркибини ўзгартириб осонгина бошқача шаклу шамойил бериш мумкин бўлган нарсалар ҳам киради, кўпгина жойларда яшириш ўнғай, қулай бўлган нарсалар ҳам киради. Яна бир жойдан бошқа жойга кўчириш, ўтказиш осон бўлган нарсалар ёки кичик жойларда яшириш осон бўлган нарсалар ҳамда ўғрилларда кўп бўлган нарсалар ҳам киради.

Кўпинча шундай одамларни ҳақоратлашадики, ҳақоратланган кишилар бу тўғрисида гапиришдан уялади, ор қилади, масалан бизнинг аёлларимизга ёки ўзимизга ёхуд ўғилларимизга нисбатан қилинган шармандалик, бадномлик. Биз кўпинча ножўя ишларни ҳам қилиб қўямиз, уларни суд орқали таъқиб қилишга арзимайди ҳам. Буларга аҳамиятсиз ва кечириш мумкин бўлган ножўя ишлар киради.

13-БОБ

Адолат ва адолатсизликни икки томонлама ажрим қилиш (аниқлаш) услуби. – Хусусий қонун ва умумий қонун. – Ноҳақ қилмишларнинг иккита тоифаси – Ёзилмаган қонунларнинг иккита тури. – Ҳақиқат тушунчаси.

***

Ноҳақ иш қилувчи кишиларнинг руҳий ҳолати ҳақида, хафа қилинган шахслар ва ўғирланган нарсаларнинг ҳолати ҳақида, дилсиёҳлик ва ноҳақликнинг сабаблари тўғрисидаги

барча фикр-мулоҳазалар ана шулардан иборат. Энг аввало қилмишларнинг ҳар қандай турларини адолат билан мос келиш-келмаслигини синчиклаб ўрганиб чиқамиз.

Адолат ва адолатсизлик тушунчаси икки хил ажрим қилинади (аниқланади). 1. Қонунларнинг иккита тоифасига кўра ва 2. Ўзлари дахлдор бўлган одамларга кўра. Мен умумий ва хусусий қонунлар мавжудлигини баён қиламан.[84] Ҳар бир халқ ўзи учун ўрнатган қонунни мен хусусий қонун деб атайман ва бу қонун ёзилган ва ёзилмаган бўлади.[85]

Табиий қонунларни эса мен умумий қонун деб атайман. Табиатга кўра нимадир адолатли ва нималар адолатсиз бўлиш ҳақида ҳеч қандай алоқа ва келишувлар бўлмаса ҳам, ҳамма халқлар томонидан эътироф қилинган, ёзилмаган умуминсоний, умумий қонунлар бор.

Адолатлиликнинг бундай тури эҳтимол Антихонанинг қилмишида кўринади. Коринфда қонун таъқиқлашга қарамай, Антихона одамийлик юзасидан акаси Полиникнинг жасадини дафн қилишга уриниши ёзилмаган қонун, табиий адолат доирасига киради.[86]

Бу қонун абадий. У на бугун ва на кеча пайдо бўлмаган. Ва ким чиқарганини ҳеч ким айта олмайди.[87]

Мана шундай қонун асосида Эмпедокл ҳар қандай тирик жонни ўлдиришни таъқиқлайди, бундай турдаги хатти-ҳаракат бировларнинг кўз ўнгида адолатли бўлиб ва бошқа бировларнинг назарида эса ноҳақ, адолатсиз бўлиб туюлиши мумкин эмас, бу ҳамма инсонлар учун бирдек мажбурий қонундир, у бутун осмоннинг ва ўлчаб бўлмайдиган еру осмонда кучга эгадир.[88]

Алкидамант (Элея файласуфи, V–IV аср) ҳам ўзининг Мессенага оид нутқида шу табиат қонуни ҳақида гапирган.[89]

Жиноятлар кимга қарши қилинаётганига қараб, икки турга ажратилади: 1. Фақат бир одамга зарари тегадиган жиноят. 2. Ватанга, давлатга, барча халққа қарши жиноят. Ҳар иккаласи ҳам адолатсизлик, ноҳақликдир. Бировнинг ҳаққига

хиёнат қилувчи ва калтакловчи, урушувчи кимса бирор аниқ шахсга нисбатан ноҳақ йўл тутади. Ҳарбий мажбуриятни ўташдан бош тортадиган одам эса бутун жамиятга нисбатан ноҳақ иш қилган бўлади.

Шундай тарзда барча ноҳақ қилмишларни бутунлай жамиятга ва жамиятнинг бир ёки бир нечта аъзоларига дахлдор бўлган ноҳақ ишларга ажратиб бўлиб, ноҳақликнинг объекти бўлмиш одам қандай зулм турларига учрайди, деган саволга қайтамиз. Ихтиёрий тарзда ноҳақ иш қилаётган одамга чидаб, тоқат қилиб туриш бу ноҳақликнинг объекти бўлиш демакдир. Биз аввал ихтиёрий ёки мажбурий равишда ноҳақликнинг амалга оширилишини аниқлаган эдик.[90] Чунки ноҳақ иш-ҳаракатнинг объекти бўлмиш одам дилсиёҳликка, ноҳақ етказилган ранж-аламга ва бунинг устига ўзининг истагига ҳам қарши чидашга мажбур бўлади. Ноҳақликдан етган ранж-алам, дилсиёҳлик тушунчаси эса юқорида айтилганлардан маълум (негаки биз юқорида эзгулик билан ёвузлик тушунчаларини X бобда кўриб чиқдик).

Мажбурийлик ва ихтиёрийлик тушунчасини ҳам аниқлаган эдик (одам нима қилаётганини ўзи онгли тарзда тушуниб, ихтиёрий бажаришини айтган эдик).[91]

Шундай қилиб ҳамма қилмишлар бутун жамиятга ёки унинг алоҳида бир аъзосига тааллуқли, тегишли бўлади. Ноҳақлик инсон томонидан бутунлай бехабарлик туфайли ва истагига қарши ёки кўнгилли ва тўла англаган ҳолда қилинади. Ихтиёрий жабр, зулм атайлаб, қасддан қилинади бошқалари эса жазава, қаттиқ ҳаяжон таъсирида содир этилади.

Ғазаб тўғрисида эса кучли ҳиссиёт, эҳтирос ҳақидаги асарда айтиб ўтамиз («Хитоба»нинг II китоби, 2-бобида.). Билиб туриб ноҳақлик қилувчиларнинг руҳияти, жиноят сабаблари ҳақида аввалги бобларда фикр юритганмиз.[92]

Одамлар кўпинча маълум, ножўя ишни қилишни эътироф этганлари ҳолда маълум иш-ҳаракатнинг малакасини (даражасини) тан олмайдилар ёки бу малака нимага дахлдор, тааллуқли эканлигини тан олмайдилар. Масалан, бир одам

бирор нарсани олдим, лекин ўғирламадим деб даво қилади. Ёки у биринчи бўлиб урдим, лекин ҳақорат қилмадим, дейди. У билан алоқада бўлдим, лекин бузуқлик қилмадим, дейди. Бошқа бир одам ўғирликни қилдим, лекин шаккоклик, худо безорилик, кофирлик эмас деб қатъий ишонтиради, чунки ўғирланган нарса худога, Оллоҳга тегишли эмас, дейди. Яна бири бошқа бировнинг ерини ҳайдаб ташлади, лекин жамоатнинг даласини эмас деб ўз фикрини тасдиқлайди. Яна бир одам душманлар билан алоқада, мулоқотда бўлиб турдим, лекин хиёнат қилмадим, деб даъво қилади. Бундай ҳолатларни, ҳодисаларни, бундай ўғирлик, ҳақорат қилиш малакаларини, ҳақиқатни аниқлаш учун аввало ўғрилик нима, бировни уриш ва ҳақоратлаш нима, бузуқлик нима, хиёнат нима, куфр, иймонсизлик, шаккоклик нима эканлигини аниқлаб олишимиз керак.

Бунга ўхшаган барча ҳолатларда, ҳодисаларда маълум хатти-ҳаракат ноҳақликми, ножўя ишмиди ёки йўқми аниқлаш учун у бу ишни қайси мақсадда (ниятда, қасдда) қилганлигини аниқлаш зарур. Ҳақоратлаш ва ўғирлик каби ҳолатлар аввалдан ният қилинганликни кўрсатади: биринчи урган уни ҳақорат қилмаган (балки ҳақоратга жавоб берган бўлиши мумкин). У буни бирор бир мақсадда қилган ҳолатда бўлсагина, масалан унинг номига доғ тушириш, бадном (шарманда) қилиш мақсадида ёки ўзи ҳузурланиш учунгина урган бўлса ва бирор нарсани яширинча олган одам бу ўғирликни бошқа одамга зарар етказиш учун, ўғирланган нарсани ўзиники қилиб олишни истаган бўлса, жиноят деб баҳоланади.

Бошқа ҳодисаларга нисбатан ҳам худди шу биз томонимиздан кўриб чиқилган воқеалар тўғрисида айтилган гапларни айтиш мумкин. Адолатли ва адолатсиз ишларнинг иккита тури мавжуд эканлиги сабабли ва ёзилган қонунлар нималарни изоҳлаб беришлари ҳақида гапирган эдик, энди эса ёзилмаган қонунлар ҳақида гапиришимиз қолди холос. Улар ҳам икки турли бўладилар: улардан бирлари жуда ортиқ даражадаги эзгу ишларнинг ва иллатларнинг, камчиликлар-

нинг намоён бўлишини кўзда тутади, ўшалар (эзгу ишлар ва иллатлар) мақтовлар ва танбеҳлар билан обрў, иззат, ҳурмат ва бадном бўлиш, шармандаликлар билан, умумий ҳурматни билдиришлар билан алоқадор, боғланган бўладилар; масалан, мурувват кўрсатувчига миннатдорлик билдириш, яхшиликка яхшилик қайтариш, дўстларга ёрдам бериш ва ҳоказолар ҳам шуларга тааллуқлидир.

Ёзилмаган қонунларнинг бошқалари эса ёзилган хусусий қонунларнинг камчиликларини, етишмаган жойларини тўлдиради, негаки кўринишдан адолат соҳасига тааллуқли бўлиб, ёзилган қонунга зид тарзда (қонунда ёзилган нарсага зид, терс бўлишига қарамасдан) уларда адолат, ҳақиқат бор.

Ёзилган қонунларнинг эса камчиликлари кўп. Қонуншунослар томонидан баъзан ихтиёрий равишда ва баъзан эса ўзлари билмай камчиликка йўл қўйилади: ўзи истамаган ҳолда, қонуннинг камчиликлари уларнинг диққат-эътиборидан четда қолган пайтда (эсдан чиққанда), ихтиёрий эса қачонки улар ўша ҳолат, ҳодиса ҳақида ҳеч қандай маслаҳат, кўрсатма бера олмаган пайтда камчиликка йўл қўядилар, чунки уларнинг ажрими (таърифи) барчага тааллуқли бўлган қонунларга асосланиши лозим. Мазкур ҳодиса эса доим бўладиган тааллуқли эмас, балки кўпроқ бўлиб турадиган қисмга дахлдор ҳисобланади. Ҳаёт воқеаларининг оқибати, натижаси чексиз бўлганлиги сабабли бирор кўрсатмалар бериш қийин бўлган ҳодисалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Масалан, қонун темир билан уриб ярадор қилишни тақиқлайди, бу темир қанчалик узунликда эканлигини аниқлаш ва айнан қандай темирни таъқиқлаш кўзда тутилганлигини билиш қийин. Инсониятнинг ҳаёти бундай нарсаларнинг ҳисобига етмаган бўларди. Шундай тарзда қачонки аниқ таъриф, ажримни бериш имкони бўлмаган тақдирда қонунга асосланиб қарор, ҳукм чиқариш зарур, бундай ҳолатларда, ҳодисаларда умумий ифодаларни билдириш лозим. Бу ердан шундай хулоса келиб чиқадики, агар бирор одамнинг қўлига темир ҳалқа (билагузук) бўлиб, уни бошқа одамга

қарши кўтарса ёки унга зарба берса у ҳолда ёзилган қонунга кўра, у айбдор ҳисобланади, ноҳақ зулм қилган бўлади ва бу ҳақиқатан ҳам тўғри қарордир.

Агар биз берган (айбдор деган) тушунча ҳақиқат бўлса, у ҳолда шак-шубҳасиз, билиш керакки, нима ҳақиқатга мос келади ва нима мос келмайди, қандай одамларни (айбдор десак) ҳақиқат тушунчасига мос келмайди? Кечиришга лойиқ бўлган барча нарсалар ҳақиқат тушунчасига яқинлашиб келади. Бундан ташқари ҳақиқат турли бахтсизликларга, ноҳақ ишларга ва хато-камчиликларга бир хил баҳо бермангглар деб талаб қилади. Бахтсизликлар жумласига ҳеч қандай ёвуз (қабиҳ) ниятларсиз ва ғаразсиз рўй берадиган иш-ҳаракатлар тааллуқли бўлади.

Адашиш, янглишишлар жумласига эса ғаразсиз, (тасодифий) рўй берадиган ҳамма нарсалар киради. Лекин ахлоқсизлик, нопоклик сабабли қилинган ишларни адашув, янглишув деб бўлмайди. Ноҳақ қилмишлар жумласига ғаразли ният билан, қасддан қилинган ҳамма нарсалар, шу билан бирга бузуқлик оқибатида рўй берган ҳодисалар ҳам киради. Чунки кучли ҳиссиёт, эҳтирос таъсирида қилинадиган ишлар бузуқлик, гуноҳ ишларга киради.

Инсоннинг баъзи заифликларини кечириш адолатлидир. Яна қонуннинг ҳарфини эмас, балки қонун чиқарувчининг фикрини, ғоясини кўзда тутиш, ножўя хатти-ҳаракатни, ишни эмас, балки уни содир қилган одамнинг мақсадини, ниятини кўзда тутиш қисмни эмас, балки бутунни кўриш, одам ўзини мазкур ҳолатда қандай кўрсатганлигига эмас, балки у кўпинча ва доимо қандай бўлганлигига эътибор қаратиш одатлидир. Яна ҳақиқат шундан иборатки, бизга бировлар қилган ёмонликдан кўра, кўпроқ бизга қилинган яхшиликларни эслаш, ўзимиз қилган яхшиликларга қараганда кўпроқ биз кўрган яхшиликларимизни эслаш, бизга қилинган ноҳақликларга сабот билан чидаш ва суд билан эмас, балки сўз билан баҳслашиш ва ниҳоят, жамоат, халқ олдида судга мурожаат қилгандан кўра, ҳурматли воситачи, вакилга мурожаат қилиш адолатлидир. Чунки воситачи ҳақиқат

ҳақида жон куйдиради, ҳакам, судья эса қонун ҳақида жон куйдиради, ташвишланади: ҳақиқат тантана қилиши учун воситачи судлар ўйлаб топилган (Воситачилар суди жабр қилган ва жабр кўрган томонларни, моддий ёки маънавий зарарни қоплаш воситасида яраштиришга уринади. – М.М.)

14-БОБ

Ноҳақ қилмишларнинг турли мезонлари. Огирлаштирувчи ҳолатлар. Ёзилган ва ёзилмаган қонунларнинг бузилиш ҳоллари

* * *

Ҳақиқат тўғрисидаги таълимот мана шундай тарзда изоҳлана қолсин.

Аслида ҳар қандай ноҳақ хатти-ҳаракатлар, маънавий бузуқликдан, ахлоқсизликдан келиб чиқади. Баъзан энг аҳамиятсиз, майда-чуйда ножўя ишлар, қилмишлар ҳам агар маънавий жиҳатдан қаралса, энг катта жиноятлар ҳисобланиши мумкин, масалан Каллистрат (афиналик стратег ва нотиқ Мелакопни ибодатхона қурган ишчиларга уч марта ярим оболдан кам ҳақ тўлагани (яъни, муқаддас қурилишга ажратилган пулдан озгина уриб қолгани) учун айблади.[93]

Адолат, ҳақиқат соҳасида зиддият, қарама-қаршиликлар ҳам учрайди. Бундай хатти-ҳаракатларга баҳо беришда шахснинг бирор имконият, шароит туғилса, жиноят қилишга қобил эканига қаралади. Ибодатхона қурувчиларини ярим обол қийматидаги уч тангага алдаган одам бошқа ҳар турли жиноятларни қилишга ҳам тайёр, уста ҳисобланади.

Баъзан қилмишлар, хатти-ҳаракатларнинг муҳимлиги бир-бирига қиёсланиб аниқланади. Баъзан эса келтирилган зарарга қараб иш тўғрисида ҳукм қиладилар. Энг катта жиноятлар ҳар қанча жазо берилса кам бўладиганидир. Бундай жиноят олдида ҳар қандай жазо арзимайдиган бўлиб қолади. Даъвоси йўқ бўлган оғир жиноят – унинг учун муносиб

тарзда товон тўлашнинг иложи йўқ, азият чеккан, дучор бўлган киши ҳеч бир бадалдан қониқиш, қаноат ҳосил қила олмайдиган жиноятдир. Бировга етказилган, қилинган ёвузлик тузалмайдиган, бедаво бўлса – оғир жиноятдир. Судлов ва жазо эса ўша жиноят дардига шифо беришнинг ўзига хос бир туридир.

Жабрланган, ҳақоратланган одам агар ўз жонига қасд қилган бўлса, ноҳақлик қилган одам янада кўпроқ жазога лойиқ бўлади. Софокл деган нотиқ[94] (бу, машҳур шоир, драматург эмас), айблов нутқида Эвктемонни ҳимоя қилиб сўзлар экан, жабр кўрган киши ўз жонига қасд қилган экан, жиноятчига ҳам шундай жазодан кўра камроқ жазо берилса норозиман, деган эди.

Баъзан эса жиноятнинг оғирлиги олдин ҳеч ким томонидан бундай жиноят содир этилмаганлиги ёки фақат камгина одамлар бундай ишга журъат қилган, қўл урганлигига қараб баҳоланади. Яна бир одам бир хил жиноятни кўп маротаба содир қилганлигига қараб ҳам баҳоланади. Баъзи ножўя ишлар, хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва жазолаш учун янги воситаларни кашф қилиш, ижод қилишга тўғри келади. Масалан, Аргосда бир одамни жазолаш учун янги қамоқхона қурилган. Кейин ноҳақлик қилувчи қанчалик раҳмсиз, шафқатсиз ёвузлик қилган бўлса, шунча оғир жиноят ҳисобланади. Яна атрофлича, пухта ўйлаб қилинган жиноятлар ҳам оғир деб баҳоланади. Ёки бирор ножўя қилмиш ҳақидаги ҳикоя эшитувчиларда, тингловчиларда ҳамдардликдан кўра кўпроқ қўрқув, даҳшат уйғотганда ҳам янада оғир жиноят ҳисобланади.

Нотиқлик санъати назарияси – риторикада яна бир одам кўп маротаба қонунбузарлик ва жиноят қилганлиги оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланади. Бир одам бирданига қасамёдни, шартномани, кафолатни, никоҳ бирлашмаларини тузиш ҳақидаги ҳуқуқларни бузган бўлса, бундай ҳолатларда биз кўпгина ноҳақ ишларнинг, кирдикорларнинг жами билан иш кўрамиз.

Агар ноҳақлик, адолатсизлик қонун идоралари ходимлари томонидан содир этилса бу ҳолат айбни янада оғирлаштира-

ди. Бундай ножўя ҳаракатларни масалан ёлғон гувоҳлар қиладилар. Булар судда, ёлғон гувоҳлик жазоланадиган жойда шу ишга журъат қилган бўлсалар, бошқа жойларда нималар қилмайдилар? Одамлар (айниқса) жуда уяладиган, хижолат бўладиган ножўя хатти-ҳаракатлар ҳамда агарда одам ўзининг валинеъмати, яхшилик, мурувват кўрсатувчисига нисбатан ёмон муносабатда бўлган тақдирдаги ҳаракатлар ҳам оғир гуноҳ ҳисобланади: бу ерда янада айбдорроқ ҳисобланади, биринчидан у ёвузлик қилаяпти ва иккинчидан эса эзгулик, яхшиликка ёмонлик қилмоқда.

Ёзилмаган қонунларни бузадиган ножўя хатти-ҳаракатлар жуда катта муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки энг яхши ахлоқий, маънавий сифатларга, хислатларга эга бўлган одам ҳеч ким мажбурламаган ҳолда, ўзи ихтиёрий тарзда одил, адолатли инсон бўлади. Ёзилган қонун эса мажбурловчи характерга эга бўлади, ёзилмаган қонундан узоқ, холи бўлади. Бошқа бир томондан эса ўша одам ножўя ҳаракатлари, ишлари билан, ёзилган қонунларнинг тескарисини қилади. Бундай ҳолатлар эса ўша одамнинг айбларини янада кўпайтиради, чунки оғир жазо берувчи қонунларни бузган одам енгил жазога лойиқ ишларни ҳам қила олади.

Шундай қилиб шу тарзда (яъни юқоридагидек) биз жиноятни нима, қандай ҳолатлар оғирлаштириши ва қандай ҳолатлар жиноятни енгиллатиши ҳақида гапириб ўтдик.

15-БОБ

«Нотехникавий» далилларнинг турлари бешта: қонун, гувоҳлар, шартномалар, қийноқ ва қасам. Улардан қандай фойдаланиш мумкин?

***

Юқоридаги изоҳларимиздан кейин энди «нотехникавий» деб аталувчи далиллаш усулларини тартиб билан кўриб чиқишимиз керак; улар махсус адлия нутқи соҳасига

тааллуқли бўладилар. Бундай далиллар беш турли: қонунлар, гувоҳлар, шартномалар, қийноқ остидаги кўрсатмалар, қасамлар. Энг аввало бу соҳадаги қонунлар ҳақида ва улардан қандай фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида гапирамиз.

Кўриб чиқилаётган иш ҳақида ёзма қонунларда айрим, ҳукм топилмаса, ҳакам (судья) ва суд аъзолари ёзилмаган, лекин умуминсоний қарашлар, адолат, инсоф, ҳақиқатга яқин умумхалқ қонунига асосланиши керак бўлади, чунки, табиий ҳақиқат билан умумхалқ қонуни (ҳозирги тилда миллий урф-одат, анъаналар)га кўра ҳукм чиқарилади.[95] Ёзма қонунлар тез-тез ўзгариб туради, ёзилмаган, халқ анъаналари, одатлари эса минг йиллар давомида шаклланган бўлади.

Шунинг учун Софоклнинг «Антихона» трагедиясида мана бу ҳикматли гапларни кўрамиз. Антихона шоҳ Креонтнинг қарорига қарши тарзда, лекин ёзилмаган қонунга мувофиқ ҳолда, акасининг жасадини тупроққа топширганини бундай оқлайди:

Бу қонунлар кеча ёки бугун чиқарилмаган,
Балки улар мангу барқарор.
Мен ким қарши бўлса ҳам,
Бу одатларга ҳурматсизлик қила олмайман.[96]

(Софокл трагедиясида тасвирланишича, Фивлар шаҳрига етти давлат бирлашиб ҳужум қиладилар, лекин енгиладилар. Фивлар, яъни ўз ватанига қарши олти подшоҳни қўшинлари билан бошлаб келган Полиник (Антихонанинг акаси) жангда ҳалок бўлади. Фивлар шоҳи Креонт ватан хоини Полиникнинг жасади дафн этилмасин, қарға-қузғунларга ем бўлсин, агар кимки бу фармонни бузса ўлим жазоси берилади, деб фармон чиқаради. Антихона акаси Полиникнинг хоинлигини оқламаса ҳам, сингиллик ва одамийлик бурчини бажариб, уни кечаси яширинча дафн этади. Эртасига, бу маълум бўлиб, Антихона ўлимга ҳукм этилади.

Софокл асарида Ватан олдидаги бурч билан инсонийлик бурчи ўртасидаги зиддиятли руҳий кечинмалар коллизияси ёритилган. Бу ерда Арасту ким ҳақлиги ҳақида ўз хулосасини айтмайди, лекин у Антихонанинг инсоний бурчини бажариши расмий, ёзма қонунга зид келса ҳам, маънавий жиҳатдан юксакроқ эканлигини айтади. Умумхалқ фикри, одати ёзма қонунга нисбатан маънавий жиҳатдан афзалроқдир, дейди. – М.М.)

Шу каби ҳолатларда бир қонун бошқа аълороқ қонунга зид келиб қолмаслиги ёки ўзига ўзи зид келмаслиги учун ҳаракат қилиш зарур. Масалан, бир қонунда ҳакамларнинг расмий қарори қандай бўлишидан қатъи назар, кучга киради, деб айтилган. Бошқа бир қонун эса қонунга қарши бўлган қарорларни нашр қилишни, оммага билдиришни тақиқлайди. Агарда қонун икки хил маънони билдирса, у томонга ёки бу томонга фойдаланса ҳам бўлаверади деб ҳисобланса, бундай ҳолатда уни адолат ва одамийлик нуқтаи назаридан, маъқулроқ эканлигини аниқлаш керак бўлади, кейин эса улардан фойдаланиш, уларни ишлатиш, қўлланиш лозим.

(Ҳар ким ўз манфаатини кўзлайди. Қонун эса халқ ва давлат манфаатини (камроқ ҳолатларда шахс манфаатини ҳимоя қилади. Абул Аъло ал-Мааррий фикрича (X аср), «Қонун халқни тўрга тушириб, қонини ичувчи ўргимчак ини». Арасту фикрича эса, қонунни алдаш беморнинг ўз дардини яшириб, шифокорни алдашга ўхшайди. – М.М.)

Шу тарзда қонунлар тўғрисидаги саволни кўриб чиқдик. Гувоҳларга келсак, улар икки турда бўладилар: қадимгилар ва янгилар. Бу охиргилари эса яна қуйидагиларга бўлинадилар: хавфли бўлса ҳам ёлғон кўрсатма беришга таваккал қилувчиларга ва бундай таваккалчиликка, хатарга йўл қўймайдиганларга ажратиладилар.

(Қадимги гувоҳлар деганда машҳур шоирларни ва бошқа шон-шарафли зотларни кўзда тутаман, уларнинг ҳукмлари ҳаммага машҳурдир. (Афсуски, ҳозирги қонунларда Ҳомер, Шекспир, Алишер Навоий, Фузулийнинг машҳур ҳикматли

сўзлари гувоҳ сифатида ўтмайди. Сабаби – судьялар буларни ҳужжат сифатида тан олмайди. – *Тарж.*)

Масалан, барча афиналиклар Саламин (билан иттифоқдошлик) ҳақида Ҳомернинг сўзларини, Тенедос ороли аҳолиси Сигей аҳли ҳақида гапирганида коринфлик Периандр (етти донишманднинг бири) гувоҳликка чақирадилар.[97] Клеофонт (лашкарбоши) давлат арбоби Критийга қарши сўзлаётганида Солон элегиясидаги қуйидаги сўзларни гувоҳликка чақиради:

Жингалаксоч Критийга айт,
Қулоқ солсин отахонига.[98]

(Бу ерда лашкарбоши Критийнинг ёшликдаги устози Суқрот кўзда тутилади. М.М.).

Бундай гувоҳликлар рўй берган воқеа-ҳодисаларга нисбатан қўлланилади.

Бўлғувси, келгуси воқеаларга нисбатан гувоҳлар бўлиб башоратларни тушунтирадиган одамлар хизмат қиладилар, масалан Фемистокл тушда кўрилган ёғоч деворлар кемаларда жанг қилиш лозимлигини англатади деб айтган эди.[99] Бундан ташқари, аввал айтганимиздек, мақоллар ҳам гувоҳлар бўлиб хизмат қиладилар, масалан қари одам билан дўстлашмасликни маслаҳат берадиган киши учун мана бу мақол гувоҳ бўлиб хизмат қилади: «Ҳеч қачон қари одамга яхшилик қилма». Ўлдирилган оталарнинг болаларини ҳам ўлдиришни маслаҳат берувчилар учун эса «Отасини ўлдириб, болаларини соғ-омон қолдирган одам ақлли эмас, калтафҳмдир» деган (бўлмағур) мақол бор.[100] Янги гувоҳлар – ҳаммага маълум, таниш бўлганлар қандайдир бир фикр билдирган эдилар; уларнинг фикр-мулоҳазалари айнан шу масалалар, саволлар бўйича судлашаётган, даъволашаётган одамларга фойда келтиради. Масалан, Эвбул судда Платоннинг Харетга қарши Архибий[101] ҳақида айтган гапларидан фойдаланган эди: «У туфайли мамлакатда очиқчасига фоҳишабозлик, ахлоқсизлик кучайиб кетди». Ёлғон гапираётганлиги фош

бўлишидан хавфсировчи одамлар ҳам янги гувоҳлар жумласига кирадилар. Кўриб чиқилаётган воқеа рўй бердими ёки йўқми каби саволларни ечиш вақтидагина бундай одамлар гувоҳлар бўлиб хизмат қиладилар, лекин воқеанинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда улар гувоҳ бўла олмайдилар. Масалан бирор бир хатти-ҳаракатнинг (ишнинг) адолатли ёки адолатсиз, фойдали ёки фойдасизлиги ҳал қилинадиган масалаларда улар гувоҳ бўла олмайдилар. Бунга ўхшаган ҳолатларда ишга алоқаси бўлмаганлар холис гувоҳлардир. Энг ишончли гувоҳлар қадимги гувоҳлар (донишмандларнинг фикрлари). Чунки улар порага сотилмайдилар...

Айбланаётган одамнинг айбини исботлаш учун гувоҳлар бўлмаган вақтда ёлғон гувоҳларга ва пулга сотилишга йўл бермаслик учун ҳакамлар, судьялар адолат, ҳақиқат, оқилона йўл тутиш ва эҳтимоллик асосида ҳолатни баҳолашлари зарур. Ўзини оқлашга гувоҳи бор одам билан гувоҳсиз одам тортишиб қолганида эҳтимоллик, тусмол, гумон далил ўрнига ўтмаслигини айтиши керак. Яна айтиш керакки, фақат сўзларга ишониладиган бўлса, гувоҳларнинг нима ҳожати бор?

Айбловчи нотиқ ва унинг рақиби, ҳар икки томон ўз сўзларининг исботи учун холис гувоҳлар топиши адолатли ҳукм хулосага келиш учун фойдалидир. Агар гувоҳлар ишончли одамлар бўлсалар, мазкур ишга алоқадор бўлмасалар ҳам, айбланаётган ёки айбловчининг шахсини, маънавий фазилатларини ёки нуқсонларини айтиб бериши масалани одинлаштириши мумкин.

Биз аввалги фаслларда кўриб чиққан умумий асослар топлар ва энтимемалардан фойдаланиб, гувоҳнинг айбланувчига ёки айбловчига дўст ёки душман эканлигини, иши кўрилаётган одамларнинг ҳурмат-обрўйи ёки бўлмағур ёмон эканлиги ҳақида тўлиқ ёки қисман маълумотлар олиш мумкин.[102]

Шартномага келсак, уларнинг маъносини қай даражада кўпроқ ёки камроқ тасаввур қилиши ҳақида, уларнинг ишончга сазовор лойиқ бўлишлари ёки лойиқ эмасликларини кўрсатиш ҳақида гапириш нотиқ учун фойдалидир. Агарда

шартномалар нотиқнинг фойдасига далолат берса у ҳолда уларни ишончли ва қонуний кучга эгалигини намоён қилиш лозим; агарда улар рақибнинг фойдасига далолат берса (кўрсатса), у ҳолда аксини, муҳим эмаслигини исботлаб бериш керак.

Шартноманинг ишончли ва ишончсиз далиллари гувоҳлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайдилар, чунки қандай шахслар уларга имзо чекишлари ва уларни қандай одамлар сақлашларига боғлиқ ҳолда шартномалар ишончли ёки ишончсиз бўладилар. Бир бора шартнома тан олиндими, эътироф этилдими, унинг аҳамиятини ошириш керак, агарда у биз учун маъқул, ижобий бўлса, шартнома ҳам қисман қонун кучида бўлади. Лекин шартномалар қонунга куч бермайди, аксинча қонунлар қонуний шартномаларга куч беради ва умуман ўша қонуннинг ўзи қисман шартномадир, демак кимки қонуний шартномага ишонмаса ёки уни бекор қилса, ўша одам қонунни бузган ҳисобланади.

Одамлар орасидаги ихтиёрий муносабатларнинг катта қисми шартноманинг бошида асосланган бўлади ва шунинг учун шартнома ўз кучини йўқотиши билан одамлар орасидаги ҳамкорлик ҳам кучини йўқотади. Агарда қонуний шартнома биз учун маъқул бўлмаса ва рақибларимиз учун эса маъқул бўлса, бундай ҳолатда энг аввало биз учун маъқул бўлмаган, ижобий таъсир кўрсатмайдиган қонуний шартномага эътироз билдиришимиз лозим.

ТАРЖИМОН ИЗОҲИ

Арасту шу фаслда яна суд муҳокама, тортишувлари вақтида айбловчи ва айбланувчиларнинг ўз сўзи ҳақиқатлигини (ҳақлигини) исботлаш мақсадида юнон маъбудлари номига қасам ичиш одатлари ҳақида ёзади. Маъжусийлик динига халқ орасида ишонч-эътиқод заифлиги сабабли кўп одамлар ёлғондан қасам ичишга ҳам ўрганиб қолганлар. Шу сабабли ҳакамлар, судьялар, айбловчилар бу қасамларга унчалик ишонмаганлар. Лекин, судьялар, гувоҳлар қонун талабига

кўра муҳокама бошланиши олдидан «ҳақиқатни гапираман», деб қасам ичганлар.

Шу ўринда Арасту аввалроқ яшаб ўтган машҳур файласуф Ксенофаннинг муҳим бир фикрини келтиради. Ксенофан айтган эдики, суд тортишувида томонлардан бири ҳақиқий диндор, иймонли одам, бошқаси динсиз одам бўлса, тенглик бузилади ва судлашув адолатли бўлмайди, гўё паҳлавон одам билан нимжон одам курашга тушгандай кўринади.[103] Художўй одам ростдан қасам ичади, динсиз одам ёлғон қасам ичади. Лекин динсиз одамнинг қасамига ишониш мумкин эмас.

«РИТОРИКА»НИНГ 1-КИТОБИГА ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР

Биз фойдаланган русча матн 1894 йилда Н.Платонова грекчадан русчага таржима қилиб, нашр этган матнга асосланган. Зарур ўринларда биз ҳам грекча луғат ва терминлардан фойдаландик. Масалан, арете – фазилат; агафон – оққўнгиллик; кало-кагатия – оқилона гўзаллик; фрагменторум – асардан парчалар; энкомий – мадҳия; энтимема – далилнинг бир қисми (2-қисми – ақлда мавжуд); топлар – барча эътироф қиладиган умумий асослар, далиллар, ҳикматлар. Диано-этика – оқилона хулқлар. Мегатос – улуғлик. Софос – донолик ва ҳ.к.

1-БОБ

1. Диалектика – грекча диалог, суҳбат маъносида. Афлотун (Платон) фикри: «Диалектик – савол бериб, тўғри жавоб изловчи одам. Диалектика санъати – деҳқон далага уруғ сепганидай, донишманд кўнгилларга уруғлар сепади, улардан ҳақиқат униб чиқади ва бу ҳосил абадий, ўлмас бойликдир».

2. Энтимема – ақлда кўзда тутилган далил, мантиқий хулоса. Икки таниш мулоҳазадан учинчи – янги хулосани чиқариш. У риторик силлогизмдир.

3. Аэропаг – қадимги Грецияда демократик тузум даврида пойтахт (Афина) асосий майдонида белгиланган вақтларда халқ тўпланиб, давлат масалаларини қандай ҳал этишни муҳокама қиладиган жой.

4. Силлогизм ёки энтимема – икки таниш фикрдан учинчи, янги хулосани чиқариш.

5. «Топика» – Арасту асари. Унда исботлаш санъатида кўпчилик тан олган, эътироф қилган фикр, ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари исбот учун келтирилиши айтилади.

6. Донишманд Прокл (412–486) Афлотуннинг «Кратил» асарига ёзган комментарийси – шарҳида «Арасту ва софистлар фақат риторика ва фақат диалектика санъатлари одамларни ишонтира олади ёки хато фикрдан қайтаролади» дейди.

7. Ритор (нутқшунос) ва нотиқ Исократ (Перикл замондоши 436–338) риторика санъати ҳақида бундай дейди: «Риторика – вужудга эмас, руҳга алоқадор энг муҳим масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади». (Македония Афинани босиб олганида Исократ қул бўлишни истамай, ўзини ҳалок қилган).

8. Арасту диалектика ва софистикани таққослаб айтади: «Диалектикани билувчи – ҳақиқий донишманд, софистика эса сохта донишмандликдир». М.Форобий софистикани – муғолата – хато фикрлаш, дейди.

2-БОБ

9. Плутарх («Қиёсий ҳаётномалар»да) Демосфен билан Фокионни таққос лаб, биринчиси – энг буюк нотиқ, иккинчиси энг моҳир нотиқ эди», дейди. Демосфен тингловчиларга нутқи билангина эмас, балки мардона ҳаёти билан ҳам таъсир ўтказарди. Эврипид трагедиясида ҳалок бўлган Гекторнинг онаси (Гекуба) Оддисейга бундай дейди:

Сен сўзламасанг ҳам,
Грекларнинг кўнглини
ром этасан жозибанг билан...

10. Арасту эҳтиросларҳақида «Риторика»нинг II китобида кенгроқ, муфассалроқ фикрлайди.

11. Арасту «Никомах этикаси»да («Катта ахлоқ китоби»да ҳам) сиёсатшунослик илми билан риторика, стратегия, экономика яқинлигини айтган эди («буларни билганлар энг қобилиятли одамлардир»).

12. Йўллаш, грекча *эпагога*, хусусий, якка нарсалардан умумий билимга йўлловчи индукция усулидир. Арасту. (I–Аналитика, 2-китоб)

13. Энтимема билан силлогизмнинг алоқадорлиги ҳақида 2-изоҳга қаранг. Арасту «II – Аналитика» асарида бундай дейди: «Нотиқлар бошқаларни ё индукциянинг бир тури бўлган мисоллар билан ёки силлогизмли энтимемалар (асословчи фикрлар) билан ишонтирадилар».

14. «Топика», I китоб, 10-боб.

15. Арастунинг «Методика» асари бизгача етиб келмаган (ёки у бизгача бошқача номда етиб келгандир? (М.М.) Дигоген Лаэртий (II аср) ёзишича, «Методика» 8 китобдан иборат бўлган.

16. Суқрот (469–399) – Афина донишманди, ҳақиқатни топишнинг диалектик усулини (йўлловчи, зиддиятларни аниқлаб, ҳал этувчи савол-жавоблар усулини) кашф этган. У Греция маъжусийларининг кўпхудолигини тан олмагани учун ўлимга ҳукм этилган. Афлотун (Платон) «Суқрот апологияси», «Критон» ва «Федон» асарларида донишманднинг сўнгги кунлари ва соатларида айтган фикрларини муфассал баён қилган. (Яна қаранг: Ксенофонт. Сократические сочинения. М.: Академия, 1935.)

17. Дориэй – атлет (курашчи) Родосли Диагорнинг ўғли. Олимпия ўйинларида кураш (панкратий) бўйича уч марта ғолиб бўлган. Афина – Спарта урушида Спарта жангчиси сифатида Дориэй асир тушган. Лекин, спортдаги шон-шуҳрати сабабли озод қилинган. Булар ҳақида Павсаний «Эллада тавсифи» асарида ёзади.

18. «I – Аналитика», I китоб, 8-боб.

19. Грекча tecmor сўзи «белги» ва «мақсад» маъноларини англатади.

20. «1-Аналитика», 2-китоб (энтимема ҳақида).

21. Сиракуза (Сицилия) тирани Катта Дионисий. Унинг ўғли Кичик Дионисий ҳам тиран эди. У, Афлотунни ўлимга ҳукм қилганида жияни Дион устозини тилаб олгач, Афлотунни қул қилиб сотиб юборишган. Қаранг: Плутарх. «Дион». («Қиёсий ҳаётномалар»). Писистрат – Афина тирани, у айёрлик билан ўзига шахсий соқчиларни кўпайтирган. Феаген – Мегара тирани.

22. Аподиктив – мантиқ термини: тўла ишонтируви фикр.

23. Арасту. Топика. I-китоб, 1-боб.

3-БОБ

24. Эпидейктив нутқ – тантанали нутқ, бирор жуда муҳим воқеага бағишланган нутқ.

25. Ахилл – Ҳомер «Илиада»си қаҳрамони. Пелей ва Фетида (сув париси)нинг ўғли. Патрокл – Троя жангчиси, Гектор уни жангда ўлдирган (Гекторни Ахилл ўлдиради). «Илиада»нинг XIX қўшиғида Ахиллнинг тулпори Ксанф тилга кириб, унинг ўлимини башорат қилади. Уни Гекторнинг укаси Александр – Парис товонига ўқ отиб ўлдиради.

4-БОБ

26. Риторика ҳақиқий ишонтирувчи усуллари билан диалектикага, ишончлига ўхшовчи фикр айтиш билан софистикага яқин туради.

27. Арасту давлат бошқарувининг асосий уч турини: монархия, аристократия, тимократия (мулкдор) давлатини кўрсатади. Арасту фикрича: энг яхшиси монархия (агар подшоҳ тиран, золим бўлмай, адолатли, доно бўлса), энг ёмони – тимократия. (Перикл ва Демосфен демократия тарафдорлари эдилар. Арасту тиранияни чекланмаган ҳокимият

деб қоралайди. Буни очиқ айтмаса-да, тиранни ўлдирган қаҳрамонларнинг ҳайкалларига ҳайрихоҳлигини билдиради. Тимократиянинг бошқача номи – олигархия. – М.М.)

5-БОБ

28. Бахт-саодат нималардан иборатлиги ҳақида Арасту «Никомах этикаси»да ва «Ахлоқи кабир»да ёзади. Унинг фикрича, «ҳақиқий роҳат фазилатларга мувофиқ руҳий фаолиятдир» (психик энергия). Арасту «Риторика»да роҳат-фароғатни Суқрот руҳида (фазилат – арете), стоячилар руҳида (ўзидан қаноатланиш – автаркия), эпикурчилар руҳида (ёқимли ҳаёт – ҳевестон, хевдемония) талқин қилади ҳамда кўпчилик ўртамиёна одамлар фикрича, роҳат, лаззат – бойликда деган тасаввурни танқид қилади.

29. Насл-насаб тозалиги. Афиналик нотиқ Исократ «Евагор ҳақида» нутқида унинг насл-насабини мақтайди.

30. Афлотун (Платон) «Қонунлари»да эркакларга нисбатан аёлларни (писмиқ, айёр-қув, тартибсиз), қадри пастроқ деб таърифлайди. Арасту «Сиёсат» асарида Спарта аёлларининг ўзбошимчалигини, эрларига таъсир ўтказишини, уларга ҳатто Ликург бас келолмай, ўз қонунларида аёлларга эркинлик берганини айтади. Афлотун фикрича, аёлларни давлат ишларига жалб этиш зарарли бўлиб, ғаразгўйликни, молпарастликни кучайтиради.

31. Мегарали Геродик – Косли Гиппократнинг устози. У, Афинада гимназия очиб, шифобахш гимнастикани жорий қилган. У касалларнинг умрини чўзган, лекин касалини тузатолмаган. Афлотун «Давлат» асарида «У ўзини ҳам, беморни ҳам қийнарди» деб ёзади.

32. Пентатл – беш кураш: югуриш, сакраш, кураш, диск – лаппак отиш, найза отиш.

33. Панкратий – кураш ва муштлашув қўшилгани.

34. Арасту «Табииёт» («Физика») асарида тўлиқ детерминизм – сабаб-оқибат боғланишларини чуқур ёритган.

«Ўз-ўзидан ёки тасодифан бўлган деган нарсаларимизнинг ҳам сабаблари бор. Фақат баъзи сабабларни тушунишга инсон ақли ожизлик қилади».

6-БОБ

35. Суқрот фазилатларга яна адолат, ҳалоллик, мардлик, ростликни ҳам қўшади (Афлотун. «Менон»). У, «Давлат» асарида бағрикенглик, олиҳимматликни чинакам файласуфлар фазилати, дейди.

36. Ҳомер. «Илиада», 1-қўшиқ.

37. Ҳомер. «Илиада», 2-қўшиқ.

38. Бу мақолни бошқа ҳеч қаерда учратмадик.

39. Кеосли Симонид (мил. авв. VI–V асрлар) машҳур юнон шоири, Элегиялар ва хор (жўр) қўшиқларнинг муаллифи. Юнон қаҳрамони Беллерофонтнинг ўғли Главк трояликлар тарафида эди. Лекин, Коринфликлар грек бўлгани учун ўзларини, трояликларнинг душмани деб билганлар. Шу сабабли, Симониднинг бу байти уларга ҳақоратдай кўринади.

40. Арасту машҳур юнон мифологиясидан мисоллар келтиради. Донолик илоҳаси (фариштаси) Афина урушда Одиссейни ҳимоя қилади. Уч фариштa – Афина, Гера, Афродита «Гўзаллар гўзалига» деб ёзилган олтин олмани талашиб қолганида, Троя шаҳзодаси Александр-Парис Афродитани энг гўзал деб, танлайди. Шу сабабли Афродита Парисга Спарта подшоҳи Менелайнинг гўзал хотини Еленани олиб қочишга ёрдам беради. Агомемнон бошлиқ юнонларнинг бирлашган қўшинлари Трояга, Парисга қарши уруш бошлайдилар. Ахилл – Ҳомер «Илиада»сининг бош қаҳрамони.

7-БОБ

41. Леодамант – машҳур нотиқ Исократнинг шогирди, у ўз нутқида стратеглар Каллистрат ва Хабрийни Спарта билан сулҳ тузиш тарафдори бўлганлари учун айблайди.

Хабрий мил.авв. 388-йилда Спарталиклар устидан ғалаба қозонган. Кейинроқ, сулҳ тузиш фикрига келган.

42. «Барчасидан сув аъло» – шоир Пиндарнинг 1-Олимпия одасидан. Бу ерда шоир донишманд Фалеснинг олам мавжудотлари сувдан пайдо бўлган деган фикрига ишора қилган.

43. Афлотуннинг «Горгий» асарида Суқрот «Ноҳақ иш қилувчидан ноҳақликка учраган одам яхшироқдир» дейди. Афлотуннинг «Кратон» асарида ҳам Суқрот – ноҳақликка ноҳақлик билан жавоб беришни қоралайди. Эврипид эса «Одамлар душманларига зарар етказишни истайдилар» дейди.

44. Ҳомер. «Илиада», IX қўшиқ. Этолияли Мелеагрни хотини жангга бор деб қистайди.

45. Эпихарм (мил. авв. VI–V асрлар) – сицилиялик комедиянавис. Пифагорчилар издоши. Фалсафий асарларидан айрим парчалар сақланиб қолган.

46. Кеосли Симонид – шоирнинг собиқ балиқчи, Олимпия ғолиби ҳақидаги одасидан.

47. Ификрат – Афина стратеги. У оддий кўнчининг ўғли эди.

48. Ҳомер. «Одиссея». Достон охирида Одиссей хотини Пенелопани безовта қилган куёвларни камонидан ўқ отиб, қириб ташлайди. Биргина Фемийни қўшиқчи шоир бўлгани учун омон қолдиради.

49. Перикл (469–429 йилларда) – Афина давлат раҳбари, стратег, демократлар етакчиси, оташин нотиқ. Афина унинг даврида гуллаб-яшнаган. Қаранг: Плутарх. Қиёсий ҳаётномалар. 1-том. Перикл. Бу ерда Пелопоннес урушининг биринчи йили жангда ўлган ёшларнинг дафн маросимида Перикл шундай дегани айтилмоқда.

8-БОБ

50. Бошқарув тузумлари ҳақида 27-изоҳга қаранг. Афлотун «Давлат» асарида яна аралаш тузумлар ҳақида ҳам гапиради. Спарта давлатининг тузуми гоҳ тиранияга, гоҳ энг демократик тузумга, гоҳ аристократияга, гоҳ монархияга ўхшаб кетади.

51. Арасту. Сиёсат. IV китоб, 4, 5, 8-боблар.

9-БОБ

52. Энкомий – авваллари Олимпия ўйинларида ғолибни шарафлаб айтиладиган қўшиқлар, кейинроқ умуман мақтов сўзлари, нутқлар. Арасту «Никомах этикаси»да ёзишича умуман мақтов фазилатларга тааллуқли, энкомий эса ҳам руҳий, ҳам жисмоний қобилиятлар мақтовидир.

53. Арастунинг «Эвдем этикаси»да, Афлотуннинг «Горгий» диалогида айтиладики, баркамоллик, гўзаллик ҳам неъмат ва ҳузур берувчидир. Афлотунга нисбат берилувчи «Таърифлар»да «ажойиблик – неъматдир».

54. Афлотуннинг «Менон» диалогида фазилатлар муҳокама қилинади. Арасту «Никомах этикаси»да ёзади: «Роҳат, ҳузур фазилат билан боғлиқ руҳий фаолият бўлса, биз фазилат нималигини билишимиз зарур».

55. Саффо (Сафо) ва Алкей – VII–VI асрларда Лесбос оролида яшаган қадимги юнон шоирлари. Мелодия, мелика, яъни яккахон ашула шеърияти асосчилари.

56. Архилохнинг бир шеърида содиқлик қасамига хиёнат қилган дўстнинг бошига кулфат ёғилганига хурсандлик ифодаланган.

57. Бу одат ҳақида: Ксенофонт (Суқротнинг шогирди)нинг «Лакедемон (Спарта)ликларнинг давлат тузуми ҳақида», Элианнинг. «Турли-туман ҳикоялар» асарларида айтилган.

58. Паралогизм – исботлашда, баҳсда атайин мантиқий хатога йўл қўйиш (софистика).

59. Афлотун «Менексен» диалогида Суқрот тилидан айтади: «Афинада Лакедемонликларни (спарталикларни) мақташ ва Лакедемонда афиналикларни мақташ учун нотиқдан маҳорат талаб қилинади.

60. Юқоридаги 46-изоҳга қаранг.

61. Кеосли Симонид Афина тирани Гиппийнинг қизи Архедика қабртошига ёзган битик-эпитафиядан. Изоҳи матнда кенгроқ берилган.

62. Бу воқеанинг изоҳи ҳам матнда берилди (М.М.). Тиранкушларга атаб ишланган гуруҳли ҳайкал муаллифлари Критий ва Неосиот. (Агорада)

10-БОБ

63. Арастунинг бу таснифини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Инсонлар қиладиган барча қилмишлар икки хил:

1. Билмасдан (беихтиёр). 2. Билиб (ихтиёрий).

I. Билмасдан (беихтиёр) қилинган ишлар ҳам икки хил:

1. Тасодифан. 2. Муқаррар.

Муқаррар ишлар ҳам икки хил:

1. Мажбури. 2. Табиати, феъл-атворига кўра.

II. Ихтиёрий, билиб қилинган иш-ҳаракатлар ҳам икки хил:

1. Одатга кўра. 2. Интилиш, эхтирос сабабли.

Интилиш, эҳтирос сабабли қилинган ишларнинг ҳам икки тури бор:

1. Оқилона (яхшиликка интилиб).

2. Ақлсизларча ишлар.

Ўз навбатида, ақлсизларча ишлар ҳам икки турли:

1. Жаҳл устида қилинган иш-ҳаракатлар.

2. Ҳаяжон, эхтирос билан қилинган иш-ҳаракатлар.

64. Арасту. Риторика. II-китоб, 11-боб.

65. Арасту. Риторика. I-китоб, 5-боб.

66. Арасту. Риторика. II-китоб, 2-боб.

11-БОБ

67. Роҳат, ҳузур-ҳаловат ҳақида қаранг: Арасту. «Никомах этикаси», VII китоб, 12, 13-боблар.

68. Паросли Эвен. 8-парча (Дийл тўпламида). Арасту «Никомах этикаси»да шоир Эвеннинг одат давом этаверса табиатга айланиш ҳақидаги фикрини келтирган. Эвен номли икки шоир ўтган. Бири Афлотуннинг «Суқрот апологияси»

(ҳимояси) асарида тилга олинган. Суқротнинг катта замондоши, софист.

69. Эврипид. «Андромеда» трагедиясидан.

70. Ҳомер. «Одиссейнома», XV қўшиқ.

71. Ҳомер. «Илиада». XVIII қўшиқ.

72. Ҳомер. «Илиада», XXIII қўшиқ. «Одиссейнома», IV қўшиқ.

73. Эврипид. «Орест» трагедиясидан. Электранинг акаси Орестга айтган сўзлари. Арасту «Никомах этикаси»да ёқимли ўзгариш ҳақида бундай дейди: Инсон табиати мураккаб, номукаммал бўлганидан тез ўзгариб туради. (Яхши томонга) ўзгариш ёқимлидир».

74. Афлотун, «Федр» диалогидан. Ҳомер ҳам «Одиссейнома»да айтади: «Ўхшатмаса учратмас, бу – Тангри иши».

Арасту айтади: Натурфилософлар (Демокрит, Гераклит, Левкипп ва бошқалар) табиат – ўхшашрни яқинлаштириб, такомиллашиб, тартибга тушиб боради, деб ҳисоблайдилар.

75. Эврипиднинг бизгача етиб келмаган «Антиопа» трагедиясидан.

76. Арастунинг кулгилилик ҳақидаги фикрлари, эҳтимол, «Поэтика»нинг йўқолган қисмларида бўлгандир. Мавжуд «Поэтика»да эса, қадим вақтларда комедиянинг келиб чиқиши баён қилинган.

12-БОБ

77. Арасту. Риторика. II китоб, 19-боб.

78. Бу шахс бизга маълум эмас.

79. Карфагеннинг Грециядан узоқлиги сабабли (Африканинг шимолида эди). Баъзи қадимшунослар Карфаген ўрнига Халкедон аҳли деб ўқийдилар, чунки булар уста товламачилар экан.

80. Мизияликлар қўрқоқлиги билан танилган, бу ерда умуман аҳамиятсиз маъносида.

81. Дион. Бу изоҳни матн орасида бердик (М.М.)

82. Гелон – Сиракуза тирани. Каттабий ўйини: катта идишдаги сувда кичик идишларни чўктириш.

83. Ясон – Фессалиядаги Фер шаҳар-давлатининг тирани, у атрофидаги давлатларни босиб олишга интилган, лекин ўлими халақит берган. (Бу аввалроқ ўтган машҳур аргонавт Ясон эмас.)

13-БОБ

84. Арасту. Риторика. I китоб, 10-бобга қаранг.

85. Нотиқ Лисий динсиз Андрокидга қарши нутқида Периклнинг Худони инкор этувчиларни айблашда ёзилган ва ёзилмаган қонунлардан фойдаланиш мумкин деган фикрини келтирган эди.

86. Софоклнинг «Антихона» трагедиясидан. Изоҳи матн орасида берилди (М.М.)

87. Софоклнинг шу асаридан.

88. Сицилиядаги натурфилософ, Акрагантли донишманд Эмпедокл (мил. авв. VI–V асрлар) айтишича, бутун олам ҳодисалари меҳр-муҳаббат, дўстлик ва душманлик ўртасида кураш сабаблидир.

89. Элеяли Алкидамант – софист Горгийнинг шогирди, Исократнинг устози. Унинг 2 нутқи сақланиб қолган.

90. Қаранг: «Риторика», I китоб, 10-боб.

91. Шу асар, 6-бобда айтилган.

92. Арасту. Риторика. II китоб, 2-боб.

14-БОБ

93. Юқорида, 41-изоҳга қаранг. Бу воқеа бошқа манбаларда учрамайди.

94. Софокл – мил. авв. V аср охирларида яшаган машҳур нотиқ. Бу трагедиянавис шоир Софокл эмас, ундан кейинроқ ўтган.

15-БОБ

95. «Риторика»нинг II китобида ҳам шу фикр учрайди. Арасту «Сиёсат» асарида Демосфен нутқларидаги каби «Энг адолатли оқиллик» ҳақида сўзлайди.

96. Юқорида, 86, 87-изоҳларга қаранг.

97. Ҳомер. «Илиада», II қўшиқдан:

Саламиннинг ўн икки кемасин бошлаб,
Паҳлавон Аякс, Телемон ўғли ёрдамга келди.

Байтдан кўринадики, Троя уруши вақтида Саламин ороли халқи Афинага иттифоқчи бўлган.

Периандр – Коринф тирани. Тарихчи Геродот уни золим, ёвуз эканлигини айтади. Етти донишманднинг бири – Периандр бошқа шахс бўлса керак. Арасту айтган бу воқеа бошқа манбаларда учрамайди.

98. Клеофонт – Пелопеннес урушлари давридаги лашкарбоши, нотиқ. У Спарта талаби билан Афина деворларини бузишга қарши чиққани учун 30 тиран бошқаруви вақтида ўлимга ҳукм этилган. Бу шахс Лисий нутқида, Ксенофонтнинг «Юнонистон тарихи»да тилга олинган.

Критий Каллесахр ўғли. 30 тиран бошқаруви етакчиси. У ёшлигида Суқрот суҳбатларини эшитган, лекин тушунмаган. (Агар тушунса, тиранлар қаторида бўлмасди. – М.М.)

Солон – Афиналик машҳур қонуншунос (мил.авв. VII–VI асрлар). Етти донишманднинг бири – Ҳикматларидан бири: «Сира ҳаддан ошманг». Қаранг: Плутарх. Қиёсий ҳаётномалар. Солон.

99. Фемистокл – Афинали давлат арбоби, машҳур лашкарбоши. Эрон-Юнон урушлари даврида Афина денгиз флотини кучайтирган, шаҳарни мустаҳкам қилган, Пирей бандаргоҳини қуришга бош бўлган. Фемистокл Саламин жангида Эрон флоти устидан ғалаба қозонган.

100. Суда (ёки Свида)нинг Византия лексикони (изоҳли

луғати). Шу луғатда мақолни давом эттириб айтилган «бахил, ҳасадгўй болага, сергап аёлга, ақлсиз гўдакка, қўшнининг итига яхшилик қилманг», деган фикр бор.

101. Эвбул – юнонистонлик нотиқ ва демагог, машҳур нотиқ Демосфеннинг рақиби. Эвбул стратег бўлган вақтида Афина давлатининг ҳарбий қудратини оширишга эмас, ўйингоҳ, томошагоҳларга кўпроқ маблағ ажратиш ҳақида қонун чиқарган. Македония подшоҳи Филиппга сотилган ва Афинага зарарли сулҳ шартномасини тузган.

Харет – Афиналик лашкарбоши. У жасурлик ва олий ҳимматлик билан эмас, балки исрофгарчилиги, ёвузлиги, тарафдорларни сотиб олиши билан машҳур эди. У, Херонея жангида ўлган деб тахмин қилинади (мил. авв. 338 йил).

Бу ерда Аристофанга рақиб бўлган комедиянавис Платон ҳақида сўз боради. Асарларидан айрим парчаларгина бизгача етиб келган: Грекча: Comikorum Atticorum fragmenta/ v/1/ Lipsiac (Лейпциг), 1880.

102. Арасту. Риторика. II китоб, 23-боб.

103. Колофонли Ксенофан (мил. авв. VI–V асрлар) – файласуф ва шоир, Элея фалсафий мактаби асосчиси. У, юнонларнинг мифологик «илоҳ»ларини ахлоқсиз ва Худо эмас, деб, Ҳомер ва Гесиод асарларининг «илоҳлар»га доир қисмини танқид қилган.

Изоҳ ва шарҳларни Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Раҳим таржима қилиб, тўлдирган.

Маҳкам МАҲМУДОВ,
Рашидхон ШУКУРОВ

АРАСТУ «РИТОРИКА»СИДА НОТИҚЛИК САНЪАТИ ВА МАЪНАВИЯТ МУАММОЛАРИ

Қадимги Юнонистонда риторика – хитоба санъати поэтика билан узвий алоқадор бўлса-да, у давлат бошқаруви, давлат ва жамоат арбобларининг сиёсий фаолияти, сулҳ ва ҳарб, уруш ва тинчлик, ватан ҳимояси, давлатнинг иқтисодий ҳарбий қудратини ошириш, шон-шуҳратли ишлар, қаҳрамонликларнинг барчаси ватан учун деб билувчи халқ олдида энг муҳим муаммоларни муҳокама қилиш, ўз мақсади, таклифи, сиёсий йўлининг ватан ва халқ манфаатларига мувофиқ эканлигини далиллаш каби ҳаёти зарурат билан боғлиқ эди. Эллада вилоятларида ва пойтахтларида Алкивиад, Дионисий, Горгий, Исократ, Ликург, Солон, Демосфен ва бошқа давлат, жамоат арбоблари халқ олдида нутқ сўзлар экан, аввало шахсий фазилатлари, сўнг риторика санъатини яхши эгаллаб олгани сабабли, ўз фикрларини мантиқий далиллар, фуқароларни буюк ишларга сафарбар қилар эдилар. Эллада давлатлари гуллаб-яшнаган даврларда поэтика илмига нисбатан риторика илмига қизиқиш жуда катта эди.

Суқрот, Пифагор, Эмпедокл, Демосфен, Фокион, Протагор ва бошқа донишмандлар поэтика ва риторика санъатларини фалсафий талқин қилиб, фалсафанинг муҳим қисмига айлантирдилар. Лекин, Арастунинг бошқа риторлардан фарқи шундаки, у риторикани фақат сўз санъати деб чекланмай, уни ахлоқ билан, инсон руҳий олами билан, маънавият билан боғлиқ ҳолда тушунтирди. Арасту «Риторика»си унинг «Поэтика»сига нисбатан фалсафий теранлиги, жўшқинлиги, серқирралиги, салмоқдорлиги

билан ажралиб туради. Антик дунё маданиятининг атоқли билимдони, қадимшунос олим А.Ф. Лосевнинг ёзишича, мумтоз юнон маданияти даврида давлат, жамият ва шахс муносабатлари адолатсеварлик, виждон-эътиқод, мардлик, самимийлик, табиатга яқинлик, ор-номус, ватан ва халқ ишига фидойилик каби инсоний фазилатлар иззат-ҳурматда, қадри баланд эди.[1]

Македониялик Александрнинг истилочилик урушлари оқибатида жуда катта ҳудудларни бирлаштирган монархия, империя даврида вужудга келган эллинизм маданияти ҳаётида юқорида айтилган инсоний фазилатлар ўрнини кибру ҳаво, барча соҳалардаги фаолиятни шахсий манфаатга бўйсундириш, мол-дунё тўплаш, мансабпарастлик, шуҳратпарастлик авж олди. Бу ўзгаришлар фалсафанинг асосий масалаларига кучли таъсир қилолмаса-да, поэтика назарий қоидаларини ўзгартиролмаса-да, риторика илмининг мазмуни ва савиясига салбий таъсир кўрсатди. Риторика илмидаги бундай орқага кетишни Арасту (мил.авв. 384–322) асари билан Галикарнасли Дионисий (мил.авв. 55-58 йиллар) асари ўртасидаги фарқларда ҳам кўриш мумкин. Агар Арасту «Риторика»сида бутун инсоният тақдирига қизиқиш, адолат ва ҳақиқатни, ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш асосий ўрин эгалласа, Дионисийнинг «Сўз бирикмалари ҳақида», Деметрий (милодий I асри)нинг «Услуб ҳақида» асарида мазмун, маъно, ҳаёт фалсафасига нисбатан грамматик шакл масалалари биринчи ўринда туради.

Юлий Цезар диктатурасига қарши стоикларча курашган Цицерон, шунингдек, Клавдий ва Нерон даврида яшаган Луций Сенека мумтоз юнон риторикаси руҳида тарбияланганлиги учун нутқларида ва нотиқлик санъати ҳақидаги асарларида ёвузликка, шахсий манфаатпарастликка,

---

[1] А.Ф.Лосев. Античные терории стиля в их историко-эстетической значимости // «Античные риторики» китобидан. Изд. МГУ, 1978. стр.8.

тамагирликка, шуҳратпарастликка қарши кураш ғоялари яна аввалги ўринларга етиш учун тиклана бошлади.

Арасту «Риторика»си уч китобдан иборат бўлиб, биринчи китоб бошланишида риторика ва диалектика муносабатлари, асар бошида, бу иккалови (яъни, риторика ва диалектика) барча фикрловчи инсонлар учун зарур, умумий эканлиги, судда кўрилаётган ишда туҳмат, бўҳтон, ҳамдардлик, қаҳр-ғазаб каби ҳолатлар воқеа иштирокчиларида бўлса ҳам, судьялар-ҳакамлар бундай ҳолатларга тушмай, холис туриши зарурлиги, давлат қонунларида мумкин қадар барча ҳаётий муаммолар ҳақида хулоса бўлиши, ҳакам ватан ва халқ учун қайси иш-амал адолатли ва фойдали, қайсилари зарарли бўлишини билиши, ҳақиқатни аниқлашда силлогизм (мантиқий фикрлаш) билан риторик далил (энтимема)дан биргаликда фойдаланиш яхши натижа бериши ҳақида фикр юритилади.

Арастунинг бошқа риторика устозларидан жиддий фарқловчи хусусиятларидан бири шуки, у Афлотуннинг «Давлат», «Қонунлар» асарларида муфассал кўриб чиқилган қонунлар назариясини бойитган ҳолда, судьялар – ҳакамлар жиноят ва жазо масалаларида ҳеч қачон ўзича иш тутишига йўл бермаслиги кераклигини тушунтиради. Шунинг учун қонунларга зид, ахлоқий, маънавий фазилатларга зид ҳолатлар, тубанлик, жамият ва шахсга зарар етказувчи ҳолатларни кўриб чиқишда нотиқ ўта холис бўлиб, у халқни ишонтира олиши зарур. Нотиқ тингловчиларни ўз фикрининг ҳақлигига ишонтиришда Ҳомер, Гесиод, Вакхилид, Симонид, Эсхил, Софокл, Эврипид ва бошқа буюк шоирларнинг фикрларидан, яъни нодир бадиий асарларда айтилган эҳтиросли фикрлардан ҳам ҳужжат сифатида фойдаланиши мумкинлигини айтади. Арасту шу нарсани риторик исбот ёки энтимема (далиллаш) деб атайди. Унинг фикрича, риторик исбот – энтимема мантиқий ва диалектик фикрлашга зид нарса эмас, балки энтимема ҳам мантиқий хулоса – силлогизмнинг бир туридир. Ҳар қандай

ишонтириш усуллари каби, риторик исбот ҳам силлогизм (мантиқий асосли фикр)дир. Риторик исбот яна диалектика (қарама-қарши фикрлардан тўғрисини аниқлаш) усулидаги нутққа ҳам алоқадордир.

Арасту «Риторика»нинг мана шу бошланиш қисмларидаёқ Демокрит, Пиррон ва кинилкларнинг скептицизми – шубҳакорлигига қарши ўлароқ, «Табиатига кўра одамлар ҳақиқатни излаб топишга қобилиятлидирлар ва кўп ҳолларда уни излаб топадилар ҳам», – дейди. Арасту шу ўринда ўзидан аввал ўтган риторика олимларининг нутқ санъатининг ҳаёт ҳақиқатини ифодалаш хусусиятига қизиқмай, фақат суд муҳокамасида ютиб чиқиш усулларига (яъни, асосан суд нутқига) қизиқиш билан чекланганлигини танқид қилади. «Риторика фойдалидир, чунки ҳақиқат ва адолат ўз табиатига кўра ўзига қарши кучларга (яъни, адолатсизлик, жабр-зулм, ноҳақ ва нопок ишлар) нисбатан қудратлироқдир. Лекин, агар (суд муҳокамаларида ва халқ йиғинлари, ҳокимият мажлисларида) нотўғри қарорлар чиқарилса, адолат ва ҳақиқат енгилиб қолади, бундай ишлар эса қоралашга лойиқдир».[2]

Арастунинг донишманд файласуф ва инсон сифатида буюклиги, улуғворлиги шундаки, у миллатлар ва халқларнинг бахт-саодатга эришуви учун, адолатли давлат ҳуқуқий, яъни қонунларга барча риоя қиладиган, фуқаролик жамияти қуриш учун барча давлат арбоблари адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилиш, ақлий қобилиятларни инсоний фазилатлар билан безаб, жамиятнинг маънавий мусаффолиги учун хизмат қилиши зарурлигини, адиб, шоир, нотиқлик санъати усталари инсонларни улуғ ва эзгу ишларга даъват қилиши ва ўзлари намуна бўлиши зарурлигини ҳеч қачон эътибордан қочирмас эди.

Арасту риторика илмини жамият ҳаётига яқинлаштирди ва илмнинг мақсад, вазифалари жуда шарафли ва мураккаб

---

[2] Античные риторики. М.Изд. МГУ. 1978, стр.17.

эканлигини, у инсон руҳиятининг жуда кўп муаммолари билан боғлиқ эканлигини тушунтиради. «Яна шуниси борки, – дейди Арасту, – биз энг аниқ билимларга эга бўлганимизда ҳам, шу билимлар асосида гапирсак, баъзи одамларни ишонтириш жуда қийин бўлади. Чунки, аниқ билимларга асосланган нутқни билимли, зиёлилар тушунсада, оломон, кўпчилик халқ яхши тушунмайди. Оломонга (оммага) мурожаат қилганимизда исбот, далиллар ҳақида оммабоп, осонроқ қилиб гапиришимиз зарур. Биз оломон олдида қандай гапириш ҳақида «Топика» асаримизда фикрларимизни айтганмиз».[3]

Арастунинг фикрича, нутқ санъатида далиллашнинг уч усулидан бирини танлаш уч ҳолат билан боғлиқдир:

1. Нутқ мазмунида нотиқнинг маънавий, руҳий гўзаллиги (ёки маънавий қашшоқлиги)га қараб, тингловчилар ишонади ёки ишонмайди.

2. Тингловчиларнинг кайфиятига қараб. (Тингловчилар хурсандлиги ёки хафачилик вақтида гапиришади. Арасту бошқа ўринда – тингловчиларнинг билими ва маънавият савияси нутққа таъсир қилиши ҳақда сўзлайди.)

3. Нутқнинг мазмуни, савиясига қараб. (Бизнингча, тингловчиларни ишонтиришда бу энг муҳим ҳолатдир.)

Тингловчилар савияси, табиати уч турли бўлгани сабабли риторик нутқлар ҳам уч турлидир, дейди Арасту. Булар:

1. Маслаҳат берувчи нутқ. Мақсади – тингловчиларни бирор тадбирни бошлашга мойил қилиш ёки аксинча, нотиқ фикрича, тадбир (уруш ёки сулҳ тузиш) зарарли бўлса, ундан воз кечтириш. Тадбирнинг фойда, зарарини тушунтириш.

2. Судлов нутқи. Бунда нотиқ айбдор деб, иши кўрилаётган шахсни (ёки бир қанча шахсларни) оқлаш ёки қоралаш мақсадида гапириб ўз хулосасини далиллаб беради.

3. Эпидейктив – тарбияловчи нутқ. Бунда нотиқ ажойиб, эл-юрт учун фойдали қилмишларни, қаҳрамонларни

[3] Ўша жойда, сах. 19.

мақтайди, ёмон, салбий, шармандали қилмишларга нафрат билдиради (ёки лаънатлайди).

Бу соҳада ҳам Арасту аввалги риторика олимларидан фарқли ўлароқ, уччала нутқ турида ҳам нотиқлар яхшилик, эзгуликнинг улуғворлигини, ёмонликнинг тубанлик, разолат эканлигини, гўзал ва шармандали, адолатли ва ноҳақ қилмишларнинг моҳиятини ишончли далиллар орқали тушунтириб бериши зарур деб ҳисоблайди. Шу билан бирга нотиқ гўзал ёки тубан қилмишларнинг камлик ёки зиёдалик даражаларини ҳам яхши билиши керак. Қайси турда нутқ сўзланишидан қатъи назар барча нотиқлар беш соҳадаги аҳволни: 1) мамлакатнинг иқтисодий аҳволи қандайлигини; 2) уруш ва тинчлик масалаларини (бу соҳадаги тарихий воқеаларни ҳам); 3) мамлакат мудофаасига доир ишларнинг аҳволини; 4) мамлакатга кириб келадиган маҳсулотлар ва ташқарига чиқариладиган маҳсулотлар (импорт ва экспорт) соҳасидаги аҳволни; 5) қонунларни яхши билиши зарур. Арасту бу соҳаларнинг ҳар бирида юз берадиган ҳолатларни яхшилаб тушунтиради. Қонунлар масаласига келганда Арасту давлат бошқаруви тузумларининг турлари, демократиянинг яхши ва ёмон жиҳатларини, олигархия нималигини тушунтиради.

«Риторика» I китобининг 5-фаслида Арасту ҳар қандай давлат ва жамият аъзоларининг энг олий мақсади – бахт-саодатга эришув эканлигини, бахт-саодат (evdemonia) тушунчасининг 4 хил таърифи борлигини, бахт-саодатнинг таркибий қисмлари (насл-насаб, авлодлар, фарзандлар, невараларнинг кўплиги, жисмоний ва руҳий неъматлар (фазилатлар) ҳақида фикр юритади.

Донишманд шу фаслда насл-насаб тозалиги, мол-дунё, моддий бойликлар, руҳий-маънавий бойликлар инсоний фазилатлар, жамиятда, эл-юртда иззат-обрўли одамлар бўлиш, соғлиқ, жисмоний қувват (паҳлавонлик), дўстлар қаторида (машҳур ва) яхши, обрўли одамларнинг кўплиги

(христофилия), толеи очиқлиги (eutuhia), тасодифий бахт – омад нималигини тушунтиради.

Ҳар қандай инсон алоҳида ҳам, жамоа ҳолида ҳам муайян мақсадга интилади. Одамлар шу мақсадга мувофиқ ҳаётда у ёки бу йўлни танлайдилар, баъзи йўлларни шу мақсадга тўғри келмагани учун четлаб ўтадилар. Мана шу асосий мақсад, мухтасар қилиб айтганимизда – бахт-саодат (eudemonia) дир. У, бир неча таркибий қисмлардан иборат. Энди шу нарса, (яъни, бахт-саодат) нима, у қандай қисмлардан иборат, шуни кўриб чиқайлик. Аслида, одамларни бахтга элтувчи иш-амалларга даъват қилиш, аксинча, бахтсизликка элтувчи ишлардан қайтариш зарур. Қандай қилиб, бахтни ва ё унинг бир қисмини бунёд этиш мумкин? Бахт-саодатни нималар вайрон қилади? Нималар бахтга етишувга халақит беради? Ёки нималар бахтиёрликка бегона ишларни вужудга келтиради? Мана шу нарсаларнинг нима эканлигини одамлар яхшилаб тушуниб олсалар ундай ишларни қилмаган бўлур эдилар.

Бахт-саодатни фазилатлар билан қўшилган фаровонлик деб таърифлаш мумкин. У яна: ўз ҳаётида мамнунликдир ёки ёқимли ва хавф-хатарсиз ҳаёт, хизматкорларнинг кўплиги ҳамда уларни бемалол сақлаб туриш ва фойдаланиш имкониятими? Бизнингча турли жамиятларда турли ахлоқий, маънавий камолот босқичларидаги одамлар бахт-саодатни турлича тасаввур қиладилар ва турлича тушунадилар. Арасту кўпчилик халқлар қадрлайдиган неъматлар ҳақида сўзлайди.

«Агар бахт-саодат чиндан ҳам шу каби нарсаларда бўлса, булар қаторига яна: насл-насабнинг асллиги, дўст-ёронлар кўплиги, яхши одамлар билан дўстлашиш, бойлик, яхши (одобли) ва кўп фарзандлар ва набиралар, бахтли кексалик кабиларни ҳам қўшишга тўғри келади. Бундан ташқари, бахт-саодатга яна: соғломлик, чеҳра гўзаллиги, бақувватлик, хушқадамлик, мусобақаларда эпчиллик каби жисмоний устунликларни ва яна шон-шуҳрат, иззат, обрў, омад каби неъматларни ҳам қўшиш мумкин. Чунки, инсон

ҳам ўзида, ҳам ўзидан ташқарида мавжуд неъматларга эгалик қилганидан ўзини бахтли ҳис этади. Инсоннинг ўзида руҳий ва жисмоний неъматлар бўлиши мумкин. Ўзидан ташқарида эса – насл-насабнинг асллиги (бу неъмат, қандай оилада туғилиш инсоннинг ўзига боғлиқ эмаслиги туфайли – ундан ташқарида ҳисобланади. – М.М.), яхши дўстлар, иззат-ҳурмат каби неъматлар бўлади. Яна: иззу жоҳ (мансаб) қудрати, омад ҳам инсон ихтиёридан ташқаридаги неъматлар бўлиб, агар шулар бўлса, одам қўлга киритган бошқа неъматларини ҳам яхши сақлай олади. Лекин кўпчилик одамлар ноҳақ ва нопок йўл билан топилган бойликларни толеи баландлик, омад деб ўйлайдилар. Арасту бахт-саодатни ташкил этувчи ноз-неъматларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқади.

Бирор кучли халқ ёки қудратли давлатнинг аслзода фуқароси бўлиши учун ўша одамнинг ота-боболари шу давлатда қадимдан яшаб, машҳур йўлбошчилар, подшоҳ, вазир ёки уламолар авлодидан бўлиши ҳам бахт-саодатдир. Мана шундай машҳур зотлар авлоди бўлган одамлар (насл-насаб баҳси мусобақасида) бошқалардан ўзини устун деб биладилар. Айрим шахс учун насл-насабнинг тозалиги ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам давлатга, халққа катта хизматлар қилган машҳур одамларнинг хонадонига мансубликка боғлиқдир. Аждодлари орасида ана шундай шон-шавкатли эркаклар, аёллар, ёшлар ва қарияларнинг бўлиши насл-насаб асллигидир. Оилада яхши (солиҳ, хушхулқли, софдил, мард, меҳнатсевар, паҳлавон, олижаноб) фарзандлар кўп бўлиши – давлатнинг ҳам қудратини ташкил этади: чунки, мамлакатда яхши тарбия кўрган (руҳий, маънавий) ва жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал, бўйдор, паҳлавон, чаққон йигитлар кўп бўлиши давлатни кучли қилади, обрўйини оширади. Маънавий гўзалликка келсак, камтарлик ва мардлик – йигитларнинг энг яхши фазилатларидир. Давлат учун ҳам, айрим оила бошлиғи учун ҳам фозил (фазилатли) йигитлар ва қизлар бўлиши бахт-саодатдир.

Қизлар учун жисмоний жиҳатдан – гўзал, хушқомат бўлиш, маънавий жиҳатдан – камтарин, меҳнатсевар, олижаноб бўлиш – энг яхши фазилатлардир. Ҳар бир инсон ва умуман давлат шундай ажойиб йигитлар ва қизларга эга бўлиши бахт-саодатдир. Ҳар бир инсон ва давлат шунга интилиши керак. Лакедемон давлатидаги каби, бузуқ аёлларнинг кўп бўлиши фаровонликни икки баравар камайтиради. (Моддий) бойликнинг таркибий қисмлари: танга (пул маблағлари) кўплиги, ерга ва кўчмас мулкка эга бўлиш, чорва моллари ва бўйдор, чиройли қулларнинг кўплиги (Арасту қулдорлик тузумида яшаганини унутмайлик. – М.М.) озод инсон агар (яхши фазилатлари билан) иззат-ҳурмат, қадр топган бўлса, шу бойликлар унга фойда келтириши мумкин. Фойдали мулклар: озод инсоннинг қадр-қимматига яраша ҳосил ва роҳат, ҳузур-ҳаловат келтирувчи мулкдир. Ҳосил келтирувчи деганда мен олинадиган даромадни айтмоқчиман. Роҳат берувчи нарсалар эса – улардан фойдаланганингда хурсандчиликдан бошқа ҳеч вақо олинмайдиган нарсалардир... Мулкка эгаликнинг шубҳасиз ишончли бўлиши ундан ўзи истаганча вақтида, ўрнида ва шароитида сақлаб фойдаланиш мумкин бўлган мулклардир. Умуман олганда, бойликнинг моҳияти ундан фойдаланишдадир. Чунки бекор ётган, (моддий ва маънавий жиҳатдан) бефойда мулкларни бойлик деб бўлмайди. (Шу маънода яхши, меҳнатсевар ижарачи ҳам бойлик топади.)

Яхши обрў (reputatsia)га эга бўлиш халқ орасида жиддий одам деб ном чиқаришдир. Кўпчилик одамлар, фозил ва оқил одамлар интиладиган хислатлар соҳиби бўлишдир. Олиҳимматли одамни халқ ҳурматлайди. Адолат юзасидан, фуқароларга яхшилик, хайр-эҳсон қилувчи одам иззат-ҳурмат қилинади. Ёхуд маълум вақтларда, маълум жойларда нодир, ноёб бўлган нарсалар ва хислатларга эга бўлган одамлар ҳам иззат-обрў қозонадилар. (Масалан, носоғлом ижтимоий

шароит туфайли кўпчилик мунофиқ, риёкор, ёлғончи, бир-бирини алдаб, ёхуд лаганбардорлик, хушомадгўйлик билан кун кўрадиган жамиятда рост гапирувчи ва халқ фаровонлигини ўйловчи одам бегона кўринади. Бундай азиз одамларни қадрлаш ўрнига, уларни таъқиб қиладиган ҳокимиятдан эса эл-юрт нафратланади...)

...Жисмоний фазилатлар: бадан соғломлиги, баданни турли касалликлардан асраш. Баъзи узоқ яшовчи одамларга, масалан Геродик муолажа қилган одамларга бошқалар ҳавас қилмайдилар. (Гиппократнинг шогирди, Мегарали Геродик касалларни гимнастика билан «даволаб» умрини чўзар экану, дардига даво қилмас экан – А.А.Тахо – Ҳоди изоҳи.)

– Гўзалликка келсак, – дейди Арасту, – бу фазилат турли ёшдаги одамларда турличадир. Ўсмирлар, ёшлар югуриш, тош кўтариш ёки бошқа қийин машғулотлар билан хушқомат ва кучли, чайир гавдали бўлса – гўзал ҳисобланади. Айниқса, пентатл (беш кураш, югуриш, сакраш, кураш тушиш, диск улоқтириш ва найза отиш) билан шуғулланган атлётларнинг гавдаси гўзалдир, чунки улар гавдасини ҳар жиҳатдан чиниқтирганлар.

Етук ёшдаги одамларнинг танаси ҳарбий машаққатларга чидамли, хушқомат, савлатли (виқорли) бўлса гўзалдир. Қариялар агар тирикчилик учун зарур юмушларни ўзи бажаролса, мункиллаб, касал бўлиб ётиб қолмаса – гўзал ҳисобланади. Бақувват деб, бошқа нарсалар ёки одамларни ўз ихтиёри билан ҳаракатга келтира оладиган одамни айтамиз. Бу эса (оғирроқ) нарса ёки одамни жойидан жилдириш, туртиш, қисиш ва ҳоказоларда кўринади. Кучли одам шуларнинг барчасида ёки баъзиларида моҳир бўлиши мумкин. Паҳлавон деб, бошқаларга нисбатан бўйдор, чайир, кенг яғринли – елкали одамни айтамиз. Аммо, бу сифатлар унинг чаққонлигига халақит бермаслиги керак.

...Яхши қариш деб, анча ёшларгача қаригани билинмайдиган, дард чекмайдиган (соғлом) одамни айтамиз.

Агар тез қариса ёки секин қариганида ҳам кўп дард тортса, кўп жойлари оғриса – бахтли қариш эмас, албатта. Яхши қариш аслида одамнинг ўз феъл-атворига (хушчақчақ, очиқ чеҳрали, салга асабийлашмайдиган, покиза ва яхшилик билан яшашга) ҳам боғлиқдир. (Исломий ахлоқ-одобда ҳам покиза, яхшилик билан яшайдиган одамларга узоқ умр ваъда қилинади. – М.М.) Яхши қариш одамнинг толеига, тақдирига ҳам боғлиқ. Кўп ғам, кулфат бошига тушган одамлар тез қариши ҳам табиийдир. (Бунда кучли ё соғлом одам ҳам тез қариши мумкин.)

Полифилия – одамнинг дўстлари кўп бўлиши ёки христофилия – яхши дўстлари бўлиши яхши албатта. Чунки, дўстлик – ўзига раво кўрадиган яхшиликларни ўзгаларга (яъни дўстларига) ҳам раво кўришдир. Бунда бошқа одамга қилинадиган яхшилик шу одамни яхши кўриш, ҳурмат қилиш юзасидан бўлади. (Исломий хулқ-одобга кўра, дўстларга яхшилик қилувчилардан Аллоҳ таоло ризо бўлади ва мукофотлайди.)

Омад (yevtuhia) деб, барча неъматларни ёки улардан баъзиларини кутилмаганда қўлга киритишни айтамиз. Бу ҳолатнинг ҳам сабаблари бор, аммо ўша сабабларни инсон ақл-идроки англаши мушкулроқдир. Тасодифий муваффақиятлар – омадга ҳам одамнинг бирор ишга сабаб бўлиши мумкин. Аммо, гоҳо шу соҳада маҳоратсиз одамга ҳам омад келиши мумкин. (Баъзилар билимсиз бўлса, олий ўқув юртига кириб олишни омад ҳисоблайдилар, аммо бу омад эмас, балки тасодиф сабаблидир.) Аммо, гўзал қад-қоматли бўлиш омади одамнинг маҳорати ёки мол-дунё сарфлашига боғлиқ эмас, балки табиат инъоми, илоҳий неъматдир. Кўпинча, тасодифий бахтга эришув, омад бошқаларда ҳасад уйғотади. Мисол учун, бир оилада барча ака-укалар хунук, биттаси чиройли. («Таврот» ва «Қуръон»да келтирилган Юсуф алайҳиссалом ва унинг оғалари каби.) Ёки хазинани бошқалар топмасдан, бир одам топиши. Ёхуд уруш вақтида

ўқ бошқаларга тегиб, бир одамга тегмай қолиши – тасодифий омадлардир.

Арастунинг бадиий-эстетик қарашлари «Риторика» I китобининг 9-фаслида ҳам равшан ифодасини топган. Бу ерда донишманд эпидейктив (тарбиявий) нутқ сўзловчи нотиқ билиши зарур бўлган ажиблик, эзгулик, гўзаллик, инсоний фазилатлар ва унинг турли даражалари, мақтовли қилмишлари ҳақида фикр юритади. Арасту шу фаслда ажойиблик, баркамоллик, гўзалликнинг бундай таърифини беради: «Гўзаллик (грекча to kalon) ўзича ёқимли, мафтункор бўлиш билан бирга, яна мақтовга лойиқдир, ёки ўзича табиий неъмат (agatos) бўлгани учун ҳам ёқимли бўлади. Гўзаллик тушунчасининг маъноси шундай экан, демак инсон учун фазл – фазилат (aretes) ҳам гўзаллик ва неъмат, эзгуликдир. Фазилат ҳам (илоҳий неъмат сифатида) мақталади. Агар инсонда фазилатлар фозиллик бўлса, шу неъмат орқали у бошқа неъматларни ҳам қўлга кирита олади. Арасту фикрича, фазилатлар, қуйидаги хислатлардан ташкил топади: адолат, яъни одиллик, беғаразлик, самимият мардлик, оқиллик, саховат, олижаноблик, меҳр-шафқат, мулойимлик (аёллар учун), донишмандлик, оғир-босиқлик (вазминлик, виқор). Бу фазилатларнинг баъзилари, масалан, жасурлик – уруш вақтида, адолат эса ҳам уруш, ҳам тинчлик вақтида зарур. Бағри кенг (ҳимматли, феъли кенг) одам пул учун ўзини пастга урмайди; ҳолбуки, кўпчилик назари паст одамлар пул учун одамгарчиликдан кечадилар. Арасту фикрича, адолатли давлатда фуқароларнинг инсоний фазилатлари қонунларда ҳам мақтовли деб белгилаб қўйилади ва бунинг зидди – иллатлари – алдов, бахиллик, жабр-зулм, очкўзлик, таъмагирлик, мунофиқлик, юлғичлик ва бошқа тубан хислатлар қонунларда ҳам қораланади. Барча хислатларда, айниқса фойда-манфаат излашда, роҳатланишда ёки ғазабланишда, шодлик ва қайғуда ҳаддан ошмаслик, ўртачалик, меъёрни билиш ҳам – фазилат ҳисобланади.

(Грекча ва русчада қўлланадиган «олтин меъёр» жисмоний ҳаракат ва руҳий ҳолатларда ҳаддан ошмаслик – олтин меъёр доимо қадрланади.)

Арасту «Риторика»нинг I китобидаги 9-фаслда воқелик, ҳаётнинг турли-туман соҳаларида нима гўзал ва нима хунук, тубан эканлиги ҳақида кенг, теран фикрлайди, бу фикрларини фалсафий асослайди. Арасту фикрича, бағри кенглик, саховат, ҳиммат одамларга чин дилдан, беғараз пул ва мол билан ёрдам беришдир. Бахиллик ва хасислик – бунинг тескарисидир. Олижаноблик, олиҳимматлик (medaeopsehia) – буюк даражада хайр-саховатлар қилишдир. Пасткашлик, майдалик (mikropsyhia) – бунинг тескарисидир. Оқилона, ўйлаб иш қилиш (phronesis) интеллектуал фазилат бўлиб, у юқоридаги ишларда меъёрни сақлашга ёрдам беради.

Устози Афлотуннинг фикрларини ривожлантириб, Арасту айтадики, фазилатларнинг ўзи ҳам, шу фазилатлардан келиб чиқувчи иш-ҳаракат, қилмишлар ҳам гўзалдир. Жасурлик фазилати гўзал, айни вақтда жасурлик билан битказилган иш ҳам гўзалдир. Адолат, одиллик фазилати гўзал, айни вақтда одиллик билан ҳал этилган иш ҳам гўзалдир. Бировларга ўз фойдасини кўзлаб яхшилик қилиш ҳам дуруст, лекин ўз фойдасини кўзламай, холисона (исломий фалсафада – холисанлиллоҳ) қилинган яхшиликлар гўзалдир. Ўзи учун эмас, ўзгалар манфаатини ўйлаб яхшилик қилиш гўзалдир. Баъзи одамлар ўз роҳатини кўзлаб, бирор уят иш қилишни ният қилсаю, лекин уялиб, ўша ёмон ишни қилмаса, ўзини шармандаликдан асрай олса, бу ҳам гўзалдир. Бошқалар фойдасига беғараз, фақат шон-шуҳрат топиш учун улуғ ишлар қилиш ҳам гўзалдир. Ватанга ёмонлик қилган, халққа зарар етказган душманлардан қасос олиш ҳам гўзал, чунки, қасос олинмаса, шармандаликка рози бўлиш демакдир. Бизнингча, Арасту бу ерда Ҳомер «Илиада»сида Спарта шоҳи Менелайнинг ёш ва гўзал хотини Еленани олиб қочган трояликлардан қасос олиш учун жанг қилган барча қаҳрамонларни айтмоқчидир.

Шундан сўнг Арасту барча замонлар ва барча инсонлар учун қимматли бўлган абадий қадриятлар ҳисобланувчи гўзалликлардан ташқари, вақти, ўрни, ҳолатига қараб, баҳоланадиган, ўзгарувчан гўзалликлар ҳам бўлиши мумкинлигини эслатади. Арасту фикрича, моддий манфаат кўзланмайдиган ва барча халқлар ҳурмат қиладиган ишлар ҳам гўзалдир. Юнонларда тирикчилик учун фойда келтирмайдиган мол-мулк гўзал ҳисобланган. (Бизнингча, Арасту бу ерда аслзодаларнинг уйларидаги чиройли айвонлар, нақшинкор устунлар, барельеф, сурат ва ҳайкаллар, чиройли ва жўшқин фавворалари, хуллас, моддий фойда келтирмаса ҳам, завқлантирувчи, руҳни бойитувчи санъат асарларини ҳамда хушманзара ўрмон ва боғларни айтаётган бўлса керак.) Арасту «Риторика» асарида қадимги адабиёт ва фалсафада биринчилар қаторида жамият тинчлиги, осойишталигига зарар келтирувчи, адолатсиз, ноҳақ ишлар қилувчи одамларнинг руҳий олами таҳлилини берган. **Арасту психоанализ асосчиларидан биридир.**

Нотиқнинг мақсади жиноят ёки бирор ножўя ишнинг содир этилганлигини фош этиш бўлса, айбдорнинг бирор жиноий ишни қандай ният-мақсад билан қилганини яхши ўрганиб, билиши зарур, – дейди Арасту. Унинг фикрича, нотиқлик санъатининг энг муҳим вазифаси, мақсади – адолатсиз, ноҳақ ишлар қайси сабабга (ёки сабабларга) кўра қилинганини билиш учун инсон руҳиятидаги интилишларни, майл-истакларни яхши билиш учун моҳир руҳшунос ҳам бўлиши зарур. Арасту фикрича, халққа зарар келтирувчи ноҳақ ишларни бундай таснифлаш, турларга ажратиш мумкин.

I. Тасодифий қилмишлар ва эҳтиёж сабабли, пухта ўйланган қилмишлар. (Тасодифий қилмиш жазоси енгилроқ.)

II. Пухта ўйланган, эҳтиёж сабабли қилмишлар икки турли:

1. Мажбурий, бировнинг зўрлаши билан қилинган ёмонликлар.

2. Ўз табиатига кўра, ихтиёрий қилмишлар.

Жамият ҳаётида адолатсиз, ноҳақ ишларнинг жуда кўп қисми инсонларнинг ихтиёрий, табиатидаги майл-истаклар (иллатлар) билан боғлиқдир.

Инсон табиий майл-истаклари ҳам икки хил:

1. Оқилона, майл-истаклар.

2. Ақлга зид (жамият учун зарарли) майл-истаклар.

Оқилона майл-истакларга қуйидагилар киради:

1. Соғлиқни яхшилаш учун куч-қувватли бўлиш.

2. Имкони етганича тоза таомларни ейиш.

3. Маълум миқдорда мол-мулкли бўлиш.

4. Оила қуриб, фарзандларга эга бўлиш.

5. Ота-онага, яқинларга моддий ва маънавий ёрдам бериш.

6. Яхши дўстлар орттириш.

7. Истеъдоди, меҳнати билан обрў, шуҳрат қозониш ва бошқалар.

Арасту фикрича, ақлга зид майл-истаклар қуйидагичадир:

1. Ихтиёрий ёмонлик қилиш.

2. Табиий эҳтиёжи сабабли уят ишлар қилиш.

3. Бировларнинг (кўпинча катталар, хўжайинларнинг) зўрлаши билан бировларга ёмонлик қилиш.

4. Ўз одатига кўра ёмонлик қилиш.

5. Бировларнинг ёмон фикрига қўшилиб иш қилиш.

6. Жаҳл-ғазаб устида ёмонлик қилиш.

7. Эҳтиролар (тубан эҳтиролар)га берилиб, ёмонлик қилиш.

Арасту ноҳақ иш қилувчиларнинг руҳиятини шу қадар теран, чуқур таҳлил қиладики, (психоанализ) бу ҳақдаги фикрлари келгуси асрларда яшаган руҳшунослар учун ҳам қимматли илмий манба сифатида хизмат қилади.

Баъзиларнинг фалончи ёшлик қилиб, шу хатога йўл қўйди, аслида у ёшлиги сабабли эмас, жаҳл-ғазаб ва эҳтиролари туфайли ёмонлик қилади. Камбағаллар бой бўлай деб, бойлар айш-ишратда яшай деб, ноҳақ ишларга, жиноятларга

қўл урадилар. Барча хатти-ҳаракатларда, қилмишларда меъёрни унутиш, ҳаддан ошиш ёмон оқибатларга олиб келади. Адолатсиз, такаббур, мақтанчоқ, номард, жоҳил бойлар меъёрга ҳам, қонунга ҳам беписанд қарайдилар. Барча ишларни ўзлари ишламай топган пул, бойлик билан битиришга интиладилар.

«Риторика»нинг II китобида Арасту уч турли нутқларда ҳам (кенгашув нутқи, суд нутқи, сафарбар этувчи ва тарбияловчи нутқ) нотиқ халқда (тингловчиларда) ўз сўзларига ишонч уйғотиши зарурлиги ҳақида, қайси усуллар билан ишонч уйғотиш мумкинлиги тўғрисида фикр юритади. Арасту нотиқнинг ҳақиқатни ҳимоя қилишда холислиги, беғаразлиги, ўз фойдасини эмас, давлат ва халқ манфаатини кўзлаб гапириши зарурлигини уқтирган ҳолда, нотиқ ўз тингловчиларининг руҳиятини яхши билган ҳолда уларнинг эҳтиросларини уйғотиш зарурлигини ҳам тушунтиради.

Нотиқ бирор мансабга номуносиб одам ҳақида гапираётганида у одамнинг тубан қилмишларини исботлаб, тингловчиларнинг ўша одамга нисбатан қаҳр-ғазабини уйғотиши керак бўлади. Бунга эришиш учун нотиқ ҳам холис ва эҳтирос билан сўзлаши зарур. Лекин жаҳл-ғазаб устида қилинган ножўя ишларнинг сабаби бошқа, нотиқнинг тингловчиларда ёвуз ва олчоқ одамнинг ножўя ишларига адолатли қаҳр-ғазаб уйғотиш бошқадир.

Арасту фикрича, адолатсиз, хунук, ноҳақ ишларнинг кўпчилиги бировларни менсимасликдан келиб чиқади. У, менсимасликнинг (русча – пренебрежение) уч турини кўрсатади: жирканиш, аҳмоқлик, ҳақорат қилиш. (Лекин буларнинг ҳам кўпгина сабаблари бор.)

7-фаслда Арасту хайрли ишлар ва кимларга хайр-эҳсон қилиш, 8-фаслда кимларга ҳамдардлик, меҳр-мурувват кўрсатиш, меҳр-шафқатга кимлар муҳтожлигини айтади.

Арасту «Поэтика» асарида трагедиянинг мазмуни ва қаҳрамон характери ҳақида фикр юритиб, ёмон қаҳрамонлар

эмас, балки айрим камчиликлари бўлган софдил, олижаноб, яхши одамларнинг фожиага учраши томошабинларда ҳамдардлик уйғотишини айтиб, трагедиянинг инсонларни ҳамдардлик орқали поклаш (katarsis) назариясини баён қилган эди. Аслида ҳам яхши одамларнинг бошига қайғу, кулфат, мусибат ёғилганида ҳамдардлик билдириш (баъзан ёмонларга ҳам) софдил, олижаноб, яхши инсонларга хос хислатдир.

Баъзан эса, фожиалар ёмон одамларнинг ҳам кўзини очиши, хушига келтириши мумкин. 9-фаслда – нафрат ва унга сазовор одамлар, 10-фаслда – ҳасадгўйлик ва бунинг сабаблари, 11-фаслда – рақобат ва мусобақа, 12-фаслда – ёшлар табиати, характерига хос хусусиятлар, 13-фаслда – қарияларга хос характер хусусиятлари, 14-фаслда – етук ёшдагиларнинг характери, 15-фаслда – насл-насабли аслзодаларнинг характери, 16-фаслда – бадавлат одамларнинг характерли хислатлари, 17-фаслда – куч-қудрат, ҳокимият эгаларининг характерига хос хусусиятлар, 18-фаслда – уч турли нутқ сўзловчилар нималарга эътибор бериши зарурлиги, 19-фаслда – воқеаларнинг бўлиши мумкинлиги ва мумкин эмаслиги (имкон ва имконсизлик эҳтимоли) ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади.

Иккинчи китобнинг 19-фаслида Арасту бир эмас, кўп масалаларни ўртага қўяди. Булар ҳам санъатга, ҳам фалсафага алоқадор масалалардир. Арасту баъзи шоирларнинг фикрларига асосланиб, воқеаларнинг содир бўлиши ёки бўлмаслиги эҳтимоли ҳақида сўзлаётганида нотиқ буни аниқлаш учун воқеани содир қилган ёки содир қилиш эҳтимоли бўлган одамларнинг табиати хусусиятларидан келиб чиқиши зарурлигини айтади.

Арасту «Поэтика» асарида ҳам воқеа ва характерлар, уларнинг қилмишлари ҳақида гапирганида бу масалага жиддий эътибор берган эди. У «Поэтика»нинг XXV бобида поэзияга қарши эътирозлар ва уларга раддиялар ҳақида бундай ёзади: «Модомики, шоир (мусаввир ёки бошқа

тасвирловчи, санъаткор) ҳаётни акс эттирар экан, у муқаррар равишда қуйидаги уч ҳолатдан бирини: (1) ҳаёт қандай бўлса, шундайлигича, (2) ё одамлар айтаётган ва тасаввур қилганича, (3) ё ҳаётнинг қандай бўлиши кераклигини тасвирлаши керак бўлади».[4]

Арасту «Поэтика»нинг бундан аввалги (XXIV) бобида шоир ҳаётда йўқ, бўлмайдиган нарсаларни ҳам худди бўлгандай қилиб тасвирлаши мумкинлигини айтган эди. «Умуман, ғаройиб, аммо эҳтимол тутилган нарса, ишонарсиз бор нарсадан кўра ҳақиқатга яқинроқдир».[5]

Лекин, шунга қарамай, Арасту санъатдаги реализм, ҳаққонийликни ёқлаб, бундай дейди: «Ҳикояларда (асар сюжетида) тасаввур қилиб бўлмайдиган нарсалар бўлмагани яхши, агар бўлса ҳам, улар мазкур ривоятдан ташқарида қолсин».

Қуйироқда Арасту бу фикрини янада ойдинлаштиради: «Шоир ҳаётда қандай бўлса, шундай тасвирламабди, деган таънага эътироз билдириб, шуни айтиш мумкинки, шоир ҳаётда қандай бўлиши кераклигини ҳам тасвирлайди. Софоклнинг айтишича, у одамларни қандай бўлиши керак бўлса, шундай тасвирлади. (Бу фикр Эсхилга ҳам тааллуқли) Эврипид эса, одамлар ҳаётда қандай бўлса, шундай тасвирлади».

Аристофан «Қурбақалар» комедиясида нариги дунёда (Аид салтанатида) Эсхил билан Эврипиднинг худди шу масалада баҳслашганларини тасвирлайди ва Арасту айтган Эсхилнинг йўлини (идеал қаҳрамонлар тасвирини) – юксакроқ санъат деб, хулоса қилади.

Арасту «Риторика»нинг II китобидаги шу 19-фаслда Альберт Эйнштейндан 2400 йил аввал эҳтимоллик, нисбийлик назариясининг ҳам тамал тошини қўйган. У ёзади: «Охири бўлган нарсанинг бошланиши ҳам бўлади.

---

[4] Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 59-бет.

[5] Ўша китоб. 58-бет.

Чунки ҳамма воқеа-ҳодисанинг бошланиши бор. Давоми бор (мавжуд ёки янги вужудга келаётган) нарсаларнинг аввалги қисми ҳам бўлади... Санъат ва фанларнинг мавзуи бўладиган воқеа-ҳодиса бўлган, бўлаётган ва энди (бундан кейин) бўлиши мумкин. Қисмлари бор нарсанинг бутуни ҳам бордир».[6] Шу орада Арасту мантиқ илми фалсафасини санъатга ҳам татбиқ этиши қизиқарлидир. У, жинс (род) ва тур (вид) ҳақида гапириб: «Агар жинс (масалан, одам), ҳайвонлар, қушлар ҳам бўлади. Агар турлар бўлса (масалан, одамлар, ҳайвон ва қушлар) бўлса, уларнинг жинси (жониворлар) ҳам бўлади. Кемалар бор экан, триера (уч қатор эшкакли кемалар) ҳам бўлади. Триера бор экан, кема ҳам бўлади. Ўзаро боғлиқ бўлган икки нарсадан бири бор экан, иккинчиси ҳам бўлади... Ва агар бирор нарсани санъат, ҳунар ва тайёргарликсиз ясаш мумкин бўлса, у нарсани санъат, ҳунар ва тайёргарлик билан ясаш янада мумкинроқ (осонроқ) бўлади». Шу маънода трагедиянавис Агафон асарида бундай дейилади:

Ясаймиз баъзи нарсаларни санъат, ҳунар-ла,
Баъзисин ато қилар бизга зарурат, тақдир.[7]

Арасту яна айтадики, табиатда кам учрайдиган нодир нарсалар бўлиши мумкин бўлса, кўп учрайдиган нарсаларнинг борлик эҳтимоли кўпроқдир.

Ҳаво очиқлигидан кўра, ҳаво булутли бўлса, ёмғир ёғиш эҳтимоли кўпроқдир. Бу фикрлардан шундай хулоса чиқадики, нотиқ ўз фикрини исботлаш вақтида эҳтимоллик даражаларини ҳам яхши билиши зарур.

Арасту «Риторика» II китобининг 20-фаслида нотиқ сўзлаётганида ўз фикрини исботлаш учун ҳаётий мисоллар, ўхшатишлар, Эзоп ва бошқаларнинг масал ва ривоятларидан

---

[6] Античние риторики. М.: Изд. МГУ, 1978. Стр. 102.

[7] Античние риторики. Стр. 103.

фойдаланиши яхши самара беришини айтади ва ўзи ҳам намуна учун шундай масал ва ўхшатишлардан бир нечтасини келтиради. Кейинги, 21-фаслда Арасту афоризм – ҳикматли сўзлар (доноларнинг айтганлари) билан риторик силлогизм ёки энтимема (яъни, чиройли далил) ўртасидаги фарқни кўрсатади, 23-фаслда топлар – баҳсда рақибининг айбловига қарши қўлланилладиган рад этиш далиллари (Арасту бу ҳақда махсус «Топика» асарини ёзган, Форобий шарҳида арабий қилиб «Тубика» дейилган) ҳақида фикр юритади. Шу фаслда Арасту бизнинг замонамизгача етиб келмаган бир қанча трагедиялардан мисоллар келтиради (Масалан, нотиқ ва трагедиянавислардан Теодект. У Исократ, Афлотун ва Арастунинг шогирди, 50 та трагедия ёзган, «Алкмеон», «Аякс», «Орест» ва бошқалар – А.А. Тахо – Ҳоди изоҳи.). Шу ерда Арасту яна яхши топлардан бири сифатида нотиқ Алкидамантнинг донишмандлар ва шоирларни барча халқлар иззат-ҳурмат қилишини исботловчи қуйидаги топи – исботловчи жумласини келтиради:

«Паросликлар Архилоҳни, бу шоир чақимчи бўлса ҳам, Ҳиос аҳли Ҳомерни, у ватандоши бўлмаса ҳам, Митилена аҳли, Саффони у аёл бўлса ҳам ҳурматини жойига қўярдилар, Лакедемон аҳли Хилонни, Италия аҳли – Пифагорни Ҳеронтлар – оқсоқоллар кенгашига сайладилар Лампсак аҳли Анаксагор вафот этганда ўз ватандоши бўлмаса ҳам иззат-ҳурмат билан дафн қилган эдилар, уни ҳозир ҳам эъзозлайдилар...» Афиналиклар бир вақтлар Солон қонунларига риоя этганларида, Лакедемон (Спарта) аҳли Ликург қонунларига амал қилиб турганларида, Фива аҳли файласуфлар давлат раҳбари бўлиб турганда бахтиёр, осойишта яшаган эдилар. Арасту яна Периклнинг замондоши, Кипр-Қибрис давлатининг маърифатли подшоҳи Евагорни мақтаб нутқ ёзган Исократнинг маҳоратини эслатади. Яна Исократнинг Тесей давридаги Еленани ва Александр – Парис олиб қочган Спарта маликаси Еленани

оқлаб, ёзганини эслатади.[8] (Ҳомер «Илиада»сида Троя оқсоқоллари бундай аёл номуси учун уруш бошлаш айб эмас, деган фикрга келадилар.) Яна бир ўринда Арасту ўз сабоқдоши ва шогирди, трагедиянавис Теодектнинг Суқрот ҳақидаги нутқини мақтайди. Исократнинг истеъдодли шогирди моҳир нотиқ Каллип ҳам олтин гулчамбар билан тақдирланган. Унинг яна бир шогирди Эфор – адабий танқидчи, жаҳон халқлари тарихчиси эди.

Арасту II китобнинг 25-фаслида рақибнинг силлогизмларини қарама-қарши фикр айтиб, йўққа чиқариш ҳақида ёзар экан, бунинг учун ҳаётни, тарих ва адабиётни чуқур билиш зарурлигини айтади. Ҳақиқат билан ҳақиқатга яқин фикрларнинг фарқини кўрсатади. (Ҳақиқат доимо тўғрилик, ҳақиқатга яқин нарсалар эса баъзи ҳолларда тўғри, чиқишини англатади.)

Арасту «Риторика»сининг III китоби асосан риторик ва поэтик услуб масалаларига бағишланган. У, риторика санъати (хитоба), нотиқликда энг муҳими уч масалани ҳал этиш зарурлигини айтади:

1. Тингловчиларни ишонтириш усулларини қаердан олиш, ўрганиш масаласи. Булар ҳақида I ва II китобда айтилди.

2. Нутқ услуби масалалари (lexis). Бу энди кенгроқ кўриб чиқилади.

3. Нутқ қисмларини қандай қуриш масаласи.[9]

Арасту 1-масаланинг хулосасини такрорлайди. Тингловчиларни ишонтиришнинг ҳам уч манбаи бор.

1. Нотиқ айтган ҳолатни тингловчилар ҳам бошидан кечирган бўлса, ўша фикрга ишонадилар.

2. Тингловчи нотиқнинг софдиллигини, маънавий етуклигини билганларида.

---

[8] Буюк нотиқ Исократ ўз ватандоши, машҳур Демосфен каби, Македониялик Филипп ва Искандар истилочилигини кескин қоралайди. Херонеяда (Плутарх ватани) Македония греклар устидан галаба қозонганида (мил.авв. 338) Исократ заҳар ичиб ўлган.

[9] Античные риторики. М., Изд. МГУ, 1978, стр. 127.

3. (Қонунга мувофиқ) нотиқ хулосаси исботлаб берилганида.[10]

4. Услуб ҳақида. Қандай усулда ва оҳангда гапирилади? Бунинг ҳам уч шарти бор. 1. Табиий тартибга кўра энг муҳим масалани биринчи ўринга чиқариш. 2. Шу масалага доир фикрларни қай тартибда қисмларга бўлиб жойлаштириш (Аввал нимани, ундан кейин нималарни гапириш). 3. Декламация – ижро масаласи. Арасту фикрича, трагедия ва рапсодия (достон айтишга) воқеа, ҳаракат киритилмаган, авваллари фақат шоирлар, рапсодлар воқеани баён қилар эдилар (Кейинроқ бир, икки, уч актёр ва хор ижрочилари қўшилди). Асарни бир одам (шоир, достончи – рапсод) ижро этганида турли қаҳрамонларнинг характерини кўрсатиш учун шоир ёки рапсод (актёр каби) овозини турлича қилиб ўзгартириши зарур эди. Айниқса, эҳтиросли саҳналарда. Шоир, рапсод қаҳрамонларнинг ҳолатига мувофиқ гоҳ баланд овозда, гоҳ секин, гоҳ қичқириб, гоҳ ўртача овоз билан ижро қилиши, ритмни ҳам акс эттириши керак эди. Кейинроқ буларни актёрлар ижро эта бошладилар.

Арасту айтишича, драматик, трагик поэзия энди туғилаётганида актёрларнинг обрўси асарни ёзган шоирга нисбатан баландроқ эди, сиёсий баҳсларда ҳам давлат арбобидан кўра нотиқларнинг обрўси баландроқ эди. Арасту маданиятсиз, ривожланмаган ёки айниган давлатларда шундай бўлади, деб шоирдан актёрни баланд қўйишни қоралайди.

Асар мазмунига нисбатан услуб ва усулларнинг биринчи ўринга қўйилиши ҳам худди шу сабаблидир, дейди Арасту. У, шу ҳолатни қоралаб, бадиий асарнинг мазмуни бирламчидир, бу мазмунни турлича усул ва оҳангларда айтишни муҳим деб билиш тингловчиларнинг савияси пастлигидандир, дейди. Аниқ фанларда, масалан, геометрияда секин ё тез, ёки турлича овозда ва услубда айтишнинг сира аҳамияти йўқ. Шу

[10] Ўша жойда.

ҳақда Фрасимах[11] «Ҳамдардлик уйғотиш» асарида тўхталиб ўтган. Ҳолбуки, актёр табиатан, туғма истеъдодли бўлиши керак. Истеъдодли актёр маҳорати техникага (турли усулларни ўрганишга) муҳтож эмас. Нутқ услуби ва усуллари эса техника соҳасидир. Нутқ услуби, техникасини яхши билган нотиқлар шон-шуҳрат гулчамбарини олиб кетишлари шу сабаблидир. Ёзма нутқда ҳам мазмунга, фикрга нисбатан услуб гўзаллиги биринчи ўринга қўйилмоқда.

«Шоирлар, табиийки, бу соҳада анча илгарилаб кетдилар, – дейди Арасту. – Сўзлар нарсаларнинг хусусиятига тақлид қилади. Санъатлардан рапсодия (достончилик, куйлаб айтиш, драматик санъат ва бошқалар шу тариқа вужудга келган. Шоирлар оддий нарсаларни ҳам шоирона ифодалаб, ўз услуби билан шон-шуҳрат қозонгач, (нотиқлар) аввало шоирона услуб (поэтик стиль)ни ижод қилдилар. Масалан, Горгий шундай қилади.[12] Ҳозир ҳам кўпчилик саводсиз одамлар шу услубни (шоирона услубни) нафис деб ўйлайдилар. Аслида ундай эмас». Арасту шеъриятдаги нафислик билан нотиқ нутқидаги нафислик бошқа-бошқа нарсалар эканлигини тушунтиради, «Ҳозир ҳатто трагедия ижодкорлари ҳам нафис сўзлардан, гексаметрдан воз кечиб, жонли тилга яқин ямб вазнида ёзмоқдалар». Ҳозирги шоирлар, дейди Арасту, ўзлари илгари қўллаган (баландпарвоз) ифодаларни жонли тилга яроқсиз деб ишлатмай қўйдилар. Қадимги юнон маданияти заршуноси, атоқли филолог олима А.А. Тахо-Ҳоди «Риторика»га ёзган изоҳларида билдиришича, қадимги шоирлар гексаметр вазнини ташкил этувчи «дактил-спонда» ритм шаклининг «муҳим», «тантанавор», «улуғвор» турларини, трохей вазнининг «даҳшатли» ва «қўрқинчли» турларини, ямбнинг тезлиги ва шиддатли эканлигини

---

[11] Фрасимах – Сукротнинг баҳсдаги рақиби, Афлотун диалогларининг қаҳрамонларидан бири.

[12] Горгий – машҳур ритор, Сицилиянинг Леонтин шаҳридан, софистика асосчиларидан бири (мил. авв. 483–375), эллик беш ёшида Афинага келган. Афлотуннинг «Горгий» диалоги бор.

фарқлаб кўрсатганлар. Шарқ халқларининг диний эътиқодини юнонлар ўзлаштирганидан сўнг «Илоҳларнинг Буюк Онаси – Кибела-Ҳубални шарафлаш учун айтиладиган қасида – пеонларнинг ғайрат-шижоат уйғотишини айтганлар. Арасту шоирлар фойдаланмай қўйган баландпарвоз вазнда ёзиш ҳозир кулгини қистатади», дейди.

Шу мулоҳазалардан сўнг Арасту услубнинг энг муҳим хусусиятлари эндиликда шоирона (жимжимадор) ёзиш эмас, балки фикр аниқлиги, равшан, тушунарли бўлиши зарурлигини айтади: «Нутқ услуби юксак ҳам эмас, тубан ҳам эмас, нутқ мазмунига мувофиқ бўлиши керак».

Арасту фикрича, «нутқда қўлланадиган отлар-исмлар ва феъллар халқона бўлса яхши. Булардан бошқача отлар-исмлар ҳақида поэтик санъат ҳақидаги асарларимизда айтиб ўтганмиз». Бу фикр «Поэтика»нинг 21–11-фаслларига тааллуқли. 21-Фаслда Арасту кенг қўлланадиган ва ноёб сўзлар ҳақида гапиради. Лекин, бир сўз баъзи одамлар орасида кенг қўлланилиши, бошқа одамлар орасида кам қўлланилиши мумкин. Ноёб сўзлар эса барча халқларда кам истифода қилинадиган сўзлардир. Фақат шоирлар ўйлаб топган янги сўзлар ҳам таъсир қилади ўқувчига. Масалан, шоир май косасини «Дионис қалқони» дейди, жанг қалқонини эса «Арес косаси» дейди.

Арасту фикрича, кўпгина хорижий нарсалар қимматли бўлгандай, шоирлар учун кўпчиликка номаълум, ноёб сўзлар ҳам қимматли, ҳайратли кўринади. Шеърий тилга ярашган тантанавор, улуғвор сўзлар насрга ярашмайди. Қариялар айтадиган сўзлар ёш болага ярашмайди ва аксинча, ёш болаларнинг сўзлари қарияларга, қулнинг сўзлари хожага ва мансабдорнинг сўзларини қул айтса ярашмайди. Арастунинг бу фикрлари икки минг йил ўтгандан кейин бадиий адабиёт ва санъатнинг ҳаётийлиги, табиийлиги, ҳақиқатга яқинлиги, реалистик услуб ҳақидаги назарияларга пойдевор бўлди, дейишимиз мумкин.

Шу фаслдаги мана бу сўзлар ҳам санъат асли – спецификасини билдирувчи реализм қонуниятига алоқадор: «Нотиқнинг гапириш услуби актёр Феодорнинг овозига ўхшаши керак, у кимнинг номидан гапирса, ўша одамнинг овозига ўхшатар эди, бошқа актёрлар овози (қаҳрамонларнинг характерига, нутқига) бегона эди».[13] Лекин, бизнингча, комедиограф драматурглар ва умуман шоирлар орасида 2400 йил давомида қаҳрамонлари тилининг жонли халқ тилига яқинлаштиришда Аристофанга етадиган санъаткорни топиш қийин. У, «Булутлар» комедиясида умумлашган, типик олим – софист сиймосини тасвирласа ҳам, исмини Суқрот деб қўйгани учун, ўзи истамаган ҳолда донишманд Суқротнинг ўлимига сабабчилардан бири бўлиб қолди. Бу санъатнинг қудратли таъсир кучи ёмонликка хизмат қилди. Арасту ҳам шу фаслда Аристофаннинг «Бобилонликлар» комедиясидаги ҳазил сўзлар завқ уйғотишини айтади. У Аристофаннинг ўзи билмасдан Суқротга ёмонлик қилганини билса ҳам, кек сақламай, буюк санъаткорлигини эътироф қилади.

Арасту яна бир ўринда Эврипид трагедияларининг тилини жонли халқ тилига яқинлиги учун мақтайди. Шу билан у «ўзининг санъаткорлигини яшириб туради». Яъни, томошабин бу сўзларни драматург шоир Эврипид тўқиган эмас, қаҳрамон ўзи айтмоқда, деб ўйлайди. Бу эса, Арасту айтмоқчи ҳаётга тақлиднинг энг яхши намунасидир!

Шу фаслда айтилган кўчма маъноли сўзлар, метафоралар бадиий асар тилини, мазмунини бойитиши ҳақида Арасту айтган муҳим фикрлар «Поэтика»да жуда қисқа қилиб айтилган эди.

Арасту «Риторика» III китобининг 4-фаслида ўхшатиш ва метафоранинг ўхшашлиги ва фарқлари ҳақида гапиради. «Булар орасида фарқ жуда кам, – дейди у. – Агар «Ахилл шердай жангга ташланди» дейилса, ўхшатиш, агар «Шер (яъни, Ахилл) жангга ташланди, дейилса метафора бўлади.

[13] Античные риторики. М. Изд. МГУ, 1978, стр. 129.

Насрда ҳам ўхшатишлар фойдали, лекин у кўпроқ шеъриятда асқатади». Сўнг у ўхшатишларга турлича мисоллар келтиради. ... Геодамантнинг ўхшатиши: «Евксен=Архидам – геометрия билимлари» ёки аксинча: «Архидам=Евксен+-геометрия билимлари». (Бу насрдаги ўхшатиш, яъни, Евксен геометрияни билса Архидамга тенг бўлар эди, геометрияни билмагани учун унга тенг эмас.)

Афлотун «Давлат» асарида «ўликлардан зирҳли кийимларни ечиб олган одамлар ҳақида одамлар тош отса, одамларни эмас, тошларни тишлаётган итларга ўхшайдилар», – дейди. Перикл Самос аҳлини «Қанд бўлагини олиб туриб, йиғлаётган ёш болаларга» ўхшатади. Ўхшатиш билан метафора орасидаги фарқ шуки, «...дай», ...дек», ...ўхшайди» қўшимчалари бўлса ўхшатиш, бу қўшимчалар бўлмаса метафорадир.[14]

Лекин, бизнингча, орадан ўтган минг йиллар давомида бадиий адабиёт қоидалари ўзгариб, ривожланиб, ўхшатишга нисбатан метафоралар маънолари чуқурлашиб, аллегорияларга яқинлашган кўринади. Арасту келтирган яна бир мисолда фиал – катта пиёла, яъни коса – Дионисниинг қалқони деб аталса, қалқон эса Арес (уруш илоҳи)нинг май косаси деб аталса, бу шубҳасиз метафорадир. Демак, метафораларда фалсафий маъно чуқурлашади.

Учинчи китобнинг 5-фаслида Арасту нутқ равон, мазмуни тушунарли, тўғри бўлишининг бешта шартини кўрсатади. Бу шартлар қуйидагилардир:

1. Жумла тузишда боғловчиларни тўғри ишлатиш.

2. Сўзларнинг ўзини тўғри ишлатиш.

3. Бир неча маъноларни англатувчи сўзларни иложи борича ишлатмаслик. Атайлаб айтилса, бошқа гап. Арасту шу ўринда Эмпедоклни айтадиган муҳим фикри бўлмаса ҳам, чуқур маъноли гаплар айтаётгандай ўзини кўрсатишини танқид қилади. Шу ерда Арасту яна башоратчи Оракуллар-

[14] Арасту. Риторика. 3-китоб. // Античные риторики. МГУ, 1978, Б. 145.

нинг ҳам аниқ бир фикр айтмай, чуқур маъноли гап айтишларини эслатиб, уларга деярли ишонмаслигини билдиради.

4. Жумлада исмлар-отларнинг жинсини тўғри айтиш. (Баъзиларнинг гапидан эркакми, аёлми, ўрта жинсдаги исмми, билиш қийин бўлади.) Бу масалада Протагор тўғри жумла тузганини айтади: «У аёл келиб, суҳбатлашди ва кетди». (Агар бу жумлада аёл деб кўрсатилмаса, «келди», «суҳбатлашди», «кетди» сўзларидан эганинг жинси билинмайди. Бу масалада рус тили жуда аниқ ва қулайдир: «Она пришла, поговорила и ушла». Бу ерда агар «Она» сўзи бўлмаса ҳам, аёл бошқа сўзлардан билиниб туради.

5. Жумлада исмлар, отларнинг сони аниқ кўрсатилиши зарур. Масалан: «Улар келиб, кетдилар».

«Умуман олганда, – дейди Арасту, – гап (жумла) ўқишга ва уқишга қулай бўлиши керак. Боғловчилари кўп (узун) жумлаларни тушуниш қийинлашади. Тиниш белгилари (вергул, нуқта, сўроқ, ундов...) қўшилмаган ёзма нутқни ҳам тушуниш қийин». Арасту шу ўринда тушуниш қийин қилиб ёзгани учун «Қоронғи» деб ном олган Гераклитнинг бир жумласини келтиради.

Арастунинг 6-фаслда айтганлари барча замонлар ва барча тиллар учун ҳам аҳамиятлидир. «Тил услубнинг тарқоқ, узун жумлада ёки ихчам жумлада ифодаланиши сабаби шуки, – дейди у, – «доира» деб айтиш ўрнига таъриф, тушунча: «марказдан узоқ нуқталари бир хил масофада жойлашган текис юза» деб айтилса, чўзиқ услуб, аксинча, таъриф ўрнига исмлар айтилса ихчам услуб вужудга келади». Арастунинг яна бир муҳим фикри: «Нарсалар ҳақида уларда аслида бўлмаган сифатларни исталганча қалаштириб ташланса чўзиқ услуб вужудга келади». Бу ерда Арасту тил ва услубнинг ҳаётийлиги ҳақиқатни ифодалаш каби поэтиканинг асосий қонунларидан бирини эслатмоқда.

Етти фаслда услубнинг асосий фазилатлари – унда жонли ҳаётдаги каби патетика (pathetice) бўлиши, у характерни

(ethice) ифодалаши ва ҳақиқатга мувофиқ бўлиши ҳақида сўз боради. Сўнгги сифат-фазилат шуни билдирадики, нотиқ (ёки адиб, шоир) муҳим нарсалар ҳақида арзимас, енгил сўзлар айтмаслиги, арзимас нарсалар ҳақида тантанавор сўзламаслиги, оддий сўзларни безамаслиги (жимжимадор қилмаслиги) керак. Масалан, Клеофонт «Муҳтарам дўлана» дегандай.

Агар ҳақиқатга қарши ғазабланган, ноҳақ ва шармандали ишлардан нафратланган яхши, ажойиб ишлардан ҳайратланган, қайғули ишлардан маъюсланган одамнинг нутқи (гаплари) ҳис-туйғуга бой, ҳаяжонли бўлади. Арасту яна ҳушёрлик билан айтадики, баъзи нотиқлар аслида йўқ ҳолатларни ҳам бордай кўрсатиб, ҳис-ҳаяжон билан гапириб, тингловчиларга таъсир ўтказадилар... Яна: нотиқлар агар яхши, ёқимли нарса-ҳодисалар ҳақида совуққонлик билан, ёмон ишлар ҳақида мулойим, ёқимли оҳангда гапирса, тингловчиларнинг ишончини йўқотади. Жаҳл билан гапирганда мураккаб сифатлаш ва муболаға («фалокат осмондай бепоён» ёки «аждаҳодай» яшовчи деган) сўзларни ишлатиш узрли, кечирарлидир. Руҳлантирувчи, ҳаяжонли, ҳис-туйғуга бой сўзлар поэзияга ярашади, чунки шеърият – илоҳийдир...

Учинчи китобнинг кейинги фаслларида Арасту насрда гапирувчи шеърий вазнда сўзламаслиги, лекин насрда ҳам оҳангдорлик, равонлик (ритм) бўлиши зарурлиги, ямбий вазн жонли тилга хослиги, трохей ва тетраметрлар – рақсга мослиги, пеон – мадҳияга мувофиқлиги ҳақида гапиради.

Арасту фикрича, тинимсиз, давомли нутқ қадимий услубга хос («Илиада» шу услубда) даврларга бўлинган нутқ сўзлашга ҳам, ўқишга ҳам осондир. Лекин даврлар (тугал фикрлар) жуда узун ҳам, жуда қисқа ҳам бўлмасин. Зид ва қарама-қарши маъноли сўзларни ўринли ишлатиш (тезис ва антитезислар) ҳам нутқни ёқимли қилади. Масалан: «Улар шахсий ҳаётда варвар-қуллар хизматидан фойдаланадилар, сиёсий ҳаётда эса ўзларини қулга айлантирадилар». Яна: «Ўз уйларида (юртларида) сизларни сотган эдилар, бу ёққа

келганида ўзлари сотилдилар». Яна: «Ўзи мис чақага арзимаса ҳам, унга мис ҳайкал ўрнатдилар».

Арасту учинчи китобнинг 10-фаслида нафас ва таъсирли иборалар қандай топилишини айтади. Аввало, сийқа, ҳаммага маълум фикрларни эмас, иложи борича, оҳорли, янги билим берувчи сўзларни айтиш зарур. Масалан: «Уларнинг тинчлиги биз учун урушдир». Аниқ-равшан тасаввур қилинадиган сўзларни айтиш ҳам яхши таъсир қилади.

Арасту фикрича, тўрт хил метафорадан энг яхшиси – ўхшашлик (аналогия) асосида тузилганидир. Перикл сўзлари: «Давлатимиз ёшларининг урушда ҳалок бўлиб йўқолиши – йил фаслларидан баҳорнинг йўқолиши кабидир». Леонтин сўзи: «Элладанинг бир кўзи кўр бўлиб қолишини истамайман». Лашкарбоши Хабрийни давлат кенгаши ноҳақ жазолашни истаганида «Уни мис ҳайкали ҳимоя қилади» (яъни, унга шарафли ишлари учун мис ҳайкал ўрнатилган). Бу ерда ҳайкал жонлантирилган.

Кейинги фаслларда сўз ўйинлари (лутфлар), топишмоқ, жумбоқлар, парадокслар, омонимлардан фойдаланиб топилган ҳазиллар, мақол ва маталлар, гипербола-муболағалар нутқнин таъсирчанлигини ошириши ҳақида сўз бор боради. 12-фаслда нутқ турлари, мақсадлари ҳам услубни белгилаши айтилади. «Ёзма нутқнинг услуби бошқа, оғзаки нутқ ва баҳс-мунозара, халқ олдида ёки судда сўзланадиган нутқларнинг услублари бошқа-бошқадир. Ёзма нутқ равон, равшан, баҳс-мунозара нутқида турли одамларнинг фикрлари, сўзларини келтиришда нотиқ актёр каби, уларнинг нутқига ўхшатиши керак бўлади.

Баҳс-мунозарали нутқнинг икки тури бор: 1. Ахлоқий-тарбиявий нутқ услуби билан. 2. Патетик (ҳис-ҳаяжонли) нутқ услуби фарқланади. Эҳтиросларни жунбишга келтирувчи патетик нутқ, актёрлик нутқи асосан драмаларда қўлланилади.

Ўқиганда осон кўринган шоирнинг тили (шеърий нутқ) ни халқ тинглаётганида тушуниш қийин кўринади. Оғзаки

нутққа хос такрорлар ёзганда ёмон кўринади. Арасту фикрича (таъсирни кучайтириш учун) такрорлар зарур бўлиб қолса, синонимлардан фойдаланиш яхшидир.[15]

Арасту 13-фаслда ёзадики, ҳар қандай нутқ икки қисмдан иборат: 1. Баён, ҳикоя. 2. Ишонтириш учун далиллаш қисми. Бошқача айтганда: 1. Вазифа, масалани ўртага қўйиш қисми. 2. Шу масалани хал этиш қисми. Арасту фикрича, нутқни тўрт қисмга ҳам бўлиш мумкин: 1. Кириш (муқаддима). 2. Масала қўйиш. 3. Ишонтириш (далиллаш). 4. Хулоса.

Учинчи китобнинг 14-фаслида Арасту нутқнинг муқаддима қисмини алоҳида кўриб чиқади. Унинг фикрича, нутқ муқаддимаси (достон ёки драматик поэзиядаги) пролог, най навосида – прелюдияга ўхшайди. Найчи куйнинг прелюдия қисмида бор маҳорати билан (тантанавор оҳанг билан) тингловчиларнинг эътиборини тортади. (Людвиг ван-Бетховеннинг «Қаҳрамонлик симфонияси» муқаддимасини эслайлик. Эпидейктив (ахлоқий, тарбиявий) нутқда ҳам нотиқ муқаддимада нималар ҳақида сўзлашини муфассал айтади, сўнг баён қисмига ўтади. Исократ «Елена ҳақида» нутқида софистларнинг эристикасини – баҳс-мунозара усулларини қоралайди. Хуллас, эпидейктив нутқнинг муқаддимаси: мақтов ёки қоралов, ишонтириш ёки ишонмасликка чақириш, тингловчиларга мурожаатлардан иборат.[16]

Арасту шу китобнинг 15-фаслида айбловни рад этишнинг турлича усулларини кўрсатади. Бу усулларда содир этилган қилмиш адолатлими, йўқми, кимга фойда келтиргани ва кимга зарар келтиргани аниқланади, айбдорни нотиқ оқлаш ниятида бўлса, унинг фазилатларини кўпроқ гапиради, камчиликлари ҳақида камроқ гапиради.

Шу ерда Арасту шоир драматург Эврипид ҳаётидан қизиқ бир воқеани мисол қилиб келтиради. Бир душмани Эврипидни Дионис шарафига мусобақада ҳакамлик қилган вақтида

---

[15] Древние риторики. Стр. 150.

[16] Древние риторики. Стр. 152.

қонунни бузди, бунинг учун у судга берилсин, деб ҳақорат қилган экан. Бу даъвони Эврипид «Антидосис» деган асарида рад этганлигини айтади (Досис – ҳақорат, Антидосис – ҳақоратга қарши жавоб, деган маънони билдиради).

16-фаслда Арасту нутқнинг баён ёки ҳикоя қисмини қандай қуриш, айблов нутқида айбдорнинг ёмон ишларини кўпроқ ҳимоя нутқида бу ҳақда камроқ ҳикоя қилиш керак, дейди. Ҳамма билган, таниган одамларнинг таърифини камроқ айтиш, номаълумроқ одам ҳақида бўлса, унинг қандай одамлиги ҳақида ҳикояларни кўпроқ айтиш зарур бўлади.[17]

Арасту 17-фаслда нутқнинг учинчи – далиллаш қисмини таҳлил қилади (1-қисм – муқаддима, 2-қисм – ҳикоя). Бирор шахснинг айблов иши кўриб чиқилаётганида (суд нутқларида) шу ишнинг зарари каттами, кичикми, агар бу иш қилингани аниқ исботланмаган бўлса, далиллар талаб қилиш, халқ олдидаги нутқда эса, қилинган иш адолатлими, ноҳақликми – аниқлашга кўпроқ эътибор берилади. Бу нутқларда Ҳомер асаридан мисоллар ёки бошқа машҳур донишмандларнинг ҳикматли сўзларини келтириш ҳам далиллаш санъатига хосдир. Рақибидан кейин гапирган одам айтилган айбловларнинг асоссиз эканлигини далиллар билан исботлаши керак бўлади.

18-фаслда Арасту суд нутқларида айбловчига уч ҳолатда мантиқий саволлар бериб, айбномани рад этиш мумкинлигини айтади. У бундай мисол келтиради: Суқротни «Худолар»га ишонмайди, деб, ўлимга ҳукм қилишни истаган айбловчи Мелетга у: «Менинг демонларга (фаришталарга) ишонишимни тан оласанми?» – деб сўрайди. Мелет «Ҳа» деб жавоб беради. Кейин Суқрот: «Ундай бўлса ғалати-ку, Худонинг фаришталарига ишонган одам Худонинг ўзига ишонмайдими?» – деб савол беради ва шу тариқа айбловни рад этади. (Айбловчилар енгилганига қарамай, аввалдан ўзаро келишиб олган суд ҳайъати аъзолари Суқротни ўлимга

[17] Ўша китоб. 153-бет.

ҳукм этадилар ва қайси хилда ўлишни ўзи ҳал қилсин, – дейдилар. Муддати етганда Суқрот цикута заҳарини ичиб, ҳалок бўлади, қонунга қаршилик қилишни истамайди.)

Яна бир ҳолатда, дейди Арасту, рақиб саволга жавобида софистлар каби «ҳам шундай, ҳам шундай эмас», деб жавоб берганида, бу жавобнинг мантиқсизлигини айтиш зарур. Агар рақиб ўзининг аввалги фикрига қарши фикр айтган бўлса, буни ҳам фош этиб, унинг фикрини рад этиш мумкин.

Гоҳида эса, қарши томоннинг жиддий гапига ҳазил билан ёки ҳазилига жиддий гап билан жавоб бериш керак. «Биз «Поэтика» асарида ҳазиллар неча турли бўлишини айтганмиз», дейди Арасту. Атоқли олима А.А. Тахо-Ҳоди изоҳ беришича, «Поэтика»нинг ҳазилнинг турлари ҳақидаги қисми бизгача етиб келмаган.

Арасту «Риторика» учинчи китобининг сўнгги 19-фаслида нутқнинг хулоса қисми ўз навбатида яна тўрт қисмга бўлинишини айтади. Бу қисмлар: 1. Аввалги далилларга асосланиб, ўзининг ҳақли эканини, рақибининг ноҳақлигини эслатиш. 2. Муболаға ва камайтиришдан фойдаланиш. 3. Тингловчиларни қиздириш. 4. Қайси мақсадда нутқ сўзлаганини эслатиш.

Бу тўрт қисмнинг ҳар бирини қандай бажариш «Риторика»нинг биринчи ва иккинчи китобларида муфассал баён қилинган эди.

Хулоса қилиб айтсак, Арасту «Риторика»сида бу санъат умуман тилга, нутққа алоқадор бўлиш билан бирга, нутқнинг насрий, шеърий ва драматик турларига таллуқли бўлиб, айни вақтда нотиқлик санъатида ҳам бадиий наср, поэзия, драматик санъатларнинг бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида фикр юритилади. Яна, риторика санъати диалектикага, фикрни мантиқий асослаш, зиддиятли фикрлардан ҳақиқийларини ажратиб олиш илмига ҳам яқин, яъни шу илмдан ҳам фойдаланиш шарт.

Лекин Арасту «Риторика»сининг қиммати фақат шуларда эмас. Энг муҳими, бу асарда Арасту нутқнинг барча турларида нотиқ фалсафани, ахлоқий, маънавий баркамолликни, адолат ва ҳақиқат, гўзаллик ва инсоний фазилатларнинг ҳимоясига, уларнинг ғолиб чиқишига хизмат қилиши зарурлигини тушунтиради.

АРАСТУ «ПОЭТИКА»СИ ИБН СИНО ТАЛҚИНИДА

Ибн Синонинг «Аш-Шифо» асари 24 китобдан иборат бўлиб, унга устози аввал Арастунинг «Органон» асарига ўхшатиб, тартиб берилган. «Аш-Шифо»нинг «Мантиқ» қисми 9 китобдан иборат бўлиб, тартиби қуйидагича:

1. «Мантиққа кириш» («Исоғучи»).
2. «Маъқулот» («Категориялар», Форобийнинг шу номдаги асарига ўхшайди).
3. Ал-Иборат – (Арастуда «Ҳерменевтика», Форобийда «Бармениёс»).
4. «Қиёс» – «Силлогизм», Арастуда «1-Аналитика», Мантиқнинг асосий қоидалари шу асарда тушунтирилган.
5. «Бурхон» – «Исбот», Арастуда «2-Аналитика».
6. «Ал-Жадал» – Арастуда «Диалектика», Форобийда ҳам – «Ал-Жадал».
7. «Сафсата» – («Софистика»).
8. «Ал-Хитоб», («Арастуда-Риторика») – Нотиқлик санъати.
9. «Фанн аш-Шеър» («Поэтика»).

Ибн Сино «Хитоба» асарини ёзишда Арасту «Риторика»сидан фойдалангани аниқ сезилиб туради. Атоқли шарқшунос олима Б.Я.Шидфар аниқлашича, Ибн Сино «Аш-Шифо»нинг «Мантиқ» қисмида, аниқроғи, «Хитоба»да Саффо, Ҳомер, Агомемнон, Елена, Ахиллес номла-

рини келтиради ва уларнинг қилмишлари ҳақида гапиради, «Илиада» ва «Одисейнома» асарларидан иқтибослар – цитаталар келтиради. Бизнингча, Форобий ва Берунийда юнон тилини ўрганишга имконият бор эди. Ибн Синода эса, доимо қувғинда юргани ёки вазирлик ишлари билан бандлиги сабабли бундай имконият бўлмаган. Агар у истаса мавжуд даҳоси билан юнон тилини ўргана олади. Лекин, шуниси аниқки, ибн Сино ўзини Форобийнинг шогирди деб билган ва Арастунинг «Метафизика»дан бошқа асарлари билан ҳам Форобий асарлари орқали танишган. Лекин Ибн Сино Арастунинг «Риторика»сининг мазмунини Форобийга нисбатан яхшироқ билиши бу асарнинг билимдонларига яққол сезилади.

Ибн Сино «Хитоба» асарида ёзишича, воиз, нотиқ халқ оммасидан илмда устун, маърифатда етук бўлиши керак. Арасту «Риторика»да нутқ тугаллиги уч омилга: нотиқ, мавзу ва аудитория, тингловчиларининг мувофиқ келишига боғлиқ деган эди. Ибн Сино бу фикрни яна-да аниқлаштиради. Унинг фикрича, нотиқ оддий одамларга тушунарли қилиб гапириши керак, лекин у оддий одамларга нисбатан маърифатда устун туриши зарур. Оддий одам нотиқнинг чиройли сўзларига ишонади, унинг рост ёки ёлғонлигини ажратишга билими етишмайди. Зиёли одам эса асоссиз, далилсиз гапларга ишонмайди.

Абдуллоҳ Ибн ал-Муътазз ва Қудома ибн Жаъфар каби Ибн Сино ҳам Қуръон ва Ҳадислар тилини нутқнинг етук намунаси, деб билади ва гўзал ибораларни шулардан ўрганиш зарур, дейди.[18] Қуръон сўзларининг балоғати, фасоҳатини юксак намуна деб билади». «Осийлиги сабабли Охиратдаги жазодан қўрқадиганларга пайғамбар, имом ёки шоир сўзлари билан мурожаат қилган яхши. Кўнгли юмшоқларга ишонарли сўзлар, ошиқларга ёрининг мақтови хуш келади. Ўзига бино қўйган, худбин

[18] Б.Я.Шидфар. Ибн Сина. М., Наука. 1981. стр. 108, 109.

одамлар мақтовни ёқтиради. Кўпчилик ёмон кўрадиган одам ҳақида гапирганда унинг алдамчи, ёлғончилигини танқид қилсангиз, тўғри чиқади»[19].

Ибн Сино фикрича, воиз, нотиқнинг сўзи адолатга ва яхшиликка хизмат қилиш учун шулар ҳақида ҳақ гапларни айтиши зарур. Ноҳақ гапларни айтса, нутқ адолат ва яхшиликка хизмат қилмайди.

«Оддий одамлар воиз нутқидан тўғри хулоса чиқариб олиш учун уларни мажбурлашнинг фойдаси йўқ. Аввал айтганимиздай, хитоба (мажбурлаш санъати эмас) ишонтириш санъатидир. Хитобада баҳс-мунозара орқали ҳам тўғри хулосага келинади».[20] Арасту ҳам риторика фани бир жиҳатдан диалетикага яқин деганида баҳс-мунозарани кўзда тутган.

Шарқшунос олима Б.Я.Шидфар тўғри кўрсатиб ўтганидай, Ибн Сино назарида риторика илмида «фойдали» ва «зарарли» деган тушунчалар нисбийдир. Яъни, бир одам учун фойдали нарса (фикр ёки иш-ҳаракат) бошқа одам учун зарарли, бир давлат учун фойдали нарса бошқа давлат учун зарарли бўлиши мумкин. Арасту ва Форобийга нисбатан бу масалада Ибн Сино кўпроқ амалиётчидир. Чунки, Арасту ва Форобий назарий жиҳатдан «фойдали» деганда барча халқлар учун фойдали нарсаларни, «зарарли» деганда барча халқлар учун зарарли нарсаларни кўзда тутадилар. Бошқа одамларнинг зарарига фойда орттиришни Арасту ҳам, Форобий ҳам зулм деб атайдилар.

Юқорида биз Ибн Сино Форобий «Хитоба»сини эмас, Арасту «Хитоба»сини яхши билишини айтган эдик. Бунинг далили – Форобий «Хитоба»сида эсламаган ва Арасту «Хитоба»сида эсланган қадимий юнон адабиёти қаҳрамонларининг Ибн Сино асарида фикрини далиллаш учун тилга олинишидир. Ибн Сино бу ҳақида яна аниқроқ айтади: «Риторик нутқ (хитоба) мазмунан уч турлидир: 1.

---

[19] Б.Я.Шидфар. Ибн Сина. – Москва. Наука. 1981. Стр. 111.

[20] Ўша китоб. 111-бет.

Тўғри тасдиқни билдирувчи фикр. 2. Хато тасдиқ-фикр. 3. Мадад сўраш»[21].

Ибн Сино хитобий нутқининг учинчи турини «Мадад сўраш» деб аталишига ажабланмаслик керак. Арасту «Хитоба»сида ҳам нутқ уч турга бўлинади. Лекин, бу тасниф Ибн Сино кўрсатганига ўхшамайди. Арасту хитобий нутқи бундай турларга бўлинади: 1. Кенгашув нутқи. 2. Ҳакамлик ёки адлия нутқи (судланув нутқи). 3. Эпидейктив нутқ – бирор тадбирни маъқуллаш ёки қоралаш, яъни баҳоловчи нутқ.[22]

Ибн Сино таснифи эса бу масалада Форобий таснифига яқиндир.

«Устози Аввал (Арасту) замонида нотиқлар икки оқимга бўлинган эдилар», – дейди Ибн Сино. Биринчи оқимга мансуб нотиқлар нутқнинг учала туридан фойдаланганлар. Иккинчи оқимга мансуб нотиқлар эса ёлғон хулосали нутқларни инкор этганлар. Суқрот, Перикл, Демосфен шундай нотиқлар эдилар (М.М.). Юнонистонда барча нотиқлар бирор қонуншунос буюрган фикрлардан эмас, балки оддий одамлар яхши тушунадиган умумий эътироф этган ҳақиқатлар – асос фикрлардан фойдаланган (Масалан: Ота, онани ҳурматлаш керак. Яхшилик қилган одамни унутмаслик керак.[23]) Арасту бундай асос фикрлар, муқаддималарни юнонча «топлар» деб атайди. У «Риторика» асарида топларга катта эътибор бериш билан бирга, бу ҳақда яна махсус «Топика» асарини ҳам ёзган (Форобий «Тубиқа» деб таржима қилган).

Ибн Сино «Хитоба»сида Арасту ва Форобийда учрамайдиган оригинал ҳаётий кузатишларни ҳам кўрамиз. У турли ёшдаги тингловчиларнинг табиати, феъл-атвори, руҳиятини нотиқ яхши билиши зарурлигини таъкидлайди. «Ёшларда

---

[21] Б.Я.Шидфар. Ибн Сина. – М.: Наука, 1981. Стр. 112.

[22] Аристотель. Риторика. Античные риторики. – М. Изд. Мгу, 1978. Стр. 25.

[23] Б.Я.Шидфар. Ибн Сина. – М.: Наука. 1981. Стр. 112.

турли эҳтиросларр бор, лекин бу эҳтиросларр асосан Зуҳрога алоқадор, улар севиш, севилишни, чиройли кийнишни, атир, ифорларни жуда яхши кўрадилар. Ёшларнинг кайфияти тез ўзгариб туради, улар бирор иш билан шуғулланса, тез зерикиб, бошқа ишга қизиқиб қоладилар, улар кўнгилхушликларга, ифортга ружу қўйган, меъёрни билмайдилар. Ёшлар эҳтиросларр кучли, қизиққон, фикри беқарор бўлгани учун тез толиб, чарчаб қоладилар. Уларнинг жаҳли тез, ғазабини босолмайдилар, иззат-нафс учун тез жанжаллашадилар. (Ўсмирларнинг енгилтаклиги шундан. – М.М.)».

Балоғатга етгач эса йигитлар ўзига бино қўйган, лекин дўстларни, тенгдошларни ҳам ҳурмат қиладилар, ҳаётни, шўхликни севадилар. Шўхлик эса дўстлар орасида бўлади. Булар ўзларига ҳақиқий фойдани ўйлаб эмас, фақат ҳузур-ҳаловатни, маза қилиб яшаш учун дўст танлайдилар ва дўстликдан лаззат оладилар.

Қариялар эса буларнинг тескариси, жуда ўжар, қайсар ва шубҳакор, кўп фалокатларни кўрганлари ва кўп марта алданганлари учун ҳеч кимга ишонмай қўйганлар. Шу сабабли жуда эҳтиёткор бўлиб қолганлар. Улар келгусида бўлажак ишлар ҳақида ҳам ишончсизлик, «балки», «эҳтимол» деб гапирадилар. Улар энди севгини эмас, тансиқ, лаззатли таомларни ўйлайдилар. Адолат қарор топишини истайдилар, лекин бу истаклари тинч ҳаётни яхши кўриши, қўрқоқлиги ва заифлиги сабабдир[24]...

Афлотун «Давлат» асарида Суқрот ва бошқа донишмандлар суҳбати ва баҳс-мунозараси жараёнида адолатни кучлилар эмас, заифлар севади, деган ғояни муҳокама қиладилар. Суқрот бундай қараш хато эканлигини исботлайди.

Ибн Сино «Хитоба» асарида («Аш-Шифо» таркибида) нотиқнинг маҳорати, фазилатлари нутқ безакларида, чиройли гапиришда эмаслигини айтади. Ибн Сино фикрича,

[24] Ибн Сино. Аш-Шифо. Б.Я.ШИдфарнинг «Ибн Сино» китобида. М. Наука, 1981. Стр. 116.

ақлий қуввати кам, маърифат ва маънавиятда заиф нотиқлар ўз нутқларини турли усуллар билан безашга ҳаракат қиладилар. Маънавий етук, кучли нотиқлар вазмин, камтарин, оғир-босиқ бўлади. Улар обрў топиш учун кибру ҳавога муҳтож эмаслар (одатда маърифатсиз, жоҳил одамлар такаббур, манмансираган, кеккайган бўлади. – М.М.) Маънавий етук одамлар эса ўз ақли ва қобилиятларига ишонадилар, катталарга ялтоқлик қилмайдилар. Муҳими – чиройли гапириш эмас, далил, исбот билан гапиришдир.

Шундан сўнг Ибн Сино риторикада – нотиқлик санъатида ва шеъриятда фойдали бўлган чиройли иборалар, ташбеҳлар, сўз безаклари аниқ фанларда зарарли эканлигини айтади.[25]

«Шеъриятда ярашадиган сўз санъатлари (истиора, ийҳом, тажнис, талмеҳ...) нотиқлик санъатида ярашмайди», – дейди Ибн Сино. Унинг бу фикри антик давр риторикаларининг қарашларига зиддир. Машҳур тарихчи Фукидид китобида келтирилган Перикл нутқида Саламин жангида ўлиб кетган ёшларга чуқур ҳамдардлик билдириб, «бирор давлатда ёшларнинг йўқолиши йил фаслларидан баҳорнинг йўқолиши кабидир», деган шоирона ташбеҳи тингловчиларда кучли таассурот қолдирган.[26] Бошқа машҳур нотиқлар ҳам ўз нутқларида Ҳомер, Гесиод, Саффо, Эсхил, Софокл, Эврипид каби даҳо шоирларнинг шеъридан ўринли фойдаланиб, тингловчиларнинг қалбларини ларзага солганлар. Лекин, кейинги даврларда жаҳон мамлакатларида сиёсий арбоблар таълим, тарбиясида шеъриятга эътибор камайгани сабабли уларнинг нутқи баъзан зерикарли ва таъсирсиз бўлиб қолади. Ибн Синонинг юқоридаги фикрини инкор этмаган ҳолда бу фикр ҳақиқати нисбий эканлигини билдирмоқчимиз. Чунки, Ибн Синодан аввалроқ ўтган ал-Жоҳиз, Бишр ибн Муътамир, Қудома ибн Жаъфар, Ибн Синодан кейин яшаган

---

[25] Ибн Сино. Хитоба «Аш-Шифо»дан иқтибослар. Б.Я.Шидфернинг «Ибн Сино» китобидан олинди.

[26] Хрестоматия по античной литературе. Том I. 1948. М. Стр. 419.

Муҳаммад Ғаззолий, Муҳаммад Авфий, Арузий Самарқандий, Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида ҳам насрий нутқ орасида шеърлардан, ташбеҳлардан ўринли фойдаланилган.

Ибн Синонинг юқоридаги фикрни айтишдан мақсади, Арасту «Поэтика»да ёзганидай, илмий мавзулардаги фикрларни шеърий йўлда ёзишни шеърият қаторига қўшмаслик ҳақидадир.

Ибн Сино фикрича, шоирлар ҳам ҳаёт воқеаларини, табиат манзараларини, инсон руҳиятини тасвирлашда бадиий нафисликка эришаман деб, ортиқча безакдорликка, жимжимадорликка берилиши керак эмас. Бу билан мутафаккир ўз замонасидаги Муиззий, Фарруҳий, Утбий каби мадҳиябоз шоирларнинг сохта ялтироқлигини танқид қилмоқчи эканлиги шубҳасиз. «Шоирнинг сўзлари тубан ва тушунарсиз бўлмасин, шу билан бирга жуда тўпори ва жўн ҳам бўлмасин. Машҳур шоирлар ўз шеърларида халқ орасида қўлланган ва қўлланилаётган кўпчиликка маълум иборалардан ҳам, ноёб сўзлардан ҳам фойдаланганлар. Шеър халқнинг оддий тилидан гўзалроқ, лекин жимжимадорликдан узоқ бўлиши керак».

Ибн Сино фикрича, шеър санъати одамларни бирор фикрга ишонтириш учун эмас, балки уларда ҳаққоний тасаввурлар уйғотиш учун мавжуддир.

МУНДАРИЖА

М.Маҳмудов. Устози аввал.....5
Санъат ва адаб назариясининг илк дурдоналари.....19

ПОЭТИКА

I. Асар мазмуни.....21
II. Тасвирланмиш ҳаётнинг хилма-хиллиги.....23
III. Тасвирлашнинг турли усуллари.....23
IV. Поэзиянинг табиий пайдо бўлиши.....25
V. Комедиянинг моҳияти ва такомиллашуви.....27
VI. Трагедия. Унинг моҳияти.....29
VII. Трагедиянинг яхлитлиги.....32
VIII. Воқеа бирлиги.....33
IX. Воқеада ўзига хослик ва умумлашма.....34
X. Мураккаб ва содда фабулалар.....36
XI. Трагедиянинг ички бўлиниши:
мушкулот, тўсатдан билиш, эҳтирос.....37
XII. Трагедиянинг ташқи бўлиниши.....38
XIII. Трагедиянинг таркиби.....39
XIV. Ҳамдардлик ва даҳшат уйғотиш.....41
XV. Характерлар.....43
XVI. Билиб қолиш.....45
XVII. Жонли тасаввур.....47
XVIII. Тугун ва ечим.....49
XIX. Тил ва фикр.....51
XX. Нутқ бўлаклари.....52
XXI. Отларнинг турлари.....54
XXII. Сўз танлаш.....56
XXIII. Эпос, унинг ривоят жиҳатидан трагедияга ўхшашлиги.....59
XXIV. Турлар ва таркибий қисмлардаги ўхшашлик.....60
XXV. Поэзиядаги ҳақиқий воқелик тасвирини танқид
қилганларга жавоб.....64
XXVI. Трагедиянинг эпосдан устунлиги.....68
Хулоса.....70
Изоҳлар.....71
Абу Наср Форобий. Шоирлар санъати қонунлари ҳақида.....76

Абдусодиқ Ирисов. Арасту «Поэтика»си ва унинг шарқдаги издошлари 86
Маҳкам Маҳмуд. «Поэтика» ва ҳозирги замон адабиёти 90
Арасту ҳакимнинг «Ахлоқи кабир» асарининг ўзбекчага таржимаси ҳақида 103

АХЛОҚИ КАБИР
(КАТТА АХЛОҚ КИТОБИ)

Биринчи китоб 106
Ҳаёт неъматлари 108
Ҳаёт неъматларининг турлари 115
Иккинчи китоб 159
Юнончадан Т.Миллер таржимасига изоҳлар 204
Биринчи китоб 206
Иккинчи китоб 212
Юнонча-ўзбекча айрим терминлар 215

РИТОРИКА (ХИТОБА)

Биринчи китоб

1-БОБ *216*
2-БОБ *221*
3-БОБ *229*
4-БОБ *235*
5-БОБ *239*
6-БОБ *243*
7-БОБ *249*
8-БОБ *255*
9-БОБ *257*
10-БОБ *264*
11-БОБ *270*
12-БОБ *276*
13-БОБ *283*
14-БОБ *289*
15-БОБ *291*
Таржимон изоҳи 296
«Риторика»нинг 1-китобига изоҳ ва шарҳлар 297
Маҳкам Маҳмудов. Рашидхон Шукуров. Арастур «Риторика»сида нотиқлик санъати ва маънавият муаммолари 310
Арасту «Поэтика»си Ибн Сино талқинида 342

Адабий-бадиий нашр

АРАСТУ

ПОЭТИКА
(Нафис санъатлар ҳақида)

АХЛОҚИ КАБИР
(Катта ахлоқ китоби)

РИТОРИКА
(ХИТОБА)

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Нигора УМАРҚУЛОВА

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.
Босишга 2015 йил 14 октябрда рухсат этилди.
Бичими 60x84 $^{1/16}$.
Босма табоғи 22,0. Шартли босма табоғи 20,53.
Гарнитура «Arno Pro». Офсет қоғоз.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 190.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-30-52;
Маркетинг бўлими – 128-78-43; факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НММ ТОМОНИДАН «ЗАКОВАТ ДУРДОНАЛАРИ» РУКНИДА ЧОП ЭТИЛГАН КИТОБЛАР:

ПЛУТАРХ
«САЙЛАНМА»
Юмшоқ муқова, 60x84 1/16 форматда, 216 бет

Ушбу тўпламга юнонистонлик машҳур муаррих ва адиб Плутархнинг уч асари киритилган. Булар – «Искандар Мақидуний», «Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари» ва «Келин-куёвларга насиҳатлар»-дир. «Искандар Мақидуний» асарида подшоҳ ва саркарда Искандарнинг инсоний фазилатлари имкони борича мукаммал ёритилган. «Подшоҳ ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари» асарида 91 подшоҳ ва саркарданинг беш юздан ортиқ ҳикматлари келтирилган. Нисбатан кичик ҳажмдаги «Келин ва куёвларга насиҳатлар»да янги турмуш қурган йигит ва қизларга Плутарх ажойиб панд-насиҳатлар беради.

АФЛОТУН
«ДАВЛАТ»
Юмшоқ муқова, 60x84 1/16 форматда, 460 бет

Асарда инсонларни бир тану бир жон бўлиб, ҳамиша ҳар ерда муросаи мадора билан иш юритиш кераклиги илгари сурилади. Яна айтиладики, мулоҳазалилик ва адолат – гўзал бир нарса, аммо шу билан бирга машаққатли ва қийиндир, бебош ва адолатсиз бўлиш эса осон ва хуш ёқади, фақат умумий фикрлар ва қонун туфайли бу нарса уятли ҳисобланади. Айтадиларки, адолатсиз хатти-ҳаракат адолатли ишларга қараганда мақсадга мувофиқроқдир; одамлар разилларни, агар улар бой ва нуфузли бўлсалар, ижтимоий ҳаётда ҳам, шахсий рўзғорда ҳам бахтли деб ҳисоблаш ва ҳурмат қилишга ҳамда қандайдир ожиз фақирларни, уларнинг бойлардан яхши эканликларини тан олиб турсалар-да, менсимаслик ва улардан жирканишга осонликча мойил бўладилар.

Агар кимдир ўз душманига зарар етказмоқчи бўлса, у ҳолда озгина сарф-харажат билан у адолатсиз одамга қанча зарар етказадиган бўлса, адолатли одамга ҳам шу даражада зарар етказиши мумкин.